Маматқул ЖЎРАЕВ

# ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ



ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Маматқул ЖЎРАЕВ

# ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ

(биобиблиографик тадқиқот)

"FIRDAVS-SHOH"
ТОШКЕНТ – 2021

УЎК 398(575.1)
Ж 96

**Масъул муҳаррир:**

*Шомирза ТУРДИМОВ* – филология фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

*Жаббор ЭШОНҚУЛОВ* – филология фанлари доктори, профессор
*Зебинисо РАСУЛОВА* – филология фанлари номзоди

**Жўраев, Маматкул**

Ж 96 Ўзбек фольклоршунослиги [Матн]: монография / Маматкул Жўраев. – Ташкент. "Firdavs-Shoh" нашриёти, 2021. – 592 б.
ISBN 978-9943-6697-3-4

Ўзбек халқи асрлар бўйи яратилиб, сайқалланиб келган ғоят беназир фольклор меросига эга. Ана шу бебаҳо дурдоналарини ёзиб олиш, нашр этиш ва илмий тадқиқ этиш игна билан қудуқ қазишдек машаққатли ишдир. Халқ ижодиётини илмий ўрганиш борасида самарали меҳнат қилган заҳматкаш олимлар ва фидойи фольклор тўпловчиларнинг фаолияти ҳақида кенг кўламли маълумот берувчи ушбу илмий-биобиблиографик тадқиқот ўзбек фольклоршунослиги фанининг ўзига хос кўзгусидир.

Китоб фольклоршунослар, этнографлар, филолог-талабалар ҳамда халқимизнинг миллий қадриятлари билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

*Ушбу монография ФЗ-201912099 "Ўзбек фольклорининг ўзбек ва инглиз тилларидаги веб сайти ва мультимедиа маҳсулотини яратиш". мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида тайёрланган.*

*Тадқиқот ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий кенгашининг қарори билан (2021 йил 9 апрелдаги 4-сон баённома) чоп этилмоқда.*

**УЎК 398(575.1)**

ISBN 978-9943-6697-3-4

**© М. Жўраев, 2021**
**© "Firdavs-Shoh" нашриёти, 2021**

# МУҚАДДИМА

Халқимиз бадиий салоҳиятининг асрлар давомидаги изчил тараққиёти натижасида хилма-хил жанрлардан иборат оғзаки бадиий ижод дурдоналари яратилган. Бинобарин, ўзбек халқ ижодиёти аждодларимизнинг кўп асрлик бадиий тафаккур дурдоналарини ўзида мужассамлаштирган бебаҳо миллий қадриятлардан тизими саналади. Фольклоршунослик эса жонли оғзаки анъанада яратилиб, ривожланиб келган халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш, фольклор асарларини архивлаштириш, унинг энг яхши намуналарини нашр этиш, илмий ўрганиш ва оммалаштириш билан шуғулланади.

"Фольклоршунослик" ёки "фольклористика" фанининг асосий мақсади халқ оғзаки бадиий ижодининг ўзига хос хусусиятлари, фольклор жанрларининг пайдо бўлиш тарихи ва тараққиёт қонуниятлари, тур ва жанрларнинг таркиб топиши, шаклланиш жараёнлари, фольклор ижрочилиги ва ижодкорлиги, фольклор ва ижтимоий ҳаёт, фольклор асарлари поэтикаси, тарихий-фольклорий жараён, рунетфольклор, "постфольклор" ва унинг ўзига хос белгилари каби масалаларни ўрганишдан иборатдир. Шунингдек, мифология ва қадимги давр фольклори, маросим фольклори, болалар фольклори, халқ лирикаси, фольклор ва ёзма адабиёт, ўзбек фольклорининг эпик жанрлар тизими, халқ достончилиги, достончилик мактаблари ва уларнинг эпик анъаналари, туркий халқлар фольклорининг ўзаро алоқалари ва фольклорда жанрлараро муносабатлар, оғзаки театр ва халқ томоша санъати, оғзаки анъанадаги халқ мусиқаси ва анъанавий рақс санъати ҳам фольклоршуносликнинг ўрганиш объекти доирасига киради.

Фольклоршунослик ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятлари, лапарчи, ўланчи, аскиябоз, қизиқчи, қўғирчоқбоз, ашулачи, эртакчи, бахши, қушноч ва бошқа фольклор ижрочиларининг репертуарини ўрганиш, фольклор ижрочилигига хос локал

хусусиятларни аниқлаш, ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодини туркий ҳамда жаҳон халқлари фольклори контекстида тадқиқ этиш сингари фундаментал масалалар билан шуғулланади.

Халқ ижодиётининг барча тур ва жанрларини тадқиқ этадиган фольклоршунослик фанининг илмий ***тадқиқот объекти*** қуйидагилардан иборат:

***Фольклор назарияси*** – халқ оғзаки бадиий ижодининг ўзига хос хусусиятлари (анъанавийлик, оғзакилик, вариантлилик, анонимлик, полифункционаллик, кўпэлементлилик, коллективлик), унинг тур ва жанрлар тизими, бадиияти ва услуби; фольклор поэтикасининг назарий асослари; фольклорда "сюжет", "мотив" ва "образ"; фольклорнинг соф миллий, ҳудудий ва жаҳон халқлари оғзаки бадиий ижоди билан муштараклик касб этадиган хусусиятларини аниқлаш; халқ бадиий тафаккури тараққиётининг ўзига хос қонуниятларини очиш, фольклорга хос "анъанавийлик", "эпик билим", "эпик хотира" ва "бадиҳагўйлик" табиатини ёритиш; ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг туркий халқлар фольклори контекстидаги ўрни; фольклор типологияси, семиотикаси ва семантикаси; фольклор ижрочилиги ва ижодкорлиги; фольклор ижрочиларининг бадиий маҳорати, достончилик мактаблари, уларнинг ўзига хос эпик анъаналари, устоз-шогирдлик муносабатлари, бахшиларнинг шогирд тайёрлаш усуллари, бахши эпик репертуарининг ўзига хос хусусиятлари; фольклорнинг ижодий методи; фольклор асарларининг тил хусусиятлари, лингвофольклористика, этнолингвистика; фольклор ва мифология; фольклор прагматикаси ва семиотикаси; фольклор атамашунослиги (жаҳон фольклоршунослиги терминологияси ва ўзбек тилининг ички имкониятлари асосида атамалар тизимини бойитиб бориш); ўзбек фольклори бўйича дастурлар, дарслик, ўқув қўлланмалари ва мажмуалар яратиш.

***Фольклор тарихи*** – фольклор тарихини яратиш; фольклор жанрлари, сюжет, мотив ва образларнинг генезисини ойдинлаштириш; халқ ижодининг вербал, мусиқий, пластик ва бошқа шаклларига хос тадрижий тараққиёт босқичларини аниқлаш; бадиий тафаккурнинг шаклланишига асос бўлган архаик фольклорни реконструкция қилиш; мифологияни халқ оғзаки ижодининг қадимий қатлами сифатида тадқиқ этиш асосида мифнинг "архаик жанр" эканлигини асослаш; эпик сюжетларнинг архетипларини



кўрсатиш; халқ оғзаки бадиий ижодиёти жанрлари (миф, достон, терма, қўшиқ, эртак, афсона, ривоят, нақл, латифа, лоф, аския, мақол, топишмоқ, маросим фольклори, болалар фольклори, демонологик ҳикоя, оғзаки ҳикоя, халқ лирикаси, диний фольклор, тарихий қўшиқ, халқ томоша санъати, кулги-ҳикоя, халқ драмаси, қўғирчоқбозлик, масхарабозлик, қизиқчилик, театрлаштирилган майдон томошалари ва ҳ.к.)ни яхлит бадиий тизим сифатида тадқиқ этиш; фольклоршуносликнинг муайян жанрларни изчил ўрганишга ихтисослашган классик йўналишлари (эртакшунослик, эпосшунослик, паремиология, мифология, маросимшунослик, лингвофольклористика)ни тараққий эттириш ва "этнофольклористика", "археофольклористика", "этнолингвистика", "фольклор ва этномаданият", "фольклор ва маънавий тараққиёт", "постфольклор" сингари янги йўналишларни кучайтириш; тарихий-фольклорий жараён қонуниятларини очиш, "постфольклор" ва "киберфольклор"нинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш, фольклор жанрларининг тарихий тақдири масаласини ўрганиш; анъанавий фольклорнинг бугунги ҳолати ва постфольклор жанрларини тадқиқ этиш; анъанавий фольклорнинг замонавий санъат турларидаги "иккиламчи талқини", фольклор алоқалари ва халқ оғзаки бадиий ижодидаги жанрлараро муносабатларни ўрганиш; фольклор асарлари нашрининг фольклор ижрочилигига таъсирини ёритиш; халқ оғзаки бадиий ижодини "этномаданий ландшафт" контекстида, яъни маданий, этнографик, тарихий ва табиий-жўғрофий муҳитнинг таркибий қисми сифатида ўрганиш; мустақиллик даври ўзбек фольклорини тадқиқ этиш; фольклор ва унинг маънавий-маданий тараққиётдаги ўрнини белгилаш.

***Фольклор матншунослиги*** (текстологияси) – халқ оғзаки бадиий ижоди асарлари матнининг ўзига хос хусусиятларини (вариант, версия, архетип, инвариант, гипертекст каби) ўрганиш; муайян матннинг фольклор асари эканлигини аниқлаш методикаси ва илмий мезонларини белгилаш; халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини нашр этишнинг илмий принципларини ишлаб чиқиш; матнга асарнинг аудио ва видеоёзувларини илова қилишнинг компьютер дастурларини яратиш; фольклор асарларининг кўпжилдли, оммабоп, илмий-академик ва ўқув нашрларини тайёрлаш; муайян фольклор ижрочиси (бахши, эртакчи, қўшиқчи, аскиябоз, қизиқ-

чи ва ҳ.к.)нинг репертуаридаги асарларни алоҳида нашр этиш принципларини ишлаб чиқиш; нашр этилган фольклор асарлари матни юзасидан текстологик тадқиқотлар олиб бориш.

***Фольклорни тўплаш ва системалаштириш*** – амалий фольклоршунослик, халқ ижодиётининг барча тур ва жанрларига оид материалларни тўплаш ва архивлаштириш; фольклорнинг локал хусусиятлари, "шаҳар фольклори", "постфольклор", халқ ижодининг "фольклоризм"лашиш жараёни; вербал, мусиқий ва хореографик фольклор; фольклорнинг сўз санъати сифатидаги хусусиятлари; фольклорни филологик нуқтаи назардан тасниф қилиш ва системалаштириш; фольклорнинг маросимга алоқадор ва маросимга алоқаси бўлмаган жанрлар туркумига бўлиниши; халқ оғзаки бадиий ижодининг эпик, лирик ва драматик турга мансуб жанрлари; фольклор асарларини тўплаш ишига аудио-видео ва рақамли ёзув технологияларини жорий қилиш; фольклор жанрлари бўйича кўрсаткичлар тузиш (масалан, ўзбек халқ достонларининг сюжет кўрсаткичи); ўзбек халқ эртакларининг Аарне-Томпсон-Уити каталоги асосидаги сюжет ва мотивлар кўрсаткичини яратиш; миф, афсона, ривоят, нақл, латифа сюжетлари кўрсаткичини тузиш; маросим фольклори жанрлари, афсун-авраш, лирик қўшиқ, тарихий қўшиқ, меҳнат қўшиқларига оид кўрсаткичлар тузиш; ўзбек фольклори асарлари учун хронологик, биографик, тематик (мавзу бўйича), жўғрофий-ҳудудий кўрсаткичлар тайёрлаш; компьютер технологиясини қўллаш орқали фольклорни системалаштириш принципларини ишлаб чиқиш; фольклорни тўплаш ва архивлаштириш.

***Медиафольклористика*** – фольклор асарларини ёзиб олишга рақамли технологияларни жорий этиш; "постфольклор"ни ёзиб олиш методикасини яратиш; фольклор материалларини системалаштириш бўйича компьютер дастурлари яратиш ва фольклор архивининг тезарусларини ишлаб чиқиш; фольклор архивларини илмий тавсифлаш; архив материаллари, матнлар, аудио ва видеоёзувларни СДга ўтказиш; ўзбек фольклорининг компьютерлаштирилган электрон фондини яратиш.

***Фольклористик тадқиқотлар методологияси*** – халқ оғзаки бадиий ижодини тадқиқ этишнинг турли методларини қиёсий ўрганиш; жаҳон фольклоршунослигининг етакчи илмий мактаблари (мифологик мактаб, "фин" мактаби, "сайёр сюжетлар" назарияси, тарихий мактаб, антропологик мактаб, ритуал-мифологик мактаб



ва ҳ.к.) ва уларнинг назариялари; фольклорни ўрганишнинг ҳозирги метод ва усуллари (тавсифий, картографик, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структур-семиотик, руҳий-таҳлил ва ҳ.к.); муайян жанр, сюжет, мотив ва образларнинг архаик кўринишларини реконструкциялашга имкон берадиган "палеонтологик метод" ёки "ретроспектив метод"ни такомиллаштириш; фольклорга хос кўпфункциялилик ва кўпэлементлилик табиатини комплекс тадқиқ этиш методлари; мифология, фольклор, халқ тили, этнография ва амалий санъатни халқнинг яхлит маънавий маданиятини ташкил этувчи таркибий қисмлар сифатида тизимли ўрганиш; фольклористика ва уни ўқитиш муаммолари; фольклоршуносликнинг унга ёндош фанлар (этнология, археология, тарих, тилшунослик, адабиётшунослик, санъатшунослик, социология, фалсафа, маданиятшунослик) билан алоқаларини кучайтириш орқали интегратив фольклористикани ривожлантириш.

Филологик йўналишдаги фольклоршунослик халқимиз бадиий тафаккурининг асрлар давомида узлуксиз тараққий этиб, ривожланиб келиши натижасида яратилган оғзаки поэтик ижод асарларини сўз санъати сифатида тадқиқ этиб, халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини ёзиб олиш, архивлаштириш, нашр этиш ва уни илмий ўрганиш билан шуғулланади. Ўзбек халқ мусиқа мероси жанрларини ноталаштириш ва тадқиқ этиш, халқ оғзаки драмаси, аскиябозлик, қўғирчоқбозлик, масхарабозлик санъатига оид материалларни ёзиб олиб, илмий ўрганиш, шунингдек, халқ ҳунармандчилиги (кулолчилик, каштачилик, бешиксозлик, пичоқчилик ва ҳ.к.), амалий санъат ҳамда халқ рақс санъатини тадқиқ этиш санъатшунослик йўналишидаги фольклоршуносликнинг асосий вазифаси саналади.

Хуллас, фольклоршунослик халқ оғзаки бадиий ижодиёти асарларини изчил тўплаш, уни барча вариантлар ва версиялар асосида илмий тавсифлаш ҳамда фольклор асарларининг оммабоп ва илмий-академик нашрларини тайёрлаш билан шуғулланадиган алоҳида фан йўналиши бўлиб, халқ ижодиётининг назарияси, тарихий асослари, локал хусусиятлари, тарихий-фольклорий жараён, фольклор асарлари поэтикаси, мустақиллик даври ўзбек фольклори, анъанавий фольклор ва постфольклор, фольклоризмларнинг маданий қадриятлар тизимида тутган ўрни каби масалалар унинг устувор йўналишларини ташкил этади.

## ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Маълумки, халқимиз бадиий салоҳиятининг асрлар давомидаги изчил тараққиёти натижасида хилма-хил жанрлардан иборат оғзаки бадиий ижод дурдоналари яратилган. Бинобарин, ўзбек халқ ижодиёти аждодларимизнинг кўп асрлик бадиий тафаккури дурдоналарини ўзида мужассамлаштирган бебаҳо миллий қадриятларимиздан биридир. Фольклоршунослик эса асрлар давомида яратилиб, ривожланиб келган халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш, фольклор асарларини архивлаштириш, унинг энг яхши намуналарини нашр этиш, илмий ўрганиш ва оммалаштириш билан шуғулланади.

Ўзбек фольклори асарларининг тўпланиши ва ёзиб олиниши тарихи ҳақида сўз юритилганда X асрда яшаб ижод қилган машҳур муаррих Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарида шаҳар ва қишлоқ номлари, тарихий обидалар ҳамда ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги халқ ривоятлари, афсоналари келтирилганлиги; XI асрнинг буюк олими Маҳмуд Кошғарий туркий қавмлар диёрини кезиб, мақол, матал, қўшиқ, ривоят ва афсона сингари фольклор жанрларига оид бой материалларни ёзиб олиб, "Девону луғотит турк" асарига киритганлигини эслаш керак бўлади. Шунингдек, аждодларимизнинг қадимий астромифологик тасаввурлари, урф-одат ва маросимлари, асотиру ҳикоятларини ўз асарларида ёзиб қолдирган қомусий олим Абу Райҳон Беруний, мақол ва маталларни ёзиб олиб, уларнинг хусусиятларини ўрганган Маҳмуд Замахшарий, қадимги хоразмликларнинг миф, афсона, ривоят ва нақлларини "Қисаси Рабғўзий"га жамлаган Носируддин Бурҳонуддин Рабғўзий, ўзбек халқ шеъриятининг жанрлар таркиби хусусида фикр юритган Алишер Навоий; улуғ ўзбек шоири тўғрисидаги халқ ривоятларини нақл қилган тарихнавис Хондамир; мусиқа фольклорининг турли хил жанрий



ранг-баранглигига доир материалларни ёзиб қолдирган Дарвеш Али Чангий; ўзбек халқининг урф-одатлари, маросимлари, мақол ва ҳикматли сўзлари, ривоятлари ҳақида қизиқарли фактларни келтирган Заҳириддин Муҳаммад Бобур; халқ мақолларининг дастлабки хассос тўпловчиларидан бири Гулханий, ўзи тузган луғатда халқ қўшиқларидан кўплаб мисолларни келтирган Шайх Сулаймон Бухорий ўзбек фольклори асарларининг илк тўпловчилари эдилар.

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёда фаолият олиб борган шарқшунос, тилшунос, этнограф ва ўлкашунос олимлар, шунингдек, зобит ва сайёҳлар – А.Диваев, А.Эйхгорн, А.Н.Самойлович, Н.П.Остроумов, В.Вяткин, Л.Кунь, А.Васильев, Г.Арандаренко, А.Гребенкин, М.Гаврилов, В.Наливкин, Е.М.Пешчерева, Н.Ликошин, П.Комаров, А.Хорошхин, К.Г.Зелеман, Ю.Казбеков, Л.Бундзинский, М.Ростиславов, Г.Андреев, М.С.Андреев, В.Г.Андреев, Л.Симонова, А.Л.Троицкая ва бошқалар ўзбек халқининг фольклори, ирим-сиримлари, мифологик эътиқодлари, маросим ва удумлари, анъанавий тақвими, байрам ва сайилларига оид материалларни ёзиб олиб, асосан, рус тилида нашр эттирдилар.

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини бевосита жонли ижро шароитларида ёзиб олиш, тўплаб нашр этиш ва илмий ўрганиш ишлари XX асрнинг 20-йилларидан бошланди. "Маориф" журналининг 1918 йил 1-сонида халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўпловчилар учун қўлланма чоп эттирилиши билан ўзбек фольклори материалларини илмий асосда ёзиб олишга асос солинган.

Фольклор асарларини тўплаш ва ўрганиш ишлари 1918–20 йилларда Туркистон Маориф халқ комиссариатининг Туркий секцияси, 1921–24 йилларда эса Давлат илмий кенгашининг Ўзбек билим ҳайъати томонидан амалга оширилган. Ўзбек билим ҳайъатининг Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманига (1921), Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига (1922), Фарғона водийсига (1922) уюштирган фольклор экспедициялари, айниқса, самарали бўлган. Бу илмий сафарларда қатнашган Ғози Олим Юнусов ва Ғулом Зафарий лапар, ўлан, болалар қўшиқлари, оғзаки драма, эртак ва афсона, маросим фольклорига оид материалларни ёзиб олишган.

Ўзбек билим ҳайъати томонидан ташкил этилган фольклор-этнографик экспедицияларга бошчилик қилган Ғ.О.Юнусов халқ

оғзаки бадиий ижоди намуналарини тўплаш ва оммалаштиришнинг ташаббускорларидан бири бўлган. Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли каби халқ бахшиларини аниқлаган Ғ.О.Юнусов ўзбек эпосшунослиги тарихида биринчи бўлиб 1922 йилнинг ёзида Фозил Йўлдош ўғли ва Ҳамроқул бахшилардан "Алпомиш" достонидан парчалар ёзиб олган. У ўзининг "Ўзбекларда эл таниш иши" номли мақоласида ("Туркистон", 1922, 18 декабрь) фольклоршуносликда биринчи бўлиб "Алпомиш", "Гўрўғли", "Юсуф ва Аҳмад" достонлари ҳақида фикр юритган, "Алпомиш" достонини жаҳон адабиётининг "Одиссея", "Илиада" каби ажойиб дурдоналарига қиёслаган. Ғ.О.Юнусов Тошкент, Сирдарё, Самарқанд вилоятларида бўлиб, кўплаб қўшиқ, эртак, афсона, мақол, топишмоқ ва ривоятларни ёзиб олган, ўзбек маросим фольклорига доир кузатишлар олиб бориш билан бир қаторда бой этнографик материалларни ҳам тўплаган. Олим ўзбек фольклори намуналарини тўпловчилар учун методик қўлланма ҳам яратган.

1925–28 йилларда фольклористик ишлар Ўзбекистон Маориф комиссарлиги Илмий шўросининг Ўзбекларни ўрганиш комитетида марказлаштирилган. Бу даврда Ғози Олим Юнусов, Ҳоди Зариф, Абдулла Алавий каби миллий қадриятларимиз фидойилари халқ бахшиларини, эртакчи ва қўшиқчиларни аниқлаш, уларнинг репертуаридаги асарларни ёзиб олишни ташкил этиб, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Нурмон Абдувой ўғли, Берди бахши, Абдулла шоир ва бошқа кўплаб бахшилардан халқ достонларини ёзиб олишган. Бу шарафли ишга Маҳмуд Зарифий, Исо Эрназар ўғли, Фотима (ҳозиргача тўла исми-шарифи аниқланмаган), Товфиқ Мустафоев, Баҳром Иброҳимов, Муқим Ҳамзабеков, Назарқосим Мирзаев, Ҳусайн Каримий каби ҳаваскор фольклор тўпловчилар ҳам жалб қилинган. Атоқли фольклоршунос олима Музайяна Алавиянинг тўпловчилик соҳасидаги фаолияти ҳам айни шу пайтдан бошланган. Ўша даврда тўпланган материаллар бугунги кунда ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди дурдоналари сақланаётган ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги Ҳоди Зарифов номли ўзбек фольклори архивининг юзага келишига замин ҳозирлаган.

Халқ оғзаки бадиий ижодиётини тўплаш, системалаштириш, оммавий ва академик нашрларини чоп эттириш ҳамда кенг кўламли фундаментал тадқиқотларни яратиш борасида бугунги кунда йирик ишларни амалга ошириб келаётган ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимига эса 1928 йилда асос солинган. Ҳозирги даврга келиб мамлакатимизда фольклоршунослик фанининг марказига айланган бу бўлим атоқли аллома Ҳ.Зарифовнинг ташаббуси билан 1928 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Маориф Халқ комиссарлиги Илмий шўросининг Ўзбекларни ўрганиш комитети ҳузуридаги "Этнография, фольклор ва археология бўйича илмий-текшириш кабинети" негизида тузилган. 1929 йил декабридан эътиборан бу кабинетга Ҳ.Зарифов мудир этиб тайинланган ва бу бўлим Ўзбекистон давлат илмий-текшириш институти таркибида фаолият юргиза бошлаган.

XX асрнинг 20-30-йилларида В.А.Успенский, Н.Н.Миронов, Е.Е.Романовская, Юнус Ражабий ўзбек мусиқа фольклори асарларини ёзиб олган бўлишса, Ғулом Зафарий, А.К.Боровков, К.К. Юдахин, М.Ф.Гаврилов ўзбек халқ оғзаки театри анъаналарини ўргандилар. Ғози Олим Юнусов, Элбек, Е.Д.Поливанов, Л.Потапов, Бекжон Раҳмон, Ҳ.Зарифов, А.К.Боровков, Е.М.Пешчерева, В.Дружинин, В.Г.Андреев, Қ.Рамазонов, А.Алавий, Ш.Ризо, Ш.Рўзи, Ш.Абдуллаева, Б.Каримий, М.Алавия ва бошқалар ўзбек фольклорининг энг нодир асарларини ёзиб олиш мақсадида ташкил этилган дастлабки фольклор экспедицияларида фаол қатнашдилар.

1928 йилда Ҳоди Зарифов ташаббуси билан ташкил этилган "Этнография фольклор ва археология бўйича илмий-текшириш кабинети" негизида кейинчалик Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлими юзага келган. Ҳ.Т.Зарифов ана шу бўлимнинг раҳбари сифатида бутун умрини ўзбек халқ оғзаки ижодиётини тўплаш ва илмий ўрганишга бағишлаган. Ўзининг фольклоршунос сифатида илм фаолиятини тўпловчиликдан бошлаган Ҳ.Т.Зарифов Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан ва Ислом шоирдек забардаст сўз санъаткорларини аниқлаб, уларнинг ижодий меросини тўплаган. Бу бахшилардан ёзиб олинган "Алпомиш", "Ёдгор", "Жаҳонгир", "Рустам", "Равшан", "Очилдов", "Ҳасан батрак", "Юсуф ва Аҳмад", "Авазнинг уйланиши", "Мардикор", "Шайбонийхон" каби достонлар ўзбек эпосининг энг ажойиб намуналари сирасига киради.

Ҳ.Т. Зарифов ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи бўлиб XX асрнинг 20-йилларидаёқ халқ ижоди асарларини тўплаш ва нашр этиш учун махсус транскрипция ишлаб чиққан. Бу илмий принцип чуқур назарий билим ва кенг кўламли матний тайёргарликка асосланганлиги учун ҳам ҳозирга қадар нафақат ўзбек, балки қардош туркий халқлар фольклоршунослигида ҳам самарали қўлланилмоқда. Ўтган давр мобайнида шу принцип асосида "Ўзбек халқ ижоди" кўпжилдлигининг қирққа яқин томи, икки жилдлик "Ўзбек халқ мақоллари", "Рустамхон" ва "Алпомиш" достонларининг академик нашрлари, икки жилдлик "Ўзбек халқ эртаклари", "Ўзбек халқ достонлари" кўпжилдлик силсиласи, достон, эртак, мақол, қўшиқ, топишмоқ, латифа каби жанрларга оид матнларнинг алоҳида нашрлари чоп эттирилди.

Ўзбек фольклоршунослиги мактабининг асосий илмий йўналиши халқ ижодиёти юзасидан фундаментал илмий тадқиқотлар яратишдан иборат бўлиб, Ҳ. Зарифовнинг илк тадқиқотлари билан ўзбек фольклорини илмий ўрганиш ишига асос солинган. Айниқса, унинг йирик эпосшунос В.М.Жирмунский билан ҳамкорликда яратилиб, рус тилида нашр эттирилган "Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси" монографияси, шунингдек, ўзбек халқ достонларининг эпик табиати ва тарихий асосларини текширишга оид қатор мақолалари халқ эпосини фундаментал тадқиқ этишнинг мумтоз намунаси бўлиши билан бирга ўзбек фольклоршунослиги мактабининг илмий-назарий асоси ҳам ҳисобланади.

Ўзбек маросим фольклори жанрлари этнограф М.Гавриловнинг кичик бир рисоласини (Остатки ясы и юсуна у узбеков. – Ташкент, 1925) ҳисобга олмаганда, ўтган асрнинг 30-йилларига қадар деярли тадқиқ этилмай келинарди. Ана шу бадиий қадриятларнинг тўпланиши ва ўрганилиши фольклоршунос олима Музайяна Алавия номи билан боғлиқдир. У Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятларида фольклор экспедицияларида бўлиб, халқ қўшиқлари, афсона, ривоят, эртакларни тўплаган. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг фольклор экспедициялари иштирокчиси сифатида оилавий-маиший маросимлар билан алоқадор ўлан, ёр-ёр, келин салом, лапар каби жанрларга оид матнларни тўплаган. 1969 йилда Сайрам, Туркистон, Иқон, Қорабулоқ бўйлаб ўтказилган фольклор экспедиция-



си чоғида шамол тўхтатиш маросими билан боғлиқ "Чоймомо" қўшиғининг кўплаб вариантларини аниқлаган.

Маросим фольклори намуналарини изчил тўплаб, тадқиқ этган М.Алавия 1957 йилда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Дўсберган қишлоғида яшовчи Қирмиз момо ҳамда Аширой Рўзиевадан боқимчилик ва бахшичилик амалиётининг тўлиқ тавсифини ёзиб олган. Олима бахши чорлови, худо ва авлиёларни ёдга олиш, пир ва париларни чақириш, пирлардан йўл сўраш, момоларни чорлаш, қирқ чилтан, пари, девлар, лашкарга ўз бошидан ўтганини айтиб бериш ва лашкарни йўлга солиш, шунингдек, гулафшонни даволаш билан боғлиқ айтимни ёзиб олган бўлиб, бу материаллар ўзбек шомон фольклорини тадқиқ этишда муҳим манба ҳисобланади. М.Алавиянинг ўзбек маросим фольклорини илмий тадқиқ этиш борасидаги изланишлари 1974 йилда чоп эттирилган "Ўзбек халқ маросим қўшиқлари" номли монографиясида умумлаштирилди.

Ўз илмий фаолиятини 1932 йилда Тошкентдаги Маданий қурилиш институтида бошлаган Мансур Афзалов ўзбек халқ насри асарларини тўплаш, нашр этиш ва илмий ўрганишга катта ҳисса қўшган. Ўзбек халқ эртаклари, достон ва афсоналарни тўплаб, тадқиқ этган М.Афзалов Ислом шоирнинг "Орзигул" (1940, 1956, 1961), "Гулихиромон" (С.Асқаров билан ҳамкорликда, 1965), Фозил шоирнинг "Ширин билан Шакар" (1955), "Муродхон" (Х.Расул билан ҳамкорликда, 1956), "Балогардон" (Х.Расул билан ҳамкорликда, 1957), "Фарҳод ва Ширин" (1966), "Зулфизар" (1969), Эргаш Жуманбулбул ўғлининг "Хушкелди" (1962) достонларини нашрга тайёрлаган. У Ислом шоир "Танланган асарлар"и (1953), "Ўзбек фольклоридан ўқув материаллари" (1950), "Ўзбек достонлари" (1956-58), "Ўзбек шеърияти антологияси (1948), "Ўзбек халқ эртаклари" (1951), "Ўзбек халқ эртаклари" (1960–62), "Ўзбек халқ мақоллари" (1958-60) мажмуаларини ҳам чоп эттирган.

Ўзбек халқ насрининг жанрлар таркиби, халқ бахшиларининг ҳаёти ва ижоди, фольклор ва ижтимоий ҳаёт, фольклоршунослик тарихи масалалари билан шуғулланган олимнинг "Ўзбек халқ эртаклари ҳақида" (1964) асари ўзбек эртаклари ҳақидаги биринчи йирик тадқиқотдир. Бу китобда ўзбек халқ эртаклари тасниф қилинган, эртакларнинг ўрганилиш тарихи, образлар тизими, мотив-

ларнинг тарихий асослари, эртакларнинг юзага келиш тарихи ва бадиий хусусиятлари, эртак ижрочилиги тадқиқ этилган.

Ўзбек фольклорини тўплаш, нашр этиш, тадқиқ этишга катта ҳисса қўшган олима З.Ҳусаинова 1951 йилдан буён ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг фольклор экспедицияси сафида Республикамизнинг барча вилоятларида, Жанубий Тожикистон ва Ўшда бўлиб, халқ оғзаки ижодиётининг қўшиқ, мақол, топишмоқ, эртак, латифа каби жанрларига доир матнларни тўплаган. Бекмурод Жўрабой ўғлидан "Малика айёр", "Холбека" (1946), Умр Сафар ўғлидан "Зарнигор" (1949), Абдулла Нурали ўғлидан "Алпомиш", Тошмурод бахши Тўрабовдан "Майда савдогар", Ҳамро Эргашевдан "Алпомиш", Ниёз Алимқул ўғлидан "Юсуф ва Аҳмад", Бекназар Раҳматовдан "Қорақум" достонларини ёзиб олган.

Олима "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам (1958), "Гулнор пари" (1965), "Гулшанбоғ" (1966), "Авазхон" (1967), "Холбека" (1968), "Алибек ва Болибек" (1973), "Тўлғаной" (1974), "Чамбил қамали" (1978), "Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши" (1976), "Машриқо" (1988) достонларини нашрга тайёрлаган, шунингдек, профессор Т.Мирзаев билан ҳамкорликда Нурали Нурмат ўғли ва Абдуғафур Шукуров каби эртакчилардан ёзиб олинган эртак, нақл, латифалар ҳамда Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги "Гўрўғли" туркум достонларни чоп эттирган. З.Ҳусаинова халқ шоирларининг ҳаёти ва ижодиёти, топишмоқларнинг тарихий асослари, жанр хусусиятлари, таснифи ва бадииятига доир илмий асарлар яратган. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир ва Пўлкан шоир каби атоқли бахшиларнинг библиографиясини тузган.

Халқ театрини ўрганишни анъанавий оғзаки драмаларни ёзиб олишдан бошлаган М.Қодиров 1958 йилдан бошлаб Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг фольклор экспедицияси таркибида Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Наманган, Андижон, Ўш, Хоразм вилоятларида бўлиб, 300 га яқин халқ театри ижрочиларининг ижодий фаолиятини ўрганган, элликдан ошиқ профессионал ва ҳаваскор масхарабозлар билан ижодий суҳбатлар ўтказган, юзга яқин халқ драмаси, кулги-ҳикоя ва қизиқчилик намуналарини ёзиб олган, кўплаб пантомима, халқ рақслари ва томоша санъатига доир материаллар тўплаган. М.Қодиров томонидан йиғилган материаллар ўзбек халқ томоша санъатини ўрганишда янги йўналишларни очиб берди. Чунки илгари "ўзбек халқ театри" деганда фақат Фарғона водийси қизиқчилик санъати назарда тутиларди, холос. М.Қодиров эса Республикамизда ўзбек халқ театрининг Бухоро, Қўқон ва Хоразм мактаби мавжудлиги ҳамда ҳар бир анъананинг умумий ва ўзига хос томонларини аниқлаган. У ўзбек халқ оғзаки драмасининг фольклор асари сифатидаги ўзига хос бадиий хусусиятлари, образлар тизими, халқ санъаткорларининг ижрочилик маҳоратини чуқур тадқиқ этиб, театр фольклоршунослиги йўналишига асос солган.



М.Қодиров ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи бўлиб хотин-қизлар фольклор театри мавжудлигини илмий жиҳатдан асослаб берган. У 1958 йилда Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Ғўс қишлоғида яшовчи аёллардан ўттизта оғзаки драма ва кулги-ҳикояларни ёзиб олди ва аёллар халқ театрининг тарихий асослари, асосий йўналишлари, устоз-шогирд муносабатлари, ижро усуллари, оғзаки драмаларнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини ўрганган. Ўзбек халқ санъатининг муқаллид, танқид, кулги-ҳикоя, масхарабозлик, қизиқчилик, қўғирчоқбозлик, от ўйин, аския, қарсак ўйин, муаллакчилик-дорбозлик, найрангбозлик каби қадимий турларига доир бой материалларни тўплаб, тадқиқ этган.

Ўзбек халқининг мусиқа меросини тўплаш билан изчил шуғулланган Ю.Ражабий 1955–59 йилларда ўзи тўплаган материаллар асосида мингдан ошиқ халқ қўшиқлари ва чолғу куйларини ўз ичига олган "Ўзбек халқ мусиқаси" мажмуасининг беш жилдини нашр эттирган. У Тошкент-Фарғона мақом йўллари, Бухоро "Шашмақом"и ва унинг таркибий қисмларини тўплаб, мукаммаллаштириб нашрга тайёрлаган ҳамда 1966–75 йиллар давомида олти жилдлик китоб ҳолида чоп эттирган.

Фольклоршунос олим Р.Муҳаммадиевнинг ташаббуси ва иштирокида аския санъати материалларини тўплаш, ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида махсус фольклор экспедициялари ўтказилган. 1961 йилда Фарғона водийсида иш олиб борган биринчи экспедицияда аския жанрининг тарқалиш доираси ва тарихий тараққиётини ўрганишга доир материаллар тўпланган, аския пайровларини ёзиб олинган. 1963 йилда ўтказилган иккинчи экспедиция чоғида машҳур аскиябозларнинг репертуари тадқиқ этилган. Устоз сўз санъаткорлари ҳақидаги хотиралар, ривоятлар, латифалар ва

ўзбек аскиячиларининг ижодий мероси тўпланган. 1965 йилнинг ёзида эса Фарғона водийсининг шимолий туманларида, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги ёш аскиячилар ижодиёти ўрганилган.

Ўзбек фольклори асарларини тўплаш ва системалаштириш ишига катта ҳисса қўшган М.Муродов 1959 йилдан то 90-йилларнинг охиригача республикамизнинг турли вилоятларида фольклор экспедицияларида бўлиб, Юсуф Ўтаган ўғли, Раззоқ Қозоқбой ўғли, Ҳусан бахши Ражаб ўғли, Ҳайдар Бойча ўғли, Усмон Мадумар ўғли, Эшқобил Қўшоқ ўғли, Ҳазратқул Худойберди ўғли, Қодир Раҳим ўғли, Хушвақт Мардонақул ўғли каби бахшиларнинг репертуарини ўрганган, юзлаб эртак, ривоят, афсона, мақол ва топишмоқларни ёзиб олган. У "Гўрўғлининг туғилиши", "Хиламан", "Баҳром ва Гуландом", "Зеворхон", "Гулруҳ пари", "Қоракўз ойим", "Жорхун мастон", "Нурали" каби достонларни нашрга тайёрлаган. Ўзи ёзиб олган материаллар асосида "Алломалар ибрати" (1983) ривоятлар тўплами ва "Ўзбек халқ фантастикаси" силсиласидаги "Оймомада аждаҳо" (1983), "Қора дев" (1984), "Ёнар дарё" (1985), "Илон пари" (1986) "Само тулпори" (1987), "Гулиқаҳқаҳ" (1988), "Олтин олма" (1989) каби эртак мажмуаларини чоп эттирган.

XX асрнинг 40-80-йилларида Ҳ.Зарифов, А.Алавия, М.Афзалов, М.Тошпўлатова, З.Ҳусаинова, Ф.Кароматов, Ҳ.Раззоқов, Т.Ғозибоев, Ж.Қобулниёзов, О.Собиров, М.Саидов, М.Қодиров, Ё.Жўраев, Т.Мирзаев, М.Муродов, Т.Очилов, Ғ.Жаҳонгиров, Р.Муҳаммадиев, Т.Ашуров, С.Асқаров, Ф.Султонова, А.Қаҳҳоров, С.Содиқов, К.Имомов, Б.Саримсоқов, Р.Абдуллаев, О.Мадаев, Т.Собитова, М.Қаландарова, С.Рўзимбоев, О.Сафаров, А.Мусақулов, И.Ёрматов, У.Жуманазаров, А.Турсунқулов, И.Бекмуродов, К.Очилов, А.Эргашев, М.Жўраев, Ш.Турдимов ўзбек фольклоршунослари кенг кўламли фольклор тўплаш ишлари билан машғул бўлдилар.

XX асрнинг 60–70-йилларида достончилик мактаблари, бахши-шоирлар эпик репертуари, халқ достонларининг вариантлари ва бадиияти (Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, Т.Мирзаев, А.Қаҳҳоров, Т.Очилов, М.Саидов, М.Муродов, О.Мадаев, О.Собиров, Т.Ашуров), халқ қўшиқлари (М.Алавия), ўзбек фольклорининг тарихий тараққиёти (Ж.Қобулниёзов, О.Собиров, С.Асқаров), аския, халқ драмаси ва қизиқчилик санъати (Р.Муҳаммадиев, Ҳ.Раззоқов,



М.Қодиров), мусиқа фольклори (Ф.Кароматов), ўзбек халқ эртаклари (М.Афзалов, К.Имомов, Ғ.Жалолов), топишмоқ (З.Ҳусаинова), болалар фольклори (Ғ.Жаҳонгиров), латифа (Ф.Йўлдошева)га бағишланган йирик монографик тадқиқотлар яратилган.

1967 йилдан 1981 йилгача ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлими томонидан "Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар" сериясидаги еттита китобнинг тайёрланиб, нашр этилиши ўзбек фольклоршунослигининг назарий уфқларини янада кенгайтирди. Фольклор бўлими ходимлари "Алпомиш" достонининг муҳокамасига бағишлаб ўтказилган регионал кенгаш (1953), Эргаш Жуманбулбул ўғли ижодий меросини тадқиқ қилиш ва чоп этиш (1972), Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир ва Ислом шоирларнинг 100 йиллиги (1973) ҳамда "Алпомиш" достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш (1999) муносабати билан салмоқли илмий ва илмий-оммабоп асарларни яратдилар.

Ўзбек халқ эртакларини тўплаш, нашр этиш ва ўрганиш билан изчил шуғулланган К.Имомов эртак жанри ва унинг поэтикаси, ўзбек эртакларининг ички турларига хос характерли белгилари, эпик сюжетлар ва анъанавий мотивларнинг генезисини тадқиқ этган. Афсона, ривоят ва матал (нақл) каби жанрлар эпик турга мансуб алоҳида жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари ва функцияларини ёритган.

Олим ўзбек халқ эртакларидаги анъанавий мотивларнинг тарихий-генетик типологиясини тадқиқ этиб, ўзбек эпосидаги ғайритабиий туғилиш, синов, шарт, кураш, туш кўриш, қаҳрамоннинг ўлиб-тирилиши, қаҳрамонни оловда куйдириш мотивларининг келиб чиқиши қадимги мифологик тасаввурлар ҳамда эътиқодий қарашларга боғлиқлиги аниқлаган. Ўзбек фольклорининг кенг тарқалган мифологик персонажларидан бири ялмоғиз образининг генетик асослари эса матриархат даври мифологияси билан бевосита боғлиқлигини аниқлаган К.Имомов тадқиқотлари қадимий маросимлар эпик мотивларни шакллантирувчи ритуал асос вазифасини бажарганлигини қиёсий-тарихий жиҳатдан тасдиқлади. Афсона ва ривоят жанрларининг ўзига хос ҳамда муштарак жиҳатлари, афсоналар таснифи, мифологик, тарихий ва топонимик афсоналарда ҳаётий воқелик ҳақидаги ахборотнинг эпик талқин

қилиниши, мифологик афсоналарнинг образлар талқини ва қадимги тасаввурлар билан боғлиқлиги каби масалалар олимнинг тадқиқотларида кенг ёритилган.

80-йиллардан бошлаб ўзбек маросим фольклори Б.Саримсоқов томонидан ўрганила бошланган. Олим ўзбек маросим фольклорининг жанрлар таркиби, таснифи, генезиси ва тарихий тараққиёти, ўзбек оилавий-маиший маросимлар фольклори, мавсумий маросимлар фольклори, сўз магиясига алоқадор бадик, кинна, олқиш ва қарғиш каби жанрларни тадқиқ этган. Маросим фольклорини типологик аспектда ўрганган Б.Саримсоқов ўзининг бу йўналишдаги тадқиқотларини "Ўзбек маросим фольклори" (1986) номли монографиясида умумлаштирган. Мазкур асарнинг илмий қиммати шундан иборатки, унда "маросим" ва "маросим фольклори" тушунчаларининг моҳияти ойдинлаштирилган, ўзбек маросим фольклорининг жанрлар таркиби бир неча мезонлар асосида изчил таснифланган. "Яс-юсун", "Обло барака", "Шох мойлар", "Лола сайли", "Лой тутиш", шамол чақириш ва ёмғир ёғдириш билан боғлиқ маросим фольклори намуналари, сўз магиясига асосланган бадик ва кинна жанрлари тадқиқ этилган.

Халқ оғзаки бадиий ижодиёти билан ёзма адабий анъананинг ўзаро муносабатлари, яъни сўз санъатининг бу икки кўриниши орасидаги кўп қиррали ижодий таъсир ва бадиий-эстетик алоқаларнинг қадимий асослари чуқур тарихий заминга эга. Шунинг учун ҳам Б.Саримсоқов ёзма адабиёт билан халқ оғзаки поэтик ижоди орасидаги бадиий-эстетик алоқадорликни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратган. У ўзбек адабиётшунослигида биринчи бўлиб фольклоризмларни характери ва поэтик табиатига кўра "оддий фольклоризм" ҳамда "мураккаб фольклоризм", типологик жиҳатдан эса фольклоризмлар аналитик, синтезлашган ва стилизация характеридаги фольклоризмларга каби турларга ажратган.

Ўзбек фольклоршунослиги мактаби вакиллари фольклор асарларини тўплаб, архивлаштириш ва илмий тавсифлаш борасида ўтган асрнинг 20-йилларидан буён изчил иш олиб боришмоқда. Ўзбек фольклорни тўплаш мақсадидаги илмий экспедициялар XX асрнинг ўрталаридан то ҳозирги кунга қадар мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Экспедиция қамрови кенглигини шундан ҳам билса бўладики, турли йилларда Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, Б.Каримов, М.Алавия, З.Ҳусаинова, Ғ.Жаҳонгиров, С.Қосимов, М.Муродов Т.Мирзаев, К.Имомов, Б.Саримсоқов, М.Жўраев ва бошқа олимлар бошчилик қилган фольклор экспедициялари мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида, шунингдек, қўшни Республикаларнинг ўзбеклар истиқомат қиладиган ҳудудларида илмий сафарларда бўлиб, ўзбек фольклорининг барча жанрларига оид материаллар тўпладилар.



XX асрнинг 70–80-йилларида Қашқадарё (А.Қаххоров, К.Очилов, Ч.Ҳамро, А.Эргашев), Бухоро (О.Сафаров, Й.Нурмуродов, Д.Ўраева), Хоразм (С.Рўзимбоев, Ҳ.Абдуллаев, Н.Сабуров), Наманган (Т.Ғозибоев, Р.Исхоқов, О.Холмирзаев), Андижон (Ҳ.Раззоқов), Сурхондарё (Қ.Мамашукуров, Т.Турдиев, А.Аълоев), Қўқон (Ғ.Акрамов, И.Бекмуродов), Самарқанд (Т.Очилов, Ж.Холиқулов)да ўз илмий фаолиятларини олиб борган фольклоршунослар ўзбек халқ достонларининг поэтикаси, вариантлари ва локал хусусиятлари, достончилик анъаналарининг сақланиши ва етакчи бахшиларнинг бадиий маҳорати, достонларда туркумлилик, болалар фольклорининг ўзига хос табиати ва жанрлар таркиби, меҳнат қўшиқларининг бадиияти, мифология ва бошқа мавзуларда йирик тадқиқотларни яратдилар.

Бу даврда уч жилдлик "Ўзбек фольклори очерклари"нинг икки томи нашр этилганлиги, эпик репертуарнинг ўзига хослиги, халқ бахшиларининг бадиий маҳорати, халқ достончилигининг ҳудудий-локал табиати (Т.Мирзаев, М.Муродов, М.Қўшмоқов, С.Рўзимбоев, Ҳ.Абдуллаев, О.Мадаев), халқ достончилигида туркумлилик (М.Мирзаева, М.Обидова, Қ.Мамашукуров), достонлар поэтикаси (М.Саидов, С.Йўлдошева, Т.Зуфаров, Т.Ашуров), мифология ва унинг ўзбек фольклори эпик жанрларида тутган ўрни (Ғ.Акрамов, Б.Саримсоқов, М.Жўраев), ўзбек маросим фольклорининг жанрлар силсиласи, генетик асослари ва поэтикаси (М.Алавия, Б.Саримсоқов), эртак бадиияти ва эпик сюжетлар типологияси (Ғ.Жалолов, Х.Эгамов, К.Имомов, М.Жўраев), ўзбек болалар фольклори (Ғ.Жаҳонгиров, О.Сафаров), ёзма адабиёт ва фольклор муносабати (О.Собиров, Ғ.Мўминов, Б.Саримсоқов, И.Ёрматов), ўзбек фольклори ва тарихий воқелик (М.Бобоев, У.Жуманазаров, С.Умаров)нинг тадқиқ этилганлиги, терма (А.Мусақулов, А.Турсунқулов), топишмоқ (З.Ҳусаинова), лирик қўшиқлар (Ш.Турди-

мов), мусиқа фольклори (Ф.Кароматов, Р.Абдуллаев), ўзбек халқ оғзаки драмаси (М.Қодиров, Р.Муҳаммадиев) чуқур ўрганилганлиги ўзбек фольклоршунослигини янги босқичга кўтарди.

XX асрнинг 80-йилларига келиб ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида марказлашган ўзбек фольклоршунослиги мактаби халқ оғзаки бадиий ижодиётини ўрганиш борасида энг етакчи илмий мактаблардан бири даражасига кўтарилди.

Ўзбек филологиясининг атоқли намояндаси, аллома Ҳоди Зариф асос солган ўзбек фольклоршунослиги мактабининг Марказий Осиёдаги энг етакчи илмий мактабларидан бири даражасига кўтарилишида улкан фан ташкилотчиси, эпосшуносликнинг кўплаб назарий масалаларини жаҳоншумул даражада ҳал қилган йирик олим Тўра Мирзаев илмий фаолияти алоҳида ўрин тутади. Ўзининг фольклоршунослик фаолиятини тўпловчиликдан бошлаган Т.Мирзаев "Алпомиш" достонининг Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Бекмурод Жўрабой ўғли, Эгамберди бахши, Ҳамроқул бахши, Мурод Отабой ўғли, Берди бахши, Саидмурод Панох ўғли, Амин жиров, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Мамадрайим юзбоши, Умир шоир Сафар ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Ҳамро Эргаш ўғли, Зоҳир Қўчқор ўғли, Ҳайдар санновчи, Раззоқ Қозоқбой ўғли, Матназар Жаббор ўғли, Аҳмад соқи, Бўри Содиқ ўғли каби бахшилардан турли йилларда ёзиб олинган ўттизга яқин вариантларини қиёсий таҳлил қилди.

Фольклор асарларини барча тур ва жанрлар асосида яхлит тадқиқ этишнинг илмий методларини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган Т.Мирзаев ўзининг ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосини ўрганишга доир изланишларини умумлаштириб, 1965 йилда "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари" мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу илмий тадқиқот А.Абдунабиев билан А.Степановларнинг 1952 йилда чоп эттирилган машъум мақоласидаги ғайриилмий ёндошув натижасида сиқувга олинган ва ўзбек миллатининг нодир адабий дурдоналарини алпларча ҳимоя қилган аллома Ҳоди Зарифнинг ташаббуси билан 1956 йилда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти ҳамда Москвадаги М.Горький номли Жаҳон адабиёти институтлари ҳамкорлигида ташкил этилган регионал кенгаш хулосаларига кўра жиддий тадқиқ этилиши мақсад



қилиб қўйилган "Алпомиш" достонини ўрганишнинг ажойиб намунаси сифатида эътироф этилди. Зеро, Т.Мирзаев ўз фаолияти давомида бу достонни бахшилардан қайта ва қайта ёзиб олиб, илмий ўрганишни изчил давом эттирди, кўплаб вариантларини биринчи бўлиб чоп эттирди, Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган намунанинг илмий-академик нашрини амалга оширди, достон матнининг бошқа тилларга ўгирилган таржималарини нашр эттириб, ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосини дунё халқлари маданиятининг беназир бадиий қадриятларидан бирига айлантирди.

Т. Мирзаевнинг илмий қизиқишлари асосан ўзбек фольклорининг жанрлар таркиби, генезиси ва бадиияти, эпосшунослик, достончилик мактаблари ва халқ бахшиларининг эпик репертуари, фольклор назарияси, фольклоршунослик тарихи, халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаб, системалаштириш ва нашр этиш, фольклор матншунослиги ҳамда бугунги тарихий-фольклорий жараён масалаларига қаратилди. Туркий фольклоршуносликда биринчи марта бахши ижрочилиги ва ижодкорлигининг достончилик мактаблари амалиётидаги ўрнига илмий-назарий жиҳатдан баҳо берган тадқиқотчи бахшиларнинг эпик асарларни куйловчи, яратувчи ҳамда анъанани сақловчи сифатидаги вазифаларини очиб берди. Бахши ва тингловчилар аудиториясининг ўзаро муносабатлари, бахшининг ижро ва ижодий йўналиши, достон айтиш усули ва поэтик маҳорати, эпик хотира ва эпик билимнинг эпик анъана тараққиётидаги аҳамияти каби масалалар фундаментал даражада тадқиқ этилди. Унинг ўзбек халқ бахшиларининг поэтик маҳорати, бахшининг эпик асарларни ижро этувчи, янгиловчи ва достончилик анъаналарини давом эттирувчи сифатидаги ўзига хослигини ўрганишга оид илмий кузатишлари асосида достончилик мактабларининг эпик анъаналарини тадқиқ этишга бағишланган "Халқ бахшиларининг эпик репертуари" монографияси юзага келди. Ўзбек эпосшунослиги методологияси масалалари изчил ёритилган бу китобда достончиликда вариант ва версия масалалари, бахшиларнинг эстетик қарашлари, устоз-шогирдлик муносабатлари ва бахши репертуари чуқур тадқиқ этилди. Олим ўзбек эпосининг бадиий қадрият сифатидаги ўзига хослигини эпик тафаккурнинг тараққиёт қонуниятлари тизимида очиб беришга эришди.

Т.Мирзаев ўзбек фольклорининг жанрлар таркиби, фольклор ижодкорлари ва ижрочилари, тарихий-фольклорий жараённинг ҳозирги ҳолати, эртак, мақол, қўшиқ, лапар каби фольклор жанрларининг поэтик табиати, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати масалаларига доир илмий тадқиқотлар олиб борган.

Т.Мирзаев ўзбек фольклоршунослигининг ривожланиш қонуниятларини белгиловчи етакчи илмий-назарий концепцияларни аниқлаб, ҳар бир босқичга хос бўлган тараққиёт мезонларини кенг кўламда таҳлил қилди. Фольклор илмининг юзага келиш тарихи, халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини ўрганишнинг усул ва методлари, фольклоршуносликдаги асосий илмий мактаб ва йўналишлар тадқиқ этилди.

Т.Мирзаев Эргаш Жуманбулбул ўғли ижодий меросининг "Булбул тароналари" номли ўзбек тилидаги беш томлиги ва "Песни Булбуля" номи билан чиқарилган русча уч томлиги чоп эттирилишида масъул муҳаррир ҳамда тузувчи сифатида фаол иш олиб борди. Унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида "Ўзбек халқ ижоди" кўпжилдлигининг ўттиз етти китоби босмадан чиқди. Бу силсилага кирувчи "Алпомиш" (1979), "Эрали ва Шерали" (1987), "Юсуф ва Аҳмад" (1987), "Малика айёр" (1988), "Ўзбек халқ мақоллари" (1989), "Луқмони ҳаким" (1989), "Нурали" (1989) каби жилдларнинг чоп эттирилишида нашрга тайёрловчи ёки масъул муҳаррир сифатида иштирок этди. Бундан ташқари, "Жонодил" (1970), "Одилхон" (1971), "Авазхоннинг ўлимга ҳукм қилиниши" (1976), "Нуралининг ёшлиги" (1993), "Гўрўғлининг туғилиши" (1994), "Райҳон араб" (1994) достонларини Т.Мирзаев нашрга тайёрлади. Унинг ташаббуси билан "Ўзбек халқ достонлари" кўптомлигига кирувчи ўнлаб асарлар китобхонларнинг севимли асарига айланди. "Ўзбек халқ мақоллари"нинг бир нечта алоҳида мажмуа ҳолидаги нашрлари ҳамда икки жилдлик академик нашри чоп эттирилди. Фольклор асарларини нашр этиш борасида катта ижодий тажриба тўплаган олим "Алпомиш" достонининг бешта бахши варианти ва Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги "Гўрўғли" достонларининг мукаммал нашрини тайёрлади. Т.Мирзаев ўзбек фольклоршунослигида биринчи бўлиб ҳар бир фольклор ижрочисининг ижодий меросини тўла нашр этишнинг илмий принципларини ишлаб чиқди.



Мамлакатимиз мустақилликка эришганимиздан кейин маънавий қадриятларни тиклаш ва миллий менталитетимизни белгилайдиган фольклор анъаналарини тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берила бошланди. Натижада, дунё маънавий тамаддунига ўзининг беназир ижодий қудрати билан муносиб ҳисса қўшган халқимиз яратган қадимий қўшиқлар, маросим ва анъаналар бугунги кунда ёш авлодни эзгу анъаналар руҳида камол топтиришнинг муҳим воситаларидан бирига айлантирилди.

Бугунги тарихий-фольклорий жараён ўзига хос тараққиёт тамойилларига эгалиги билан ажралиб туради. Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан кейин бошланган кенг кўламдаги маънавий тикланиш жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилиб, бадиий сайқал бериб келинган муҳташам фольклор ёдгорликларининг жаҳоншумул аҳамияти хусусида сўз юритиш, халқ ижодиётининг унутилиш арафасига келиб қолган кўплаб жанрларини қайта тиклаш, ижрочилик анъаналарини ривожлантиришнинг мисли кўрилмаган имкониятлари юзага келди. Натижада жойларда фаолият олиб бораётган фольклор-этнографик жамоалар сони кўпайди, нафақат, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятида, балки бахшичилик мактабларининг жонли анъаналари йўқолиб кетган деб ҳисобланган Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам бахши-шоирлар етишиб чиқа бошлади. "Алпомиш" достони яратилганлигининг 1000 йиллиги тантаналари кенг нишонланиши ва бахши-шоирлар ҳамда оқинларнинг кўрик-танловлари анъанавий тарзда ўтказиб келинаётганлиги ҳам кўплаб янги ижрочиларни кашф этиш билангина чекланиб қолмасдан, "Алпомиш", "Кунтуғмиш", "Гўрўғли", "Орзигул", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" сингари анъанавий достонларнинг янги вариантлари юзага келишига йўл очди. Бахши-шоирлар ҳур диёримизда истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини тараннум этувчи достон ва термаларни яратдилар. Ўзбек маросим фольклори, аскиячилик, қизиқчилик, томоша санъати, халқ ҳунармандчилигининг қадимий анъаналари тикланди.

Миллий истиқлол ўзбек фольклори асарларини барча ҳудудлар бўйича изчил тўплаш ва системалаштириш борасидаги ишларни жадаллаштириб юборди. Бу даврда Ўзбекистонда фольклор тўпловчилик ишлари ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Ўз-

бек тили, адабиёти ва фольклори институти) Фольклор бўлими (Т.Мирзаев, К.Имомов, М.Жўраев, А.Мусақулов, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов, З.Расулова, Л.Худойқулова, М.Жўраева, Ш.Имомназарова), Санъатшунослик институти (Ф.Кароматов, М.Қодиров, Р.Абдуллаев, И.Абдураҳмонов), Тошкент давлат маданият институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти; (М.Муродов, Ғ.Жалолов, Т.Ашуров, С.Йўлдошева, Н.Қосимов, С.Давлатов), Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказида (Ў.Тоҳиров, М.Қозоқбоев), Ўзбекистон телерадиокомпанияси (Ў.Ўтаев, Н.Аминжонов, Н.Норқобилов) изчил давом эттирилди. Бундан ташқари, халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарини ёзиб олиш ишлари ЎзМУ (О.Мадаев, Т.Собитова), Бухоро давлат университети (О.Сафаров, Д.Ўраева, Д.Ражабов, С.Авезов), Урганч давлат университети (С.Рўзимбоев, Ж.Юсупов, С.Сариев, Н.Қуронбоева, Н.Мадраҳимова, Н.Собирова), Қарши давлат университети (А.Қаҳҳоров, А.Эргашев, К.Очилов, Н.Очилов, Д.Халилова, Ш.Қаҳҳорова), Андижон давлат университети (С.Мирзаева, М.Темирова, Б.Раҳмонов), Жиззах давлат педагогика институти (У.Жуманазаров, А.Турсунқулов, Т.Қўчқоров), Термиз давлат университети (Р.Мустафоқулов), Навоий давлат педагогика институти (О.Қаюмов, Ф.Нурмонов, У.Сатторов, З.Жумаев), Қўқон давлат педагогика институти (И.Бекмуродов, Ф.Маматқулова)да ҳам амалга оширилди.

Бу даврга келиб маросим фольклорининг кўплаб намуналари тўпланди. Масалан, "ё рамазон" қўшиқлари, никоҳ тўйи маросимида ижро этиладиган фотиҳа олқишлари, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур сингари улуғ юртдошларимиз тўғрисидаги тарихий ривоятлар, жой номлари, қадимий шаҳарлар, қалъалар, зиёратгоҳлар, муқаддас мозорлар ва қадамжолар билан боғлиқ афсоналар, халқимизнинг қадимий мифологик тасаввурлари ҳамда мифлари ёзиб олинди. Истиқлол йилларида ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор бўлими ходимлари томонидан бир нечта фольклор экспедициялари ўтказилди. Хусусан, М.Жўраев Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари аҳолисининг табиат ҳодисалари ва осмон ёритқичлари билан боғлиқ мифологик қарашларини тўплади; М.Жўраев, У.Сатторов, Р.Саидовалар Бухоро ва Навоий вилоятларидан топонимик афсоналарни ёзиб олдилар;



М.Жўраев ва М.Пирматованинг кўп йиллик изланишлари натижасида Бухоро, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳамда Қирғизистон республикасининг Ўш вилоятида истиқомат қилувчи ўзбекларнинг анъанавий тақвимига оид бой фольклор материаллари ёзиб олинди. Шомирза Турдимов Самарқанд, Тошкент ва Жиззах вилоятларининг тоғли ҳудудларидаги қишлоқлар бўйлаб фольклор экспедициялари ташкил қилди. Йирик эпосшунос Жаббор Эшонқуловнинг экспедицион изланишлари натижасида Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятида яшовчи кўплаб халқ бахшилари эпик репертуаридаги терма ва достонлар ёзиб олинди. Ж.Эшонқуловнинг Ўзбекистон телерадиокомпанияси ижодкорлари билан ҳамкорлиги натижасида халқ бахшиларининг энг сара асарлари телевидение олтин фондига ёзилди. Фольклор бўлимининг илмий ходимларидан Х.Холова Бухоро вилоятининг Қоракўл ва Олот туманларида илмий изланиш ишлари олиб бориб, тўй маросим қўшиқларини тўплаган бўлса, Л.Худойқулова Сурхон воҳаси аҳолисининг бола туғилиши билан алоқадор ирим-сиримлари, бешик тўйи, суннат тўйи ва никоҳ тўйи маросими фольклорини, М.Жўраева халқ топишмоқларини, Ш.Имомназарова эса Фарғона водийси ҳамда Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани ўланчиларининг бисотидаги қўшиқларни ёзиб олдилар.

Истиқлол шарофати туфайли халқ оғзаки бадиий ижодиётини тўплаш, системалаштириш, оммавий ва академик нашрларни амалга ошириш ҳамда кенг кўламли фундаментал тадқиқотларни яратиш борасида бугунги кунда йирик ишларни амалга ошириб келаётган ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивига мамлакатимизнинг бой маданий меросни ўзида мужассамлаштирган ноёб илмий объект мақоми берилди. Фольклор архиви мамлакатимизнинг етакчи илмий фондларидан бири бўлиб, унда сақланаётган материаллар ўзбек филологиясининг тараққиётини белгиловчи йирик илмий ишларнинг яратилиши учун манба бўлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин фольклор асарларини нашр этиш борасидаги ишлар ҳам сифат, ҳам микдор, ҳам қамров жиҳатидан ўсди. Кўпгина достонлар, халқ китоблари илк бор нашр эттирилди. "Алпомиш" достони яратилганлигининг

1000 йиллиги кенг нишонланиши муносабати билан профессор Т.Мирзаев бу достоннинг Берди бахши, Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Саидмурод Панох ўғли вариантларини 1999 йилда алоҳида китоблар ҳолида тўла нашр эттирди. У фольклоршунослик амалиётида биринчи маротаба "Алпомиш" достони Фозил Йўлдош ўғли вариантининг матни рус тилига қилинган илмий-адабий таржимаси билан биргаликда академик нашрга тайёрлаб, чоп эттирди.

Т.Мирзаев ва З.Ҳусаинова халқ бахшиси Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги "Гўрўғли" туркумига кирувчи достонларни тўла нашрга тайёрладилар ва унинг асосий қисми "Гўрўғлининг туғилиши" (1996), "Авазхон" (1997), "Гўрўғли достонлари" (2006) номи билан нашр этилди. 2006 йилда эса Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги "Гўрўғли" достонлари тўла ҳолда нашр этилди. Бундан ташқари, 2006 йилда М.Жўраев ва Ҳ.Эшчоновлар томонидан ўзбек эпосининг қадимий намуналаридан бири – "Эдига" (Тулумхўжа) достони, 2007 йилда эса "Рустамхон" достони (нашрга тайёрловчи: Ж.Эшонқул) нашр этилди.

Ўзбек халқ эртакларининг бир нечта тўпламлари дунё юзини кўрди. Жумладан, К.Имомов "Ўзбек халқ эртаклари"ни лотин ёзувида чоп эттирди (2000). 2007 йилда уч жилдлик "Ўзбек халқ эртаклари" мажмуаси нашрдан чиқди. Шунингдек, К.Имомов "Дев қиз. Ўзбек халқ эртаклари" (1992), "Минг бир кулги. Ўзбек халқ эртаклари" (1994), "Сичқон қиз. Ўзбек халқ эртаклари" (1998), "Кенжа ботир. Ўзбек халқ эртаклари" (2000), "Жўжа билан тулки. Ўзбек халқ эртаклари" (2005) каби тўпламларни нашрга тайёрлаб чоп эттирди. Ж.Юсупов тўплаган "Хоразм эртак, ривоят ва нақллари" (2005), Т. Ғозибоев ёзиб олган "Наманган эртаклари" (2005) тўпламлари ҳам ўқувчилар қўлига етиб борди.

Ўзбек фольклоршунослари, афсона ва ривоятлардан тузилган фольклор тўпламларни чоп эттирдилар. Хусусан, "Эл деса Навоийни. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақидаги ривоятлар" (1991), "Доно Алишер" (2016) "Ипак йўли афсоналари" (1993), "Предание гласит" (1994), "Боболардан қолган нақллар" (1998), "Бухоро афсоналари" (2002), "Қадимий Кармана ривоятлари" (2013) каби тўпламлар мустақиллик даври ўзбек фольклоршунослиги тарихида муҳим ўрин тутади.



Истиқлол туфайли маросим фольклорининг илгари нашр этилмаган ёки қисман оммалаштирилган намуналари чоп эттирилди. Хусусан, ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи марта наврўз байрами билан боғлиқ ўзбек фольклори асарларидан тузилган "Наврўз" китоби (Т.Мирзаев ва М.Жўраев, 1992), йилбоши байрами ва баҳорий удумлар билан алоқадор урф-одат ҳамда маросимлар, унда ижро этиладиган қўшиқлар таҳлилига бағишланган "Наврўз қўшиқлари" (М.Жўраев, 2007), "Наврўз нашидаси" (Ш.Турдимов ва Ж.Эшонқулов, 2010), "Наврўз қўшиқлари" (Ш.Турдимов ва Ж.Эшонқулов, 2011), "Наврўз тароналари: наврўз байрами ва баҳорий удумлар билан боғлиқ ўзбек халқ қўшиқлари" (М.Жўраев, 2016) халқимизнинг табиат ҳодисалари билан алоқадор инонч ва таъбирлари жамланган "Об-ҳаво даракчилари" тўплами (М.Жўраев, 1996), "Улуғ ой умидлари. "Ё рамазон" қўшиқлари" (М.Жўраев ва Ш.Шомусаров, 2001), ўзбек дафн ва таъзия маросимлари фольклори намуналаридан таркиб топган "Бўзлардан учган ғазал-ей" (О.Сафаров, Д.Ўраева, 2005) сингари китоблар халқимизнинг маросим фольклорини тўла нашр этиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, фольклористик изланишлар самараси ўлароқ "Остонаси тиллодан. Тўй маросим қўшиқлари" (М.Мирзаева, А.Мусақулов, 1993), "Қизил гулнинг ғунчаси. "Келин салом"лар" (М.Жўраев ва О.Исмонова, 1999), "Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари" (М.Жўраев, 2000), "Тўй муборак ёр-ёр" (О.Сафаров, 2003), "Сарчашмадан томган инжулар. Сурхон воҳаси ўзбек тўй маросим қўшиқлари" (Л.Худойқулова, 2007), "Қошу кўзи пиликдай: "келин салом"лар" (М.Жўраев, 2016) каби фольклор тўпламлари нашрдан чиқди.

Фольклор бўлими ходимларининг хорижий мамлакатлардаги илмий марказлар ва олий ўқув юртлари билан илмий алоқалари ҳам яхши самара бермоқда. Айниқса, Германиядаги Бонн университети профессори Карл Райхлнинг Фольклор бўлими билан ижодий алоқалари самараси ўлароқ бир қатор ўзбек халқ эртаклари ва "Алпомиш" достонининг немис тилига қилинган таржимаси нашрдан чиқди. Алишер Навоий ҳақидаги ўзбек халқ тарихий ривоятларининг М.Жўраев нашрга тайёрлаган мажмуаси 1996 йилда Бокуда озарбайжон тилида чиқди. Фольклор бўлимида ўз илмий

малакасини оширган Филиз Қирбош ўғли (Туркия) "Гўрўғлининг туғилиши" достонини, Селами Фидокор (Туркия) эса "Рустамхон" ва "Эрали ва Шерали" достонларини турк тилига таржима қилиб нашр эттирди. Шунингдек, Туркияда ҳам "Алпомиш" достони босилиб чиқди. Япон олими Херокининг "Туркий халқлар қаҳрамонлик эпоси" китоби (2002) Токиода, Карл Райхлнинг "Туркий халқлар эпоси" китоби (2002) Анқарада босилиб чиқди. 2007 йилда профессор Т.Мирзаев ҳамда Ж.Эшонқул томонидан нашрга тайёрланган "Ойчинор", "Эрали ва Шерали" достонлари Туркияда чоп эттирилди.

Ўзбек халқ мақолларини тўплаш ва унинг энг мукаммал мажмуасини яратиш борасидаги ишлар узлуксиз давом эттирилди. Натижада 2005–2020 йилларда Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, А.Мусақуловлар томонидан нашрга тайёрланган "Ўзбек халқ мақоллари"нинг кирил ва лотин алифбосидаги нашри бир неча марта босилди. 1999 йилда Термиз шаҳрида "Алпомиш" достони ва унинг жаҳон халқлари эпик ижодиётида тутган ўрни" мавзуидаги халқаро илмий анжуман ўтказилди. Илмий конференция материаллари ўзбек, рус ва инглиз тилларида босмадан чиқарилди. Ўша йили "Алпомиш" достонига бағишланган энг яхши тадқиқотларининг натижалари "Фан" нашриётида чоп эттирилган "Алпомиш" – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси" номли илмий тўпламда ўз аксини топди.

Истиқлол йилларида "Алпомиш" достонининг шаклланиш тарихи ва поэтикаси (Т.Мирзаев, М.Муродов, Ж.Эшонқулов, А.Эргашев), ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари (А.Мусақулов, Ш.Турдимов), ўзбек халқ достонлари поэтикаси (И.Ёрматов, С.Мирзаева, Ж.Эшонқулов, М.Рўзиева); фольклор-этнографик жамоалар ижодиёти ва унинг ҳозирги тарихий-фольклорий жараёндаги ўрни (С.Йўлдошева), ўзбек мифологияси (М.Жўраев, Ш.Шомусаров, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов, Т.Ҳайдаров, Т.Раҳмонов), дев, ялмоғиз, пари, илон-аждар, Хизр каби мифологик образлар (Ж.Эшонқулов, Б.Жуманиёзов, О.Қаюмов, Д.Файзиева, Ф.Нурмонов), "Гўрўғли" туркуми достонларининг тарихий илдизлари, типологияси ва бадиияти (С.Рўзимбоев, Ш.Турдимов, С.Сариев), халқ эртаклари (К.Имомов, Ж.Юсупов, З.Расулова), афсона ва ривоятлар (К.Имомов, М.Жўраев, У.Сатторов, М.Раҳмонова, З.Жумаев),



лингвофольклористика (М.Ёқуббекова, М.Жуманиёзова, Ж.Холмуродова), болалар фольклори (О.Сафаров, Н.Қурбонова, Ш.Галиев, С.Авезов, Ҳ.Рўзметов, Н.Сафарова), халқ қўшиқлари (К.Очилов, М.Ёқуббекова, Д.Ражабов, Н.Қосимов, Н.Шомаматов, М.Рўзиева, Ш.Имомназарова), тарихий воқелик ва фольклор (У.Жуманазаров, Б.Бобоев, С.Умаров), мақол ва топишмоқлар (Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Жўраева), маросим фольклори (М.Жўраев, С.Мирзаева, Д.Ўраева, Л.Худойқулова, Н.Қуронбоева, О.Исмонова, С.Давлатов) фундаментал тадқиқ этилди.

Истиқлол йилларида ўзбек эртакшунослиги ҳам қамрови кенгайиб, бу борадаги тадқиқотлар янги босқичга кўтарилди. Эртак ва ижтимоий ҳаёт, эртак мотивлари ва қадимги маросимларнинг ўзаро муносабати, ўзбек халқ эртакларининг асосий сюжет типлари, образлар таркиби ва бадиий хусусиятлари,ўзбек халқ эртакларининг ҳудудий-локал хусусиятлари, сеҳрли эртакларнинг структуруал-типологик хоссалари ўрганилди. Фольклоршунос олим К.Имомов ўзбек халқ насрининг жанрлар таркибини таснифлашнинг илмий мезонларини баён қилди, эртак ва ижтимоий ҳаёт, эртак мотивлари ва қадимги маросимларнинг ўзаро муносабати, ўзбек халқ эртакларининг асосий сюжет типлари, образлар таркиби ва бадиий хусусиятларига доир қатор тадқиқотларини нашр эттирди. Шунингдек, ўзбек халқ эртакларидаги "сеҳрли" рақамлар (М.Жўраев), адабий эртаклар поэтикаси (С.Алимов), эртакларнинг ҳудудий-локал хусусиятлари (Ж.Юсупов), сеҳрли эртакларнинг структуруал таҳлили (Н.Дўстхўжаева), ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг генетик асослари (С.Жумаева), маиший эртакларнинг таснифи ва поэтикаси (Қ.Бекназаров), эртак-новеллаларнинг спецификаси (З.Усмонова), ўгай қиз ҳақидаги ўзбек халқ эртакларининг ўзига хослиги, генезиси ва поэтикаси (М.Содиқова), эртакларда эпик замон ва макон талқини (К.Қодиров), сеҳри эртаклардаги "ғаройиб буюмлар"нинг генезиси ва бадиий вазифалари (З.Расулова), эртаклардаги шарт мотивининг эпик талқини (Ш.Назарова), эртаклар нашрининг текстологияси ва эртакчилик анъанасининг ўзига хослиги (Ж.Асқарова) монографик жиҳатдан ўрганилди. Фольклоршунос олим М.Жўраевнинг германиялик эртакшунос Габриэлле Келлер ҳамда ўзбек тадқиқотчиси Хуррам Раҳимов билан ижодий ҳамкорлиги натижасида 2018 йилда Германияда ўз-

бек халқ сеҳрли эртакларининг 2 жилдлик каталоги "Typenkatalog Usbekiscer Zaubermärchen: Klassifizierung mit Kommentaren" (Band I-II. – Vorabdruck, 2017. – 800 p) номи билан чоп этилди.

Маълумки, ўзбек халқи инсоният тамаддуни бешигини тебратган, ўзининг ғоят қадимий маданияти ва серқирра ижоди билан кишилик жамияти халқларидан бири эканлиги дунё жамиятчилиги томонидан аллақачон эътироф этилган. Халқимиз бадиий тафаккурининг бақиёс қудратини ўзида акс эттирган бадиий адабиётимизнинг энг сара дурдона асарларини чоп этиш борасида фольклоршунос олимларимиз жуда катта ишларни амалга оширганлар. Эндиликда ўзбек халқи поэтик тафаккурининг тарихий-тадрижий тараққиёти қонуниятлари ва поэтик маданиятимизнинг умумжаҳон бадиий-эстетик маданияти контекстида тутган муносиб ўрнини кўрсатишга асос бўладиган муҳташам мажмуа – "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигини тайёрлашга киришилди. Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётининг энг нодир дурдоналаридан иборат ушбу 100 жилдлик нашр Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сонли "Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида амалга оширилмоқда. Олимлар томонидан ҳозирга қадар ушбу 100 жилдликнинг 60 дан ортиқ жилдлари нашрга тайёрланган бўлиб, 2015–2020 йилларда унинг дастлабки 18 жилди чоп этилди. Ушбу нашрни чоп этиш ишлари 2030 йилда якунланиши кўзда тутилган.

Фольклор асарларининг бундай мукаммал нашрини амалга ошириш халқ бадиий тафаккурининг жаҳон маданияти контекстида тутган ўрнини кўрсатишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам кўпгина халқлар ўзининг фольклор меросини кўпжилдликлар тарзида нашрга тайёрлаб, чоп эттиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, қозоқ фольклорининг юз жилдлиги – "Боболар сўзи" (2004–2013 йиллар), "Қорақалпоқ фольклори" 100 жилдлиги (2007–2015 йиллар) чоп эттирилди. 1991 йилда "Сибирь ва Узоқ Шарқ халқлари фольклори ёдгорликлари" 60 жилдлигини нашр этишга киришилган бўлиб, ҳозиргача унинг 40 жилди нашр қилинди. Шунингдек, 36 жилддан иборат "Бошқирд халқ ижоди" (1995–2009), қирғиз фольклорининг "Эл адабиёти" номли 40 жилдлиги (1996–2004), 12 жилдли "Белорус фольклори" (1979–2003), 25 жилдли "Рус фольклори" (2001–2014), 20 жилдли "Доғистон халқлари фольклори", 10 жилдли "Мўғул халқлари фольклори ёдгорликлари" босиб чиқарилди. Ана шу фактларни халқимизнинг юз жилддан иборат оғзаки ижод дурдоналари билан қиёсласак, ўзбек халқининг бадиий даҳоси ғоят кенг кўламлиги ва халқимиз жаҳоннинг энг бой фольклор меросига эга халқларидан бири эканлиги яққол аён бўлади.

"Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлиги фақатгина бадиий тафаккур дурдоналарининг мукаммал жамланмаси эмас, балки ўзбек халқининг нуфузи, ғурури ва шон-шарафини дунёга янада кенгроқ танитишга хизмат қиладиган, Ўзбекистон деган мамлакатга шараф келтирадиган адабий нашр ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиёти асарларини ёзиб олиш ва архивлаштириш, достончилик мактабларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, бахшилар, қўшиқчилар, аскиябозлар, лапарчилар, ўланчилар, эртакчилар репертуаридаги асарларни тўплаш, бадиий жиҳатдан энг мукаммал фольклор асарларини нашр этиш ҳамда уларни илмий тадқиқ этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Натижада ўзбек фольклоршунослиги Марказий Осиёнинг халқ оғзаки ижодини ўрганишга ихтисослашган энг етакчи илмий мактабларидан бири даражасига кўтарилди.

Муҳтарам ўқувчи! Сиз ўқишга чоғланган ушбу монография ўзбек халқ ижоди асарларини тўплаш, нашр этиш ва илмий тадқиқ қилиш билан изчил шуғулланган фидойи фольклоршунос олимлар ҳамда заҳматкаш фольклор тўпловчилар ҳақидаги биобиблиографик тадқиқот ҳисобланади. Тадқиқотда ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб 2020 йилга қадар ўзбек фольклоршунослиги соҳасида чоп этилган асарлар таҳлилга тортилган. Сиз бу китобни ўқиш жараёнида ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиши ҳамда турли даврлардаги тарихий тараққиётига доир қизиқарли маълумотлар билан танишасиз. Ўйлаймизки, ушбу биобиблиографик маълумотнома ўзбек фольклоршунослигининг фан сифатидаги шаклланиш жараёни ва тадрижий ривожи босқичлари ҳақидаги билимингизни бойитишга хизмат қилади.

# ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ БИОБИБЛИОГРАФИЯСИ

## Бекжон РАҲМОН

*(1887 йил, Хива шаҳри – 1929 йил, Амударё)*

Бекжон Раҳмон (Раҳмонқулов Бегижон) XX асрнинг 20-йилларида халқ оғзаки ижодини, айниқса, мақол ва халқ мусиқаси асарларини тўплаб, оммалаштириш билан шуғулланган ўзбек фольклоршуносларидан биридир. У Хоразм халқ мусиқасини ўрганган, мақол ва ҳикматли сўзларни тўплаган. 1908 йилда Хивада бўлган А.Н.Самойлович Бекжон девон билан танишганлиги ҳақида ёзганлигига қараганда, мулла Бекжон Раҳмон ўз даврининг илмли кишиларидан бири бўлиб, хон саройида нуфузли вазифалардан бирида хизмат қилган. У 1910 йилда Саид Муҳаммад Моҳирўй тўғрисидаги афсона, Муҳаммад Раҳимхон Феруз вафотига бағишланган марсияси ҳамда Асфандиёрхонга атаб ёзилган қасидани А.Н.Самойловичга юборган. Бекжон Раҳмон 1913–1918 йилларда Истамбул университетида ўқиган.

Бекжон Раҳмон 1920–1921 йилларда Хоразм халқ республикаси мориф вазири ҳамда “Инқилоб қуёши” газетасининг муҳаррири, 1921 йилдан бошлаб эса Марказий ижроия комитети иш бошқарувчиси бўлиб ишлаган. Унинг сайъ-ҳаракатлари натижасида Хоразмда кўплаб ўзбек ва туркман тилларида дарс машғулотлари олиб бориладиган мактаблар очилган, 1921 йил сентябрда Хивада халқ университети иш бошлаган. 1925–1926 йилларда Хоразм округи (вилояти) халқ маориф бўлими мудири вазифасида хизмат қилган.

Бекжон Раҳмон 1924 йилда Хоразм халқ республикаси Мариф-маданият назорати қошидаги Илмий марказ қарорига кўра ўзи тўплаб, нашрга тайёрлаган “Ўзбекча оталар сўзи (мақоллар)”



китобини чоп эттирган. Бу мажмуа ўзбек фольклоршунослиги тарихидаги илк мақоллар тўплами эди. 49 саҳифадан иборат бу китобчада гарчи хоразмликлардан ёзиб олинган 564 мақол киритилган бўлса-да, ўзбек халқ мақолларини тўплаш ва тадқиқ этишнинг дебочаси ана шу тўпламдан бошланади. Бекжон Раҳмон бу китобга ёзган сўзбошисида “халқ адабиёти”нинг моҳияти, мақолларнинг келиб чиқиши ва маъно нозикликлари, уларни тўплаш ва ўрганиш зарурлигини қайд қилган.

***Ас***[1]*.:* Ўзбекча оталар сўзи (мақоллари). – Хива, 1924; Хоразм мусиқий тарихчаси (Муҳаммад Юсуф Девонзода (Харратов) билан ҳамк.) – М., 1925; Ўзбек нотасининг ислоҳи ва тарқалиши // Аланга. – Тошкент, 1928. – 3-4-сонлар. – Б.13; Хоразм мусиқий тарихчаси. – Тошкент: Ёзувчи, 1998 (Муҳаммад Юсуф Девонзода билан ҳамк.).

***Ад.:*** Саримсоқов Б. Мақоллар ҳақида / Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.21–22; Рўзимбоев С. Хоразм жадид адабиёти намояндаси Мулла Бекжон Раҳмон ўғлининг адабий мероси / Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари. – Тошкент, 2014; bekjon-rahmon / www.ziyouz.uz.

## Муҳаммадиса ЭРНАЗАР ўғли

*(1887 йил, Ғаллаорол тумани, Гадой қишлоғи – 1932 йил 14 октябрь)*

Ўзбек халқ достонларини ёзиб олиш ишига катта ҳисса қўшган ҳаваскор фольклор тўпловчи мулла Муҳаммадиса Эрназар ўғли ўтган асрнинг 20-йилларидаёноқ халқ шоирларини излаб топиш ва уларнинг ижодини илмий жамоатчиликка маълум қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатган. Уларни бир жойга тўплаб, халқ достонларини ёзиб олишни ташкил қилган ва бу билан чекланмай, ўзи ҳам Эргаш шоирдан “Қундуз билан Юлдуз”, “Алпомиш” (Пўлкан шоир билан биргаликда айтилган) достонларини, “Шоирларга раҳбар Ҳоди”, “Охунбобоев”, “Ғози Олим”, “Отажон Ҳошим” каби

[1] Шартли қисқартмалар тавсифи монографиянинг охирида берилган.

термаларни, Фозил Йўлдош ўғлидан “Малика айёр”, “Муродхон”, “Ширин билан Шакар”, Пўлкан шоирдан “Гўрўғлининг Араб Райҳоннинг қизини олиб қочиб келиши” каби достонларни ёзиб олган.

Атоқли халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғлининг достон ва термалари мажмуаси бўлмиш “Булбул тароналари”нинг 1973 йилда чоп этилган бешинчи жилдида шундай маълумотлар бор: “Ўзбекистон халқ Маориф комиссарлиги Илмий марказининг Ўзбекларни ўрганиш комитети халқ достонларини тўплашга киришганда, дастлаб Фозил Йўлдош ўғли воситасида аниқланган Эргаш Жуманбулбул ўғлини Нурота районининг Қўрғон қишлоғидан Самарқандга олиб келиш ва асарларини ёзиб олишда Исо Эрназар ўғлининг амалий ёрдами катта бўлди. 1925 йилда атоқли халқ шоирини Самарқандга олиб келиб олимларга таништирган ҳам ана шу олий ҳимматли ажойиб фольклор тўпловчи Исо Эрназар бўлди. 1926–1928 йилларда Эргаш ота кўпинча Қирқшоди қишлоғида қадрдони Исо Эрназар ўғлиникида яшади. Шунинг учун ҳам унинг кўпгина асарлари шу ерда қаламга олинди. Атоқли халқ бахшилари Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлканнинг бир неча достонлари шу қишлоқда ёзилган (286-бет)”.

Фольклор тўпловчи Муҳаммадиса Эрназар ўғли Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Қирқшоди қишлоғи ҳудудидаги Каптархона маҳалласида яшаган. Унинг отаси асли Ғаллаорол туманидаги Гадой қишлоғидан бўлиб, тирикчилик боис Қирқшоди қишлоғига келиб ўрнашиб қолган. Муҳаммадиса қишлоқдаги эски мактабда саводини чиқаргач, Самарқанддаги мадрасалардан бирида тўрт-беш йил таҳсил олган. Унинг отаси Бухоро ва Туркиядаги илм даргоҳларида ҳам ўқиган саводхон киши бўлган. XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Муҳаммадиса Эрназар ўғли бир қанча вақт Самарқанд вилоят суди ҳамда Булунғур туман халқ судида котиб бўлиб ишлаган.

Халқ оғзаки ижодига ихлоси баланд бўлгани учун у Фозил шоир билан дўстлашган ва кейинчалик фольклоршунос олимлар билан танишиб, халқ оғзаки ижодиётининг аҳамиятини тушунгач, фольклор асарларини ёзиб олишга қаттиқ бел боғлаган. Фозил шоир кўмагида Самарқанд вилоятининг турли қишлоқларида яшаб ижод қилган халқ бахшиларини аниқлаган. Айниқса, Эргаш



шоир ва Пўлкан шоирларни илмий жамоатчиликка маълум қилиши маданиятимиз тарихидаги улкан воқеалардан бири бўлган. У 1925 йилда Самарқанднинг чекка қишлоқларидан бири – Жўшга бориб, Эргаш Жуманбулбул ўғлини излаб топган ва уни Қирқшодига олиб келган.

1925–1928 йилларда Муҳаммадиса Эрназар ўғлининг Каптархона деган маҳалладаги уйида Эргаш шоир, Фозил шоир, Пўлкан шоирлар ҳафталаб яшашган ва достон куйлашган. Ўша даврда Ўзбекларни ўрганиш қўмитасининг Тошкентдан келган олимлари ҳам шу ерда туриб, Исо Эрназар ўғли ёрдамида Самарқанд атрофидаги қишлоқлардан халқ бахшиларини тўплаб, достон ёзиб олишган. Хусусан, Қирқшоди яқинидаги Сўлоқли қишлоғида яшовчи 82 яшар Абдуғофур Шукур ўғли 1987 йилнинг жавзосида биз билан қилган суҳбатида Эргаш Жуманбулбул ўғли ва Пўлкан шоирлардан бошқа бахшилар ҳам келишиб, навбатма-навбат достон айтишгани, қишлоқ аҳли Исо Эрназар ўғлининг уйида тонг отгунча достон эшитганини хотирлаган эди. Ҳақиқатан ҳам профессор Ҳоди Зарифнинг маълумотларидан аёнки, 1926–1928 йилларда Қирқшоди қишлоғи ўзига хос ўзбек достончилигининг марказига айланган ва бу хайрли ишнинг ташаббускори Исо Эрназар ўғли эди.

Муҳаммадиса Эрназар ўғли фақат достон ва термаларни ёзиб олиш билангина чекланиб қолмай, ўзбек халқининг урф-одатлари, иримларини, маросим ва анъаналари билан алоқадор эътиқодий қарашларини тўплашга ҳам катта ҳисса қўшган. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида Муҳаммадиса Эрназар ўғлининг “Одамнинг туғилиши, исм қўйиш, улғайиши ва ўлиши билан боғлиқ урф-одатлар” деб номланган материаллар мажмуаси сақланади. Унда Ғаллаорол туманига қарашли қишлоқларда яшовчи қирқ, юз, найман, уйшун каби ўзбек уруғларига мансуб кишиларнинг урф-одатлари ва ирим-сиримлари ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

***Ас.***: Муҳаммадиса Эрназар ўғли. Одамнинг туғилиши, исм қўйиш, улғайиши ва ўлиши билан боғлиқ урф-одатлар (Самарқанд вилояти бўйича Исо Эрназар ўғли томонидан 1926–27 йиллар тўпланган этнографияга оид материаллар) / ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№ 9130.

*Ад.*: Жўраев М. Қирқшодилик фольклор фидойиси / М.Жўраев, Ў. Тоҳиров. Остонаси тиллодан. – Тошкент: Мозийдан садо, 2003. – Б.5-7; Жўраев М. Муҳаммад Иса Эрназар ўғли / Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 3-жилд. "Қиронхон" (достон). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – Б.628-630.

## Миёнбузрук СОЛИҲОВ

*(1891 йил, Тошкент шаҳар, Қашқар маҳалласи – 1938 йил 5 декабрь)*

Ўзбек халқ театри анъаналарини ўрганишга алоҳида эътибор қаратган Миёнбузрук Солиҳов 1927 йилда Истанбул университетини битириб, Тошкентга қайтиб келган ва Ўрта Осиё давлат университетининг Шарқ факультетида ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бериш орқали ўз меҳнат фаолиятини бошлаган. У 1931–1932 йилларда Тошкентда очилган Тожикистон давлат маориф институтида тожик тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1932–1934 йилларда Ўзбекистон Маданий қурилиш илмий-текшириш институтида, 1934–1936 йилларда эса Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим вазифасида хизмат қилиш билан бир қаторда айни пайтда Тошкент давлат педагогика институтида ўқитувчилик ҳам қилган. 1936–1937 йилларда Бухоро давлат педагогика институтида доцент вазифасида ишлаган.

М.Солиҳов ўзбек адабиёти анъаналари, театр тарихи, фольклор, этнография ва тилшуносликка доир бир қанча асарлар яратган. Унинг 1935 йилда чоп этилган "Ўзбек театри тарихи учун материаллар" номли китобида ўзбек халқ театрининг тарихий асослари, ўзига хос хусусиятлари ва турлари, халқ театри ўйинлари, "мавлавийчилик" маросими, қўғирчоқбозлик, Качал полвон, чодирхаёл, қизиқчилик, лўттибозлик, масхарабозлик, кўзбойлоқчилик, муқаллидчилик ҳақида фикр юритилган. Китобда "Саркардалар" номли ўзбек халқ оғзаки драмасининг матни ҳам илова қилинган.

У ўзининг 1935 йилда чоп эттирилган бир китобида халқ оғзаки бадиий ижодиёти намуналаридан, хусусан, Берди бахшидан ёзиб олинган "Алпомиш" достонидан парчаларни таҳлил қилган.



*Ас.*: Сўфизода ва унинг ижоди ҳақида. – Тошкент, 1934; Ўрта Осиё ва ўзбек адабиётига умумий қараш. – Тошкент, 1930; Ўзбек театри тарихи учун материаллар. – Тошкент, 1935; Ўзбек адабиёти (фольклор). – Тошкент, 1935.

*Ад.*: Турдимов Ш. Меросимизнинг бир саҳифаси / ЎАС. – 1989, 3 март; Усмонов И. Йиллар ва тақдирлар / ЁЛ. – 1989, 18 апрель; Абдулхайров Б. Миён Бузрук – жадид драматургияси ва театри тадқиқотчиси. – Тошкент: Фан, 2009; Миёнбузрук Солиҳов / www.qomus.info.

## Ғози Олим ЮНУСОВ

*(1893 йил – Тошкент шаҳри – 1939 йил)*

Ўзбек фольклори асарларини ёзиб олиш ва илмий ўрганиш ишини бошлаб берган илк тадқиқотчилардан бири профессор Ғози Олим Юнусов Тошкентда тўлиқсиз ўрта маълумотни олгандан кейин, 1908 йилда Қоҳирага ўқишга борган. 1914 йилдан Истамбулдаги Туркия университетида ўқишни давом эттирган. 1923–1925 йилларда ўқишни битказиб, хорижий сафардан қайтиб келган. Шундан кейин у савдо жамиятининг раиси, сўнгра Юстиция халқ комиссарлигида илмий котиб, Ўзбекистон Халқ маориф комиссарлиги қошидаги Тил ва терминология қўмитасида илмий ходим вазифаларида ишлаган. Айни вақтда Ўзбек давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетида дарс берган. 1931 йилдан яна Тошкентга қайтиб келиб педагогика институтининг Тил ва адабиёт факультетида дарс бера бошлаган ва Халқ маориф комиссарлигининг Тилшунослик секциясига мудирлик қилган. 1930 йилда Шарқшунослик институти Ғ.О.Юнусовга профессор унвонини берган. У 1934 йилдан Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида ишлай бошлаган.

Халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини муайян илмий мезонлар асосида ёзиб олиш анъанасини атоқли олим, профессор Ғози Олим Юнусов бошлаб берган. Ўзбек фольклорини тўплаш ва оммалаштиришнинг ташаббускорларидан бири бўлган Ғ.О.Юнусов

лоят драма театрини бошқарган. 1944–1946 йилларда Ўзбек давлат филармонияси ашула ва рақс жамоасининг раҳбари, 1944–1976 йилларда Тошкентдаги халқ чолғу асбоблари ва мақомчилар ансамбли бадиий раҳбари бўлиб ишлаган.

Юнус Ражабий ўзбек мусиқа фольклорининг тўпловчиси, ношири ва фаол тарғиботчисидир. У ўзбек халқ қўшиқлари ва чолғу мусиқасини тўплашга XX асрнинг 30-йилларидаёқ киришган ва ўзи ёзиб олган ўнта қўшиқни нашр эттирган. 1951–1957 йилларда мусиқа фольклори экспедицияларининг аъзоси сифатида Фарғона водийсида, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида бўлиб, халқ қўшиқларини ёзиб олган. Ю.Ражабий ўзбек халқининг мусиқа меросини тўплабгина қолмасдан, уни жанрлар бўйича саралаб, нашрга ҳам тайёрлаган. У 1955–1959 йилларда ўзи тўплаган материаллар асосида "Ўзбек халқ мусиқаси" мажмуасининг беш жилдини нашр эттирган. Бу тўпламларга мингдан ошиқ халқ қўшиқлари ва чолғу куйлари киритилган.

Ю.Ражабий "Шашмақом"ни ёзиб олиш ва нашр эттириш билан мусиқа фольклоршунослигига катта ҳисса қўшган. У Тошкент-Фарғона мақом йўллари, Бухоро "Шашмақом"и ва унинг таркибий қисмларини тўплаб, мукаммаллаштириб нашрга тайёрлаган ҳамда 1966–1975 йиллар давомида олти жилдлик китоб ҳолида чоп эттирган. Ю.Ражабий ўзбек халқ лирик, меҳнат, тарихий қўшиқлари ва маросим фольклори асарларини, болалар ўйин фольклори намуналарини ёзиб олган, қўшиқларнинг пайдо бўлиши, тарқалиш доираси, ижро усуллари ва ҳудудий фарқланиши, қўшиқ матнларининг бадиийятига доир илмий кузатишлар ҳам олиб борган.

***Ас.***: Ўзбек халқ музикаси. I-V томлар. Тўпловчи ва нотага олувчи: Ю.Ражабий. – Тошкент, 1955–1959; Шашмақом. I–VI томлар. – Тошкент, 1966–1975; Музика меросимизга бир назар. – Тошкент, 1978; Ўзбек мақомлари. – Тошкент, 2007.

***Ад.***: Алимбоева К., Аҳмедов М. Народные музыканты Узбекистана. – Ташкент, 1959. – С.82-87; Александров Д. Музыка народов бессмертна. – Ташкент, 1967; Зарифов Х. Юбилей ученого-музыканта // ОНУ. – 1967. – №9. – С.60-61; Зудов В. Щедрость души (К 80-летию со дня рождения Юнуса Ражабий) / ПВ. – 1977, 5 январь; Кароматов Ф. Юнус Ражабий // ФТ. – 1967. – 8-сон; Аҳмедов М. Юнус Ражабий. – Тошкент, 1967; Аҳмедов М. Юнус Ражабий ва ўзбек халқ музикаси // ШЮ. – 1974. – 4-сон; Аҳмедов М. Юнус Ражабий. – Тошкент, 1980; Ражабий Ҳ. Мақом алломаси / ЎАС. – 1987, 1 январь; Ғофурбеков Т. Умри мақомдек боқий / ТҲ. – 1987, 6 январь; Маҳмудова С. Юнус Ражабий боғлари / ТО. – 1987, 7 январь. Абдуллаев Р. Юнус Ражабий ва ўзбек мақомлари / Шашмақом сабоқлари. Ш. – Тошкент, 2007.



## ЭЛБЕК

*(1898 йил, Бўстонлиқ тумани, Ҳумсон қишлоғи – 1939 йил, Тошкент)*

Шоир ва фольклор тўпловчи Элбек (Машриқ Юсупов) 1911 йилда Тошкентнинг Девонбеги маҳалласидаги Ҳокий мактабини, 1914 йилда Шайҳонтоҳур маҳалласидаги "Намуна" мактабини, 1919 йилда эса Тошкентдаги саккиз ойлик ўқитувчилар тайёрлаш курсини тугатган. Тошкент эрлар билим юрти ва Наримонов номидаги педагогика техникумида ўқитувчи бўлиб ишлаган. У 1921 йилдан бошлаб Туркистон Маориф халқ комиссарлиги қошидаги илмий даргоҳларда хизмат қилган. "Маориф ва ўқитувчи", "Билим ўчоғи" каби журналларнинг таҳририят аъзоси сифатида ишлаган.

Элбек ўзбек халқ оғзаки ижодини тўплаш ва нашр этишга катта ҳисса қўшган. У 1921–1922 йилларда Давлат илмий кенгашининг Ўзбек билим ҳайъати томонидан Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманига уюштирилган фольклор экспедициясида қатнашиб, халқ қўшиқлари, лапарлар, топишмоқлар, мақол ва эртакларни тўплаган. 1922 йилда "Лапарлар" номи остида халқ қўшиқларини чоп эттирган. У лапарлар матнини бергач, лапарларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳам тўхталган ва лапарлардан намуналар бериш билан чекланиб қолмасдан, муштарийларни фольклор тўплашга даъват этган. "Топишмоқ, мақол ва ашула тўплами" (1923), "Ашулалар тўплами " (1935), "Болалар қўшиғи" (1937) каби мажмуаларни нашр эттирди. Элбекнинг "Болалар қўшиғи" номли тўпламига ўзбек халқ болалар оғзаки поэтик фольклорининг "Бор

экан-да йўқ экан", "Читтигул", "Бойчечак", "Офтоб чиқди оламга", "Ёмғир ёғалоқ", "Қалдирғоч" каби анъанавий қўшиқлари жамланган. Бундан ташқари, у ўзбек халқ эртаклари, афсона ва ривоятларини ҳам ёзиб олиб, нашр эттирган. Элбек тўплаган материаллари ўзбек фольклорини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

*Ас.*: Лапарлар // Билим ўчоғи. – Тошкент, 1922. – 1-сон. – Б.96-98; Болалар қўшиқлари // Маориф ва маданият. – Тошкент, 1923. – 1-сон; Топишмоқ, мақол ва ашула тўпламлари. – Тошкент, 1923; Ашулалар тўплами. – Тошкент, 1935; Болалар қўшиғи. Халқ дурдоналаридан мактабгача ёшдаги болалар учун. – Тошкент, 1936; Пушкин ижодида халқ адабиёти ва унинг ўзбекча таржимаси ҳақида / ЁЛ. – 1937, 6 февраль; Эртаклар. Халқ адабиётидан болалар учун терма эртаклар. – Тошкент, 1936; Лапарлар/ XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.21–24; Elbek. Armug'on yolqinlar (Nashrga tayyorlovchi va so'z boshi muallifi Amonov U.). – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2017. – 56 б.

*Ад.*: Элбек (Машриқ Юсупов) / ЎСЭ. – 13-том. – Тошкент, 1979. – Б.17; Қобулов Н. Элбек. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988; Алиев А. Элбек ва давр адабий жараёни / ЎАС, 1989, 20 октябрь; Яна ўша: Ижоди билан қайтди // ТҲ, 1989, 24 июнь; Амонов У. Элбекнинг ўзбек фольклоршунослиги тараққиётидаги хизматлари // БухДУ илмий ахбороти. – Бухоро. – 2016. – №1. – Б. 113–118; Шу муаллиф. Элбек шеърларида халқ қўшиқларидан иқтибослар // ЎТА. – Тошкент. – 2017. – №5. – Б.90-93; Шу муаллиф. Элбек оламининг топилмалари / Elbek. Armug'on yolqinlar. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2017. – B. 5-6; Шу муаллиф. XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиши тарихи (Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек фаолияти мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018; Элбек (1898–1939) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.21; Амонов У. Новые грани творческого наследия Элбека // ТАТ. – 2020. – №4. – Б.62- 63.



## Ғулом ЗАФАРИЙ

*(1899 йил – Тошкент шаҳри – 1937 йил 28 декабрь)*

Анъанавий ўзбек халқ театрининг илк тадқиқотчиларидан бири Ғ.Зафарий халқ оғзаки ижодиёти материаллари асосида "Ҳалима" (1919), "Турғунбой" (1926) каби пьесалар яратиб, ўзбек болалар драматургиясининг шаклланишига катта ҳисса қўшган. У ўзбек халқ театри ва анъанавий мусиқа фольклори асарларини ёзиб олиш ва ўрганишга киришган дастлабки мутахассислардан биридир. Ғулом Зафарий 1921–1924 йилларда Туркистон маориф комиссарлиги илмий кенгаши Ўзбек билим ҳайъатининг Театр-этнографик билим ҳайъатига раис бўлган. У 1921–1922 йилларда ўзбек халқ оғзаки драмаси асарларини ёзиб олиш, қизиқчилик ва рақс санъатини ўрганиш мақсадида Тошкент ва Фарғона водийсига сафар қилган. Ана шу экспедиция давомида халқ томоша санъатининг анъанавий жанрлари аниқланган, қўғирчоқбоз, қизиқчи, аскиябоз ва рақкослар санъатига оид материаллар тўпланган, халқ мусиқасидан намуналар, бир нечта оғзаки драма ёзиб олинган. Ғулом Зафарий ўзи ёзиб олган "Мақтанчоқ киши" ҳамда ҳозиргача ёзиб олинган ягона оғзаки назмий пьеса ҳисобланадиган "Эр ва хотин" асарини нашр эттирган (1923). Ғулом Зафарий тўплаган фольклор материаллари ўзбек халқ театри, музика фольклори ва қўшиқчилари санъатини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

*Ас.*: Шарқ куйлари ва чолғулари / Инқилоб. – 1922. – 3-сон. – Б.39; Ўзбек театри тарихи / Ўзгаришчи ёшлар. – 1923. – 2-сон; Чиғатой ўзбек халқ театруси // Билим ўчоғи. – 1923. – 2-3-сонлар. – Б.62-68; Чолғумизни ўлимдан қутқарайлик // МЎ. – 1925. – 1-сон. – Б.140–146; Ўзбек мусиқаси тўғрисида // Аланга. – 1930. – 1-сон. – Б.41; Чиғатой-ўзбек халқ театруси / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.25-31.

*Ад.*: Қодиров М. Ўзбек халқ оғзаки драмаси. – Тошкент, 1963. – Б.10–11; Турсунов Т. Ғулом Зафарий ва театр // СЎС. – Тошкент, 1979. – 4-сон. – Б.8–18; Ғулом Зафарий / ЎСЭ. 14-том. – Тошкент, 1980. – Б.329; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тош-

кент, 1980. – Б.2; Асқаров С. Адибнинг сеҳрли олами: Ғулом Зафарий ва фольклор / СЎС. – 1986. – 6-сон; Усмонов О. Абдулла Қодирий ва Ғулом Зафарий / Илмий-назарий конференция (республика миқёсида). – Тошкент, 2019. – Б.98–100; Ғулом Зафарий (1899–1937) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.25.

## Абдулла АЛАВИЙ

*(1903 йил, Пискент шаҳри – 1931 йил 8 январь, Самарқанд шаҳри)*

Шоир ва фольклор тўпловчи Абдулла Алавий 1924–1927 йилларда Санкт-Петербург шаҳридаги Шарқ тиллари институтида ўқиган ва шу институтда ўзбек тили тарихидан дарс берган. 1926–1929 йиллар давомида Ўзбекистон Халқ маориф комиссарлиги илмий марказининг Ўлкани ўрганиш комитетида фаолият юргизган. 1927–1930 йилларда Самарқанд Педакамедиясида ўқитувчилик қилган.

Абдулла Алавий ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослиги ва фольклоршунослиги соҳасида илмий-назарий асарлар яратган. У ўзбек халқ қўшиқларини тўплаган ва 1926 йилда Оҳангарон дарёси бўйидаги Эвалак қишлоғида яшовчи Берди бахшидан "Алпомиш" достонини ёзиб олган. Унинг бевосита кўрсатмалари билан 1925–1926 йилларда М.Алавия Пискент шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда яшовчи аёллардан халқ эртаклари ва анъанавий қўшиқларни ёзиб олиш орқали ўзининг фольклоршунослик фаолиятини бошлаган.

***Ас.***: "Лайли ва Мажнун" ва "Фарҳод ва Ширин" китоблари ҳақида // Ер юзи. – Тошкент, 1926. – 8-9-сонлар. – Б.17–20; "Фарҳод ва Ширин" ҳақида // Ер юзи. – Тошкент, 1926. – 10-сон. – Б.14–15.

***Ад.***: Абдулла Алави / https://ru.wikipedia.org; Абдулла Алавий (1903–1931) | www.ziyouz.uz; Abdulla Alaviy (1908–1931) | saviya.uz.



## Ҳоди ЗАРИФОВ

*(1905 йил 20 март – Тошкент шаҳри – 1972 йил 13 январь)*

Ўзбек фольклоршунослигининг филологик йўналишдаги фан сифатида шаклланиши бевосита Ҳ.Зарифов илмий фаолияти билан боғлиқдир. Ҳ.Зарифов 1921 йилда ўз она шаҳридаги мактаб интернатни тугатгач, 1923–1926 йилларда Боку ўқитувчилар семинарининг талабаси бўлган. 1926–1927 йилларда собиқ Ўзбекистон Халқ маориф комиссариати илмий марказининг "Ўзбекларни ўрганиш комитети"да илмий ходим бўлиб ишлаган. 1928 йилда Этнография, фольклор ва археология бўйича илмий-текшириш кабинетини ташкил этган ва унга раҳбарлик қилган. 1928–1930 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалик техникумида ишлагач, 1929 йилда Ўзбекистон Марказий музейини ташкил этиб, 1931 йилгача мазкур зиё масканини бошқарган. 1931–1934 йилларда Ўзбекистон Маданий қурилиш илмий-текшириш институти этнография секциясининг мудири, 1934–1938 йилларда Тошкент давлат педагогика институти ўқитувчиси, 1940–1956 йилларда Тошкентдаги Адабиёт музейининг ташкилотчиси ва директори, 1943–1944 йилларда ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг ташкилотчиларидан бири ва директор муовини, 1943–1945 йилларда Ўрта Осиё давлат университети ўқитувчиси бўлган. Шундан кейин ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти директори (1944–1948), директор муовини (1955–62), Фольклор бўлимининг мудири (1934–1972), "Ўзбек энциклопедияси" бўлимининг бошлиғи (1965–1972) вазифаларида ишлаган.

Ҳ.Т. Зарифов фольклор асарларини ёзиб олиш, тўплаш, нашр этиш ва илмий ўрганиш борасидаги улкан тадқиқотчилик ва ташкилотчилик фаолияти натижасида ўзбек фольклоршунослиги фани шаклланди. Унинг бевосита ташаббуси билан 1929 йилда халқ оғзаки бадиий ижодиётини тўплаш, системалаштириш, оммавий ва академик нашрларни амалга ошириш ҳамда кенг кўламли фундаментал тадқиқотларни яратиш борасида бугунги кунда йирик ишларни амалга ошириб келаётган Фольклор бўлимига асос солинган. Ҳозирги даврга келиб мамлакатимиз фольклоршунослик фанининг марказига айланган бу бўлим атоқли аллома Ҳ.Зарифовнинг сайъ-ҳаракати билан ташкил этилган Ўзбекистон Халқ маориф комиссарлиги Илмий шўросининг Ўзбекларни ўрганиш

комитети ҳузуридаги "Этнография, фольклор ва археология бўйича илмий-текшириш кабинети"нинг бевосита негизида тузилган. 1929 йил декабридан эътиборан бу кабинетга Ҳ.Зарифов мудир этиб тайинланган ва бу бўлим Ўзбекистон давлат илмий-текшириш институти таркибида фаолият юргиза бошлаган.

Кейинчалик Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор бўлими юзага келди. Ҳ.Т.Зарифов ана шу бўлимнинг раҳбари сифатида бутун умрини ўзбек халқ оғзаки ижодиётини тўплаш ва фольклоршунослик фанини яратишга бағишлади. У ўзининг фольклоршунос сифатида илм фаолиятини тўпловчиликдан бошлади. Ҳ.Т.Зарифовнинг ўзбек халқи маданияти хазинасига қўшган энг улкан ҳиссаси Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан ва Ислом шоирдек забардаст сўз санъаткорларини аниқлаб, уларнинг ижодий меросини ёзиб олганлигидир. Бу бахшилардан ёзиб олинган "Алпомиш", "Ёдгор", "Жаҳонгир", "Рустам", "Равшан", "Очилдов", "Ҳасан батрак", "Юсуф ва Аҳмад", "Авазнинг уйланиши", "Мардикор", "Шайбонийхон" каби достонлар ўзбек эпосининг бадиий жиҳатдан энг ажойиб намуналари сирасига киради.

Ҳ.Т.Зарифов иштирок этган ёки унинг ўзи томонидан уюштирилган ҳар бир экспедиция фанга янги материаллар ва таҳлилий хулосаларни тақдим этди. Жумладан, Ҳ.Т. Зарифов 1929 йилда Ғ.О. Юнусов раҳбарлигидаги фольклор экспедициясининг аъзоси сифатида Қашқадарё-Сурхондарё воҳаларида бўлиб, Абдулла Нурали ўғли, Холёр Абдукарим ўғли каби чечан бахшилар ижодиётини ўрганди. 1930 йилги Хоразм фольклор-этнографик экспедицияси чоғида эса Бола бахши, Қурбон созчи, Биби шоира, Аҳмад Матназар ўғли, Хўжаёр бахши Воис ўғли каби халқ шоирларидан "Асилхон", "Хирмондали", "Қирқ минг" каби достонларни ёзиб олди. Ҳ.Т. Зарифов 1935 йили Фарғона водийси достончилик мактабининг Бўри Содиқ ўғли, Усмон Маматқул ўғли, Умрзоқ бахши, Ҳасан Худойберди ўғли, Ҳасанбой Расул ўғли каби ижрочиларини аниқланганлиги фольклоршунослик учун муҳим янгилик бўлди. Бу бахшилардан ёзиб олинган достон ва термалар Фарғона водийсида достончилик анъаналари аллақачон йўқолиб кетган деган даъволарнинг асоссиз эканлигини исботлади.

Атоқли олим Ҳ.Зарифов ўзининг 20-йилларда ўтказган экспедициялари чоғида Жиззах вилоятидан "ё рамазон" қўшиқларининг



мукаммал намунасини ёзиб олишга, шунингдек, халқимизнинг ирим-сиримлари ва эътиқодларига оид бой фактик материаллар тўплашга муваффақ бўлди.

Ҳ.Т. Зарифовнинг йирик фан ташкилотчиси сифатидаги фаолияти ҳаваскор фольклор тўпловчилар ишини марказлаштира олганлиги ва бу эзгу ишга кўпгина зиёлиларни жалб эта билганлигида яққол кўзга ташланади. Унинг топшириғи ва бевосита раҳбарлиги остида ҳаваскор фольклор тўпловчи, халқ ижодиётининг ҳақиқий фидойилари бўлган зиёли Исо Эрназар ўғли 1927 йилда Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги қишлоқларни кезиб чиқиб, ўзбекларнинг яйловга кўчиш, от сотиб олиш, қамчи сақлаш, чўпон таёғи, пичоқ бериш, никоҳ тўйи қилиш, болага исм қўйиш, чечакни даволаш маросимлари билан боғлиқ материалларни, дафн маросими, унинг фольклори, ирим-сирим ва тақиқларини тўплади. У фольклоршунослик амалиётида биринчи бўлиб қоқимчи, азайимхон ва бахшиларнинг турли хил касалларни даволаш амалларига доир этнофольклористик материалларни – қайтарма, қоқим, бадик намуналарини ёзиб олган.

Ҳ.Т. Зарифовнинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида Ўзбек фольклори архиви юзага келди ва шу жавоҳирлар хазинасидаги энг яхши материаллар асосида "Ўзбек халқ ижоди" кўп томлиги нашр этила бошлади.

Ҳ.Т. Зарифов ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи бўлиб XX асрнинг 20-йилларидаёқ халқ ижоди асарларини тўплаш ва нашр этиш учун махсус транскрипция ишлаб чиқди. Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси томонидан ишлаб чиқилган ана шу илмий принцип чуқур назарий билим ва кенг кўламли матний тайёргарликка асосланганлиги учун ҳам ҳозирга қадар нафақат ўзбек, балки қардош туркий халқларнинг фольклоршунослари томонидан ҳам эътироф этиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида ўзбек фольклорининг деярли барча жанрларига оид материаллар нашр этилди. "Ўзбек халқ ижоди" кўпжилдлигининг қирққа яқин томи, икки жилдлик "Ўзбек халқ мақоллари" академик нашри, "Рустамхон" ва "Алпомиш" достонларининг академик нашрлари, икки жилдлик "Ўзбек халқ эртаклари", "Ўзбек халқ достонлари" кўпжилдлик силсиласи, достон, эртак, мақол, қўшиқ, топишмоқ,

латифа каби жанрларга оид матнларнинг алоҳида китоблар ҳолидаги нашрлари фольклор асарларини илмий, илмий-оммабоп ва оммабоп нашр этиш борасида эришилган жиддий ютуқ сифатида баҳоланишга лойиқдир.

Ҳ. Зарифов фольклор асарларини нашрга тайёрлашнинг илмий мезонларини ишлаб чиқди ва "Шайбонийхон" (1928), "Равшан" (1940, 1941, 1954, 1963), "Малика айёр" (1941, 1954), "Чамбил қамали" (1944), "Кунтуғмиш" (1949, 1955), "Ёдгор" (1956), "Қундуз билан Юлдуз" (1963), "Очилдов" (1963), "Хуршидой" (1965), "Рустам" (1965), шунингдек, "Ойсулув", "Маматкарим полвон", "Жиззах қўзғолони", "Ҳасан батрак", "Алпомиш", "Якка Аҳмад", "Холдорхон" каби достонларни нашрга тайёрлади. У "Ўзбек фольклоридан намуналар" (1939), "Ўзбек фольклори" (1939), "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" (1947), "Ўзбек халқ шоирларининг ижоди" (1958), "Ўзбек шеърияти антологияси" (1-том, 1961) мажмуаларининг ҳам ноширидир.

Ҳ.Т. Зарифов XX аср ўзбек фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, фольклоршунослик тарихи, халқ шоирларининг ижоди ва ижрочилик маҳорати, репертуари, достончилик мактаблари ва эпик анъананинг асослари, бахшилар ижодида анъана ва индивидуаллик, достонлар таснифи, достончилик санъатининг турлари ва Қўрғон, Булунғур, Шаҳрисабз, Хоразм, Жума каби достончилик мактабларининг ўзига хос хусусиятлари эпосшуносликнинг назарий масалаларига доир асарлар яратган. У фольклоршунослик тарихида биринчи бўлиб халқ оғзаки ижодиёти фанидан дастур ва мажмуалар ("Ўзбек фольклори (сўзбоши, матнлар, луғат). Педагогика институтлари учун хрестоматия", 1939) тузган, фольклор асарларини тўплаш ва ёзиб олиш методикаси ҳақида илк қўлланма ("Луғат ҳам термин тўпловчиларга қўлланма", 1934) яратган.

Ўзбек фольклоршунослиги мактабининг асосий илмий йўналиши халқ ижодиёти юзасидан фундаментал илмий тадқиқотлар яратишдан иборат бўлиб, Ҳ.Зарифовнинг илк тадқиқотлари билан ўзбек фольклорини илмий ўрганиш ишига асос солинди. Айниқса, бу улуғ алломанинг йирик эпосшунос В.М.Жирмунский билан ҳамкорликда яратилиб, рус тилида нашр эттирилган "Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси" (1947) монографияси, шунингдек, ўзбек халқ достонларининг эпик табиати, образлар тизими, поэтикаси ва тарихий-мифологик асосларини текширишга оид "Алпомиш" достонининг асосий мотивлари" (1957), "Фольклор ва археология материалларини қиёсий ўрганиш масалаларига доир" (1958), "Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар" (1976) каби қатор мақолалари халқ эпосини фундаментал тадқиқ этишнинг мумтоз намунаси бўлиши билан бирга ўзбек фольклоршунослиги мактабининг илмий-назарий асоси ҳам ҳисобланади.



Ҳ.Т. Зарифовнинг илмий-ижодий фаолияти ниҳоятда серқирра бўлиб, 150 дан зиёд илмий мақоласи тўплам ва китоблари нашр эттирилган. 1967 йилда атоқли фольклоршунос олимга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилган. Эргаш Жуманбулбул ўғли адабий меросини тўплаш ва нашр этишдаги хизматлари учун эса 1973 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги республика мукофотига сазовор бўлган.

***Ас.***: Халқ шоири Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан // МЎ. – 1927. – 7-8-сонлар. – Б.63-65; Ўзбек эл шоири Фозил Йўлдош ўғли // Аланга. – Тошкент, 1928. – 10–11-сонлар. – Б.14–15; "Шайбонийхон" (матн, изоҳлар, луғат). – Самарқанд-Тошкент, 1928; Халқ адабиётидан баъзи намуналар (матн, изоҳлар) / Ўн беш йил ичида. Адабий альманах. – Тошкент, 1932. – Б.299-304; Луғат ҳам термин тўпловчиларга қўлланма. – Тошкент, 1934; Ўзбекларда оғзаки адабиёт / Адабиёт соҳасидаги илмий текширишлар. 2-китоб. – Тошкент, 1934. – Б.108–140; Некоторые замечания об устной литературе / Литература Средней Азии. – Ташкент, 1934. – 14 февраль; Ўзбек фольклоридан намуналар (тадқиқотлар, текстлар, луғат). – Тошкент, 1935; Песенный фольклор в Узбекистане // Литературный критик. – М., 1935. – №2. – С.151–164; Архив узбекского научно-исследовательского института языка и литературы // Фольклор. – М.-Л., 1936. – №2. – С.443-444, 447; Ўзбек фольклори (сўзбоши, матнлар, луғат). Педагогика институтлари учун хрестоматия. – Тошкент, 1939; О поэме "Равшан" / Литература и искуство. – 1940, кн. IV. – С.74-80; "Равшан" достони ҳақида // ЎАС. – 1940. – 4-сон. – Б.74-80; 5-сон. – Б.113–121; "Равшан". Сўзбоши, матн ва луғат. – Тошкент, 1941; "Малика айёр". Сўзбоши, матн ва луғат. – Тошкент, 1941; Узбекские сказители Фазыл шаир и Ислам шаир / Ташкентский альманах. – Ташкент, 1942. – С.4;

Героизм и патриотизм в узбекском фольклоре / Альманах "Дар". – Ташкент, 1944. – С.159–165; "Чамбил қамали" достони ҳақида / "Армуғон" альманахи. – Тошкент, 1944. – Б.160–162; "Чамбил қамали" (матн) / "Армуғон" альманахи. – Тошкент, 1944. – Б.163–172; "Чамбил" (матн) / "Зафар" альманахи. – Тошкент, 1945. – Б.97–104; Комплексная экспедиция на места Джизакского восстания 1916 г // Бюллетень АН УзССР. – Ташкент, 1946. – №11. – С.29-30; Ўзбек фольклорида 1916 йилги миллий-озодлик қўзғолонининг акс этиши // ШЮ. – 1946. – 7-8-сонлар. – Б.154–166; Узбекский народный героический эпос. – М., 1947 (ҳамк.); Оталар сўзи – ақлнинг кўзи (сўзбоши, матн, изоҳлар). – Тошкент, 1947; Неутомимый ученый и просветитель А.А.Диваев // Известия АН Казахистана. Серия литературная. – 1948. – Вып.6. – №55. – С.74-77; Навоий замондошлари. – Тошкент, 1948; "Кунтуғмиш" достони ҳақида / Кунтуғмиш. – Тошкент, 1949. – Б.3–10; Фозил Йўлдош ўғли. Танланган асарлар (сўзбоши, тадқиқот, матн, изоҳлар, луғат). – Тошкент, 1949; Фозил Йўлдош ўғли // ШЮ. – 1950. – 11-сон. – Б.131–155; Ўзбек фольклоридан намуналар. Тадқиқотлар, матнлар, изоҳлар, луғат. – Тошкент, 1954 (ҳамк.); "Ойсулув" (матн). – Тошкент, 1954; "Равшан" (матн). – Тошкент, 1954; "Малика айёр" (матн). – Тошкент, 1955; "Кунтуғмиш" (матн). – Тошкент, 1955; Об основных мотивах эпоса "Алпамыш" / Тезисы докладов и сообщений регионального совещания по эпосу "Алпамыш". – Ташкент, 1956. – С.9–14; "Ёдгор" (матн). – Тошкент, 1956; Об узбекских сказителях / Первая конференция востоковедов. Тезисы докладов и сообщений. – Ташкент, 1957. – С.264; "Алпомиш" достонининг асосий мотивлари // ШЮ. – 1957. – 1-сон. – Б.127–135; К изучению узбекского народного эпоса // Вопросы изучения эпоса. – М., 1958. – С.101–125; Итоги изучения узбекского народного эпоса / Материалы первой всесоюзной научной конференции востоковедов в г. Ташкент. – Ташкент, 1958. – С.753-759; Фольклор ва археология материалларини қиёсий ўрганиш масалаларига доир // ЎТА. – 1958. – 1-сон. – Б.25-30; Ўзбек халқ шоирларининг ижоди. – Тошкент, 1958; Основные мотивы эпоса "Алпамыш" / Об эпосе "Алпамыш". – Ташкент, 1959. – С.6–25; Эргаш Жуманбулбул ўғли // ЎТА. – 1959. – 3-сон. – Б.3–11;



Халқ битмас-туганмас ижод манбаидир // ФТ. – 1959. – 3-сон. – Б.17–18; Ўзбек халқ достончилигининг ўлмас куйчиси // ФТ. – 1959. – 6-сон. – Б.26–28; Ўзбек фольклорининг жонкуяри // ШЮ. – 1959. – 12-сон. – Б.15–17; "Қундуз билан Юлдуз" (матн, изоҳлар, луғат). – Тошкент, 1963; "Равшан" (матн, изоҳлар). – Тошкент, 1963; "Очилдов" (матн). – Тошкент, 1963; Аннотация опубликованных работ, представленных на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Ташкент, 1965; "Хуршидой" (матн). – Тошкент, 1965; Рустам. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1965; Ўлмас даҳо. Эргаш Жуманбулбул ўғли туғилганига 100 йил тўлди // ШЮ. – 1968. – 12-сон. – Б.173–176; Эргаш Жуманбулбул ўғлининг номаълум термалари // ЎТА. – 1968. – 6-сон. – Б.49-50; Наврўз байрами / ЎМ. – 1969. – 21 март (ҳамк.); Эргаш шоирнинг тажнисли тўртликлари // ЎТА. – 1969. – 1-сон. – Б.22–26; Ажойиб тасодиф // ЎТА. – 1969. – 3-сон. – Б.44-46; Ўзбек фольклористикаси тарихидан / ЎСФМ. – Б.218–281; Улкан шоир (Эргаш Жуманбулбул ўғли) // ЎТА. – 1970. – 5-сон. – Б.38-42; Улкан халқ шоири // ЎИФ. – 1970. – 10-сон. – Б.19–23; Халқ булбуллари (Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоир) / ЎМ. – 1970. – 23 октябрь; Улкан халқ шоири / Булбул тароналари. Т.1. – Тошкент, 1971. – Б.5-38; "Ердан темиртак топган" // ЎТА. – 1970. – 4-сон. – Б.65-66; Фольклор экспедицияси // ЎТА. – 1971. – 6-сон. – Б.86-88; Улкан халқ санъаткори / ЭШУДЎ. – Б.8-40; "Кунтуғмиш" достони ҳақида / ЭШУДЎ. – Б.43-51; "Равшан" достони ҳақида / ЭШУДЎ. – Б.60-73; Эргаш Жуманбулбул ўғли ва унинг оиласи хронологияси / ЭШУДЎ. – Б.41-42; Фозил шоир – машҳур достончи / Фозил шоир. – Тошкент, 1973. – Б.5–29; Ажойиб достон / Фозил шоир. – Тошкент, 1973. – Б.44-58; Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар / Пўлкан шоир. – Тошкент, 1976. – Б.65–100; Ўзбек халқ ижоди кўп томлигига кирадиган асарларни тайёрлаш принциплари / ИСШ. – Б.128–141; Наврўз – халқ байрами / СЎ. – 1990, 2 март; Аршақ – шақ қаҳрамони // ЎТА. – 1995. – 2-сон. – Б.54-63; Жажжи тадқиқотлар // ЎТА. – 1995. – 3-сон. – Б.69-72; "Алпомиш" достонининг асосий мотивлари / "Алпомиш" ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент, 1999. – Б.24-46; Археология ва фольклор материалларини қиёсий ўрганиш масаласига

доир / ЎФМ. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.42-49; Аршақ – шақ қаҳрамони (нашрга тайёрловчи М.Жўраев) / ЎФМ. 3-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.14-30; Аршақ – шақ қаҳрамони / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.32-48.

*Ад.*: Мирзаев Т. Дур изловчилар саркори // ФТ. – 1966. – 10-сон. – Б.15–17; Носиров Э. Дурдоналар ошиғи / ЎМ. – 1966. – 26 январь; Мирзаев Т. Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси // ЎТА. – 1966. – 1-сон. – Б.78-79; Касымов С. Ветеран узбекской филологии (к 60-летию со дня рождения Х.Т.Зарифова) // ЗВ. – 1966. – №4. – С.197–198; Афзалов М., Мирзаев Т. Ўзбек фольклористикасининг асосчиси // ШЮ. – 1966. – 5-сон. – Б.228–232; Мирзаев Т. Ҳоди Зариф. – Тошкент, 1967; Зоҳидов В. Мавлоно / ТО. – 1967. – 17 март; Холид Расул. Устоз / ТО. – 1967. – 17 март; Шоабдурахмонов Ш. Таъзим / ТО. – 1967. – 17 март; Иззат Султон. Кўзга кўринган олим / ЎМ. – 1967. – 18 март; Афзалов М. Мирзаев Т. Жонкуяр олим / СЎ. – 1967. – 19 март; Султонов И. Талантливый ученый-филолог / ПВ. – 1967. – 19 март; Чествование ученого (Х.Т.Зарифова) / ПВ. – 1967. – 19 март; Муродов М., Мирзаева М. Фольклорчи олим // ЎИФ. – 1967. – 5-сон. – Б.55; Мирзаева М. Улкан олим (Ҳ.Зариф ҳақида) / ТҲ. – 1967, 20 март; Мирзаева М. Фольклорчи олим юбилейи // ЎТА. – 1967. – 3-сон. – Б.65-66; Очилов Т. Таниқли фольклорист / Меҳнат байроғи. – 1967, 19 март; Мирзаев Т. Шоирларга раҳбар Ҳоди // ЎТА. – 1970. – 5-сон. – Б.79; Ҳоди Зариф хотираси // ЎТА. – 1972. – 2-сон. – Б.88-89; Ҳоди Тиллаевич Зарифов (1905–1972) // ШЮ. – 1972. – 2-сон. – Б.224; ПВ. – 1972. – 15 январь; ЎИФ. – 1972. – 3-сон. – Б.58-59; Зоҳидов В. Тасанно ва алвидо азизим / ЎМ. – 1972. – 18 январь; Холлиев Н. Фозиллар фазилати // ШЮ. – 1972. – 3-сон. – Б.216–217; Зарифов Ҳоди Тиллаевич / ЎСЭ. – 4-том. – 1973. – Б.450; Имомов К. Халқ заршуноси / ЎГ. – 1975. – 16 март; Саримсоқов Б. Барҳаёт олим / ЎМ. – 1975. – 18 март; Мирзаев Т. Халқ ижоди хазиначиси / СЎ. – 1975. – 19 март; Мирзаев Т. Олим хотираси / ТҲ. – 1975. – 19 март; Қулжонов А. Улкан олим / ҚҲ. – 1975. – 19 март; Ҳусаинова З. Заршунос / ЁЛ. – 1975. – 19 март; Абдусамедов А. Аксакал узбекской фольклористики / ТП. – 1975. – 19 март; Мирзаев Т. Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси // ЎТА. – 1975. – 2-сон. – Б.96-98; Собиров О. Фольклор тадқиқотчиси / ТО. – 1975. – 19 март; Лунин Б.В. Библиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана. Том 1. – Ташкент, 1976. – С.240–246; Атоқли фольклорист (Ҳ.Зарифнинг 75 йиллигига) / ЎГ. – 1980, 19 март; Мирзаев Т., Мадраҳимова М. Халқ ижодининг жонкуяри (Ҳ.Т. Зарифов таваллудининг 75 йиллигига) / СЎ. 1980, 18 март; Мирзаев Т., Нурмуродов Й. Фольклоршунослигимиз асосчиси / БҲ. – 1990, 9 июль; Мирзаев Т. Зарифов Ҳоди Тиллаевич / ЎМЭ. – 3-том. – Тошкент, 2002. – Б.6; Selami F. Prof., dr. Hadi Tillayeviz Zarifov (Hayati ve Eserleri) / Prof. dr. Fikret Tьrkmen armapani. – Iznir, 2005. – S.249–258; Мирзаев Т. Ҳ.Зарифовнинг "Аршақ – шақ қаҳрамони" мақоласига сўзбоши / ЎФМ. 3-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.14–15; Жўраев М., Нурмуродова Б. Ҳоди Зарифов "Кундалик"лари ва уларнинг фольклористик манба сифатидаги аҳамияти / Филология ва усулиёт масалалари. 2. – Бухоро: "Бухоро", 2010. – Б.121–125; Нурмуродова Б. Ҳоди Зарифов – матншунос олим / "Ўзбек фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари" мавзуидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Наманган, 2010. – Б.100–103; Нурмуродова Б. Ҳоди Зариф – халқ достонлари тарихий асосларининг тадқиқотчиси сифатида / Ўзбекистон ёш тилшунослари ва адабиётшуносларининг анъанавий илмий анжумани материаллари. – Тошкент, 2010. – Б.82-84; Мирзаева Б. Академик В.М.Жирмунскийнинг Ҳоди Зарифга ёзган хатлари ҳақида / ЎФМ. 4-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.147–151; Мирзаева Б. Ҳоди Зарифнинг дастлабки илмий фаолияти ҳақида // ЎТА. – 2011. – 6-сон. – Б.46–50; Мирзаева Б. Ҳоди Зарифов ва ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиши // ИС. – Урганч, 2018. – 12-сон. Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: "SHAMS-ASA", 2013; Ҳоди Зарифов (1905–1972) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.32..

## Отажон ҲОШИМ

*(1905 йил – Тошкент шаҳри – 1938 йил 4 октябрь)*

Отажон Ҳошим (Ҳошимов Отажон) 1919–1921 йилларда Тошкентдаги Ўзбек билим юртида, 1921–1924 йилларда Москва шаҳридаги Ишчилар факультетида ўқиган. 1924 йили Москва университетининг Ижтимоий фанлар факультетига ўқишга кирган. 1929–1933 йилларда Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими аспирантурасида таҳсил олган. "Қизил қалам" адабий жамиятининг раҳбари (1926), Ўзбекистон халқ маориф комиссарлиги қошидаги илмий кенгаш раиси, Самарқанд олий педагогика институтининг ташкилотчиси (1927) бўлган. Россия ФА Шарқшунослик институтининг илмий котиби (1933), Ўзбекистон фанлар комитетининг раиси, Тил ва адабиёт институтининг директори (1934), Ўзбекистон фанлар комитети раисининг муовини (1937) вазифаларида ишлаган.

У ўзбек фольклорининг тарихи, XX асрнинг бошида рўй берган тарихий воқеаларнинг халқ оғзаки бадиий ижодиётида акс этиши масалаларини ўрганган.

***Ас.***: Об узбекском фольклоре // Литературный Узбекистан. – Ташкент, 1935. – №1. – С.4-5; Ўзбек фольклори тўғрисида // ФТ. – 1935. – 7-сон; Октябрдан бурунги ўзбек фольклори // СМ. – 1935. – 7-8-сонлар.

***Ад.***: Отажон Ҳошим (Ҳошимов Отажон) / ЎСЭ. – 8-том. – Б.313; Отажон Ҳошим (1905–1938) / *www.ziyouz.uz*; Отажон Ҳошим ҳақида/ qomus.info.

## Буюк КАРИМИЙ

*(1906 йил – Тошкент шаҳри – 1945 йил 10 март)*

Ўтган асрнинг 30-йилларида ўзбек фольклори материалларини ёзиб олиш мақсадида ташкил этилган илмий экспедицияларнинг фаол қатнашчиси бўлган Буюк Каримийнинг илмий фаолияти ўзбек фольклоршунослигининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. 1919 йилда укаси Ҳаким Каримов билан биргаликда мактабга ўқишга борган. 1921 йилда отаси вафот этгач, болалар уйида тарбияланган. У 1926 йилда Ўзбек билим юртини, 1930 йилда Самарқанд педагогика техникуми (ҳозирги Самарқанд давлат университети)нинг ижтимоий-иқтисодий бўлимини, 1933 йилда Маданий қурилиш илмий-текшириш институти аспирантурасини тамомлаган. Ўз меҳнат фаолиятини 1924 йилда ўқитувчиликдан бошлаган Буюк Каримий 1934 йилга қадар Самарқанд педагогика техникуми, Индустриаль техникум, Тошкент пахтачилик техникуми ва бошқа ўқув юртларида муаллимлик қилган. У 1934 йил 12 февралдан ЎзР ФА Тил, адабиёт ва тарих институти (ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти)да илмий ходим сифатида ишлаган. Унинг илмий фаолияти эса 1930 йилдан, яъни аспирантурага қабул қилинган даврдан бошланган. Ўша йили Маданий қурилиш илмий-текшириш институтининг Хоразм вилояти бўйлаб сафар қилган Ҳ.Зариф бошчилигидаги экспедициясида Буюк Каримий ҳам фаол қатнашиб, илгари фанга маълум бўлмаган янги фольклор асарларини ёзиб олган.

Ўтган асрнинг 40-йилларида ўзбек фольклоршунослари халқ ижоди асарларини ёзиб олиш борасида изчил иш олиб борган бир кезларда, яъни атоқли олим Ҳоди Зариф Фарҳод ГЭСи қурилиши бўйлаб қилган сафари, М.Афзаловнинг урушдан қайтган кишилар оғзидан фронт қўшиқларини ёзиб олиш ишлари, М.Алавиянинг тўй маросим қўшиқларини йиғиш мақсадида ўтказган фольклор экспедициялари самарали бўлган бир пайтда Буюк Каримий ҳам кетма-кет экспедицияларда иштирок этган. Унинг 1940 йилда Тошкент канали, 1942 йилда Шимолий Тошкент канали қурилишлари бўйлаб ўтказган фольклор экспедициялари, айниқса, эртак жанрини ўрганишда алоҳида бир босқич сифатида эътироф этилган. Мазкур экспедициялар чоғида олим халқ орасида ўзига хос ижро усули, бадиҳагўйлиги, бадиий тили билан танилган эртакчи Мулла Мўмин Ёқубовдан "Афлотун ва Арасту", "Рустам" каби эртакларни ёзиб олган. Асли тошкентлик бўлиб, кейинчалик Пискентга кўчиб келиб яшаган эртакчи Раҳим Қосимов репертуарида ўттиздан ортиқ халқ эртаклари мавжудлигини аниқлаб, унинг ижросида ўн бир эртакни ёзиб олган. Буюк Каримий мазкур экспедиция чоғида

канал қазувчилардан кўплаб халқ қўшиқлари, аския, ашула ва халқ оғзаки драмасини ёзиб олиш билан бир қаторда эртак ижрочилиги, аскиячилик, қизиқчиликка доир илмий кузатишлар олиб борган. Шунингдек, Фозил Йўлдош ўғлининг "Балогардон", "Машриқо", "Нурали", "Фарҳод ва Ширин", "Тўлғоной" каби достонларини ҳам Буюк Каримий ёзиб олган.

Буюк Каримий "Мақоллар ва ҳикматли сўзлар" (1939), "Канал ҳақида қўшиқ" (1940), "Мардлар майдони" (1942) каби китобларни чоп эттирган Буюк Каримий "Гўрўғлининг туғилиши" (1941), "Балогардон" (1941), "Тўлак ботир" (1941) "Зулфизар ва Авазхон" (1942), "Гўрўғли" (1942) сингари достонларни, Лутфий "Девон"и ва Гулханийнинг "Зарбулмасал" асарини нашрга тайёрлаган.

Ўзбек халқ эртакларининг илкноширларидан бири ҳисобланган Буюк Каримий фольклоршунослигимиз тарихида биринчи бўлиб эртак жанрининг ўзига хос хусусиятлари ва бадииятини тадқиқ этишга киришган. Аарне-Андреев методи асосида ўзбек халқ эртакларининг илк таснифини яратган. У 1939 йилда "Ўзбек халқ эртаклари" тўпламини нашр эттирган. Академик Ю.М.Соколов раҳбарлигида "Ўзбек халқ эртаклари сюжети ва поэтикаси" мавзуида номзодлик иши устида иш олиб борган. Олимнинг бевақт вафот этганлиги сабабли охирига етказилмай қолган ушбу тадқиқотни тугалланган қисмлари М.Жўраев томонидан нашрга тайёрланиб, ЎТАнинг 1995 йил 5–6-сонлари ҳамда 1996 йил 1-сонида "Ўзбек халқ эртакларининг баъзи бир хусусиятлари ҳақида" номли мақолалар сифатида чоп эттирилган.

*Ас.*: Фозил бахши / ҚЎ. – 1935, 14 декабрь; "Балогардон" // Совет адабиёти. – Тошкент, 1936. – 5-сон; Халқ шоири / ҚЎ. – 1938. – 26-сон; Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ўлганига бир йил бўлди / ҚЎ. – 1938, 26 апрель; Ўзбек совет фольклори / ЁЛ. – 1939, 3 декабрь; Ўзбек халқининг оғзаки ижоди // ФТ. – 1939. – 11-сон. – Б.24–27; "Гўрўғлининг туғилиши" ҳақида / ЎАС. – 1939. – 5-сон. – Б.86-88; Ўзбек фольклори / Ўн беш йил ичида ўзбек адабиёти. – Тошкент, 1939. – Б.129–144; Ўзбек фольклори / ЁЛ. – 1939, 3 декабрь (М.Афзалов билан ҳамк.); Авазхонга мадад / ҚЎ. – 1942. – 224-сон; Халқ ботирлари янги қаҳрамонликларга руҳлантирсин / ҚЎ. – 1942, 3 сентябрь; Тошкент канали қурилишида тўпланган фольклор материаллари ҳақида // ЎТА. – 1969. – 5-сон. – Б.76-79; Гўрўғлининг туғилиши ҳақида / ПШ. – Б.21–25; Ўзбек халқ эртакларининг баъзи бир хусусиятлари // ЎТА. – 1995. – 5-6-сонлар. – Б.57-62; 1996. – 1-сон. – Б.59-65; Ўзбек халқ эртакларининг баъзи бир хусусиятлари / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.49-63.

*Ад.*: Мирзаев Т. Тирик сатрлар // ЎТА. – Тошкент, 1969. – 5-сон. – Б.76; Мирзаев Т. Буюк Каримий – атоқли фольклорист // ЎТА. – 1977. – 1-сон. – Б.82-85; Мадраҳимова М. Буюк Каримий хотираси // ЎТА. – 1977. – 2-сон; Каримов Буюк (1906–1945) / ЎСЭ. 5-том. – Б.341; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.33; Мирзаев Т. Буюк Каримов / Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: "SHAMS – ASA". – Б. 92-97; Буюк Каримий (1906–1945) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.49.

## Музайяна АЛАВИЯ

*(1909 йил 20 апрель, Пискент тумани, Мўминобод маҳалласи – 1988 йил, 3 март, Тошкент шаҳри)*

Ўзбек фольклори асарларини ёзиб олиш, айниқса, маросим қўшиқларини тўплаш ва тадқиқ этиш борасида самарали меҳнат қилган Музайяна Акмалхоновна Алавия 1909 йилда Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги Мўминобод маҳалласида халқ ижоди ва мумтоз адабиёт намуналари ғоят қадрланадиган зиёли оиласида дунёга келган. Музайяна опанинг отаси Акмалхон ўз даврининг пешқадам зиёлиларидан бири бўлиб, "Осий" тахаллуси билан ўзбек, араб ва форс-тожик тилларида шеърлар битган ижодкор бўлган бўлса, онаси Мўътабархон ва бувиси Ҳабибахон Умархон қизи Ҳофиз, Навоий, Бедил, Фузулий асарларини севиб мутоала қилувчи китобхон аёллардан бўлишган. Ана шундай оилавий муҳитда вояга етган Музайяна опанинг қалбида ёшлигиданоқ бадиий адаби-

ётга, айниқса, халқ оғзаки бадиий ижодига улкан муҳаббат туғилган эди. Шунинг учун ҳам у 1925–1926 йилларда, ҳали паранжида эканлигидаёқ Пискентнинг Мўминобод маҳалласида истиқомат қилувчи Бибинисо отин, Биби Файзиқори қизи, Тилла Дадасардор қизи, Ойбиби, Ширин чевар исмли аёллардан “Тоҳир ва Зуҳра”, “Гулиқаҳқаҳ”, “Қирон ака”, “Подачининг қизи” сингари ажойиб эртакларни, кўплаб халқ қўшиқларини ёзиб олиб, акаси Абдулла Алавий орқали 1926 йилда ташкил этилган Ўзбекларни ўрганиш комитетига юборган. Атоқли олим Ҳ.Зарифов Музайяна опанинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан 1970 йил 29 май куни ёзган “Устоз табриги” номли кичкина тўйхатида олиманинг ана шу жасорати ҳақида “Сиз ёзиб олган халқ қўшиқлари, эртаклари акангиз, олим ва шоир Абдулла Алавий орқали Ўзбекистон Халқ маориф Комиссарлигининг илмий Марказига келиб тушган эди. Бу қўлёзмаларни мен ўша вақтдаёқ халқ мулки сифатида фольклор хазинасига қўшиб қўйганман. Ўзбек аёлларидан биринчи бўлиб Сиз бошлаган бу ташаббус кўплар қатори мени ҳам қойил қолдирди” (Ҳоди Зариф. Устоз табриги // Ёш ленинчи. – 1970. – 29 май), – деб ёзган эди.

Музайяна Алавия 1927 йилда Самарқанд педагогика билим юртига ўқишга кирган ва 1929–1930 йилларда шу шаҳардаги 4-мактабда дарс берган. 1930 йилда билим юртини тамомлаб, Педакадемияга, яъни ҳозирги Самарқанд давлат университетига ўқишга кирган. У 1933 йилда Тошкентга қайтиб келиб, шаҳардаги 1, 76, 139-мактабларда 1942 йилга қадар ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган. Айни пайтда 1934–1938 йилларда Тошкент давлат педагогика институтининг филология факультетида ўқиган. 1944 йилда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор секторига кичик илмий ходим сифатида ишга қабул қилинган. 1957 йилдан 1978 йилгача ана шу илм даргоҳида катта илмий ходим вазифасида ишлаб, ғоят кенг қамровли фольклористик тадқиқотлар олиб борган.

Музайяна Алавиянинг илмий фаолиятига назар ташлар эканмиз, унда ҳақиқий фольклоршуносга хос уч жиҳат, яъни фольклор тўпловчилик, халқ ижодини нашр этиш ва илмий тадқиқотчилик яхлит ҳолда уйғунлашганлигини кўрамиз.

Фольклоршуносликка дастлаб тўпловчи сифатида кириб келган олима ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг 1944–1978 йиллар



мобайнида ўтказган барча фольклор экспедицияларида, шунингдек, Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти, Тарих институтининг Этнография сектори, Москва ва Тошкент Халқ ижоди уйлари ходимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган илмий экспедицияларда фаол иштирок этиб, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Тошкент вилоятлари ҳамда Фарғона водийсидан хилма-хил жанрлардан иборат бой фольклор материалларини ёзиб олган. У 1945 йилда булунғурлик Фозил Йўлдош ўғлидан “Зевархон” достони ва “Кунларим” термасини, 1946 йилда нуроталик Раҳматилла Юсуф ўғидан “Қоракокил” достонини, шерободлик Боймурод Боймат ўғлидан “Зарнигор” достонини, 1951 йилда нарпайлик Ислом шоир Назар ўғлидан “Нарпай қаҳрамонлари” достонини, қашқадарёлик Ҳамро шоир Эргашевдан “Алпомиш” достонини, 1957 йилда чироқчилик Рўзи шоир Қўзиевдан “Нурали”, “Зулфизар” достонларини, деҳқонободлик Умр шоир Сафаровдан “Нурали” достонини, 1958 йилда сариосиёлик Фармон бахши Ҳайдаровдан “Зарнигор” достонини ёзиб олган.

М.Алавиянинг ҳар бир илмий экспедицияси ўзбек фольклоршунослигини янги материаллар билан бойитиши жиҳатидан аҳамиятли бўлган. Хусусан, 1946 йил 27 апрелда Музайяна опа ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи марта сўз магияси билан боғлиқ фольклор жанрларидан бири – бадик намуналарини ёзиб олган. У Оҳангарон туманининг Нишобий қишлоғида истиқомат қилувчи Қорабош Туяқовдан халқ орасида ўлан жанрининг анъанавий ижро йўли, бадиий шакли ва поэтик қурилиши асосида айтиладиган бадик намунасини ёзиб олганки, бадик жанрининг бу типдаги матни ҳозирга қадар бошқа фольклоршунослар томонидан бошқа бирорта ҳудудда қайд этилмаганлиги сабабли ғоят нодир фольклор материали ҳисобланади. Олиманинг аниқлашича, бунда касал бўлган беморнинг икки томонида ўтирган йигит ва қиз матнларни айтишув тарзида ижро этадилар (ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№987. Айтувчи: Қўлдош Қуролов. Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани. Ёзиб олувчи: Музайяна Алавия).

1969 йилда Сайрам, Туркистон, Иқон, Қорабулоқ бўйлаб ўтказилган фольклор экспедицияси чоғида шамол тўхтатиш маросими билан боғлиқ “Choймомо” қўшиғининг кўплаб вариантлари-

ни аниқлаган. Маросим фольклори намуналарини изчил тўплаб, тадқиқ этган М.Алавия 1957 йил 16–17 июль кунлари Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Дўсберган қишлоғида яшовчи Қирмиз момо Шоназарова ҳамда Аширой Рўзиевадан “боқимчилик” ва “бахшичилик” амалиётининг тўлиқ тавсифини ёзиб олган. Олима “супра ёзди”, “бахши чорлови”, “пир ва авлиёларни ёдга олиш”, “париларни чақириш”, “пирлардан йўл сўраш”, “момоларни чорлаш”, “зикр”, “париталбон”, “қайтарма”, “кўч-кўч”, “гулафшон” ва бошқа жанрларга оид айтим-қўшиқларни ёзиб олганлиги ўзбек шомон маросимлари фольклорини тадқиқ этишда ғоят муҳим илмий қимматга эга.

Олиманинг кўп йиллик изланишлари натижасида “Янги қўшиқлар” (1949), “Ўзбек халқ қўшиқлари” (1954), “Ўзбек фольклоридан намуналар” (1955), ”Оқ олма қизил олма” (1979), “Халқ қўшиқлари” (1983) каби тўпламлар юзага келган. У “Далли”, “Интизор” достонларини, Фозил Йўлдош ўғли ва Абдулла Нурали ўғли каби йирик бахшиларнинг “Кунларим” асарларини нашрга тайёрлаб чоп эттирган.

Музайяна опанинг қарийиб 50 йиллик илмий изланишлари натижасида халқимиз турмуш тарзидан ўрин олган оилавий-маиший маросимларнинг жуда кўплаб узвлари, бешик тўйи, суннат тўйи ва никоҳ тўйи маросимлари таркибидаги удумлар, расм-русумлар, ирим-сиримлар, қаъда ва одатлар, “ёр-ёр”, “келин салом”, “куёв салом”, “лапар”, “ўлан”, “тўй олқиши”, “хуш келдингиз” каби жанрларга оид қўшиқлар, айтим ва аломатлар ёзиб олинди.

Музайяна Алавия ўзбек фольклорининг толмас тўпловчиси ва билгич ноширигина эмас, балки халқ ижодининг теран тадқиқотчиси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатган. Унинг кўп йиллик изланишлари натижасида “Гражданлар уруши, халқ хўжалигини тиклаш ва индустрлаш даври ўзбек халқ поэтик ижоди” (1955), “Ўзбек халқ қўшиқлари” (1959) сингари китоблар юзага келган.

М.Алавия қўшиқ жанрининг ўзига хос хусусиятлари, “қўшиқ” атамасининг этимологияси, бу жанрнинг тарихий-тадрижий такомили, қўшиқларда халқ турмуш тарзи ва руҳиятининг бадиий ифода этилиши, ўзбек халқ қўшиқларининг миллий ўзига хослиги, халқ қўшиқларида образ ва талқин каби масалаларни ўрганиб, 1959 йилда “Ўзбек. халқ қўшиқлари” мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган. Ўзбек халқ қўшиқларининг мавзу қамрови, ғоявий мазмуни, бадиий хусусиятлари, ижтимоий моҳияти, қўшиқчиларнинг ижрочилик санъати ва қўшиқларнинг тарихий асосларига доир бу йирик тадқиқот 1974 йилда “Ўзбек халқ маросим қўшиқлари” номли монография сифатида чоп эттирилган. Ўзбек халқ қўшиқларининг тарихий тараққиёт йўли ва жанр хусусиятлари юзасидан олиб борилган кўп йиллик изланишларнинг каймоғи ўларок юзага келган бу китоб тўй ва унинг поэзиясини тарихий-филологик ҳамда этнофольклористик аспектда ўрганишнинг энг яхши намуналаридан бири сифатида фольклористика ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.



Опанинг саъй-ҳаракатлари билан Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида яшовчи аҳолининг тўй маросими барча деталларигача изчил ёзиб олинганки, бу миллий қадриятларимизни этнофольклористик йўналишда тадқиқ этишнинг ажойиб намунасидир. Чунки фольклор асарларининг яратилиши ва оммалашиши жараёни халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий менталитетини акс эттирувчи дунёқараши, анъаналари билан бевосита боғлиқ бўлганлиги боис, фольклорни ўрганишда уни этнографик контекстдан ажратиб таҳлил қилиб бўлмайди. Бир томондан, фольклор асарларида халқимизнинг этник табиати билан алоқадор кўплаб “этнографизмлар”, қадимий маросим ва ритуаллар билан боғлиқ анъанавий мотивлар мавжуд бўлса, бошқа жиҳатдан фольклор асарлари этнологик тадқиқотлар учун ҳам бой материал берувчи муҳим манба ҳисобланади. Зеро, Музайяна Алавия ўзининг маросим фольклорини тўплаш ва ўрганишга доир изчил фаолияти натижасида ҳозирги замон фольклоршунослигининг энг фаол йўналишларидан бирига айланган “этнофольклористика йўналиши”га асос солди.

М.Алавия бир қатор лирик шеърлари, ҳикоя, достон ва бадиҳалари билан адабиёт аҳлига яхши таниш бўлган ажойиб шоира ҳамдир. 1927 йилда “Маориф ва ўқитувчи” журналида ўзининг “Бугунги мен” номли биринчи шеърини чоп эттирган Музайяна Алавия умр бўйи бадиий ижод билан изчил шуғулланган. Шундан кейин шоиранинг “Севинчларим”, “Дил нидоси” каби шеър ва ҳикоялар тўпламлари, “Одамийлик ҳақида”, “Камтарлик – яхши фа-

зилат" номли ахлоққа оид рисолалари чоп эттирилган. Юзга яқин китоб, брошюра, илмий ва публистик мақолалар, кўпгина шеър ва ҳикоялар ёзган олима 1961 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган.

1973 йилда ўзбек фольклорини тўплаш ва тадқиқ этишдаги самарали хизматлари учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвонига сазовор бўлган М.Алавиянинг илмий мероси, у ёзиб олган катта қамровдаги фольклор материалларининг асосий қисми ҳали кўплаб илмий тадқиқотларга материал бўлади. Масалан, Фольклор архивида олиманинг фольклор экспедициялари чоғида тутган "Кундалик дафтарлари" сақланади. Бу дафтарлар шунчаки сафар хотиралари, йўлнома характеридаги битиклардангина иборат эмас. Унда ўша даврдаги тарихий-фольклорий жараённинг ҳолати, халқ бахшиларининг шажараси ва репертуари, урф-одат, маросим, расм-русум ва ирим-сиримлар, жой номлари ва улар билан алоқадор афсона, ривоятлар, мақол, матал ва иборалар, фольклор жанрларининг тадрижий ривожи ва сақланиш даражасига оид муҳим кузатишлар қайд этилганки, бу материаллар халқ ижодини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. М.Алавиянинг "Кундалик"ларида экспедиция иш олиб борган қишлоқ аҳолисининг шеваси, ёзиб олинаётган фольклор асари матнидаги айрим сўзларнинг изоҳи, деҳқончилик, чорвачилик, урф-одат ва маросимларга оид луғавий бирликларнинг ёзиб борилганлиги ва уларнинг нуктадонлик билан изоҳланганлигини кўриб, "этнолингвистика", яъни ўзбек тилидаги урф-одат, маросим, турли инонч-эътиқодлар билан боғлиқ бўлган сўзларни этнофольклористик жиҳатдан талқин қилиш аслида М.Алавиянинг изланишларидан бошланганлигига амин бўлдик.

М,Алавиянинг 1959 йилдаги "Кундалик дафтари"ни ўқиганимда 29 ноябрь санаси билан ёзиб қўйилган бир маълумотга кўзим тушди. Унда XIX асрнинг охирида тузилган "Луғати чиғатойи ва турки усмоний" номли бир асарнинг 203-саҳифасида "Тўйхонанинг ўтини, шўрток экан, ёр-ёр, Ундан келган янгалар, йўрток экан, ёр-ёр" (ЎзР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди. Инв.№9488. – Б.203), – тарзидаги маросим қўшиғининг парчаси келтирилганлиги қайд қилинган экан. Ана шу қайднома сабаб Шайх Сулаймон Бухорий томонидан тузилган мазкур луғатнинг



Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида сақланаётган бир нусхаси билан танишгач, сўзлар маъносини изоҳлаш асносида унда ўзбек халқ қўшиқларининг юздан ортиқ парчалари берилганлигини аниқладик. Бу эса олиманинг "Кундалик дафтари"га битилган ҳар бир кичик қайднома муҳим тадқиқотларга туртки бўлиши мумкинлигини, бинобарин, йирик олимларнинг фольклор экспедицияларида тутган "Кундалик дафтар"лари илмий ўрганилиши лозимлигини кўрсатди.

*Ас.*: "Интизор" достони ҳақида / Фозил Йўлдош ўғли. Интизор. – Тошкент, 1949. – Б.3-6; "Фольклор намуналаридан // ШЮ. – 1950, 10-сон. – Б.42; Қўчқор бахши // Ўзбекистон хотин-қизлари. – Тошкент, 1951, 4-сон. – Б.14; Янги қўшиқлар. – Тошкент, 1951; Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент, 1955; Ўзбек фольклоридан намуналар. – Тошкент, 1955; Гражданлар уруши, халқ хўжалигини тиклаш ва индустрлаш даври ўзбек халқ поэтик ижоди. – Тошкент, 1955; Частушки Узбекистана // ЗВ. – 1956, №2; 20-йилларда яратилган халқ қўшиқлари ҳақида // ШЮ. – 1957, 12-сон; Қўшиқларнинг қадимийлигига доир // ШЮ. – 1957, 3-сон; Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент, 1959; Узбекские народные песни – қўшиқ. АҚД. – Тошкент, 1959; Дардли диллар дурдонаси / ЎМ. – 1960, 6-сон. – Б.4; Дурдоналар қолиб кетмасин / ЎМ. – 1963, 1 июнь; Ҳаёт ва шеърият / ЎМ. – 1963, 16 февраль; Шоир ва қўшиқ // ШЮ. – 1965, 9-сон. – Б.137–142; Навоий ва фольклор // Саодат. – Тошкент, 1966, 8-сон. – Б.26–27; Қирқ йилдирки... (Ҳ.Зариф ҳақида) // ТО. – 1967, 17 март; Ўзбекларда тўй маросим қўшиқлари // ШЮ. – 1967, 3-сон; Қўшиқнинг мазмуни ва шакли масалаларига доир / ЎХИ. – Б.71-79; Меҳр байтлари // Гулистон. – Тошкент, 1968, 3-сон. – Б.13; Навоий ғазалларида халқ таъбирлари // ШЮ. – 1968, 9-сон. – Б.203–208; Народность поэзии Наваи // ЗВ. – 1968, №9. – С.121–214; Халқ қўшиқлари ҳақида / ЎСФМ. – Б.18–29; Байт-ғазал айтиш // Меҳнат ва турмуш. – Тошкент, 1971, 12-сон; Меҳр байтлари // ШЮ. – 1973, 11-сон. – Б.200–206; Лапар // ШЮ. – 1974, 5-сон. – Б.202–208; Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Тошкент, 1974; Алла // ШЮ. – 1975, 4-сон. – Б.131–133; Қўшиқ – тарих йўлдоши //ФТ. – 1975, 3-сон. – Б.19; Ўғилжон – хоразмлик фольклор тўпловчи / ҚҲ. – 1977, 19 март; Ислом шоир ҳақида қайдлар /

ИСШ. – Б.14–19; Халқ қўшиқлари (тўпловчи, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи). – Тошкент, 1983 (С.Рўзимбоев билан ҳамк.); Қуригантов этакларида (Абдулла шоир ҳақида хотиралар) // ЎАС. – 1985, 13 декабрь; Лирик қўшиқлар // Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. – Тошкент, 1988. – Б.244–253; Ўзбек фольклорида ўлан / ЎФМ. 3-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 63–80; Ўзбек фольклорида ўлан жанри / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.67-79.

***Ад.***: Майоров Е. Живая энциклопедия узбекского фольклора / ПВ. – 1959, 16 июнь; Сырова Н. Поэтесса, ученый, исследователь / ТП. – 1959, 3 октября; Собиров О. Халқ адабий хазинаси ("Ўзбек халқ қўшиқлари" китоби ҳақида) / ҚЎ. – 1960, 28 ноябрь; Қодирова М. Музайяна Алавия (ҳаёти ва ижодий йўли). – Тошкент, 1968; Собиров О., Мирзаева М. Музайяна Алавия // ЎТА. – 1969. – 6-сон. – Б.82-83; Афзалов М. Олима, шоира, публицист / ЁЛ. – 1970, 29 май; Ашуров Т., Асқаров С. Шоира ва олима / ТҚ. – 1970, 29 май; Зулфия. Тўй хати ўрнида // Саодат. – Тошкент, 1970. – 8-сон. – Б.28–29; Мирзаев Т. Мураббий (Музайяна Алавия 60 ёшда) / ЁЛ. – 1970, 29 май; Ҳоди Зариф. Устоз табриги / ЁЛ. – 1970, 29 май; Ҳоди Зариф, Т.Мирзаев. Гўзал қалб соҳибаси / СЎ. – 1970, 29 май; Собиров О. Дардли дил дурдонаси ("Оқ олма, қизил олма" китоби ҳақида) // Гулистон. – Тошкент, 1974. – 8-сон. – Б.24–25; Иброҳимов М. Маросим қўшиқлари / ЎМ. – 1975, 8 август; Мадраҳимова М. Чашмаларни излаб / ТҚ. – 1979, 12 май; Жабборов А. Олима, шоира, мураббий / ҚҲ. – 1979, 13 май; Қодирова М. Халқ ижодининг жонкуяри / ЎМ. – 1979, 15 май; Ҳожиева О. Чашмаларни излаб // Саодат. – Тошкент, 1979. – 6-сон. – Б.12–13; Мадраҳимов М. Музайяна Алавия // ЎТА. – 1979. – 4-сон. – Б.75-76; Музайяна Алавия / Писатели советского Узбекистана. – С.36; Имомов К. Музайяна Алавия / ТО. – 1999, 11 октябрь; Имомназарова Ш. Қўшиққа айланган умр / Ўзбекистон: макон ва замонлар оша. Социомаданий альманах. – Тошкент: Сўғдиёна, 2010. – Б.185–190; Жўраев М. Музайяна Алавия ёзиб олган бадик / ЎФМ. 4-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.152–156; Мирзаев Т., Жўраев М. Музайяна Алавия – фольклоршунос // ЎТА. – Тошкент, 2010. 2-сон. – Б.16–22; Muzayyana Alaviya / Vikipediya, ochiq ensiklopediya; Музайяна Алавия (1909–1988) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.67.



## Шариф РИЗО

*(1909 йил – Қўқон – 1948 йил, 4 март)*

Шариф Ризонинг отаси Қўқоннинг Ўрдамали маҳалласида яшовчи камбағал аттор Муҳаммадризо маърифатли киши бўлиб, ўғли ўқимишли, зиёли инсон бўлишига ҳаракат қилган. Шу боис Қўшариқ маҳалласидаги Асрорхўжа деган мударрисга ўқишга берган. Бу ерда тўрт йил таҳсил олгач, 1923 йилда Қўқондаги педагогика билим юртига ўқишга кирган. 1924 йилда уни тамомлаб, Москва шаҳридаги Ўзбек маориф институти (ЎзинПРОС)га ўқишга кирган ва уни 1926 йилда тамомлаган. 1926–1932 йилларда "Янги Фарғона" газетасида адабий ходим, масъул котиб, муҳаррир бўлиб ишлаган. 1933–1934 йилларда "Колхоз йўли" газетасида масъул муҳаррир, 1934–1938 йилларда марказий газеталарда муҳаррир ўринбосари, муҳаррир, 1938–1946 йилларда "Известия" газетасининг Фарғона водийси бўйича махсус мухбири бўлиб ишлаган.

У журналист сифатида Фарғона водийси бўйлаб кўп сафар қилишига тўғри келганлиги боис халқ орасида сақланиб қолган турли латифалар, нақллар, мақоллар ва аския пайровларини тўплаш билан ҳам шуғулланган. Ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи бўлиб аскиячилик ва қизиқчилик санъатинииг жанр хусусиятлари, бадиияти, ижрочиларининг ижодий биографиясига илмий баҳо берган тадқиқотчидир. Шариф Ризонинг "Халқ санъаткорлари" номли мақоласида аския ва қизиқчилик санъатининг ўзига хос жиҳатлари, ижро услуби ва бу қадимий санъатни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар ҳақида сўз юритилган. У аскиячи ва қизиқчилар асарларини тўплаб, нашр этишнинг аҳамиятини алоҳида қайд этган. Шариф Ризо 600 га яқин ўзбек халқ латифаларини тўплаб, улар орасидан 484 тасини танлаб олиб 1941 йилда "Афанди латифалари" номи билан олтита китоб ҳолида нашр эттирган.

*Ас.*: Халқ санъаткорлари // Гулистон. – 1940. – 4-сон. – Б.28; Мақол ва ҳикматли сўзлар. – Тошкент, 1941 (ҳамк.); Афанди латифалари (6 китоб). – Тошкент, 1941.

*Ад.*: Қодиров М. Ўзбек халқ оғзаки драмаси. – Тошкент, 1963. – Б.12; Олимов А. Шариф Ризо // ЎТА. – 1974. – 40-сон. – Б.69-74; Шариф Ризо / ЎСЭ. – 12-том. – 1979. – Б.626.

## Мансур АФЗАЛОВ

*(1910 йил – Тошкент шаҳри – 1973 йил)*

Ўзбек халқ насрининг йирик тадқиқотчиларидан бири Мансур Иноятович Афзалов 1924–1929 йилларда Тошкентдаги Наримонов номли педагогика билим юртида ўқиган. Бир неча ой Қуйи Чирчиқ туманида ўқитувчи бўлиб ишлагач, 1930–1932 йилларда Тошкент пахтачилик техникумида ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берган. 1932–1934 йилларда Ўзбекистон Халқ маориф комиссариати қошидаги Маданий қурилиш институти аспирантурасининг тайёрлов курсида, 1934–1937 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиган. 1937–1940 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1940–1942 йилларда армия сафида хизмат қилган. 1942–1943 йилларда Тошкент шаҳридаги ўрта мактабда ўқитувчилик қилган. 1944 йилдан то умрининг охиригача ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида кичик илмий ходим (1944–1950), катта илмий ходим (1950–1972), бўлим мудири бўлиб ишлаган.

М.И.Афзалов йирик фольклор тўпловчиси бўлиб етишишида унинг 1935 йилги Фарғона фольклор экспедициясида иштирок этиши муҳим аҳамият касб этган. Ҳоди Зариф раҳбарлигида ўтказилган мазкур экспедицияда у фольклор асарларини ёзиб олиш методикасини чуқур ўзлаштириб, ўзининг кейинги илмий фаолияти давомида ўзбек халқ эртаклари, достон ва афсоналарни тўплаб, тадқиқ этувчи йирик фольклоршунос даражасига кўтарилган.

Ўзбек халқ насрининг жанрлар таркибини ўрганишга ҳам катта ҳисса қўшган М.Афзалов Фарҳод ва Ширин ҳақидаги афсоналарни, Алишер Навоий номи билан боғлиқ ривоятларни тўплаб, нашр этган. 1950 йилда "Фарҳод ва Ширин" достонининг халқ вариантлари" мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

У ўзининг "Ўзбек халқ эртаклари ҳақида" (1964) асарида ўзбек халқ эртакларини тасниф қилган, эртакларнинг ўрганилиш тарихи, образлар тизими, мотивларининг тарихий асосларини ойдинлаштирган. Халқ эртакларининг юзага келиш тарихи, эртакларнинг бадиий хусусиятлари, эртакчиларнинг ижрочилик санъати ҳақида фикр юритган. Шунингдек, М.Афзаловнинг "Бекмурод шоир" (1946), "Алпомиш" достонининг вариантлари ҳақида" (1956), "Мамадрайим бахши" (1960), "Пўлкан" (1976) каби тадқиқотлари халқ бахшиларининг ҳаёти ва ижоди, фольклор ва ижтимоий ҳаёт, фольклоршунослик тарихи масалаларига бағишланган.

Ислом шоирнинг "Орзигул" (1940, 1956, 1961), "Гулихиромон" (С.Асқаров билан ҳамкорликда, 1965), Фозил шоирнинг "Ширин билан Шакар" (1955), "Муродхон" (Х.Расул билан ҳамкорликда, 1956), "Балогардон" (Х.Расул билан ҳамкорликда, 1957), "Фарҳод ва Ширин" (1966), "Зулфизар" (1969), Эргаш Жуманбулбул ўғлининг "Хушкелди" (1962) достонларини нашрга тайёрлаган. У Ислом шоир "Танланган асарлари" (1953), "Ўзбек фольклоридан ўқув материаллари" (1950), "Ўзбек достонлари" (1956–1958), "Ўзбек шеърияти антологияси (1948), "Ўзбек халқ эртаклари" (1951), "Ўзбек халқ эртаклари (1960–1962), "Ўзбек халқ мақоллари" (1958–1960) мажмуаларини ҳам чоп эттирган.

М.Афзалов атоқли олим Ҳ.Зарифовдан кейин олий ўқув юртларида фольклор курсини ўқитиш бўйича дастур ва ўқув қўлланмаси тузиб ("Ўзбек фольклоридан ўқув материаллари", 1950), 1939 йилда Самарқанд давлат университетида, 1942–1952 йилларда ТошДУда фольклор курсидан маърузалар ўқиган. 1973 йилда Беруний номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган.

*Ас.*: Колхозда қўшиқ / МИ. – 1936, 3 март; Ўзбек ишчи фольклори ҳақида / МИ. – 1936, 26 июль; Халқ ижодини ўрганамиз / МИ. – 1937, 29 май; Қўшиқлар тўғрисида / МИ. – 1937, 2 июнь; Рўёбга чиққан халқ ижоди / МИ. – 1937, 26 октябрь; Ўзбек фольклоридан намуналар. – Тошкент, 1938 (ҳамк.); Фольклористическая работа в Узбекистане / Материалы фольклорной конференции. – М., 1938.

– С.262; Фольклорда хотин-қизлар образи / ЁЛ. – 1938, 26 ноябрь; Қозоқ халқ поэзиясининг оқсоқоли / ЎГ. – 1938, 20 май; Пўлкан шоир ҳақида (сўзбоши ўрнида) / Пўлкан. Ҳасан батрак. – Тошкент, 1938. – Б.3-5; "Ҳасан батрак" достони ҳақида / Пўлкан. Ҳасан батрак. – Тошкент, 1938. – Б.6-9; "Равшанхон" достони // Гулистон. – Тошкент, 1938. – 8-9-сонлар. – Б.37; Фозил шоир. Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон. Достон. (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи). – Тошкент, 1939; Ўзбек фольклори / Ўзбек адабиёти 15 йил ичида. – Тошкент, 1939. – Б.129–143 (ҳамк.); Ажойиб достон / ЎГ. – 1939, 21 сентябрь; Ислом шоир Назар ўғли // Гулистон. – Тошкент, 1939. – 11-сон. – Б.16; Халқ ботирлари янги қаҳрамонликларга чақиради / ҚЎ. – 1942, 23 август; Бекмурод жиров ҳақида / ҚЎ. – 1944, 19 ноябрь; Фольклор экспедицияси / Илғор Сурхон учун. – 1945, 9 октябрь; Фольклор экспедицияси Сурхондарё областида / Илғор Сурхон учун. – 1945, 10 октябрь; Бекмурод шоир // ШЮ. – 1946. – 5-сон. – Б.86-91; Сурхондарё вилояти, Шеробод район халқ бахшилари ҳақида // ШЮ. – 1946. – 10–11-сонлар; Ватан уруши йилларида яратилган фольклор асарларидан намуналар // ШЮ. – 1946. – 1–2-сонлар. – Б.96–100; Эргаш Жуманбулбул ўғли / ЎГ. – 1947, 26 ноябрь; Ислом шоир ҳақида // ШЮ. – 1947. – 1-сон. – Б.84-87; Халқ шоири Фозил Йўлдош ўғли / ЁЛ. – 1948, 19 декабрь (ҳамк.); Навоий ҳақида халқ афсоналари // ШЮ. – 1948. – 5-сон. – Б.26-31; Навоий ҳақида халқ афсоналари / ҚЎ. – 1948. – №94; Армия ҳақида фольклор асарлари // ШЮ. – 1948. – 2-сон; "Кунтуғмиш" достони ҳақида қисқача маълумот / Ўзбек поэзияси антологияси. – Тошкент, 1948. – Б.56-57; О народном варианте поэмы "Фархад и Ширин". АКД. – Ташкент, 1949; Ислом шоир ҳақида / ЎГ. – 1949, 5 январь; Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди. – Тошкент, 1950; Фозил шоир / Ўзбек фольклоридан ўқув материаллари. – Тошкент, 1950. – Б.110–113; Эргаш шоир / Ўзбек фольклоридан ўқув материаллари. – Тошкент, 1950; Ислом шоир / Ўзбек фольклоридан ўқув материаллари. – Тошкент, 1950. – Б.121–124; Предисловие / Народная поэзия Узбекистана. – Ташкент, 1951. – С.5–11; Эргаш шаир (краткая справка) / Народная поэзия Узбекистана. – Ташкент, 1951. – С.477–178 (ҳамк.); Талантли халқ куйчиси // ШЮ. – 1951. – 2-сон. – Б.137–152; Ўзбек халқ эртаклари (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши). – Тошкент, 1951 (Х.Расул билан ҳамк.);



Ўзбек фольклористикасини юксак поғонага кўтарайлик / ҚЎ. – 1952, 22 март (ҳамк.); Ўзбек фольклори ҳақида / Ўзбек фольклоридан ўқув материаллари. – Тошкент, 1953; Талантли куйчи / Ислом шоир Назар ўғли. Танланган асарлар. – Тошкент, 1953. – Б.3–13; Ўзбек халқ эртаклари (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши). – Тошкент, 1953 (Х.Расул билан ҳамк.); Ислом шоир Назар ўғли / Ўзбек фольклоридан намуналар. – Тошкент, 1954. – Б.117–126; Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан / Ўзбек фольклоридан намуналар. – Тошкент, 1954. – Б.161–170; Пўлкан шоир. – Тошкент, 1955; Халқ поэтик ижодидан баҳра олиб / ЁЛ. – 1955, 28 май; Фозил Йўлдош ўғли. Ширин билан Шакар. Достон (нашрга тайёрловчи). – Тошкент, 1955; Ўзбек достонлари. 2 жилдлик (нашрга тайёрловчи). – Тошкент, 1955 (ҳамк.); Об узбекских вариантах эпоса "Алпамыш" // ЗВ. – 1956. – №9. – С.105–109; "Алпомиш" достонининг вариантлари ҳақида // ШЮ. – 1956. – 7-сон. – Б.107–117; Ўзбек фольклоридан программа. – Тошкент, 1957 Ш.Абдуллаева билан ҳамк.); Ўзбек достонлари. 2 жилдлик. (нашрга тайёрловчи). 2-нашри. – Тошкент, 1955 (ҳамк.); Ўзбек халқ мақоллари (тузувчи ва сўзбоши муаллифи). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1958 (С.Иброҳимов, С.Худойбердиев билан ҳамк.); Ўзбек халқ мақоллари тўғрисида / ЁЛ. – 1958, 14 январь; Эргаш Жуманбулбул ўғли ижодига бағишланган илмий сессия // ЎТА. – 1959. – №3. – Б.92-94; Узбекская версия "Алпамиш" / Об эпосе "Алпамыш". – Ташкент, 1959. – С.144–157; Эргаш Жуманбулбул ўғли ижодига бағишланган сессия / ЁЛ. – 1959, 12 май; Халқ ижодини тўплайлик // ЁЛ. – 1960, 26 июль (ҳамк.); Халқ оғзаки ижоди дурдоналарини излаб / ЎМ. – 1960. – №76 (ҳамк.); Фольклор экспедицияси натижалари / ЎМ. – 1960. – №19 (ҳамк.); Фольклор экспедицияси Бухорода / Ҳақиқати Ўзбекистон. – Тошкент, 1960, 25 август; Ўзбек халқ мақоллари (тузувчи ва сўзбоши муаллифи). 2-нашри. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1960 (С.Иброҳимов, С.Худойбердиев билан ҳамк.); Ўзбек фольклоридан программа. – Тошкент, 1960 (Ш.Абдуллаева билан ҳамк.); Ўзбек халқ эртаклари (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи). 2 жилдлик. – Тошкент, 1960 (Х.Расулов, З.Ҳусаинова билан ҳамк.); Узбекские народные сказки (составление, подготовка текста и предисловие). В 2-х томах. – Ташкент, 1960 (в соавт. Х.Расуловым и З.Хусаино-

вой); Мамадрайим бахши // ЎТА. – 1960. – 2-сон. – Б.69-70; Эртак жанри ҳақида // ЎТА. – 1961. – 4-сон; Ислом шоир ва унинг "Орзигул" достони ҳақида // Орзигул. – Тошкент, 1961. – Б.3–10; Халқ ижоди асарларини тўплангиз / ХҲ. – Урганч, 1961. – №149 (ҳамк.); Эртак жанри // ЎТА. – 1961. – 4-сон. – Б.12–16; Хоразм халқ дурдоналарини излаб / ХҲ. Урганч, 1962. – №43 (ҳамк.); Узбекские народные сказки (составление, подготовка текста и предисловие). В 2-х томах. – Ташкент, 1962 (в соавт. Х.Расуловым и З.Хусаиновой); Фольклор экспедицияси натижалари // ЎТА. – 1963. – 3-сон (Ж.Қобулниёзов билан ҳамк.); Эргаш Жуманбулбул ўғли. Хушкелди. Достон (нашрга тайёрловчи). – Тошкент, 1962; Халқ ижоди асарларини тўплаш бўйича қисқача қўлланма // СМ. – 1962. – 10-сон; Фозил Йўлдош ўғли. Ширин билан Шакар. Достон (нашрга тайёрловчи). – Тошкент, 1963; Хоразм халқ ижодини ўрганиш экспедициялари // ЎТА. – 1963. – №3. – Б.70-72 (Ж.Қобулниёзов билан ҳамк.); Ижодий ҳамкорлик намунаси / ЁЛ. – 1963, 2 ноябрь (ҳамк.); Ўзбек халқ эртаклари (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи). 2 жилдлик. – Тошкент, 1963 (Х.Расулов, З.Ҳусаинова билан ҳамк.); Ўзбек халқ эртаклари. Қисқача очерк. – Тошкент, 1964; Мақоллар / ЎГ. – 1965, 17 октябрь; Сўзбоши ўрнида // Авазхон. – Тошкент, 1965. – Б.3–10-б; Муҳим тадқиқот / СЎ. – 1966, 22 январь (ҳамк.); Муҳим қўлланма / ЎГ. – 1966, 26 февраль; Ўзбек фольклористикасининг асосчиси // ШЮ. – 1966. – 5-сон. – Б.228–232 (ҳамк.); Хоразм булбули / ЎМ. – 1966, 4 апрель (ҳамк.); Олтин олма. Ҳаётий эртаклар (нашрга тайёрловчи). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1966 (М.Афзалов, З.Ҳусаинова билан ҳамк.); Халқ эртаклари таснифи // ЎХИ. – Б.95–102; Жонкуяр олим / СЎ. – 1967, 19 март (ҳамк.); Эргаш Жуманбулбул ўғли // МВТ. – 1970. – 10-сон. – Б.18–19; Олима, шоира, публицист / ЁЛ. – 1970, 29 май; "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари" / ЎСФМ. – Б.324-326; Эргаш Жуманбулбул ўғли // Муштум. – Тошкент, 1971. – 11-сон. – Б.7; "Ўзбек фольклорининг ривожланиш йўллари" / ЭШУДЎ. – Б.205–207; Народный шоир // ЗВ. – 1972. – №1. – С.106–118 (ҳамк.); Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868–1937) // МВТ. – 1972. – 10-сон. – Б.18–19; "Фарҳод ва Ширин" достонининг халқ вариантлари ҳақида / Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973. – Б.81-85; О народном варианте дастана "Фархад и Ширин" / Взаимодействие литературы и фольклора. – Душанбе, 1974. – С.187–198; Пўлкан / ПШ. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.10–20; Ўзбек халқ эртаклари. 2-жилдлик. (нашрга тайёрловчи). – Тошкент: Шарқ, 1995; Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.79-88.

***Ад.***: Имомов К. "Ўзбек халқ эртаклари ҳақида" / ЎСФМ. – Б.305-307; Мирзаев Т. Мансур Афзалов // ЎТА. – 1971. – 3-сон. – Б.89-90; Имомов К., Зуфаров С. Фольклоршунос олим // МВТ. – 1971. – 11-сон. – Б.21; Саримсоқов Б. Атоқли олим, меҳрибон мураббий / ЎГ. – 1972, 15 июнь; Жаҳонгиров Ғ. Халқ шоири юбилейи / ЎГ. – 1972, 25 март (ҳамк.); Ҳусаинова З. Ўзбек фольклорининг жонкуяри / ТҲ. – 1972, 16 июнь; Собиров О. Заҳматкаш олим / СЎ. – 1972, 17 июнь; Қодиров К. Заҳматкаш фольклоршунос // ШЮ. – 1972. – 7-сон. – Б.218; Мансур Афзалов (некролог) // ЎТА. – 1973. – 5-сон. – Б.100–101; ШЮ. – 1973. – 10-сон. – Б.239; Мирзаев Т. Мансур Афзалов / Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Б. 97–112; Мансур Афзалов (1910–1973) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.79.

## Расул МУҲАММАДИЕВ

*(1911 йил, Қўқон шаҳри – 1971 йил, Тошкент шаҳри)*

Аския жанрига оид фольклор асарларини изчил тадқиқ этган Р.Муҳаммадиев ўз меҳнат фаолиятини 1929 йилда "Янги Фарғона" газетасида мухбирликдан бошлаган. Кейинчалик "Чирчиқ қурилиши" газетасида ходим, "Қизил Ўзбекистон" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетасида бўлим мудири, масъул котиб (1937–1938) бўлиб хизмат қилган. Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида жангчи-мухбир сифатида иштирок этган. 1946 йилдан кейин турли матбуот нашрларида муҳаррир, мухбир бўлиб ишлаган. Кейинчалик ТошДУ(ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетида ўқитувчи (1957–1959), доцент (1959–1971) вазифаларида ишлаган.

Р.Муҳаммадиев ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг ўзига хос жанри бўлган аскияни тўплаб, тадқиқ этишга киришган биринчи ўзбек фольклоршуносидир. Бевосита унинг ташаббуси ва иштирокида аския санъати материалларини тўплаш, ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида 1961–1965 йилларда бир неча бор фольклор экспедициялари ўтказилди. Фарғона водийси бўйлаб сафар қилган биринчи экспедиция (1961) аъзолари аския жанрининг тарқалиш даражаси ва доираси, тарихий тараққиётини ўрганишга доир материаллар тўплаш асносида аския пайровларини ёзиб олишди. 1963 йилда ўтказилган иккинчи экспедиция чоғида эса водий вилоятларида яшовчи машҳур аскиябозларнинг репертуари ёзиб олинди. Устоз сўз санъаткорлари ҳақидаги хотиралар, ривоятлар ва латифалар тўпланди ва ўзбек аскиячиларининг ижодий мероси ўрганилди. 1965 йилнинг ёзида эса Фарғона водийсининг шимолий туманларида, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги яшовчи аскиячилар ижодиёти ўрганилди.

Р.Муҳаммадиевнинг изланишлари натижасида аскиянинг ўттиздан ортиқ шакллари мавжудлиги аниқланиб, бу нодир сўз санъатининг “пайров”, “бўласизми”, “ўхшатдим”, “гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз”, “қофия”, “лақиллатиш”, “киноя”, “афсона”, “тутал”, “лоф” каби қадимий турларига оид бой материаллар тўпланди.

Унинг тадқиқотларида аския жанрининг пайдо бўлиши ва тараққиёти, унинг ўзига хос жанр хусусиятлари, латифа, эртак, қизиқчилик, достон, қўшиқ каби фольклор жанрларига муносабати, моҳир аскиячиларнинг ҳаёти ва ижодий мероси, ижрочилик санъати, аскияда анъана ва замонавийлик, аскиянинг маданий ҳаётида тутган ўрни каби масалалар ўрганилган. Олим 1970 йилда “Ўзбек халқ ижоди” сериясида “Аския” мажмуасини чоп эттирган.

Фольклоршуносликка оид 20 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи бўлган Р.Муҳаммадиев 1971 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвонига сазовор бўлган.

*Ас.*: Аския (Острословие – жанр узбекского народного творчества). АКД. – Ташкент, 1961; Аския жанри ва унинг тил хусусиятлари // ЎТА. – 1962. – 1-сон. – Б.19–22; Янги пайровларни излаб // ШЮ. – 1962. – 2-сон. – Б.137–143; Аския. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1962; Аския – ажойиб сўз санъати / Тожикистон. – 1963, 18 август; Аския – ижод дурдонаси / ХҲ. – 1965, №110; Келинг бир кулишайлик. – Тошкент, 1966; Аския ҳақида мулоҳазалар // ЎХИ. – Б.124–130; Аския // Гулистон. – Тошкент, 1967. – 6-сон. – Б.21; Аския жанри ва унинг тил хусусиятлари / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.89–100.



*Ад.*: Янги фан кандидати / ЎМ. – 1972, 8 ноябрь; Муҳаммадиев Расул / ЎСЭ. – 7-том. – Б.482; Расул Муҳаммадиев (1911–1971) / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.89.

## Шарифа АБДУЛЛАЕВА

*(1914 йил 12 май – Тошкент шаҳри – 1976 йил)*

Ш.Абдуллаева 1930 йилда Тошкентдаги Наримонов номли педагогика билим юртини, ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти аспирантураси ҳамда ўқитувчилар тайёрлаш курсини (1936) битирган. У 1937–1940 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ўқитувчи, 1940–1974 йилларда доцент вазифаларида хизмат қилган. 1954 йилда “Навоийнинг хотин-қизлар ҳақида гуманистик қарашлари” мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Ш.Абдуллаева 1935 йилда Ҳоди Зарифов бошчилигидаги фольклор экспедицияси аъзоси сифатида Фарғона водийсида илмий сафарда бўлиб, достон, қўшиқ, эртак ва бошқа материаллар ёзиб олган. Бу экспедицияда тўпланган материаллар Фарғона достончилиги анъаналарини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. У олий ўқув юртлари филолог-талабалари учун халқ оғзаки поэтик ижодиётидан дастур тузган. “Алпомиш” достонининг муҳокамасига бағишланган кенгашда (Тошкент 1957) илмий маърузa билан иштирок этган, Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди, халқ достонлари-

да аёллар образи, фольклор ва адабиёт масалаларига доир асарлар яратган.

*Ас.*: Ўзбек фольклори программаси (проект). Педагогика институтлари ва 2 йиллик ўқитувчилар тайёрлаш курслари учун. – Тошкент, 1939; Педагогика институтлари учун ўзбек фольклоридан программа. – Тошкент, 1942 (1946, 1954, 1964, 1966); "Алпомиш" достонида Барчин ва Қалдирғоч образи // ШЮ. – 1956. – 11-сон. – Б.113–115; Образы Барчин и Калдыргач / Об эпосе "Алпамыш". – Ташкент, 1959. – С.87-90; Ўзбек оғзаки поэтик ижоди курси программаси. Пединститутларнинг тил ва адабиёт факультетлари учун. – Тошкент, 1960 (ҳамк.); Эргаш Жуманбулбулнинг ижодий биографияси / Илмий асарлар. XXIV том. – Тошкент, 1961; Халқ оғзаки ижодиётининг ёзма адабиётга таъсири / Илмий асарлар. IV китоб. – Тошкент, 1962. – Б.137–141; Ўзбек халқ достонлари ҳақида. – Тошкент, 1964.

## Жуманиёз ҚОБУЛНИЁЗОВ

*(1914 йил 21 декабрь, Урганч шаҳри – 1971 йил 18 январь, Тошкент шаҳри)*

XX аср ўзбек фольклорининг ривожланиши масалаларини тадқиқ этган фольклоршунос Жуманиёз Қобулниёзов 1914 йилда Урганчда туғилган. У 1934–1936 йилларда Тошкентдаги икки йиллик педагог кадрлар тайёрлаш курсида, 1936–1939 йилларда Тошкент тиббиёт билим юртида ўқиган. 1945–1949 йилларда маориф соҳасида хизмат қилган. 1949–1953 йилларда Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети)нинг Тил ва адабиёт факультетида ўқиган. Ўқиш билан бир қаторда Тошкентдаги 15-кечки мактабда ўқитувчилик қилган. 1953–1957 йилларда Москва давлат университетининг аспирантурасида ўқиган. 1957 йилдан ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида кичик илмий ходим, 1958–1974 йилларда катта илмий ходим бўлиб ишлаган. 1973 йилда "Ўзбек фольклорининг шаклланиши ва тараққиёт йўллари" мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган.



Ўзбек фольклорини тўплаш, нашр эттириш ва ўрганишга катта ҳисса қўшган. Айниқса, ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг 1960–1965 йилларда Хоразм вилояти бўйлаб ўтказган фольклор экспедицияларида фаол қатнашган. У Хоразм халқ достонлари ва қўшиқларини ёзиб олиб, халфалар ижодини ўрганган. Бола бахши Абдуллаевдан "Бозиргон", "Авазхон", "Ошиқ Маҳмуд", Маҳмуд Юсуповдан "Ошиқ Маҳмуд", "Сайёдхон ва Ҳамро" достонларини ёзиб олиб, 1966–1970 йилларда чоп эттирган. У ўзи тўплаган халқ қўшиқлари асосида "Хоразм халқ қўшиқлари" (1965) тўпламини нашр эттирган. Ж.Қобулниёзовнинг иккинчи жаҳон урушидан аввалги давр ўзбек фольклорининг асосий хусусиятлари ва тараққиётига доир тадқиқотларида XX аср ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодининг ривожланиш тамойиллари, ҳаётий воқеликнинг фольклорга таъсири, халқ ижодкорларининг фаолияти, анъанавий фольклорнинг ёзма адабиёт ривожида тутган ўрни, XX аср фольклорининг анъанавий халқ оғзаки ижодиётидан фарқи ва умумий жиҳатлари каби масалалар кенг ёритилган.

*Ас.*: Фольклор экспедициясининг Хивада бўлиши / ХҲ. – 1961, 15 сентябрь (ҳамк.); Фольклор асарларини тўплангиз / ХҲ. – 1962, 29 июль (ҳамк.); Хоразм халқ дурдоналарини излаб / ХҲ. – 1962. – №43 (ҳамк.); Хоразм ижодчилари / ХҲ. – 1962, 25 июль; Хоразм халқ поэтик ижодида тинчлик мотивлари / ХҲ. – 1962, 24 сентябрь; Хоразм тароналари / ЁЛ. – 1962, 24 ноябрь; Ижодий ҳамкорлик намунаси / ЁЛ. – 1963, 2 ноябрь (ҳамк.); "Сайёд ва Ҳамро" достони. Сўзбоши ва матн. – Тошкент, 1964; Из истории хорезмской народной поэзии / Ученые записки Хорезмского государственного пединститута. Вып.1. – Урганч, 1964; Хоразм халқ қўшиқлари ҳақида / Хоразм халқ қўшиқлари. – Тошкент, 1965. – Б.5–27; Хоразм булбули / ЎМ. – 1966, 4 апрель (ҳамк.); Ўзбек фольклори ва фольклористикаси тарихидан // Ўзбек адабиётининг ярим асри. – Тошкент, 1967; Ўзбек фольклорининг ривожланиш йўллари. – Тошкент: Фан, 1969; Қўшиқлардаги ижтимоий мотивларнинг анъанавийлиги ҳақида / ЎСФМ. – Б.30-46; Ошиқ Маҳмуд. Авазхон. Достонлар (сўзбоши, матн, изоҳлар). – Тошкент, 1970; "Юсуфжон қизиқ" / ЎСФМ. – Б.295–296; "Карим қизиқ Зарифов" / ЎСФМ.

– Б.297–298; “Ўзбек халқ оғзаки драмаси” / ЎСФМ. – Б.303-305; “Музайяна Алавия” / ЎСФМ. – Б.327-329; “Жиззах қўзғолони” достони ҳақида / Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973. – Б.147–154; “Ошиқ Маҳмуд” достони / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.101–106.

***Ад.***: Ҳожиматов Ж. Ҳозирги ўзбек халқ поэтик ижоди ҳақида // ЎТА. – 1961. – 5-сон. – Б.58-61; Жўраев Ё. Халқ дурдоналари таҳлили / ЎМ. – 1970, 17 март; Жуманиёз Қобулниёзов // ЎТА. – 1974. – 1-сон. – Б.91-92; ЎМ. – 1974, 22 январь; ЎИФ. – 1974. – 3-сон. – Б.57; Жуманиёз Қобулниёзов / ЎСЭ. – 14-том. – Б.124; Оллоберганова С. Халфалар репертуари Жуманиёз Қобулниёзов нигоҳида // ИС. – 2002. – №2. – Б.41-42; Жуманиёз Қобулниёзов (1914–1971) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.101.

## Чори ҲАМРО

*(1914 йил, Қарши тумани, Пармитон қишлоғи – 1992 йил)*

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятида яшовчи аҳолининг маросим қўшиқлари, афсона ва ривоятларини тўплаш, халқ бахшилари репертуаридаги асарларни ёзиб олишга катта ҳисса қўшган заҳматкаш фольклор тўпловчи Чори Ҳамро (Чори Ҳамроевич Ҳамроев) Қарши шаҳридаги ўрта мактабни тамомлаганидан кейин, ўн етти ёшидан бошлаб ўзи туғилиб-ўсган қишлоқ мактабида ўқитувчилик қила бошлаган. Йигирма яшарлигида кўнгилли бўлиб иккинчи жаҳон уруши жангоҳларига кетган. 1942 йилда у фашистлар қуршовига тушиб қолади, аммо охирги ўқи қолгунига қадар жанг қилган Чори Ҳамро душман қўлига асир тушмай, Қрим ўрмонларидаги партизанларга қўшилиб, йигитлик бурчини бажаришни давом эттиради. Кейинчалик фашистлар томонидан қўлга олиниб, Херсондаги ҳарбий асирлар лагерига жойлаштирилган. 1942 йилнинг кузида лагердан қочиб, ҳаракатдаги армия сафига қўшилган. 1944



йилда оғир ярадор бўлганлиги сабабли урушдан қайтиб кетган. 1946 йилда Самарқанд давлат университетининг сиртқи бўлимига ўқишга кирган ва ўша йили Деҳқонобод туманидаги Ғафур Ғулом номли 1-ўрта мактабга директор қилиб ишга юборилган. Бир неча йил ўша ерда ишлаганидан кейин Пармитонга қайтиб келиб ўқитувчилик фаолиятини давом эттирган.

Чори Ҳамро кенг кўламли фольклор тўпловчилик фаолияти билан шуғулланган фидойи кишилардан биридир. Унинг сайъҳаракатлари натижасида Абдулла шоир Нурали ўғли, Умир шоир Сафаров, Мардонақул Авлиёқул ўғли каби бахшиларнинг бир неча достонлари, жумладан, Мардонақул юзбошидан “Оллоназар Олчинбек”, “Олтин қобоқ”, “Ўқтов-Чўқтов” каби достонлар ёзиб олинган. Бундан ташқари, чироқчилик Азим шоир, Бўри бахши Аҳмедов, Хушвақт Мардонақулов, Қора ва Чори Умировлар, Қодир бахши Раҳимовдан термаларни ёзиб олишга муваққат бўлган. У 1954 йилда Муҳаррам Зоҳидовадан “Тоҳир ва Зуҳра” достонини ёзиб олиб нашр эттан (1994), шунингдек, халқ қўшиқлари тўпламини ҳам чоп эттирган. Халқ оғзаки бадиий ижоди асарларида кўп ишлатиладиган сўзларни тўплаб, фольклор луғавий бирликларининг изоҳли луғатини тузган (бу луғат ҳозирги кунда Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида сақланади).

***Ас.***: Чечанлар нима дейди / ёзиб олувчи Чори Ҳамро / Нафосат. – Қарши, 1995. – 10-сон; Навруз – праздник весны / КП. – Карши, 1992, 21 март; Тоҳир ва Зуҳра. Достон. Ёзиб олувчи: Чори Ҳамро. – Қарши, Насиф, 1993; Ёр интизор (ўзбек халқ қўшиқлари). Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: Чори Ҳамро. – Қарши: Насаф, 1994.

***Ад.***: Кладезь народных жемчужин / КП. – 1990, 6 сентябрь; Ғози Раҳмон. “Фольклор луғати” ҳақида / ҚҚҲ. – 1991, 17 декабрь; Пўлатов С. Портрет художника слова / КП. – 1992, 7 апрель; Бозоров Т. Умрлар бўладики / ҚҚҲ. – 1992, 22 февраль; Қаҳҳоров А. Чори Ҳамрони эслаб / ҚҚҲ. – 1993, 13 июль; Оймаматова З. В честь земляка / КП. – 1994, 22 апрель; Нарзуллаев Л. Лавҳа ўрнатилди / ҚҚҲ. – 1994, 4 апрель; Пирматов М. Чори Ҳамронинг 75 йиллигига / ҚҚҲ. – 1994, 4 май; Маҳмудов М. Устозлар устози / ҚҚҲ. – 1995, 14 июль; Очил М. Оддийлик алифбоси / ҚҚҲ. – 1996,

14 сентябрь; Эгамбердиев Ҳ. "Баҳор келди сизни сўроқлаб" / Камолот. – Қарши, 1997, 1–15 апрель; Очил М. Чори Ҳамро хазинасидан / Насаф. – Қарши, 1999, 12 май; Очил М. Юксак эътиқод эгаси / ҚҚҲ. – 1999, 8 май; Тилавов Н. Устозларнинг устози эди / ҚҚҲ. – 1999, 7 май; Нарзуллаев Л. Чори бобонинг хазинаси / ҚҚҲ. – 2000, 22 июль; Муродов М., Эргашев А. Чори ҳамро – серқирра ижод соҳиби / Алпомишнома. 2-китоб. – Тошкент: Меҳнат, 2000. – Б.204–222.

**Файзулла КАРОМАТОВ**
**(Файзулла КАРОМАТЛИ)**
*(1915 йил 14 декабрь, Бухоро – 2014 йил, 18 ноябрь Тошкент)*

Ўзбек мусиқа фольклорининг йирик тадқиқотчиси Файзулла Музаффарович Кароматов 1939 йили Тошкент шаҳридаги Р.М.Глиер номли мусиқа билим юртида таҳсил олган. 1952 йили Ф.Кароматов Тошкент педагогика институтини тамомлаган. Консерваторияда эса 1946 йилдан бошлаб Мусиқа тарихи ва назарияси факультетига ўқишга кириб, уни 1950 йили мусиқашунос сифатида (мусиқа назарияси ва фолклоршунослик мутахассисликлари бўйича) тугатган. Талабалик йиллариданоқ ўз меҳнат фаолиятини бошлаган олим Ўзбекистон давлат филармониясининг симфоник оркестрида (1943–1948), сўнг Ҳамза номли драма театрида (1948) ва Ўзбекистон радиоси ҳузуридаги симфоник оркестрда (1948–1950) скрипкачи, Санъатшунослик институтида илмий ходим бўлиб (1949–1950) ишлаган. 1950–1954 йиллари Москва давлат консерваториясининг аспиранттурасида таҳсил олган. 1955 йилда "Ўзбек халқ қўшиқлари" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ф.Кароматов 1954 йилдан Санъатшунослик илмий-текшириш институтида илмий ходим, 1955 йилдан мазкур илмий тадқиқот институтининг "Мусиқа кабинети" (1957 йилдан бўлими) мудири, 1984 йилдан "Замонавий мусиқа ва фольклор" бўлими мудири, 1995 йилдан "Фонограмм архив" бўлими мудири бўлиб ишлаган. 1957–1964 йилларда Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг директори лавозимида фаолият юргизган. 1971 йилда "Ўзбек чолғу мусиқаси (мерос)" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1973 йилда унга профессор унвони берилган.



Ўзбек халқ мусиқа фольклори материалларини тўплаш ва ўрганиш билан изчил шуғулланган Ф.Кароматов Хоразм (1957), Тошкент (1958), Самарқанд (1959), Бухоро (1960) вилоятлари ва Фарғона водийси (1962–1964) бўйлаб илмий экспедициялар ташкил қилган. Бу экспедициялар чоғида ўзбек халқ қўшиқчилик санъати, бахши-шоирлар репертуаридаги дўмбира куйлари, халқ чолғу мусиқа санъатига доир бой фактик материаллар тўпланган. Айниқса Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйлаб 1955,1956,1958,1961 йиллари ўтказилган фольклор экспедицияларида шу ҳудудларда яшовчи машҳур бахши ва дўмбиракашларнинг нағмалари изчил тўпланган. Бу материаллар кейинчалик олимнинг "Ўзбек дўмбира мусиқаси" ("Узбекская домбровая музыка". – Т.,1962) номли асарининг юзага келишига асос бўлди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Қозоғистоннинг Чимкент ва Жамбул вилоятлари (1970–1971), Тожикистоннинг Хўжанд вилояти (1974–1976), Туркманистоннинг Тошовуз вилоятига (1977–1978) ўтказилган мусиқа-фольклор экспедициялари ҳам ғоят самарали бўлган. У 1968 йилдан бошлаб Тожикистоннинг Тоғли-Бадахшон автоном вилоятининг барча туманлари бўйлаб илмий сафарлар уюштириб, шу ҳудуд мусиқа фольклорининг ўзига хос локал хусусиятларини тизимли равишда тадқиқ этган. Натижада "Музыкальное искусство Памире" (биринчи китоб. М., 1978; иккинчи китоб. М., 1986) каби йирик асарлар юзага келган. 1970 йилнинг ўрталаридан эътиборан чоп этила бошланган "Ўзбек халқининг мусиқа мероси" етти жилдлигига Ф.Кароматовнинг фольклор экспедицияларида ёзиб олинган нодир материаллар ҳам киритилган.

Ф.Кароматов ўзбек мусиқа фольклорининг тарихий асослари, тадрижий тараққиёти, жанрлар таркиби, қўшиқчилик, чолғучилик, бахшичилик санъатининг мусиқий табиатини кенг ва атрофлича ёритган. Унинг кўп йиллик тўпловчилик фаолияти натижасида Санъатшунослик институтидаги Фонограмм архив юзага келган. Ана шу ноёб фондда сақланаётган халқ қўшиқлари, ашулалар, лапарлар, ўланлар, терма ва достонлар, достон нағмалари, чолғу куйларининг аксарияти Ф.Кароматовнинг ўзи томонидан нотага олинган.

***Ас.*** (мусиқа фольклорига доир асарлари): Советская узбекская народная песня. – М., 1954; Ўзбек халқ қўшиқлари (ҳамк. К.Олимбоева). – Тошкент: Ўздавнашр, 1954. – 142 б.; Ўзбек халқ чолғу мусиқаси (ҳамк. К.Олимбоева). – Тошкент: Ўздавнашр, 1955. – 184 б.; Ўзбек халқ қўшиқлари (ҳамк. К.Олимбоева). – Тошкент: Ўздавнашр, 1956. – 144 б.; Ўзбек мусиқа фольклорининг ёзилиши тарихидан // ШЮ. – Тошкент, 1956. – №2. – Б.103.110; Основные черты музыкального строения узбекских народных песен / Вопросы музыкальной культуры Узбекистана. – Ташкент, 1961. – С.34-71; Музыкальное наследие узбекского народа / Музыкальная культура Узбекской ССР. – М., Музыка, 1961. – С.11-32; Узбекская домбровая музыка. – Ташкент: Узгослитиздат, 1962. – 260 с. с илл. и нот.; Полевые исследования института искусствознания в 1961–1962 гг. // ОНУ. – Ташкент, 1963. – №2. – С.67-69; О локальных стилях узбекской народной музыки. – М.: Наука, 1964. – 8 с.; Узбекская народная музыка / Очерки истории музыкальной культуры Узбекистана. Вып.1. – Ташкент, 1968. – С.24-45 (ҳамк.); К истории записи узбекского фольклора / Вопросы музыкальной культуры Узбекистана. – Вып. 2. – Ташкент, 1969. – С. 3-46; О локальных стилях узбекской народной музыки / Музыка народов Азии и Африки. Вып.1. – М., 1969. – С.35-49; О локальных стилях узбекской народной музыки / Труды международного конгресса антропологических и этнографических наук (Москва, 3–10 август та, 1964 г.). – М.: Наука, 1970. – С. 243–247; Ўзбек халқ қўшиқлари ҳақида / Ўзбек фолклори масалалари. – Тошкент: Фан, 1970. – Б.81-91; Узбекская инструментальная музыка (наследие). – Ташкент: Фан, 1971. – 34 с; Музыкальная фольклористика в Узбекистане / "Информационное письмо" Комиссии музыки народов СССР. №7-8. – М., 1972; Ўзбек чолғу мусиқаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1972. – 31 б; Узбекская инструментальная музыка (наследие). – Ташкент, 1972. – 360 с. нот. прим., приложением; Музыкальное наследие узбекского народа / История узбекской музыки. – Т.1. – Ташкент, 1972. – С.13-37; Ўзбек халқи мусиқа мероси (XX асрда). Китоб 1. "Қўшиқ". – Тошкент, 1978. – 154 б.; Узбекский музыкальный фольклор и профессиональная музыка устной традиции / История узбекской музыки. – М.: Музыка, 1979. – С.28-55; Узбекские народные песни. Песенник (на украинском языке). – Киев: Музична Украина, 1980. – 134 с.; О сравнительном изучении музыкального фольклора / Актуальные проблемы современной фольклористики. – Л.: Музыка, 1980. – С.185–18; Ўзбек мусиқа фольклори ва оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа. Халқ мусиқаси / Ўзбек мусиқаси тарихи. – Тошкент, 1981. – Б.27-35; Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа / ЎМТ. – Б.35-40; Ўзбек достонлари / ЎМТ. – Б.40-41; Мусиқа асбоблари / ЎМТ. – Б.41-49; Чолғу асбоблари анъанавий ансамбллари / ЎМТ. – Б.49-50; Локал услублар / ЎМТ. – Б.50-53; Ўзбек қўшиқларининг пайдо бўлиши / ЎМТ. – Б.54-57; Халқ қўшиқлари / ЎМТ. – Б.57-58; Ўзбек халқи мусиқа мероси (XX асрда). Китоб 2. Терма, ялла, қарсак. – Тошкент, 1985. – 211 б. (ноталар билан); Музыкальное искусство Памира. Кн.2. Музыкально-зрелищные представления. – М., 1986. – 252 с. (ҳамк.); Узбекская инструментальная музыка (составитель). – М.: Музыка, 1987. – 97 с.; В.М.Беляев – исследователь узбекской музыки / В.М.Беляев. – М.: Советский композитор, 1990. – С.457-464; Алпамыс (достондан парчалар). Нашрга тайёрловчилар Файзулла М. Кароматли ва Т.Мирзаев. – Тошкент, 1999; Ўзбек халқи чолғу мусиқаси. – Тошкент, 2004;

***Ад***: Ремпель Л., Рыбник А. Искусствоведение Узбекистана за 40 лет // ОНУ. – Ташкент, 1964. – №8-9. – С.64-65; Асиновская А., Акбаров И. Композиторы Узбекистана. – Ташкент, 1959. – С.46-47; Био-библиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана. Тузувчи Б.В.Лунин. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.384-386; Джаббаров А., Соломонова Т.Е. Композиторы и музыковеды Узбекистана. – Ташкент, 1975. – Б.105–107; Қодиров М. Санъатнинг мероси нақадар бой / ЎМ. – Тошкент, 1963. –2 март; Вызго Т.С. "Ўзбек халқ мусиқа мероси". 1–2 жилдлари / ЎАС. – Тошкент, 1988; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.4. – Тошкент, 2002. – Б.478; Жабборов А.Х. Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари. Маълумотнома. – Тошкент, 2004. – Б.162–167.

## Ҳошимжон РАЗЗОҚОВ

*(1916 йил 16 май, Андижон тумани, Кўнчи қишлоғи – 1982 йил, 15 март, Андижон шаҳри)*

Фарғона водийси аҳолисининг фольклорини тўплаш ҳамда халқ оғзаки бадиий ижодида сатира ва юмор масалаларини тадқиқ этган Ҳошимжон Раззоқов 1933–1936 йилларда Андижон шаҳридаги ишчи факультетида, 1936–1937 йилларда Фарғона давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетида, 1937–1941 йилларда эса Тошкент давлат педагогика институтининг филология факультетида ўқиган. 1949–1953 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт интитутининг аспирантурасида таҳсил олган.

Ўз меҳнат фаолиятини Андижон ўқитувчилар институтида муаллимликдан бошлаган Ҳ.Раззоқов 1941–1943 йилларда Ҳамза номли педагогика билим юртида ўқитувчи, 1948–1949 йилларда илмий ишлар бўйича директор муовини бўлиб ишлаган. 1952–1954 йилларда Андижон давлат педагогика институти (ҳозирги Андижон давлат университети)да ўқитувчи, 1954–1982 йилларда кафедра мудири вазифаларида ишлаган.

Ҳ.Раззоқов ўзбек фольклорининг эртак, қўшиқ, аския, кулги-ҳикоя, латифа каби ўнлаб жанрларини тўплаш ва қизиқчилик, аскиябозлик, қўғирчоқбозлик каби анъанавий томоша санъати турларини тадқиқ этган. “Ўзбек халқ оғзаки ижодида сўз ўйинлари масаласига доир” (1964) асарида водий аҳолисининг бадиий сўзни қўллаш билан боғлиқ ўзига хос фольклор анъаналарини ёритган бўлса, “Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор” (1965) номли монографиясида халқ оғзаки бадиий ижодиётининг сатирик мавзудаги асарларини таҳлилга тортиб, фольклорга хос юморнинг тарихий илдизлари ва бу бадиий анъананинг тараққиёт қонуниятларини очишга ҳаракат қилган. Ана шу илмий изланишлар асосида 1970 йилда “Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор” мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган.

Халқ юморининг ажойиб дурдоналари ўзида жамланган “Латифалар” (1965) тўплами ҳам Ҳ.Раззоқов томонидан нашрга тайёрланган. У Фарғона водийсида кенг тарқалган халқ қўшиқларини тўплаб, “Гулёр” номи билан алоҳида мажмуа ҳолида нашр эттирди (1967).. Ўзининг илмий фаолиятини педагогик иш билан қўшиб олиб борган олим олий ўқув юрти талабаларига мўлжаллаб яратилган “Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди” (1980) дарслигининг муаллифларидан биридир.



*Ас.*: Ўзбек халқ оғзаки ижодида сўз ўйинлари масаласига доир / Андижон давлат педагогика интитути асарлари. XI-том. – Андижон, 1964. – Б.261–280; Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор. – Тошкент: Фан, 1965; Латифалар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Раззоқов, Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов. – Тошкент: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – 379 б.; Ўзбек халқ ижодидаги лофчиликнинг ёзув адабиёти билан муносабати // ШЮ. – 1966. – 2-сон; Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967; Насриддин Афанди латифалари. Нашрга тайёрловчи: Ҳ.Раззоқов. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1967; Сатира и юмор в узбекском фольклоре (по материалам Ферганской долины). АДД. – Ташкент, 1970; Латифалар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Раззоқов, Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов (3-нашри). – Тошкент: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1970. – 380 б.; Латифа ва уларнинг қаҳрамони Насриддин Афанди // ФТ. – 1971. – 2-сон. – Б.30-32; Деҳқоннинг бахт излагани (Болалар учун эртаклар). Тўплаб нашрга тайёрловчи: Ҳ. Раззоқов. – Тошкент: Ёш гвардия, 1973. – 30 б.; Минора ва лайлак. (Ўрта мактаб ёшидаги болалар учун эртаклар). Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Ҳ. Раззоқов. – Тошкент: Ёш гвардия, 1973. – 32 б.; Олтин кўзачадаги тўти (Болалар учун эртаклар) Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Ҳ.Раззоқов. – Тошкент: Ёш гвардия, 1973. – 30 б.; Энг яхши совға ( Кичик мактаб ёшидаги болалар учун эртаклар) Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Ҳ.Раззоқов. – Тошкент: Ёш гвардия, 1973. – 40 б.; Эртаклар. Тўпловчи: Ҳ.Раззоқов. – Тошкент: Ёш гвардия, 1974; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, 1980 (ҳамк.); Эпик ижодда сатира, юмор ва комик қаҳрамон / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.107–119.

*Ад.*: Жив, острослов! (об исследовании узбекского народного творчество филологом Х. Раззоковым) / ПВ. – 1966, 11 но-

ябрь; Раззоқов Ҳошимжон / ЎСЭ. – 9-том. – Тошкент, 1977. – Б.171; Жаҳонгиров Ғ., Маҳмудов А. Ҳошимжон Раззоқов // ЎТА. – 1977. – 2-сон. – Б.88; Ҳошимжон Раззоқов (некролог) / ЎГ. – 1982, 20 ноябрь; ЎТА. – 1982. – 3-сон. – Б.72; Ёқуббекова М. Устоз очган чоғир сўқмоқлар (Ҳ.Раззоқовнинг 90 йиллигига) / Андижон ёшлари. – 2006, 25 май; Ҳошимжон Раззоқов / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.107; Ҳошимжон Раззоқов (1916–1982) / qomuz.info; Мирзаев Т. Таниқли адабиётшунос ва фольклорист // ТАТ. – Тошкент, 2020. – №3-. – Б.9–16; Мирзаев Т. Таниқли адабиётшунос-фольклорист / Oriental Art and Culture. Scientific Methodical Journal. – Қўқон, 2020. – №3. – Б.9–16.

## Зубайда ҲУСАИНОВА

*(1918 йил 9 декабрь, Оренбург шаҳри – 2002 йил 26 март, Тошкент шаҳри)*

Ўзбек халқ топишмоқларининг теран тадқиқотчиси Зубайда Ҳусаинова ўрта мактабни Андижон шаҳрида тугатгандан кейин 1935 йилда Тошкентдаги стенографистлар тайёрлаш курсига ўқишга кирган. 1937–1938 йилларда Тошкент кечки педагогика институтида стенографист-котиба бўлиб ишлаган. 1938 йилдан ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида стенографист-котиба (1938–1940), Фольклор бўлимида лаборант (1940–1944), катта лаборант (1944–1957), кичик илмий ходим (1958–1968), катта илмий ходим (1969–2002) сифатида хизмат қилган. Тошкент кечки педагогика институтининг Тил ва адабиёт факультетини тамомлаган (1950).

Фольклоршуносликка тўпловчи сифатида кириб келган З.Ҳусаинова 1951 йилдан 1984 йига қадар ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг фольклор экспедицияси аъзоси сифатида Республикамизнинг барча вилоятларида, шунингдек, Тожикистон Республикасининг Ўратепа, Шаҳристон, Ёвон, Восеъ, Данғара туманларида, Қозоғистон Республикасининг Туркистон, Сайрам туманларида, Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятида бўлиб, халқ оғзаки ижодиётининг қўшиқ, мақол, топишмоқ, эртак, латифа каби жанрларига доир материалларни тўплаган. У Бекмурод Жўрабой ўғлидан "Малика айёр", "Холбека" (1946), Умир Сафар ўғлидан "Зарнигор" (1949), Абдулла Нурали ўғлидан "Алпомиш", Тошмурод бахши Тўрабовдан "Майда савдогар", Ҳамро Эргашовдан "Алпомиш", Ниёз Алимқул ўғлидан "Юсуф ва Аҳмад", Бекназар Раҳматовдан "Қорақум" каби достонларни ёзиб олган.

1953 йилдан ўзбек фольклори материалларини архивлаштириш ва каталоглаштириш ишида фаол қатнашиб келган олима узоқ йиллар мобайнида ҳозирги ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивининг раҳбари сифатида архивдаги ноёб фоноёзувлар ва материалларни тартиблаштириш, фондни муттасил бойитиш ва системалаштириш соҳасида самарали меҳнат қилган. Унинг бир ўзи Фольклор архивидаги ўн мингдан ортиқ турли жанрдаги асарларга мухтасар баёнлар ёзган, ўтган асрнинг 20-30-йилларидаги экспедицияларда араб ёзувида ёзиб олинган фольклор асарларини жорий алифбода қайта кўчириб чиқишдек машаққатли ишни амалга оширган.

З.Ҳусаинова ўзбек халқ топишмоқларининг жанр хусусиятлари, генезиси ва бадииятини тадқиқ этган. Топишмоқларнинг юзага келиш тарихи, турлари, халқ турмуш тарзи ва миллий анъаналарининг топишмоқ жанрида акс этиши, топишмоқлар поэтикасига доир бир қатор асарлар яратган. 1967 йилда "Ўзбек топишмоқларининг асосий хусусияти ва замини" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

З. Ҳусаинова "Ўзбек халқ эртаклари" икки жилдлиги ҳамда "Ўзбек халқ мақоллари"нинг икки жилдли академик нашрини тайёрлашда иштирок этган. У "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам (1958), "Холбека" (1968), "Алибек ва Болибек" (1973), "Тўлғаной" (1974), "Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши" (1976), "Машриқо" (1988) достонларини, М.Саидов билан ҳамкорликда "Гулнор пари" (1965), "Гулшанбоғ" (1966), "Авазхон" (1967),"Чамбил қамали" (1978) достонларини нашрга тайёрлаган. Шунингдек, Б.Саримсоқов билан ҳамкорликда "Кулса-гул, йиғласа-дур", Т.Мирзаев билан биргаликда "Луқмони ҳаким" эртаклар тўпламини, ўзи эса "Олтин олма", "Сув қизи", "Ойжамол", "Ҳасанхон", "Топишмоқлар" тўпламларини нашр эттирган. Т.Мирзаев билан ҳамкорликда Раҳма-

тулла Юсуф ўғли ёзиб олган “Гўрўғли” туркум достонларини чоп эттирган.

Халқ шоирларининг ҳаёти ва ижодиётига доир материалларни илмий тавсифлаган олима Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир ва Пўлкан шоир каби атоқли бахшиларнинг библиографиясини тузган. 1973 йилда Эргаш Жуманбулбул ўғли адабий меросини нашр этиш ва ўрганишдаги хизматлари учун Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига сазовор бўлган.

*Ас.*: Халқ хазинасининг дурдоналари / ҚЎ. – 1955, 19 январь; Халқ эртакларини сифатли нашр этайлик / СЎзМ. – 1956. – 20-сон. – Б.4 (ҳамк.); Топишмоқ терминлари / Ўзбек диалектологиясидан материаллар. 2. – Тошкент, 1961; Ўзбек халқ топишмоқларини ўрганиш тарихидан. 1-қисм / Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 3-китоб. – Тошкент, 1961. – Б.354-362; Ўзбек халқ топишмоқларини ўрганиш тарихидан. 2-қисм // ЎТА. – 1964. – 4-сон; Ўзбек топишмоқлари. – Тошкент: Фан, 1966; Топишмоқ терминлари / ЎХИ. – Б.111–123; Основные особенности и источники узбекских народных загадок. АКД. – Ташкент, 1967; Ҳозирги ўзбек топишмоқлари бўйича мулоҳазалар / ЎСФМ. – Б.71-80; “Фозил Йўлдош ўғли” / ЎСФМ. – Б.329-332; Эргаш Жуманбулбул ўғли (библиография) / ЭШУДЎ. – Б.180–197; “Эргаш Жуманбулбул ўғли” / ЭШУДЎ. – Б.200–201; Фозил Йўлдош ўғли (библиография) // Фозил шоир. – Тошкент, 1973. – Б.172–191; Йирик сўз санъаткори / ЁЛ. – 1975, 5 сентябрь; Заршунос / ЁЛ. – 1975, 19 март; Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан (библиография) / ПШ. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.154–161; Ислом Назар ўғли (библиография) / ИСШ. – Б.113–127; Природа узбекских загадок / Литература и история. Тезисы докладов и сообщений. – Ташкент, 1980. – С.112–113; Природа узбекских загадок // Фольклор, литература и история Востока. – Ташкент: Фан, 1984; Халқ топишмоқларидаги бир бадиий восита // ЎТА. – 1984. – 1-сон. – Б.36-40; Топишмоқларда эпитет // ЎТА. – 1988. – 1-сон. – Б.54-56; Топишмоқлар / Ўзбек фольклори очерклари 1-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.98–127; Луқмони Ҳаким. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989 (нашрга тайёрловчи ва тузувчи, Т.Мирзаев билан ҳамк.); Нурали ва қари Аҳмад / Нурали. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б.5-44 (достон матнини нашрга тайёрловчи, Т.Мирзаев билан ҳамк.); Малла савдогар // Нурали. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б.295-377 (достон матнини нашрга тайёрловчи, Т.Мирзаев билан ҳамк.); Гўрўғлининг туғилиши (сўзбоши ва матнни нашрга тайёрлаш). – Тошкент: Фан, 1994 (Т.Мирзаев билан ҳамк.); Райҳон араб (матнни нашрга тайёрлаш). – Тошкент: Фан, 1994 (Т. Мирзаев билан ҳамк.); Гўрўғлининг туғилиши. Достонлар матни, сўзбоши, луғат (“Гўрўғли” достонлари. 1-том). – Тошкент: Ёзувчи, 1996 (Т.Мирзаев билан ҳамк.); Авазхон. “Гўрўғли” достонлари. 2-том. – Тошкент: Ёзувчи, 1997 (Т.Мирзаев билан ҳамк.); Шоқаландар. Достон матнини тайёрлаш // САУ. – 2004. – 10-сон. – Б.16–23, 30-39; №11. – Б.16–23, 26-33 (Т.Мирзаев билан ҳамк.); Гўрўғли достонлари. Нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Шарқ, 2006 (Т.Мирзаев билан ҳамк.); Топишмоқ терминлари / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.120–127.

*Ад.*: Қодиров М. Жумбоқ таҳлили // ШЮ. – 1967. – 6-сон. – Б.219–220; Мирзаев Т., Қосимов С., Саримсоқов Б. Камтарин, заҳматкаш, меҳнатсевар // ЎТА. – 1978. – 6-сон. – Б.75-76; Мирзаев Т. Ҳусаинова Зубайда / ЎСЭ. – 14-том. – Тошкент, 1980. – Б.473; Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Зубайда Ҳусаинова // ЎТА. – 1988. – 6-сон. – Б.71-72; Имомов К. Зубайда Ҳусаинова // ЎТА. – 1995. – 3-сон. – Б.73-75; Зубайда Ҳусаинова (1918–2002) / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.120–127; Азизов М. Ханс Кристиан Андерсеннинг китоблик издоши / https://qashqadaryoogz.uz/

## Охунжон СОБИРОВ

*(1920 йил – Тошкент шаҳри – 1982 йил 4 ноябрь)*

XX аср ўзбек фольклорининг тараққиёти, Ислом шоир ижодий фаолияти, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати масалаларининг тадқиқотчиси Охунжон Собиров 1934–1937 йилларда Тошкентдаги Покровский номли ишчилар факультетининг кечки бўлимида, 1937–1942 йилларда Тошкент ўқитувчилар институтининг филология факультетида ўқиган. 1938–1940 йилларда Тошкент шаҳридаги 35-ўрта мактабда ўқитувчи, 1948–1950 йилларда "Фан" нашриётида мусаҳҳиҳ, Тошкентдаги 11, 16-ўрта мактабларда ўқитувчи, 1952–1957 йилларда Қарши давлат педагогика институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудири бўлиб ишлаган. 1959 йилдан ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида катта илмий ходим вазифасида фаолият олиб борган. 1955 йилда "Ислом шоир Назар ўғли ижоди" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

О.Собиров 1959–1981 йилларда Республикамизнинг турли вилоятларида фольклор экспедицияларида бўлиб, халқ оғзаки бадиий ижодиёти материалларини тўплаган. У ўзи ёзиб олган халқ қўшиқлари асосида "Келиной қўшиқлари" мажмуасини нашр эттирган (1981). Ислом шоирдан "Бахтиёр авлодлар" (1951), "Нигорхон ва Кал Замон" (1950), Умир шоир Сафаровдан "Алпомиш" (1956) достонини ва бир қанча термаларни ёзиб олган. "Ҳасан Чопсон", "Нигор ва Замон", "Ёзи билан Зебо", "Зулфизар ва Аваз" достонларини нашрга тайёрлаган.

Фольклоршуносликка атоқли бахши Ислом шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишга доир тадқиқотлари билан кириб келган олим Ислом шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Умир шоир Сафаров ижодини ўрганган. У XX аср ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг ривожланиш йўллари, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати, адибларнинг халқ ижодидан баҳраманд бўлишдаги бадиий маҳорати, фольклор ва санъат, анъанавий фольклорнинг халқ маданий ҳаётида тутган ўрни каби масалаларни ҳам тадқиқ этган.

*Ас.*: Халқ оғзаки ижодини ўрганайлик / ЎГ. – 1951, 21 август; Ўрта мактабларда халқ оғзаки ижодидан қандай фойдаланиш керак?



/ ЎГ. – 1951, 3 октябрь; Ўзбек фольклористикасини юксак поғонага кўтарайлик / ҚЎ. – 1952, 28 март (ҳамк.); Ислом шоир Назар ўғлининг "Тинчлик жарчиси" достони // ШЮ. – 1952. – 4-сон; Творчество Ислам шаира Назар оглы. – АКД. Тошкент, 1954; Донгдор халқ куйчиси // ШЮ. – 1955. – 11-сон. – Б.101–111; Халқ поэтик ижодини ўрганайлик / ҚҚҲ. – 1956. – 68-сон; Қалб қўшиқлари // ҚҚҲ. – 1956. – 116-сон; Халқ шоири Умир Сафар ўғли / ҚҚҲ. – 1956. – 121-сон; Ўзбек халқ қўшиқлари ҳақида // ШЮ. – 1957. – 11-он; "Ёзи билан Зебо" / ЁЛ. – 1958, 8 апрель; "Ўзбек халқ мақоллари" (тақриз) / ҚЎ. – 1959, 5 февраль; Халқ адабий хазинаси (М.Алавиянинг "Ўзбек халқ қўшиқлари" китоби ҳақида) / ҚЎ. – 1960, 28 декабрь; Махтумқули ва ўзбек фольклори / Адабият. – Ашхабад, 1962. – 2-сон; Халқ бадиий ижодини ўрганайлик // ЎМ. – 1964, 18 март; Халқ оғзаки ижодини ўрганганда / ЎМ. – 1964, 21 апрель; Ижобий қаҳрамон ва фольклор / ЎМ. – 1965, 24 февраль; Халқ ижодини тўплайлик / ЁЛ. – 1966, 26 июль; Махтумқули ва ўзбек бахшилари / ЎХИ. – Б.138–143; Ислом шоир Назар ўғли. – Тошкент: Фан, 1967; Саодат ва садоқат тароналари. – Тошкент: Фан, 1967; Халқ ижодидан фойдаланиб / ЎМ. – 1967, 4 июнь; Фольклор эстетикаси ҳақида баҳс // ЎТА. – 1968. – 4-сон. – Б.72-74; Фольклор анъаналари ҳақида мулоҳазалар // ЎТА. – 1968. – 6-сон. – Б.24–27; Халқ ижодидан илҳомланиб / ЎМ. – 1968, 4 июнь; Музайяна Алавия // ЎТА. – 1969. – 6-сон. – Б.82-83 (ҳамк.); "Қорақум" ва "Дастагул" достонларининг яратилишига доир / ЎСФМ. – Б.112–117 (К.Очилов билан ҳамк.); Ўзбек адабиётида фольклор ва фольклор анъаналари / ЎСФМ. – Б.125–144; "Ҳасан Чопсон" достони ҳақида // Ҳасан Чопсон. – Тошкент, 1970. – Б.3–16; "Ҳўп-майда" қўшиқлари // ЎТА. – 1971. – 1-сон. – Б.55-58 (К.Очилов билан ҳамк.); "Ёзи билан Зебо" достонининг меҳнат қўшиқлари билан боғланишига доир // ЎТА. – 1971. – 4-сон. – Б.54-57 (К.Очилов билан ҳамк.); Ўзбек фольклори очерклари. – Тошкент: Фан, 1971; Достон ва пьеса / ЭШУДЎ- Б.119–129; Халқ ижодиётининг сардори // ЎМ. – 1972, 12 май; Шоир мероси / СЎ. – 1972, 12 май; Атоқли халқ куйчиси // ТО. – 1972, 12 май; Захматкаш олим / СЎ. – 1972, 17 июнь; Яшин ва халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Фан, 1972; Слово народа, песня народа / ПВ. – 1972, 12 май; Икки достоннинг ғоявий мундарижаси / Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973. – Б.59-67; Халқ дурдоналарини эъзозлаб (Ойбек ва фольклор) / ЎМ. – 1973, 20 март; Достон ва тер-

малар / ТО. – 1973, 4 июнь; Фольклоршунослар анжумани // ЎТА. – 1973. – 2-сон. – Б.80; Дардли дил дурдонаси ("Оқ олма, қизил олма" ҳақида) // Гулистон – 1974. – 8-сон. – Б.24–29; Мотивы и образы фольклора в творчестве Айбека / Взаимодействие литературы и фольклора. – Душанбе, 1974. – С.66-74; Сарчашма адиб ижодида. – Тошкент: Фан, 1975; Фольклор тадқиқотчиси / ТО. – 1975, 19 март; Ойбек ижодида фольклор. – Тошкент: Фан, 1975; Баркамоллик манбалари // ШЮ. – 1976. – 3-сон. – Б.216–211; Бахшилар сардори. – Тошкент: Фан, 1976; Достонларда халқ идеалининг акс этиши / ПШ. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.100–105; Бир мақола хусусида / ПШ. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.146–149; Халқ ижодиёти хазинаси (экспедициялар ҳақида) / ЎМ. – 1977, 1 апрель; Муносиб ҳисса / ТО. – 1978, 13 июнь; Фольклор анъаналари ва ўзбек адабиётида халқчиллик // ЎТА. – 1978. – 2-сон. – Б.22–25; Бахши ижодида халқчиллик масаласига доир / ИСШ. – Б.60-64; Отахон шоир / Ислом шоир замондошлари хотирасида. – Тошкент, 1981. – Б.60-62; Ўзбек реалистик прозаси ва фольклор. – Тошкент: Фан, 1979; Умир шоир Сафаров. – Тошкент: Фан, 1982; Халқ ижоди хазинаси. – Тошкент, 1986 (ҳамк.); Ёзи билан Зебо (достон). Нашрга тайёрловчи О.Собиров. – Тошкент, 2010; Махтумкули ва ўзбек бахшилари / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.128–135.

***Ад.***: Наҳанов О. Халқ шоири ҳақида рисола // ШЮ. – 1970. – 6-сон. – Б.210–211; Саримсоқов Б. Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларига доир изланишлар // ЎТА. – 1974 – 5-сон. – Б.85-87; Охунжон Сафаров // ЎТА, 1982, №3, Б.73; Охунжон Собиров (1920–1982) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.128–135.



## Зайтуна КАРИМОВА

*(1921 йил – Тошкент шаҳри – 1953 йил)*

Халқ ижоди асарларининг тўпловчиси ва фольклоршунос З.Каримова Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети)да таҳсил олган. 1947–1953 йилларда ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёт ва фольклори институтининг Фольклор бўлимида ишлаган.

З.Каримова атоқли халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳаёти ва ижодиётини тадқиқ этиш билан шуғулланган. Эргаш шоирнинг ижодий биографиясининг шаклланиши, унинг репертуари, ижрочилик маҳорати, достонларининг мавзу йўналиши ва ғоявий-бадиий хусусиятларини ўрганган. У Фозил Йўлдош ўғлининг "Рустамхон" достонини нашрга тайёрлаган (1950), халқ шоирлари ижодиёти ҳақида бир нечта илмий-биографик очерклар ёзган.

***Ас.***: Фозил Йўлдош ўғли. Рустамхон (достон). Нашрга тайёрловчи. – Тошкент, 1950; Эргаш Жуманбулбул ўғли // ШЮ. – 1951. – 8-сон. – Б.152–162; Эргаш Жуманбулбул оглы // ЗВ.– 1951. – №8. – С.134–143; Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳақида / Ўзбек фольклоридан намуналар. – Тошкент, 1954. – Б.97–101; Эргаш Жуманбулбул ўғли. – Тошкент, 1955.

## Ғолима МУСИНА

*(1921 йил 15 декабрь, Бошқирдистон республикасининг Белебей шаҳри – 2010 йил, Тошкент шаҳри)*

Мусина Ғолима Гайсиевна Андижон сиёсий-маориф техникумида (1933–1936 йиллар), Фарғона давлат педагогика институти аспирантурасининг сиртқи бўлимида (1951–1953 йиллар) ўқиган. 1938–1942 йилларда Жалолқудуқ туманидаги 1-ўрта мактабда ўқитувчи, 1942–1943 йилларда мактаб директори, 1943–1944 йилларда Жалолқудуқ туман халқ маорифи бўлимининг мудири, 1944–1945 йилларда Андижон савдо мактабининг директори, 1943–1962 йилларда. Андижон давлат педагогика институтида катта ўқитув-

чи, 1962–1985 йилларда доцент лавозимларида ишлаган. Тошкент давлат педагогика институти (хозирги Тошкент давлат педагогика университети)да доцент, профессор вазифаларида хизмат қилган. 1990 йилда "Ўзбек халқ достонларида хотин-қизлар образи" мавзусида докторлик диссертацияни ёқлаган.

Ғ.Г.Мусина ўзбек халқ достонларида тасвирланган хотин-қизлар образининг тарихий-этнографик асослари, алп қизлар образининг пайдо бўлиши, туркий халқлар қаҳрамонлик эпосидаги жангчи-мерган қизлар образларининг типологияси, достонларда хотин-қизларнинг салбий образлари талқини, "Алпомиш", "Гўрўғли" достонларининг генезисига доир тадқиқотлар яратган. XX аср адабиёти, ўзбек тарихи ва фольклоршуносликка доир қирққа яқин илмий-оммабоп мақолалар ва рисолалар муаллифи.

***Ас***: Ўзбек халқ достонларида ватанпарварлик мотивлари / Тошкент давлат педагогика институти илмий асарлари. – Тошкент, 1981; Ўзбек халқ достонларида хотин-қизлар образи. – Тошкент: Фан, 1983; Ўзбек халқ достонларида хотин-қизлар образи. – Тошкент, 1984; Историко-типологический анализ женских образов в узбекском народном эпосе: АДД. – Ташкент, 1990. – 58 с.

***Ад.***: Мирзажонова М., Ёқуббекова М. Ғолима Мусина // ЎТА. – 2000. – 4-сон. – Б.63-64.



## Сиддиқ АСҚАРОВ

*(1922 йил 1 март, Қибрай тумани – 1992 йил, Тошкент шаҳри)*

Фольклоршунос олим Сиддиқ Асқаров 1937–1940 йилларда Тошкент педагогика билим юртида, 1940–1944 йилларда Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети)нинг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида, 1944–1949 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиган. 1950–1953 йилларда Тошкент давлат Тиббиёт институтида, 1953–1954 йилларда Тошкент политехника институтида ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берган. 1954–1955 йилларда Тошкент шаҳридаги 21-ўрта мактабда ишлаган. 1955–1967 йилларда эса 75-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, ўқув ишлари бўйича директор муовини вазифаларида ишлаган. 1966–1978 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида кичик илмий ходим, катта илмий ходим лавозимларида хизмат қилган. 1978–1979 йилларда Сирдарё давлат педагогика институтида катта ўқитувчи, 1998–1987 йилларда доцент вазифасида ишлаган. 1966 йилда "20-йиллар ўзбек адабиётида фольклор анъаналари" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

С.Асқаровнинг фольклоршунослик фаолияти 1945 йилдан бошланган. У ўша йили Самарқанд вилоятига уюштирилган фольклор экспедициясида қатнашиб, Ислом шоирдан "Гулихиромон", "Соҳибқирон" достонларини ва бир қанча термаларни ёзиб олган. Шундан кейин Тошкент (1970), Қашқадарё (1971–1972, 1976), Самарқанд (1974), Сурхондарё (1978), Сирдарё (1980). – Жиззах (1982) вилоятларида фольклор экспедициясида бўлиб, "Юсуф ва Аҳмад", "Оға Юнуснинг олиб қочилиши", "Авазхоннинг келтирилиши", "Авазхон ва Гултан пари" (Ҳазратқул бахши Худойберди ўғли), "Номоз", "Гуловар пари", "Баҳодир шаҳзода" (Очил Эшмурод ўғли), "Гулрухсора" (Алим Ҳаққулов), "Эрка қиз", "Гулиқоқи", "Дилором", "Маҳмудхон полвон" (Чори Хўжамберди ўғли), "Нурали, Ғуппаной ва Семурғ" (Ражаб Нормурод ўғли), "Кунтуғмиш" (Рўзимбек Муродов), "Қиронхон" (Эгамберди Олломуродов) каби етмишга яқин достон, эртак, афсона ва термаларни ёзиб олган.

У XX асрнинг 20-йиллари ўзбек шеъриятига фольклорнинг таъсири, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ғулом Зафарийнинг фольклордан фойдаланиш маҳорати каби масалаларни ўрганган. Ислом шоир Назар ўғлининг "Гулихиромон" (1965), Ҳазратқул бахши Худойберди ўғлининг "Оға Юнуснинг олиб қочилиши" (1988) достонларини нашрга тайёрлаган.

***Ас.***: Ислом Назар ўғли / ЁЛ. – 1958, 16 август; Ҳамза ва фольклор / ЎМ. – 1960, 7 декабрь; Йигирманчи йиллар поэзияси ва фольклор / ЎГ. – 1966, 3 февраль; Ҳамзанинг "Майсаранинг иши" комедиясида фольклор мотивлари / ЎХИ. – Тошкент, 1967; Фольклорные традиции в узбекской литературе. АКД. – Ташкент, 1966; Алишер Навоий ва фольклор / ТҲ. – 1968, 5 сентябрь (ҳамк.); Халқ шоири ҳақида китоб / ЎГ. – 1966, 4 февраль; Янги мақоллар / ЎГ. – 1966,

30 октябрь; Қорақалпоқ халқ достонлари ҳақида / ЎМ. – 1969, 25 октябрь; Шоира ва олима (М.Алавия) / ТҲ. – 1970, 29 май (ҳамк.); Халқ дурдоналарини излаб / Пахтакорлар овози. – 1970, 27 апрель; Халқ мақол ва маталларидан намуналар / ТҲ. – 1971, 5 июль; Халқ қўшиқлари ҳақида / ТҲ. – 1971, 3 сентябрь; Эргаш Жуманбулбул ўғли / ЎГ. – 1972, 24 май; Шоир хотираси / ЎГ. – 1972, 19 май; Ўзбек фольклорининг жонкуяри / ЁЛ. – 1972, 17 июль; Абдулла Қодирий ижодида фольклорнинг баъзи масалалари // ЎТА. – 1973. – 3-сон. – Б.19–22; Халқ шоири / ЎМ. – 1975, 5 сентябрь; Халқнинг дилидагини айтган бахши // ШЮ. – 1975. – 10-сон. – Б.195–196; "Ўзбек сатирик эртаклари" (тақриз) / ТҲ. – 1975, 7 июнь (ҳамк.); Ўзбек халқ оғзаки ижодида воқелик // АДМ. – 1976. – 6-сон. – Б.104–110; Батракларнинг бахти / ПШ. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.57-60; Дурдоналар излаб / ҚҚҲ. – 1976, июль; Дўмбира янада баландроқ янграйди / Пахтакорлар овози. – 1977, 16 июнь; "Шайбонийхон" – халқ достони // АДМ. – 1977. – 8-сон; Замонани куйлаб. – Тошкент, 1979; Бахтиёр шоир / Ислом шоир замондошлари хотирасида. – Тошкент, 1981. – Б.47-48; Халқ оғзаки ижоди маънавий бойлигимиз / ҚҲ. – 1981, 13 февраль; Ҳикмат бир ҳовуч олтин (халқ мақоллари) / ТО. – 1984, 9 август; Адибнинг сеҳрли олами: Ғулом Зафарий ва фольклор // СЎС. – 1986. – 6-сон; Донолар бисотидан / ТО. – 1986, 20 апрель; Халқ мақоллари / ТО. – 1986, 16 ноябрь; Халқ оғзаки ижоди саҳифаларидан: мақол ва маталлар / ТО. – 1987, 28 ноябрь; Қанотли қўшиқлар / ТО. – 1987, 12 декабрь; Халқ оғзаки ижоди хазинасидан / ТО. – 1987, 17 декабрь; Халқ оғзаки ижодидан: "Тўй ёр-ёрлари" / ТО. – 1988, 2 январь; Катталар учун эртаклар / ТО. – 1988, 29 сентябрь; Ислом шоир (эссе) / Ислом шоир. – Тошкент, 2015. – Б.6-41; Эл ардоғидаги шоир / Ислом шоир. – Тошкент, 2015. – Б.52-55.

***Ад.***: Убайдулла С. Педагог – фан кандидати / ТҲ. – 1966, 30 декабрь; Убайдулла С. Муваффақиятли ёқланди / ЎГ. – 1967, 5 январь; Убайдулла С., Алиев А. Халқ дурдоналарини излаб / ТО. – 1971, 2 октябрь; Алиев А. Олим – билимлар тарғиботчиси / ТҲ. – 1974, 13 декабрь; Абдурахмонов Х., Қулжонов А., Самадов Қ. Педагог, олим / Сирдарё ҳақиқати. – 1982, 27 июнь; Олим ва педагогнинг юбилейи / Сирдарё ҳақиқати. – 1982, 29 июнь; Валиев Б. Занглаган ойболта / ТО. – 1988, 23 январь.



## Тожибой ҒОЗИБОЕВ

*(1924 йил 3 январь, Чортоқ тумани, Ойқирон қишлоғи – 1988 йил, Наманган шаҳри)*

Фарғона водийси халқ оғзаки бадиий ижодининг фидойи тўпловчиси, фольклоршунос олим Тожибой Ғозибоев 1924 йил 3 январь куни Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги Ойқирон қишлоғида туғилган. Халқ ижодининг жонли ижрочилик анъаналари фаол сақланиб келаётган, ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати анча яхши тараққий этган Ойқирон қишлоғида вояга етган Тожибой ака ўрта мактабни тамомлаганидан кейин, 1939–1940 йилларда Тошкент шаҳрига келиб, Енгил саноат техникумида ўқиган. Ёшлигиданоқ билимга чанқоқ бўлиб ўсган, ҳамиша маърифатга интилиб яшаган Т.Ғозибоев ўзининг билимини яна ошириш мақсадида 1940 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, уни 1944 йилда муваффақиятли тамомлаган. Ўқишни тугатгач, Наманган шаҳрига қайтиб келди ва шу ерда ташкил этилган педагогика институти (ҳозирги Наманган давлат педагогика университети)да ўқитувчи бўлиб ишлай бошлаган.

Талабаларга сабоқ бериш билан бир қаторда Наманган шаҳри ва унинг атрофидаги туманларга бир неча марта фольклор экспедициялари ташкил қилиб, халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарини тўплаш билан изчил шуғуллана бошлаган. Бу изланишлар натижасида кўплаб халқ эртаклари, қўшиқлар, лапарлар, ўланлар, болалар фольклори намуналари, нақллар, ривоятлар ёзиб олинди. Ўша пайтда ўзининг жонли ижрочилик анъаналарини сақлаб келаётган Наманган достончилик мактаби вакиллари ҳақидаги илк маълумотлар тўпланди. Шундан кейин халқимизнинг кўп асрлик фольклор анъаналарини тадқиқ этиш билан махсус шуғулланиш иштиёқи Тожибой акани ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтига бошлаб келган ва у 1947–1950 йилларда мазкур институт Фольклор сектори аспирантурасида ўқиган. 1954 йилда фольклоршунос олим М.Афзалов раҳбарлигида "Фозил Йўлдош ўғлининг ижоди" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Филология фанлари номзоди Т.Ғозибоевнинг илмий-педагогик фаолияти 1944 йилнинг 1 сентябридан Наманган давлат педагогика институти (ҳозирги Наманган давлат университети)да ўқитувчиликдан бошланган. У ана шу илм даргоҳида 1944–1955 йилларда ўқитувчи, 1956 йилдан доцент, ўқув ишлари бўйича проректор, тарих-филология факультетининг декани, "Ўзбек адабиёти" кафедрасининг мудири вазифаларида ишлаган. Узоқ йиллар мобайнида Наманган давлат университетида талабаларга сабоқ бериб, етук филолог-ўқитувчилар тайёрлашдек эзгу ишга қўшган хизматлари учун 1974 йилда унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" фахрий унвони берилди.

Т.Ғозибоев атоқли халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғлининг ҳаёти ва ижодини ўрганишга доир тадқиқотлари билан фольклоршуносликка кириб келган. Унинг бир қатор мақолаларида Булунғур достончилик мактабининг атоқли вакили, етук бахши Фозил Йўлдош ўғлининг ҳаёти ва ижодий фаолияти, унинг эпик репертуарини ташкил этувчи асарларнинг моҳияти, бахши мансуб бўлган достончилик мактабининг ўзига хос хусусиятлари, шоир ижодида анъанавий ва замонавий мавзуларнинг талқини каби масалалар тадқиқ этилган.

У ўзининг илмий изланишларида Фозил Йўлдош ўғли репертуаридаги "Алпомиш", "Ёдгор" сингари йирик эпик асарлар таҳлилига алоҳида ўрин ажратган. Айниқса, олимнинг "Фозил Йўлдош ўғлининг "Алпомиш" достони" (Наманган давлат педагогика институтининг илмий асарлар тўплами. – Наманган, 1957. – Б.27-77) мақоласи ҳамда "Фозил Йўлдош ўғли ижоди" (Тошкент, 1955), "Фозил Йўлдош ўғли" (Тошкент, 1968) каби китобларида бахши ижодидаги анъанавий ва замонавий достонлар, ижтимоий воқеликнинг бахши ижодиётига таъсири, "Алпомиш" достонининг образлар тизими, асосий мотивлари ва бадиий хусусиятлари масалалари ўрганилган. Бу тадқиқотларда Фозил шоир ижодини ўрганишга доир кўпгина қизиқарли маълумотлар ва илмий далиллар келтирилганки, бу фактлар келгуси изланишларда муҳим илмий қимматга эга. Масалан, Булунғур туманининг Лойқа қишлоғида яшаган Муллабекназар, Муллаэрназар деган кишилар Фозил шоирга "Санобар", "Маликаи Дилором", "Баҳром ва Гуландом" каби қиссаларни ўқиб берганликлари



тўғрисида бахшининг ўзидан ёзиб олинган маълумотнинг келтирилиши бахши репертуаридаги "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Баҳром ва Гуландом" сингари достонларнинг қай тарзда шаклланганлигини аниқлашга асос бериши билан муҳимдир.

Шунингдек, олим ўзининг 1949 йилда Булунғурга қилган илмий сафари чоғида бахши билан суҳбатлашиш асносида унинг репертуарида ҳали ёзиб олинмаган "Далли", "Рустам ўғли Зол", "Ошиқ Ойдин", "Ошиқ Маҳмуд", "Моҳирой билан Меҳришоҳ", "Ёзи билан Зебо", "Офтобпари", "Қиронхон", "Рустамнинг яраланиши", "Варқа билан Гулшоҳ", "Вомиқ-Узро" достонлари ҳам мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни аниқлайдики, бу ҳам халқ бахшилари эпик репертуарининг таркибини белгилашда муҳим илмий аҳамият касб этади.

Т.Ғозибоевнинг Фозил шоир ижодий мероси, хусусан, унинг улкан эпик асари "Алпомиш"га бағишланган илмий тадқиқот ишлари бу достон А.Абдунабиев ва А.Степановларнинг "Алпомиш" эпоси ҳақида", "Халқчиллик байроғи остида" деган мақолаларида "халққа қарши, зарарли асар" сифатида асоссиз равишда қораланган, Ҳ.Зариф, Шайхзода сингари фидойи зиёлилар эса бахшилар тилидан тушмай, асрлар бўйи сайқалланиб келган "Алпомиш" достонини мардларча ҳимоя қилиб чиққан бир даврда яратилганлиги учун ҳам муҳимдир.

Маълумки, XX асрнинг 70–80-йилларигача Наманган вилояти ҳудудида мавжуд бўлган достончилик мактаби ўзининг эпик анъаналарини сақлаб келган. Профессор М.Муродов, филология фанлари нозоди И.Бекмуродов, фольклор тўпловчи Оташ Холмирзаевларнинг сайъ-ҳаракатлари билан Раззоқ Қозоқбой ўғлидан (Янгиқўрғон тумани, Орариқ қишлоғи) "Кунларим" термаси, "Юсуф ва Аҳмад", "Гўрўғли", "Райҳон араб", "Авазнинг арази", "Қундуз билан Юлдуз", "Тўлаб ботир", "Ёзи билан Зебо", Ҳайдар Бойча ўғлидан (Янгиқўрғон тумани, Пишқўрғон қишлоғи) "Авазхоннинг олиб келиниши", "Гўрўғлининг туғилиши", "Авазнинг арази", Мадрайим бахши Болтабой ўғлидан (Поп тумани, Парда Турсун қишлоғи) "Авазнинг арази", "Авазхоннинг олиб келиниши", "Рустам", Омон Раззоқовдан (Янгиқўрғон тумани, Орариқ қишлоғи) "Алпомиш", "Юсуф ва Аҳмад", "Гўрўғлининг туғилиши", "Қун-

дуз билан Юлдуз”, “Замонбекнинг тўйи”, “Ёзи билан Зебо”, Ойимсулув Қонаевадан (Поп тумани, Хонобод қишлоғи) “Алпомиш”, Имом Насриддновдан (Янгиқўрғон тумани, Ойқирон қишлоғи) “Гўрўғлининг бунёдга келиши”, Маҳмуд Дуғўмбоевдан (Задарё тумани, Чортепа қишлоғи) “Авазнинг олиб келиниши”, Абдуазиз Абдураззоқовдан (Янгиқўрғон тумани, Пешқўрғон қишлоғи) “Шоҳдорхон”, “Бўтакўз”, “Ойсанам”, Сирлибой Тангиров (Поп тумани, Хонобод қишлоғи) “Аваз ўғлон ва Юлдуз пари”, “Қундуз пари”, Мамасодиқ Раззоқовдан (Янгиқўрғон тумани, Орариқ қишлоғи) “Тўлаб ботир”, Раҳмонназар Абдуназаровдан (Поп тумани, Пунган қишлоғи) “Тоҳир ва Зуҳра”, Усмон Рустамовдан (Поп тумани, Хонобод қишлоғи) “Қизжибек” достонлари ёзиб олинган. Бу материаллар Наманган достончилик мактаби ўзининг анча ривожланган эпик анъаналарига эга бўлганлигини кўрсатади. Ана шу ўзига хос достончилик мактабининг илк тадқиқотчиси ҳам Т.Ғозибоев бўлиб, унинг илмий асарларида Наманган халқ достончилик мактаби анъаналари ва бахшилар ижоди масалалари, шунингдек, “Алпомиш”, “Ёзи билан Зебо” достонларининг наманганлик бахшилар репертуаридаги вариантлари хусусида қимматли маълумотлар берилган.

Фольклоршунос олим Т.Ғозибоев ўз фаолияти давомида Фарғона водийси халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш билан изчил шуғулланиб келди. У узоқ йиллар мобайнида Наманган давлат университети Ўзбек филологияси факультети талабаларининг фольклор экспедицияси раҳбари сифатида водий вилоятлари, шунингдек, Ўш вилояти туманларини қадамба-қадам кезиб чиқиб, минглаб қадимий эртакларни, жуда кўплаб қўшиқ, терма, лапар, ўлан, мақол, топишмоқ, нақл, латифа, лоф, аския, ривоят, афсона, маросим фольклори асарлари, болалар фольклори намуналари, болалар ўйинларини тўплашга муваффақ бўлди. Фарғона водийси ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодининг ўзига хос бадиий олами ҳақида тўла маълумот бера оладиган бу ноёб фольклор материаллари бугунги кунда ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида 1682, 1819, 1820 ва бошқа инвентарь рақамлари остида сақланади.

Т.Ғозибоевнинг фольклоршунослик фаолиятида Наманган халқ эртакларини ёзиб олиш ва нашр этиш алоҳида аҳамиятга эга.



У ўзи тўплаган фольклор материаллари асосида “Гулпари. Наманган эртаклари” мажмуасини “Ўзбек халқ ижоди” силсиласида 1968 йилда нашр эттирди. Бу тўпламдан ўрин олган халқ эртаклари мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан ёзиб олинган эпик матнларга ўхшамаслиги, ўзига хос сюжет тизимига эгалиги, мотивлар таркибининг қадимий қатламини сақлаб қолганлиги билан ажралиб туради.

*Ас.*: Творчество Фазыла Юлдаш оглы. АКД. – Ташкент, 1954; Фозил Йўлдош ўғлининг ижоди // ШЮ. – 1955. – 7-сон. – Б.108–114; Фозил Йўлдош ўғлининг ижоди / Наманган давлат педагогика институтининг илмий асарлар тўплами. – Наманган, 1955. – 1-сон. – Б.39-62; Фозил Йўлдош ўғли ижоди. – Тошкент, 1955; Фозил Йўлдош ўғлининг “Алпомиш” достони / Наманган давлат педагогика институтининг илмий асарлар тўплами. – Наманган, 1957. – Б.27-77; “Ёзи билан Зебо” достонининг Наманган вариантлари / Наманган давлат педагогика институтининг илмий асарлар тўплами. – Наманган, 1964; “Алпомиш” достонининг Наманган вариантлари / Ўзбек тилшунослиги ва ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент, 1967; Фозил Йўлдош ўғли. – Тошкент: Фан 1968; Гулпари. Наманган эртаклари. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1969; Наманган халқ достончилари / НҲ. – 1975, 8 сентябрь; Наманган халқ достончилари / Ўзбек тилшунослиги ва ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент, 1979; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Педагогика институтлари ўзбек тили ва адабиёти факультетлари учун программа. – Тошкент, 1984 (О.Мадаев билан ҳамк.); Наманган эртаклари. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчилар Т.Ғозибоева, Н.Хожимурод қизи, А.Собиров. – Тошкент: Шарқ, 1998; “Ёзи билан Зебо” достонининг Наманган вариантлари / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.136–148.

*Ад.*: Носиров О., Отажонов М. Илмий ходим / НҲ. – 1959, 9 январь; Нурматов Э. Балоғат йўли / НҲ. – 1969, 3 апрель; Жамолов С. Халқ дурдоналарини излаб / НҲ. – 1984, 26 май; Таниқли фольклоршунос олим Тожибой Ғозибоев хотирасига бағишлаб ўтказилган “Ўзбек фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари”

мавзуидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Наманган, 2010; Жўраев М. Тожибой Ғозибоев илмий ижоди ва унинг ўзбек фольклоршунослигида тутган ўрни / "Ўзбек фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари" мавзуидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Наманган, 2010. – Б.5–9; Жўраев М. Фозил шоирнинг фозил тадқиқотчиси (таниқли фольклоршунос олим Тожибой Ғозибоев илмий фаолиятига доир чизгилар) / НҲ. – Наманган, 2010. – 24 апрель. – Б.4; Тожибой Ғозибоев / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.136;

## Ғани ЖАҲОНГИРОВ

*(1925 йил 5 февраль, Пржевалск шаҳри – 1995 йил, Тошкент шаҳри)*

Ўзбек болалар фольклорининг тадқиқотчиларидан бири Ғани Аҳрорович Жаҳонгиров Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти аспирантурасида ўқиган. У 1946–1961 йилларда матбуот соҳасида хизмат қилган. 1961 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби, Телевидение ва радио эшиттиришлар Давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи директорининг муовини, Ёш томошабинлар театрининг директори, Адабиёт жамғармасининг бошлиғи лавозимларида ишлаган. 1976–1986 йилларда ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор бўлимининг катта илмий ходими бўлиб хизмат қилган. 1986–1988 йилларда Абдулла Қаҳҳор уй-музейининг директори бўлиб ишлаган.

Ғ.Жаҳонгиров ўзбек болалар фольклорининг йирик тадқиқотчиларидан биридир. У болалар ўйин фольклори, ўйинлар билан боғлиқ қўшиқлар, айтим ва аломатларни тўплаб, тадқиқ этиш билан шуғулланган. 1973 йилда "Ўзбек болалар фольклори" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятларига уюштирилган фольклор экспедицияларида қатнашиб, мингдан ортиқ болалар ўйинларини тўплаган, шулардан



124 тасини нашр эттирган. Ғ.Жаҳонгиров ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодиёти бўйича тайёрланган илк дарсликка муҳаррирлик қилган. У ўзбек фольклорининг уч жилдлик очеркларининг яратилишида, халқ мақоллари мукаммал нашрининг тайёрланишида фаол иштирок этган.

***Ас.***: Ўттизинчи йилларда халқ оғзаки поэтик ижоди // ШЮ. – 1956. – 1-сон. – Б.95–108; "Қувнаб-қувнаб ўйнаймиз" (ўйинлар) // Гулхан. – 1971. – 12-сон; Халқ шоири юбилейи / ЎГ. – 1972, 25 март (ҳамк.); Эргаш Жуманбулбул ўғли // Ғунча. – 1972. – 5-сон; Болалар топишмоқлари // СМ. – 1972. – 2-сон. – Б.25–27; Тез айтиш // ЎТА. – 1972. – 3-сон. – Б.49-52; Кошғарий: ўйин фольклори // ФТ. – 1972. – 5-сон. – Б.16–17; Болалар эртаклари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1972; Узбекский детский фольклор. АКД. – Ташкент, 1973; Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975; Эртакшунослик тадқиқоти // ЎГ. – 1975, 12 январь; Ҳошимжон Раззоқов // ЎТА. – 1977. – 2-сон. – Б.88 (ҳамк.); Минг бир бола ўйини. – Тошкент: Ёш гвардия, 1978; Атоқли фольклорист (Ҳ.Зарифнинг 75 йиллигига) // ЎГ. – 1980, 19 март (ҳамк.); Узбекский детский игровой фольклор / Фольклор, литература и история Востока. – Тошкент, 1984. – С.293–295; Ёз ўйинлари: "Байроқ олиш", "Айиқполвон", "Энг чаққон", "Қалқон" // Гулхан. – 1985. – 6-сон. – Б.21; Читтигул (болалар ўйин фольклоридан) // Гулхан. – 1986. – 6-сон. – Б.28–29; Дурдоналар хазинаси жонкуяри (Т.Мирзаев ҳақида) / ТО. – 1986, 22 март (М.Жўраев билан ҳамк.); Болалар топишмоқлари / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.149–156.

***Ад.***: Асрор Самад. Педагог ва фольклоршунос / ЎГ. – 1973, 14 октябрь; Пўлканов А., Нурмуҳамедов У. "Болалар эртаклари" / ЎГ. – 1973, 22 ноябрь; Сафаров О., Шодиев Н. Ютуқ ва муаммолар / ЎМ. – 1976, 30 июль; Сатторов М. "Ўзбек болалар фольклори" / ЎМ. – 1976, 13 апрель; Болалар фольклори ҳақида рисола / ҚҚҲ. – 1976, 26 февраль; Ҳакимов М. Болалар фольклори таҳлили / ТҲ. – 1976, 6 октябрь; Ғани Жаҳонгиров – 60 ёшда / ЎАС. – 1985, 1 февраль; Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Жўраев М. Ғани Жаҳонгиров //

ЎТА. – 1985. – 3-сон. – Б.70-71; Қўшмоқов М. Фольклоршунос Ғ. Жаҳонгиров ҳақида сўз // МТ. – 1992. – 1-сон. – Б.17; Ғани Жаҳонгиров (1925–1995) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.149.

## Карима ОЛИМБОЕВА-АҲМЕДОВА

*(1926 йил, Қўқон шаҳри – 1992 йил, Тошкент шаҳри)*

Ўзбек мусиқа фольклори тадқиқотчиси Карима Алимовна Олимбоева-Аҳмедова 1941–1944 йилларда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида, 1945–1950 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг тарихий-назарий факультетида таҳсил олган. 1950 йилдан Ҳамза номли Санъатшунослик институтида ишлаган. 1971 йилда "Ўзбек мусиқали драмаси" мавзуидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган.

К.А.Аҳмедова-Олимбоева 1949 йилда хоразмлик Бола бахши Абдуллаевдан "Шоҳсанам ва Ғариб" достонининг тўла матнини ёзиб олиб, уни рус тилига таржима қилган ва қўшиқларини нотага туширган. 1950 йилда санъатшунослар И.Акбаров ва Т.С.Визго раҳбарлигида "Шоҳсанам ва Ғариб" достони" мавзусида диплом ишини ҳимоя қилган. У Фарғона водийси ва Тошкент (1951), Хоразм ва Самарқанд вилоятлари (1952) ҳамда Жанубий Қозоғистонда (1953) фольклор экспедицияларида бўлиб, ўзбек халқ қўшиқлари ва чолғу куйларини тўплаган, халқ шоирлари ва созандалар ижодиётига доир материаллар тўплаган. Экспедиция материаллари асосида "Фарғона ва Тошкент халқ созандалари", "Хоразм созандалари", "Ўзбекистон бўйлаб фольклор экспедицияси кундалиги" каби илмий-адабий очеркларини яратган. Олима ўзбек халқ мусиқа меросини сақлаб келаётган атоқли созандалар репертуарини, уларнинг ижрочилик маҳоратини, ўзбек чолғу куйларининг миллий ўзига хослиги, халқ қўшиқларининг яратилиш тарихи масалаларини ўрганган. У бир нечта фольклор тўпламларининг муаллифи сифатида ўзбек халқ қўшиқлари ва чолғу куйларини нашрга тайёрлаган.



*Ас.*: Узбекская народная инструментальная музыка. – Тошкент, 1954 (Ф.Кароматов билан ҳамк.); Путевые заметки фольклорной экспедиции по Узбекистану / Советская музыка, 1954; Ўзбек халқ чолғу музикаси: ўзбек музика фольклори тўплами: Тузувчилар: К.Олимбоева ва Ф. Кароматов; А. Козловский тахрири остида. – Ташкент, 1955. – 184 с.; 25 ўзбек халқ қўшиғи. – Тошкент, 1955; Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент, 1956 (Ф.Кароматов билан ҳамк.); Уйгурские народные песни. – Ташкент, 1956; Ўзбекистон халқ созандалари. 1-китоб. – Тошкент, 1959 (ҳамк.); Народные музиканты Узбекистана. Ч.1. – Ташкент, 1959 (соавт.); Узбекская музыкальная драма. АКД. – Ташкент, 1971; Ўзбекистон халқ созандалари. 2-китоб. – Тошкент, 1974 (ҳамк.); Ўзбек аёли ҳаётида мусиқа. – Тошкент: Ёзувчи, 1996;

*Ад.*: Асиновская А., Акбаров И. Композиторы Узбекистана. – Ташкент, 1959. – С.13–14; Джаббаров А., Соломонова Т. Композиторы и музыковеды Узбекистана. – Ташкент, 1975. – С.17–18.

## Робиддин ИСҲОҚОВ

*(1927 йил 20 май – Янгиқўрғон тумани, Поромон қишлоғи – 1989 йил 5 март)*

Ҳаваскор фольклор тўпловчи сифатида Фарғона водийси халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини ёзиб олишга катта ҳисса қўшган Робиддин Исҳоқов 1952–1956 йилларда Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги Фарғона давлат университети)нинг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиган.

У 1956–1958 йилларда Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Қораполвон қишлоғидаги 7-ўрта мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, 1959–1963 йилларда Ҳазратшоҳ қишлоғидаги 37-ўрта мактаб директори, 1963–1970 йилларда Поромон қишлоғидаги 38-ўрта мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, 1970–1989 йилларда Чортоқ туманидаги 8-ўрта мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор лавозимларида ишлаган. 1976 йилда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси этиб қабул қилинган.

Р.Исҳоқов қарийиб 30 йил давомида ўзбек халқ оғзаки ижодиётини тўплаш ва тарғиб этиш билан шуғулланган. У 1960 йилда Ҳоди Зариф раҳбарлигидаги Фарғона фольклор экспедициясида қатнашган. Фарғона водийси ва қўшни Ўш вилоятида яшовчи ўзбеклардан 13825 мисра қўшиқ, бир қанча достон, эртак, нақл, ривоят ва афсоналар, 9700 дан зиёд халқ мақолларини тўплаган. Бу материаллар ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида сақланади.

***Ас.***: Мақолларни тўплаш ва ўрганиш // СМ. – 1966. – 7-сон; Топишмоқларни ўрганиш // СМ. – 1970. – 2-сон; Халқнома. – Наманган: "Наманган", 2007.

***Ад.***: Волков П. Мисқоллаб тўпланган жавоҳир (Р.Исҳоқов тўплаган халқ қўшиқлари ва мақоллари ҳақида) / Правда. – М., 1980, 30 март (рус тилида); Калонова З. Халқ донишмандлигининг минглаб сатри / НҲ. – 1980, 29 ноябрь; Робиддин Исҳоқов замондошлари нигоҳида. – Наманган: "Наманган", 2006; Мўминова Г. Ўнгор тоғи куйчиси (шоир, олим, муаллим ва мураббий Робиддин Исҳоқов ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш бўйича маълумотлар). – Наманган: "Наманган", 2007; Халилбеков А. Наманган адабий гулшани. – Наманган, 2007; Ҳомидий Ҳ., Маъмуров М. Наманган адиблари. – Наманган, 2007.

## Марҳабо МИРКАМОЛОВА
*(1927 йил 27 октябрь, Самарқанд шаҳри)*

Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси (1988), фольклоршунос олима Марҳабо Абдуҳамидовна Миркамолова 1950–1955 йилларда С.Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олган. 1951–1956 йилларда Самарқанд туманидаги 33-ўрта мактабда ўқитувчи, 1956–1959 йилларда Самарқанд давлат университети Тожик тили ва адабиёти кафедрасида ассисент, 1959–1973 йилларда Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими, 1973–1975 йилларда С.Айний номли Самарқанд давлат педагогика институтида ўқитувчи, 1975–1977 йилларда катта ўқитувчи, 1977 йилдан нафақага чиққунига қадар Бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти вазифаларида ишлаган. 1972 йилда "Ўзбек-лақайлар фольклорида "Гўрўғли" достонларининг ўрни" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.



М.А.Миркамолова жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақайлар фольклорини чуқур тадқиқ этган. У ўзбеклар яшайдиган асосий ҳудуддан анча олисда истиқомат қилувчи лақайларнинг бой фольклор материалларини тўплаш мақсадида Кўлоб, Восеъ (1961), Данғара, Ёвон (1964), Қўрғонтепа (1965) туманларига сафар қилган ва ўттиздан ортиқ халқ бахшилари-соқиларни аниқлаб, уларнинг ижодиётини ўрганган. Олима лақай бахши-соқиларининг репертуаридаги достонларни ёзиб олишга киришган ва "Гўрўғли", "Алпомиш", "Юсуф ва Аҳмад", "Гулмирза", "Бедил ва Шодмон", "Кўктемир", "Ойпарча", "Оллоназар", "Ойкелин", "Кал Ёзи", "Ёзи билан Тансуқ", "Зебихон" каби достонларни ёзиб олган. М.А.Миркамолова ўзбек-лақайлар фольклорининг жанрлар таркиби, эртак, ривоят, қўшиқ, мақол, латифа, топишмоқ, достонларнинг бадиий хусусиятлари, болалар фольклорининг локал хоссалари, лақай достончилик мактабларининг қадимий анъаналари ва тарихий асослари, Ҳайбат соқи, Қундуз соқи, Жўрахон соқи, Бобохон соқи каби бахшиларнинг достон куйлаш маҳорати, шогирдлари, репертуари, лақай халқ бахшилари ижодида "Гўрўғли" достонларининг ўрни, мактабгача тарбия муассасаларида ёш авлодни маънавий жиҳатдан комил инсонлар қилиб тарбиялашда халқ оғзаки бадиий ижодиётидан фойдаланиш методлари каби масалаларни ўрганган.

Шунингдек, М.А.Миркамолова 1967–1969 йилларда Самарқанд вилоятининг Ургут тумани қишлоқлари бўйлаб ўтказган фольклор экспедицияларида халқ қўшиқчилик санъати анъаналарига доир материаллар тўплаган.

***Ас.***: Халқ достонлари изидан / Тожикистон. – Душанбе, 1962, 30 апрель; Етти ака-ука. Эртаклар (тўплаб, нашрга тайёрловчи). – Душанбе: Ирфон, 1962, тожик тилида (Б.Шермуҳаммедов, Р.Амонов, Ф.Зехниевалар билан ҳамк.); Достонларнинг ўзбек халқи маънавий

ҳаётида тутган ўрни / Маориф ва маданият. – Душанбе, 1963, 28 апрель (тожик тилида); Тожикистонда ўзбек халқ достонларининг ижрочилари / Тожикистон. – Душанбе, 1965, 8 июль; Тожикистоннинг жанубий туманларида яшовчи ўзбек-лақайлар фольклорида қаҳрамонлик достонлари / Тезисы докладов 5-ой межвузовской научной конференции по иранской филологии. – Душанбе, 1966; Самарқанд қўшиқлари. – Душанбе: Дониш, 1967, тожик тилида (Б.Шермуҳамедов, Ф.Зехниева билан ҳамк.); Тожикистоннинг жанубий туманларидаги ўзбек-лақайлар фольклори / Армуғон. – Душанбе, 1971; Сказители эпоса "Гуругли" узбеков-лакайцев южных районов Таджикистана / Вопросы таджикской фольклористики. Вып.1. – Душанбе, 1972; Об одном дастане узбеков-лакайцев // Известия отд. общ. наук АН Таджикистана. – №2. – Душанбе, 1972; Место фольклора в жизни узбеков-лакайцев / Некоторые вопросы таджикской филологии. – Самарканд, 1972; Место эпоса "Гуругли" в фольклоре узбеков-лакайцев. АКД. – Самарканд, 1972; Роль фольклора в жизни лакай-узбеков южного Таджикистана // Таджикский фольклор. – Душанбе, 1973.

### Темир ОЧИЛОВ

*(1928 йил, Булунғур тумани, Лойқа қишлоғи – 1983 йил, Самарқанд шаҳри)*

Фольклоршунос Темир Очилов 1947–1951 йилларда Самарқанд педагогика билим юртида, 1951–1956 йилларда Ўзбек давлат университети (ҳозирги Самарқанд давлат университети) нинг филология факультетида, 1960–1963 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиган. 1956–1958 йилларда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги 5-мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган. 1958–1962 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1963–1968 йилларда Қўқон давлат педагогика институти Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси кафедрасининг доценти, 1971–1976 йилларда Самарқанд давлат педагогика институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг доценти, 1976–1984



йилларда Ўзбек адабиёти кафедрасининг доценти вазифаларида ишлаган. 1965 йилда "Маматкарим полвон" достонининг тарихий асослари" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Т.Очилов "Маматкарим полвон", "Ҳасан батрак" достонларининг яратилиш тарихи, образлар тизими, ғоявий-бадиий хусусиятларини тадқиқ этган. Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ёрлақаб Бекназар ўғли каби бахшиларнинг ижодий фаолияти, халқ шоирларининг асарларини ўрта мактабларда ўқитиш усулларини ўрганган.

***Ас.***: В поход за песнями / ПВ. – 1959, 14 октябрь; Ёрлақаб Бекназар ўғлидан ёзиб олинган халқ қўшиқлари / ЎМ. – 1960, 20 февраль; Фозил Йўлдош ўғлининг ижоди // Колхоз ҳақиқати. – 1960, 29 март; Маматкарим полвон шахсига доир тарихий фактлар // ЎТА. – 1964. – 3-сон. – Б.70-74; Маматкарим полвон тарихий шахс сифатида ва Фозил Йўлдош ўғлининг "Маматкарим полвон" достонида унинг образи / Ученые записи Кокандского госпединститута. Вып.IV. – Коканд, 1964. – С.168–178; "Маматкарим полвон" достонида тарихийлик ва реаллик / Ученые записи Кокандского госпединститута. Вып.IV. – Коканд, 1964. – С.240–248; "Маматкарим полвон" достонининг яратилиш тарихига доир / Тезисы докладов и сообщений научно-теоретической конференции Кокандского госпединститута. – Коканд, 1964; "Маматкарим полвон" достонида традиция ва новаторлик / Ученые записи Кокандского госпединститута. Вып.IV. – Коканд, 1964; "Маматкарим полвон" достонининг ўзига хос хусусиятлари // Ученые записи Кокандского госпединститута. Вып.IV. – Коканд, 1964; Исторические основы дастана "Маматкарим полвон". АКД. – Ташкент, 1965; "Маматкарим полвон" достонининг ўзига хос хусусиятлари / Тезисы докладов и сообщений научно-теоретической конференции. – Коканд, 1966; Ёрлақаб бахши / ЎМ. – 1966, 9 июль (Т.Мирзаев билан ҳамк.); Таниқли фольклорист / Меҳнат байроғи. – 1967, 19 март; "Маматкарим полвон" достонининг бадиий тили ҳақида / III илмий конференция материаллари. – Самарқанд, 1970; Донгдор куйчи / Самарқанд вилоят газетаси. – 1970, 3 июнь; "Ҳасан батрак" достонининг ярaтилиши тарихига доир / IV илмий конференция материаллари. – Самарқанд, 1971; Ижодий ҳамкорлик / Меҳнат

байроғи, 1971, 21 март; Улуғ Ватан уруши йилларида Фозил шоирнинг матбуотда эълон қилинган термалари ҳақида / VI илмий конференция материаллари. – Самарқанд, 1972; Қилич Шукурий куйлайди / Самарқанд вилояти газетаси. – 1972, 22 январь; Народный поэт / Самарқанд вилояти газетаси. – 1972, 9 май; Халқ достонларининг яратилиш тарихига доир / Адабий этюдлар. – Самарқанд, 1972; “Маматкарим полвон” достонининг тарихий асослари / Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973. – Б.126–146; Достонларда реализм нафаси / Самарқанд вилояти газетаси. – 1975, 13 август; Янги достонларнинг яратилиш тарихига доир / ПШ. – Тошкент, 1976. – Б.38-42; Термалар тоғлар садоси / Самарқанд вилоят газетаси. – 1978, 5 январь; Мангу яшар бахшилар таронаси / Самарқанд вилояти газетаси. – 1978, 2 февраль; Оқин ижодига меҳр / Самарқанд вилояти газетаси. – 1978, 11 апрель; Фольклор – бебаҳо мулк / Самарқанд вилояти газетаси. – 1979, 7 июль; Халқ ижодидан илҳомланиб. 1-мақола / Самарқанд вилоят газетаси. – 1980, 15 январь; Халқ ижодидан илҳомланиб. 2-мақола / Самарқанд вилоят газетаси. – 1980, 1 февраль; Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳаёти ва ижодини ўрганишда техника воситаларидан фойдаланиш / Мактабда таълим самарадорлигини ошириш масалалари. – Тошкент, 1980; Фольклор практикасидан методик тавсиялар. – Самарқанд, 1981 (Ҳ.Умуров, А.Азимов, Ж.Холиқуловлар билан ҳамк.); Қўрғон мақтаби вакили / Самарқанд вилояти газетаси. – 1982, 21 май; “Маматкарим Полвон” достонининг тарихий асослари / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.157–169.

***Ад.***: Темир Очилов (1928–1983) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.157.



## Субҳонқул УМАРОВ

*(1928 йил 15 сентябрь, Вобкент тумани, Роҳкент қишлоғи – 1987 йил, Тошкент шаҳри)*

Субҳонқул Умаров 1947–1952 йилларда Бухоро давлат педагогика институтида, 1967–1974 йилларда ТошДУ аспирантурасининг сиртқи бўлимида ўқиган. 1952–1960 йилларда Вобкент туман газетасининг муҳаррири, 1960–1974 йилларда ўрта мактабларда она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, мактаб директори бўлиб ишлаган. 1977–1980 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, 1981–1987 йилларда Ўзбекистон Республикаси Агросаноат давлат қўмитаси ўқув-методик кабинетининг катта муҳаррири вазифаларида ишлаган. 1974 йилда “Ўзбек халқ достонларида бош қаҳрамон талқини (Муҳаммадқул Жонмурот ўғли Пўлкан репертуари мисолида)” мавзуидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган.

С.Умаров 1960 йилдан Бухоро воҳаси фольклорини тўплаш билан изчил шуғулланган. У ёзиб олган эртак, нақл, қисса, ривоят, афсона ва қўшиқлардан иборат 360 б.т. материал ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида сақланади. Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш номи билан боғлиқ тарихий ривоятларни ёзиб олганлиги ўзбек халқ насрининг мавзу доирасини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. У Бухоро воҳасидаги анъанавий қиссахонлик мактаблари, қиссахонлар ижоди ва уларнинг репертуарига доир илмий кузатишлар олиб борган, бухоролик қиссахонлардан “Шерзод ва Гулшод”, “Қаҳрамони қотил”, “Гул ва Санобар”, “Зайнулараб”, “Рустами достон” каби қиссаларни ёзиб олган.

С.Умаров Пўлкан шоир достонларида тасвирланган бош қаҳрамон талқини, Гўрўғли образининг тарихий-мифологик асослари, ўзбек халқ тарихий достонларининг юзага келишида анъана ва бадиҳанинг ўрни, ўзбек халқ тарихий ва топонимик ривоятларнинг мавзу доираси, тарихий воқеликнинг фольклорда акс этиши масалаларини тадқиқ этган.

***Ас.***: Достончилик ва бадиий маҳорат / ЎГ. – 1970, 19 июль; Сўз мулкига саёҳат // МВТ. – 1971. – 9-сон; Семурғ ёки Паризод ва

Бунёд // СМ. – 1972. – 2-сон; Кўрўғлими ёки Гўрўғли? // ШЮ. – 1972. – 10-сон. – Б.217–218; Гўрўғлими ёки Кўрўғли? / ТО. – 1972, 9 октябрь; Пўлкан шоир // Саодат. – 1973. – 5-сон; Гўрўғли ҳаётда ўтганми? // ФТ. – 1973. – 6-сон; Дўмбирада давр садоси // ШЮ. – 1974. – 8-сон. – Б.229–230; Трактовка главного героя в узбекских народных дастанах (на примере дастанов народного поэта Мухаммадкул Джанмурат оглы Пулкана). АКД. – Ташкент, 1974; "Тоҳир ва Зуҳра" / ЎМ. – 1975, 1 август; 1974; Достонларда бош қаҳрамон талқини масаласи // ПШ. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.115–119 (ҳамк.); Бухоро эртаклари // Гулистон. – 1976. – 7-сон; Ёшлар тарбиясида фольклорнинг роли // СМ. – 1977. – 8-сон; Нодир мерос // ЎМ. – 1978, 10 апрель; Эзгу ният йўлида // ШЮ. – 1979. – 5-сон; Ривоятларда ҳаёт ифодаси // ФТ. – 1979. – 4-сон; Ўзбек халқ эртаклари. Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи. – Тошкент, 1979; Халқ оғзаки ижоди // Гулистон. – 1980. – 8-сон; Халқ оғзаки ижодида илм ва саводхонлик мадҳи // СМ. – 1981. – 6-сон; Ўзбек халқ эртаклари. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Ёш гвардия, 1981; Фольклорда одоб ва ахлоқ // СМ. – 1982. – 11-сон; Булбул каби сайраб турган дўмбирам (Нурмон Абдувой ўғли) // ШЮ. – 1983. – 4-сон; Эртак эрмак эмас / ЎМ. – 1983, 4 апрель; Аллани ардоқланг // ЎГ. – 1983, 21 май; Умр боқий ёдгорлик / ТО. – 1984, 2 март; Тарих ва достон. – Тошкент: Фан, 1984; Ривоят ва тарих // ЎТА. – 1983. – 2-сон. – Б.49-52; Ривоят ва ҳаёт. – Тошкент: Фан, 1988.

***Ад.***: Педагог ва олим / ЎГ. – 1974, 10 декабрь; Эртакдан-эртакка / ЎГ. – 1979, 20 декабрь; Эртаклар оламига / БҲ. – 1980, 6 март; Давр ва эпоснинг илмий талқини / Пахта учун кураш. – Вобкент, 1986, 13 март; Бобоев М. Тадқиқотда янгилик бўлса / ЎАС. – 1986, 26 декабрь.

**Ёқубжон ЖЎРАЕВ**

*(1929 йил 7 февраль – Қўқон шаҳри – 1988 йил 17 май)*

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётида ҳаётий воқеликнинг акс этиши ва XX асрдаги тарихий-фольклорий жараённи ўрганган



фольклоршунос олим Ёқубжон Жўраев 1944 йилда Қўқон ўқитувчилар институтини, 1955 йилда Фарғона давлат педагогика институтини, 1962 йилда эса ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасини битирган. 1944–1952 йилларда Фарғона вилоятининг Бувайда, Тошлоқ, Риштон туманларидаги ўрта мактабларда она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, илмий бўлим мудири ва мактаб директори бўлиб ишлаган. 1952–1957 йилларда Қўқондаги ёшлар ташкилотида турли лавозимларда меҳнат қилган. 1957 йилда Қўқон туман халқ маорифи бўлимининг мудири, 1958–1959 йилларда Ўзбекистон Республикаси Маориф вазирлиги Мактаблар бошқармасининг нозири вазифасида ишлаган. 1962 йилдан ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида кичик илмий ходим, катта илмий ходим, 1967 йилдан эса Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи Фольклор бўлимида мудир, кейинчалик шу музей асосида ташкил этилган Қўлёзмалар институти директорининг илмий ишлар бўйича муовини вазифаларида ишлаган. 1963 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Ё.Жўраев ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётининг фалсафий моҳияти, ижтимоий ҳаётнинг фольклорда поэтик акс этиши масалалари, халқ ижоди асарларининг инсон тарбиясидаги роли каби муаммоларга доир қатор илмий тадқиқотлар яратган. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Раззоқ Қозоқбой ўғли каби атоқли бахшилар бадиий меросини таҳлил қилишга катта ҳисса қўшган Ё.Жўраев ЎзР ФА собиқ Қўлёзмалар институтида халқ ижоди асарларини тўплаш ва архивлаштириш борасида ҳам самарали меҳнат қилган. У Наманган (1965, 1975–1976), Фарғона (1969, 1972–1973), Сирдарё (1971), Тошкент (1977) ва Қашқадарё (1982) вилоятларида фольклор экспедицияларида бўлиб, кўплаб достонлар, қўшиқлар, эртаклар ва ривоятларни тўплаган. Олимнинг кўп йиллик меҳнатининг самараси ўлароқ шу институт Фольклор фонди юзага келган (ҳозир бу фонд материаллари ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор архивида сақланмоқда), Адабиёт музейида ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифнинг ёдгорлик хонаси ташкил этилган.

Ё.Жўраев ўзбек фольклори асарларини каталоглаштириш мезонларини ишлаб чиқишга ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Унинг раҳ-

барлигида "Ўзбек халқ достонлари каталоги" (1985), "Ўзбек халқ эртаклари каталоги" (1987) нашрга тайёрланган.

*Ас.*: Аския – халқ ижодининг севимли жанри / ЎМ. – 1961, 7 июнь; Ўзбек халқ мақоллари / Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 3-китоб. – Тошкент, 1961. – Б.306-313; Ўзбек халқ поэтик ижодида атеистик қарашлар. – Тошкент, 1961; Ўзбек халқ қўшиқларида хотин-қизлар озодлиги учун кураш мотиви / Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 4-китоб. – Тошкент, 1962. – Б.176–184; Ислом, хотин-қизлар, фольклор. – Тошкент, 1962; Навоий ва фольклор / ТҲ. – 1968, 5 сентябрь (ҳамк.); Халқ дурдоналари таҳлили / ЎМ. – 1970, 17 март; Эргаш Жуманбулбул ўғлининг бадиий мероси // ЎТА. – 1974. – 4-сон; Ўзбек халқ оғзаки ижодида Мирзачўл мадҳи. – Тошкент, 1977; Эргаш шоир // АДМ. – 1978. – 10-сон; Қўлёзма манбалар халқнинг қимматли мулки // ЎИФ. – 1981. – 2-сон; Ўзбек ва грузин фольклори // АДМ. – 1983. – 26-сон; Фольклор асарларини каталоглаштириш илмий принциплари // АДМ. – 1984. – 30-сон; "Фарҳод ва Ширин" достонининг халқ варианти // АДМ. – 1984. – 31-сон; "Хамса" ва халқ оғзаки ижоди / СЎ. – 1985, 21 декабрь; Узбекские народные сказки. В двух томах. Составитель. – Ташкент, 1987.

*Ад.*: Ёкубжон Жўраев // ЎТА. – 1988. – 4-сон. – Б.83; Мирзаев Т., Жўраев М. Ёкубжон Жўраев // ЎТА. – 2000. – 3-сон. – Б.77-78.

**Абдимўмин ҚАҲҲОРОВ**

*(1929 йил 10 май, Қашқадарё вилояти, Қарши тумани, Товаш қишлоғи – 1997 йил,15 июнь, Қарши шаҳри)*

Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарининг тадқиқотчиси Абдумўмин Қаҳҳоров 1946–1952 йилларда Самарқанд давлат университетининг филология факультетида, 1970–1971 йилларда Ўрта Осиё давлат университетининг аспирантурасида ўқиган. 1952–1957 йилларда Қарши ўқитувчилар институти (кейин педагогика институтига айлантирилган, ҳозирги Қарши давлат университети)да ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, бўлим мудири, 1957–1958 йилларда Қарши туманидаги 21-ўрта мактабда ўқитувчи ва илмий бўлим мудири, 11-ўрта мактаб директори, 1958–1959 йилларда Қарши туман "Пахтакор" газетасининг муҳаррири бўлиб ишлаган. 1962–1973 йиллар Қарши давлат педагогика институти "Ўзбек адабиёти" кафедрасида ўқитувчи, 1964–1965 йиллар филология факультетининг декани, 1973–1978 йиллар декан муовини, 1979–1985 йиллар "Бошланғич таълим методикаси" кафедраси, 1985–1997 йиллар "Ўзбек адабиёти" кафедрасининг доценти вазифаларида меҳнат қилган.

А.Қаҳҳоров Қашқадарё ва Сурхондарё достончилик мактабларининг анъаналарини, бахшиларнинг эпик репертуари, замонавий достонлар бадииятини ўрганган. Жанубий Ўзбекистонда яшаб ижод қилувчи бахшилар репертуарига хос бўлган "Келиной" туркуми достонларининг пайдо бўлиши, мазмуни, тарқалиш доираси, достончи репертуаридаги ўрни, вариантлари ва бадиий хусусиятларини чуқур тадқиқ этган. 1972 йилда "Келиной" туркуми достонларининг ўзига хос хусусиятлари" мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Кўп йиллик меҳнати, изланишлари натижасида Қашқадарё-Сурхондарё халқ бахшиларининг устоз-шогирд шажарасини тузиб илмий-жамоага тақдим этган.

У 1953–1990 йилларда Қарши давлат педагогика институти (ҳозирги Қарши давлат университети) филолог-талабаларининг анъанавий фольклор экспедицияларига раҳбарлик қилган. Шерна бахши, Умир шоир Сафаров, Қодир Раҳим ўғли каби достончилар ижодий меросини ўрганган. "Ойчинор" (1984), "Нуралининг банди бўлиши" (1993), "Соҳибқироннинг туғилиши" (1993), "Олloназар-Олчинбек" (2002) достонларини нашрга тайёрлаб, чоп эттирган.

*Ас.*: Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари фольклорининг ўрганилишига доир / ҚДПИ илмий ишлар тўплами. – Қарши, 1966; Народный эпос Кашкадарьи / ҚДПИ V-илмий конференцияси материаллари. – Карши, 1966; Халқ ижодчиларини ўрганайлик / ҚҚҲ. – 1967, 11 апрель; Олтин хазина // ҚҚҲ. – 1967, 31 март; Дурдона излаб / ҚҚҲ. – 1967, 7 июнь; "Хонсулув" достони ҳақида / ҚДПИ VII-илмий конференцияси материаллари. – Қарши, 1969

Чакчаклик Ойша ҳақида достон / ҚДПИ VII-илмий конференцияси материаллари. – Қарши, 1969; достон ошиғи // ШЮ. – 1969. – 3-сон; Дурдона қидириб / ҚҚҲ. – 1969, 7 июнь; Шеробод достончилари / ТошДУ аспирантларининг илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1970; Икки воҳа достончилиги / ТошДУ аспирантларининг илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1970; Мураббий бахши ва бастакор / ЎГ. – 1970, 17 август; Изланишлар ва топилмалар // ЎТА. – 1970. – 1-сон; Сурхондарё ва Қашқадарёнинг янги достонлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари // АДМ. – 1971. – 3-китоб; Специфические особенности цикла дастанов "Келиной" (на материалах Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областей): АКД. – Ташкент, 1971; Икки достон ҳақида баҳс / ҚҚҲ. – 1971, 9 сентябрь; "Кизлархон" достони ҳақида / ҚДПИ илмий тўплами. – Қарши, 1972; Танишим Қодир шоир / ҚДПИ илмий тўплами. – Қарши, 1974; Ўқитувчи бахши // ЎГ. – 1974, 3 май; Хидирми-Абдукаримми? // Вопросы русской и узбекской филологии. – Карши, 1977; Қашқадарё – Сурхондарё воҳасининг янги достонларида ёзма адабиёт хусусиятларининг баъзи бир кўринишлари / ҚДПИ XVIII илмий конференцияси материаллари. – Қарши, 1977; Шеробод достончилик мактабининг баъзи бир хусусиятларига доир / ҚДПИ XIX-илмий конференцияси материаллари. – Қарши, 1978; Қодир бахши Раҳимовнинг достонларида ёзма адабиёт мотивларининг кўринишлари / ҚДПИ XIX илмий конференцияси материаллари. – Қарши, 1978; Фозил шоир – устоз шоир / ҚҚҲ. – 1978, 4 август; Янги достонларда анъананинг роли / ҚҚҲ. – 1978, 3 март; Қашқадарё достончилик мактабининг баъзи бир хусусиятлари / ҚҚҲ. – 1979, 3 январь; Қашқадарё достончиларининг еттинчи авлоди / ҚҚҲ. – 1979, 25 январь; Қашқадарё ва Сурхондарё достончиларининг устоз-шогирдчилик анъанаси / ҚҚҲ. – 1979, 17 февраль; Изучение жанров фольклора в начальных классах / ҚДПИ XXI илмий конференциями материаллари. – Карши, 1980; Анъанавий ва замонавий достонлар / ҚДПИ XXII илмий конференцияси материаллари. – Қарши, 1980; "Келиной" достонининг вариантларига доир / Бадиий ижод ва замонавийлик. – Тошкент, 1981; "Ёр-ёр"лар // Гулистон. – 1982. – 2-сон; Достон жанри ҳақида // ЎТА. – 1981. – 6-сон. – Б.39-42; Достончи Шерна ҳақида // ЎТА. – 1984. – 3-сон. – Б.35-38; Достонларни ўрганишга доир / ҚДПИ илмий тўплами. – Қарши,



1984; Олий ўқув юртларида замонавий достонларнинг ўрганилиши / Олий ва бошланғич таълимни мукаммаллаштиришнинг баъзи масалалари. – Қарши, 1984; Олий ўқув юртларида достонларни ўрганиш (методик қўлланма). – Қарши, 1984; Умир бахши / ҚҚҲ. – 1984, 4 май; "Ойчинор". Достон (нашрга тайёрловчи) / Ойсулув. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент, 1984; Янги достонлар. – Тошкент: Фан, 1985; Дўмбира сеҳри // СЎС. – 1987. – 12-сон; Дастан "Нурали" / ҚДПИ XXIX-илмий конференцияси материаллари. – Қарши, 1988; Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатига доир / ҚДПИ XXX-илмий конференцияси материаллари. – Қарши, 1989; "Малла савдогар" достони ва унинг вариантлари / ҚДПИ XXXI-илмий конференцияси материаллари. – Қарши, 1991; Жанубий Ўзбекистон фольклорининг жонкуяри / ЎХДС. – Тошкент, 1993; Бир достон қисмати / "Нуралининг банди бўлиши". Достон. – Қарши, 1993; Сўзбоши / Рўзи бахши Қултўраев. Соҳибқироннинг туғилиши. Достон. – Қарши: Насаф, 1993; "Соҳибқироннинг туғилиши". Достон (нашрга тайёрловчи). – Қарши: Насаф, 1993; Нуралининг банди бўлиши. Достон (нашрга тайёрловчи). – Қарши: Насаф, 1993; Қодир шоир Раҳим ўғли. Оллоназар-Олчинбек. Достон (нашрга тайёрловчи). – Қарши: Насаф, 2002; Достончи Шерна ҳақида / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.182–187.

*Ад.*: Абдумўмин Қаҳҳоров // ЎТА. – 1997. – 4-сон. – Б.79-80; Эргашев А. Халқ ижодининг хазинадори / ҚҚҲ. – 2001, 10 май; Эргашев А. Халқ ижодининг хазиначиси. – Тошкент, 2002; Эргашев А. Ота-она – олтин қанот / Халқ ижодининг хазинадори. – Қарши: Насаф. – 2006. – Б.7–18; Эргашев А. Хазина топиш осон эмас / Ўша тўплам. – Б.19-59; Эргашев А. "Келиной"нинг ошиғи / Ўша тўплам. – Б.60-80; Эргашев А. Олимни олам билар / Ўша тўплам. – Б. 81-92; Вольтер Федман. Ҳурматли домла Қаҳҳоров / Ўша тўплам. – Б.92-93; Муродов М. У инсон улкан хазина / Ўша тўплам. – Б.145–146; Очилов К. Фольклоримиз фидойиси / Ўша тўплам. – Б.146–149; Шодмонов Э., Равшанов П. Алпомишдек фидойи / Ўша тўплам. – Б.149–151; Мирзаев Н. Барҳаёт сиймо / Ўша тўплам. – Б.151–152; Султонова Ч. Қобил инсон эди / Ўша тўплам.

– Б.153–154; Ғаниев А. Хизр кўрган инсон / Ўша тўплам. – Б.156–157; Хайриддинов Б. Бир сафар таассуроти / Ўша тўплам. – Б.158–160; Усмонов К. Ҳамфикр эдик / Ўша тўплам. – Б.161–164; Қодир бахши Раҳимов. Отамдек қадрли устоз / Ўша тўплам. – Б.165–169; Қаҳҳорова О. Комил инсон тимсоли / Ўша тўплам. – Б.170–172; Жабборов Х. Устозимни хотирлаб / Ўша тўплам. – Б.173–175; Чориев М. Нимажон, отингиз нима? / Ўша тўплам. – Б.175–176; Юсупов З. Меҳрни англаш / Ўша тўплам. – Б.177–178; Ражабов Ж. Ибратли умр / Ўша тўплам. – Б.178–179; Аллаев Қ. Бебаҳо инсон / Ўша тўплам. – Б.179–180; Ҳамроев Б. Камтаринлик фазилати эди / Ўша тўплам. – Б.181–182; Бозоров Б. Устоз амаки / Ўша тўплам. – Б.183–184; Ражабова М. Саховат соҳиби / Ўша тўплам. – Б.183–184; Равшанов Д. Меҳрибон мураббий / Ўша тўплам. – Б.186–187; Абдумўмин Қаҳҳоров / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.182.

## Муҳаммаднодир САИДОВ

*(1929 йил 20 сентябрь – Тошкент шаҳри – 2001 йил 20 апрель)*

Халқ достончилигида бадиий маҳорат масалаларини жиддий тадқиқ этган Муҳаммаднодир Собитович Саидов ўрта мактабни тугатгач, Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетига ўқишга кириб, уни 1953 йилда муваффақиятли тамомлаган. Ўз меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги қошидаги Кинематография Бош бошқармасида муҳаррирликдан бошлаган М.Саидов 1954–1956 йилларда "Ўзбекфильм" киностудиясида катта муҳаррир бўлиб ишлаган. Кейин эса ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида кичик илмий ходим (1956–1961 йиллар), катта илмий ходим (1961–1965 йиллар) вазифаларида ишлаган. 1965 йилдан ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг "Ўзбек адабиёти" кафедрасида ўқитувчи, доцент (1966), профессор (1976–1985), "Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси" кафедрасининг мудири (1986 йилдан) лавозимларида ишлаган.



Ўзбек халқ достонларини тадқиқ этишга катта ҳисса қўшган бу истеъдодли фольклоршунос олим "Малика айёр" достонининг жанр хусусиятлари, ёзиб олиниши тарихи, халқ бахшилари репертуаридаги вариантлари, достоннинг асосий мотивлари, образлар тизими ва бадиий хусусиятларини чуқур ўрганиб, 1960 йилда "Малика айёр" достони ҳақида" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Олимнинг "Халқ достонларида вазн масаласи" (1959), "Ўзбек халқ достонларида вариация масалалари" (1964), "Достонларда қўшалоқлаштириш усули" (1967) каби илмий тадқиқотларида ўзбек фольклоршунослигида илк бор эпосга хос вариантлилик табиати, "вариант" ва "версия" тушунчаларининг талқини масалалари ёритилган. У ўзбек халқ достонлари поэтикасини ўрганишни давом эттириб, анъанавий эпик қолип ва анъанавий формулаларнинг халқ эпоси матнидаги поэтик вазифалари ҳамда халқ бахшиларининг бадиий маҳоратини тадқиқ этишга доир изланишларини 1976 йилда ҳимоя қилинган "Ўзбек халқ достончилигида бадиий маҳорат масалалари" мавзуидаги докторлик диссертациясида умумлаштирган.

М.Саидовнинг "Малика айёр" достони" (1964), "Ўзбек халқ достончилигида бадиий маҳорат" (1969), "Халқ севган бахши" (1972), "Ўрта мактабларда Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳаёти ва ижодини ўрганиш" (1988) каби китоблари ўзбек эпосшунослиги тараққиётида муҳим ўрин тутади.

М.Саидов ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор экспедициясининг аъзоси ҳамда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) Ўзбек филологияси факультети талабаларининг анъанавий фольклор экспедицияси раҳбари сифатида мамлакатимизнинг турли вилоятларида яшовчи кўплаб достончи, эртакчи ва қўшиқчиларни аниқлаш орқали халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплашга ҳам катта ҳисса қўшган. У "Нурали", "Зулфизар", "Гулнор пари" (1965), "Авазхон", "Гўрўғлининг туғилиши" (1967), "Мисқол пари", "Тоҳир ва Зуҳра", "Суманбар", "Зеворхон", "Варқа билан Гулшоҳ", "Вомиқ ва Узро", "Балхувон", "Гулшанбоғ" каби халқ достонларини нашрга тайёрлаб, чоп эттирган. Шу билан бир қаторда, олий ўқув юртлари талабалари учун "Фольклор бўйича ўқув программаси" (1978), "Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди программаси" (1984) каби ўқув дастурларини ҳам тузган.

***Ас.***: Халқ достонларида вазн масаласига доир // ЎТА. – 1959. – 3-сон. – Б.36-44; “Малика айёр” достонининг жанр хусусиятлари // ЎТА. – 1960. – 1-сон. – Б.33-36; “Малика айёр” достонида драматизм // ЎТА. – 1960. – 4-сон. – Б.22–28; О дастане “Малика Айяр”. АКД. – Ташкент, 1960; “Малика айёр” достонининг вариантлари // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2-китоб. – Тошкент, 1961. – Б.76-84; Ўзбек халқ достонларида вариация масалалари // ЎТА. – 1964. – 4-сон. – Б.59-61 (ҳамк.); “Малика айёр” достони. – Тошкент: Фан, 1964; “Гулнор пари” достони ҳақида // Гулнор пари. Холбека. Ўзбек халқ достонлари. – Тошкент, 1967. – Б.3-9; Достонларда қўшалоқлаштириш усули / ЎХИ. – Б.31-41; Қимматбаҳо достонлар (Гўрўғлининг туғилиши) / Гўрўғлининг туғилиши. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1967. – Б.319-325 (ҳамк.); Эргаш Жуманбулбул ҳақида / Адабиётимизнинг ярим асри. – Тошкент, 1967. – Б.326-328 (ҳамк.); Ўзбек халқ достончилигида бадиий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1969; Халқ оғзаки бадиий ижодиётининг ўзига хос белгилари / Филологик тадқиқотлар. – Тошкент, 1970. – Б.203–218; Узбекские народные дастаны и вопросы эпического мастерства. АДД. – Ташкент, 1972; Халқ севган бахши. – Тошкент, 1972; Бош қаҳрамон талқини масаласи // ПШ. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.115–119 (ҳамк.); Ўзбек халқ оғзаки ижоди программаси. Университетларнинг филология факультетлари учун. – Тошкент, 1976 (ҳамк.); Шерна бахши ҳаёти ва ижоди ҳақида баъзи материаллар / Ўзбек филологиясининг актуал масалалари. – Тошкент, 1977. – Б.74-79 (ҳамк.); Филология факультетлари 2-курс талабалари учун фольклор бўйича ўқув программаси. – Тошкент, 1978 (ҳамк.); Жемчужина народного творчества (О Фазыле Юлдаш оглы) // ЗВ. – 1979. – №10. – С.181; Реалистические элементы народного эпоса / Литература и история. Тезисы докладов и сообщений. – Ташкент, 1980. – С.74-75; Пўлкан шоир ижодида ва умуман халқ достончилигида романтизм тенденциялари / Ўзбек классик адабиёти ва Алишер Навоий анъаналари. – Тошкент, 1982. – Б.58-64; Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди программаси. Университетларнинг филология факультетлари учун. – Тошкент, 1984 (ҳамк.); Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди программаси. Институтларнинг филология факультетлари учун. – Тошкент, 1984 (ҳамк.); Реалистические элементы народного эпоса / Фольклор, литература и



история Востока. – Ташкент, 1984. – С.233–236; Ўрта мактабларда Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳаёти ва ижодини ўрганиш. – Тошкент, 1988 (ҳамк.); Уммондан бир томчи // ШЮ. – 1989. – 8-сон; Туркий халқлар мифологиясининг ёзма адабиётига таъсири масаласига доир / АК. – Тошкент, 1996. – 2-сон. – Б.141–145; Достон // Муҳаммаднодир Саидов – маърифат фидойиси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б.5-61; “Алпомиш” достонидаги исмлар ҳақида қайдлар / Кўрсатилган манба. – Б.62-65; Туркий халқлар мифологиясининг ёзма адабиётга таъсири / Кўрсатилган манба. – Б.66-72; Алишер Навоий лирикасида мифологиянинг ўрни / Кўрсатилган манба. – Б.73-81; “Алпомиш” достони ҳақида / Кўрсатилган манба. – Б.82-91; “Малика айёр” достонининг жанр хусусиятлари / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.170–181.

***Ад.***: Олимов М., Мадаев О. Изланиш самараси / ЎМ. – 1970, 5 май; Иноғомов Р. Тадқиқод мавзуси – достон / ТҲ. – 1970, 23 июль; Алиев М. Фольклор ва бадиий маҳорат / СЎ. – 1970, 29 июль; Максетов К.М., Рўзимбоев С., Пирматов О. Улкан назарий асар / ХҲ. – Урганч, 1970, 6 октябрь; Умаров С. “Тоҳир ва Зуҳра” / ЎМ. – 1975, 1 август; Саидов Муҳаммаднодир Собитович / ЎСЭ. – 9-том. – Б.434; Муҳаммаднодир Саидов // ЎТА. – 2001. – 4-сон. – Б.86-87; Болтабоев Ҳ. Сўз санъатининг ибтидоси / Муҳаммаднодир Саидов – маърифат фидойиси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б.3-4; Мирзаев Т. Пешқадамимиз эди / Кўрсатилган асар. – Б. 92-96; Ғаниева С. “Хаёлимда андоқ мусаввир қолур” / Кўрсатилган манба. – Б.92-96; Миртожиев М. Нодир дўст эди / Кўрсатилган асар. – Б.99–100; Мадаев О. “Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландин сўр” / Кўрсатилган асар. – Б.104–109; Асрор Самад. Мустақилликка кўникма / Кўрсатилган асар. – Б.110–125; Тожиев Ё. Эзгу ниятли инсон эди / Кўрсатилган асар. – Б.126–127; Жўраев М. Илк экспедиция сабоқлари / Кўрсатилган асар. – Б.128–131; Мусақулов А. Тамал тошини терганлардан / Кўрсатилган асар. – Б.132–135; Қўшмоқов М. Ҳаёт дарслари / Кўрсатилган асар. – Б.136–139; Алимов С. “Ҳаёт дарахти” соҳиби / Кўрсатилган асар. – Б.140–144; Собитова Т. Ўз ўрнини топган фидойи олим / Кўрсатилган асар. – Б.144–146; Султонсаидова С. Ҳикмат улашган

олим / Кўрсатилган асар. – Б.146–150; Йўлдошева С. Халқ ижодиёти билимдони / Кўрсатилган асар. – Б.151–154; Чоршанбиев М. Бағрикенг устоз / Кўрсатилган асар. – Б.154–156; Ҳайдаров Т. Миннатдорлик туйғуси / Кўрсатилган асар. – Б.156–162; Саидов Б. Отамизни эслаб / Кўрсатилган асар. – Б.163–165; Файзуллаева Ш. Дадамиз – фахримиз / Кўрсатилган асар. – Б.166–169; Турсунова С. Валсга ўргатган бобом / Кўрсатилган асар. – Б.170–172; Мадаев О. Илмига содиқ устоз / ЎАС. – Тошкент, 2009. – 51-сон; Мадаев О. Илмига содиқ устоз / n.ziyouz.com. 2014 йил 28 март; Муҳаммаднодир Саидов (1929–2001) / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.170–181.

## Комил ИМОМОВ

*(1930 йил 10 январь – Тошкент шаҳри – 2013 йил 6 апрель)*

ХХ асрнинг 20-йиллари бошларида мустақил фан сифатида шакллана бошлаган ўзбек фольклоршунослиги ўзининг салкам бир асрлик тараққиёти давомида халқимиз оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиш, нашр этиш ва ўрганишда залворли ютуқларни қўлга киритди. Унинг тараққиётидаги характерли хусусиятлардан бири шундаки, бу фан соҳасини ўзининг қисмати деб билган аксарият олимларнинг илмий фаолияти фольклорнинг у ёки бу жанрини, унинг ҳудудий ўзига хослигини изчил, давомли, бутун умр бўйи ўрганиш билан кечди ва кечмоқда. Айтайлик, ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зариф халқ ижодининг барча соҳалари билан бирдай шуғулланиб, ўзбек фольклоршунослигининг тараққиёт йўлларини белгилаб берганига қарамай, асосан бахшилар амалиёти ва халқ достонлари бўйича фундаментал тадқиқотлар яратди. Ёки Буюк Каримий ва Мансур Афзаловлар илмий фаолиятининг асосини эртакчилар амалиёти ва халқ эртакларини ўрганиш ташкил этса, Музайяна Алавия ва Зубайда Ҳусаиновалар халқ қўшиқлари ва топишмоқлари бўйича беназир текширишлар олиб бордилар. Бундай бир ҳолатни кейинги авлод фольклоршунослар фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Буни улар



илмий ижодидаги чекланиш ёки қандайдир чегараланиш тарзида баҳолаш тўғри эмас. Чунки фольклор асарларининг жонли оғзаки шароитларининг яшаш тарзи ва ҳудудий тарқалиш хусусиятлари, ижролараро уларнинг бадиий матнида содир бўладиган барқарорлик ва ўзгарувчанлик, бошқачароқ қилиб айтганда, фольклордаги ижро ва ижод (қайта ижро ва қайта ижод) жараёни тинимсиз ҳаракатдаги эстетик ҳодиса эканлиги шундай ёндашувни, яъни фольклорнинг муайян жанри ёки жанрлар гуруҳи бир олим ва унинг шогирдлари томонидан мунтазам кузатув ва ўрганишни тақазо этади. Таниқли олим, филология фанлари доктори, профессор Комилжон Имомовнинг самарали фаолияти ва илмий ижоди ҳам бундан мустасно эмас.

Атоқли фольклоршунос, устози Мансур Афзалов(1910–1973)га бир издош сифатида унинг ишлари ва ғояларини давом эттириб, янада ривожлантирган Комилжон Имомов ўзининг сермаҳсул илмий фаолияти давомида оғзаки наср жанрлари (миф, афсона, ривоят, эртак, нақл, латифа, лоф, оғзаки ҳикоя ва бошқалар) таркиби ва бадиий-ғоявий хусусиятларини изчил ўрганиб келаётган олимларимиздан биридир.

Ўз ҳаёти ва фаолиятини халқ ижодини ўрганишдек шарафли ишга бағишлаган бўлғуси олим Комилжон Имомов 1930 йил 10 январь куни Тошкент шаҳрида зиёли-бастакор, халқимизнинг севимли санъаткори Имомжон Икромов оиласида туғилди. У ўрта мактабни тамомлагандан кейин 1949–1954 йилларда Белинский номидаги Тошкент кечки педагогика институтида ўқиди. 1955–1960 йилларда Тошкент шаҳридаги 36-сонли ўрта мактабда она тили ва адабиёти фанидан дарс берди ҳамда илмий бўлим мудири бўлиб ишлади. 1960–1966 йилларда эса, Тошкентдаги 1-сон ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. Ўтган йиллар мобайнида ўз билимини ошириш борасида тинимсиз изланган К.Имомов халқ оғзаки бадиий ижодиётини ўрганишга киришди ва 1966 йилда ЎР ФА Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасига ўқишга кириб, уни 1968 йилда муваффақиятли тамомлади. Комилжон Имомов аспирантурани тугатгач, институтнинг Фольклор бўлимида ишга қолдирилди ва у бу ерда 1968–1971 йилларда кичик, 1971–1988 йилларда катта илмий ходим лавозимида ишлади. 1988 йилдан умрининг охиригача шу бўлимнинг етакчи илмий ходими сифатида ўзбек фольклоршунослиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшди.

Комилжон Имомов тадқиқотчилик фаолиятининг дастлабки даврини ўзбек сатирик ва юмористик эртакларининг жанр хусусиятлари, бадиияти ҳамда образлар таркибини жиддий ўрганиш ташкил этади. Унинг ўзбек халқ эртакларининг тўпланиши, нашр этилиши ва ўрганилиши тарихи, хусусан, А.А.Кушакевич, А.Н.Самойлович, А.А.Диваев, Н.Остроумовлар фаолиятининг ўзбек эртакшунослиги тарихида тутган ўрни, халқ оғзаки бадиий ижодида сатира ва юмор, сатирик эртакларнинг ўзига хос хусусиятлари, эртаклардаги анъанавий синов мотивининг генезиси ва эпик вазифалари, ўзбек халқ эртакларида комик ва ҳажвий қаҳрамон масаласи, эртаклардаги кал, Алдаркўса, Афанди образларининг ўзига хос табиати, генезиси ва характери, ўзбек сатирик эртакларида конфликт ва ижтимоий мотивлар масалаларини ўрганишга бағишланган илк мақолаларида фольклор асарларининг ғоявий-бадиий хоссалари ва эстетик табиати ўзига хос тарзда тадқиқ этилган. Дарҳақиқат, Алдаркўса, кал, Жийронча чечан, Афанди каби образлар Ўрта Осиё туркий халқлари фольклорида кенг тарқалган персонажлар бўлиб, ҳар бир халқ оғзаки бадиий ижодидаги ўзига хос миллий талқинга эгалиги билан ажралиб туради.

Олимнинг 1974 йилда босилиб чиққан "Ўзбек сатирик эртаклари" номли илк монографиясида халқ эртакларининг алоҳида тури ҳисобланган сатирик ва юмористик эртаклар жанр хусусиятлари нуқтаи назаридан кенг кўламда тадқиқ этилган. Тадқиқотда "сатирик эртаклар ўзининг ғоявий мазмунини ифодаловчи аниқ, кучли сатирик чизиғига эга"лиги, "сатирик ва юмористик эртаклардаги анъанавий учлик ўзининг қисқа баёни билан фантастик эртаклардан фарқ қилиши", "эртакларнинг сюжет тўқимасига сингдирилган сатира, юмор салбий ва ижобий қаҳрамонлар характерини аниқловчи бадиий восита" вазифасини бажариши илмий асослаб берилган. Ўзбек халқ эртакларида анъанавий синовнинг икки хил кўриниши, яъни топишмоқли синов ва мусобақа синови мавжудлигини аниқлаган К.Имомов бу мотивларнинг асардаги вазифасини унинг тарихий манбаларини тўғри аниқлаш ҳамда эртак материалларини тарихий-этнографик далиллар билан солиштириб ўрганиш асосида ёритишга ҳаракат қилган. Хусусан, "Булбулигўё", "Ахлантоз", "Доно қиз", "Гулфараҳ", "Аёз", "Канизак билан подшо", "Ақлли бола" каби эртаклардаги синов мотиви эпик қаҳрамоннинг



доно ва зийраклигини кўрсатиш орқали сюжетга ижтимоий тус бериши билан ҳам характерлидир. Тадқиқотчининг дастлабки мақолалари, номзодлик диссертацияси ва биринчи монографиясида юз кўрсатган ўзбек халқ эртаклари сюжет қурилишининг асосий ҳалқаларидан бири – синов мотивининг тарихий асослари ибтидоий жамиятдаги синов-инициация маросимлари ҳамда мифологик моҳият касб этган қадимги ритуалларга боғланади, деган илмий хулоса унинг кейинги тадқиқотларида эпик мотивлар тизимини тарихий-генетик ва типологик жиҳатдан кенг қамровда ўрганишга олиб келди.

Бундай истиқболли хулоса олимнинг кейинги тадқиқотларида тўла асосланган ва етарли даражада тадқиқ этилган бўлса-да, унинг дастлабки мақолалари ва сатирик эртаклар таҳлилига бағишланган илк монографиясида кўзга ташланган бир қусурни, яъни сатирик эртакларнинг ғоявий-тематик таҳлил этилганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Фольклоршуносликнинг ўша даврдаги даражаси, хусусан, жамиятдаги мафкуравий тазйиқ туфайли содир этилганлигини изоҳлаш мумкин бўлган бу қусурни, яъни халқ ижодини, жумладан, эртакларнинг мазмуни ва ғоявий хусусиятлари таҳлилига ижтимоий-сиёсий ва партиявий ёндашувни алоҳида таъкидлашимизнинг боиси, бир томондан, фанимиз тарихини объектив ёритишни кўзда тутса, иккинчидан, олим тадқиқотчилик фаолиятида мураккаб жараёнларни босиб ўтганлигини кўрсатишдир.

Бундай ўткинчи, аммо кўпинча тадқиқотларимизга соя ташлаган ҳолат К.Имомов тадқиқотчилик фаолияти учун муҳим эмас. Муҳими унинг тадқиқотларида тарихий-генетик, қиёсий-типологик таҳлил усулининг етакчилик қилишидир. Бу жиҳатдан унинг "Ўзбек халқ прозаси" номли монографияси оғзаки наср асарларининг жанрлар таркибини кенг кўламда тадқиқ этишга бағишланганлиги билан ажралиб туради. Унда эртак жанри ва унинг поэтикаси, ўзбек эртакларининг ички турларига хос характерли белгилари, айрим эпик сюжетлар ва анъанавий мотивларнинг генезиси очиб берилганлиги эътиборлидир. Афсона, ривоят ва матал (нақл) каби жанрлар эпик турга мансуб алоҳида жанрлар силсиласи сифатида ўрганилиб, ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари ёритилган.

Маълумки, эпик турга кирувчи жанрларнинг ички таснифини яратиш ва унинг тарихий-генетик асосларини тадқиқ этиш фольклоршуносликнинг муҳим назарий масалаларидан бири ҳисобланади. К.Имомов ўзининг монографик тадқиқотида эртакларни анъанавий мотивлар таркиби, персонажлар тизими ва конфликт характерига кўра икки турга, яъни сеҳрли ва ҳаётий эртакларга ажратади. Сеҳрли эртакларни ҳам, ўз навбатида, тилсимли, тилсимсиз ва "митти" полвонлар ҳақидаги эртакларга ажратиб таснифлайди. Унинг бу таснифига кўра, мажозий эртаклар ҳам сеҳрли эртаклар сирасига киритилган. Ҳаётий эртакларни эса жангнома эртаклар, ишқий-саргузашт эртаклар, ҳажвий эртакларга ажратади. Ҳажвий эртакларни сатирик ва юмористик эртакларга бўлади. Аслида ҳайвонлар ҳақидаги эртакларни алоҳида тур сифатида олиб, уларнинг айримларининг мажозий эртакларга айланиб бориш жараёнини кўрсатиш лозим эди. Буни олим ўзининг кейинроқ ёзган мақолаларида ҳисобга олди ва ўзбек халқ эртакларини уч турга бўлиб таснифлади ва ҳар бир гуруҳга мансуб эпик асарларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий тавсифлаб берди. Мазкур тасниф эртакларнинг жанр хусусиятларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилганлиги билан алоҳида эътиборга моликдир. Чунки ҳозирги замон жаҳон фольклористикаси жанрларни структурал-типологик ва қиёсий-тарихий нуқтаи назардан ўрганиш асосида умумлаштирувчи назарий тадқиқотлар яратишни тақозо қилаётган бир пайтда халқ насри жанрлари таснифоти борасидаги бундай интилишлар ҳамиша янги хулосалар чиқаришга олиб келади.

К.Имомовнинг қатор илмий ишлари ўзбек халқ эртаклари поэтикасини тадқиқ этишга бағишланган. Жумладан, унинг "Фантастиканинг сири" (1977), "Эртакларда тилсим" (1977), "Ўзбек халқ эртакларида уйдирма" (1978), "Фантастик уйдирманинг генетик асослари" (1982) сингари мақолаларида анъанавий эпик формулаларнинг эртак бадиий қурилишида тутган ўрни, мотив ва унинг генетик асослари, хаёлий уйдирма ва тилсимнинг эртак фантастикасини юзага келтиришдаги аҳамияти, бадиий-тасвирий воситалар семантикаси масалалари чуқур ўрганилган.

Эртаклардаги мифологик образларнинг генезиси, миф ва эртак масаласи ҳам К.Имомов тадқиқотларида кўриб чиқилган етакчи мавзулардан бири саналади. У ўзининг илк монографиясидаёқ



"Хизр, пир, Семурғ каби мифологик образлар ислом дини кириб келмасдан олдин мавжуд бўлиб, кейинчалик маълум мақсад-эътибори билан диний тушунчалар сингдирилгач, мураккаблашган"лигига диққат қилган эди. Шу боис, олим ўзбек халқ эртакларидаги анъанавий мотивларнинг тарихий-генетик типологиясини тадқиқ этишга алоҳида эътибор каратди ва натижада ўзбек эпосидаги ғайритабиий туғилиш, синов, шарт, кураш, туш кўриш, қаҳрамоннинг ўлиб-тирилиши, қаҳрамонни оловда куйдириш мотивларининг келиб чиқиши қадимги мифологик тасаввурлар ҳамда эътиқодий қарашларга боғлиқлигини аниқлади. Ўзбек фольклорининг кенг тарқалган персонажларидан бири ялмоғиз образининг генетик асослари эса матриархат даври мифологияси билан бевосита боғлиқлигини аниқлаган К.Имомов тадқиқотлари қадимий маросимлар эпик мотивларни шакллантирувчи ритуал асос вазифасини бажарганлигини қиёсий-тарихий жиҳатдан тасдиқлади.

Маълумки, ўзбек халқ эртакларининг сюжет силсиласи ниҳоятда мураккаб ва сермазмун бўлиб, халқимиз бадиий даҳосининг кўп асрлик тараққиёти давомида бир неча хил эпик сюжетлар типи шаклланган. Ўзбек фольклоршунослигида ана шу эпик ҳодисани биринчилардан бўлиб аниқлаган К.Имомов ўзининг ўгай қиз типидаги туркум эртакларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлилига доир бир мақоласида "бу хил эртаклар ўгайлик мавзуи, анъанавий мотивлар, мунгли кўлами ва лирик оҳанги билан" бошқа тип сюжетлардан фарқланиб туришини қайд қилган эди. Бу билан олим келгусида ўзбек халқ эртакларининг генезиси ва поэтик оламини муайян сюжет типларига мансуб эртаклар материали асосида янада чуқурроқ тадқиқ этиш зарурлигини кун тартибига қўйди ва унинг ўзи ҳамда шогирдлари томонидан эртакларнинг спецификаси, ўзбек фольклоридаги асосий сюжет типлари, генезиси, образлар таркиби, "сеҳрли" предметлар, таъбу ва тилсим, эпик шарт асосига қурилган эртак сюжетлари ҳам тадқиқ этилаётганлиги ўзбек халқ эртаклари сюжети ва мотивлар таркибининг каталогини яратиш борасидаги муҳим қадамлар сирасига киради.

Фольклоршунос К.Имомовнинг тадқиқотчилик фаолиятига назар ташлаган киши унинг илмий қизиқишлари доирасида ўзбек халқ афсоналари ва ривоятларини ўрганишга бўлган интилиш алоҳида ўрин тутганлигини кўради. Ўзбек фольклорининг оғза-

ки насрга мансуб жанрларининг тарихий асослари реал ҳаётий воқелик ҳақидаги халқ қарашларига боғлиқ бўлганлиги учун ҳам тадқиқотчи халқ насри жанрларининг тарихийлик мезонларини белгилаш, ҳаётий воқеликнинг поэтик трансформация жараёнларини тадқиқ этиш, эпик тур жанрларининг шаклланиш тарихи ва спецификасини ёритиш мақсадида жиддий тадқиқотлар олиб борди. У оғзаки наср жанрларининг тарихийлигини белгилашда "генетик асос – ижтимоий-сиёсий ва маиший ҳаёт, этнографик субстрат, урф-одат ва турли хил дунёқарашлар, реал воқеликка муносабат, тарихий ҳақиқатни акс эттириш" каби белгиларга таяниш лозимлигини аниқлади. Тарихийликнинг ана шу белгилари халқ насрининг эртакдан бошқа жанрларида ўзига хос тарзда намоён бўлганлиги сабабли афсона ва ривоятлар ўзининг воқеликни акс эттириш усули, ҳаётий-маиший функциялари, эпик шакли ва бадиий ифода йўсинига кўра фарқланиб туради.

Афсона ва ривоят жанрларининг ўзига хос ҳамда муштарак жиҳатлари, афсоналар таснифи, мифологик, тарихий ва топонимик афсоналарда ҳаётий воқелик ҳақидаги ахборотнинг эпик талқин қилиниши, мифологик афсоналарнинг образлар талқини ва қадимги тасаввурлар билан боғлиқлиги, нақл ва мақол каби масалалар К.Имомов тадқиқотларида кенг ёритилган. Унинг "Афсона жанри" (1974), "Обидалар ҳақида афсоналар" (1974), "Афсона" (1989), "Нақл жанрининг ўзига хос хусусиятлари" (2002), "Этиологик афсоналар" (2003), "Ўзбек халқ ривоятларининг жанр белгилари" (2005), "Мифологик афсоналар (2008) сингари илмий мақолалари ана шу масалаларга бағишланганлиги билан характерлидир.

Ўзбек халқ насри хилма-хил жанрлардан таркиб топган ва асрлар давомида яратилиб, зукко аждодларимиз томонидан сайқалланиб келган муҳташам бадиий қадриятларимиздан бири ҳисобланади. Зеро, бу бадиий меросни ўрганишга нафақат бир, балки бир неча авлод тадқиқотчиларнинг ҳам умри кифоя қилмайди. Шу боисдан ҳам ўзининг бутун илмий фаолияти давомида халқ насри жанрларини изчил тадқиқ этган К.Имомов оғзаки насрни ўрганишни тизимли равишда йўлга қўйганлиги фольклоршунослик тарихида алоҳида аҳамият касб этади. Бу жиҳатдан унинг "Ўзбек халқ насри поэтикаси" (2008) монографияси характерлидир. Монографияда оғзаки наср жанрларининг бадиийлик даражаси



ва бажарган функцияларига кўра икки гуруҳга бўлиб ўрганилиши олимнинг кўп йиллик изланишлари самарасидир. Унинг фикрича, биринчи гуруҳ жанрлар (миф, афсона, ривоят, демоник ҳикоялар) олам ва воқеликни изоҳлаш, тушунтиришга қаратилган бўлса, иккинчи гуруҳ жанрлар (эртак, нақл, латифа, лоф) воқеликни бадиий тасвирлашга йўналтирилгандир. Оғзаки наср жанрларини яхлит бир тизим сифатида ўрганиш К.Имомов тадқиқотларининг бош йўналиши ва асосий мақсади ҳисобланади. Ана шу йўналишдаги тадқиқотларнинг бундан кейин ҳам изчил давом эттирилиши келгусида ўзбек халқ насрини Марказий Осиё халқлари фольклор анъаналари тизимида контекстуал-типологик жиҳатдан ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлаймиз.

Халқ оғзаки ижоди асарларини бевосита ижрочилар оғзидан ёзиб олмаган, яъни жонли оғзаки анъанадаги фольклорни тўплашдек машаққатли ва лекин ғоятда шарафли иш билан шуғулланмаган мутахассис ҳақиқий фольклоршунос бўлолмайди, албатта. Шу маънода, К.Имомов кўпчилик фольклоршунослар ҳавас қилса арзигулик илмий-ижодий йўлни босиб ўтди. У ҳали аспирантлик чоғидаёқ ўзининг фольклор тўпловчилик фаолиятини бошлади ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи эртакчилар репертуаридаги дурдона асарларни қунт билан ёзиб олди. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор экспедицияси таркибида Туркистон, Чимкент, Сайрам, Қорабулоқ (1969), Фарғона, Наманган, Андижон (1972), Қашқадарё (1976), Самарқанд, Навоий, Бухоро ва Туркманистон Республикасининг Фороб тумани (1986, 1988) бўйлаб ўтказилган илмий сафарларда ўзбек халқ қўшиқлари, маросим фольклори, эртак, афсона, ривоят, нақл, мақол ва топишмоқларга доир бой материаллар тўплади.

Филология фанлари доктори, профессор Комил Имомов ўзбек фольклори асарларини нашрга тайёрлаб, чоп эттириш ва халқ орасида кенг оммалаштириш борасида ҳам кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келмоқда. "Ўзбек халқ ижоди" кўпжилдлиги туркумида чоп эттирилган "Олтин бешик" (1985), "Зумрад ва Қиммат" (1988) номли эртак тўпламлари, шунингдек, ўзбек халқ эртакларининг энг сара намуналаридан тузилган "Қари наъматак" (1977), "Ўзбек халқ эртаклари" (1981, 1990), "Сеҳрли шамчироқ" (1990), "Дев қиз" (1992), "Минг бир кулги" (1994, 2010), "Сичқон

қиз" (1998), "Кенжа ботир" (2000), "Жўжа билан тулки" (2005) каби мажмуалар хассос олим К.Имомов томонидан нашрга тайёрланган. Икки жилдлик "Ўзбек халқ мақоллари" (1987–1988) мукаммал нашрининг тайёрланиши ҳамда "Ўзбек фольклори очерклари" (1988–1989) фундаментал тадқиқотининг юзага келишида фаол иштирок этган олим олий ўқув юртлари филология факультетлари учун мўлжаллаб ёзилган "Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди" дарслигининг (1980, 1990) ҳам муаллифларидан биридир.

**Ас**: Сатирик эртакларда конфликт / ЎХИ. – Б.103–110; Эртакларда синов мотиви // ЎТА. – 1968. – 5-сон. – Б.63-65; Эртакларда сатирик образлар ифодаси ва комизм воситалари // ЎТА. – 1968. – 1-сон. – Б.33-35; Социальные мотивы в узбекских сатирических сказках. АКД. – Ташкент, 1968; Фольклор экспедицияси // ЎТА. – 1969. – 5-сон. – Б.83-84."Узбекский народный кукольный театр" / ЎСФМ. – Б.289–290; "Ўзбек халқ эртаклари ҳақида" / ЎСФМ. – Б.305-307; "Малика айёр" достони" / ЎСФМ. – Б.308-309; "Ўзбек халқ ижоди" / ЎСФМ. – Б.310-311; Комик қаҳрамон / ЭШУДЎ. – Б.103–108; Алдар кўса тарихий шахсми? // ФТ. – 1972. – 11-сон; Достонларда эртак мотивлари / Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973. – Б.97–107; Афсона жанри // ЎТА. – 1974. – 1-сон. – Б.68-72; Обидалар ҳақидаги афсоналар // ФТ. – 1974. – 3-сон; Ўзбек сатирик эртаклари. – Тошкент: Фан, 1974; Халқ заршуноси (Ҳ.Зариф ҳақида) / ЎГ. – 1975, 16 март; Кўҳи қоф / ЎСЭ. – 6-том. – 1975. – Б.455; Латифа / ЎСЭ. – 6-том. – 1975. – Б.295; Лоф / ЎСЭ. – 6-том. – 1975. – Б.437; Маликаи Ҳуснобод / ЎСЭ. – 6-том. – 1975. – Б.554; Улкан достончи / ЎГ. – 1975. – 4-сон; Матал / ЎСЭ. – 7-том. – 1976. – Б.32; Мулла Ғойиб / ЎСЭ. – 7-том. – 1976. – Б.413; Мушфиқий / ЎСЭ. – 7-том. – 1976. – Б.463; Нақл / ЎСЭ. – 7-том. – 1976. – Б.372; Олтин балиқ / ЎСЭ. – 8-том. – 1976. – Б.224; Пайров / ЎСЭ. – 8-том. – 1976. – Б.374; Ривоят / ЎСЭ. – 9-том. – 1977; Эртак ва достонларда идеал қаҳрамон талқини масаласига доир // Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.127–133; Фантастиканинг сири // ФТ. – 1977. – 2-сон. – Б.16–17; Эртакларда тилсим // ЎТА. – 1977. – 6-сон. – Б.46-49; Ялмоғиз-жодугар образи талқинига доир / ИСШ. – Б.77-88; Қари наъматак. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент, 1977; Табу / ЎСЭ. – 10-том. – 1978; Сеҳргар / ЎСЭ. – 10-том. – 1978; Тотемизм / ЎСЭ. – 11-том. – 1978; Тўмарис / ЎСЭ. – 11-том. – 1978; Ур тўқмоқ / ЎСЭ. – 11-том. – 1978; Ўзбек халқ эртакларида уйдирма // ЎТА. – 1978. – 6-сон; Фетишизм / ЎСЭ. – 12-том. – 1979; Шомонизм / ЎСЭ. – 13-том. – 1979; Ялмоғиз / ЎСЭ. – 13-том. – 1979; Эртак / ЎСЭ. – 1979. – 9-жилд. – Б.280; Эртакчи / ЎСЭ. – 1979. – 9-жилд. – Б.280; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980 (ҳамк.); Генезис и функции мотива испитания в сказочном эпосе / Литература и история. Тезисы докладов и сообщений. – Ташкент: Фан, 1980. – С.87-88; Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981; Ўзбек халқ эртаклари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи. – Тошкент, 1981; Олтин бешик. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981; Ўзбек халқ эртаклари / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1982. – Б.62-97; Фантастик уйдирмаларнинг генетик асослари // ФТ. – 1982. – 10-сон; Ўзбек халқ эртакларининг тарихий асосларига доир // ЎТА. – 1983. – 1-сон. – Б.36-40; Генезис мотива состязания / Фольклор, литература и история Востока. – Ташкент: Фан, 1984; Ўзбек халқ прозаси жанрларининг тарихийлик принциплари // ЎТА. – 1984. – 5-сон. – Б.34-38; Генезис и функции мотива испитания в сказочном эпосе / Фольклор, литература и история Востока. – Ташкент: Фан, 1984. – С.263–266; Зумрад ва Қиммат. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985; Генезис и поэтическая трансформация жанри узбекской устной прозы. АДД. – Ташкент, 1986; "Ўзбек маросим фольклори" // ЎТА. – 1987. – 2-сон. – Б.77-78; Ўзбек халқ эртаклари (нашрга тайёрловчи). – Тошкент, 1987; Қадимги никоҳ маросими ва эпос // ЎТА. – 1988. – 4-сон. – Б.33-38; Этнографическая субстрат и богатырская сказка // Вопросы тюркологии. – Ашхабад, 1988. – С.118–122; Афсоналар / Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б; Ривоятлар/ Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б; Нақллар / Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б; Эртаклар / Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. – Тошкент: Фан, 1988; Ўзбек халқ эртаклари (нашрга тайёрловчи). – Тошкент, 1989; Сеҳрли шамчироқ. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент, 1990; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990 (ҳамк.); Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг оралиқ типи // ЎТА. – 1991. – 2-сон. – Б.39-43; Дев қиз. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент, 1992; Ўзбек

халқ эртакларининг таснифи // ЎТА. – 1993. – 1-сон. – Б.21–26; Эртак эрмак эмас / ХС. – 1993, 15 сентябрь; Минг бир кулгу. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент, 1994; Йиғи афсуни ва эртак // СО. – Тошкент, 1994. – 2-сон; Маиший эртакларнинг асосий хусусиятлари ва таснифи // ЎТА. – 1995. – 1-сон. – Б.30-35; Зубайда Ҳусаинова // ЎТА. – 1995. – 3-сон. – Б.73-75; Миф ва ялмоғиз // ЎТА. – 1995. – 5-6-сонлар. – Б.34-38; Йиғи сеҳри // СО. – 1995. – 2-сон; Абдимўмин Қаҳҳоров // ЎТА. – 1997. – 4-сон. – Б.79-80 (ҳамк.); Ўгай қиз типидаги туркум эртакларнинг айрим хусусиятларига доир // ЎТА. – 1997. – 3-сон. – Б.33-37; Ўзбек халқ насри жанрлари таснифи // ЎТА. – 1998. – 1-сон. – Б.45-50; "Алпомиш" эпосида конфликт масаласи / АДЖХЭИ. – 1999. – Б.23–25, 137–138; "Алпомиш" достонининг айрим хусусиятлари // "Алпомиш" – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент, 1999. – Б.96–115; "Алпомиш" эпосининг айрим хусусиятларига доир // ЎТА. – 1999. – 1-сон. – Б.12–16; "Алпомиш" эпосида образлар тизими // ЎТА. – 1999. – 4-сон. – Б.9–13; Музайяна Алавия / ТО. – 1999, 11 октябрь; "Алпомиш" достонида кураш мотиви // ЎТА. – 2000. – 6-сон. – Б.28–29; "Алпомиш" достонида синов мотиви // ЎТА. – 2000. – 5-сон; Кенжа ботир. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент, 2000; Олтин сандиқ тилсими / Маърифат. – Тошкент, 2000, 27 январь; Кулса гул сочилибди / Маърифат. – Тошкент, 2000, 16 март; Йиғласа дур сочилибди / Маърифат. – Тошкент, 2000, 3 май; Алпомиш ва Қўнғиротнинг алп қизи / Маърифат. – Тошкент, 2000, 20 октябрь; "Йиғи" магияси // ЎТА. – 2001. – 2-сон. – Б.60-62; Эртакларда тилсим / Қалб кўзи. – Тошкент, 2001, 13 февраль; Ялмоғиз ва ҳаёт // ИС. – 2001. – 3-сон; Афсун / ЎзМЭ. – 1-том. 2001; Алдар кўса / ЎзМЭ. – 1-том. 2001; Аския / ЎзМЭ. – 1-том. 2001; Афанди / ЎзМЭ. – 1-том. 2001; Ажина / ЎзМЭ. – 1-том. 2001; Анахита / ЎзМЭ. – 1-том. 2001; Алвасти / ЎзМЭ. – 1-том. 2001; Маросим кулгуси // САУ. – 2001. – 12-сон; Олтин сандиқ тилсими // Қалб кўзи. – 2002, 13 февраль; Нақл жанри // ИС. – 2002. – 2-сон; Қуёшга кўнган қуш // СО. – 2002. – 2-сон; Қушга эврилган қиз // СО. – 2002. – 5-сон; Аждаҳо тилсими // СО. – 2002. – 6-сон; Қўй йили // СО. – 2002. – 12-сон; Нақл жанрининг ўзига хос хусусиятлари // ЎТА. – 2002. – №6. – Б.29-32; Ўқ йўлини тўсган балиқ // Фольклоршунослик. 1-китоб. – Навоий, 2003. – Б.7–10; Нақл – кони ақл // Маърифат. – Тошкент, 2003, 19 апрель;



Этиологик афсоналар // ЎТА. – 2003. – 6-сон. – Б.42-44; Барака тили // СО. – 2003. – 1-сон; Ўзбек фольклори ва миллий кураш // СО. – 2004. – 4-сон; Ўзбек амазонкалари // СО. – 2004. – 5-сон; Ўзбек халқ ривоятларининг жанрий белгилари // ЎТА. – 2004. – 6-сон; Жўжа билан тулки. Ўзбек халқ эртаклари. Нашрга тайёрловчи. – Тошкент, 2005; Эртак / ЎзМЭ. – 10-том. – 2005; Эртакчилик / ЎзМЭ. – 10-том. – 2005; Халқ ривоятларининг жанр белгилари // ЎТА. – 2005. – 1-сон. – 51-55; Мифологик жанг ва унинг талқини // ЎФМ. 1-китоб. – Тошкент, 2006. – Б.23–26; Алдар кўса образининг тарихий асослари ва бадиий талқини // ЎТА. – 2006. – 3-сон. – Б.44-47; Пари образи ва унинг мифоэпик талқини // ЎТА. – 2007. – 3-сон. – Б.36-39; Ўзбек халқ насри поэтикаси. Масъул муҳаррир: Т.Мирзаев. – Тошкент: Фан, 2008; Ўзбек халқ нақллари // САУ. – 2009. – 6-сон. – Б.14–16; Нақллардан намуналар // САУ. – 2009. – 6-сон. – Б.17; Зардўштийлик ва эпик мотивлар генезисига доир // ЎТА. – Тошкент, 2009. – 1-сон; Минг бир кулгу. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент, 2010; Миф ва тилсим талқини // ЎФМ. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.55-61; Эртакчи ва эртакчилик анъаналари / ЎФМ. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.123–130; Эртакчи ва эртакчилик анъаналари / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.189–197.

***Ад.***: Жаҳонгиров Ғ. Эртакшунослик тадқиқоти / ЎГ. – 1975, 12 январь; Асқаров С., Ҳакимов М. "Ўзбек сатирик эртаклари" / ТҲ. – 1975, 7 июнь; Рўзимбоев С. Халқ прозаси ҳақида тадқиқот / ХҲ. – 1984, 30 март; Эгамов Х., Жўраев М. "Ўзбек халқ прозаси" // ЎТА. – 1985. – 4-сон. – Б.68-70; Мирзаев Т., Жўраев М., Ёқуббекова М. Комил Имомов // ЎТА. – 2001. – 4-сон. – Б.79-80; Мирзаев Т., Жўраев М. Ўзбек халқ насри тадқиқотчиси // ЎТА. – 2005. – 5-сон; Жўраев М., Юсупов Ж. Комил Имомов // ИС. – 2005. – 3-сон; Мирзаев Т., Жўраев М. Ўзбек фольклоршунослиги тараққиётида Комилжон Имомовнинг ўрни // ЎФМ. 3-китоб. – Тошкент: Фан. – Б.3–13 Профессор Комилжон Имомов (биобиблиографик кўрсаткич). Тузувчилар: М.Жўраев, М.Жўраева. – Тошкент: Фан, 2010; Профессор Комилжон Имомов илмий фаолияти ҳақида қисқача очерк / Профессор Комилжон Имомов (биобиблиографик кўрсат-

кич). Тузувчилар: М.Жўраев, М.Жўраева. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.6–13; Жўраев М., Жўраева М. Комил Имомов // ЎТА. – Тошкент, 2010. – 1-сон. – Б.114–116; Комил Имомов (1930–2013) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.189.

## Муҳсин ҚОДИРОВ

*(1932 йил 10 март, Шаҳрисабз шаҳри – 2015 йил, 27 февраль Тошкент шаҳри)*

Ўзбек халқ томоша санъати ва оғзаки драмалари тадқиқотчиси Муҳсин Халилович Қодиров 1950–1955 йилларда Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институтида ўқиган. 1955–1956 йилларда Шаҳрисабз театрида бош режиссёр, 1956 йили Қашқадарё вилоят маданият бошқармасида катта нозир, 1956–1957 йилларда Шаҳрисабз туманидаги 14-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1957 йилдан буён Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтида кичик илмий ходим (1957–1958), катта илмий ходим (1961–1964, 1966–1976), Театр ва хореография бўлимининг мудири (1976 йилдан бери) вазифаларида ишлаб келмоқда. 1996–1998 йилларда Тошкент давлат санъат институти ректори бўлиб ишлаган. 1976 йилда "Анъанавий ўзбек театри ва унинг ўзбек совет театрининг шаклланишидаги роли" мавзусидаги докторлик диссертациясини ёқлаган.

Халқ театрини ўрганишни анъанавий оғзаки драмаларни ёзиб олишдан бошлаган М.Қодиров 1958 йилдан бошлаб Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг фольклор экспедициялари режасига мувофиқ Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Наманган, Андижон, Ўш, Хоразм вилоятларида бўлиб, 300 га яқин халқ театри ижрочиларининг ижодий фаолиятини ўрганган, элликдан ошиқ профессионал ва ҳаваскор масхарабозлар билан ижодий суҳбатлар ўтказган, юзга яқин халқ драмаси, кулги-ҳикоя ва қизиқчилик намуналарини ёзиб олган, кўплаб пантомима, халқ рақслари ва томоша санъатининг бошқа анъанавий турларига доир материаллар тўплади.

М.Қодиров томонидан йиғилган материаллар ўзбек халқ томоша санъатини ўрганишда янги йўналишларни очиб берди. Чунки



илгари ўзбек халқ театри деганда фақат Фарғона водийси қизиқчилик санъати назарда тутиларди, холос. М.Қодиров эса Республикамизда ўзбек халқ анъанавий театрининг уч мактаби – Бухоро, Қўқон ва Хоразм мактаби мавжудлигини, ҳар бир анъананинг умумий ва ўзига хос томонларини аниқлади. Ўзбек халқ оғзаки драмасининг санъат сифатидаги ўзига хос жиҳатлари, ғоявий-бадиий хусусиятлари, образлар тизими, халқ санъаткорларининг ижрочилик маҳоратларини М.Х.Қодиров ўзи тўплаган фольклор материаллари, археологик топилмалар-у, тарихий-бадиий ҳамда этнографик манбалар асосида ўзбек халқ театрини чуқур тадқиқ этиб, театр фольклоршунослиги йўналишига асос солди. У фольклоршунослигимиз тарихида биринчи бўлиб хотин-қизлар фольклор театри мавжудлигини илмий жиҳатдан асослаб берди. У 1958 йилда Самарқанд вилоятидаги Ғус қишлоғида яшовчи санъаткор аёллардан ўттизта оғзаки драма ва кулги-ҳикояларни ёзиб олди ва аёллар халқ театрининг тарихий асослари, асосий йўналишлари, устоз-шогирд муносабатлари, ижро усуллари, оғзаки драмаларнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини ўрганди.

У ўзбек халқ санъатининг муқаллид, танқид, кулги-ҳикоя, масхарабозлик, қизиқчилик, қўғирчоқбозлик, от ўйин, аския, қарсак ўйин, муаллақчилик-дорбозлик, найрангбозлик каби қадимий турларига доир бой материал тўплаган ва тадқиқ этган. М.Х.Қодиров "Лайлак илонни овлади", "Юмронқозиқ", "Кичкинажон", "Кади бадбахт", "Бува қовоқ", "Теварак ўйин", "Аждаҳо ўйин", "Мавриги" каби турфа ўйинларни, Юсуфжон қизиқ, Уста Олим, Мулла Тўйчи, Тошканбой дарбоз, Карим чавандоз, Ака Бухор, Комил қори сингари халқ санъаткорларининг ижодий меросини ўрганди.

М.Қодиров ўзбек халқ оғзаки драмаларининг жанр хусусиятлари, темурийлар даври халқ театри анъаналарининг ўзига хос хусусиятлари, "Авесто" ва унинг халқ томоша санъати тараққиётидаги ўрни, халқ сайиллари ва маросимларининг тарихий асослари масалаларини ҳам тадқиқ этди.

***Ас.:*** "Ошиқ Ғариб" / ТҲ. – 1959, 9 декабрь; Кекса дорбоз // ШЮ. – 1959. – 2-сон. – Б.105–108; Юсуфжон қизиқ // ШЮ. – 1959. – 4-сон. – Б.102–106; Ғус қишлоғининг санъати //ШЮ. – 1959. – 8-сон. – Б.127–130; Карим қизиқ / ЁЛ. – 1960, 16 апрель; Халқ

санъатининг мероси тўпланмоқда / ЎМ. – 1960, 10 ноябрь; Ўзбек халқ оғзаки драмасининг ўрганилишига доир // ЎТА. – 1961. – 2-сон. – Б.33-40; Из истории узбекского народного театра / Научные работы и сообщения. кн.4. – Ташкент, 1961. – С.251–257; Халқ рақслари ҳақида // ШЮ. – 1961. – 3-сон. – Б.147–163; Ўзбек халқ оғзаки драмасининг сатирик кучи // ЎИФ. – 1961. – 5-сон. – Б.22–28; Женский народный театр // ЗВ. – 1961. – №9. – С.140–150; Ўзбек халқ оғзаки драмаси. – Тошкент, 1963; Асака дорбозлари / ЎМ. – 1963, 27 июль; Замон ва халқ ижоди / ЎМ. – 1963, 17 август; Қибрайлик қизиқчи аёллар / ЎМ. – 1963, 4 сентябрь; К истории народного театра в Ферганской долины // ОНУ. – 1963. №11, С.47-49; Женский народный театр Узбекистана. – М.: Наука, 1964; Women's folk theatre in Uzbekistan. – М.: Наука, 1964; Халқ қалбининг ойнаси // ФТ. – 1964. – 10-сон. – Б.34-37; Тили аччиқ, дили чучук хотинлар // ФТ. – 1965. – 8-сон. – Б.24–26; Митти артистларнинг катта томошаси // ФТ. – 1966. – 3-сон. – Б.20–23; Ўзбек халқ цирки // ФТ. – 1966. – 10-сон. – Б.20–23; Фольклоршунослигимиз ҳақида ўйлар / ЎМ. – 1966, 23 июль; Қизиқчилик санъати / ЎМ. – 1966, 17 сентябрь; Комил қизиқ / ЎМ. – 1966, 22 октябрь; Жумбоқ таҳлили // ШЮ. – 1967. – 6-сон. – Б.219–220; Кулки-ҳикоя // ЎХИ. – Б.80-94; Муқаллид // ФТ. – 1968. – 1-сон. – Б.32-33; Оғзаки драматургия / ЎМ. – 1968, 9 август; Ҳамза ва Юсуфжон қизиқ // ШЮ. – 1969. – 3-сон. – Б.233–236; Алишер Навоий ва санъат. – Тошкент, 1968; Қарсак ўйин // Гулистон. – 1969. – 12-сон. – Б.28; Юсуфжон қизиқ ижоди. – Тошкент, 1969; Ҳамза ва халқ театри / ЎСФМ. – Б.144–191; Ўзбек халқ театри. – Тошкент, 1970; Достонлар таҳлили / ЎМ. – 1970, 6 январь; Чодир жамол, фонус хаёл // Гулистон. – 1971. – 7-сон. – Б.23; Олмос истеъдод // МВТ. – 1971. – 11-сон. – Б.12–13; Масхарабоз ва қизиқчилар санъати. – Тошкент: Фан, 1971; Очил масхара // МВТ. – 1972. – 5-сон. – Б.9; Халқ қўғирчоқ театри. – Тошкент, 1972; Ҳамза ва халқ санъати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1972; Қўғирчоқ театри ва анъана / ЎМ. – 1972, 5 май; Эргаш Жуманбулбул ўғли ва фольклоршунослик / ЎМ. – 1973, 31 июль; Хамза и народное искусство // ЗВ. – 1974. – №10. – С.176–181; Ака Бухор // ШЮ. – 1975. – 3-сон. – Б.199–203; Қўғирчоқбозлар санъати кўриги / ЎМ. – 1975, 24 октябрь; Ўзбек театри анъаналари. – Тошкент 1976; Соқибулбул образининг талқини // ПШ. – Тошкент, 1976. – Б.120–126; Комил қизиқ // МВТ. – 1976. – 12-сон. – Б.20–21; Театр кукол – театр мысли // ЗВ. – 1976. – №6. – С.146–149; Халқ рақси изидан. – Тошкент, 1976; Анъана ва замонавийлик // СЎС. – 1978. – 2-сон. – Б.10–11; Олтин силсила // СЎС. – 1978. – 8-сон. – Б.20–23; 9-сон. – Б.8-9, 63-69; Анъанавий қўғирчоқ театри // СЎС. – 1979. – 5-сон. – Б.14–15; Узбекский традиционный театр кукол. – Тошкент, 1979; The uzbek pupper theatre. – Tashkent, Vneshtorgizdat, 1979; Қўғирчоқлар ўйнаганда // Муштум, 1979, №5, 3-бет; Қўшиқ унинг бахти // ШЮ. – 1979. – 11-сон. – Б.218–221; Қадимий санъатнинг янги саҳифалари // СЎС. – 1980. – 1-сон. – Б.2-3; Барҳаёт образ талқини // СЎС. – 1980. – 4-сон. – Б.2-3; Ўзбек халқ томоша санъати. – Тошкент, 1981; Бебаҳо хазина неъматлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1983; Своеобразие школ узбекского театра масхарабозов и кизикчи / Фольклорный театр. – М.: Наука, 1985. – С.83–114; Қизиқчининг куни туғди // СЎС. – 1988. – 10-сон. – Б.14–16; Қизиқчилар сардори // СЎС. – 1989. – 4-сон. – Б.30-31; Сеҳрли сандиқ // Санъат. – 1989. – 7-сон. – Б.30-31; "Аския", "Халқ театри", "Қўғирчоқ ўйин" / Ўзбек фольклори очерклари. – 2-том. – Тошкент, 1989. – Б.163-317; Наврўз – халқ байрами / СЎ. – 1990, 2 март; Юсуфжон қизиқ. – Тошкент: Фан, 1991; Алишер Навоий ва томоша санъати // Санъат. – 1991. – 2-сон. – Б.2-3; Кулгулар ранг-баранг бўлсин // Санъат. – 1991. – 10-сон. – Б.18–19; "Фарҳод ва Ширин": саҳнавий талқинлар // Санъат. – 1991. – 12-сон. – Б.3-4; Историко-типологические корни, связи и черты узбекского традиционного театра кукол / Музыкальное, театральное искусство и фольклор. – Ташкент, 1992. – С.124–138; Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. – Тошкент, 1993; Дин, "Авесто", ижрочилик // Нафосат. – 1993. – 3-сон. – Б.14–15; Оловхона, эркак уйлари, "Подшо-вазир" ўйини // Нафосат. – 1993. – 7-8-сон. – Б.25–26; Сиёвушнома // Нафосат. – 1993. – 9–10-сон. – Б.24–25; Бобур масхара ва раққослар ҳақида // Гулистон. – 1994. – 2-сон. – Б.14–16; Темур, темурийлар даври ва томоша санъатлари // Гулистон. – 1995. – 3-сон. – Б.13–17; Темур ва темурийлар даврида томоша санъатлари. – Тошкент, 1996; Навоий даври анъанавий театри // Гулистон. – 1996. – 5-сон. – Б.13–15; Байрамлар, ўйинлар, томошалар / Амир Темур жаҳон тарихида. Тадқиқот-альбом. – Париж, 1996. – Б.190–192, 193–198, 289–290; Ўзбек театри: келиб чиқиши ва босиб ўтган йўллари / Ўз-

бекистон санъатшунослиги муаммолари. – Тошкент, 1997. – Б.51-61; Халқ томошалари ва байрамлар / Хива минг гумбаз шаҳар. Тадқиқот-альбом. – Тошкент, 1997. – Б.109–144, 153–154; Байрамлар ва томошалар / Бухоро – Шарқ дурдонаси. Тадқиқот-альбом. – Тошкент, 1997. – Б.130–137, 222–223; Байрамлар, томошалар, маросимлар / Мозийдан таралган зиё. – Тошкент, 1998. – Б.149–159; Қарсак ўйин // Гулистон. – 1998. – 4-сон. – Б.45-47; Навоий ва саҳна санъати. – Тошкент, 2000; Зардўштийлик ва томоша санъати // Гулистон. – 2000. – 4-сон. – Б.36-37; Оташгоҳдаги ўйинлар // Сирли олам. – 2000. – 6-сон. – Б.10–11; Навоий давридаги томошагоҳлар / Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. – Тошкент, 2001. – Б.29-31; "Авесто" ва томоша санъатлари / "Авесто" ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни" мавзуидаги илмий анжуман тезислари. – Тошкент, 2001. – Б.44-46; Қўғирчоқ театри // Ўзбекистон санъати. – Тошкент, 2001. – Б.171–176; Анъанавий театр драматургияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 360 б.; Ўзбек анъанавий театри. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – 468 б.; Труды по истории зрелишных искусств Узбекистана. В 3-х томах. 1 том. – Ташкент, 2010. – 240 с.; Томоша саньатлари ўтмишда ва бугун. 1-жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – 528 б.; Томоша саньатлари ўтмишда ва бугун. 2 жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2012. – 360 б.; Томоша саньатлари ўтмишда ва буғун. 3-жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2013. – 368 б.; Труды по истории зрелишных искусств Узбекистана. В 3-х томах. 3 том. – Ташкент, 2013. – 384 с.; Қўғирчоқ ўйин / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.198–209.

***Ад.:*** Яковлева К. Искатели таланта / ПВ. – 1960, 20 марта; Аминов М. Фольклор театри ҳақида янги китоб / ЎГ. – 1963, 26 май; Турсунов Т. Муҳим ҳисса / ЎМ. – 1963, 24.VII; Фролова С. Фольклорные экспедиции / ТП. – 1964, 2 ноябрь; Баяндиев Т., Исломов Т. Қизиқарли тадқиқот / ЎМ. – 1968, 13 декабрь; Акбарова Ҳ. Ҳаваскор қўғирчоқбозлар / ЎМ. – 1969, 21 ноябрь; Мирзаев Т. Халқ театрининг таҳлили / ЎМ. – 1973, 22 июнь; Турсунбоев С. Сарчашма ("Ўзбек театри анъаналари" китоби ҳақида) / ЎМ. – 1976, 7 декабрь; Баяндиев Т., Ким Н. Анъаналар таҳлили / СЎ. – 1977, 27 март; Мирзаев Т. Ҳаётбахш анъаналар / СЎ. – 1977, 22 сентябрь; Пўлатов И., Аҳмад С., Раҳимжонов И. Изланишлар сарҳисоби / ЎМ. – 1977, 4 октябрь; Оллоназаров Т., Икромов Ҳ. Салмоқли ҳисса / ТО. – 1977, 17 октябрь; Ким Н.С. Наследие живое, развиваюшиееся // ЗВ. – 1977. – №8. – С.179–182; Исломов Т., Аҳмедов С. Тухфа // МВТ. – 1977. – 10-сон. – Б.12–13; Имомов К., Икромов Ҳ. Қизиқарли тадқиқот // СЎС. – 1980. – 5-сон. – Б.27; Ҳайитбоев С., Умурзоқов К. Жанр тақдири ҳақида / ЎАС. – 1981, 19 июнь; Қодиров Мухсин Халилович / ЎСЭ. – 14-том. – Б.130; Исроилов М., Сайфуддинов А. Қизиқарли тадқиқот / ТО. – 1981, 2 ноябрь; Мирзаев Т. Томоша санъати / ТО. – 1982, 19 ноябрь; Мирзаев Т., Жўраев М. Ажойиб тухфа / ЁЛ. – 1989, 18 октябрь; Турсунов Т. Ҳосил фасли / ЎАС. – 1992, 6 март; Мирзаев Т. Халқ ижодини ардоқлаб / ЎО. – 1992, 10 март; Аҳмад С. Фан фидойиси / ТҲ. – 1992, 10 март; Зоҳидова Н. Саҳна тадқиқотчиси // ҚҲ. – 1992, 10 март; Фан арбоби (саҳифа) // Нафосат. – 1992. – 5-6-сонлар. – Б.20; Абдураҳмонов А. Томоша санъати "Авесто"-дан бошланган / ЎАС. – 1993, 8 июль; Турсунбоев С. Маънавият илдизларини излаб / Ишонч. – 1996, 22 октябрь; Азизов Тошкент, Қобулов А., Исломов Т. Унвон муборак / ЎАС. – 1998, 3 апрель; Ўринов Э., Абдураҳмонов И. Изланиш самараси // Театр. – 2000. – 5-сон. – Б.38; Тўлаганова М., Қодирова С. Илмга бахшида умр. Муҳсин Қодиров. Илмий-ижодий фаолияти. – Тошкент, 2002; Муҳсин Қодиров (1932–2015) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.198.

### Насрулло САБУРОВ

*(1932 йил 9 август – Ҳазорасп тумани – 2000 йил)*

Ўтган асрнинг 50-60-йилларида халқ оғзаки ижоди асарларини ёзиб олиш билан шуғулланган фольклор тўпловчи Насрулло Сабуров Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманидадаги 5-сон ўрта мактабни тугатгач, 1959–1964 йилларда Тошкент давлат педагогика

институтининг филология факультетида таҳсил олган. Ўқишни тамомлагач, маълум муддат Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманидаги 9-ўрта мактабда она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1965–1968 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида лаборант бўлиб хизмат қилган.

У 1955 йилдан хоразмлик халфалар ижодиёти, эртакчи ва қўшиқчилар репертуарига доир материаллар тўплаш билан шуғулланиб келган. 1956–1965 йиллар давомида Саодат халфа Худойберган қизи, Махфира Собирова, Ҳожи Худойберганов, Рўзи Ёқуб Камина, Матназар Жабборов, Розия халфа Матниёз қизи, Очил Эшмурод ўғли каби халфа ва бахшилардан терма, қўшиқ ҳамда достонлар ёзиб олган. 1967 йилда наманганлик Раззоқ Қозоқбой ўғли достонларини ёзиб олишда ҳам иштирок этган. У ёзиб олган "Хуршид билан маликаи Моҳ", "Уста бола" (М.Собирова), "Қоракўз ойим", "Авазнинг Чамбилга келтирилиши" (Матназар Жаббор ўғли) достонлари ва бир қанча тарихий қўшиқлар, 1965–1967 йилларда тўпланган эртак, мақол, қўшиқ, лапар, латифа ва афсоналар ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида сақланади.

Н.Собуров томонидан ёзиб олинган фольклор материаллари "Хоразм халқ қўшиқлари" (1965), "Олтин олма. Ҳаётий эртаклар" 1-китоб (1966), "Ойжамол. Ҳаётий эртаклар". 2-китоб (1969) мажмуаларига киритилган. У Розия Матниёз қизидан ёзиб олинган "Гулруҳ пари"(1967), Матназар Жаббор ўғли айтган "Қоракўз ойим" (1967) достонларини нашрга тайёрлашда иштирок этган. Шу билан бир қаторда, халфаларнинг ижрочилик маҳорати, репертуари ва қўшиқларининг мавзу-мазмунини ўрганиш билан ҳам шуғулланган.

*Ас.*: Халқ қўшиқлари. Бадиий ҳаваскорлик коллективлари учун репертуар. – Тошкент, 1968; Халфалар репертуарида янги қўшиқлар / ЎСФМ. – Б.66-70; Муҳаббат гулшани. Қўшиқлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – 54 б.



**Анора МЎМИНОВА**

*(1933 йил 2 апрель, Самарқанд шаҳри)*

Мўминова Анора Усмоновна 1946–1947 йилларда Самарқанд шаҳридаги хотин-қизлар педагогика билим юртида, 1949–1954 йилларда Самарқанд давлат университети Ўзбек ва тожик филологияси факультетида, 1965–1968 йилларда шу илм даргоҳининг сиртқи бўлим аспирантурасида ўқиган. 1954–1964 йилларда Самарқанд шаҳридаги 21-ўрта мактабда ўқитувчи, 1964–1968 йилларда 1-болалар мактаб-интернатида, 1968–1970 йиллар 28-ўрта мактабда директор лавозимларида ишлаган. 1970 йилдан Самарқанд давлат университети Ўзбек мумтоз адабиёти кафедрасида доцент сифатида ишлаган. 1968 йилда профессор Н.Маллаев раҳбарлигида "Ўзбек халқ эртакларида хотин-қизлар образи (реализм ва романтизм тенденциялари асосида)" мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

А.У. Мўминова ўзбек халқ эртакларининг образлар тизими, халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор масалаларини ўрганган. 1983–1986 йилларда Самарқанд вилоятининг Ургут тумани бўйлаб ўтказилган фольклор экспедицияларида иштирок этган.

*Ас.*: Образ матери в народных сказках / Материалы XXIII научной конференции СамГУ. – Самарканд, 1966; Оналаримиз образлари / ЎМ. – 1967, 26 июль; Севимли образлар / ЎМ. – 1967, 29 апрель; Эртакларда романтизм ва реализм ҳақида баъзи қайдлар // ЎТА. – 1967. – 2-сон. – Б.67-70; Ўзбек халқ эртакларида аёл жангчи ва давлат арбоби образлари ҳақида // ЎИФ. – 1967. – 2-сон. – Б.53-55; Образы женщины в узбекских народных сказках (в аспекте тенденции реализма и романтизма). АКД. – Самарканд, 1967; Халқ оғзаки ижодида аёллар образи. – Тошкент, 1969; Халқ ижоди ва ҳаётийлик / ЎМ. – 1969, 15 апрель; Эртаклар ҳақида / ЎМ. – 1969, 2 сентябрь; Эртакларда сатира ва юмор / СамДУ илмий асарлари тўплами. – Самарқанд, 1985.

*Ад.*: Ҳомидий Ҳ. Эртаклар ҳақида / ЎМ. – 1969, 2 ноябрь; Мирзаева М. "Халқ оғзаки ижодида аёллар образи" / ЭШУДЎ. – Б.203–204.

## Ғайрат ЖАЛОЛОВ

*(1933 йил 9 август, Тошкент шаҳри – 2014 йил 25 январь)*

Ўзбек халқ эртакларининг йирик тадқиқотчиси Ғайрат Орипович Жалолов 1952–1955 йилларда Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети) филология факультетида, 1956–1959 йилларда эса шу институт "Ўзбек адабиёти" кафедраси қошидаги аспирантурада ўқиган. 1955–1957 йилларда Тошкент шаҳридаги 38-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, 1960–1964 йилларда Тошкент давлат педагогика институтида ўқитувчи, 1964–1969 йилларда катта ўқитувчи, 1964–1970 йилларда Кутубхоначилик факультети декани, 1970–1974 йилларда "Ўзбек адабиёти" кафедрасининг доценти бўлиб ишлаган. 1975–1980 йилларда Тошкент давлат маданият институти Кутубхоначилик факультети декани ҳамда "Ўзбек адабиёти" кафедрасининг доценти, 1980–1987 йилларда профессор, 1987–1989 йилларда "Оммавий халқ байрамларини ташкил этиш режиссураси" кафедраси мудири, 1989–1991 йилларда "Халқ ижодиёти ва оммавий байрамлар" кафедраси мудири, 1991–2001 йилларда "Халқ ижодиёти" кафедрасининг мудири вазифаларида ишлаган.

1962 йилда "Ҳамза ва халқ оғзаки ижодиёти" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган Ғ.Жалоловнинг илк тадқиқотларида Ҳамза ижодидаги фольклоризмлар табиати, айниқса, унинг драматик асарлари сюжетида қўлланилган халқ оғзаки бадиий ижоди мотивлари таҳлилига кенг ўрин берилган. Олим бадиий адабиётдаги фольклоризмларнинг поэтик хоссаларини ўрганиш асосида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг халқ оғзаки ижодидан фойдаланишдаги ўзига хос маҳоратини очиб берган.

Ғ.Жалолов ўзбек халқ эртакларининг тарихий асослари, анъанавий мотивларнинг генезиси ва эпик табиати, образлар тизимининг ўзига хосликлари, бадиий формулаларнинг эртак сюжет қурилишидаги поэтик вазифаларини чуқур ўрганиб, 1987 йилда "Ўзбек халқ сеҳрли эртакларининг генезиси ва поэтикаси" номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Унинг асарларида эртакларнинг ўзига хос жанр хусусиятлари, эртаклар таснифи, унинг бошқа жанрларга муносабати масаласи қаҳрамон, сюжет ва



мотивлар тизими таҳлили мисолида тадқиқ этиб, ўзбек фольклори эпик жанрларининг тарихий тараққиёти, қадимий маросимларнинг ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимидаги анъанавий мотивлар генезисига доир муҳим илмий-назарий қарашлар баён қилинган.

Ғ.Жалолов Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти талабалари билан биргаликда ўтказилган фольклор экспедицияларида (1965, 1968, 1970) ва Тошкент давлат маданият институтининг Хоразм экспедициясида (1986) иштирок этган. Рус тилида нашр этилган икки жилдлик "Ўзбек халқ эртаклари" мажмуасини нашрга тайёрлашда қатнашган ва педагогика институтларининг сиртқи бўлим талабалари учун "Ўзбек фольклори" (1967) номли услубий қўлланма чоп эттирган.

***Ас.***: Хамза и устное народное творчество. АКД. – Ташкент, 1962; "Майсаранинг иши" ва фольклор. – Тошкент, 1965; Ўзбек фольклори (Педагогика институтларининг сиртқи бўлим талабалари учун услубий қўлланма). – Тошкент, 1967; Сеҳрли эртаклар ва ҳаёт // ЎТА. – 1972. – 2-сон; "Майсаранинг иши" комедияси ва халқ оғзаки ижоди. – Тошкент, 1973; Сатирик эртакларнинг баъзи хусусиятлари // ЎТА. – 1974. – 1-сон; Ҳамза шеърияти ва халқ оғзаки ижодиёти. – Тошкент, 1975; Эртак ва ҳаёт. – Тошкент, 1975; "Хуршидой" ва ўзбек халқ эртаклари // Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.134–138; Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Тошкент, 1976; Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979; Узбекский народный сказочный эпос. – Ташкент: Фан, 1980; Взаимовлияние эпических жанров узбекского фольклора / Фольклор, литература и история Востока. – Ташкент, 1984. – С.273–275; Эртак – ҳаёт кўзгуси // ФТ. – 1985. – 3-сон; Жавоҳирлар олами // Гулистон. – Тошкент, 1985. – 10-сон; Генезис и поэтика узбекской волшебной сказки. АДД. – Ташкент, 1987; Ҳамза драматургияси ва фольклор. – Тошкент, 1988; Маънавий мулк (профессор Ғ.Жалолов билан М.Қўшмоқов суҳбати) // Мактабгача тарбия. – 1992. – 11–12-сон. – Б.18–19; Эртак ва маросим // ЎТА. – 1995. – 2-сон. – Б.29-32; "Алпомиш" ва халқ эртаклари / "Алпомиш" – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент, 1999. – Б.140–147; "Алпомиш" достони ва эртаклар / АДЖХЭИ. – Б.28-30; Миллий қадриятларимиз ва тарбия масалаларига доир / Халқ донишмандлиги маърифати. – Тош-

кент, 2000. – Б.3–12 (ҳамк.); “Фольклор” атамаси хусусида айрим мулоҳазалар / Халқ донишмандлиги маърифати. – Тошкент, 2000. – Б.13–20; “Алпомиш” достони ва эртаклар / Халқ донишмандлиги маърифати. – Тошкент, 2000. – Б.32-43; Эртаклардаги удумлар / Халқ донишмандлиги маърифати. – Тошкент, 2000. – Б.128–137; “Алпомиш” ва халқ эртаклари / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.210–217.

***Ад.***: Сайимов Б., Иброҳимов М. Эртаклар поэтикаси / ЎМ. – 1976, 7 сентябрь; Мирзаев Т., Маҳмудов М. Хаёлот кудрати / ЎГ. – 1977, 7 июль; Раҳимов Н., Эгамов Х. Янги тадқиқот / ТҲ. – 1977, 16 ноябрь; Рахимов Н. В мире сказок // ЗВ. – 1977. – №5; Умаров С. Эртак эрмак эмас / ЎМ. – 1980, 24 ноябрь; Николаев Н. “Узбекский народный сказочный эпос” / Вопросы литературы. – М., 1981. – №10; Турдиев Ш. Предмет исследования-сказки / Вечерный Ташкент. – Ташкент, 1982, 11 январь; Бекназаров Қ. Фольклоршунос Ғ.Жалолов ижодига бир назар / Келажак тонги. – Тошкент, 1993, 30 ноябрь; Ғайрат Жалолов (1933–2014) / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.210.

## Малик МУРОДОВ

*(1933 йил 20 июль, Янгиқўрғон тумани, Чортоқ қишлоғи – 2001 йил 25 декабрь, Тошкент шаҳри)*

Ўзбек фольклори асарларини тўплаш ва тадқиқ этиш борасида катта ишларни амалган оширган М.Муродов ТошДУнинг филология факультетида (1950–1955), ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасида (1959–1961) ўқиган. Ўз меҳнат фаолиятини 1955–1958 йилларда Чортоқ туманидаги Фуркат номли ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс беришдан бошлаган. 1961–1967 йиллар ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида катта илмий ходим, 1967–1978 йилларда Алишер Навоий номли Адабиёт музейида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. 1979 йилдан то



умрининг охиригача Тошкент давлат Маданият институтида катта ўқитувчи, доцент, профессор (1981), кафедра мудири лавозимларида ишлаган. У 1975 йилда “Ўзбек “Гўрўғли” достонларининг жанр ва ғоявий-бадиий хусусиятлари” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган.

М.Муродов “Гўрўғли” достонларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари халқ бахшиларининг образ яратиш ва уларни умумлаштириш усуллари, Гўрўғли образининг тарихий асослари, достонда ифодаланган халқчил ғояларнинг типик образлар тасвири билан боғликлиги каби масалаларни ўрганган. Олим ўзбек эпосшунослигининг муҳим назарий масалаларидан бири – “Гўрўғли” достонларининг образлар тизими ва бадиияти масалаларини таҳлил қилган. Мазкур достоннинг вариантлари, сюжет ва композицияси, бу туркум достонларида халқ орзу-истакларининг ифодаланиши, уларнинг бахши-шоирлар репертуарида тутган ўрни, шунингдек, халқ бахшиларининг ижодий мактаблари, достон куйлаш маҳорати юзасидан тадқиқотлар олиб борган.

М.Муродов ўзбек халқ фантастикасининг таҳлилига доир қатор асарлар яратган. Эртаклардаги мифологик образларнинг генезиси халқ афсонавий эътиқодларининг эртак сюжети ва мотивларига таъсири, эртакларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари ўзбек адабиётида фантастика жанрининг пайдо бўлиши ва шаклланишида мифология ҳамда сеҳрли эртакларнинг ўрни, эртакларнинг тарихий асослари, эртак айтиш жараёни ва эртакчилик ижрочилик маҳоратини ўрганган. У ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодиётининг маданий ҳаётимизда тутган ўрни, фольклор-этнографик жамоаларининг ўзига хос хусусиятлари, фольклор ва этнография, маросимшунослик масалаларини ҳам тадқиқ этган.

Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Навоий, Самарқанд вилоятларида яшовчи халқ бахшилари репертуарини тадқиқ этиш асносида ўзбек достончилик мактабларининг ўзига хос хусусиятларига доир қизиқарли хулосалар чиқарган М.Муродовнинг фольклор экспедициялари давомидаги илмий кузатишлари “Ижод дурдоналари излаб” (1969) ва “Сарчашмадан томчилар” (1984) номли китобларида оммалаштирилган. Унинг “Ҳаётбахш хаёллар” (1985) асарида ўзбек халқ сеҳрли эртакларининг сюжет қурилиши, образлар силсиласи, эртакчилик анъанасининг ўзига хос жиҳатла-

ри ва эртаклар бадиияти хусусида баҳс юритилган бўлса, “Эпос Гор-оглы сокровищница души и чаяния народа” (1990) номли монографияси эса “Гўрўғли” достонларининг илмий таҳлилига бағишланган.

Олим Алишер Навоий, Бобур, Машраб каби улуғ сиймолар тўғрисидаги ўзбек халқ ривоятлари, жой номлари билан боғлиқ топонимик афсоналарни изчил тўплаб, “Доно Алишер” (Т.Мирзаев ва З.Ҳусаиновалар ҳамкорлигида чоп эттирилган), “Алломалар ибрати” (1982), “Асотирлар ва ривоятлар” (1991) каби тўпламлар ҳолида чоп эттирди.

М.Муродов 1959 йилдан бери республикамизнинг турли вилоятларида фольклор экспедицияларида бўлиб, Юсуф Ўтаган ўғли, Раззоқ Қозоқбой ўғли, Ҳусан бахши Ражаб ўғли, Ҳайдар Бойча ўғли, Усмон Мадумар ўғли, Эшқобил Қўшоқ ўғли, Ҳазратқул Худойберди ўғли, Қодир Раҳим ўғли, Хушвақт Мардонақул ўғли каби бахшиларнинг репертуарини ўрганиб, кўплаб достон, эртак, ривоят, афсона, мақол ва топишмоқларни ёзиб олган. У “Гўрўғлининг туғилиши”, “Хиламан”, “Баҳром ва Гуландом”, “Зевархон”, “Гулруҳпари”, “Қоракўз ойим”, “Жорҳун мастон”, “Нурали” каби достонларни нашрга тайёрлаган. Ўзи ёзиб олган материаллар асосида “Ўзбек халқ фантастикаси” силсиласидаги “Оймома аждаҳо” (1983), “Қора дев” (1984), “Ёнар дарё” (1985), “Илон пари” (1986) “Само тулпори” (1987), “Гуликаҳқаҳ” (1988), “Олтин олма” (1989) каби ўнта эртак мажмуасини чоп эттирган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин М.Муродов томонидан ташкил этилган фольклор экспедицияларининг қамрови янада кенгайди. Айниқса, “Алпомиш” достони вариантларини ёзиб олиш мақсадида ўтказган экспедициялари анча самарали бўлди. Бу илмий изланишлар давомида олим ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси вариантларини ёзиб олиш билангина чекланмасдан, халқимизнинг турли-туман урф-одатлари, маросимлари, миллий қадриятлари, афсона, ривоят, қўшиқларини тўплашга ҳам алоҳида эътибор берди. Натижада унинг ўз шогирдлари билан ҳамкорликда яратган “Алпомишнома” (1999) ва “Қадриятнома” (2001) каби бир неча жилдлик асарлари юзага келди.

Тошкент давлат Маданият институтида халқ бадиий ижодиёти ихтисослиги бўйича таҳсил оладиган талабалар учун тузилган



“Фольклор ва этнография” (1986), “Маросимшунослик” (1986), “Фольклор байрам-сайллари” (1988) каби дастурларнинг муаллифларидан биридир.

*Ас.*: Фольклор асарларини нашр этишга жиддий эътибор берайлик / ЎМ. – 1959, 18 апрель; Халқ оғзаки ижодини пухта ўрганайлик / НҲ. – 1959, 9 октябрь; Фольклор экспедицияси натижалари / ЎМ. – 1960. – №19. – Б.3; Ўзбек халқ достонларида образ яратиш усуллари ҳақида баъзи мулоҳазалар / ЎТА. – 1961. – №5. – Б.37-44; Ўзбек “Гўрўғли” достонларида хотин-қизлар образи / ЎТА. – 1961. – №6. – Б. 24-34; “Гўрўғли” достонларида халқлар дўстлиги мотивларига доир / Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2-китоб.Т., 1961. – Б.96–101; Ўзбек “Гўрўғли” достонларини ўрганиш тарихидан / Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 3-китоб. Т., 1961. – Б.344-353; “Гўрўғли” достонларида доимий эпитетлар / Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 3-китоб. Тошкент, 1961. – Б.344-353; – 1961. – №4. – Б.65-67; Образ Гороглы в узбекском народном эпосе. АКД.1962; “Далли” достони ҳақида / ЎГ. – 1962, 13 декабрь; На алп кўмилган, на авлиё // ФТ. – 1963, №9. – Б.32-33; Очил Эшмурод ўғли / ЎГ. – 1964, 10 декабрь; Раззоқ бахши Қозоқбой ўғли // ШЮ. – 1966. – №11. – Б.135–136; Афсоналарда шоир тимсоли // ЎТА. – 1967. – №4. – Б.24–28; Ўзбек фольклоршунослигининг ярим асри // ШЮ. – 1967. – №9; Раззоқ бахши Қозоқбой ўғли // ЎИФ. – 1967. – №9; Ўзбек “Гўрўғли” достонларининг илк тадқиқотчилари / ЎХИ. –Т., 1967. – Б.42-48; Ижод дурдоналари излаб. – Тошкент, 1969; Садоқат сарчашмалари // ЎТА. – 1970. – №2. – Б.57-61; Достон ҳақида / Фозил Йўлдош ўғли. Зевархон. – Тошкент, 1970. – Б.36; Изланишлар ва топилмалар. – ЎТА. – 1970. – №1. – Б.92-94 (ҳамк.); Сўз гавҳарининг уммони // ШЮ. – 1970. – №10. – Б.162–167; Мураббий, бахши ва бастакор / ЎГ. – 1970, 13 август; Улуғ инсон мадҳи / ЎМ. – 1970, 10 март; “Далли” достонининг бадиий хусусиятларига доир / ЭШУДЎ. – Б.74-91 (ҳамк.); Буюк мерос // ШЮ. – 1972. – №8. – Б.215–217; Эргаш шоир бадиияти // АДМ. – 1973. – №3. – Б.189–206; “Балогардон” достони ҳақида мулоҳазалар / Фозил шоир. – Тошкент, 1973. – Б.68-75; Чашма // МВТ. – 1974. – №3. – Б.22–23; №4. – Б.22–23; №5. – Б.18–19; №6. – Б.20–21; Жанровые и идейно-художественные особенности даста-

нов "Героглы". АДД. – Тошкент, 1975; Асримиз Гомерлари (Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Ислом шоирлар) // МВТ. – 1975. – №12; Народ не забыл их: Фазыл Юлдаш оглы, Пулкан шаир, Ислам шаир / Сельская правда. – 1975, 5 сентября; Достонлар хазинабони // СЎ. – 1975, 29 август; "Хушкелди" достони // АДМ. – 1976. – №5. – Б.79-84; Ўзбек бахшилари поэтик мактаби // АДМ. – 1976. – №4. – Б.87-92; Пўлкан шоир репертуарида "Гўрўғли" достонларининг ўрни / ПШ. – Тошкент, 1976. – Б.25-34; Бобир ҳақида афсоналар // МВТ. – 1976. – №11. – Б.28–29; №12. – Б.28–29; Машраб ҳақида афсоналар // МВТ. – 1977; №1. – Б.28–29; Бахши истеъдодининг қирралари // АДМ. – 1977. – №8. – Б.65-73; Фарғона водийси халқ достончилиги ҳақида баъзи қайдлар // АДМ, 1977, №7, 71-75-б.(ҳамк.); Достон куйлаш маҳорати // АДМ, 1977, №9; "Гулихиромон" достони ҳақида / ИСШ, 20–26-б.(ҳамк.); Бекмурод жиров ижоди // ЎТА, 1980, №6, 11–16-б.(ҳамк.); Клуб ва халқ оғзаки ижоди // СЎС. – 1980. – №10. – Б.6-7; Мўъжизалар жилоси // Оймомода аждаҳо. – Тошкент, 1983. – Б.5–19; Қамай – бахшилар ватани // Гулистон. – 1983. – №7. – Б.4-5; Бахшилар – халқ қалби // СЎС. – 1983. – №7. – Б.4-5 (ҳамк.); Хаёлотнинг ҳаётбахш нафаси / Қора дев. – Тошкент, 1984. – Б.146–158 (ҳамк.); Сарчашмадан томчилар. – Тошкент, 1984; Ижод дурдоналарини излаб / НҲ. – 1985, 29 август (ҳамк.); Қанотли саёҳатлар / Илон пари. – Тошкент, 1985. – Б.183–191 (ҳамк.); Ҳаётбахш хаёллар. – Тошкент, 1985 (ҳамк.); Изланиш бекатларида (ёшлар достончилиги ҳақида ўйлар) // Ёшлик. – 1985. – №1. – Б.71-73; Бахшилар санъати // Гулистон. – 1985. – №11. – Б.29-30. Олтин сандиқ очилди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 118 б.; "Алпомиш изидан" илмий экспедициясининг дастлабки якунлари / АДЖХЭИ. – Б.30-31; Алпомишнома. 2-китоб. Қашқадарё талқини. – Тошкент: Меҳнат, 2000. – 558 б. (А.Эргашев билан ҳамк.); Ўзбек халқ достонларида образ яратиш усуллари ҳақида баъзи мулоҳазалар / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.218–226.

*Ад.*: Мирвалиев С., Алимов С. Халқ меҳрини қозонган олим / Халқ донишмандлиги сабоқлари. – Тошкент, 1993. – Б.3–12; Эгамов Х. "Дала орфейи" / Халқ донишмандлиги сабоқлари. – Тошкент, 1993. – Б.13–16; Қаҳҳоров А. Жанубий Ўзбекистон фольклорининг жонкуяри / Халқ донишмандлиги сабоқлари. – Тошкент, 1993. – Б.17–19; Эргашев А. Малик Муродов жамоатчи / Халқ донишмандлиги сабоқлари. – Тошкент, 1993. – Б.20–26; Алимов С. Малик Муродов ва ўзбек эртакшунослиги / Халқ донишмандлиги сабоқлари. – Тошкент, 1993. – Б.27-32; Эргашев А. Алпомишни алп билар. – Қарши: Насаф, 1998. – 128 б.; Малик Муродов. – ЎТА. – 2000. – №6. – Б.92-93; Малик Муродов (1933–2001) // https://uz.wikipedia.org.; Малик Муродов / wikiwand.com.; Малик Муродов (1933–2001) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.218.

**Муаззам МИРЗАЕВА**

*(1933 йил 24 декабрь, Шофиркон тумани – 2008 йил, Тошкент шаҳри)*

Ўзбек халқ достончилигидаги туркумлилик ҳодисасини ўрганган Муаззам Қодировна Мирзаева 1953–1958 йилларда ТошДУнинг филология факультетида ўқиган. 1961 йилдан ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида лаборант (1961–1966), кичик илмий ходим (1966–1986), илмий ходим (1986–1994) вазифаларида ишлаган. 1982 йилда "Гўрўғли" достонларида наслий туркумлик проблемаси ("Ҳасанхон" туркуми мисолида)" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

М.Мирзаева ўзбек халқ достонларида туркумлик ва туркумлаштириш мезонлари, туркумликнинг моҳияти, турлари ва унинг халқ достончилигида тутган ўрни, "Гўрўғли", "Авазхон", "Нурали" биографик туркумликларининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, халқ достонларида наслий туркумлик ва унинг эпик мезонлари масаласини "Ҳасанхон", "Далли", "Равшан" достонлари мисолида тадқиқ этган. 1967 йилда "Ҳасанхон" достонини сўзбоши ва изоҳлар билан нашрга тайёрлаган. Ўзбек халқ мақолларининг икки жилдлик мукаммал нашрини яратишда иштирок этган. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг 1980 йилда Жиззах вилоятига уюштирган фольклор экспедициясида қатнашган.

*Ас.*: "Авазхон" достони ҳақида / ЎМ. – 1966, 19 март; Улкан

олим (Ҳ.Зариф ҳақида) / ТҲ. – 1967, 20 март; О Фазыл Юлдаш оглы / Календарь знаменательных и памятных дат Узбекистана. – Ташкент, 1967; Халқ достончилигида туркумлик масаласи / ЎХИ. – Б.59-65; Наслий туркумлик масаласи / Бухоро давлат педагогика институтининг XIII илмий сессияси. – Бухоро, 1968; Музайяна Алавия // ЎТА. – 1969. – 6-сон. – Б.82-83 (ҳамк.); "Далли" ва "Равшан" достонлари наслий туркумлик намунаси сифатида / ЭШУДЎ. – Б.92-96; "Халқ оғзаки ижодида аёллар образи" / ЭШУДЎ. – Б.203–204; "Ўзбек топишмоқлари" / ЭШУДЎ. – Б.315-315; "Балогардон" достони – "Авазхон" кичик туркуми намунаси / Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973. – Б.76-80; Сўз ва соз // ЎМ. – 1975, 5 ноябрь; "Ҳасанхон" наслий туркумининг биринчи достони ҳақида / ПШ. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.34-37; Ўзбек халқ достонларида туркумлик // ЎТА. – 1977. – 4-сон. – Б.80-84; К вопросу о циклизации в узбекском дастанном творчестве / Материалы III-всесоюзной тюркологической конференции. – Ташкент, 1980. – С.114–117; О циклизации в узбекском дастанном творчестве / Фольклор, литература и история Востока. – Ташкент: Фан, 1984. – С.316-318; Проблема генеологической циклизации в узбекских дастанах "Гор-оглы" (на примере цикла "Хасанхан"). АКД. – Ташкент, 1982; Ўзбек халқ достонларида туркумлик. – Тошкент: Фан, 1985; О роли циклизации в развитии эпоса тюркоязычных народов / Вопросы тюркологии. 2. – Ашхабад, 1988. – С.137–139; Генеологическая циклизация и ее принципы (на примере узбекского народного эпоса "Гор-оглы") / Тюркология-88. – Фрунзе, 1988; Ўзбек халқ достончилигида туркумлик / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.227–233.

***Ад.***: Муаззам Мирзаева (1933–2008) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.227.



## Маҳмуда ОБИДОВА

*(1934 йил 8 март, Қарши шаҳри – 2004 йил, Тошкент шаҳри)*

Халқ достонлари тадқиқотчиси 1953–1958 йилларда Алишер Навоий номли Ўзбек давлат университети (ҳозирги Самарқанд давлат университети)нинг филология факультетида ўқиган Маҳмуда Обидова 1958–1959 йилларда "Ўқитувчи" нашриётида мусаҳҳиҳ, 1959–1961 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик академиясида кичик илмий ходим, 1961–1963 йилларда ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтида лаборант, 1963–1965 йилларда ТошДУнинг Ўзбек адабиёти кафедрасида катта лаборант бўлиб ишлаган. 1966 йилдан Тошкент давлат педагогика институти Адабиёт кафедрасида катта лаборант (1966–1970), ўқитувчи (1970–1976), катта ўқитувчи (1977–1987), доцент (1987) вазифасида ишлаган. 1983 йилда "Рустам" туркум достонларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

М.Обидова ўзбек халқ достонларидаги наслий, биографик, жўғрофий ва тарихий туркумлик намуналарининг ўзига хос жиҳатлари, "Рустам" туркум достонларининг юзага келиши ва бадиий силсила сифатида шаклланиши "Офтобой", "Султонхон", "Рустамхон", "Муродхон" достонларининг тарихий, маърифий ва бадиий-эстетик аҳамиятини ўрганган. Тошкент давлат педагогика институти Филология факультети талабаларининг фольклор дала амалиётининг раҳбари сифатида Қашқадарё (1983), Сурхондарё (1984), Самарқанд (1985, 1988), Андижон (1986), Тошкент (1987) вилоятларида фольклор экспедициясида бўлган.

***Ас.***: "Рустам" туркуми достонларининг ўрганилишига доир / Тошкент давлат педагогика институти илмий асарлари. 124-том. – Тошкент, 1975; Ўтмишнинг акс-садосигина эмас // ШЮ. – 1976. – 8-сон. – Б.227–230; "Муродхон" достонининг бадиий хусусиятлари // ЎТА. – 1979. – 5-сон. – Б.50-55; "Рустам" туркуми достонлари. – Тошкент: Фан, 1982; Идейно-художественное особенности цикла дастанов "Рустам". АКД. – Ташкент, 1982; Халқ оғзаки ижодида дўстлик, севги ва оила мавзуси. – Тошкент, 1985; Чори бахши ҳузурида / ҚҲ. – 1987, 7 август; "Кунтуғмиш" сабоқлари // Гулистон. – 1987. – 4-сон; "Ширин билан Шакар" достонида оила ва бола тарбияси масалалари // СМ. – 1988. – 2-сон; Тафаккур чечаклари.

Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1993; Мустақиллик "ёр-ёр"и / Ёзувчи. – 1997. – 16-сон.

**Отамурод ПИРМАТОВ**

*(1935 йил 15 декабрь, Урганч тумани, Ғойбу қишлоғи – 2012 йил 18 сентябрь, Урганч шаҳри)*

Халқ бахшилари, қиссахон ва халфалар эпик репертуаридан мустаҳкам ўрин олган "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достонининг қўлёзма ва тошбосма нусхаларини қиёсий-матний таҳлил қилиш орқали ушбу асарнинг йиғма матнини тайёрлаган Отамурод Пирматов 1956 йилда Урганч ўқитувчилар институтини тугатиб, ўз иш фаолиятини "Хоразм ҳақиқати" газетасида корректор лавозимида бошлаган. 1962 йилда Урганч давлат педагогика институтининг Тарих-филология факультетини тугатиб, ушбу институтда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлаган. У 1965–1966 йилларда "Октябрь байроғи" газетасида масъул котиб, 1966–1973 йилларда эса "Хоразм ҳақиқати" газетасида катта адабий ходим лавозимида фаолият кўрсатган. 1973–1976 йилларда Хоразм вилояти телевидениеси муҳаррири, 1976–1981 йилларда вилоят радиоси бош муҳаррирининг ўринбосари, 1981–1986 йилларда эса "Хоразм ҳақиқати" газетаси бош муҳаррири ўринбосари лавозимларида ишлаган.

О.Пирматов асосан бадиий ижод ва журналистик фаолият билан машғул бўлганлигига қарамай, Хоразм фольклорини тўплаш ва оммалаштириш билан изчил шуғулланган. У "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" Хоразм достонининг бахшилар ва халфалардан ёзиб олинган, олдин нашр этилган ва чоп қилинмаган вариантларини жамлаб фольклоршуносликдаги ғоят қийин, машаққатли иш – йиғма матн тайёрлашга киришган. Кўп йиллик илмий-текстологик тадқиқот натижасида достоннинг ажойиб тарздаги йиғма матнини тайёрлаган. Шу тариқа ушбу достон нафақат асарнинг мазмуни ва ноёблиги, балки, унинг бошқа халқлардаги вариантлардан тубдан фарқ қилиши ва ўзбек халқининг оғзаки бадиий ижодига мансублигини илмий томондан исботлаган.



*Ас.*: "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" (достон). Сўзбоши, луғат ва илмий изоҳлар билан нашрга тайёрловчи О.Пирматов. – Тошкент, 2017.

**Мақсуд АБДУРАҲИМОВ**

*(1935 йил 19 февраль, Уфа шаҳри – 2012 йили 9 ноябрь, Тошкент шаҳр)*

Ўзбек фольклори асарларини рус тилига таржима қилиб оммалаштиришга катта ҳисса қўшган заҳматкаш олим Мақсуд Муғаллимович Абдураҳимов Ўрта Осиё давлат университетининг журналистика факультетида (1955–1960), Қозон давлат университетининг аспирантурасида ўқиган (1969-71). У 1960-69 йилларда "Ўқитувчи" нашриётида, 1971-76 йилларда Ўзтелерадиода муҳаррир бўлиб ишлаган. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти лексикология ва лексикография бўлимининг кичик илмий ходими, 1983 йилдан Фольклор бўлимининг кичик илмий ходими, 1987 йилдан илмий ходим, 1990 йилдан умрининг охиригача катта илмий ходим вазифасида хизмат қилган.

М.Абдураҳимов ўзбек халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари ва афоризмларини рус тилига ўгириш муаммолари билан шуғулланган. Унинг "Ўзбек мақолларини таржима қилиш масалалари" (1966), "Икки тилли луғатларда ўзбек ҳикматли сўзларини рус тилига таржима қилиш масалаларига оид" (1980) каби мақолалари ўзбек афоризмларини ўрганишга бағишланган. У моҳир таржимон сифатида ўзбек фольклор асарларини рус тилига ўгиришда ҳам самарали меҳнат қилмоқда. Рус китобхонлари "Подшо ва донишманд чол", "Жавоҳирлар шодаси" эртак тўпламларини М.Абдураҳимов таржимасида ўқиганлар. У "Алпомиш" достонини рус тилига илмий-адабий таржима қилган.

*Ас.*: Заметки о переводе узбекских пословиц // ЗВ. – 1966. – №9. – С.170–173; Ўзбекча-русча афоризмлар луғати / Узбекский-руский словарь афоризмов. – Ташкент, 1976; Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат / Краткий узбеко-руский фразеологический словарь.

– Ташкент, 1980; К вопросу о переводе узбекского афористического жанра на русский язык в двуязычном словаре / Языкознание. Тезисы докладов и сообщений. – Ташкент, 1980. – С.228–229; Дутар мудрого бахши. – Ташкент, 1980; Узбекская языковая афористика (фразеология) как объект системы учебных двуязычных словарей (на материале узбекского и руского языков). АКД. – Ташкент, 1982; Жемчужное ожерелье. – Ташкент, 1987; Фольклорная афористика и словарь. – Ташкент, 1989; Ўзбек топишмоқлари / Узбекские загадки. – Ташкент, 1991; В преданиях образ предстает // ЗВ. – 1991. – №1. – С.105–112; Алпамыш // Контакт. – Ташкент, 1991. – №12. – С.14; Книга изречений. – Ташкент, 1992; Книга узбекского юмора. – Ташкент, 1995; Предание гласит. Наваи в преданиях Востока. – Ташкент, 1996; Бирюзовый перстент Темура. – Ташкент, 1997; Алпамыш. Узбекский народный героический эпос. Пер. и комм. – Ташкент, 1999; Внимая слову “Алпомиш”а. – Ташкент, 1999; “Алпомиш”да бадиий сўз жилоси / АДЖХЭИ. – Б.63-64; Чудесная девушка гор / НС. – 1999. – 26 мая; Возврашение Алпомыша // НС. – 1999. – 15 июня; Героическое нас пленяет сказание / НС. – 1999, 6 июля; Сокровеннейшая из поэм / НС. – 1999. – 26 октября; Мелодии бесценного эпоса / НС. – 1999, 6 ноября; Неузнанный Алпамыш поет улан // ЭКО. – Ташкент, 1999. – 29 октября; Богатырь из тысячилетней дали // Ўзбекистон ҳаво йўллари. – Ташкент, 2000. – №1. – Б.9–11; Тайна чудесного хума (о наврузе) // ЭКО. – 2000. – 24 марта; Талисман, сотканный веками (о пословицах) // ЭКО. – 2000. – 7 апреля; Путешествие в мире загадок / ПВ. – 2000. – 27 апреля; Ибн Сина в народных преданиях // ЭКО. – 2000. – 31 август; Узбекско-русский и русско-узбекский словарь. Ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғат. – Ташкент: Фан, 2008. – 25 б.т.; Краткий узбекско-татарский словарь пословиц и поговорок. Қисқача ўзбекча-татарча мақол-маталлар луғати. – Ташкент: Академнашр, 2009. – 36,5 б.т.; Янтарные четки (Книга миниатюр и изречений). Отв. редактор: Т.Мирзаев. – Ташкент: Академнашр, 2010, 416 с.; Завещанный богом клад // Отдохнем. – Ташкент, 2010. – 7 сентябрь.; Волшебный ларец раскрывает тайны // Отдохнем. – Ташкент, 2010. – 14 сентябрь; Кладезь сокровищ // Отдохнем. – Ташкент, 2010. – 23 сентябрь; Старая притча // Отдохнем. – Ташкент, 2010. – 30 сентябрь; Султан Хусейн и Навои // Отдохнем. – Ташкент, 2010. – 21 октябрь.



*Ад.*: Долимов У. Ўзбекистонда биринчи / ЎГ. – 1977. – 23 январь; Зинин С. К месту слово молвится // ЗВ. – 1978. – №11; Туропова М. Фойдали нашр // Гулистон. – 1978. – №11; Магруфов З. Ключ к десткому сердцу / Учитель Узбекистана. – 1981. – 11 апреля; Джахангиров Г. Героическое нас пленяет преданье / КУ. – 1981. – 12 марта; Жўраев М. Мақсуд Абдураҳимов // ЎТА. –1985. – №5; Жўраев М. Ўзбек халқ эртаклари рус тилида / ТҲ. – 1988. – 4 март; Мирзаев Т. Слово в час истины / НС. – 1998. – 22 января; Мирзаев Т. Дастан, овеянный легендами / ПВ. – 1998. – 9 апреля; Зинин С., Мурадов М. Внимая слову “Алпомиша” / ПВ. – 1999. – 3 ноября; Мирзаев Т., Владимирова Н. Щедрый талант / ПВ. – 2000. – 7 марта; Умаров Э. И ремесло явится искусством / НС. – 2000. – 20 июня; Максуд Абдурахимов. Биобиблиография. Составители: М. Жураев, Э.Умаров. – Ташкент: Фундаментальная библиотека АН Руз, 2005, 20 с.

## Сиддиқа ШОДИЕВА

*(1936 йил 1 март, Бухоро шаҳри – 1993 йил, Тошкент шаҳри)*

Халқ бахшилари эпик репертуарида муҳим ўрин тутадиган “Соҳибқирон” достони вариантлари юзасидан илк бор изчил тадқиқот олиб борган Сиддиқа Файзиевна Шодиева Ўзбек давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетини битирган. 1959–1960 йилларда Бухоро давлат педагогика институтининг Ўзбек адабиёти кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1961–1964 йилларда ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти аспирантурасида таҳсил олган. 1965–1985 йилларда Тошкент давлат чет тиллар институтининг Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент ҳамда кафедра мудираси вазифаларида ишлаган. 1985 йилдан Умумий тилшунослик кафедраси мудирининг муовини бўлиб хизмат қилган. 1968 йилда “Соҳибқирон” достонининг ғоявий-бадиий хусусиятлари (эпоснинг турли версияларини қиёсий ўрганиш тажрабаси)” мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

С.Ф.Шодиева ўзбек халқ достонларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, адабиёт ва фольклор, фольклор жанрлари ва халқ ижоди асарларида вариантлилик масалаларига доир асарлар яратган.

*Ас*.: "Соҳибқирон" достонининг вариантлари ҳақида // ЎТА. – 1964. – 2-сон. – Б.68-70; Ислом шоир Назар ўғли. "Соҳибқирон" достони (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи). – Тошкент, 1964; Умир Сафар ўғли. "Ойпарча" достони (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи). – Тошкент, 1965; "Соҳибқирон" достонининг халқчиллиги / ЎХИ. – Б.66-70; Идейно-художественные особенности дастана "Сахибкиран" (опыт сравнительного изучения различных версий эпоса). АКД. – Ташкент, 1968; Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг "Бой ила хизматчи" драмасида фольклор элементлари / Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги масалалари. – Тошкент, 1972. – Б.293-303; "Кунларим асари ҳақида / Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973. – Б.153–154; "Соҳибқирон" достони ва унинг вариантлари / ИСШ. – Б.37-47; "Ойпарча" достони / АДМ. – Б.43-47; Ўзбек фольклорини ареал тадқиқ этишнинг баъзи масалалари // ЎТА. – 1985. – 2-сон. – Б.39-42; "Соҳибқирон" достони ва унинг вариантлари / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.234–248.

*Ад*.: Сиддиқа Шодиева (1936–1993) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.234.

## Тўра МИРЗАЕВ

*(1936 йил 6 март – Шофиркон тумани, Саврак қишлоғи – 2020 йил 29 сентябрь, Тошкент шаҳри)*

Ҳоди Зариф асос солган ўзбек фольклоршунослиги мактабининг Марказий Осиёдаги етакчи илмий мактаблардан бири даражасида танилиши ва бугунги ривожида фидоий фан ташкилотчиси, эпосшуносликнинг фундаментал назарий масалаларини юксак



илмий даражада ҳал қилган йирик олим Тўра Мирзаев 1943–1953 йилларда Ибн Сино номли ўрта мактабда таҳсил олди. 1953 йили Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги Бухоро давлат университети) тарих-филология факультетининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кирди.

1957 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлагач, махсус йўлланма билан Сурхон воҳасига ишга юборилиб, 1957–1958 йилларда Жарқўрғон туманидаги Какайди қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги мактабларда ўқитувчилик қилди. 1961–1964 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олиб, атоқли фольклоршунос олим Ҳ.Зарифов раҳбарлигида "Алпомиш" достонининг ўттизга яқин вариантларини қиёсий таҳлил қилди.

Т.Мирзаевнинг аспирантлик даврида ўзбек-лақайлар фольклорини тўплаш ҳамда бахшилар ижодиётини жонли ижро жараёнида ўрганиш мақсадида 1963 йил июнь-август ойларида Жанубий Тожикистоннинг Восеъ, Данғара, Қўрғонтепа, Колхозобод туманлари бўйлаб ўтказган экспедицияси, айниқса, самарали бўлди. Бу экспедиция натижасида Данғара туманининг Жорибкўл қишлоғида яшовчи 80 яшар Тўла соқи Ҳайбат ўғли репертуарида "Алпомиш" достонининг ўзига хос варианти мавжудлиги аниқланди, Бўрибой Аҳмедовдан "Алпомиш" достонини, Тошрабод қишлоғида яшовчи 66 яшар Назар Шукуровдан "Хонойим", Данғара туманининг Гулбулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи 85 яшар Шомурод соқи Бойман ўғлидан "Авазхоннинг Гирдоб кўлига сафари", Зардолубоғ қишлоғилик 68 яшар Моро соқи Жалматовдан "Гўрўғлининг нобуд бўлиши" достони, шунингдек, "Ёзи билан Зебо" достонидан парчалар, бир неча эртаклар, қўшиқлар, термалар ва мақолларни ёзиб олди. Бундан ташқари, ўрганилган ҳудудда Мустафоқул соқи, Ула Ҳайбат ўғли, Бозор Шеров, Бўрон соқи, Авғон Раҳимов, Қорахон соқи ва бошқа бахшилар яшаб, достон куйлаётганликлари аниқланди. Мазкур экспедиция материаллари тадқиқотчига Жанубий Тожикистонда яшайдиган ўзбек бахшилари репертуарини умумўзбек достончилик анъаналари тизимида қиёсий-тарихий жиҳатдан текшириш, фольклорда версия ва вариантлиликни ўрганиш, достончиликдаги жонли ижрочилик анъаналарининг сақланиш даражаси ва тараққиёт қонуниятларини аниқлаш, эпик сю-

жетларнинг тарқалиш доираси ҳамда бахшичилик санъатида рўй бераётган ўзгаришларни таҳлил қилиш имконини берди.

Т.Мирзаев 1964 йил апрелдан 1966 йил июль ойигача Фольклор бўлимининг кичик илмий ходими лавозимида ўз илмий тадқиқотларини давом эттирди. Ўзининг ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосини ўрганишга доир изланишларини умумлаштириб, 1965 йилда "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари" мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Мазкур тадқиқот жаҳоннинг кўплаб йирик олимлари, жумладан, XX асрнинг атоқли филолог олими академик В.М.Жирмунскийнинг жуда юксак баҳоси ва муносиб эътирофига сазовор бўлди. У диссертация автореферати билан танишиб чиққач, Т.Мирзаевга қуйидаги хатни ёзган эди: "Сиз мазкур ишингиз билан энг машҳур ўзбек достонларини барча вариантлари бўйича тадқиқ қилишдек янги йўналишга пойдевор қўйгансиз. Бу эса ўзбек халқ ижодини ҳар томонлама ўрганишда жуда муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблайман. Ўзбеклар орасида "Алпомиш" достонининг икки типи мавжудлигини кашф этганлигингиз менда катта қизиқиш уйғотди. Чунки достоннинг Бўри бахши версияси сифатида тавсифланган типи менга маълум эмас эди. Шу боис тадқиқотингизнинг бу хулосаси мен учун жиддий янгилик бўлди".

Дарҳақиқат, нафақат ўзбек, балки туркий халқлар фольклоршунослигида эпос назариясига доир илмий қарашларни тубдан ўзгартириб юборган бу диссертация 1968 йилда "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари" номи билан китоб ҳолида нашр этилди.

60-йилларнинг охиридаёқ фольклоршунослар орасида ўзига хос илмий қарашлари билан танилиб қолган Т.Мирзаев 1966 йилнинг июлидан 1971 йил сентябригача ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимининг катта илмий ходими вазифасида ишлади. 1971 йил октябрдан 1973 йил сентябргача мазкур институтдаги Халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаб, систематлаштириш ва нашр этиш бўлимига мудирлик қилди. 1973 йил октябрдан эътиборан Фольклор бўлимига мудир этиб тайинланди. Т.Мирзаевнинг шундан кейинги илмий қизиқишлари асосан ўзбек фольклорининг жанрлар таркиби, генезиси ва бадиияти, эпосшунослик, достончилик мактаблари ва халқ бахшиларининг эпик репертуари,



фольклор назарияси, фольклоршунослик тарихи, халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаб, системалаштириш ва нашр этиш, фольклор матншунослиги ҳамда бугунги тарихий-фольклорий жараён масалаларига қаратилди.

Т.Мирзаев дунё фольклоршунослигида илк бор ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосининг классик намунаси ҳисобланган "Алпомиш" достонини тўла ўрганиб, бу эпик асарнинг ўзбек бахшилари репертуарида қайд қилинган барча вариантларини қиёсий тадқиқ этиш асносида достоннинг ўзбек халқи эпик тафаккури тараққиётида тутган муҳим ўрнини белгилаб берди. Олим достон сюжетининг тарихий асослари, шаклланиш босқичлари ва бадиий ривожи, сюжет тизимидаги етакчи мотивлар поэтикасини изчил ўрганиб, "Алпомиш" достони яратилган даврни аниқлаб берди

Т.Мирзаев ўз фаолияти давомида бу достонни бахшилардан қайта ва қайта ёзиб олиб, илмий ўрганишни изчил давом эттирди, кўплаб вариантларини биринчи бўлиб чоп эттирди, Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган намунанинг илмий-академик нашрини амалга оширди, достон матнининг бошқа тилларга ўгирилган таржималарини нашр эттириб, ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосини дунё халқлари маданиятининг беназир бадиий қадриятларидан бирига айланишига хизмат қилди.

Ўзбек достончилиги мактабларининг Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоир, Ёрлақаб бахши, Раҳматулла Юсуф ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Берди бахши, Саидмурод Панох ўғли, Мардонақул Авлиёқул ўғли каби ўнлаб забардаст сиймолари ижодиётининг тадқиқ ва тарғиб этилиши ҳам бевосита Т.Мирзаев номи билан боғлиқ. У ўзбек достончилиги тараққиётига катта ҳисса қўшган халқ бахшилари репертуаридаги фольклор асарларини ёзиб олиш, архивлаштириш, нашр этиш ва ўрганиш ишига раҳбарлик қилиш билан бир қаторда, ўзи ҳам ҳар бир бахши ҳақида алоҳида илмий тадқиқотлар яратди.

Ўзбек халқ бахшиларининг ижрочилик маҳорати ва достончилик мактабларининг эпик анъаналарини узоқ йиллар мобайнида ўрганган Т.Мирзаев "Достончилик мактаблари" (1973), "Бахшилар" (1975), "Пўлкан шоир ҳақида сўз" (1976), "Ўзбек халқ достончилиги ва Ислом шоир" (1978) каби мақолаларида достончилик мактабларининг асосий хусусиятлари, шаклланиш тарихи,

улар ўртасидаги ижодий алоқалар, халқ бахшилари эпик репертуарининг шаклланиши қонуниятлари ва бахши ижрочилигининг бадиий ҳодиса сифатидаги хоссаларини кенг ёритиб берди. Бу тадқиқотлар яратилгунга қадар фольклоршуносликда Булунғур, Қўрғон, Шаҳрисабз, Хоразм достончилик мактаблари маълум эди, холос. Фольклор экспедициялари давомида тўпланган янги материалларга асосланган Т.Мирзаев юқорида номи зикр этилган достончилик мактабларидан ташқари Нурота, Нарпай, Шеробод, Қамай, Пискент, Жанубий Тожикистон каби бошқа бахшичилик мактаблари ва бир неча хил услубий йўналишлар мавжудлигини аниқлаб, ҳар бир мактабга мансуб бахшилар репертуари, ижро усули, шогирд тайёрлаш анъаналари ва ўзига хос эпик асарлар хусусида муфассал маълумот берганлиги ўзбек фольклоршунослиги учун муҳим янгилик бўлди.

Туркий фольклоршуносликда биринчи марта бахши ижрочилиги ва ижодкорлигининг достончилик мактаблари амалиётидаги ўрнига илмий-назарий жиҳатдан муфассал баҳо берган Т.Мирзаев бахшиларнинг эпик асарларни куйловчи, яратувчи ҳамда фольклор анъаналарни сақловчи сифатидаги вазифаларини очиб берди. Бахши ва тингловчилар аудиториясининг ўзаро муносабатлари, бахшининг ижро ва ижодий йўналиши, достон айтиш усули ва поэтик маҳорати, эпик хотира ва эпик билимнинг бадиий анъана тараққиётидаги аҳамияти каби масалалар фундаментал даражада тадқиқ этилди.

Ўзбек фольклоршунослигига, айниқса, эпосшунослик ривожига бениҳоя катта ҳисса қўшган Т.Мирзаевнинг назарий хулосалари ва илмий умумлашмалари 1986 йилда ҳимоя қилинган "Ўзбек халқ бахшиларининг санъати ва улар репертуарининг асосий хусусиятлари" мавзусидаги докторлик диссертациясида ўз ифодасини топди. Ўзбек достончилиги анъаналарининг ўзига хослигини унинг тарихий тараққиёти тизимида тадқиқ этишга бағишланган ушбу тадқиқотда фольклоршуносликда биринчи марта бахшиларнинг эпик анъанани шакллантириб, асрлар давомида сақлаб келадиган ижрочи типи сифатидаги функциялари ҳамда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўрни белгилаб берилди. Бахшилик санъатининг асосий типлари аниқланди, достонлар таснифи, тарихий тараққиёти, яратилиш босқичлари ва ривожланиш тамойилларига доир янги назарий қарашлар баён этилди.



Т.Мирзаев ўзбек фольклорининг жанрлар таркиби, фольклор ижодкорлари ва ижрочилари, тарихий-фольклорий жараённинг ҳозирги ҳолати, эртак, мақол, қўшиқ, лапар каби фольклор жанрларининг поэтик табиати, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати масалаларига доир илмий тадқиқотлар олиб борган.

Т.Мирзаев ўзбек фольклоршунослиги фанининг шаклланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари таҳлилига доир мақолаларида халқ оғзаки бадиий ижодиёти асарларини тўплаб, нашр этиш ҳамда тадқиқ этиш борасида олиб борилган изланишларга холисона баҳо берди. Олимнинг халқ оғзаки бадиий ижодиётининг турли масалаларини тадқиқ этган Б.Каримий, Ҳ.Зарифов, В.М.Жирмунский, М.Афзалов, Қ.Айимбетов, Қ.Мақсетов, Ҳ.Раззоқов, И.Сағитов, М.Алавия, Ш.Шоабдураҳмонов, З.Ҳусаинова, Ж.Қобулниёзов, Ғ.Мўминов, О.Сафаров, Ё.Жўраев, К.Имомов, С.Рўзимбоев, Ҳ.Абдуллаев, М.Абдураҳимов, Б.Саримсоқов ва бошқа олимларнинг илмий-ижодий фаолияти таҳлилига доир мақолалари ўзбек фольклоршунослиги тарихининг ўзига хос кўзгуси саналади.

Фольклоршунос олим Т.Мирзаев 1973–2002 йиллар давомида ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимининг мудири сифатида кенг кўламли илмий-ташкилий фаолият олиб борди. У ўзининг улкан ташкилотчилик фаолияти ва тадқиқотчиларни фаннинг долзарб муаммоларига йўналтира олувчилик қобилияти туфайли Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор бўлимини Марказий Осиёнинг энг нуфузли илмий мактабларидан бири даражасига кўтарди.

Т.Мирзаев Эргаш Жуманбулбул ўғли ижодий меросининг "Булбул тароналари" номли ўзбек тилидаги беш томлиги ва "Песни Булбуля" номи билан чиқарилган русча уч томлиги чоп эттирилишида масъул муҳаррир ҳамда тузувчи сифатида фаол иш олиб борди. Унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида "Ўзбек халқ ижоди" кўпжилдлигининг 37 китоби босмадан чиқди. Бу силсилага кирувчи "Алпомиш" (1979), "Эрали ва Шерали" (1987), "Юсуф ва Аҳмад" (1987), "Малика айёр" (1988), "Ўзбек халқ мақоллари" (1989), "Луқмони ҳаким" (1989), "Нурали" (1989) каби жилдларнинг чоп эттирилишида нашрга тайёрловчи ёки масъул муҳаррир сифатида иштирок этди. Бундан ташқари, "Жонодил" (1970), "Одилхон" (1971), "Авазхоннинг ўлимга ҳукм қилиниши" (1976),

“Нуралининг ёшлиги” (1993), “Гўрўғлининг туғилиши” (1994), “Райҳон араб” (1994) достонларини Т.Мирзаев нашрга тайёрлади. Унинг ташаббуси билан “Ўзбек халқ достонлари” кўпжилдлигига кирувчи ўнлаб асарлар китобхонларнинг севимли асарига айланди. “Ўзбек халқ мақоллари”нинг бир нечта алоҳида мажмуа ҳолидаги нашрлари ҳамда икки жилдлик академик нашри чоп эттирилди. Фольклор асарларини нашр этиш борасида катта ижодий тажриба тўплаган олим “Алпомиш” достонининг 8 та бахши варианти ва Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги “Гўрўғли” достонларининг мукаммал нашрини тайёрлади.

Т.Мирзаев томонидан тайёрланиб, Санкт-Петербургда нашр этилган “Алпамыш” (1982), “Узбекская народная поэзия” (1990) тўпламлари, Германияда чоп қилинган “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш” (1984) асари, “Алпомиш” достонининг немисча (Бохум, 1984) ва туркча (Анқара, 2000) нашрлари ўзбек фольклорини оламга танитишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Т.Мирзаев ўзбек фольклоршунослигида биринчи бўлиб ҳар бир фольклор ижрочисининг ижодий меросини тўла нашр этишнинг илмий принципларини ишлаб чиқди. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Нурали Нурмат ўғли, Абдуғафур Шукуров каби бахши ва эртакчилар репертуаридаги барча асарлар ана шу илмий мезон асосида чоп эттирилди.

Профессор Т.Мирзаев фольклоршуносликнинг назарий-методологик асосларини белгиловчи жиддий илмий асарлар яратиш билан бир қаторда, XX асрнинг 60-йилларидан эътиборан ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор экспедицияси раҳбари сифатида Ўзбекистонда фольклор асарларини тўплаш ва системалаштиришдек эзгу ишга ҳам етакчилик қилади. У бошчилик қилган илмий экспедиция мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, қўшни мамлакатларнинг ўзбеклар истиқомат қиладиган ҳудудларида илмий сафарда бўлиб, ўзбек фольклорининг барча жанрларига оид нодир маънавий қадриятларни тўпладилар.

Ҳар бир экспедицияда фаол иштирок этган Т.Мирзаев фольклоршуносликдаги илмий қарашларни бойитадиган, янгилайдиган ва тўлдирадиган қизиқарли материалларни тўплади. Жумладан, 1963, 1974, 1977 йилларда Жанубий Тожикистон бўйлаб ўтказилган экспедициялар давомида ўзбек-лақай бахшиларининг ўзига хос достончилик анъаналари ўрганилган бўлса, 1972 йил 21–23 июль кунлари қашқадарёлик Ҳазратқул бахши Худойбердиев, Бозор Омонов каби ижрочилар орқали Қамай достончилик мактабига хос етакчи эпик белгилар аниқланди. 1969 йилги фольклор экспедициясининг раҳбари сифатида Чимкент вилоятига йўл олган Т.Мирзаев Сайрам туманининг Қорамурт қишлоғида яшовчи 34 яшар Қумри Аҳмедова, 76 ёшли Қумри Неъматова, 73 яшар Унсин Ғойибова, 65 яшар Тожи Раҳматуллаева, Қозиғурт қишлоғилик 62 яшар Ҳасан Норалиев, Султонработ қишлоғида яшовчи 62 яшар Ойимбуви Абдурасулова ва бошқа ижрочилардан лапар, халқ орасида “ҳаққоналар”, “кўҳналар” номи билан машҳур бўлган қадимий халқ қўшиқларини ёзиб олди.

1973 йилги фольклор экспедицияси таркибида Сурхон воҳасига илмий сафар қилган Т.Мирзаев 27 июль куни Бойсун туманининг Работ қишлоғида яшовчи 76 яшар Нурмамат Бадаловдан “Ё рамазон” қўшиғи, турли ирим-сирим ва айтимлар қатори ёмғир ёғдириш мақсадида қадимда ўтказиб келинган “Сўз хотин” маросимига оид қимматли этнофольклористик материалларни ёзиб олди.

Академик Т.Мирзаевнинг кенг қамровли фан ташкилотчиси сифатидаги фаолияти маҳсули ўлароқ “Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди бўйича текширишлар” рукнида етти китоб чоп эттирилди, “Ўзбек фольклори очерклари” (1988–1989) номли уч жилдлик фундаментал тадқиқот юзага келди. У олий ўқув юртлари филология факультетлари учун мўлжаллаб ёзилган “Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди” дарслигининг (1980, 1990) ҳам муаллифларидан биридир.

Тўра Мирзаев 1991–1998 йилларда ЎзР ФА Адабиёт институтининг раҳбари, 1998–2010 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг директори, 2001–2006 йилларда ЎзР Фанлар академиясининг вице-президенти вазифасини бажарувчи сифатида мамлакатимизда филология илмининг тараққиётига самарали ҳисса қўшди. 2010 йилдан ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг етакчи илмий ходими сифатида самарали фаолият кўрсатди. Унинг тадқиқотчилик фаолияти профессор (1990) илмий унвони, Абу Райҳон Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти (1973), “Дўстлик ордени” (1997) ва Ўзбекистон Республикаси фан арбоби юксак унвони (2003) “Фидокорона хизматлари учун” ордени (2020) берилишида муносиб эътиборини топди.

*Ас.*: Ўзбек халқ оғзаки ижоди дурдоналарини излаб // ЎТА. – 1963. – 1-сон (ҳамк); "Алпомиш" достонининг ўзбекча прозаик мазмунлари ҳақида // ЎТА. – 1963. – 5-сон. – Б.17–20; "Алпомиш" достонининг ўзбек версиялари ҳақида // ЎТА. – 1963. – 6-сон. – Б.23–27; "Алпомиш" достони вариантларини излаб // ЎТА. – 1964. – 2-сон. – Б.78-79; Ўзбек эпосида вариация масалалари // ЎТА. – 1964. – 4-сон. – Б.59-62 (ҳамк.); Тожикистонда яшаётган ўзбек достончилари ижодини ўрганиш ҳақида // ЎТА. – 1964. – 5-сон. – Б.64-66; Қўшқиялик бахши / ЎМ. – 1964, 8 июль (ҳамк.); "Алпомиш" нашрининг ўзбек достончиларига таъсири // ЎТА. – 1965. – 2-сон. – Б.12–18; "Алпомиш" достонининг ғоявий йўналиши ҳақида // ЎТА. – 1965. – 3-сон. – Б.21–24; Фольклоршунослар йиғини // ЎТА. – 1965. – №6. – Б.56-57; Узбекские варианты дастана "Алпомиш". Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1965. – С.23; Атоқли ўзбек фольклоршуноси / ЎҚ. – 1966, 16 январь (ҳамк.); Ёрлақаб бахши / ЎМ. – 1966, 9 июль (Т.Очилов билан билан ҳамк.); Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси // ЎТА. – 1966. – 1-сон. – Б.78-79; Энтузиаст узбекской фольклористики // Амударья. – Нукус, 1966. – №3; Ўзбек фольклористикасининг асосчиси // ШЮ. – 1966. – 5-сон (М.Афзалов билан ҳамк.); Дур изловчилар саркори // ФТ. – 1966. – 1-сон. – Б.15–17; Ўзбек фольклоршунослигининг ярим асри // ШЮ. – 1967. – 9-сон (М.Муродов билан ҳамк.); Ўзбек фольклоршунослиги мактаби // ЎТА. – 1967. – 5-сон – Б.15–20 (М. Муродов, М.Саидовлар билан ҳамк.); Узбекская фольклористика за 50 лет / Юбилейная научная сессия АН Республики Узбекистан. – Ташкент, 1967. – С.178–179; Ҳоди Зарифовнинг илмий ижоди // ЎХИ. – Б.3–16; Ҳ.Зарифов асарларининг библиографияси / ЎХИ. – Б.17–22; "Алпомиш" достони вариантларидаги бир хусусият тўғрисида / ЎХИ. – Б.49-50; Ҳоди Зариф. Адабий портрет. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967; Эрали ва Шерали (достон матни, сўнгсўз, луғат). – Тошкент: Фан, 1967; Қизилтепалик бахши / БҲ. – 1968, 13 июль; Б.Каримовнинг бир мақоласи тўғрисида (сўзбоши ва нашрга тайёрловчи) // ЎТА. – 1968. – 5-сон; Халқ тилида ва дилида // ОНУ. – 1968. – №9 (М.Муродов билан ҳамкорликда); Доно Алишер. Алишер Навоий ҳақидаги халқ ривоятлари. Тузувчи, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи). – Тошкент: Ёш гвардия, 1968 (З.Ҳусаинова, М.Муродов билан ҳамк.); "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968; Алпомиш (Берди бахши вариантининг матни, сўзбоши ва луғат). – Тошкент: Фан, 1969; Ўзбек фольклоршунослиги // ЎТА. – 1969. – 2-сон. – Б.23–27; "Очилдов" достонида традициянинг роли / ЎСФМ. – Б.107–111; "Тезисы докладов и сообщений регионального совещания по эпосу "Алпамыш". – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1956. – 60 стр / ЎСФМ. – Б.282; "Е.Е.Романовская. Статьи и доклады. Записи музыкального фольклора. Составитель М.С.Ковбас. – Ташкент, 1957. – 288 с / ЎСФМ. – Б.283–284; "Об эпосе "Алпамыш". Материалы по обсуждения эпоса "Алпамыш". – Ташкент, 1959. – 216 с / ЎСФМ. – Б.284–286; "В.М.Жирмунский. Сказание об Алпамыше и богатырская сказка. – М: ИВЛ, 1960. – 336 с / ЎСФМ. – Б.293–295; "Музыкальная фольклористика в Узбекистане. Август Эйхгорн. Музыкально-этнографические материалы. – Ташкент, 1963. – 196 с / ЎСФМ. – Б.302-303; М.Х.Кадыров. Женский народный театр Узбекистана. – М: Наука, 1964, 10 с / ЎСФМ. – Б.307-308; Ўзбек фольклори ҳақида 1956–1968 йилларда нашр этилган китоблар обзори / ЎСФМ. – Б.332-333; Великий народный поэт // ОНУ. – 1970. – №10 (Ҳ.Зарифов билан ҳамк.); Ўзбек халқ достончилик ижодига ёзма адабиётнинг таъсири // ЎТА. – 1970. – 5-сон. – Б.51-56; Шоирларга раҳбар Ҳоди // ЎТА. – 1970. – 5-сон. – Б.79; Халқ булбули // Гулистон. – Тошкент, 1970. – 8-сон (Ҳ.Зарифов билан ҳамк.); Буюк халқ шоири // ОНУ. – 1970. – №10 (Ҳ.Зарифов билан ҳамк.); Ёзма адабиётнинг ўзбек халқ достончилигига таъсири // ЎТА. – 1970. – 5-сон; "Шоирларга раҳбар Ҳоди" (нашрга тайёрловчи) // ЎТА. – 1970. – 5-сон; Виктор Максимович Жирмунский // ЎТА. – 1971. – 2-сон; Мансур Афзалов // ЎТА. – 1971. – 3-сон. – Б.89-90; "Якка Аҳмад" достони ҳақида / ЭШУДЎ. – Б.51-59; В.М.Жирмунский, Х.Т.Зарифов. Узбекский народный героический эпос. – М: ОГИЗ, 1947, 520 стр / ЭШУДЎ. – Б.197–200; М. Қодиров. Юсуфжон қизиқ ижоди / ЭШУДЎ. – Тошкент, 1969. – Б.208; М.Қодиров. Ўзбек халқ театри. – Тошкент: 1970, 40 бет / ЭШУДЎ. – Б.210–211; Халқ театри таҳлили // ЎМ. – 1971, 19 ноябрь; Одилхон (достон матни, сўзбоши, луғат). – Тошкент: Фан, 1972; Юбилей Эргаша Джуманбулбул оглы // ОНУ. – 1972. – №8; Ўзбек фольклористикаси тараққиётидан // ЎТА. – 1972. – 6-сон; Дурдоналар изловчи / ТО. – 1972, 16 июнь; Ўзбек фольклорини

ўрганишнинг асосий натижалари // ЎТА. – 1973. – 5-сон. – Б.45-49; Фольклорни ўқитиш ҳақида // Гулистон. – 1973. – 9-сон; Ўзбек фольклористикаси тараққиёти тарихидан // ЎТА. – 1973. – 6-сон. – Б.24-32; Қўғирчоқ театри / ЎМ. – 1973, 22 июнь; Чашма (Ислом шоир ҳақида) / СЎ. – 1974, 13 август; Влияние письменной литературы на дастанное творчество узбекского народа / Взаимодействие литературы и фольклора. – Душанбе, 1974. – С.194–196; Филологические науки (раздел "Фольклористика") / Наука в Узбекистане. Т.1. – Ташкент, 1974. – С.297-304; Ўзбек фольклорини ўрганишнинг асосий натижалари // ЎТА. – 1974. – 5-сон. – Б.45-49; Ўзбек фольклористикасининг асосчиси // ЎТА. – 1975. – 2-сон. – Б.96-98; Бахшилар // ЎТА. – 1975. – 5-сон. – Б.85-88; Атоқли халқ бахшиларининг юбилейи // ЎТА. – 1975. – 6-сон. – Б.71-73; Юбилей народных сказителей // ОНУ. – 1975. – №12; Халқ бойлигининг хазинабони (Ҳ.Т.Зарифов таваллудининг 70 йиллигига) // СЎ. 1975, 19 март; Ижод сарчашмаси (Фозил шоир ҳақида) // СЎ. – 1975, 31 август; Ноёб талант (Пўлкан шоир ҳақида) // ЁЛ. – 1975, 5 сентябрь; Пўлкан шоир ҳақида сўз / ПШ. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.5-9; Авазхоннинг ўлимга ҳукм қилиниши (нашрга тайёрловчи). – Тошкент: 1976 (З.Ҳусаинова билан ҳамкорликда); Ноёб топилдиқ // ЎТА. – 1976. – 2-сон; Қорақалпоқ эпосининг тадқиқи // ЎМ. – 1976, 12 ноябрь; Буюк Каримий – атоқли фольклорист // ЎТА. – 1977. – 1-сон. – Б.82-85; Раҳматулла Юсуф ўғли юбилейи // ЎТА. – 1977. – 4-сон; Ўзбек фольклористикаси // ЁЛ. – 1977, 12 март; Ўзбек халқ достончилиги ва Ислом шоир // ЎТА. – 1978. – 4-сон. – Б.39-44; Фольклор фалсафасининг таҳлили / ЎМ. – 1978, 25 август (Б.Саййимов билан ҳамк.); Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979; Алпомиш (Фозил Йўлдош ўғли вариантини нашрга тайёрловчи). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979 (Ҳ.Олимжон, Ҳ.Зарифов билан ҳамкорликда); Фольклор илмининг маскани // ЎТА. – 1979. – 1-сон; Халқ ижодиёти жонкуяри // СЎ. – 1979, 13 март; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент, 1980 (Ҳ.Раззоқов, К.Имомов, О.Собиров билан ҳамк.); Фольклористика ютуқлари // ЎТА. – 1980. – 4-сон. – Б.6-9; Из опыта составления и подготовки к изданию многотомного собрания узбекского фольклора / Литературоведение и история. – Ташкент: Фан, 1980. – С.79-80; Халқ ижодининг жонкуяри (Ҳ.Т.



Зарифов таваллудининг 75 йиллигига) / СЎ. – 1980, 18 март (М. Мадраҳимова билан ҳамк.); Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.9-61 (Б.Саримсоқов билан ҳамк.); Изучение литературы и фольклора тюркоязычных народов // СТ. 1981. – №1 (З.Ахметов, М.Қўшжонов, А.Содиқов, И.Султонов билан ҳамк.); Туркий халқлар адабиёти ва фольклорини ўрганиш // ШЮ. – 1981. – 2-сон (З.Ахметов, М.Қўшжонов, А.Содиқов, И.Султонов билан ҳамк.); Ўзбек эртаклари // ЎТА. – 1981. – 2-сон. – Б.50-52 (Й.Нурмуродов, С.Муҳамедовлар билан ҳамк.); Фольклористика / Узбекистан. (энциклопедия). – Ташкент, 1981. – С.348-349; Народное поэтическое творчество / Юқоридаги манба. – Б.366-369 (С.Қосимов билан ҳамк.); Алпамыш. (Вступительная статья, подготовка текста и примечания). – Л: 1982; Ўзбек фольклоршунослиги янги босқичда // ЎТА. – 1982. – 6-сон. – Б.15–20; Ғаффор Мўминов // ЎТА. – 1982. – 2-сон; Ўзбек халқ достончилиги ва Ислом шоир / 2-Миллатлараро турк фольклор конгресси билдирилари. – Анқара, 1982. – Б.307-312 (турк тилида); Томоша санъати / ТО. – 1982, 19 ноябрь; Изучение литературы и фольклора тюркоязычных народов СССР / Фольклор, литература и история Востока. – Ташкент: Фан, 1984. (З.Ахметов, М.Қўшжонов, А.Содиқов, И.Султонов билан ҳамк.); Из опыта составления и подготовки к изданию многотомного собрания узбекского фольклора / Фольклор, литература и история Востока. – Ташкент: Фан, 1984. – С.327-342; Жемчужины народной поэзии / Две половины луны. – Ташкент, 1984. – С.3-6; Фольклоршунослик маркази // ЎТА. – 1984. – 2-сон; Умр шоир ва унинг достончиликдаги ўрни // ЎТА. – 1984. – 4-сон; Халқ достончиси // Гулистон. – 1984. – 7-сон. – Б.16; "Гўрўғли" достонининг ижрочиси // ЎАС. – 1984, 19 октябрь (Ш.Турдимов билан ҳамк.); Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси "Алпомиш" / Туркология материаллари. – Бохум, 1984 (немис тилида); Туркман эртаклари немис тилида // Адабият ва сунгат. – 1984, 10 август (Б.Мамедязов билан ҳамк.); Алпомиш. Рустамхон. Ўзбек халқ достонлари. ("Алпомиш" достонининг Фозил Йўлдош ўғли вариантини нашрга тайёрловчи). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985 (Ҳ.Олимжон, Ҳ.Т.Зарифов билан ҳамк.); Туркменские сказки на немецком языке // Известия АН Туркменистана. – 1986. – №4 (ҳамк.); Вопросы сравнительного из-

учения “Алпамыш” и “Алып-Манаш” / Фольклорное наследие народов Сибири и Дальнего Востока. – Горно-Алтайск, 1986. – С.110–112; Искусство узбекских народных сказителей и особенности их эпического репертуара. Автореф. дисс. докт. филол. наук. – Ташкент, 1986; Фольклоршунослигимиз уфқлари // ЎТА. – 1987. – 3-сон. – Б.7–12; Эрали ва Шерали. Ўзбек халқ ижоди. (нашрга тайёрловчи). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987; Алпомиш (нашрга тайёрловчи). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987; Тоҳир ва Зуҳра тарихий шахсми? / ЎАС. – 1987, 20 март; Ўзбек халқ мақоллари ва унинг ушбу нашри ҳақида / Ўзбек халқ мақоллари. 1-том. – Тошкент: Фан, 1987. – Б.7-40. (Б.Саримсоқов билан ҳамк.); “Алпомиш” (достондан парчани нашрга тайёрловчи) / Эпос. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987; Мақоллар – нутқ безаги (газета мухбири билан суҳбат) // ЎАС. – 1987, 27 ноябрь; Ўзбек халқ эртаклари (тузувчи). – Тошкент: Ўқитувчи, 1988 (Б.Саримсоқов билан ҳамк.); Юнус парининг олиб қочилиши (нашрга тайёрловчи) / Малика айёр. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988 (С.Асқаров билан ҳамк.); Кириш // Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. – Тошкент: 1988. – Б.3-8; Фольклор ижодкорлари ва ижрочилари / Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. – Тошкент: 1988. – Б.9–24; Феодализм даври ўзбек фольклори / Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. – Тошкент: 1988. – Б.35-41; Школа узбекских сказителей / Тюркология-88. – Фрунзе, 1988; Зубайда Ҳусаинова // ЎТА. – 1988. – 6-сон. – Б.71-72 (Б.Саримсоқов билан ҳамк.); Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 1989 (тузувчи, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов билан ҳамк.); Луқмони Ҳаким. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989 (нашрга тайёрловчи ва тузувчи, З.Ҳусаинова билан ҳамк.); Нуралининг ёшлиги / Нурали. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б.5-44 (достонни ёзиб олувчи ва матнини нашрга тайёрловчи); Нурали ва қари Аҳмад / “Нурали”. – Б.5-44 (достон матнини нашрга тайёрловчи, З.Ҳусаинова билан ҳамк.); Малла савдогар / “Нурали”. – Б.295-377 (достон матнини нашрга тайёрловчи, З.Ҳусаинова билан ҳамк.); Ажойиб тухфа / ЁЛ. – 1989, 24 октябрь (М.Жўраев билан ҳамк.); Узбекская народная поэзия. – Л: Советский писатель, 1990 (вступительная статья, составление и примечания); Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990 (К.Имомов, Б.Саримсоқов, О.Сафаров



билан ҳамк.); Фольклоршунослигимиз асосчиси / БҲ. – 1990, 9 июль (Й.Нурмуродов билан ҳамк.); Алишер Навоий ҳақидаги халқ ривоятлари ва уларнинг манбалари // ЎИФ. – 1991. – 8-сон. – Б.34-41 (М.Жўраев билан ҳамк.); Наврўз (тўплаб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи). – Тошкент: Фан, 1992 (М.Жўраев билан ҳамк.); Алпомиш. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992 (ҳамк.); Асрларни мунаввар қилган Наврўз // Мулоқот. – 1992. – 3-сон. – Б.3-6. (М.Жўраев билан ҳамк.); Халқ ижодини ардоқлаб // ЎО. – 1992, 10 март; Янги йил қутли бўлсин, қозонлар сутли бўлсин / ЎО. – 1991, 19 март (М.Жўраев билан ҳамк.); Элнинг Фозил шоири / ЎАС. – 1992, 5 июль (ҳамк.); Алпомиш. 2-жилд (нашрга тайёрловчи). – Тошкент: Ўзбекистон, 1992 (Ҳ.Зарифов билан ҳамк.); “Алпомиш” достони нашрлари ва ушбу икки жилдлик ҳақида / Алпомиш. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б.219–227; Нуралининг ёшлиги (достон матнини нашрга тайёрловчи). – Қарши: Насаф, 1993; Наврўз ҳақида термалар // Мулоқот. – 1992. – 3-4-сонлар. – Б.12–15. (М.Жўраев билан ҳамк.); Гўрўғлининг туғилиши (сўзбоши ва матнни нашрга тайёрлаш). – Тошкент: Фан, 1994 (З.Ҳусаинова билан ҳамк.); Райҳон араб (матнни нашрга тайёрлаш). – Тошкент: Фан, 1994 (З.Ҳусаинова билан ҳамк.); Минг ёшли мангу достон / ЎО. – 1995, 24 август; Бахшили эл – ботир // ЎО. – 1995, 30 сентябрь; “Қизжибек”ни ўлан қилдим / Миллий тикланиш. – 1995, 1 ноябрь; Ҳоди Зарифнинг “Аршақ – шақ қаҳрамони” мақоласига сўзбоши // ЎТА. – 1995. – 2-сон. – Б.74; Ҳоди Зарифнинг “Жажжи тадқиқотлар”ига сўзбоши // ЎТА. – 1995. – 3-сон. – Б.69; Қирғиз халқининг буюк эпоси // ЎТА. – 1995. – 5-6-сонлар. – Б.31-34; Буюк Каримийнинг “Ўзбек халқ эртакларининг баъзи бир хусусиятлари ҳақида” мақоласига сўзбоши // ЎТА. – 1995. – 5-6-сонлар; Қўшиқларнинг сирли жилолалари // А.Мусақулов. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 1995. – Б.3-6; Ғ.Акрамовнинг “Миф ва ёзма адабиёт муносабатига доир” мақолалар туркумига сўзбоши // ЎТА. – 1996. – 2-сон. – Б.59-60; Наврўз куни қари-ёш қучоқлашиб кўришсин // Мулоқот. – Тошкент, 1996. – 2-сон. – Б.18–20; Амир Темур халқ оғзаки ижодида / Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.63-64; Амир Темур в устном народном творчестве / Амир Темур и его место в мировой истории. – Тошкент, 1996. – С.64-65; Дурдоналар йиғувчи / Мил-

лий тикланиш. – 1996, 4 май; Гўрўғлининг туғилиши. Достонлар матни, сўзбоши, луғат (“Гўрўғли” достонлари. 1-том). – Тошкент: Ёзувчи, 1996 (З.Ҳусаинова билан ҳамкорликда); Маънавий-маданий меросни ўрганишнинг илмий-методологик масалалари // ЎТА. – 1997. – 4-сон. – Б.3-7; Авазхон. “Гўрўғли” достонлари. 2-том. – Тошкент: Ёзувчи, 1997 (З.Ҳусаинова билан ҳамк.); Мухтор Авезов – халқ ижоди тадқиқотчиси // ЎТА. – 1997. – 5-сон. – Б.6–10; Ўзбек халқ ижоди (фольклор) / Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. – Тошкент, 1997. – Б.512-516; Наврузу – более 3,5 тысячи лет / ПВ. – 1997, 22 марта; “Алпомиш”нинг 1000 йиллиги бўлади / ТО. – 1997, 15 декабрь; Дастан, связанный с легендами / ПВ. – 1998, 9 апреля; “Алпомиш” тўла нашр этилмоқда / Миллий тикланиш. – 1998, 17 июль; Ўзбек фольклорида лапар // ЎТА. – 1998. – 1-сон. – Б.42-45; Бахшилар эпик репертуарининг шаклланиши ва бойиб бориши масаласига доир // ЎТА. – 1998. – 2-сон. – Б.32-37; Dastanlap sahi // Milliy folklor. – Ankara, 1998. – №37; Алпомиш. Сўзбоши, матн, луғат. – Тошкент: Шарқ, 1998; Алпамыш. Вступительная статья, подготовка текста и словарь. – Ташкент: Фан, 1998; “Китоби дадам Қўрқут” ҳақида // ЎТА. – 1998. – 5-сон. – Б.33-38 (М.Жўраев билан ҳамк.); “Алпомиш” достонининг жаҳон халқлари эпик ижодиётида тутган ўрни // ЎТА. – 1998. – 6-сон. – Б.34-37; Бадиий тафаккур дурдонаси // Қалқон. – Тошкент, 1998. – 9-сон. – Б.58-59 (М.Жўраев билан ҳамк.); Алпомиш меҳри уйғонди // САУ. – 1998. – 10–11-сонлар. – Б.38-40; Ўзбек қаҳрамонлик эпосининг барҳаёт намунаси // Мозийдан садо. – Тошкент, 1998. – 3-сон. – Б.24–26; Буюк халқнинг буюк ижоди / ЎО. – 1998, 4 ноябрь; Алпомиш. Бекмурод бахши варианти. Сўзбоши муаллифи ва матнни нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Ёзувчи, 1999; Алпомиш. Берди бахши варианти. Сўзбоши муаллифи ва матнни нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Фан, 1999; Алпомиш. Пўлкан шоир варианти. Матнни нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Ёзувчи, 1999; “Алпомиш” достони, унинг версия ва вариантлари // “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.3–24; “Алпомиш” достони, унинг версия ва вариантлари / АДЖХЭИ. – Б.8-9; Dastan “Alpamish, its version and variants / Materialis of the international conference “the “Alpamish” epos end epic creation of the peoples of the world”. – Termiz, 1999. – P.78-79; Дастан “Алпамыш”, его версии и варианты / Материалы



международной конференции “Эпос “Алпамыш” и эпическое творчество народов мира”. Термез, 23 ноября 1999 года. – Термез, Фан, 1999. – С.117–118; Алпомиш. Тадқиқот, матн, изоҳлар. Академик нашр. – Тошкент: Фан, 1999, 53 б.т. (М.Абдураҳимов, Ф.Кароматов билан ҳамк.); Алпомиш. Ёдгор. Саидмурод ва Фозил шоир вариантлари. Сўзбоши муаллифи ва матнни нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Ёзувчи, 2000; Alpamis destani. – Ankara, 2000, 30 б.т. (сўзбоши муаллифи ва матнни нашрга тайёрловчи, турк тилида); Ozbek folklorinde leper ve onun temel ozelikleri / Uluslararasi dorduncu turk kulturu kongresi bildirileri. – Ankara. 2000. – S.369-374; Абдулла Нурали ўғли / ЎзМЭ. – 2000. – 1-том. – Б.21; Авазхон / ЎзМЭ. – 2000. – 1-том. – Б.61; Алёр / ЎзМЭ. – 2000. – 1-том. – Б.206; “Алип Манаш” / ЎзМЭ. – 2000. – 1-том. – Б.214; “Алпомиш” / ЎзМЭ. – 2000. – 1-том. – Б.238–240; Аҳмад бахши / ЎзМЭ. – 2000. – 1-том. – Б.556; Аҳмедов Бўри / ЎзМЭ. – 2000. – 1-том. – Б.560; Бадиҳа / ЎзМЭ. – 2000. – 1-том. – Б.577; Барчин / ЎзМЭ. – 2000. – 1-том. – Б.642; Бахши / ЎзМЭ. – 2000. – 1-том. – Б.653; Бекмурод Жўрабой ўғли / ЎзМЭ. – 2000. – 1-том. – Б.682; Берди бахши / ЎзМЭ. – 2000. – 1-том. – Б.711; “Alpamis” destani uzerinde arastirmalar / Uluslararasi turk dunyasi halk edabiyati kurultayi. – Ankara. 2000. – S.58-59; Охунжон Сафаров // ЎТА. – 2000. – 1-сон. – Б.77-79 (Р.Воҳидов, М. Жўраев билан ҳамк.); Ёқубжон Жўраев // ЎТА. – 2000. – 3-сон. – Б.77-78 (М.Жўраев билан ҳамк.); Комил Имомов // ЎТА. – 2001. – 4-сон. – Б.79-80 (М.Жўраев, М.Ёқуббекова билан ҳамк.); Ғаффор Мўминов // ЎТА. – 2001. – 5-сон. – Б.87-88 (М.Жўраев билан ҳамк.); “Авесто” ва халқ оғзаки ижоди // “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.48-49 (М. Жўраев билан ҳамк.); “Авесто” и устное народное творчество // “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.102–104 (М.Жўраев билан ҳамк.); “Avesto” and folklore / “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.168–169 (М.Жўраев билан ҳамк.); “Авесто” мифологияси ва ўзбек халқ ижоди // Ўзбекистон тарихи. – №3. – Б. 30-37 (М.Жўраев билан ҳамк.); Алпомиш достонининг ўзбек вариантлари / Карл Райхл. Ўзбек қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш”. – Ваисбаден, 2001. – Б.77–107 (немис тилида); Бойчибор / ЎзМЭ. – 2001. – 2-том. – Б.119; Бола бахши / ЎзМЭ. – 2001. – 2-том. – Б.123; Бу-

лунғур достончилик мактаби / ЎзМЭ. – 2001. – 2-том. – Б.245; Бўри бахши / ЎзМЭ. – 2001. – 2-том. – Б.348; Версия / ЎзМЭ. – 2001. – 2-том. – Б.435; Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларини ўрганишда Н.Маллаевнинг ўрни / Поктийнат. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашри, 2002. – Б.15–24 (М.Жўраев билан ҳамк.); "Alpamis" destanining ogrenilmesi / Uluslararasi turk dunyasi halk adebiyati kurultayi bildirileri. Ankara, 2002.- S.545-547; "Гўрўғли" / ЎзМЭ. – 2002. – 3-том. – Б.141–143; Гўрўғли / ЎзМЭ. – 2002. – 3-том. – Б.143; Гўрўғлихон / ЎзМЭ. – 2002. – 3-том. – Б.143; Диваев Абубакр Аҳмаджонович / ЎзМЭ. – 2002. – 3-том. – Б.289; Достончилик / ЎзМЭ. – 2002. – 3-том. – Б.363-364; Достончилик мактаблари / ЎзМЭ. – 2002. – 3-том. – Б.364; Есемурат Жиров / ЎзМЭ. – 2002. – 3-том. – Б.455; "Ёдгор" / ЎзМЭ. – 2002. – 3-том. – Б.465; "Ёзи билан Зебо" / ЎзМЭ. – 2002. – 3-том. – Б.467; Ёрлақаб бахши / ЎзМЭ. – 2002. – 3-том. – Б.483; Жангнома / ЎзМЭ. – 2002. – 3-том. – Б.550; Жирмунский Виктор Максимович / ЎзМЭ. – 2002. – 3-том. – Б.613-614; Жиров / ЎзМЭ. – 2002. – 3-том. – Б.614; Жуманбулбул / ЎзМЭ. – 2002. – 3-том. – Б.636; Зарифов Ҳоди Тиллаевич / ЎзМЭ. – 2002. – 3-том. – Б.6; "Зевархон" / ЎзМЭ. – 2002. – 4-том. – Б.6; Ислом шоир / ЎзМЭ. – 2002. – 4-том. – Б.243–244; Китоби дадам Қўрқут / ЎзМЭ. – 2002. – 4-том. – Б.624; Китобий достонлар / ЎзМЭ. – 2002. – 4-том. – Б.624; Сафарбой Рўзимбоев // ЎТА. – 2002. – №2. – Б.92-93 (М.Жўраев, Р.Йўлдошев билан ҳамк.); "Авесто" ва халқ оғзаки ижоди / Ўрта Осиё тарихи манбашунослиги масалалари. – Тошкент: ТДШИ, 2003. – Б.71-80 (М.Жўраев билан ҳамк.); Ўзбек халқ мақоллари (тузувчи). – Тошкент: Шарқ, 2003 (А.Мусақулов, Б.Саримсоқов билан ҳамк.); "Алпомиш" доимо халқимиз қалбида // ЎАС. – 2003, 25 июль; "Кунтуғмиш" / ЎзМЭ. – 2003. – 5-том. – Б.138; "Кўрўғли" / ЎзМЭ. – 2003. – 5-том. – Б.194; Мардонақул Авлиёқул ўғли / ЎзМЭ. – 2003. – 5-том. – Б.465; Матназар Жаббор ўғли / ЎзМЭ. – 2003. – 5-том. – Б.521; Музайяна Алавия / ЎзМЭ. – 2003. – 6-том. – Б.112; Мулла Ғойиб / ЎзМЭ. – 2003. – 6-том. – Б.122; "Муродхон" / ЎзМЭ. – 2003. – 6-том. – Б.139; Нарпай достончилик мактаби / ЎзМЭ. – 2003. – 6-том. – Б.268; Нурмон Абдивой ўғли / ЎзМЭ. – 2003. – 6-том. – Б.417; Нурота достончилик мактаби / ЎзМЭ. – 2003. – 6-том. – Б.420; "Ойсулув" / ЎзМЭ. – 2003. – 6-том. – Б.479; "Орзигул" / ЎзМЭ. – 2003. – 6-том.



– Б.563; Оқин / ЎзМЭ. – 2003. – 6-том. – Б.620; Пари / ЎзМЭ. – 2003. – 6-том. – Б.687; Ўзбек фольклорида лапар // Фольклоршунослик. 1-китоб. – Навоий, 2003. – Б.3-7; Фольклор бўлими // ЎТА. – 2004. – 1-сон. – Б.3-9; Серқирра олим // ЎТА. – 2004. – 6-сон. – Б.10–16 (М.Жўраев билан ҳамк.); Шоқаландар. Достон матнини тайёрлаш // САУ. – 2004. – 10-сон. – Б.16–23, 30-39; №11. – Б.16–23, 26-33 (З.Ҳусаинова билан ҳамк.); Пўлкан Муҳаммадқул Жомрот ўғли / ЎзМЭ. – 2004. – 7-том. – Б.212; "Равшан" / ЎзМЭ. – 2004. – 7-том. – Б.319; Раззоқов Ҳошимжон / ЎзМЭ. – 2004. – 7-том. – Б.241; Раҳматулла Юсуф ўғли / ЎзМЭ. – 2004. – 7-том. – Б.277; "Рустамхон" / ЎзМЭ. – 2004. – 7-том. – Б.395; Саидмурод Паноҳ ўғли / ЎзМЭ. – 2004. – 7-том. – Б.421; "Сайёдхон ва Ҳамро" / ЎзМЭ. – 2004. – 7-том. – Б.424; Соқи / ЎзМЭ. – 2004. – 8-том. – Б.31; "Соҳибқирон" / ЎзМЭ. – 2004. – 8-том. – Б.35; "Тилла кампир" / ЎзМЭ. – 2004. – 8-том. – Б.431; Тош Чоршанба ўғли / ЎзМЭ. – 2004. – 8-том. – Б.510; Халқ театрининг янги талқини / ЎАС. – 2005, 7 январь; Орзулар чаманзорида ажиб бир янгиланиш / Ишонч. – 22 март. (М.Жўраев билан ҳамк.); Наврўз – яшариш ва янгиланиш демак / ХС. – 2005, 18 март (М.Жўраев билан ҳамк.); Ўзбек халқ насри тадқиқотчиси // ЎТА. – 2005. – 5-сон. – Б.23–28 (М.Жўраев билан ҳамк.); Мақсуд Абдураҳимов // ЎТА. – 2005. – 5-сон. – Б.103–105 (М.Жўраев билан ҳамк.); Умир Сафар ўғли / ЎзМЭ. – 2005. – 9-том. – Б.93; Усмон Маматқул ўғли / ЎзМЭ. – 2005. – 9-том. – Б.135; Фозил Йўлдош ўғли / ЎзМЭ. – 2005. – 9-том. – Б.272–273; Фольклор / ЎзМЭ. – 2005. – 9-том. – Б.278; Фольклоршунос / ЎзМЭ. – 2005. – 9-том. – Б.278–279; Халқ ижоди (Халқ оғзаки бадиий ижоди) / ЎзМЭ. – 2005. – 9-том. – Б.366-368; "Холдорхон" / ЎзМЭ. – 2005. – 9-том. – Б.453; "Чоймомо" // ЎМЭ. – 2005. – 9-том. – Б.640; Шаҳрисабз достончилик мактаби / ЎзМЭ. – 2005. – 10-том. – Б.27; Шерна бахши / ЎзМЭ. – 2005. – 10-том. – Б.45-46; Шеробод достончилик мактаби / ЎзМЭ. – 2005. – 10-том. – Б.46; "Ширин билан Шакар" / ЎзМЭ. – 2005. – 10-том. – Б.76; Эргаш Жуманбулбул ўғли / ЎзМЭ. – 2005. – 10-том. – Б.240–241; Юзбоши / ЎзМЭ. – 2005. – 10-том. – Б.310; "Юнус пари" / ЎзМЭ. – 2005. – 10-том. – Б.326; "Юсуф ва Аҳмад" / ЎзМЭ. – 2005. – 10-том. – Б.246; Юсуф Ўтаган ўғли / ЎзМЭ. – 2005. – 10-том. – Б.348; "Ўзбек халқ ижоди" / ЎзМЭ. – 2005. – 10-том. – Б.434; Таниқли фольклор-

шунос олим / Санъатшунослик масалалари. II. – Тошкент: 2005. – Б.8–10; Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчи. – Тошкент: Шарқ, 2005 (А.Мусақулов, Б.Саримсоқов билан ҳамк.); Гўрўғли достонлари. Нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Шарқ, 2006 (З.Ҳусаинова билан ҳамк; Фольклор ва унинг асосий хусусиятлари // ЎФМ. 1-китоб. – Тошкент: 2006. – Б.14–23; Фольклоршунослик / ЎзМЭ. – 2006. – 12-том; Халқ оғзаки поэтик ижоди / ЎзМЭ. – 2006. – 12-том; Оғзаки ижодда мундарижа ва мазмун // Хоразм фольклори. VIII китоб. – Урганч, 2006. – Б.4–10; Ҳамиджон Ҳомидий // ЎТА. – 2006. – 1-сон. – Б.96-99; "Алпомиш" достонининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 2007 (С.Федакор, Ж.Эшонқулов билан ҳамк.); "Малика айёр" достони. Турк ва ўзбек тилларида. Нашрга тайёрловчи. – Анқара, 2007 (Ж.Эшонқул билан ҳамк.); "Ойчинор". Турк ва ўзбек тилларида. Нашрга тайёрловчи. – Анқара, 2007 (ҳамк.); "Рустамхон" достони. Турк ва ўзбек тилларида. Нашрга тайёрловчи. – Анқара, 2007 (Ж.Эшонқул билан ҳамк.); Халқ театрининг асоси // ЎАС. – 2007, ноябрь (Ж.Эшонқул билан ҳамк.); Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 2008; Ўйинлар – болалар фольклоршунослигининг тадқиқот объекти // Ўзбек болалар ўйин фольклори: табиати, тўпланиши, нашри ва ўрганилиши муаммолари. – Бухоро, 2008. – Б.4-5; O'zbek xalq og'zaki ijodi xrestomatiyasi. – Тошкент: Алоқачи, 2008 (О.Сафаров, Д.Ўраевалар билан ҳамк.); Ўйин фольклори ҳақида янги тадқиқот / Сафарова Н. Ўзбек болалар ўйин фольклори табиати. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.3-5; Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ўзбек достончилигидаги ўрни // Истиқбол сари. – 2008. – 25 апрель; Ўзаро фольклор алоқаларининг бир жиҳати ҳақида / Материалы международной научно-практической конференции "Духовная культура казахского народа". – Чимкент. – 2008. – С.15–17; Ўйинлар – болалар фольклоршунослигининг тадқиқот объекти / Ўзбек болалар ўйин фольклори: табиати, тўпланиши, нашри ва ўрганилиш муаммолари. – Бухоро. – 2008. – Б.4-5; Сано Саидов // ЎТА. – 2008. – 2-сон. – Б.107–109 (О.Сафаров билан ҳамк.); Александр Михайлович Шчербак // ЎТА. – 2008. – 2-сон. – Б.112–113 (С.Отамирзаева, Ҳ.Йўлдошева билан ҳамк.); Заковат кўрки сўздир / ХС. – 2008. – 26 ноябрь (Суҳбатдош А.Қутбиддинов); Олим бўлсанг / Эл ардоқлаган аллома. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008.. – Б.61-64; Özbek destanlari 1. Erali ve Şirali. Ankara. –



594 p. (ўзбекча матнни тайёрловчи, турк тилида); Смятение праведных. Составление, вступительная статья, примечания и словарь. – М.: Художественная литература, 2009. – 712 с. (А.Қаюмов, С.Ҳасанов билан ҳамк.); O'zbek xalq maqollari. Тузувчи ва сўзбоши. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2009. – 128 бет (А.Мусақулов билан ҳамк.); Шоир номи руҳ бағишлайди / Маърифат. – 7 февраль (Суҳбатдош Ҳ.Тўйманова); Истеъдод ва масъуллик // ЎТА. – 2009. – 1-сон. – Б.31-40 (Э.Очилов билан ҳамк.); Наврўз – боқий қадрият. Ўзбек, рус, инглиз тилларида // Мозийдан садо. – 2009. – 1-сон. – Б.4-7 (М.Жўраев билан ҳамк.); Истеъдод ва масъуллик // ЎАС. – 2009. – 27 март (Э.Очилов билан ҳамк.); Пешқадамимиз эди / Муҳаммаднодир Саидов – маърифат фидойиси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б.92-95; Улкан салоҳият соҳиби // БМ. – 2010. – 1-сон. – Б.22–24 (И.Ҳаққул, М. Жўраев билан ҳамк.); Ўзбек фольклорида лапар // ЎФМ. II. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.49-54; Улкан илмий салоҳият соҳиби / Филология ва усулиёт масалалари. – Бухоро: Бухоро, 2010. – Б.4–7 (И. Ҳаққул, М.Жўраев билан ҳамк.); Олимлик зийнати / Қалб изҳорлари. – Тошкент, 2010. – Б.108–109; Улкан илмий салоҳият соҳиби / ЎФМ. II. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.3-5 (И.Ҳаққул, М.Жўраев билан ҳамк.); Alpomish. Сўзбоши, матнни тайёрлаш ва изоҳлар. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 400 бет (Ҳоди Зариф билан ҳамк.); Жой номлари – тарих кўзгуси / ХС. – 9 июль (Д.Зиёева, И.Тўхтабоев билан ҳамк.); Ўзбек фольклоршунослиги тараққиётида Комилжон Имомовнинг ўрни / ЎФМ. III. – Тошкент: Фан, 2010. – 3–12 (М.Жўраев билан ҳамк.); Илмий-ижодий ҳалоллик тамойиллари / ЎФМ. III. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.102–111; Худойберди Қорабоевга нисбат берилаётган шеърлар ҳақида / ЎФМ. III. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.111–116; Музайяна Алавия – фольклоршунос олима // ЎТА. – 2010. – 2-сон. – Б.16–22 (М.Жўраев билан ҳамк.); Дарахт бир жойда кўкарар / Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.3–18; Алпомиш. Матн, сўзбоши, луғат ва изоҳлар. Тошкент:ARTFLEX, 2011. – 392 бет; Аромат расцветающих роз. Вступительная статья, составление, примечания. – М.: Художественная литература, 2011. – 696 с. (Ф.Ҳамроев билан ҳамк.); Alpomish. Пўлкан шоир варианти матни. – Toshkent: Tamaddun, 2011. – 248 бет (З.Ҳусаинова билан ҳамк.); Поэтическое

своеобразие узбекского дастана Алпамыш // Актуальные проблемы изучения, возрождения и развития традиционной культуры тюркоязычных, восточно-славянских и финно-угорских народов. – Уфа: Вагант, 2011. – С.270–280; Ўзбек халқ лирикасининг йирик тадқиқотчиси / ЎФМ. IV. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.3-8 (М.Жўраев билан ҳамк.); Биринчи ўзбек фольклоршуноси / ЎФМ. IV. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.125–128; "Алпомиш" достонига муқаддима. Достондан парча (нашрга тайёрловчи) / ЎФМ. IV. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.128–147; Мавжланади минг маржон / Муқимов Й. Оталар сўзи. – Тошкент: Маънавият, 2011. – Б.6-8; Амир Темур сиймоси – тарихий эпик талқинда / Чори бахши Умиров. Темурбекнинг туғилиши ва болалиги. – Қарши: Насаф, 2011. – Б.3-4 (М.Жўраев билан ҳамк.); Go'ro'g'li. O'zbek xalq dostonlari. Toshkent: Tamaddun, 2011. – 236 bet (Ж.Эшонқулов билан ҳамк.); Улкан мерос жилолари // Навбаҳорда гул каби. – Тошкент: Маънавият, 2012. – Б.3-4; Омонулла муаллим / ЎАС. – 2012. – 18 май (Ш.Турдимов, Ж.Эшонқул билан ҳамк.); Заҳматкаш ёзувчи, бағрикенг инсон // БМ. – 2012. – 1-сон. – Б.24–25 (Э.Очилов билан ҳамк.); Бахшилар эпик репертуарининг шаклланиши ва бойиб бориши масалаларига доир / XX аср ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент: Фан, 2012. – Б.42-48; Ғози Олим Юнусов // ШЮ. – 2012. – 6-сон. – Б.35-43; O'zbek xalq maqollari (тузувчи, сўзбоши, луғат). – Тошкент: Шарқ, 2012. – 512 бет (А.Мусақулов, Б.Саримсоқов билан ҳамк.); Бахшилар эпик репертуарининг шаклланиши ва бойиб бориши масалалари / Қодир бахши абадияти. – Қарши: Қарши давлат университети, 2012. – Б.9–17; Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: SHAMS ASA, 2013. – 382 бет; Ҳикояти Гўрўғли султон. Сўнг сўз, луғат, нашрга тайёрлаш. – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2013. – 224 бет; Устозлардан бири эди / Фаттоҳ Абдуллаев замондошлари хотирасида. – Тошкент: Муҳаррир, 2013. – Б.52-59; Ўзбек анъанавий театри / ЎАС. – 5 июль (Ш.Турдимов билан ҳамк.); O'zbek xalq maqollari. Toshkent: Sharq, 2013. – 512 bet (А.Мусоқулов, Б.Саримсоқов билан ҳамк.); Музаяна Алавия. Хушнут ҳаёт // Жаннат макон. – 2013. – 6-сон. – Б.55-59; Карл Райхл – ўзбек фольклори тадқиқотчиси // ЎТА. – 2013. – 4-сон. – Б.17–20; Филология илмининг маркази // ЎТА. – 2013. – 6-сон. – Б.3-6; Халқ ижоди хазинабони // ЎТА. – 2013. – 6-сон. – Б.44-47; "Гўрўғли" достонларининг яратилиш даври / Ўзбек адабиёти. Тасвир ва типология. – Тошкент: Муҳаррир, 2013. – Б.17–27; Алпамыс. Қозоқ тилида. Қизилўрда, 2013. – 260 бет; Фольклоршунослигимиз зийнати // ЎТА. – 2014. – 1-сон. – Б.85-92; Фидойи фольклоршунос // ЎТА. – 2014. – 2-сон. – Б.59-66; Таниқли фольклоршунос, фидойи муаллим // ЎТА. – 2014. – 3-сон; Биринчи қорақалпоқ фольклоршуноси // ЎТА. – 2014. – 4-сон. – Б.104–113; Фольклоршунослардан бири // ЎТА. – 2014. – 5-сон. – Б.96–103; Хоразм фольклорининг йирик тадқиқотчиси // ЎТА. – 2014. – 6-сон. – Б.98–103; Алпомиш. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 510 бет; Алпомиш. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 490 бет; Эрали билан Шерали. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. Олтинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 450 бет; Ушбу нашр ҳақида. Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.4-5; Атоқли мусиқашунос-фольклорист // ЎТА. – 2015. – 1-сон. – Б.108–113; Фольклор илми ва таълими жонкуяри // ЎТА. – 2015. – 2-сон. – Б.121–125; Иккинчи умр // ЎТА. – 2015. – 3-сон. – Б.108–116; Забардаст олим // ЎТА. – 2015. – 4-сон. – Б.119–125; Таниқли адабиётшунос-фольклорист // ЎТА. – 2015. – 5-сон. – Б.115–121; Алпомиш. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. Ўнинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 512 бет; Ўз касбининг фидойиси / Фольклор санъатининг фидойиси. – Тошкент: Наврўз, 2017. – Б.4–5; Маматқул Жўраевнинг илмий ижоди ва унинг ўзбек фольклоршунослиги тараққиётида тутган ўрни / ЎФМ. VI китоб. – Тошкент: Фан ва таълим полиграф, 2017. – Б.3–8 (Ш.Турдимов билан ҳамк.); "Гўрўғли" туркуми достонларининг ўрганилиши ва яратилиш даври масаласига доир / ЎФМ. VI китоб. – Тошкент: Фан ва таълим полиграф, 2017. – Б.48–66; "Алпомиш" туркуми... ўттиз икки достондан иборатми? // ЎТА. – 2017. – 6-сон. – Б.9–20; Фольклор ва унинг асосий хусусиятлари // XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.249–164; "Гўрўғли" туркуми достонларининг яратилиш даври

масаласига доир // ЎТА. – 2018. – 1-сон. – Б.106–113; Ўзбек халқ бахшичилик санъати ва унинг ҳозирги ҳолати / “Маданий-маънавий тараққиётда инновацион ёндашувлар ва бахшичилик санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги Республика семинари материаллари тўплами. – Термиз, 2018. – 15–17-март. – Б.5–8; Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин / Миллий тикланиш. – 2018, 22 март. – Б.1, 4; “Гўрўғли” туркуми достонларининг дастлабки нашри ҳақида // ЎТА. – 2018. – 2-сон. – Б.33–44; Инсон бутун умр фольклор ҳаётида яшайди // ТАТ. – 2018. – 2-сон. – Б.6–8; “Алпомиш” туркуми... ўттиз икки достондан иборатми? / Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари мавзусидаги анъанавий республика илмий-назарий анжумани. – Наманган, 2018. – 4–5-май; “Гўрўғли” туркуми достонларининг ўрганилиши масаласига доир // ЎТА. – 2018. – 3-сон. – Б. 49–58; Фольклорсиз миллат бутун бўлмайди / Миллий тикланиш. – 2018. 11 июль; “Гўрўғли” туркуми достонларининг ўрганилиши, яратилиш даври ва дастлабки нашри ҳақида / ЎФМ. VII китоб. – Тошкент: Фан, 2018. – Б. 85–126; Бахшичилик анъаналари ва унинг ҳозирги ҳолати / Маънавий-маданий тараққиётда инновацион ёндашувлар ва бахшичилик санъатини ривожлантириш истиқболлари. – Тошкент, 2018. Б. 5–8; “Кунтуғмиш” достони ҳақида баъзи мулоҳазалар / ЎФМ. VIII китоб. – Тошкент: Фан. – Б.34–53 (М.Жўраев билан ҳамк.); Суҳбатлар давом этмоқда / ЎФМ. VIII китоб. – Тошкент: Фан, 2018. – Б.170–188 (Ш.Назарова билан суҳбат); Биз – дарёмиз, у – денгиз (Атоқли халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳақида) // ШЮ. – 2018. – 11-сон. – Б.92–100 (Ш.Назарова билан суҳбат); Севги ва садоқатни куйловчи достон / Кунтуғмиш. Ўзбек халқ достони. Айтувчи: Ислом шоир Назар ўғли. – Тошкент: Kamalak, 2018. – Б.3–10 (М.Жўраев билан ҳамк.); Alpomish. Достон. Умир шоир ва Мардонақул Авлиёқул ўғли вариантлари. Нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Академнашр, 2019. – 400 б. (Ж.Эшонқулов билан ҳамк.); “Алпомиш” туркуми тўғрисида мулоҳазалар / Тил, адабиёт ва таржима масалалари. – Тошкент: Фан, 2019. – Б.15–22; Бахшиларнинг эстетик қарашлари // Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни: Халқаро илмий-амалий конференция тезислар тўплами (Термиз шаҳри, 2019 йил, 5–10 апрель). – Тошкент: Baktria press, 2019. – Б.5–6; Выступлениям бахши внимают поколения земли.



Интервью Т.Мирзаева / НС. – 2019. 6 апреля; Introduction to the doston “Alpomish” – the crown flower of epic poems (doston) / “Alpomish” Uzbek heroic epos. – Tashkent: ART FLEX, 2019. – P.10–13 (М.Жўраев билан ҳамк.); Наврўз ва ҳашар анъанаси / “Бойсун баҳори” очиқ фольклор фестивали “Жаҳон цивилизацияси: Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция. – Тошкент: Янги нашр, 2019. – Б.4–7; Достончилик – боқий санъат / Фольклор, тил ва маданият масалаларини илмий ўрганишда фан ва инновациялар уйғунлиги.– Тошкент, 2019. – Б. 18–20; “Якка Аҳмад” ва “Эрназархон” достонлари ҳақида / Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. Ўн тўртинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. – Б.5–17 (Ж.Эшонқулов билан ҳамк.); O‘zbek folklori: darslik / T.Mirzayev, Sh.Turdimov, M.Jo‘rayev, J.Eshonqulov, A. Tilavov. – Toshkent: Tafakkur bo‘stoni, 2020. – 240 b.; Ёдгор. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. Ўн олтинчи жилд. Нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2020. – 604 б.; “Алпомиш” достонларининг туркуми // Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. Ўн олтинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2020. – Б.5–18; Таниқли адабиётшунос-фольклорист // Oriental Art and Culture. Scientific Methodical Journal. – Қўқон, 2020. – №3. – Б.9–16.

*Ад.*: Ашуров Т. Фольклор олими / ЁЛ. – 1965, 26 июнь; Жаҳонгиров Ғ., Жўраев М. Дурдоналар хазинасининг жонкуяри / ТО. – 1986, 22 март; Жўраев М. Тўра Мирзаев ва унинг ўзбек фольклоршунослиги тараққиётида тутган ўрни // ЎТА. – 2006. – 2-сон; Жўраев М. Тўра Мирзаев ва ўзбек фольклоршунослиги тараққиёти / ЎФМ. 1-китоб. – Тошкент: 2006. – Б.3–13; Тўра Мирзаев / ХФ. VIII. – Урганч, 2006. – Б.3-4; Абдуллаев Ҳ. Теран фикр ва эзгу амал соҳиби / Ўша манба. – Б.10–12; Дўсимов З. Самимият / Ўша манба. – Б.12–14; Юсупов Ж. Устозга таъзим / Ўша манба. – Б.17–20; Жўраев М. Профессор Тўра Мирзаев асарларининг библиографияси (тузувчи) / ЎФМ. 1-китоб. – Тошкент: 2006. – Б.107–132; Мусақулов А. Достонлар эгаси / Моҳият. – 2006, 3 март; Турдимов Ш., Эшонқулов Ж. Эпосшунос олим / Маърифат. – Тошкент, 2006, 4 март; Жўраев М. Ўзбек эпосшунослиги / Жўраев М. Фольклор-

шунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б.56-64; Турдимов Ш. "Эпос и сказитель" // Тафаккур. – Тошкент, 2009. – 3-сон; Сафаров О. Тўра Мирзаев. Адабий портрет. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2006. – 148 бет; Тўра Мирзаев / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.249

**Амин АЪЛОЕВ**

*(1936 йил 15 март, Шофиркон тумани)*

Ўзбек фольклоридаги замонавий достонларни тадқиқ этган фольклоршунос Амин Аълоев 1956–1961 йилларда Қарши давлат педагогика институтида ўқиган. 1961–1964 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги 12-ўрта мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишлаган. 1964–1989 йилларда Болалар соғломлаштириш-дам олиш оромгоҳида директор вазифасида хизмат қилган. 1975 йилда "Янги давр достонларида традиция ва новаторлик масалалари" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

А.Аълоев халқ бахшилари томонидан XX асрда яратилган достонларда ҳаётий воқеликнинг бадиий акс эттирилиши ва тарихий шахслар образининг бадиий талқини масалаларини ўрганган.

***Ас.***: Фольклор. – Тошкент: Ўзбекистон, 1973; Мардлик куйчиси // Саодат. – Тошкент, 1975. – 3-сон. – Б.24; Проблемы традиции и новаторства в новых дастанах (конец XIX в и в начале XX в.). АКД. – Ташкент, 1975; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўзбекистон, 1976.

**Тўхтамурод ЗУФАРОВ**

*(1936 йил 10 июль – Тошкент шаҳри – 2020 йил 6 октябрь)*

Тўхтамурод Усмонович Зуфаров 1961 йилда Тошкент давлат чет тиллар институтини битирган. 1961–1965 йилларда Тошкент



вилояти мактабларида ўқитувчилик қилган. 1965–1970 йилларда матбуот соҳасида ишлаган. 1970 йилдан Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейида, кейинчалик шу музей асосида ташкил этилган ЎзР ФА Қўлёзмалар институтида кичик илмий ходим (1970–1986), катта илмий ходим (1986–1993 йиллар) бўлиб ишлаган. 1985 йилда "Ўзбек халқ достонларининг спецификаси ва уларининг бадиий тасвир воситалари" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Т.У.Зуфаров ўзбек халқ достонларининг бадиий тасвир воситалари, халқ бахшиларининг муболаға яратиш санъати, "Далли", "Балогардон", "Зулфизар" достонларининг поэтик хусусиятларини ўрганган. Қашқадарё, Сурхондарё (1971), Хоразм (1976), Наманган, Тошкент (1978) вилоятларида фольклор экспедицияларида бўлган.

***Ас.***: Миннатдор халқ овози // ШЮ. – 1980. – 4-сон; Сўз уммонининг гавҳари // ШЮ. – 1970. – 10-сон; "Далли" достонининг бадиий хусусиятлари ҳақида / ЭШУДЎ. – Б.74-91 (ҳамк.); Халқ достонлари муболағасининг айрим хусусиятлари // ЎТА. – 1973. – 4-сон. – Б.61-64; Эргаш шоирнинг муболаға санъати // Адабий мерос. – 1973. – 3-том; "Балогардон" достони ҳақида айрим мулоҳазалар / Фозил шоир. – Тошкент, 1973. – Б.68-76 (ҳамк.); Фозил Йўлдош ўғлининг муболаға қўллаш маҳорати // АДМ. – 1975. – 4-сон; "Зулфизар" достонида муболағанинг ўрни // АДМ. – 1976. – 4-сон; Ўзбек халқ достонларининг муболағавийлиги // АДМ. – 1977. – 8-сон; Ўзбек халқ достонларининг специфик хусусиятлари // АДМ. – 1985. – 2-сон; Художественно-изобразительные средства и специфика узбекских народных дастанах. АКД. – Ташкент, 1985; Специфика узбекских народных дастанов // АДМ. – 1987. – 2,(40)-сон. – С.63-69; Дўмбира асрори / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.265–272.

***Ад.***: Тўхтамурод Зуфаров (1936 йил) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.265.

**Шамил ГАЛИЕВ**

*(1936 йил 11 октябрь, Томск шаҳри)*

Ўзбек болалар ўйин фольклори юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борган Шамил Галиев 1964 йилда Тошкент шаҳридаги Ўзбек хореография билим юртини, 1978 йилда эса Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг Оммавий байрамлар режиссёрлиги бўлимини тамомлаган. У 1962–1964 йилларда Алишер Навоий номидаги Опера ва балет Катта театрининг балет артисти, 1965–1970 йилларда Глиер номидаги Маданият уйи директори лавозимларида ишлаган. 1978–2000 йилларда Тошкент давлат маданият институтида ўқитувчи бўлиб ишлаган. Кейинчалик Тошкент хореография олий мактабида дарс берган. 1998 йилда "Ўзбек болалар ўйин фольклорининг таснифи ва поэтикаси" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ўзбек болалар ўйин фольклорининг тўпланиши ва ўрганилиши тарихини тадқиқ этган Ш.Галиев XX асрнинг 20-йилларида болалар ўйин фольклорини тўплаган Е.М.Пешчерева, А.К.Боровьков каби олимлар томонидан ёзиб олинган материалларни таҳлил қилиш асносида бу олимларнинг фольклор тўпловчилик фаолияти туфайли "Аша болам", "Ҳалинчак учиш" каби ўйинлар, бойчечак, лола, бинафша каби гуллар очилганда ижро этиладиган анъанавий қўшиқлар, жониворлар билан боғлиқ ҳукмлагичларнинг ноёб матнлари сақланиб қолганлигини қайд этган. У ўйин фольклорини тасниф қилган, "қор хат", "олма отиш", "ҳалинчак учиш" сингари ўйинларнинг поэтик фольклорини таҳлил қилган ва ўйин қўшиқларининг бадиий хусусиятларига доир янги илмий мулоҳазаларни билдирган. Ш.Галиев туркий халқлар орасида қадимдан кенг тарқалган чўпон ўйинлари, човгон ва "олтин қобоқ" ўйинининг келиб чиқиш тарихига оид тадқиқотлар олиб борган.

*Ас.*: Анъанавий халқ сайиллари таркибидаги ўйин фольклори // ЎТА. – 1997. – 5-сон. – Б.44-46; "Оқ теракми, кўк терак" қўшиғининг генезисига доир // ЎТА. – 1997. – 6-сон. – Б.64-66; Бойчечагим бойланди // ФТ. – 1998. – 2-сон; Ўзбек болалар ўйин фольклори. – Тошкент: Фан, 1998; Ўзбек болалар ўйин фольклорининг таснифи ва поэтикаси: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Межэтнические взаимовлияние и развитие игровой культуры у тюркских народов / Роль и задачи образовательных учреждений в формировании основ "умной экономики". Т.1. – Шымкент, 2007. – С.36-39; "Олтин қобоқ" ўйини ва халқ достончилиги // Қазақтану. – Шымкент, 2007. – №1(02). – С.43-49; Анъанавий халқ сайиллари таркибидаги ўйин фольклори / Ауезовские чтения-7: М.Ауезов и актуальные проблемы казаховедения. Т.1. – Шымкент, 2008. – С.86-90; "Олтин қобоқ" ўйинининг генезиси // Мозийдан садо. – 2011. – №1–2 (ўзбек, рус ва инглиз тилларида); Мерганлик ва заковат баҳси / ЎАС. – 2015. – №5. – Б.5; "Олтин қобоқ" ўйини. – Тошкент, 2020.

**Камол ОЧИЛОВ**

*(1936 йил 6 март, Қарши тумани, Тахтапул қишлоғи)*

Ўзбек халқ меҳнат қўшиқларини тўплаш ва ўрганиш ишлари билан изчил шуғулланган Камол Очилов 1955–1957 йилларда Қаршидаги икки йиллик ўқитувчилар тайёрлаш институтининг филология факультетида, 1957–1962 йилларда Қарши давлат педагогика институти (ҳозирги Қарши давлат университети)нинг тарих-филология факультида ўқиган. 1962 йилдан бошлаб Қарши давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедрасида ўқитувчи, 1974 йилдан катта ўқитувчи, 1980 йилдан доцент, тарбиявий ишлар бўйича декан ўринбосари, факультет касаба қўмитасининг раиси лавозимларида ишлаган. Ҳозир Қарши давлат университети Ўзбек адабиёти кафедраси доценти. Ўзбек халқ меҳнат қўшиқларини тасниф этди, уларнинг тарихий асослари, ижро этилиш жараёни, вариантлари, қўшиқларнинг бошқа турларига муносабати ва поэтик хусусиятларини ўрганиб, 1974 йилда "Ўзбек халқ меҳнат қўшиқлари (Қашқадарё вилояти материаллари асосида)" мавзуидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган.

К.Очилов 1962–1968, 1974–1985 йилларда Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида, шунингдек, Туркманистон ва Тожикистон Республикаларининг ўзбеклар яшайдиган ҳудудларида фольклор экспедициясида бўлиб, ўзбек халқ меҳнат қўшиқлари, мақол,

достон, эртакларни тўплаган. У деҳқончилик билан боғлиқ қўшчи қўшиқлари, ўрим қўшиқлари, хирмон янчиш пайти айтиладиган "хўп-майда" қўшиқлари, чорвачилик билан алоқадор "хўш-хўш", "чурей-чурей", "турей-турей" қўшиқлари, урчуқ, чарх йигириш, кашта тикиш қўшиқларини тўплаб, 1984 йилда "Бойчечак" мажмуасида нашр эттирган.

***Ас.***: Қашқадарё халқ қўшиқлари ҳақида / Тезисы докладов научной конференции КГПИ. – Карши, 1967; "Қорақум" ва "Дастагул" достонларининг яратилиши тарихига доир / ЎСФМ. – Б.112–119 (О.Собиров билан ҳамк.); Хўп-майда қўшиқлари // ЎТА. – 1971. – 1-сон. – Б.55-58 (О.Собиров билан ҳамк); "Ёзи билан Зебо" достонининг меҳнат қўшиқлари билан боғланишига доир // ЎТА. – 1971. – 4-сон. – Б.54-57 (О.Собиров билан ҳамк.); Меҳнат қўшиқларининг яратилиши ва вариантлашувига доир // ЎТА. – 1971. – 6-сон. – Б.16–21; Соғим қўшиқлари ҳақида // ЎТА. – 1972. – 2-сон. – Б.72-75; Тикувчилик қўшиқлари // ЎТА. – 1974. – 4-сон. – Б.53-56; Узбекские народные трудовые песни (по материалам Кашкадарьинской области). АКД. – Ташкент, 1974; Меҳнат қўшиқлари ва касб-ҳунар лексикаси // Ўзбек тилшунослиги масалалари. 167-том. – Тошкент, 1976. – Б.78-81; Ёрғичоқ қўшиқлари тарихидан / Вопросы руской и узбекской филологии. Т.191. – Тошкент, 1977; Урчуқ қўшиқлари // ЎТА. – 1979. – 1-сон. – Б.74-76; Моки қўшиқлари // ЎТА. – 1983. – 4-сон. – Б.49-50; Моки қўшиқлари тарихи / Сборник материалов 24-научно-теоритической конференции КГПИ. – Карши, 1984; Бойчечак. Болалар фольклори. Меҳнат қўшиқлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984 (О.Сафаров билан ҳамк.); Меҳнат қўшиқлари ҳақида / Бойчечак. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1984. – Б.328-334; Халқ оғзаки ижоди ва жой номлари / Ономастика Узбекистана. – Ташкент, 1989. – С.66-70; Трудовые песни / Узбекская народная поэзия. – Л., 1990. – С.35-36, 38, 40-41, 44, 48, 50, 54-55; Қалдирғочни қўндирган қўшиқ. – Самарқанд: Зарафшон, 1992; Ўзбек аллалари. – Қарши: Насаф, 1994 (Т.Нафасов билан ҳамк.); Шунқор болам, ҳуйё-ҳуй. – Қарши: Насаф, 2003 (А.Эргашев билан ҳамк.); Қарши келин салом қўшиқлари // Насаф зиёси. – Қарши, 2004. – 1-сон; Суннат тўйининг халқ оғзаки ижодида тасвирланишига доир // ЎТА. – 2004. – 5-сон. – Б.64-66; Меҳнат қўшиқларида касб-ҳунар терминларининг қўлланилишига доир / Миллий истиқлол ғояси ва давлат тили тараққиёти. – Қарши, 2004 (Н.Очилов билан ҳамк.); Халқ достонларида поэтик тил воситаларининг ифодаланиши / Илм-фан ва тараққиёт. 2-қисм. – Қарши, 2004. – Б.126–128; Меҳнат қўшиқларининг вариантлашиш жараёни // Насаф зиёси. – Қарши, 2005. – 2-3-сонлар; Меҳнат қўшиқлари бадиияти. – Қарши: Насаф, 2006; Муҳим рисола / Истиқлол ва фольклор. – Тошкент, 2006. – Б.126–128; Муқаддима / А.Эргашев. Халқ ижоди хазинадори. – Қарши: Насаф, 2006. – Б.3-6; Халқ оғзаки ижоди тадқиқотчиси / Номшунос олим. – Қарши, 2008. – Б.132–133; Меҳнат қўшиқлари миллий қадриятлар манбаи / Насафлик алломаларнинг жаҳон маданияти ва фанида тутган ўрни. – Қарши, 2008. – Б.212–215; Хирмон янчиш қўшиқлари / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.273–285.

***Ад.***: Сафаров О. Меҳр-тароватга йўғрилган қўшиқлар (Т.Нафасов, К.Очиловларнинг "Ўзбек аллалари" китобига тақриз) / ҚҚҲ. – 1997, 2 апрель, №27 (13011); Камол Очилов (1936 йил) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.273.

## Тиловқул АШУРОВ

*(1938 йил 2 февраль, Шофиркон тумани, Варзонзе қишлоғи – 2006 йил 13 апрель, Тошкент шаҳри)*

Фольклоршунос Тиловқул Ашуров 1954–1959 йилларда Бухоро давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетида ўқиган. У 1959–1971 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида лаборант, кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1971–1974 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти Рус тили кафедрасининг катта ўқитувчиси, 1974–1979 йилларда доцент лавозимида хизмат қилган. 1979–1981 йилларда Тошкент давлат маданият институти Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти, 1981–1982 йилларда тайёрлов бўлимининг декани, 1985–1990

йилларда Тошкент вилоят давлат педагогика институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг доценти, 1991–2003 йилларда Тошкент давлат Маданият институти доценти вазифаларида ишлаган. 1967 йилда "Ўзбек халқ достонларида юмор ва сатира яратиш йўллари ва воситалари" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Т.Ашуров ўзбек халқ достонларида юмор ва сатиранинг яратилиши, унинг достонларда тутган ўрни, халқ бахшилари ижодида анъана ва импровизация, халқ достонларида ўзбек ва тожик адабий алоқалари масалалари билан шуғулланади. 1960 йилда Ҳ.Зарифов раҳбарлигида Бухоро вилоятида, 1962 йилда М.Афзалов ва Ж.Қобулниёзовлар билан биргаликда Хоразм вилоятида фольклор экспедициясида бўлган. 1965 йилда Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти олимлари билан биргаликда Бухоро вилояти бўйлаб фольклор экспедициясида иштирок этган. "Балогардон" (1964), "Шохдорхон" (1967), "Бўтакўз" (1967) достонларини нашрга тайёрлаган. "Олтин олма" (1966) эртаклар мажмуасинингноширларидан бири.

*Ас.*: Фольклор экспедицияси Бухорода / Ҳақиқати Ўзбекистон. – 1960, 25 август (ҳамк.); Халқ оғзаки ижоди дурдоналарини излаб / ЎМ. – 1960, №76 (ҳамк.); Ўзбек халқ достонларида рефрен масалалари / Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари. – Тошкент, 1963. – Б.314-323; Балогардон. Ўзбек халқ достони. – Тошкент, 1964; Қўшқиялик бахши (Аҳмаджон Сойибназаров ҳақида) // ЎМ. – 1964, №55 (ҳамк.); Ўзбек халқ достонларида юмор / Тилшунослик ва адабиётшунosликка оид тадқиқотлар. – Тошкент, 1965. – Б.474-476; Фольклор олими (Т.Мирзаев ҳақида) / ЁЛ, 1965, 26 июнь; Олтин олма. Ҳаётий эртаклар (нашрга тайёрловчи). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1966 (М.Афзалов, З.Ҳусаинова билан ҳамк.); Муҳим қўлланма / ЎГ. – 1966, 26 февраль (ҳамк.); Ўзбек халқ достонларида қаҳрамон-титанлар образи талқинига доир / ЎХИ. – Б.51-58; Шоҳдорхон. Ўзбек халқ достони. Сўзбоши ва нашрга тайёрловчи. – Тошкент, 1967; Бўтакўз. Ўзбек халқ достони. Сўзбоши ва нашрга тайёрловчи. – Тошкент, 1967; Уйғур халқ байтлари. – Тошкент, 1967 (ҳамк.); Опыт исследования приёмов создания юмора и сатиры в узбекских народных дастанах (на основе дастанов "Гороглы"). АКД. – Ташкент, 1967; Фольклоршуноси номи (Ҳ.Зарифов) / Ҳақиқати Ўзбекистон. – 1967, 19 март; "Бўтакўз" достони ҳақида / Бўтакўз. Ўзбек халқ достони. – Тошкент, 1968. – Б.3-5; "Сабъаи сайёр" достонида эртак мотивлари / ТҲ. – 1968, 25 июнь; Заршунос олима ва шоира (М.Алавия) / ТО. – 1970, 29 май; Замонавий достонларда комик ҳолат яратиш йўллари / ЎСФМ. – Б.102–106; "Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор" / ЎСФМ. – Б.312-314; Юмор яратиш воситаларига доир / ЭШУДЎ. – Б.97–102; "Ўзбек достончилигида бадиий маҳорат" / ЭШУДЎ. – Б.204–205; Сатира и юмор в узбекском дастанном творчестве / Тезисы докладов XXXIII научно-теоретической конференции профессорско-преподавательского состава ТИИМСХ. – Ташкент, 1974; Ўзбек халқ достонларида сатира ва юмор. – Тошкент: Фан, 1974; Халқ достончилигида ўзбек-тожик фольклор алоқаларига доир. 1-мақола / ПШ. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.150–153; Ўзбек ва тожик халқ эпоси алоқаларига доир. 2-мақола // ИСШ. – Б.103–108; К вопросу о взаимоотношениях узбекского и таджикского эпосов / Литература и история. – Ташкент, 1980. – С.113–114; О взаимосвязах узбекского и таджикского эпоса / Фольклор, литература и история. – Ташкент: Фан, 1983. – С.313-316; Балогардон. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1986; Фольклоршунос олим // ЎТА. – 1994. – 1–2-сонлар. – Б.66-67; Миллий қадриятлар ва тарбия масаласи / Халқ донишмандлиги маърифати. – Тошкент, 2001. – Б.3–12 (ҳамк.); Достонлардаги кичик бир ҳолат ҳақида / Халқ донишмандлиги маърифати. – Тошкент, 2001. – Б.68-73; Халқ достонларида қаҳрамон-титанлар образи талқинига доир / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.286–294.

*Ад.*: Тиловқул Ашуров (1938–2006) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.286.

## Райимқул РАЖАБОВ

*(1938 йил 1 июль, Яккабоғ тумани, Қорасув қишлоғи)*

“Зевархон” достони юзасидан илмий тадқиқот иши ёзган Райимқул Ражабов 1961 йилда ТошДУнинг Ўзбек филологияси факультетини тугатган. 1968 йилдан буён Қашқадарё вилоятида масъул лавозимларда хизмат қилиб келган. 1973 йилда М.Саидов раҳбарлигида “Зевархон” достонининг генезиси, тарқалиши ва ғоявий-бадиий хусусиятлари” мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Р.Ражабов Фозил Йўлдош ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли каби халқ бахшиларидан ёзиб олинган “Зевархон” достонини туркий халқлар фольклорида мавжуд бўлган муштарак сюжетли эпик асарлар билан қиёсий ўрганган. Мазкур достоннинг шаклланиш тарихи ва ғоявий-бадиий хусусиятларини ёритган.

***Ас.***: “Зевархон” достонида образлар талқинига доир / ТошДУ илмий асарлари. 395-сон. – Тошкент, 1970; “Зевархон” достонида бош қаҳрамонлар талқинига доир / Ўзбек филологияси масалалари. – Тошкент, 1971. – Б.182–187; Муносиб шогирд: нуроталик бахши Раҳматулла Юсуф ўғли (Эргаш Жуманбулбул ўғлининг 100 йиллигига бағишлаб) / СЎ. – 1972, 12 май; Нуроталик бахши // МВТ. – 1972. – 8-сон; Халқ оғзаки ижоди: “Зевархон” достонининг яратилишига доир // Гулистон. – 1973. – 2-сон. – Б.75; “Зевархон” достонида эртак мотивлари / Танқид ва адабиётшунослик масалалари. – Тошкент, 1973. – Б.109–114; “Зевархон” достонида лирик монолог / Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973. Генезис, бытование и идейно-художественные особенности дастана “Зевархон”. АКД. – Ташкент, 1973; “Зевархон” / ЎСЭ. Т.4. – Тошкент, 1973. – Б.467; “Зевархон” достони // ҚҚҲ. – 1973, 24 август; Раҳматулла Юсуф ўғли / ЎСЭ. Т.9. – Тошкент, 1977. – Б.211.



## Шаҳзода ХЎЖАЕВА

*(1938 йил, Тошкент шаҳри)*

Халқ ижоди асарларини тўплаш ва нашр этишга муносиб ҳисса қўшган Шаҳзода Хўжаева 1938 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлагач, ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида кичик илмий ходим лавозимида ишлаган. У ўтган асрнинг 60-йилларидан 70-йилларнинг бошларига қадар ўтказилган фольклор экспедицияларида фаол иштирок этган. 1961 йилги фольклор экспедициясида 1901 йилда Пскент туманининг Керовчи қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Эвалак қишлоғида деҳқон оиласида туғилган Анорбой Кенжа ўғли, шу қишлоқда 1903 йилда таваллуд топган Маматқул ўланчи Сармонов ҳамда Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги Увайд қишлоғида 1906 йилда туғилган Абдуқаюм созчи Усмоновдан ёзиб олган ўланлари ўзининг мукаммаллиги ва бадиий жиҳатдан етуклиги билан алоҳида ажралиб туради.

Фольклоршунос Шаҳзода Хўжаева маросим лирикасининг зукко тадқиқотчиси Музайяна Алавия раҳбарлигида ўзбек халқ қўшиқлари бадииятига доир илмий изланиш олиб борган. У Пўлкан шоирнинг “Юнус пари” достонини нашрга тайёрлаган.

***Ас.***: Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан. Юнус пари (достон). Нашрга тайёрловчи. – Тошкент, 1967; Қимматбаҳо достонлар / Гўрўғлининг туғилиши (достонлар) / Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1967. – Б.319–125 (ҳамк.); Халқ даҳоси талқинлари // ЎТА. – Тошкент, 1967. – №4. – Б.55-57 (“Ўзбек халқ ижоди” илмий тўпламига тақриз, ҳамк.); “Майсаранинг иши” ва фольклор // ЎТА. – Тошкент, 1969. – №6. – Б.12–13;

## Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ

*(1939 йил 15 август, Шовот тумани, Шовотқалъа қишлоғи)*

Ўзбек-қорақалпоқ фольклор анъаналарини тадқиқ этган Ҳамдам Абдуллаев 1956–1961 йилларда Хоразм давлат педагогика

институти (ҳозирги Урганч давлат университети)нинг Тарих-филология факультетида ўқиган. 1961–1963 йилларда Шовот туманидаги ўрта мактабларда ўқитувчилик қилган. 1963–1969 йилларда Хоразм давлат педагогика институти (ҳозирги Урганч давлат университети)да ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1970–1975 йилларда факультет декани, кафедра мудири, 1975–1981 йилларда проректор, 1985–2005 йилларда Ўзбек адабиёти кафедраси мудири бўлиб ишлаган. Ҳозирги кунда шу кафедра профессори лавозимида фаолият юргизмоқда.

Ҳ.Абдуллаев Хоразм достончилиги анъаналарининг ўзига хос хусусиятлари, ўзбек, туркман ва қорақалпоқ бахшиларининг ўзаро ижодий алоқалари, ўзбек ва қорақалпоқ достонлари типологияси, романик эпос бадиияти каби масалаларни тадқиқ этган. 1969 йилда "Махтумқули ва ўзбек адабиёти" мавзусида номзодлик, 1988 йилда "Ўзбек-қорақалпоқ эпоси алоқалари ва типологияси" мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1991 йилда профессор унвони, 1999 йилда "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвони берилган. 1984 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси.

"Шаҳриёр" халқ достонини (Тошкент, 2006. 5 б.т.) сўзбоши билан чоп эттирди ва педагогика институтлари учун "Қардош халқлар адабиётлари тарихи" фанидан дастур тузувчилардан бири (1986). Ҳозиргача фольклор ва ёзма адабиёт муаммоларига доир 200 дан зиёд мақола, ахборот ва тақризлар ёзган.

*Ас.*: Хоразм халқ қўшиқлари / ХҲ. – Урганч, 1965. – 17 ноябрь; Туркман фольклорида Навоий образи / ХҲ. – Урганч, 1968. – 18 апрель; Махтумқули ва Хоразм бахшилари / Халқлар дўстлиги – адабиётлар дўстлиги. – Тошкент, 1975; Махтумқули Хоразм афсоналарида / ФТТ. – Тошкент, 1977; Махтумқули ва Хоразм ривоятлари // ЎТА. – Тошкент, 1979. – №4; Халфалар репертуари ва фольклор алоқалари // АДМ. – Тошкент, 1982. – №2; Эпос ва Хоразм этнофольклор ареали // АДМ. – Тошкент, 1984. – №2; Хоразм афсоналарида мифология излари // ЎТА. – Тошкент, 1984. – №1; Халқ достонлари ва уларнинг вариантлари. – Тошкент: Фан, 1984; Матназар бахши – Қурбонбой жировнинг шогирди // Вестник ККФ АН РУз. – Нукус, 1984. – №3; Қурбонбой жиров ва ўзбек бахшилари // ЎТА. – Тошкент, 1984. – №6; Бир достон бахши ва жиров



ижросида // АДМ. – Тошкент, 1985. – №32; Ўзбек ва қорақалпоқ бахшилари ҳамкорлиги // АДМ. – Тошкент, 1985. – №34; Тарихийлик принципи ва эпос алоқалари / Миллий адабиётларни қиёсий ўрганиш. – Тошкент, 1986; Эпос ва тарихий воқелик. – Тошкент, 1987; Эпосни ўрганишда регионал принцип // Вестник ККФ АН РУз. – Нукус, 1988. – №5; Ўзбек ва қорақалпоқ фольклорида Гулдурсун образи // Адабиётлар ҳамкорлиги. – Тошкент, 1988; Ўзбек – қорақалпоқ фольклор алоқалари (рус тилида). – Тошкент: Фан, 1991; Қурбонбой жиров ва ўзбек халқ прозаси // АДМ. – Тошкент, 1991. – №4; "Қирқ қиз" эпосининг типологиясига доир // ЎТА. – Тошкент, 1998. – №2; "Алпомиш" эпоси ва Хоразм воҳаси достончилиги / ХҲ. – Урганч, 1998. – 20 июнь; Қадим шаҳарлар ва тирик ривоятлар // Ҳаёт ва қонун. – 1998. – №9–10; "Алпомиш" эпоси ва Хоразм воҳаси достончилиги // ЎТА. – Тошкент, 1999. – №4; Халқ оғзаки ижоди – ахлоқий ва эстетик тарбиянинг манбаи сифатида / "И.Каримов асарлари асосида талаба ва ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш вазифалари" мавзусидаги Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1999; Халфалик санъати қадрият сифатида / Мақолалар тўплами. – Самарқанд, 1999; Махтумқули шеърияти бахши талқинида / ФТТ. II китоб. – Урганч, 1999; Зардушт ҳақида ҳақиқат ва ривоят / Маърифат ёғдуси. – Урганч, 1999. – №2; "Авесто"даги образлар талқини / Илмий анжуман материаллари. – Урганч, 2000; "Авесто" ва Хоразм фольклори / "Авесто" ва Ўрта Осиё халқлари маданияти тарихидан. – Нукус-Хива. 2001; Каюмарснинг оғзаки талқинлари / "Авесто" ворислари. – Урганч, 2001. – Б.17–19; "Авесто" ва Хоразм эпоси / Халқаро конференция материаллари. – Тошкент, 2001; "Авесто" ва Хоразм воҳаси фольклори // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2001. – №3. – Б. 38-42; "Филмаҳмуд" достонида жавонмардлик // ИС. – Урганч, 2002. – №1; Халфалар репертуари ва Ж.Қобулниёзов // Ис. – Урганч, 2002. – №2; О киргизском варианте Курбанбека / Филологические исследование. – Ургенч, 2002; Эпосда тарихийлик / ФТТ. –Урганч, 2002; Хоразм фольклори тўпловчиси / ФТТ. – Урганч, 2002; Қорақалпоқ эпосининг Хоразм даври / ХФ. IV том. – Урганч, 2002; "Авесто" ва Хоразм эпоси қатламлари / "Авесто" ва унинг инсоният тарихидаги ўрни. – Тошкент, 2002; "Авесто" ва мифлардаги мотивлар // АК. – Тошкент, 2002. – 7-сон; Хоразм халқ

ижодкорлиги Ғ.Ғулом талқинида / Ғафур Ғулом – ўзбек адабиёти байроқдори. – Самарқанд, 2003; "Халфа" атамаси ҳақида қайдлар // ЎТА.– Тошкент, 2004. – №4; Ожиза халфа асарлари тўплами // ИС. – Урганч, 2004. – №3; "Шаҳриёри олам" (нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи). – Тошкент, 2006; Эзгуликни куйловчи достон / Шаҳриёри олам. – Тошкент, 2006. – Б. 30-36.

***Ад.***: Фан доктори / ХҲ. – 1990. – 23 август; Мирзаев Т., Жўраев М. Ҳамдам Абдуллаев // ЎТА. – 1999. – 5-сон. – Б.77-78; Назаров Б. Чиғатой олимларимиздан бири / Эътироф ва эҳтиром. – Урганч, 2009. – Б.4; Мадраҳимов Э. Таниқли дўст ҳақида сўз / Эътироф ва эҳтиром. – Урганч, 2009. – Б.10–12; Қурамбаев К. Таниқли олим ва устоз мураббий // Илм ва жамият. – Нукус, 2019. – №2. – Б.5; Абдуллаев Б.И. Фанимиз фидойиси / Бадиий тафаккур ва адабий жараён. – Тошкент, 2019. – №15. – Б.3; Ғайипов Д. Ҳамдам Абдуллаев портретига чизгилар ёхуд устоз ҳақида мухтасар сўз / Ўша манба. – Б.4-5; Маткаримова С. Устоз илмидан илм олиб / Ўша манба. – Б.5-6; Эшчонова Г. Устозга эҳтиром / Ўша манба. – Б.6-8; Раҳимова Б. Табаррук инсон, мўътабар устоз / Ўша манба. – Б.8-9; Пирназарова М. Устозга эҳтиром / Ўша манба. – Б.9–11; Юлдашева М. Ҳамдам Абдуллаевнинг истиқлол йилларидаги фаолияти хусусида / Ўша манба. – Б.11–13; Машарипова Р. Устоз асарларидан баҳраманд бўлиб / Ўша манба. – Б.13–15; Жуманиёзова Н. Шогирд эҳтироми ёхуд сўнгсўз ўрнида / Ўша манба. – Б.89-90.

## Асрор АБДУСАМЕДОВ (Асрор САМАД)

*(1939 йил – Тошкент шаҳри – 2016 йил)*

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тадқиқ ва тарғиб этишга катта ҳисса қўшган Асрор Абдусамедов (Асрор Самад) Тошкент давлат университети(ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. Кейинчалик "Кино" журналида муҳаррир, Узоқ йиллар Тошкент давлат университетида талабаларга сабоқ бериш билан шуғулланган. Кейинчаликноширлик соҳасига ўтиб, матбаатчилик билан машғул бўлган. 1970 йилда



"Фозил Йўлдош ўғлининг эпик маҳорати" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

А.Абдусамедов ўз тадқиқотида атоқли халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғлининг достон ва термаларини таҳлил қилиш асносида бу улкан ижодкорнинг бетакрор бадиий маҳорати, бадиҳагўйлик иқтидори ва сўз қўллашдаги ўзига хослигини очиб берган.

***Ас.***: "Алпомиш" достонини ўрганиш тарихидан / Ҳаёт ва адабиёт. – Тошкент, 1968; "Алпомиш" ва "Ёдгор" достонларининг сюжет линияси / ТошДУ аспирантлари илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1968; Фозил Йўлдош маҳорати. – Тошкент, 1969; Халқ оғзаки бадиий ижодида коллективлик ва индивидуаллик. – Тошкент, 1969; Эпическое мастерство Фазыла Юлдаш оглы (сюжет, композиция): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Тошкент, 1970.

## Жўрабой ХОЛИҚУЛОВ

*(1940 йил 10 январь, Булунғур тумани)*

Фольклоршунос Жўрабой Холиқулов 1964 йилда СамДУнинг филология факультетини битиргач, 1964–1976 йилларда Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги 38-ўрта мактабда ўқитувчи, 1966–1972 йилларда мактаб директори лавозимларида ишлаган. 1977 йилдан С.Айний номли Самарқанд давлат педагогика институтида, кейинчалик СамДУда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1985 йилда "Гўрўғлининг туғилиши" достонининг Гўрўғли туркумини ривожлантиришдаги ўрни" деган мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Ж.Холиқулов "Гўрўғли туркумига кирувчи "Гўрўғлининг туғилиши" достонининг яратилиш тарихи, вариантлари, сюжет қурилишини ташкил этувчи асосий мотивлари ва бадиий хусусиятлари, туркумликни юзага келтирувчи эпик омиллар масалаларини тадқиқ этган. У Самарқанд давлат педагогика институти талабалари билан биргаликда Нурота, Каттақўрғон туманларида фольклор экспедицияларида бўлган.

*Ас.*: Қиёсий таҳлилини кутаётган достон // Гулистон. – 1980. – 11-сон. – Б.25–26; Фольклор практикасидан методик тавсиялар. – Самарқанд, 1981 (Ҳ.Умуров, А.Азимов, Т.Очилов билан ҳамк.); Она мадҳи // Гулистон. – 1981. – 3-сон; "Гўрўғлининг туғилиши" достонининг бадиий хусусиятлари // ЎТА. – 1983. – 6-сон. – Б.30-34; "Рождение Гороглы" и его место в цикле дастанов "Гороглы". АКД. – Ташкент, 1984.

## Оташ ХОЛМИРЗАЕВ

*(1940 йил 16 январь, Янгиқўрғон тумани, Наримонов қишлоғи)*

Асли касби ўқитувчилик бўлса-да, бутун умри давомида ҳавaскор фольклор тўпловчи сифатида халқ ижоди асарларини тўплаш билан изчил шуғулланган Оташ Толипович Холмирзаев 1957–1961 йилларда Наманган давлат педагогика институтида ўқиган. 1961–1964 йилларда армия сафида хизмат қилган. 1964–1970 йиллар Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги 25-ўрта мактаб директори лавозимида ишлаган. 1984 йилдан Чортоқ туманидаги 115-умумтаълим мактаб-интернатида директор, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

О.Н.Холмирзаев 1957 йилдан бери Наманган водийсида яшаб ижод қилаётган бахшилар, эртакчи ва қўшиқчилар репертуаридаги фольклор асарларини ёзиб олиш билан шуғулланиб келади. У 1965–1980 йиллар мобайнида Усмон шоирдан "Бўтакўз" (1959), Умар ёзи Қозоқбой ўғлидан "Нуралихон" (1962), Исмон бахшидан "Тўлаб ботир" (1964), Маҳмуд Дўғумбаевдан "Авазхоннинг олиб келиниши" (1964), Усмон Мазохидовдан "Шоҳдорхон" (1968), Ҳайдар Бойчаевдан "Авазхоннинг олиб келиниши", "Авазхон" (1968), Раззоқ Қозоқбой ўғлидан "Авазнинг арази" (1959), "Авазнинг арази" (1967), "Ёзи билан Зебо", "Манас" (1972), "Қундуз билан Юлдуз" (1972, 1973), "Гўрўғлининг туғилиши", "Юсуф билан Аҳмад", "Гўрўғли", "Райҳон араб" (1974), "Гулнор пари", "Муродхон", "Кунларим", "Махтумқули" (1978), "Юнус пари", "Гўрўғлининг ўлими", "Юртим ҳақида достон" (1980), Алим шоирдан "Чамбил" (1974), Абдуазиз Раззоқ ўғлидан "Шоҳдорхон" (1957, 1959), "Мисқол пари" (1974), "Ойсанам" (1975), А.Кўчимовдан "Ёзи билан Зебо" (1974), Мадрайим бахшидан "Авазнинг арази", "Авазхон" (1970), "Авазхоннинг олиб келиниши" (1974), "Рустам" (1976), Омон бахши Раззоқ ўғлидан "Гўрўғлининг туғилиши", "Замонбекнинг тўйи" (1972), "Юсуф ва Аҳмад", "Гўрўғлининг туғилиши" (1974), "Қундуз билан Юлдуз" (1972, 1975), Имом Насриддиновдан "Гўрўғлининг болалиги" (1975), Қурбон Эсонбоевдан "Далли" (1970), Назира буви Қўзиевадан "Авазнинг олиб келиниши" (1970), Аҳмад Девонаевдан "Алпомиш" (1975) достонларини, шунингдек, Алим шоир Ниёз ўғли, Омон бахши, Мамасодиқ бахшиларнинг қатор терма ва достонларини ёзиб олган. О.Т.Холмирзаев ўзи ёзиб олган 20 мингдан зиёд мақол, кўплаб қўшиқ, эртак, латифа, аскиялар ҳамда 20 та халқ достонини ЎзР ФА собиқ Қўлёзмалар институтининг фольклор архивига топширган бўлиб, бу материаллар ҳозирги кунда ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида сақланади. У Фарғона водийси бахшилари репертуарида "Гўрўғли" достонларининг ўрни, халқ шоирларининг ижодий фаолияти ва достонларининг бадиий хусусиятларига доир бир нечта илмий-оммабоп мақолалар муаллифидир.

*Ас.*: Ижодкор бахти // Ўзбекистон социал таъминоти. – 1972. – 1-сон; Эл ардоқлаган шоир // МВТ. – 1974. – 12-сон; Фарғона халқ достончилиги ҳақида баъзи қайдлар // АДМ. – 1977. – 7-сон; Наманган халқ достончилиги // АДМ. – 1983. – 2-сон; Бошланғич синфларда халқ оғзаки ижоди (методик қўлланма). – Наманган, 2006; Авазнинг арази (достон). Айтувчи Мамасодиқ бахши Раззоқ ўғли. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи О.Холмирзаев. – Наманган, 2017; Мисқол пари (достон). Айтувчи Абдуазиз бахши Абдураззоқ ўғли. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи О.Холмирзаев. – Наманган, 2020; Ёзи билан Зебо (достон). Айтувчи Омон бахши Раззоқ ўғли. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи О.Холмирзаев. – Наманган, 2020; Ҳасанхон (достон). Айтувчи Умар ёзи Қозоқбой ўғли. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи О.Холмирзаев. – Наманган, 2020.

*Ад.*: Турсунов А. Оғзаки ижод дурдоналари тўпланмоқда / НҲ. – 1974, 3 август; Собиров О. Ўқитувчи-фольклоршунос / ЎГ.

– 1975, 18 сентябрь; Насриддинов Г. Халқ дурдоналарини излаб / НҲ. – 1976, 17 июнь; Маликов К. Мактабда фольклор кабинети / НҲ. – 1978, 30 июнь; Бичурин Р. Қишлоқ ўқитувчисининг хазинаси / ЁЛ. – 1980, 24 январь; Бичурин Р. Ўқитувчининг хазинаси / СЎ. – 1980, 31 январь; Красильников Н. Творчества наших земляков / НҲ, 1980, 4 май; Жўраев М. Умри қўшиққа айланган ижодкор / НҲ. – Наманган, 2019. – 3 июль. – Б.3; Жўраев М. Умри қўшиққа айланган ижодкор / Маҳорат мактаби. – Наманган, 2019. – 13 март. – 10(566)-сон. – Б.2; Аманов Б. Юз ёшда ҳам юзлашайлик / Чортоқ ҳақиқати. – Чортоқ, 2015. – 17 январь; Темурбек. Оддий ўқитувчиликдан академикликкача / НҲ. – Наманган, 2017. – 17 январь; Оташин муҳаббат шукуҳи / НҲ. – Наманган, 2018. – 18 январь; Султонқулов М. Ўзи ҳақида сўзи кам одам / Чортоқ ҳақиқати. – Чортоқ, 2020. – 15 апрель; Исҳоқов Б., Отамирзаев Б. Умр зиёси (Оташ Холмирзаев 80 ёшда). – Наманган: "Аржуманд медиа" нашриёти, 2020; Мадисақова Ё. Умр зиёси // Маҳорат мактаби. – Наманган, 2020. – 15 январь; Носир Аббос. Адабиётимизнинг оташ битиги / НҲ. – Наманган, 2020. – 17 январь.

## Охунжон САФАРОВ

*(1940 йил 18 февраль, Шофиркон туманидаги Додбоғни қишлоғи – 2014 йил 15 март, Бухоро шаҳри)*

Зарафшон воҳаси фольклорининг фидойи тўпловчиси, нашири ва тадқиқотчиси Охунжон Сафаров 1946–1956 йилларда ўзи туғилиб ўсган Шофиркон туманидаги Додбоғни қишлоғидаги бошланғич мактабда, сўнг қўшни қишлоқ – Чандирдаги Абу Али ибн Сино номли ўрта мактабда ўқиган. 1961 йилда Бухоро давлат педагогика институтининг (ҳозирги университетнинг) тарих-филология факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаб, 1961-62 йилларда Жондор туманидаги мактаблардан бирида ўқитувчилик қилди. 1962 йилда Бухоро давлат педагогика институтига ишга ўтиб, 1962–1966 йилларда Педагогика ва психология кафедрасида, 1967 йилдан Ўзбек адабиёти кафедрасида ўқитувчи, 1972 йилдан катта ўқитувчи, 1974 йилдан доцент вазифаларида ишлади. Айни пайтда



1971–1976 йилларда институтнинг кўп тиражли "Илғор фан учун" газетасига муҳаррир бўлган. 1977–1979 йилларда Мусиқа-педагогика факультети декани, 1988–2005 йилларда Ўзбек адабиёти кафедраси (пединститут университетга айлантирилгач, Фольклор ва янги ўзбек адабиёти кафедраси) мудири лавозимларида фаолият кўрсатди. 2005 йилдан Педагогика ва жисмоний маданият факультети Тил ва адабиёт кафедрасининг мудири лавозимида ишлаб келган.

1968–1971 йилларда Самарқанд давлат университети сиртқи аспирантурасида таҳсил олган Охунжон Сафаров 1971 йилда "Шукур Саъдулла – болалар адиби" мавзусида номзодлик, 1986 йилда эса "Ўзбек болалар поэтик фольклорининг жанрий таркиби ва бадиияти" мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. 1989 йилда унга профессорлик илмий унвони берилди.

Охунжон Сафаровнинг тадқиқотчилик фаолиятида фольклоршунослик алоҳида ўрин тутади. Бу соҳага у 1970 йилда эълон қилинган "Қуддус Муҳаммадийнинг фольклордан фойдаланишига доир" мақоласи билан кириб келди. Бинобарин, ўша пайтлардаёқ ўзбек болалар адабиётининг ўзига хос бадиий олами ва тараққиёт тамойилларига оид тадқиқотлари билан илмий жамоатчилик эътиборига тушган бу олимнинг адабиётшуносликдан фольклоршуносликка "ўтиш" жараёни бирданига рўй бергани йўқ. У ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ Бухоро вилоятида сақланиб қолган ва ўзининг жонли ижро ҳолатини давом эттираётган фольклор асарларини тўплашга киришиб, ушбу ҳудуд фольклорининг бетакрор жозибасини ўзида мужассамлаштирган каттагина фактик материалларни ёзиб олишга муваффақ бўлган эди. У Шукур Саъдулланинг болалар адиби сифатидаги ижодий фаолиятини тадқиқ этар экан, унинг "Качал полвон" ҳақидаги оғзаки драма сюжети асосида яратган асари ҳамда адабий эртакларининг фольклордаги заминини аниқлаш асосида адиб бадиий маҳоратини халқ оғзаки бадиий ижодиёти анъаналари билан боғлиқликда ўрганган эди. Шу тариқа, 70-йиллардан бошлаб, О.Сафаров болалар адабиёти тадқиқоти соҳасидаги жиддий изланишлари натижасида ғоятда бой ижодий тажриба орттирган етук мутахассис сифатида фольклоршуносликка кириб келди. У болалар руҳий оламининг теран илдизларини кашф этиш иштиёқида тинимсиз изланди ва Зараф-

шон воҳаси фольклори, хусусан, Бухоро вилояти ҳудудида истиқомат қилувчи халқнинг кичкинтойларга аталган бадиий тафаккур дурдоналарини тўплаш, ёзиб олиб, нашр этиш ва тадқиқ қилишга киришди.

Охунжон Сафаровнинг илмий фаолиятига разм солган киши унда чинакам фольклоршуносга хос бўлган уч хусусият: тўпловчилик, яъни халқ ижоди асарларини ёзиб олиш, энг сара асарларни нашрга тайёрлаб чоп эттириш ҳамда тадқиқотчилик фаолияти яхлит ҳолда уйғунлашганлигини кўради.

Ўзбек фольклоршунослигида халқ ижоди асарларини тўплаш ишлари асосан экспедицион тадқиқотлар йўли билан амалга оширилаётган 70-йилларда ўзининг қадимий фольклор анъаналарини сақлаб келаётган муайян ҳудудларни стационар ўрганиш, ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг ҳудудий ранг-баранглиги ва локал хусусиятларини акс эттирадиган бундай жойлардаги кўп йиллар мобайнида изчил кузатишлар олиб бориш эҳтиёжи юзага келган эди. Фольклоршунослик ана шундай изланишларга муҳтож бўлиб турган бир вазиятда Охунжон Сафаров биринчилардан бўлиб Бухоро воҳаси болалар поэтик фольклорига доир материалларни стационар усулда тўплаш ишларини бошлаб юборди. Унинг тўпловчилик фаолияти ҳам жанрлар нуқтаи назаридан, ҳам жўғрофий жиҳатдан ғоят кенг қамровлидир. Олим Бухоро вилоятининг ўзига яқин ва жуда таниш бўлган қишлоқларини қадамба-қадам кезиб чиқиб, "қумкулоқ" боболару чечан момолар тафаккурининг "олтин сандиғи"даги "бисот"ни дафтарга кўчириш билангина чекланмай, қуйи Зарафшон воҳаси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, шунингдек, Тожикистон Республикасининг бизга қўшни бўлган туманлари бўйлаб узлуксиз илмий экспедициялар ташкил этди. Натижада, ўзбек болалар поэтик фольклори, маросим қўшиқлари, эртак, афсона, ривоят, нақл, латифа, мақол, топишмоқ, ирим-сирим, айтим ҳамда аломатларга оид жуда катта ҳажмдаги бебаҳо материаллар тўпланди. Бу изланишлар самараси ўлароқ бола туғилиши ва бешик даври билан боғлиқ урф-одат ва расм-русумлар, никоҳ тўйи маросими фольклорининг илгари аниқланмаган "куёв элтиш", "келин элтиш", "куёв ўтирсин", "келин ўтирсин" каби жанрлари, шунингдек, ўзбек дафн ва таъзия маросимлари фольклори ёзиб олинди. О.Сафаровнинг ташаббуси ва бевосита фаол иштироки туфайли фақатгина Бухоро воҳасида сақланиб қолган ғоят нодир бир фольклорий ҳодиса – халқ қўшиқларининг кўп асрлик анъанавий ижроси жараёнида юзага келган "Бухорча" ва Мавриги" туркумларининг матни тўла ёзиб олиниб, уларнинг куйи нотага туширилди. Қуйи Зарафшон воҳаси ва Жанубий Ўзбекистондан ёзиб олинган бу ноёб фольклор материалларининг қамровини шундан ҳам билса бўладики, фольклоршунослар томонидан тўплаб, нашр этилган алла матни 460 мисрадангина иборат бўлган бир пайтда О.Сафаровнинг 1970–1980-йиллар оралиғида 2000 сатрдан зиёд алла намуналарини ёзиб олганлиги унинг тўпловчилик фаолияти нақадар салмоқли ва маҳсулдор бўлганлигидан далолат беради.

Охунжон Сафаров тўплаган фольклор материалларининг аксарияти ҳали кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган, кўпчилиги эса илк бор ёзиб олинган намуналар эди. Ана шундай бой фактик материаллар асосида ўзбек болалар поэтик фольклорини муайян бир этнофольклорий ҳудуд асосида тадқиқ этишга бел боғлаган олимнинг 70-йилларнинг охири – 80-йилларнинг бошидаги илмий-ижодий фаолияти жуда самарали бўлди. У ўзбек болалар фольклорининг жанрлар таркибини аниқлади ва биринчи марта мукаммал таснифини яратди. Ўзининг "Эркаламаларнинг жанр хусусиятлари", "Чеклашмачоқлар", "Тез айтишлар", "Чандишлар", "Ялинчоқларнинг жанр табиатига доир", "Гулдур-гуплар" ва бошқа кўплаб мақолаларида болалар фольклорининг ўзига хос табиатини очиб берди.

Охунжон Сафаров ўзбек болалар поэтик фольклори ва унинг жанрлар тизимини тадқиқ этишга доир изланишларини умумлаштириб, 1983 йилда "Болаларни эркаловчи ўзбек халқ қўшиқлари" номли монографиясини чоп эттирди. Болаларни эркаловчи ўзбек халқ поэзияси намуналарининг жанр табиати, тарихий илдизлари, тадрижий ривожи ва бадиий хусусиятлари таҳлилига бағишланган бу монографияда алла, эркалама, овутмачоқ ва қизиқмачоқ жанрлари мукаммал текширилди. Олим жаҳон фольклоршунослигининг энг илғор назариялари ҳамда ўзи ёзиб олган материаллар таҳлилидан келиб чиқиб, аллаларни тузилишига кўра воқебанд ҳамда пароканда аллалар; мавзу-моҳиятига кўра авайловчи, маиший ва тарихий аллаларга ажратиб таснифлади. Боланинг бешик даврига оид турли-туман маросимлар, расм-русум-

ларда ижро этиладиган фольклор намуналари, жумладан, чақалоқ беш ва тўққиз кунга тўлганда, илк бор чўмилтирганда, биринчи марта бешикка боғлаганда, илк бора ота-онаси ва қариндошларига таништирилганда, чақалоққа исириқ тутатилганда, тиш ёрганда, биринчи марта оёқ босганда, болага янги кийим кийгизганда, қизалоқлар сочини биринчи бор ювиб-тараганда, боланинг тирноғи, "чилла сочи"ни олганда айтиладиган айтим-олқишларни илмий ўрганиш ҳам дастлаб О.Сафаров томонидан фольклоршунослик амалиётига татбиқ этилди. Олимнинг бу назарий қарашлари ва таснифлари кейинчалик ўзбек болалар фольклори ҳамда боланинг бешик даври маросимларида ижро этиладиган айтим-олқишларни Фарғона водийси, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм ва бошқа вилоятлар материаллари асосида янада кенгроқ кўламда тадқиқ этилишига йўл очиб берди.

Олимнинг илмий такомилини кўрсатувчи асарларидан яна бири 1985 йилда нашр этилган "Ўзбек болалар поэтик фольклори" монографияси бўлиб, унда асрлар давомида яратилиб, ҳар бир авлод бадиий тафаккурининг сарчашмасида жилоланган бадиий сўз дурдоналари таҳлилга тортилган. Китобда болалар шеъриятининг қадимий илдизлари аждодларимизнинг тотемистик ва анимистик қарашларига бориб тақалиши, бугунги кунда болалар қўшиғи сифатида оммалашиб кетган "Офтоб чиқди оламга", "Бойчечак" каби талайгина қўшиқлар қачонлардир мавсумий маросимлар чоғида ижро этилган бўлиб, ўша маросимларни ўтказишга ижтимоий эҳтиёж қолмаганлиги сабабли болалар тақвим поэзияси намунасига айланиши каби масалалар атрофлича тадқиқ этилди.

Болалар фольклорини бутун борлиғича, яхлит ҳолда таҳлилга жалб қилиш фольклоршунослик назариясини тўлдирадиган, уни бойитадиган янги илмий хулосаларнинг юзага келишига асос бўлди. Бинобарин, эркалама, ялинчоқ, чеклашмачоқ, санама, чандиш, ҳукмлагич, қизиқмачоқ, қиқиллама, аразлама, яраштиргич, масхарама, чорлама, овутмачоқ, гулдур-гуп, алданмачоқ сингари йигирмага яқин жанрларини илмий жиҳатдан асослаб берган олим, ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусияти ва табиатидан келиб чиққан ҳолда махсус атамаларни ишлаб чиқдики, бу фольклоршунослик фани тарихида муҳим илмий-амалий қимматга эга.



Охунжон Сафаровнинг фольклоршунос сифатидаги тадқиқотчилик фаолияти ғоят серқирра ва сермаҳсулдир. Унинг ўзбек маросим фольклори жанрлари, оғзаки наср, Бухоро воҳаси фольклорининг ёзиб олиниши ва ўрганилиши, фольклоршунослик тарихи, фольклор матншунослиги, мусиқа фольклори, ҳозирги тарихий-фольклорий жараён ва унинг ўзига хос хусусиятлари, халқ оғзаки ижоди асарларини ёзиб олиш методикасига доир ҳар бир мақола ва рисоласи ўқимишлилиги, масалага ёндашувнинг холислиги ва янги факт ва талқинларга бойлиги билан ажралиб туради.

Фольклор асарларини нашр этиб, оммалаштириш борасида самарали меҳнат қилиб келаётган Охунжон Сафаровнинг сайъ-ҳаракатлари туфайли ўзбек аллаларининг бир нечта мажмуаси нашр этилди. Айниқса, 1999 йилда чоп эттирилган "Алла-ё алла" китоби ўзбек аллаларининг энг яхши намуналарини ўз ичига қамраб олганлиги, ҳам мазмунан, ҳам ҳудудий жиҳатдан кўламдорлиги билан ажралиб туради. Олимнинг қашқадарёлик фольклоршунос Қ.Очилов билан ҳамкорликда нашр эттирган "Бойчечак" тўплами "Ўзбек халқ ижоди" кўпжилдлиги силсиласида чоп эттирилган энг сара китоблардан бири бўлиб, болалар фольклори ҳамда меҳнат қўшиқларининг ҳозирга қадар оммалаштирилган энг мукаммал мажмуаси ҳисобланади. 2000 йилда чоп этилган "Тўй муборак ёр-ёр" тўпламига киритилган "тўй муборак" қўшиқлари, "жар", "олқиш", "ёр-ёр ёроне" туркумлари, "келин ўтирсин", "куёв ўтирсин" қўшиқлари, "келин салом" ва "куёв салом"лар эса ранго-ранг расм-русумлар ва удумлардан таркиб топган ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклорини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан эътиборан Бухоро давлат педагогика институти (кейинчалик университет) талабаларининг анъанавий фольклор ва диалектология экспедицияси раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келаётган О.Сафаров воҳада кенг қамровли фольклор тўпловчилик ишларини йўлга қўйиш билан бир қаторда ёш, иқтидорли мутахассисларни фундаментал фанга йўналтириш орқали малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам самарали меҳнат қилди.

Маълумки, халқ оғзаки бадиий ижодининг аксарият намуналари куйланади, демакки, улар муайян бир халқ куйи билан боғлиқ. Фольклоршунослар эса асосан фольклор бадиий матнини ўрганиш

билан чекланиб келмоқдалар. Охунжон Сафаров улардан фарқли равишда ўз имконияти доирасида халқ қўшиқларини уларнинг куйлари билан биргаликда тадқиқ этишга ҳаракат қилган, мусиқашунослик тарихи бўйича қалам тебратиб келган олимларимиздан биридир. Агар таъбир жоиз бўлса, бу истеъдодли олим фольклоршуносликда филологик мусиқашунослик йўналишини бошлаб берди. Бу ўринда унинг ўнлаб мақолалари ва "Бухорча" ва "Мавриги" тароналари" (2005, О.Атоев ва Ф.Тўраев билан ҳамкорликда), "Шашмақом ватани оҳанглари" (2009) китобларини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур.

Мусиқашунос ва бастакорлар Ориф Атоев ва Файзулла Тўраевлар билан ҳамкорликда яратилган "Бухорча" ва "Мавриги" тароналари" китобида рақс ва ашулалар бирлигидан таркиб топган ўзига хос бу икки туркумнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихи, композицион таркиби, тараққиёти, ижро усуллари, Бухорода жонли ижрода сақланиб қолиш даражаси, ғоявий-бадиий хусусиятлари теран тадқиқ этилиши билан бирга қўшиқлар унинг матни ва куйларининг нота ёзувлари ҳам берилган. Туркумлаштиришнинг мураккаб воситалари билан ўзаро бириккан қўшиқлар, куйлар, рақслар силсиласини бир-бирига қиёслаш, бир неча вариантларда ёзиб олиш, турли ижро шароитларида кузатиш асосида юзага келган бу китоб ўзбек фольклоршунослиги ва санъатшунослигида айрича аҳамиятга эга. Китобда "Бухорча" ва "Мавриги" туркумларининг поэтик табиати, шаклланиш босқичлари ва тарихий илдизлари, асосий узвларининг моҳияти ва ижро усуллари, шунингдек, Бухоро тўй маросими қўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари етарли даражада таҳлил этилганки, бу ўз навбатида келгусида янги тадқиқотларнинг юзага келишида асос бўлиши шубҳасиздир.

Олим илмий фаолиятида "Шашмақом ватани оҳанглари" китоби ҳам алоҳида ўрин тутади. Ундан тадқиқотчининг турли йилларда унинг ўзи томонидан ёки ҳамкорликда яратилган "Бухоро шашмақомининг ёзиб олиниши тарихидан тўрт лавҳа", "Севги розлари тараннуми", "Базм" ғазали ёхуд устод Айнийнинг мусиқа ва санъат аҳлига муносабати" каби рисолалари, мақолалари ва шеърлари жой олган. Айниқса, олимнинг "Бухоро шашмақоми"нинг нотага ёзиб олиниши тарихига бағишланган рисоласи ўзининг холислиги ва ҳар бир фактга адолатли баҳо берилганлиги билан алоҳида



ажралиб туради. Тадқиқотда дастлаб улкан адиб ва аллома Фитрат раҳбарлигида, кейинчалик атоқли санъаткор Юнус Ражабий томонидан, шунингдек, Тожикистонда нотага ёзиб олинган ва нашр этилган "Бухоро шашмақоми" нусхаларини бир-бирига қиёслар экан, уларнинг ҳар бирига хос афзалликларни моҳирлик билан таҳлил этади, қай бирларига хос бўлган бир томонлама ёндашувларга ўз муносабатини билдиради. Ҳозирча нашр этилмаган Ариэл Бобохонов томонидан нотага кўчирилган "Бухоро шашмақоми" нусхаси ҳам унинг эътиборидан четда қолмаган. Масалага бу қадар кенг ва атрофлича ёндашув Охунжон Сафаров тадқиқотчилик фаолиятига хос хусусиятдир. Шу сабабли ҳам унинг ҳар бир мақоласи ёхуд китоби доимо илмий жамоатчилик эътиборида бўлиб келган.

Эллик йил давомида узлуксиз равишда педагогик фаолият билан шуғулланиб келган бу тиниб-тинчимас олим дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишга, ўзи тўплаган назарий билимларни таълим тизимига жорийлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Унинг ҳаммуаллифликда фольклор ва болалар адабиёти бўйича нашр этилган ўнга яқин дарслик, хрестоматия ва ўқув қўлланмалари бунинг исботидир.

*Ас.*: Қуддус Муҳаммадийнинг фольклордан фойдаланишига доир / ЎСФМ. 1-китоб. – Тошкент: Фан, 1970. – Б.207–211; О сказках Шукур Саадуллы / Материалы XIY научно-теоретической конференции. Тезисы докладов. – Бухара, 1970. – С.115–116; Қаландар қиёфасидаги олим (Ҳ.Вамберининг Бухорода бўлишининг 110 йиллигига) / БҲ. – 1971, 14 август (И.Назаров билан ҳамк.); Ш. Саъдулла – детский писатель: АКД. – Самарканд, 1971; Болалар фольклорида "ҳавзак-ҳавзаклар" // ЎТА. – 1978. – 6-сон. – Б.31-33; Эркаламалар (изоҳи билан) // Саодат. – Тошкент, 1979. – 7-сон. – Б.25; Халқ қўшиқларида Бухоро мадҳи / БҲ. – 1980, 12 август; Эркаламаларнинг жанрий хусусиятлари // ЎТА. – 1982. – 1-сон. – Б.13–19; Болалар халқ қўшиқлари / БҲ. – 1982, 20 май; Меҳр ифодаси // Гулхан. – 1982. – 6-сон. – Б.6 (Ҳ.Сафарова билан ҳамк.); Чеклашмачоқлар // ФТ. – 1982. – 1-сон. – Б.30-31; Болаларни эркаловчи ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1983; Тез айтишлар // АДМ. – 1983. – 2-5-сонлар. – Б.83-88; Чандишлар // ЎТА. – 1983. – 4-сон. – Б.42-46; Бойчечак. Болалар фольклори. Меҳнат қўшиқла-

ри. Тузувчилар: О.Сафаров, К.Очилов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984; Ялинчоқларнинг жанр табиатига доир // ЎТА. – 1984. – 1- сон. – Б.40-45; Болалар урушни лаънатлайдилар (изоҳ ва болалар халқ қўшиқлари намуналари) // Гулхан. – Тошкент, 1984. – 5-сон. – Б.14; Болалик куйласа – олам мунаввар ("Бойчечак" тўпламига сўнгсўз) / Бойчечак. Болалар фольклори. Меҳнат қўшиқлари. Тузувчилар: О.Сафаров, К.Очилов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б.321-327; Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985; Ҳукмлагичлар ҳақида // ЎТА. – 1985. – 1-сон. – Б.51-56; Қўшиқлардан зийнатланган ўйинлар // СМ. – 1985. – 2-сон. – Б.32-33 (Ҳ.Сафарова билан ҳамк.); Жанровый состав и поэтика узбекского детского поэтического фольклора: АДД. – Ташкент, 1985; Эл эъзозлаётган фольклоршунос (проф. Т.Мирзаев 50 ёшда) // ИФУ. – 1986, 27 март (Т.Қораев, Й.Нурмуродов билан ҳамк.); Фольклоршунос олим изланишлари (проф. Т.Мирзаев 50 ёшда) / БҲ. – 1986, 6 май (Т.Қораев, Й.Нурмуродов билан ҳамк.); Изланувчи фольклоршунос (проф. Т.Мирзаев 50 ёшда) / Шофиркон ҳақиқати. – 1986, 8 май (Т.Қораев, Й.Нурмуродов билан ҳамк.); Бир қизиқмачоқнинг ўзбекча-туркманча вариантлари // ЎТА. – 1986. – 5-сон. – Б.22–26; Баҳор ёмғирига. Эркалама / БҲ. – 1987, 25 июль; Гулдур-гуп // Гулхан. – Тошкент, 1987. – 5-сон. – Б.28–29; Болалар фольклори / Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 1 том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.273–284 (Ғ.Жаҳонгиров билан ҳамк.); Ўзбек фольклори немис тилида / БҲ. – 1988, 30 март (Р.Жуманиёзов, А.Бозоров билан ҳамк.); "Келин ўтирсин" ва "Куёв ўтирсин" маросими қўшиқлари // ЎТА. – 1989. – 5-сон. – Б.35-39; Яна қадриятларимиз ҳақида / БҲ. – 1989, 21 октябрь; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди (Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари студентлари учун дарслик). – Тошкент: Ўқитувчи, 1990 (Т.Мирзаев, К.Имомов, Б.Саримсоқов билан ҳамк.); Бухоро қўшиқларидан намуналар / БҲ. – 1990, 26 май; Кичкинтойлар сўзга кирса… / Муаллим. – 1990, 1 июнь; Бухоро қўшиқлардан намуналар // АДМ. – 1990. – 2(52)-сон. – Б.76-79; Яшариш ва янгиланиш байрами / БҲ. – 1990, 17 март; Сумалак (суруди халқӣ). (Тахияи О.Сафаров) / БҲ. – 1991, 23 март; Сунати мардумӣ (дар хусуси наврўз. Илова. Дубайтиҳои халқӣ) / БҲ. – 1991, 30 март; Алишер Навоий – фольклоршунос // ЎИФ. –



Тошкент, 1991. – 7-сон. – Б.37-45; "Куёв элтиш", "Келин элтиш" удумлари ва жарлар // ЎТА. – 1991. – 6-сон. – Б.35-39 (Ф.Ҳайитова билан ҳамк.); Фольклор практикаси (Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари талабалари учун халқ оғзаки ижоди намуналарини танлаш, ёзиб олиш ва системалаштиришга оид қўлланма). – Бухоро, 1992 (М.Жўраев, А.Турсунқулов билан ҳамк.); Боланинг тили чиқди // МТ. – Тошкент, 1992. – 1-сон. – Б.40-41. Саховатга чорловчи қўшиқ // Сусамбил. – 1992, март, 7-8-сонлар; Дубайтихои халқӣ. Сумалак (тахияи О.Сафаров) // Бухорои Шариф. – 1992, март, шумораи 4; Идихо (гирдоваранда Охунжон Сафаров) / БҲ. – 1992, 21 март; "Ё рамазон" қўшиқлари ҳақида // ЎТА. – 1992. – 2-сон. – Б.24–27; Тезгўякҳо (гардоваранда Охунжон Сафаров) / БҲ. – 1992, 26 сентябрь; Табуларда халқ ахлоқий нормаларининг ифодаланиши // БТ. – 1993. – 1-сон. – Б.37-38 (Ш.Баҳромова билан ҳамк.); Мушфиқий хандалари (намуналар) / БҲ. – 1993, 15 апрель; Дилларда нурланувчи сиймо (Баҳоуддин Нақшбандий ҳақидаги ривоятлардан намуналар) // Бухоро университети. – 1993, 15 сентябрь; Ширинқишлоқ латифалари / БҲ. – 1993, 8 июль; Ширинқишлоқ латифалари. – Бухоро: "Бухоро" нашриёти, 1994; Қоракўллик куйчилар. – Тошкент: Наврўз, 1994; Дубайтиҳои халқӣ (6 та). Идиҳо (3 та) / Бухорои Шариф. – 1994, 19 март (таҳияи Охунжон Сафаров); Ширинқишлоқ латифаларига оид айрим қайдлар / Ширинқишлоқ латифалари. – Бухоро, 1994. – Б.3–17; Ҳуйялар – оталар алласи // МТ. – Тошкент, 1994. – 5-6-сонлар. – Б.20; Ўзбек халқ қўшиқларида миллий ақидаларнинг ифодаланиши // ТАТ. – 1995. – 2-сон. – Б.61-64 (Д.Ўраева билан ҳамк.); Ўзбек фольклорининг забардаст тадқиқотчиси / БҲ. – 1996, 15 май; Кулги – қалб фараҳи / Санъаткорлар хандаси. Ривоятлар, латифалар, ҳангомалар. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Файзулла Тўраев. – Тошкент, Адолат, 1996. – Б.3-4; Жанговар қўшиқлар кўпайсин / ЎАС. – 1996, 2 август, №31. – Б.1; Розеъ ба омузиши фольклори тожику ўзбек (Тожику ўзбеклар фольклорини ўрганишга оид қайдлар. Гуфтигў бо профессор Охунжон Сафаров) // Мардумгиёҳ. – Душанбе, 1997. – 1–2-сонлар. – Б.205–208; "Чор китоб" – иймон тарбияси // Мулоқот. – Тошкент, 1997. – 1-сон. – Б.50-53; Меҳр–тароватга йўғрилган қўшиқлар (Т.Нафасов, К.Очиловларнинг "Ўзбек аллалари" китобига тақриз) / ҚҚҲ. – 1997, 2 апрель,

№27 (13011); Халқ қўшиқларини тўплаш ва ўрганиш (Бухоройи шарифнинг 2500 йиллигига) / Зиёкор (Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси газетаси). – 1997, 30 сентябрь; Мотам аллалари ҳақида айрим мулоҳазалар // ЎТА. – 1997. – 5-сон. – Б.30-34 (Д. Ўраева, Д.Нарзуллаевалар билан ҳамк.); Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 1998 (ҳамк.); Қизалоқларнинг баҳорий ўйинлари // БТ. – 1998. – 3-сон. – Б.20–21; "Бухорча" ва "Мавриги" туркумлари // Гулистон. – 1998. – 3-сон. – Б.32-33; Алла-ё алла. Ўзбек халқ аллалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999; Халқ даҳосинин ўлмас обидаси ("Алпомиш" достонининг минг йиллигига) / Маҳорат кўзгуси. – Бухоро, 1999. – 2-сон. – Б.4-8; Жасорат ва муҳаббат қўшиғи ("Алпомиш" достонининг минг йиллигига) / БҲ. – 1999, 23 октябрь; "Алпомиш" достони ва "Ўткан кунлар" романидаги муштарак мотивлар / "Алпомиш" достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти" мавзусидаги халқаро симпозиум материаллари. – Термиз: Фан, 1999. – Б.61-62 (Ғ.Муродов билан ҳамк.); "Alpomish" and "The day of the past" (O`tgan kunlar) factor of the literary-poltic similarity / "Алпомиш" достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти" мавзусидаги халқаро симпозиум материаллари. – Термиз: Фан, 1999. – Б.103–105 (Ғ.Муродов билан ҳамк.); О художественно-поэтической, генетико-исторической общности "Алпомиша" и "Минувших дней" / "Алпомиш" достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти" мавзусидаги халқаро симпозиум материаллари. – Термиз: Фан, 1999. – С.136–158 (Ғ.Муродов билан ҳамк.); Тўй муборак, ёр-ёр. Ўзбек халқ никоҳ тўйи маросими қўшиқлари. – Тошкент: Маънавият, 2000; A treasury of uzbek legends and lore. – Тошкент: "Қатортол-камолот" нашриёти, 2000 (инглизчага М.Петерсен таржимаси); Алишер Навоий мавсум ва маросим қўшиқлари таърифида / Алишер Навоий ижоди ва маънавий тараққиёт масалалари. – Навоий, 2001. – Б.50-52; Тўмарис ватани ноаниқми? // БухДУ илмий ахборотлари. – 2001. – 1-сон. – Б.41-47 (А.Жумаев билан ҳамк.); Алишер Навоий мавсум ва маросим қўшиқлари таърифида // Маҳорат кўзгуси. – Бухоро, 2001. – 2-сон. – Б.17–22; Алишер Навоий мавсум ва маросим қўшиқлари таърифида // Маҳорат кўзгуси. – Бухоро, 2001. – 3-4-сонлар. – Б.9–16; Қайтармачоқлар ва уларнинг этнопедагогик моҳияти // Ўқитувчининг педагогик-психологик асослари: муаммо ва истиқболлар. – Бухоро, 2002. – Б.179–181;



Халқ қўшиқларида қора рангнинг тимсолий жилолари // Ўша тўплам. – Б.85-91 (М.Рўзиева билан ҳамк.); Бухоро фольклорини тўплаш ва ўрганиш тарихидан // ЎТА. – 2003. – 1-сон. – Б.8–15; Ўзбек халқ қўшиқларида этнопедагогик ақидаларнинг ифодаланиши // БухДУ илмий ахборотлари. – 2003. – 1-сон. – Б.14–21 (Д.Ўраева билан ҳамк.); Фольклор ва болалар адабиёти // ЎТА. – 2003. – 6-сон. – Б.20–27; Ширинтойлар баҳори (шеърлар ва эртак). – Бухоро: "Бухоро" нашриёти, 2003; Ҳамид Олимжон шеърий адабий эртаклари // ПМ. – 2003. – 4-сон. – Б.62-69; Бўзлардан учган ғазал-ай (ўзбек халқ йиғилари ва йўқловлари). – Бухоро: "Бухоро" нашриёти, 2004 (Д.Ўраева билан ҳамк.); "Алпомиш" эпоси ва "Ўткан кунлар" романидаги муштарак мотивлар (қиёсий-типологик кузатиш натижалари) // БухДУ илмий ахборотлари. – 2004. – 2-сон. – Б.18–23 (Ғ.Муродов билан ҳамк.); Халқ ижодини қадрлай биларди (академик И.Мўминов таваллудининг 95 йиллигига) / "Ижтимоий шерикчилик – давр талаби" мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Бухоро, 2004. – Б.46-48; "Бухорча" рақслар жозибаси // Тафаккур. – 2004. – 3-сон. – Б.116–117; "Бухоро афсоналари" тўплами ҳақида // ЎТА. – 2004. – 4-сон. – Б.84-86; Ўзбек никоҳ тўйи маросимига оид табу (тақиқ) ва уларнинг ижтимоий-ахлоқий моҳияти // БухДУ илмий ахборотлари. – 2004. – 4-сон. – Б.4–10; "Бухорча" ва "Мавриги" тароналари (халқ ашула-рақс туркуми). – Тошкент: Фан, 2005 (О.Атоев ва Ф.Тўраев билан ҳамк.); Бухоро никоҳ тўйларида "саломнома"хонлик удуми ва айтимининг талқини // БухДУ илмий ахборотлари. – 2005. – 3-сон. – Б.4–11; Латифаларнинг латиф синоатлари // ПМ. – 2005. – 3-сон. – Б.26-36; Турғунбой Ғойибов – эртакнавис адиб // ПМ. – 2005. – 3-сон. – Б.71-75; Тўра Мирзаев (адабий портрет). – Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2006; Ҳассос фольклоршунос ва фан ташкилотчиси (Т.Мирзаевнинг 70 ёшлигига қутлов) // БМ. – 2006. – 1-сон. – Б.41; O'zbek xalq og'zaki badiiy ijodi (O'quv qo'llanmasi. 1-qism). – Buxoro, 2006 (D.O'rayeva bilan hamk.); O'zbek xalq og'zaki badiiy ijodi (O'quv qo'llanmasi. 2-qism). – Buxoro, 2006 ( D.O'rayeva bilan hamk.); Қофия – лингвопоэтик тадқиқот объекти // Бердиев Х.Х., Ражабов Д.З. "Девону луғотит турк"даги шеърий парчаларда қофия. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2006. – Б.3–13; Нақаротми ёки нақо-

рат ёхуд унинг ўзбек халқ қўшиқларидаги ритмик-композицион вазифалари // БухДУ илмий ахбороти. – 2006. – 1-сон. – Б.39-46 (Н.Рўзиева билан ҳамк.); “Саломномахонлик” удуми ва айтими // Сино. – Тошкент, 2006. – 22-сон (ёз). – Б.28-33; Халқ ганжинасига меҳр / Навоийга армуғон. 5-китоб. – Тошкент, 2006. – Б.28-39; O’zbek bolalar adabiyoti va folklori. 1- kitob. O’quv-usuliy qo’llanma. – Buxoro, 2007; O’zbekiston xalqlari etnografiyasi va folklori. Madaniyat va san’at kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Toshkent: O’qituvchi, 2007 (D.O’rayeva, M.Qurbonova bilan hamk.); “Саломон ва Ибсол” қиссасида Ақл, Куч ва Нафс талқини // БМ. – 2007. – 1-сон. – Б.15–16; Маросим олқишлари ҳақида / Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Навоий, 2007. – Б.15–18 (Д.Ўраева билан ҳамк.); Халқ насри тадқиқотчиси (проф. М.Жўраевнинг 50 ёшга кирганлиги муносабати билан) // ЎТА. – 2007. – 2-сон. – Б.29-36 (Д.Ўраева билан ҳамк.); Тожикистонда “Шашмақом”нинг нотага ёзиб олиниши // ПМ. – 2007. – 2-сон. – Б.60-65; Эстетическая функция эпитетов “золото” и “серебро” в узбекских народных песнях / Геотехнология: инновационные методы недропользования в XXI веке. – Навоий, 2007. -С.447-458 (Д.Ўраева билан ҳамк.); Юнус Ражабийнинг “Бухоро шашмақоми”ни нотага ёзиб олишдаги жасорати // Сино. – Тошкент, 2007. – 26-сон. – Б.48-55; Нақарот ва унинг ўзбек халқи қўшиқларидаги ритмик-композицион вазифалари // ЎТА. – 2007. – 6-сон. – Б.21–28 (Н.Рўзиева билан ҳамк.); O’zbek xalq og’zaki ijodi xrestomatiyasi (O’quv qo’llanma). – Toshkent: Aloqachi, 2008 (Т.Мирзаев, Д.Ўраева билан ҳамк.); “Алпомиш”нинг академик нашри ёхуд устоз Ҳоди Зариф армонининг ушалиши / Филология ва усулиёт масалалари. 1-китоб. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.63-66; Санама жанри табиатига доир салмоқли тадқиқот / С.Авезов. Санама жанри табиати ва бадиияти. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.3-4; Ўйинлар – болалар учун ҳаёт алифбеси / Ўзбек болалар ўйин фольклори: табиати, тўпланиши, нашри ва ўрганилиши муаммолари. – Бухоро, 2008. – Б.5–23; Ўзбек болалар ўйин фольклорини тўплаш ва ўрганишнинг айрим долзарб муаммолари / Ўша манба. – Б.27-35 (Н.Сафарова билан ҳамк.); Ўзбек халқ қўшиқларидаги “олтин” ва “кумуш” сифатлашларининг эстетик вазифаси // БухДУ илмий ахборотлари. – 2009. – 1-сон. – Б.42-46 (Д.Ўраева билан ҳамк.); Болаларнинг яширин тили // ЎТА. – 2009. – 2-сон. – Б.11–19; El suyarim alla. O’zbek xalq allalari (To’plab nashrga tayyorlovchi va so’zboshi muallifi Oxunjon Safarov). – Toshkent: O’zbekiston, 2009; Фольклор – бебаҳо хазина. Сайланма. – Тошкент: Муҳаррир, 2010; O’zbek xalq og’zaki ijodi. Universitetlar va pedagogika institutlarining filologiya fakulteti bakalavrlari uchun darslik. – Toshkent: 2010; Болаликнинг ойдин осмони. Сайланма. – Тошкент: Маънавият, 2010; Tez aytishlar. Rangli kitobcha. (то’plab, nashrga tayyorlovchi va so’zboshi muallifi: Oxunjon Safarov. –Toshkent: Sharq, 2010; Chittigul. O’zbek bolalar o’yin folklori (то’plab, nashrga tayyorlovchi va so’zboshi muallifi: Oxunjon Safarov). – Toshkent: Sharq, 2010; Ўзбек болалар ўйин фольклори. – Тошкент, 2013; Bolalar adabiyoti va folklor. Usuliy qo`llanma. – Toshkent: “Turon zamin ziyo”. 2015. 356 b.; Болалар фольклори / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М. Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.307–121.

***Ад.***: Мирзаев Т., Жўраев М. Улкан илмий салоҳият соҳиби / ЎФМ. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.3–10; Мирзаев Т., Ҳаққулов И., Жўраев М. Серқирра илмий фаолият // БМ. – Бухоро, 2010. – 2-сон; Яна ўша муаллифлар. Серқирра илмий фаолият / Филология ва усулиёт масалалари. 2. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2010. – Б.3-7; Профессор Охунжон Сафаров асарларининг библиографияси (тузувчи М.Жўраев) / ЎФМ. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.11-39; Ўраева Д. Охунжон Сафаров. – Бухоро, 2010; Заковат файзи. Профессор Охунжон Сафаров ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятига чизгилар. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2015. – 156 б.; Охунжон Сафаров (1940–2014) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.307–121; Сафарова Ҳ., Ражабова Р. Адабиётшунос Охунжон Сафаровнинг Абдурауф Фитрат ижодига оид тадқиқотлари / “Истиқлол ва Фитрат” мавзусидаги анъанавий республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро, 2018; Ўраева Д. Охунжон Сафаров / Илм зиёсидан мунаввар кунгиллар. – Бухоро: “Дурдона”, 2019. – Б.62-86.

## Маманазар БОБОЕВ

*(1941 йил, Фориш тумани, Сентоб қишлоғи – 2019 йил 10 май, Ангрен шаҳри)*

Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи аълочиси (1985) Маманазар Бобоев 1960–1965 йилларда Самарқанд давлат университетининг филология факультетида ўқиган. 1965–1970 йилларда Ангрен шаҳридаги Алишер Навоий номли 11-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган. 1970 йилдан буён Тошкент вилоят давлат педагогика институтида ўқитувчи (1970–1974), катта ўқитувчи (1974–1983), доцент (1983 йилдан), кафедра мудири (1984–1992) бўлиб ишлаган. 1976–1998 йилларда Ўзбек филологияси ва Тарих-филология факультетларининг декани бўлган. 1993–1997 йилларда Тарих факультети декани, 1997–2014 йилгача Тошкент вилоят давлат педагогика институти "Адабиёт ва уни ўқитиш" методикаси кафедраси мудири бўлиб ишлаган. 1983 йилда "Ўзбек халқ эпосининг тарихийлик принциплари типологияси" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

М.Бобоев ўзбек халқ достонларининг тарихийлик мезонлари типологияси, достонларда ҳаётий воқеликнинг акс этиши, ўзбек эпосининг тарихий типлари ва таснифи каби масалаларни тадқиқ этган. Халқ китоблари, қиссахонлик ва қиссаларнинг бадиийятига доир илмий мақолалар муаллифи. Тошкент вилоят давлат педагогика институти Ўзбек филологияси факультети талабалари билан биргаликда Оҳангарон водийси фольклорини тўплаш ишлари билан шуғулланган.

***Ас.***: Достон ва ҳаёт. – Тошкент, 1982; Халқ достонлари таснифининг бош мезони // ЎТА. – 1982. – 2-сон. – Б.34-36; Вопросы историзма в народных дастанах / Литературный процесс и концепция личности. – Тошкент, 1982; Типология принципов историзма узбекского народного эпоса. АКД. – Ташкент, 1983; Ўзбек халқ романик эпосига хос тарихийлик типи ҳақида // ЎТА. – 1983. – 3-сон. – Б.26-31; "Кунтуғмиш" достонида тарихийлик ҳақида // ЎТА. – 1986. – 3-сон. – Б.28-31; Пўлканнинг бир тарихий достони ҳақида // АДМ. – 1987. – 1(39)-сон. – Б.58-60; Ўзбек қаҳрамонлик эпосидаги кўп қатламлилик ва тарихийлик // ЎТА. – 1988. – 2-сон. – Б.52-56; Дарсда халқ оғзаки ижоди материалларини ўрганиш // СМ. – 1988. – 3-сон; О критерии и принципах историзма узбекского народного эпоса / Сборник материалов научно-методической конференции профессорско-преподавательского состава ТАГПИ. – Ангрен, 1988; Халқ поэзияси метрикаси масаласига доир мулоҳазалар // АДМ. – 1990. – 4-сон; Жизнь, история, эпос. – Ташкент: Фан, 1991; Халқ романлари жанр сифатида // АДМ. – 1993. – 2-сон; Халқ романлари ҳақида // ЎТА. – 1996. – 3-сон; Халқ китобларида оғзакилик ва муаллифлилик // ЎТА. – 1998. – 3-сон; Халқ китобларининг баъзи услубий хусусиятларига доир // ЎТА. – 1999. – 5-сон. – Б.38-41; Халқ китобларидаги бир бошланма ҳақида // ЎТА. – Тошкент, 2003. – №1; "Халқ оғзаки ижоди бўйича" дала амалиёти юзасидан ишчи дастур ва услубий тавсиянома-қўлланма. Услубий қўлланма. – Ангрен, 2006.

## Солиҳ Муҳаммад ҲАССОС

*(1951 йил, Афғонистоннинг Форёб вилоятидаги Давлатобод улуслиги – 2020 йил 20 июнь)*

Афғонистон ҳудудида яшовчи ўзбекларнинг оғзаки бадиий ижоди материалларини тўплаш ва оммалаштириш билан шуғулланган Солиҳ Муҳаммад Ҳассос 1951 йилнинг ҳут ойида Форёб вилоятининг Давлатобод улуслигининг Қўйибойлоқча қишлоғида дунёга келган. У 1962 йили Давлатобод улуслигининг бошланғич мактабига ўқишга кириб, 1968 йили у мактабни аъло баҳолар билан тугатган. 1969 йили Кобил механиклик лицейига ўқишга кириб, уни 1974 йили битирган. Шундан кейин Кобулда ўз меҳнат фаолиятини бошлаган.

Солиҳ Муҳаммад Ҳассос ёшлигидан халқ оғзаки ижодига ҳаваси баланд бўлганлиги сабабли ўзи туғилиб-ўсган Давлатобод улусида яшовчи юртдошлариниг мақол-маталлари, қўшиқлари, лапарлари, топишмоқлари, маросим қўшиқлари, ўйин фольклори намуналарини тўплаб, алоҳида китоблар ҳолида чоп эттирган. Унинг чоп эттирган фольклор материаллари Афғонистонда истиқомат қилувчи ўзбеклар оғзаки ижодининг жанрлар таркибини ўрганишда муҳим илмий қимматга эга.

*Ас.*: Дўмбира куй ва қўшиқлари // Юлдуз жаридаси. 17-мавсум. – Кобул, 1993; "Жўра Қуззум" достони // Юлдуз жаридаси. 4-мавсум. – Кобул, 1993; Оталар сўзи – ақлнинг кўзи (мақоллар). – Мозори шариф, 2005; Сабзувон қўшиқлари (ўзбек халқ хотин-қизларининг оғиздаги адабиётидан). – Мозори шариф, 2005; Жумбоқлар (ўзбек халқининг оғиздаги топди маталидан). – Мозори шариф, 2005; Қизлар ва қўшиқлар. – Мозори шариф, 2008.

**Тоштемир ТУРДИЕВ**

*(1942 йил 14 февраль, Денов тумани, Вахшивор қишлоғи)*

Сурхон воҳаси аҳолисининг оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш, оммалаштириш ва илмий ўрганишга катта ҳисса қўшган фидойи фольклоршунос олим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Турдиев Тоштемир Тўраевич 1965 йилда Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги Бухоро давлат университети)нинг Филология факультетини битирган. 1965–1966 йилларда Денов туманидаги "Ғалаба учун" газетасида масъул котиб бўлиб ишлаган. 1966–1967 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1967–1968 йилларда "Ғалаба учун" газетасида масъул котиб, 1968–1970 йилларда Денов туман партия қўмитаси 1-котиби ёрдамчиси, 1970–1976 йилларда Денов тумани партия қўмитаси ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири, 1976–1978 йилларда Денов тумани халқ назорати қўмитаси раиси, 1978–1990 йилларда Халқ депутатлари Денов туман ижроия қўмитаси масъул котиби бўлиб ишлаган. Ўзининг фидойилиги ва ташкилотчилиги билан эл орасида катта обрў-эътибор қозонган Т.Турдиев 1990–1992 йилларда Сурхондарё вилояти халқ депутатлари Денов туман ижроия қўмитаси раиси муовини, биринчи ўринбосари, 1992–1996 йилларда Денов тумани ҳокими ўринбосари, 1996–1997 йилларда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, 1997–2004 йилларда эса тумани ҳокими ўринбосари, 2004–2007 йилларда Денов тумани ҳокимлиги бош мутахассиси, 2007–2018 йилларда Денов тумани маънавият тарғибот бўлими раҳбари вазифасида хизмат қилган. 2018 йилдан ҳозирги кунгача Денов тумани маънавият ва маърифат бўлимга раҳбарлик қилиб



келмоқда. У 1974 йилда "Ўзбек халқ эпик қаҳрамонларнинг халқ достонларида бадиий акс этиши (Фозил Йўлдош ўғли репертуари мисолида)" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Фольклоршунос олим Т. Турдиевнинг дастлабки илмий тадқиқотлари атоқли ўзбек бахшиси Фозил Йўлдош ўғлининг ижодий биографиясини ўрганиш билан бошланган бўлиб, заҳматкаш олим бахши асарларида халқ идеали ва эстетик қарашларининг бадиий инъикоси, фольклорда халқ турмуш тарзи, орзу-истакларининг поэтик талқини, халқ оғзаки поэтик ижодиётининг тарбиявий аҳамияти масалаларини чуқур ўрганган. Унинг илмий тадқиқотлари натижасида халқ бахшилари эпик репертуарининг шаклланиши ва ривожланишига ҳаётий воқелик ва ижтимоий-маданий муҳит муҳим таъсир кўрсатиши исботланган.

Халқ бахшиларининг шажарасини аниқлаш ва бу силсиланинг барча бўғинларига мансуб ижодкорларнинг биографик маълумотлари, улар ижро этган достонларнинг ўзига хос жиҳатлари, бахшиларнинг бетакрор бадиий маҳорати қирраларини очиб бериш Тоштемир Турдиев тадқиқотларининг туб моҳиятини ташкил этади. Айниқса, унинг "Шажара" номли китоби (1992) Жанубий Ўзбекистон эпик анъанасини яратган, асрлар давомида сайқаллаштириб мукаммал ҳолатга келтирган буюк ижодкорларнинг бахшичилик санъати ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда улар бошлаб берган устоз-шогирдлик алоқаларининг таҳлилига бағишланганлиги билан эътиборга моликдир.

Т.Турдиев халқ ижодини илмий ўрганиш билан бир қаторда Сурхон воҳаси фольклорини тўплаш билан кўп йиллардан буён изчил шуғулланиб келади. У ўзи тўплаган қўшиқ, эртак, мақолларнинг асосий қисмини ваақтли матбуот саҳифаларида чоп эттириб оммалаштирган. Жанубий Ўзбекистон достончилик анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Чорша бахши Раҳматуллаев, Хушвақт Мардонақулов, Бобораҳим Маматмуродов ва бошқа кўплаб бахшилар ижодиётини ўрганиб, уларнинг эпик репертуаридаги терма ва достонларни ёзиб олган. Президентимизнинг "Алпомиш" достонининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Фармон ижросига биринчилар қаторида киришиб, Алпомишнинг 1000 йиллиги юбилейи арафасида атоқли халқ бахшиси Хушвақт Мардонақуловдан мазкур буюк халқ эпосининг Сурхондарё ва-

риантини ёзиб олиб, Тошкентдаги “Ёзувчи” нашриётида чоп эттирган. 2014 йилда эса ушбу муҳташам халқ достони “Тафаккур” нашриётида қайта босилди.

Фольклоршунос Тоштемир Турдиев ўзининг миллий қадриятларимизни сақлаб қолиш ва тарғиб этиш борасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони (1990) ҳамда “Дўстлик” ордени (2017) билан тақдирланган.

***Ас.***: Дафтарларда қолган сатрлар // ШЮ. – 1968. – №3. – Б.155–156; Ўзбек фольклорида ахлоқ масаласи. – Тошкент, 1973; Халқ достонларида атеистик мотивлар. – Тошкент, 1973; Ёш авлодни тарбиялашда халқ оғзаки ижодиётининг роли. – Тошкент, 1974; Художественное отражение этических взглядов узбекского народа в его дастанном творчестве (на материале репертуара Фазыла Юлдаш оглы). АКД. – Ташкент, 1974; Фозил Йўлдош ўғли. – Тошкент, 1978; Ўзбек халқининг севимли достони. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978; Қўшиқдаги нидолар // ШЮ. – 1979. – №7. – Б.234–235; Бебаҳо хазина излаб // СЎС. – 1980. – №6. – Б.28–29; Ижод масъулияти // Шарқ юлдузи. – 1986. – №10. – Б.201–202; Мунаввар қўшиқлар / ЎМ. – 1986. – 5 январь; Келин саломлар // Муштум. – 1987. – №9. – Б.8; Халқ донишманди // ШЮ. – №7. – Б.161–163; Шажара. – Тошкент, 1992; Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. Айтувчи: Хўшбоқ бахши Мардонақул ўғли. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Тоштемир Турдиев. – Тошкент: Ёзувчи, 2014. – 334 б.; Ўзбек халқ қўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Т.Турдиев / Чағониён. – Денов, 2005 йил, 12 авг.; Денов. – Тошкент, 2009 (ҳамк.); Денов тафаккур чироқлари. – Тошкент, 2010; Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. Айтувчи: Хўшбоқ бахши Мардонақул ўғли. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Тоштемир Турдиев. – Тошкент: Тафаккур, 2014. – 334 б.;

***Ад.***: Таштемир Турдиев / Писатели Советского Узбекистана. – Ташкент,1984. – С.365; Эътироф ва эҳтиром (тўплаб нашрга тайёрловчи Тожиддин Раззоқ). – Тошкент: Тафаккур, 2014. – 240 б.; Бўриев А. Меҳнатнинг қадри // surxondaryo.uz



## Сафарбой РЎЗИМБОЕВ

*(1942 йил 14 март, Қўшкўпир тумани, Кўҳназей қишлоғи)*

Хоразм халқ қўшиқлари ва достончилик анъаналарининг йирик тадқиқотчиси сифатида танилган Сафарбой Рўзимбоев Қўшкўпир туманининг Кўҳназей қишлоғидаги ал-Хоразмий номли ўрта мактабни битириб, 1959–1960 йилларда Хосиён пахта тайёрлаш мажмуида ҳисобчи бўлиб ишлаган. 1960–1965 йилларда эса Хоразм давлат педагогика институти (ҳозирги УрДУ)нинг тарих-филология факультетида таҳсил олиб, уни имтиёзли диплом билан тугатган. 1965–1966 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1967 йилдан бошлаб Хоразм давлат педагогика институтининг “Ўзбек адабиёти” кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлаган. 1975–1984 ҳамда 1992–1996 йилларда Ўзбек филологияси факультетида декан лавозимида ишлаган. 1997–2007 йилларда университет илмий котиби бўлиб хизмат қилган. Ҳозирда университетнинг “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси профессори сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Узоқ йиллар мобайнида Хоразм воҳаси фольклорини тўплаш, нашр этиш ва илмий ўрганиш билан изчил шуғулланиб келаётган С.Рўзимбоев 1972 йилда профессор Қ.Мақсетов раҳбарлигида “Хоразм воҳаси ўзбек халқ қўшиқларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари” мавзуидаги номзодлик, 1990 йилда “Хоразм халқ достонларининг спецификаси, типологияси ва поэтикаси” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Серқирра илмий-педагогик фаолияти учун 1993 йилда унга профессор илмий унвони берилди.

Профессор С.Рўзимбоевнинг босиб ўтган йўлига бир назар ташлайдиган бўлсак, унинг ижодий фаолияти жуда самарали, сермаҳсул бўлганлигига тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Зеро, унинг 20 дан ошиқ ҳар хил мавзудаги монография, қўлланма ва илмий-оммабоп китоблари, халқ оғзаки бадиий ижодиётининг долзарб масалаларига бағишланган 300 дан ошиқ илмий мақолалари Хоразм фольклорининг турли хил жанрларини чуқур тадқиқ қилишга бағишланган.

С.Рўзимбоев 1961 йилдан бери Хоразм вилоятининг барча туманларида, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё, Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа туманларида, Туркманистоннинг Тошовуз

вилоятида фольклор экспедицияларида бўлиб, халқ қўшиқларини, эртак ва афсоналарини тўплаган. Бола бахши Абдуллаевдан "Хирмондали", Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" (1981), "Бозиргон" (1969), Турсун бахши Жуманиёзовдан "Аваз уйланган" (1980), "Ҳурлиқо ва Ҳамро" (1981), Қодир созчи Каримовдан "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" (1970) достонларини ёзиб олган. У халқ қўшиқларининг бадиий хусусиятларини тадқиқ этган, Хоразм достончилик анъаналари, ўзбек-туркман фольклор алоқалари, бахшилар репертуарининг ўзига хос хусусиятлари, жанрий ранг-баранглиги ва ижро усулига доир материаллар тўплаган.

Унинг "Хоразм халқ қўшиқларида тарихий шахслар образи" (1970), "Хоразм халқ қўшиқлари" (1970), "Халқ қўшиқларида параллелизмларни юзага келтирувчи манбалар" (1972), "Халқ шоирлари асарларининг қўшиқлар билан муносабатига доир" (1975) сингари дастлабки илмий мақоллари Хоразм воҳасида яратилган ва асрлар давомида куйлаб келинган халқ қўшиқларининг ўзига хос бадиий хусусиятларини ёритишга бағишланганлиги билан ажралиб туради. Ўзининг фольклористик фаолияти мобайнида қўшиқларни ёзиб олишга алоҳида эътибор қаратган С.Рўзимбоев ўзи тўплаган материаллар асосида "Халқ қўшиқлари" (тўпловчи, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи; Тошкент, 1983, М.Алавия билан ҳамк.), "Хуршиди жаҳон галди" (Тошкент, 1987) каби тўпламларни чоп эттирди.

Хоразм воҳаси халқ оғзаки бадиий ижодиётининг ўзига хос хусусиятлари, айниқса, халқ достонларини илмий тадқиқ қилиш борасида узоқ йиллар давомида изланишлар олиб бораётган С.Рўзимбоев ўзининг самарали илмий фаолияти натижаси ўлароқ олтита китобни илмий жамоатчиликка ҳавола этди. Олимнинг дастлабки монографияси "Хоразм достонлари" бўлиб, у 1985 йилда Тошкентда нашр қилинган эди. "Ошиқ" туркуми достонларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари" номли ўқув қўлланмаси 1987 йилда, "Хоразм достончилиги эпик анъаналари" рисоласи 2008 йилда, "Хоразм Гўрўғли эпоси" монографияси (Х.Рўзимбоев билан ҳамкорликда) 2016 йилда китобхонлар ҳукмига ҳавола этилди. Бу илмий асарларида олим Хоразм достончилиги эпик анъаналарининг қадимий асослари, ижрочилари, достончилик мактаблари ва анъанавий эпик асарлар бадиияти хусусида қизиқарли фикрларни



баён этган. Шунингдек, сўнгги монографияда Хоразм "Гўрўғли" туркуми достонларининг 18 шахобчаси асосида уларнинг генезиси, типологияси ва поэтикаси таҳлилга тортилган.

Ўзбек фольклорининг тарихий тараққиёти, эпик сюжетлар, анъанавий мотивлар ва образларнинг мифологик асосларини ёритиш фольклоршуносликнинг долзарб муаммоларидан бири эканлигини ҳисобга олган С.Рўзимбоев ўзининг кейинги йилларда олиб борган изланишларида "Авесто" мифологияси ва унинг ўзбек халқ оғзаки ижодидаги талқини, Беруний, Замахшарий, Огаҳий каби буюк алломаларнинг асарларидаги фольклор нуманалари ва уларни бугунги ўзбек фольклори билан қиёсий ўрганиш каби масалаларга жиддий эътибор қаратди.

Профессор С.Рўзимбоевнинг фольклористик фаолиятида халқ достонларини нашрга тайёрлаб, чоп эттириш муҳим ўрин тутади. У Анаш халфа ва Ожиза халфа репертуаридаги фольклор асарларини тўплаб нашр эттирди. 2004 йилда С.Р.Рўзимбоев, Х.С.Рўзимбоев ва Г.О.Эшчоновалар билан ҳамкорликда "Гўрўғли" туркумига мансуб Хоразм достонларини алоҳида тўплам сифатида чоп эттирди. Шундан кейин Хоразм "ошиқ" туркумига кирувчи достонларни нашрга тайёрлаб, чоп эттиришга киришган олим 2006–2019 йилларда "Ошиқнома" номи билан 8 та китобни нашр эттирди. Шу тариқа Хоразм "ошиқ" туркуми достонларининг яхлит жамланмаси юзага келди.

С.Рўзимбоевнинг фольклоршунослик фаолиятининг характерли жиҳатлари жуда кўп. Улардан бири воҳадаги Хоразм, Тошҳовуз вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистондаги фольклор асарларини ўзаро мутаносибликда тадқиқ қилиш баробарида, ўзбек туркман ва қорақалпоқ халқлари халқ оғзаки ижодиётидаги теран томирларни топиш, улардаги муштараклик ва ўзига хосликларни янада ойдинлаштиришдир. Чунки, "Гўрўғли" туркумидаги достонлар, "Юсуф ва Аҳмад", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам", "Шаҳриёр" достонлари воҳадаги барча миллат вакилларига бирдай таниш ва севиб ўқилади. Бунга ўхшаган фольклор намуналарини тадқиқ қилиш С.Рўзимбоев илмий фаолиятининг асосини ташкил этади.

Фольклоршунос олим С.Рўзимбоев илмий фаолиятининг кейинги босқичи Хоразм фольклорини атрофлича тадқиқ қилаётган тадқиқотчи ва олимларга раҳбарлик қилиш, уларнинг ижодини ил-

мий жамоатчиликка таништиришдан иборат бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда олимнинг бевосита раҳбарлигида "Хоразм фольклори" илмий тўплами ҳар йили мунтазам нашр қилинмоқда. Ҳозиргача унинг 12 сони босмадан чиқди.

Фидойи олим С.Рўзимбоев ўз илмий-ижодий фаолияти давомида Хоразм фольклорини тадқиқ қилаётган тадқиқотчиларга раҳбарлик қилиш, уларнинг ижодини илмий жамоатчиликка таништириш, фольклоршуносликнинг энг янги ютуқларини кенг оммалаштириш, шунингдек, талабалар фольклор практикага раҳбарлик қилиш орқали изчил тўпловчилик ишларига бошчилик қилиш натижасида катта амалий фаолият ҳам олиб бормоқда. У Урганч давлат университети талабалари учун тайёрланган "Ўзбек халқ поэтик ижоди" (2001), "Адабиётшуносликка кириш" (2001), "Фольклор атамалари қисқача луғати" (2007), "Хоразм достончилиги эпик анъаналари" (2007), "Фольклор амалиёти бўйича тавсиялар" (2007), "Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди" (2009) каби ўқув қўлланмаларининг муаллифи ҳамдир.

*Ас.*: Хоразм халқ қўшиқларида тарихий шахслар образи // Вестник ККФ АН РУз. – Нукус, 1970. – №1; Икки қўшиқ – икки тақдир // Гулистон. – 1970. – 1-сон; Хоразм халқ қўшиқлари // Амударё. – Нукус, 1970. – 7-сон; Халқ қўшиқларида параллелизмларни юзага келтирувчи манбалар // ЎТА. – 1972. –1-сон. – Б.81-84; Халқ шоирлари асарларининг қўшиқлар билан муносабатига доир / Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. – Тошкент, 1975. – Б.130–136; Жанговар йиллар таронаси // Вестник ККФ АН РУз. – Нукус, 1975. – №3. – С.83-85; Фольклор асарларини қиёсий ўрганиш ҳақида / ФТТ. – Тошкент, 1977. – Б.48-50; Ожизанинг ҳаёти ва ижодий репертуари / ФТТ. – 1977. – Б.6–13; Бахши ижодининг илмий таҳлили / ХҲ. – 1979, 6 июль; Янги давр халқ қўшиқларининг яратилиши хусусиятлари // ЎТА. – 1979. – 6-сон. – Б.74-76; Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни // ЎТА. – 1979. – 6-сон. – Б.74-76; "Шаҳриёр" достонининг ўзбекча қўлёзма варианти ҳақида // АДМ. – 1981. – 2-сон; "Бозиргон" достонининг қўлёзма варианти ва унинг бошқа туркий халқлар вариантлари билан ўзаро алоқаси // АДМ. – 1981. – 4-сон. – Б.81-88; "Хиромон пари" достонининг қўлёзма варианти // АДМ. – 1982. – 2-сон. – Б.47-53; "Асил ва Карам" достонининг қўлёзма варианти ҳақида // АДМ. – 1982. – 4-сон. – Б.65-73; Халқ қўшиқлари таржимаси ҳақида / Таржима маданияти. – Тошкент, 1982. – Б.100–103; Халқ қўшиқлари (тўпловчи, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи). – Тошкент, 1983 (М.Алавия билан ҳамк.); Узбекские варианты дастана "Шахриёр" // Вестник ККФ АН РУз. – Нукус, 1983. – №2. – С.76-78; "Ҳурлиқо ва Ҳамро" достонининг вариантларига доир // ЎТА. – 1984. – 2-сон. – Б.76-78; Халқ достонлари ва халфалар ижоди // АДМ. – 1984. – 2-сон. – Б.17–24; "Юсуф ва Аҳмад" достонининг қўлёзмаси ҳақида // АДМ. – 1985. – 2-сон. – Б.17–24; К вопросу об исследовании Хорезмских дастанов // Вестник ККФ АН РУз. – Нукус, 1985. – №2. – С.61-63; "Фарҳод ва Ширин" достони ва халқ оғзаки ижоди / ХҲ. – 1985, 6 ноябрь; Хоразм достонлари. – Тошкент: Фан, 1985; Узбекский вариант дастана "Ашик-Гариб" в сравнении с версиями других тюркоязычных народов / Сравнительное изучение национальных литератур. – Ташкент, 1986. – С.64-70; "Ўзбек маросим фольклори" / ХҲ. – 1986, 17 ноябрь; Хуршиди жаҳон келди (тўпловчи ва сўзбоши муаллифи). – Тошкент, 1987; "Ошиқ Ғариб ва Ҳилола пари" достонининг қўлёзма варианти // АДМ. – 1987. – 1-сон. – Б.45-51; "Ошиқ" туркуми достонларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари (ўқув қўлланмаси). – Тошкент, 1987; Идейно-эстетическое своеобразие цикла дастанов "Ашик" / Взаимовлияние и преемственность литератур. – Ташкент, 1988. – С.61-65; Ожизанинг янги топилган шеърлари / ХҲ. – 1988, 16 ноябрь; Китобий достонларнинг тил хусусиятларига доир / Ўзбек тили ва Хоразм ўғуз шеваларини ареал ўрганиш тажрибасидан. – Тошкент, 1988. – С.61-65; "Гўрўғли" эпосининг Хоразм версияси ҳақида // ЎТА. – 1989. – 3-сон. – Б.57-80; Эртакларнинг достонлардаги бир функциясига доир // АДМ. – 1989. – 2-сон. – Б.70-73; Хоразм достонларидаги анъанавий формулалар ва эпик клишеларнинг ўзига хослиги ҳақида // ЎТА. – 1990. – 2-сон; Ожиза / ХҲ. – 1991, 7 феврал; "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достони ҳақида / ХҲ. – 1991, 22 феврал; "Ошиқ" достонларининг антропонимикасига доир // Хива. – 1991. – 1-сон; Эпос "Гороглы" у тюркоязычных народов / Взаимодействие национальных литератур. – Ташкент, 1993; "Паризоднинг арази" достони ҳақида // Дияр. – Ашхабад, 1993. – №4. – Б.48-51; "Гўрўғли" эпосининг "Сафар маҳрам" шохобчаси // Ха-

лифа. – Ашхабад, 1993. – №3. – Б.51-54; "Паризоднинг арази" достонининг типологик хусусиятлари / Адабият ва сунгат. – Ашхабат, 1994, 11 февраль; Юсуф Масхарабоз. – Урганч, 1995; Хоразм достончилиги анъаналари // АДМ. – Тошкент, 1996. – Б.37-48; Хоним халфа ижоди / Педогогика антологияси. – Тошкент, 1996; Аз-Замаҳшарий ва халқ ижодиёти / Аз-Замахшарий буюк филолог олим. – Урганч, 1996; "Хандон ботир" ёки "Гўрўғли" эпосининг янги достони / Адабият ва сунгат. – Ашхабат, 1996, 19 июль; "Гўрўғли"-нинг яна бир достони / Адабият ва сунгат. – Ашхабат, 1997, №15; Хоразм афсоналарида Н. Кубро сиймоси / Маърифат юлдузи. – Урганч, 1997. – Б.44-54; Хоразм достонларининг мусиқаси масаласига доир / ФТТ. – 1998. – Б.1-6; Қурбоназир Абдуллаев – Бола бахши / ХФ. – Урганч, 1999. – Б.7–10; Хоразм достончилик анъаналари ва уларнинг асосий типлари / ФТТ. – 1999. – Б.7–10; Огаҳий ва халқ ижодиёти / Огаҳий абадияти. – Тошкент, 1999. – Б.17–22; Мақол ва матал муносабати / Маърифат ёғдуси. – Урганч, 1999. – Б.39-43; "Алпомиш" достони генезиси ва унинг Хоразм достончилиги билан алоқаси / "Алпомиш" достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти мавзуидаги халқаро анжуман материаллари. – Термиз, 1999. – Б.32-33; Онабиби Отажонова – Ожиза / ХФ. – Урганч. – 2000; Афсона ва тарихий ҳақиқат. – Хива, 2000 (ҳамк.); Шодмонбек – ўзбек, Замонбек – туркман, Тўлакботир эса – тожик / Марказий Осиё маданияти. – 2000. – 18-сон; Замахшарий ва халқ ижодиёти / Истиқлол йиллари миллий – диний қадриятларнинг халққа қайтиши. – Тошкент, 2001; "Авесто"нинг Хоразм достонларидаги излари / "Авесто" ва унинг инсоният тараққиётида тутган ўрни. – Тошкент, 2001; Хоразм халқ қўшиқларида мифология / "Авесто" – буюк қомусий асар. – Тошкент, 2001; Хоним халфа / ХФ. – III том. – Урганч, 2001; Қўшиқларда соч магияси ва уларнинг қўшиқлардаги излари / "Авесто" Ўрта Осиё маданияти тарихида. – Нукус – Хива, 2001; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди (ўқув қўлланма). – Урганч, 2001; "Авесто" мифологияси ва Хоразм фольклори. – Урганч, 2001 (ҳамк.); Хоразм халқ қўшиқларида сув культи / ФТТ. – Тошкент, 2002. – Б.15–18; Шимолий Хоразм достончилигининг сўнгги вакили / ХФ. Т.4. – Тошкент, 2002. – Б.15–16; Беруний асарларида этнография ва фольклор масалаларининг ёритилиши / Археология, тарих ва фалсафанинг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2002. – Б.41-



44; Хоразм Маъмун академияси ва воҳадаги достончилик анъаналарининг тадқиқ этилиши / Тарихий фармонга 5 йил. – Хива, 2002. – Б.36-39; Беруний ва фольклор / IX-XIII асрларда Шарқнинг илмий ва маданий ривожланишида Хоразм Маъмун академиясининг роли. – Хива, 2002. – Б.15–16; Тюркские версии дастана "Ашык Гариб" // Вестник ККФ АН РУз. – Нукус, 2002. – №5-6. – С.50-54; Ожиза. Нашрга тайёрловчи: С.Рўзимбоев. – Тошкент, 2003; Беруний ва фольклор. – Тошкент, 2003; Своеобразие репертуара хорезмских народных сказителей и сказительниц // ИС. – 2003. – №2. – С.36-40; Символы в хорезмских дастанах // Вестник ККФ АН РУз. – Нукус, 2003. – №3-4. С.61-65; Ривоятларда Нажмиддин Кубро сиймоси // Кубровия таълимоти ва шахснинг маънавий камолоти масалалари. – Урганч, 2003. – Б.10–12; Аҳмад бахши Матназаров / ХФ. Т.5. – Тошкент, 2003. – Б.3-4; Хоразм достонларидаги асосий образлар таснифи / ФИ. Т.5. – Ташкент, 2003. – С.43-46; О дастане "Ашик Гариб"/ ФИ. Т.5. – Ташкент, 2003. – С.6-8; Махтумқули ва халқ достонлари // Бадиий тафаккур ва адабий жараён. – Тошкент, 2003. – Б.7-9; Саъд Ваққос ҳақида афсона // Мозийга муҳаббат. – Тошкент, 2003. – Б.10–12; Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобида келтирилган афсона ва ривоятлар ҳақида / Беруний буюк қомусий олим. – Тошкент, 2003. – Б.7–10; Шоир ва халқ оғзаки ижоди / ФИ. 6-том. – Ташкент, 2003. – С.37-39; Хоразм достонларида параллелизмларнинг тутган ўрни // ИС. – 2004. – 3-сон. – Б.61-65; Гўрўғли. Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, Х.С.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова. – Урганч, 2004. – 25 б.т.; Замахшарий ва Навоий / ФТТ. – 2004. – Б.35-38; Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони ва халқ оғзаки ижодиёти / ФИ. Т.7. – Урганч, 2004. – С.15–18; Вспомогательные образы в хорезмских дастанах / ФИ. Т.9. – Урганч, 2004. – С.3-8; Диний-афсонавий достонлар / Мунаввар умр. – Урганч, 2005. – Б.11–15; Беруний образи бадиий адабиётда / ФИ. Т.10. – Урганч, 2005. – С.10–15; XIX аср Хоразм бахшилари ҳақида айрим қайдлар / ХФ. Т.7. – 2005. – Б.11–16; О странствующих образах в фольклоре // ИС. – 2005. – 2-сон. – Б.32-40; Своеобразие портретной характеристики образов дастанов // Вестник ККФ АН РУз. – Нукус, 2005. – №3. – С.168–169; Музыкальные оформления в хорезмских дастанах // Вестник ККФ АН РУз. – Нукус, 2005. – №5. – С.133–135; Мулла Исҳоқ. –

Урганч: УрДУ нашриёти, 2005. – 2 б.т.; "Қумри билан Тўти" достони қўлёзмаси / ХФ. Т.8. – 2006. – Б.10–15; Насримизнинг қадимий илдизлари / ФИ. Т.11. – 2006. – С.3-8; Становление и развитие фольклористики Хорезма / Материалы научных семинаров кафедры русского языка и литературы. Т.4. – Ургенч, 2006. – С.23–24; Хоразм достонларининг мусиқаси масаласига доир // ИС. – 2006. – 2-сон. – Б.51-55; А.Н.Веселовский об истории эпоса // ИС. – 2006. – 3-сон. – Б.91-95; Ошиқнома. Хоразм достонлари (нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова, С.С.Рўзимбоев, А.Аҳмедов). Т.1. – Урганч: Хоразм, 2006. – 20 б.т.; Ошиқнома. Хоразм достонлари (нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, Г.О.Эшчонова, С.С.Рўзимбоев). Т.2. – Урганч: Хоразм, 2006. – 25 б. т.; Анаш халфа (нашрга тайёрловчи: С.Рўзимбоев). – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 6. б.т.; Фольклор амалиёти бўйича тавсияномалар. – Урганч, 2007. – 2. б.т.; Фольклор атамалари қисқача луғати. – Урганч, 2007. 3,5 б.т.; Хоразм мотам фольклори ҳақида / ФИ. Т.XVII. –2008 – Б.3-5; О хорезмской версии эпоса "Героглы" // Национальный фольклор народов центральной Азии и проблемы духовного обновления общества. Материалы международной научно-практической конферанции. – Нукус, 2008. – Б.89-90; "Саёд ва Ҳамро" достонида қофия ва радиф / ХФ. Т.IX. – 2008. – Б.5-8; Ғарибниёз – дўстлик куйчиси / ХФ. Т.X. – 2008. – Б.3-4; "Аваз гатирган" достони ҳақида / ХФ. Т.X . – 2008. – Б.53-54; Хоразм тотемлари ҳақида / ТЗ. Т.18. – Урганч, 2008. – Б.3-6; "Фирдавс-ул иқбол" асаридаги эвфемизмлар / Огаҳий олами. 3-китоб. – Урганч, 2008. – Б.3-5; Достонларда антитезаларнинг қўлланилиши / Ижтимоий фанларнинг долзарб муаммолари. Т.II. – Хива, 2008. – Б.62-65; Ошиқнома. Хоразм достонлари (нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, А.Аҳмедов, С.С.Рўзимбоев, И.Деванова). 3-том. – Урганч: Хоразм, 2008. – 25 б. т.; Хоразм достончилиги эпик анъаналари. – Урганч, 2008. – Б.56.; "Görogly" şadessany we Horezm bagşylary / Görogly yordumy we gündogar edebiyaty. Halkara ylmu maslahatynun nutuklarynun gysgaça beyany. 2009-njy yylyn 23–25-nji sentyabry. – Дашогуз, 2009. – Б.121–122; Gorogly epos and Horezm Bagshi / Pilot of Gorogle and the oriental literature. Abstracts of reports of the international scentific conference. September 23–25, 2009. – Дошогуз, 2009. – p.232–233; Эпос "Гёроглы" и хорезмские бахши /



Сюжет Гёроглы и литература Востока. Материалы международной научной конференции. 23–25 сентября 2009 г. – Дошогуз, 2009. – С.245–246; Ошиқнома. Хоразм достонлари (нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, С.С.Рўзимбоев). Т.4. – Урганч: Хоразм, 2009. – 22 б. т.; Полвон ота ҳақида халқ афсоналари / Паҳлавон Маҳмуд ижодий мероси маънавий бойлигимиз. Т.II. – Урганч, 2009. – Б.21–23; Норбек бахши ижоди ҳақида / ТЗ. – Урганч, 2009. – Б.6-8; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Урганч, 2009. 2,5 б.т.; Абулғозий Баҳодирхон Қўрқут ота ҳақида // ИС. – 2009. – 1-сон. – Б.37-40; "Шаҳриёри олам" достонининг нашри ҳақида // ИС. – 2009. – 5-сон. – Б.95-97; Ошиқ Ойдин пир // ИС. – 2009. – 3-сон. – Б.52-55; "Шаҳриёри олам" достонининг нашри ҳақида // ИС. – 2009. – 5-сон; Достонларда халқ эстетик қарашларининг акс этиши / ТЗ. Т.XXI. – 2010; "Саёд ва Ҳамро" достонидаги поэтик кўчимлар / ТЗ. Т.XXII. – 2010; Хоразм фольклоршунослигининг шаклланиши ва тараққиёти / ТЗ. Т.XXIII. – 2010; Аваз исмининг маъноси ҳақида / ТЗ. Т.XXI. – 2010; ХФ. Т.XI (мақоллар, топишмоқлар, тез айтишлар, иримлар, олқиш-қарғишлар, дуолар, эртаклар). – 2010. 7,3 б.т.; Абулғозий Баҳодирхон Қўрқут ота ҳақида / ЎФМ. – Тошкент, Фан, 2010; "Асил ва Карам" достони ҳақида / ТЗ. Т.XXIV. – 2011; Ошиқнома. Хоразм достонлари (нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, С.С.Рўзимбоев). Т.5. – Урганч: Хоразм, 2011; Ошиқ Ойдин пир / ЎФМ. 4-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.82-87; Топишмоқларда умумтуркий хусусиятларнинг акс этиши / ТЗ. Т.XXVI. – 2011. – Б. 3-7; Топишмоқларда миллийлик ва минтақавийлик хусусиятлари // ИС. – 2011. – 10 –сон; Сайланма. – Урганч: "Хоразм", 2012; Туркий халқлар топишмоқларида рақамларга мурожаат қилиш / ХФ. 12-том. – 2012. – Б.20–23; Топишмоқ ва қўшиқ муносабатига доир. / ТЗ. XXVII том. – 2012. – Б. 3-5; Хоразм қадимий санъат ўчоғи / ТЗ. Т.XXVIII. –2013. – Б.3-6; "Шоҳнома" ва Хоразм достонлари // ИС. – 2013. – №8. – Б.51-54; Халфачилик анъаналарининг қадимий илдизлари // Хоразм Маъмун академияси илмий ахборотномаси. – Урганч, 2013. –№2 (27). – Б.30-32; Ошиқнома. 6-китоб. (Нашрга тайёрловчилар: С.Рўзимбоев, Ҳ.Қ.Рўзметов, С.М.Сариев, У.Б.Бобожонова, Б.Қ.Абдуллаева, М.Ҳ.Жуманиёзова). – Урганч: "Хоразм", 2013; Халқ ижодининг ноёб дурдоналари // Ошиқнома, 6-китоб. – Урганч, "Хоразм", 2013. – Б.3–12; "Юсуф ва Зулайҳо"

сюжетининг ёзма ва оғзаки адабиётдаги талқини // Ошиқнома. – Урганч, 2013. 6-китоб. – Б.13–19; Фольклор атамалари қисқача луғати (Ҳ.Рўзимбоев, С.Сариев ҳамк.). – Урганч, “Хоразм”, 2013. – 72 б.; “Китоби дадам Қўрқут”нинг янги таржимаси ҳақида / ТЗ. Т.XXIX. – 2014. – Б.3-5; “Давлатёрбек” достони ҳақида / ТЗ. Т. XXX. – 2014. – Б.3-8; “Гул ва Булбул” достони ҳақида / ТЗ. Т.XXXI. – 2014. – Б.3-6; Хоразм жадид адабиёти намояндаси Мулла Бекжон Раҳмон ўғлининг адабий мероси // Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари. – Тошкент, 2014; Хоразм “Гўрўғли” эпоси. – Урганч, 2016. – 192 б.; Қўрқут ота китоби (озарбайжон тилидан таржима, сўнгсўз муаллифи). – Урганч, 2016. – 120 б.; Ошиқнома. 7-китоб. – Урганч, 2016. – 324 б.; “Чипиро далли” ва “Суранг солмоқ” иборалари // Эзгу сўз. – 2016. 6 февраль; Г.П.Снесарев ва Хоразм этнографияси / ТЗ. – Т.43. – 2017. – Б.3-6; Хоразм воҳасидаги этнографик жараёнлар ва уларнинг эпик анъаналарга таъсири / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.295-306; Хоним халфа ҳаётининг янги саҳифалари // ЎТА. – 2017. – №1; “Шаҳриёр” достонининг “Чориёри олам” варианти ҳақида // ИС. – 2018. – 9-сон. – Б.39-42; Фидоий фольклоршунос олим // ИС. – 2019. –1-сон. – Б.96; Туркий халқларнинг муштарак эпоси / Қарақалпақ фольклоры дөретиўшилик тийкары. – Нөкис, 2019. – Б.45-47; Ошиқнома. 8-китоб. – Урганч, 2019 (ҳамк.); Халқ дилидан жой олган достонлар // Ошиқнома” 7-китоб. – Урганч, 2019; Ноёб маънавий мерос // Ошиқнома. 8-китоб. – Урганч, 2019; Эпические певцы – сказительницы / Traditional and modern culture: history,actual situation, prospects. – Prague, 2019 – С.22–24; Фольклор ва фольклоризмлар ҳақида // ИС. – 2020. – №8. – Б.45-49; Хоразм халфачилиги анъаналари. – Урганч, 2020 (ҳамк.)

***Ад.***: Йўлдошев Т., Аҳмедов А. Санъат устаси ҳақида китоб / ХҲ. – 1979, 20 ноябрь; Салаева М. Халқ орзу-умидларининг жонли ойнаси / ХҲ. – 1984, 4 апрель; Мадраҳимов О., Пирматов О. Изланишлар самараси / ХҲ. – 1985, 17 декабрь; Жуманиязов Р. Все о дастанах / Хорезмская правда. – Ургенч, 1986, 5 апрель; Нуржонов К. Хуршиди жаҳон келди / ХҲ. – 1988, 24 февраль; Йўлдошев Р. Фольклоршунос олим / Дўстлик байроғи. – Тошовуз, 1992, 14 март; Профессор Сафарбой Рўзимбоев. Библиографик кўрсаткич. – Урганч, 2002; Мирзаев Т., Жўраев М., Йўлдошев Р. Сафарбой Рўзимбоев // ЎТА. – 2002. – 2-сон. – Б.92-93; Мирзаев Т. Хоразм фольклорининг йирик тадқиқотчиси // ЎТА. – Тошкент, 2014, №6. – Б.102; Сафарбой Рузимбоев / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.295.



## Омонулла МАДАЕВ

*(1942 йил 20 май, Тошкент шаҳри – 2019 йил 2 март)*

Фольклоршунос Омонулла Аҳмедович Мадаев 1959–1964 йилларда ТошДУ(ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетида таҳсил олган. 1958–1965 йилларда Тошкент шаҳридаги 1, 40, 82-ўрта мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1965 йилдан ТошДУ(ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетида катта лаборант, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент вазифаларида ишлаган.

О.А.Мадаев Хоразм достончилик анъаналарининг ўзига хос хусусиятлари, Хоразм достонларининг композицияси ва сюжети, поэтик хусусиятлари, бадиий тасвир воситалари, бахшилар ва халфаларнинг репертуари, ижодий мезонлари, образ яратиш усуллари ва ижрочилик санъатини тадқиқ этган. 1983 йилда “Хоразм достонлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари” деган мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлаган. Халқ достонларининг бадиий қурилишини қиёсий-тарихий жиҳатдан тадқиқ этган

О.А.Мадаев олий ўқув юртлари филолог-талабалари учун тузилган “Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди программа”лари ҳамда коллежлар учун яратилган “Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди” дарслигининг муаллифларидан биридир. У профессор М.Саидов билан ҳамкорликда тузган “Ўзбек халқ эртаклари” мажмуаси (1977–1978) ҳинд, урду, форс ва араб тилларида нашр этилган. 1966 йилдан буён университет талабалари фольклор экспедицияси раҳбари ва аъзоси сифатида Фарғона водийси, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Тошкент, Самарқанд вилоятларида фольклор асарларини тўплаш билан шуғулланган. Таниқли халқ бахшиси

Бола бахши Абдуллаев репертуаридаги халқ достонларини ёзиб олган.

*Ас.:* Умидбахш изланишлар / ЎМ. – 1967, 10 январь; Хоразм достонларининг баъзи хусусиятлари / Ҳаёт ва адабиёт. ТошДУ илмий асарлари. 331-сон. – Тошкент, 1968; Хоразм достонларида образ яратишнинг айрим хусусиятлари ҳақида / Ҳаёт ва адабиёт. ТошДУ илмий асарлари. 331-сон. – Тошкент, 1968; Навоий ва халқ ижоди / Тошкент университети. – 1968, 15 январь; Халқ ижоди билан ҳамкорликда / Тошкент университети. – 1968, 25 сентябрь; Хоразм достонлари / ХҲ. – 1970, 10 январь; Қодир созчи / ХҲ. – 1970, 8 январь; Изланиш самараси / ЎМ. – 1970, 5 май (М.Олимов билан ҳамк.); Хоразм достонларининг ижодий принципи ҳақида баъзи бир мулоҳазалар / ФТТ. ТошДУ илмий асарлари. 376-сон. – Тошкент, 1970; Хоразм достонларида ижобий қаҳрамон / Ўзбек адабиётида ижобий қаҳрамон. ТошДУ илмий асарлари. 378-сон. – Тошкент, 1970; Эргаш Жуманбулбул асарларининг илк таржималари / ЭШУДЎ. – Б.136–140; Хоразм достонларининг шеърий техникасига доир / Ўзбек филологияси масалалари. ТошДУ илмий асарлари. 395-сон. – Тошкент, 1971; Хорезмские дастаны и их специфические особенности. АКД. – Ташкент, 1971; Хоразм шоирлари / ЎМ. – 1971, 30 ноябрь; О художественных принципах Хорезмских дастанах / Материалы всесоюзной конференции фольклористов по вопросам теории эпоса. – Тбилиси, 1972; Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди программаси. Университетларнинг филология факультетлари учун. – Тошкент, 1976 (ҳамк.); "Тоҳир ва Зуҳра" достонида тасвир воситаларининг қўлланилишига доир // Ўзбек филологиясининг актуал масалалари. – ТошДУ илмий асарлари. 532-сон. – Тошкент, 1972. – Б.104–107; Устознинг бахти // ШЮ. – 1977. – 8-сон; Ўзбек халқ эртаклари (араб, форс, урду, ҳинд тилларида). Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи. – Тошкент, 1977 (ҳамк.); Ижодий ҳамкорлик самаралари / ЎМ. – 1978, 22 декабрь; Филология факультети 2-курс талабалари учун фольклор бўйича ўқув қўлланмаси. – Тошкент, 1978 (ҳамк.); Халқ ижодидан баҳра олиб / Ўзбек адабиёти масалалари. ТошДУ илмий асарлари. 609-сон. – Тошкент, 1979; Бахшининг барҳаёт умри // ШЮ. – 1979. – 11-сон; Эстетик завқ китоби / ЎАС. – 1981, 17 апрель; Ўзбек халқ достонларининг структуал таҳлилига доир / Ўзбек классик адабиётида Алишер Навоий анъаналари. – Тошкент, 1982; "Тоҳир ва Зуҳра" ҳамда "Қўзи Кўрпеш" ва "Баян сулув" достонларининг структурал таҳлилига доир / Ижодий ҳамкорлик ва адабий тараққиёт. – Тошкент, 1984. – Б.55-65; Мақоллар олами. – Тошкент, 1984; Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди программаси. Университетларнинг филология факультетлари учун. – Тошкент, 1984 (ҳамк.); Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди программаси. Педагогика институтларининг филология факультетлари учун. – Тошкент, 1984 (ҳамк.); Огаҳий ва халқ ижодиёти / АДМ. – 1986. – 4-сон; Туйғулар мусаввири // Ёш куч. – 1986. – 8-сон; "Равшан" достонининг композицион хусусиятларига доир / ТошДУ илмий асарлари. – Тошкент, 1988; Бекинмачоқ. Ёкут халқ эртаклари. – Тошкент, 1998; "Алпомиш" достони матнини ўрганиш методикаси. – Тошкент, 1998; Бекинмачоқ (ёкут халқ эртаклари). Таржима. – Тошкент, 1998; "Алпомиш" билан суҳбат. – Тошкент, 1999; Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди назарий курси матни. – Тошкент, 1999; Ўзбек халқ оғзаки ижоди. 1-қисм. – Тошкент, 1999 (ҳамк.); Халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, 2001 (Т.Собитова билан ҳамк.); Халқ оғзаки поэтик ижоди. Академик лицейлар учун дарслик. – Тошкент, 2003; Халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш методикаси (ўқитувчиларга ёрдам). – Тошкент, 2008; "Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландин сўр" / Муҳаммаднодир Саидов – маърифат фидойиси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б.104–109; Халқ оғзаки поэтик ижоди. Академик лицейлар учун дарслик. – Тошкент, 2010; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, 2010; Халқ оғзаки поэтик ижоди. Академик лицейлар учун дарслик. – Тошкент, 2011; Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Университетларнинг филология ва журналистика факультетлари ҳамда педагогика институтларининг тил ва адабиёт факультетлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент, 2013; Халқ достонлари генезисига доир / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.322-333.

*Ад.*: Омонулла Мадаев (1942–2019) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.322-333; Скончался известный литературовед Омонулла Мадаев / www.xabar.

uz; Скончался известный литературовед Омонулла Мадаев / Kun. uz.; Таниқли адабиётшунос Омонулла Мадаев вафот этди // sof.uz.; Мадаев Омонулла / wikipedia.org.; Инсонийлик унвонига садоқат. Адабиётшунос олим Омонулла Мадаев хотирасига битиклар. – Тошкент, 2020.

### Ҳайдар ОҚБЎТАЕВ

*(1942 йил 4 июнь, Жарқўрғон тумани – 2007 йил 29 сентябрь, Термиз шаҳри)*

Халқ китоблари тадқиқотчиси Ҳайдар Соатович Оқбўтаев 1961–1967 йилларда Бухоро давлат педагогика институтининг филология факультетида, 1969–1972 йилларда ТошДУнинг аспирантурасида ўқиган. 1960–1961 йилларда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги 15-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1962–1964 йиллар армия сафида хизмат қилган. Термиз давлат педагогика институти (ҳозирги Термиз давлат университети) Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида ўқитувчи (1967–1969), Ўзбек адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи (1972 йилдан), 1994 йилдан Термиз давлат университети доценти бўлиб ишлаган. 1973 йилда "Халқ китобларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Ҳ.С.Оқбўтаев ўзбек халқ китобларининг яратилиш тарихи, таснифи, ёзма ва оғзаки адабиётга таъсири, "Тоҳир ва Зуҳра", "Қиссаи Санобар" достонларининг вариантлари ва поэтикаси, халқ китоблари ва оғзаки эпик анъананинг ўзаро муносабатлари масалаларини ўрганган. "Халқий" тахаллуси билан бадиий асарлар ҳам яратган.

***Ас.***: Сурхон бахшиси / ЛБ. – 1969. 19 июль; К вопросу классификации узбекских народных книг / Тезисы докладов научной конференции Термизского госпединститута. – Термиз, 1972; Проблема авторства узбекских народных книг / Тезисы докладов научной конференции Термизского госпединститута. – Термиз, 1972; Халқ китоби "Тоҳир ва Зуҳра" ҳақида / Танқид ва адабиётшунослик масалалари. – Тошкент, 1973; Дўмбиранинг мақтови / ЛБ. – 1973. – 14 август; Туркистон литографиясида нашр қилинган асарларни классификация қилишда бир тажриба / Танқид ва адабиётшунослик масалалари. – Тошкент, 1973; Халқ китоби "Тоҳир ва Зуҳра"нинг поэтик тузилиши // ЎТА. – 1973. – 4-сон. – Б.64-66; Идейно-художественные особенности узбекских народных книг. АКД. – Тошкент, 1973; Халқ китоблари // ШЮ. – 1974. – 8-сон; Сурхон чашмаси / ҚҲ. – 1975, 27 июль; Халқ китобларининг ёзма ва халқ оғзаки ижодига таъсири / Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1977; Халқ китоби "Тоҳир ва Зуҳра"нинг вариантлари / Тошкент давлат педагогика институти илмий асарлари. – Тошкент, 1980; Халқ китоби "Қиссаи Санобар"нинг поэтикасига доир / Тошкент давлат педагогика институти илмий асарлари. – Тошкент, 1981; Маданият тарихимизнинг муҳим жабҳаси (ўзбек халқ китоблари ҳақида) // АДМ. – 1983. – №1(25). – Б.92-99; Халқ китоби "Юсуф ва Аҳмад"нинг бадиийлиги ҳақида // АДМ. – 1988. – №1 (43); Халқ китоблари ва адиблар // АДМ. – 1991. – №1(55); Ўзбек халқ китобларида хотин-қизлар образи / ТермизДУ илмий тўплами. – Термиз, 1993; Халқ китоби "Бобо Равшан" ҳақида / ТермизДУ илмий тўплами. – Термиз, 1994; Халқ китоби "Темурнома"да бадиийлик масаласи / ТермизДУ илмий тўплами. – Термиз, 1995; Ўзбек фольклорида термалар / ТермизДУ илмий тўплами. – Термиз, 1996 (ҳамк.); Мирий ва унинг "Қиссаи Салим Жавҳарий" асари ҳақида / ТермизДУ илмий тўплами. – Термиз, 1996; Дўмбира – халқ севган соз / ТермизДУ илмий тўплами. – Термиз, 1997; "Алпомиш" достони Сурхондарёда яратилганми? / Сурхон тонги. – 1998. – 6 ноябрь; Асрларни қаритган достон / Сурхон тонги. – 1998. – 13 ноябрь.

### Фарида ЙЎЛДОШЕВА

*(1942 йил 2 октябрь, Тошкент шаҳри)*

Ўзбек халқ латифаларининг тадқиқотчиси Фарида Йўлдошева 1959–1964 йилларда Тошкент давлат педагогика институтининг филология факультетида ўқиган. 1965–1992 йилларда ЎзР ФА

Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида кичик илмий ходим, илмий ходим бўлиб ишлаган. 1992–2003 йилларда Тошкент Алоқа институти (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети)да ўқитувчилик қилган. 1975 йилда "Халқ қаҳрамони Насриддин Афанди образини типиклаштириш муаммоси" мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Ф.Н.Йўлдошева ўзбек халқ латифаларини тўплаб, нашр этиш ва илмий тадқиқ билан шуғулланган. Латифаларнинг жанр хусусиятлари, генезиси, мавзулари, образлар тизими ва поэтикасига доир тадқиқотлар яратган. 1987–1988 йилларда Афанди латифаларини, шунингдек, Ғози Олим Юнусов, Отажон Ҳошим, Элбек, Миёнбузрук Солиҳов, Буюк Каримов каби фольклоршуносларнинг асарларини нашрга тайёрлаган.

*Ас*.: Афанди латифалари // ЎТА. – 1967. – 5-сон; Хожа Насриддин тарыхый болған адам ба? // Амударья. – Нукус, 1969. – 9-сон. – Б.124–127; Ижтимоий-сиёсий латифаларда Хўжа Насриддин Афанди образи // ЎТА. – 1974. – 6-сон. – Б.54-58; Насриддин ва илм аҳли // ФТ. – 1975. – 8-сон. – Б.23; Проблема типизации образа народного героя Ходжи Насриддина Афанди. АКД. – Ташкент, 1975; Фольклоршуносликнинг янги ютуғи / ЎМ. – 1977, 29 июль; Пулкан шоир // ОНУ. – М., 1977. – №2; Взаимовлияние жанров узбекского фольклора / ОНУ. – М., 1979. – №3; Ўзбек латифаларида Насриддин Афанди образи. – Тошкент: Фан, 1979; Типологические изучение латифа тюркоязычных народов / Литература и история. – Ташкент, 1980. – С.101–102; Типологические изучение латифа тюркоязычных народов / Фольклор, литература и история. – Ташкент: Фан, 1983. – С.300-301; "Афанди" эпитетининг этимологияси / Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. – Тошкент,1986; Афанди латифалари (нашрга тайёрловчи). – Тошкент, 1989; Латифа // Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. – Тошкент: Фан, 1989; Насриддин Афанди образи ва латифанинг жанр хусусиятлари / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.334-345.



*Ад*.: Холматова М. Бир портрет тарихи / ЎМ. – 1980, 14 октябрь; Эгамов Х., Бекмирзаев Н. Афанди ҳақида рисола / ЎМ. – 1981, 17 ноябрь; "Ўзбек латифаларида Насриддин Афанди образи" // Муштум. – 1981. – 7-сон. – Б.30; Фарида Йўлдошева / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.334-345.

## Деҳқонбой ҚОЗОҚОВ

*(1942 йил 15 октябрь, Наманган тумани, Хонобод қишлоғи)*

Ўзбек халқ сатирик қўшиқлари тадқиқотчиси Деҳқонбой Қирғизович Қозоқов 1963–1970 йилларда Наманган давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиган. 1970–1971 йилларда Наманган вилоятининг Задарё туманидаги 17-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1971–1972 йилларда Тўрақўрғон туманидаги 38-ўрта мактабда муаллимлик қилган. 1972–1987 йилларда Наманган шаҳридаги Ойбек номли 38-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берган. 1987 йилдан буён Наманган давлат педагогика институти (ҳозирги Наманган давлат университети)да ишлайди. 1987 йилда "Ўзбек халқ сатирик қўшиқлари" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Д.Қ.Қозоқов 1978–1986 йилларда Наманган вилоятининг Чуст, Поп, Учқўрғон, Задарё, Уйчи, Чортоқ, Янгиқўрғон туманларида, Қирғизистоннинг Ўш вилоятида бўлиб, ўзбек халқ сатирик қўшиқларини тўплаган. У ўзбек халқ сатирик қўшиқларининг таснифи, бадиий хусусиятлари ва ижтимоий моҳиятини ўрганган.

*Ас*.: Халқ сатирик қўшиқларини ўрганиш // СМ. – 1984. – 8-сон; Ижод дурдоналарини излаб / НҲ. – 1985, 29 август (ҳамк.); Сатирик қўшиқларнинг баъзи хусусиятлари // ЎТА. – 1986. – 1-сон. – Б.44-47; Ҳажв тиғи билан. – Тошкент, 1986 (ҳамк.); Узбекские народные сатирические песни. АКД. – Тошкент, 1987.

*Ад*.: Эргаш Ёндош. Сатира сирларини ўрганиб / НҲ. –1988, 20 июль.

## Йўлдош НУРМУРОДОВ

*(1943 йил 16 июль, Шофиркон тумани, Кўлҳовли қишлоғи)*

1965 йилда Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети)ни битирган Йўлдош Нурмуродов Томди туманидаги ўрта мактабда ўқитувчиликдан ўз меҳнат фаолиятини бошлаган. 1965–1966 йиллар армия сафида хизмат қилган. 1967–1970 йиллар Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги Бухоро давлат университети)да немис тилидан дарс берган. 1972–1983 йилларда шу олий ўқув даргоҳида ўқитувчи, 1983–1986 йилларда катта ўқитувчи, 1987 йилдан доцент вазифаларида ишлаб келган. 1983 йилда "Ўзбек фольклорининг ўрганилиши тарихи ва немис тилига илмий-адабий таржима қилиш проблемалари" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Й.Нурмуродов ўзбек фольклорининг хорижий мамлакатларда ўрганилиши ва оммалаштирилиши масаласини тадқиқ этиш билан шуғулланган. У венгер шарқшуноси Ҳерман Вамберининг ўзбек фольклори намуналаридан немис тилига қилган таржималарини ўрганиш асосида ўзбек фольклоршунослиги тарихининг муҳим ҳалқаларидан бири – ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодининг немис тилига таржима қилиниши тарихи, бу таржималарнинг характери ва хусусияти, Ҳ.Вамбери, Г.Юнгбауэр, К.Райкел, Д.Флайшер ва бошқа мутаржимларнинг ўзбек фольклорини оммалаштиришдаги хизматлари, ўзбек халқ достонлари, эртак ва латифаларини немисчага ўгиришдаги ўзига хосликларини тадқиқ этган. Ўзбек-немис фольклор алоқалари ҳамда ўзбек фольклорининг Олмонияда ўрганилиши тарихи ва таржимашуносликка оид 20 дан зиёд илмий мақолалари чоп этилган.

*Ас.*: Ўзбек эртаклари // ЎТА. – 1981. – 2-сон. – Б.50-52 (Т.Мирзаев, С.Муҳамедов билан ҳамк.); Вамбери ва унинг хрестоматияси // ЎТА. – 1982. – 1-сон. – Б.19–24; Ҳ.Вамбернинг уч тилли луғати // АДМ. – 1982. – 1-сон; Узбекские сказки на немецком языке // Узбекистан. – 1982. – №3; Бир эртакнинг уч таржимаси / Таржима маданияти. – Тошкент, 1982; О переводах узбекских сказок на немецкий язык / Тезисы докладов конференции по проблемы научно-литературного проблеме теории и методики преподования перевода в ВУЗах республики. – Ташкент, 1982; Аналитик ўқиш ва таржима // СМ. – 1982. – 2-сон; Таржимон сайёҳ // ФТ. – 1982. – 12-сон; История изучения и проблемы научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык. АКД. – Ташкент, 1983; Ўзбек халқ эртакларининг немисча илк таржимаси // ЎТА. – 1983. – 5-сон. – Б.49-52; Хўжа Насриддин Германияда // ЎТА. – 1985. – 5-сон. – Б.17–19; "Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси" немис тилида // АДМ. – 1986. – 3-сон; Ўзбек фольклори немис тилида. – Тошкент: Фан, 1987; Фольклоршунослигимиз асосчиси / БҲ. – 1990, 9 июль; "Ўзбекларнинг эртаклари" // ЎТА. – 1997. – 4-сон. – Б.79-80 (ҳамк.); "Ўзбек халқ латифалари" немис тилида // ЎТА. – 2000. – 3-сон. – Б.46-47.

*Ад.*: Сафаров О. Ўн саккизда хизмат кўп // Илғор фан учун. – Бухоро, 1984, 20 сентябрь; Жуманиёзов Р. "Ўзбек фольклори немис тилида" / ХҲ. – 1987, 20 август; Жуманиёзов Р., Бозоров А. "Ўзбек фольклори немис тилида" / БҲ. – 1988, 21 февраль.

## Баҳодир САРИМСОҚОВ

*(1944 йил 1 апрель, Шаҳрихон шаҳри – 2007 йил 15 август, Тошкент шаҳри)*

Баҳодир Исоқович Саримсоқов Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги Фарғона давлат университети)нинг филология факультетини битирган (1970). Ўзбекистон Республикаси ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида кичик илмий ходим (1970–1976), катта илмий ходим (1976–1988), етакчи илмий ходим (1988), бош илмий ходим (1989) бўлиб ишлаган. 1991–2007 йилларда шу институтда Адабиёт назарияси бўлимининг мудири лавозимида ишлаган.

У ўзининг дастлабки тадқиқотларида ўзбек халқ достонлари, эртак ва мақолларидаги сажъ санътининг характери, қўлланиш мезонлари ва бадиий вазифаларини, шунингдек, мумтоз наср намуналаридаги сажънинг тараққиёт қонуниятларини атрофлича таҳ-

лил қилган. Олимнинг 1978 йилда чоп этилган "Ўзбек адабиётида сажъ" номли монографиясида ўзбек халқ шеърияти ва ёзма адабиётида сажъ кўрнишларининг қарор топиши тарихийлик мезонлари асосида бошқа туркий халқлар ва форс-тожик адабиёти намуналари билан қиёсий аснода тадқиқ этилганлиги характерлидир. Монографияда сажънинг бадиий ҳодиса сифатида ўзига хос хосаларини тўғри ва асосли белгилай олган, унинг ўзбек адабиётида пайдо бўлиши ва тараққий этиши, сажънинг қофия санъатидаги ўрни, халқ достонлари бадииятидаги аҳамияти каби масалаларни атрофлича таҳлил қилган.

Маросим ва унинг таркибидаги фольклор намуналарини типологик аспектда ўрганган Б.Саримсоқов ўзининг бу йўналишдаги тадқиқотларини "Ўзбек маросим фольклори" (1986) номли монографиясида умумлаштирди. Мазкур асарнинг илмий қиммати шундан иборатки, унда "маросим" ва "маросим фольклори" тушунчаларининг моҳияти ойдинлаштирилди, ўзбек маросим фольклорининг жанрлар таркиби бир неча мезонлар асосида изчил тасниф этилди, "Яс-юсун", "Обло барака", "Шох мойлар", "Лола сайли", "Лой тутиш", "Суст хотин", шамол чақириш ва ёмғир ёғдириш билан боғлиқ маросими фольклор намуналари, сўз магиясига асосланган бадик ва кинна жанрлари алоҳида тадқиқ этилди.

Олимнинг ўзбек маросим фольклорига оид илмий мақолаларини уларда қўйилган масалаларнинг моҳиятига кўра тўртга бўлиш мумкин: а) маросим фольклорининг жанрлар таркиби, таснифи, генезиси ва тарихий тараққиёти билан боғлиқ умумий масалаларга оид мақолалар; б) ўзбек оилавий-маиший маросимлар фольклорини ўрганишга бағишланган мақолалар; в) мавсумий маросимлар фольклорини тадқиқ этишга бағишланган мақолалар; г) сўз магиясига алоқадор бадик, кинна, олқиш ва қарғиш каби жанрларга доир мақолалар.

Муаллифнинг маросим фольклорининг табиатини теран англайдиган, халқ қарашлари ва тасаввурларининг қадимий асосларини яхши биладиган етук мутахассис сифатида ҳар бир фактнинг этнофольклористик моҳиятини ёритишга, ўрганилаётган матнларни Ўрта Осиё ва ҳатто ундан ҳам кенгроқ ҳудуддаги халқлар фольклори материаллари билан қиёсий аснода текширишга ҳаракат қилганлиги эътиборлидир. Монографияда нисбатан тугал ҳол-



да сақланиб қолган бир қатор жанрлар, хусусан, ўзбекларда ёмғир чақириш мақсадида ўтказилиб келинган маросимлардан асосий типи ҳисобланган "Суст хотин" маросимининг тарихий асослари ва унинг тўртта локал варианти илмий тавсифланган. Олим "Суст хотин" маросимининг тарихий илдизларини, маросимнинг ўтказилиш тартиби ва унинг таркибидаги айрим деталларнинг моҳияти, айниқса, ёмғир ёғдириш мақсадида айтиладиган қўшиқларда мурожат қаратиладиган "Суст хотин" образининг генезисини ойдинлаштириш мақсадида халқимизнинг қадимий ёзма манбаларига, хусусан, "Авесто"га мурожаат қилиб, янги назарий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлган. Тадқиқотчининг ёзишича, "узоқ аждодларимиз сиғинган ва "Авесто"нинг 8-яшти бағишланган Тиштрийа марҳамати билангина осмон сувлари дев Апаушанинг ёвуз чангалидан озод бўлади ва буғдойзорларга, яйловларга тўкилади. Демак, "Суст хотин" маросимида кишилар илтижо қиладиган, "Авесто"нинг 8-яштида таърифланган осмон сувлари, яъни ёмғир худоси Тиштрийадан иборат бўлмоғи керак". Бу эса "Суст хотин" инончининг манбалари ва бу атаманинг лисоний-этимологик асослари "Авесто"да "осмон сувлари эгаси" сифатида тасаввур қилинган Тиштрина юлдузи тўғрисидаги мифологик эътиқодларга боғланишини кўрсатади.

Китобнинг яда тоши воситасида ёмғир ёғдириш маросими таҳлилига бағишланган фаслида туркий халқларнинг бу сеҳрли тош тўғрисидаги эътиқодий қарашлари ҳамда турли манбалардаги афсоналарга мурожаат қилинган. Муаллифнинг ёзишича, ўзбеклар ўртасида қайд қилинган маълумотга кўра, "ёмғир ёғмай, қурғоқчилик бўлса, муллалар тескари дуо – ядани ўқиб, яда тошини сувга солар, ана шундан кейин ёмғир ёғар эмиш". Ана шу мўъжазгина маълумотнинг ўзи ёмғир чақириш маросимининг архаик типларини ўрганишда жуда муҳим илмий аҳамият касб этади. Чунки "яда тоши" тушунчаси поэтик образ сифатида мумтоз адабиётимизда қўлланилганлиги ҳам бежиз эмас. Бунинг устига, "ёмғир тоши" тўғрисидаги мифологик қарашларнинг айрим қолдиқлари бугунги кунда ҳам сақланиб қолган: Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги Уларбиби қишлоғида яшовчи 77 яшар Иззат биби Мажидовадан 1991 йилда ёзиб олинган маълумотга кўра, агар бирор қиз ёки ўғил боланинг тўйида ёмғир ёғса, *"ядаси бор экан"*

дейдилар. Агар бола ёшлигида қатиқ ивитилган идишнинг тагини яласа, ўшанинг тўйида доимо қор ёки ёмғир ёғади деб ирим қиладилар. Демак, Б.Саримсоқовнинг монографиясида баён қилинган илмий қарашлар "яда тоши" ҳақидаги мифологик тасаввурларни изчил тўплаш ва уларни ёмғир чақириш маросимлари тизимида кенг кўламда таҳлил этишга имкон беради.

Б.Саримсоқовнинг ёмғир чақириш маросими фольклорини тадқиқ этиш натижасида чиқарган бу каби жуда кўплаб янги илмий хулосалари "шу йўналишдаги фольклор намуналарини изчил тадқиқ этиш учун назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, ўзбек мавсумий маросимлар фольклорига доир материалларни барча ҳудудлар бўйича тўплаш бўйича олиб борилган изланишлар "Суст хотин" маросимининг локал вариантлари бундан-да кўпроқлиги, ёмғир чақириш маросимининг "Чала хотин", "Кўсам-кўсам", "Чайла қозоқ" деб аталган кўринишлари эса мустақил тип сифатида қаралиши лозимлигини, шунингдек, маросимнинг Сўз хотин, Туз хотин сингари шакллари ҳам мавжудлигини кўрсатди.

Б.Саримсоқов халқ эпосининг ўзига хос табиати, таснифи ва халқ достонларининг келиб чиқиши, тарихий-тадрижий тараққиёти, ғоявий-бадиий хусусиятларини ўзига хос тарзда таҳлил қилган. Фольклор жанрлари таркибида сақланиб қолган мифологик қараш ва тасаввурларни тўғри аниқлаш, лозим бўлганда, улар асосида ётган мифларни реконструкция (қайта тиклаш) қилишга имкон берадиган муҳим хулосалар чиқарган.

Ёзма адабиёт билан халқ оғзаки поэтик ижоди орасидаги бадиий-эстетик алоқадорликни тадқиқ этиш Б.Саримсоқов илмий фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирини ташкил этади. Унинг қатор мақолалари адабиёт тараққиёти билан боғлиқ жиддий назарий масалаларга бағишланган бўлиб, фольклор билан ёзма адабиёт муносабатига доир икки муҳим масала ечимини ҳал қилиб берган. Шулардан биринчиси, ёзма адабиётнинг фольклор билан тарихий-генетик алоқадорлиги масаласи бўлса, иккинчиси ёзма адабиётнинг халқ оғзаки бадиий ижодиёти анъаналаридан фольклоризмлар орқали баҳраманд бўлиш қонуниятларидир. "Фольклоризм" терминини ижодкор томонидан бадиий асар тўқимасига киритилган халқ оғзаки бадиий ижоди элементлари сифатида талқин қилган Б.Саримсоқов ўзбек адабиётшунослигида биринчи



бўлиб фольклоризмларни характери ва поэтик табиатига кўра "оддий фольклоризм" ҳамда "мураккаб фольклоризм" каби турларга ажратган. Типологик жиҳатдан эса фольклоризмлар аналитик, синтезлашган ва стилизация характеридаги фольклоризмларга бўлинади.

У ўзбек халқ достонларининг таснифи ва оралик бадиий шакллар масаласи, халқ достонларининг келиб чиқиши, тарихий-тадрижий тараққиёти, ғоявий-бадиий хусусиятлари, достонлар типологияси ва генезиси каби қатор долзарб муаммоларга доир қизиқарли илмий ишлар яратган.

Олим "Кулса гул – йиғласа дур" (1983), "Юсуф ва Аҳмад" (1988), "Ўзбек халқ мақоллари" (1989), "Узбекские народные пословицы" (1981), "Донишманд Искандар" (1994), "Нурали" (1989), "Афанди латифалари" (1990), "Абу Муслим жангномаси" (1-китоб, 1992), "Абу Муслим жангномаси" (2-китоб, 1995) каби китобларни чоп эттирган.

***Ас.***: Ўзбек достонларида сажъ ва қофия // ЎТА. – 1971. – №3; Бахши маҳоратининг бир қирраси ҳақида / Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги масалалари. – Тошкент, 1973; Сажъ и его место в узбекском фольклрре: АКД. – Ташкент, 1973; Илмий экспедициялар // ЎТА. – 1974. –1-сон. – Б.89-90 (Б.Файзуллаев билан ҳамк.); Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларига доир изланишлар // ЎТА. – 1974 – 5-сон. – Б.85-87; Достонлардаги психологик тасвирнинг характери ҳақида баъзи мулоҳазалар / ПШ. – Б.106–114; Достонлар юзасидан текстологик қайдлар / ПШ. – Б.146–149; Ноёб топилдиқ // ЎТА. – 1976. – 2-сон. – Б.78-79 (Т.Мирзаев билан ҳамк.); "Орзигул" достони ҳақида айрим мулоҳазалар / ИСШ. – Б.27-36; Ўзбек тўй маросимига оид бир жанр // ЎТА. – 1978. – 2-сон. – Б.16–21; Камтарин, заҳматкаш, меҳнатсевар...(З.Ҳусаинова ҳақида) // ЎТА. – 1978. – 6-сон. – Б.75-76; Ўзбек халқ мақоллари (тузувчи). – Тошкент: Фан, 1978 (ҳамк.); Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978; "Сус(т) хотин" ҳақида // ЎТА. – 1979. – 3-сон. – Б.44-50; Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979 (Н.Хотамов билан ҳамк.); Фольклоризмлар типологияси масаласига доир // ЎТА. – 1980. – 4-сон. – Б.37-45; Узбекские народные пословицы (сос-

тавитель). – Ташкент, 1981 ҳамк.); Халқ достонлари таснифи ва оралиқ шакллари масаласи // ЎТА. – 1981. – №3. – Б.37-47; III Бутун иттифоқ туркологик конференция // ЎТА. – 1981. – №1. Б.83-87; Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент, 1981. – Б.19-61 (Т.Мирзаев билан ҳамк.); Эпик жанрлар диффузияси / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент, 1981. – Б.19-61; Ўзбек халқ мақоллари (тузувчи). – Тошкент: Фан, 1981 (ҳамк.); Бадик ўзбек маросим фольклорининг мустақил жанри сифатида // ЎТА. – 1982. – №4. – Б.21–28; Мотам ёр-ёрлари ҳақида // ЎТА. – 1983. – №5. – Б.29-33; Кулса гул – йиғласа дур (ўзбек халқ эртаклари) / Ўзбек халқ ижоди (нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз муаллифи). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983 (З.Ҳусаинова билан ҳамк.); Ойнада зуҳр этган бахт // ЎТА. – 1984. – №4. – Б.30-36; Ғани Жаҳонгиров // ЎТА. – 1985. – №3. – Б.70-71 (Т.Мирзаев, М.Жўраев билан ҳамк.); Ўзбек маросим фольклори жанрларининг таснифи // ЎТА. – 1985. –№5. – Б.12–17; Жанр “бадик” в обрядовом фольклоре узбеков // Советская этнография. – М., 1986. №4. – С.117–122; Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986; Совет даври ўзбек фольклорини ўрганиш масалалари // ЎТА. – 1987. – №1. – Б.30-36; Маросим фольклорини ўрганиш масалалари // ЎТА. – 1987. – №3. – Б.12–15; Фольклоршунослик уфқлари / Адабиёт ва санъат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987; О типологии фольклоризмов / Фольклор, литература и история Востока. – Ташкент, 1984; Ўзбек халқ мақоллари. 1-том (тузувчилардан бири). – Тошкент: Фан, 1987 (ҳамк.); Ўзбек халқ мақоллари. 2-том (тузувчилардан бири). – Тошкент: Фан, 1987 (ҳамк.); Юсуф ва Аҳмад (достон) / Ўзбек халқ ижоди (нашрга тайёрловчи). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988; К вопросу об определении культа небесных вод у узбеков (на материале жанра “Суст хотин” / Историко-культурные контакты народов алтайской языковой общности. Материалы международной конференции. – М., 1988. – С. 125–126 Қадимги давр фольклори / Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 1-том. – Тошкент, 1988. Ўзбек фольклорининг жанрлар состави / Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 1-том. – Тошкент, 1988. Мақоллар / Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 1-том. – Тошкент, 1988. Олқиш ва қарғишлар / Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 1-том. – Тошкент, 1988. Маросим фольклори / Фольклор ва адабиёт муносабатларидаги акс жараёнининг ҳозирги аҳволи // ЎТА. – 1988. – №6. – Б.21–27; Зубайда Ҳусаинова // ЎТА. – 1988. – №6. – Б.71-72; Маросимшунослик (дастур). – Тошкаент, 1988 (ҳамк.); Обряд вызивания дождя у узбеков / Поэзия и обряд. Межвузовский сборник научных трудов. – М., 1989. С.37-49; Ўзбек халқ мақоллари (тузувчи). – Тошкент, 1989 (ҳамк.); Лоф / Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 2-том. – Тошкент, 1989. – Б.153–161; Ўзбек фольклорининг ижодий методларини аниқлаш масаласи // ЎТА. – 1990. – №1. – Б.48-52; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990 (ҳамк.); Афанди латифалари (тузувчи). – Тошкент, 1990; Халқнинг қадимги байрами / ЎАС. – 1990. – 23 март; Маросим ва фольклор театри // ЎТА. – 1991. – №2. – Б.33-39; Абу Муслим жангномаси. 1-китоб. – Тошкент, 1992 (нашрга тайёрловчи); Донишманд Искандар (эртаклар). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994; Абу Муслим жангномаси. 2-китоб (нашрга тайёрловчи). – Тошкент, 1995; Ҳамиджон Ҳамидов // ЎТА. – 1995. – 5-6-сон. – Б.66-67 (М.Жўраев билан ҳамк.); Эртак олдин яратилганми ёки достон // Тафаккур. – Тошкент, 1998. – №4; “Алпомиш” ва баҳодирлик эртаклари // ЎТА. – 1998. – №4; “Алпомиш” классик эпос намунаси // ЎТА. – 1999. – №4. – Б.3-9; Ўзбек халқ мақоллари (тузувчи). – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2009–2010 (ҳамк.); Фольклоризмлар типологиясига доир / ЎФМ. 3-китоб. – 2010. – Б.87–101; Ўзбек халқ мақоллари (нашрга тайёрловчилар: Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов). – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбааа уйи, 2012. – 30 б.т.; Фольклоризмлар типологияси масаласига доир / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.346-358.

***Ад.***: Сайимов Б. Сажъ ҳақида тадқиқот / ЎМ. – 1979. – 26 январь; Тўлаков И. Сажъ поэтикасининг тадқиқи / ТО. – 1979. – 21 июнь; Ҳаққулов И., Тўлаков И., Мусақулов А. “Ўзбек адабиётида сажъ” // ЎТА. – 1979. – 4-сон. – Б. 71-74; Раҳмонов Н., Ҳамроқулова С. Луғат – қийин иш / ЎАС. – 1985. – 11 октябрь; Рўзимбоев С. “Ўзбек маросим фольклори” / XҲ. – 1986, 17 ноябрь; Имомов К. Ўзбек маросим фольклори” // ЎТА. – 1987. – 2-сон. – Б.77-78; Жуманазаров У., Соатов Б. Урф-одат ва маросимлар ҳақида / Жиззах

ҳақиқати. – 1987. – 1 август; Назаров М. Керакли тадқиқот // Гулистон. – 1987. – №4. – Б.15; Турдимов Ш. Халқ ҳаётининг ойнаси // ШЮ. – 1987. – №8. – Б.195; Раҳмонов Н., Тўхлиев Б. Урф-одатлар ва маросимлар / ЎАС. – 1987. – 4 сентябрь; Сатторов М. Янги саҳифа // СЎС. – 1988. – №7. – Б.26; Мирзаев Т., Жўраев М. Серқирра олим // ЎТА. – 2004. – №6. – Б.10 – 16; Жўраев М., Ёрматов И. Баҳодир Саримсоқов // ЎТА. – 1995. – 1-сон. – Б.74-75; Баҳодир Саримсоқов // ЎТА. – 2007. – №5. – Б.111–112; Баҳодир Саримсоқов // ЎТА. – 2006. – №5. – Б.111–112; Баҳодир Саримсоқов (библиографик кўрсаткич). – Тошкент, 2008; Баҳодир Саримсоқов (1944–2007) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.346-358.

**Иброҳим БЕКМУРОДОВ**

*(1944 йил 1 август, Ўзбекистон тумани, Маданият қишлоғи, 2016 йил 21 май)*

Ўзбек-қозоқ фольклор алоқаларини тадқиқ этган Иброҳим Йўлдошевич Бекмуродов 1966–1973 йилларда ТошДУнинг филология факультетида таҳсил олган. У 1969–1972 йилларда “Кино” журналининг бадиий муҳаррири, 1973–1976 йилларда Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги 46-ўрта мактабда она тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1976–1988 йилларда Ғ.Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейининг директори бўлган. 1988 йилдан Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган. 1990 йилда “Ўзбек-қозоқ фольклор алоқалари” мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

И.Й.Бекмуродов ўзбек-қозоқ фольклор алоқалари, “Қизжибек” достонининг ўзбек вариантлари, аския ва қизиқчилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари, Ҳамза ва фольклор, халқ оғзаки шеърий мактубларини ўрганиш билан шуғулланган. У Фарғона водийсида яшаб ижод қилувчи эртакчи, қўшиқчи ва бахшилардан кўпгина фольклор материалларини ёзиб олган. Хусусан, Аҳмаджон Девонаевдан “Алпомиш”, “Ширин билан Шакар”, “Тўлаган Мирза” достонларини, Мадраҳим бахши Болтабой ўғлидан “Авазнинг арази”, “Авазхоннинг олиб келиниши”, “Рустам”, Усмон Рустамовдан “Қизжибек”, Холбуви Соат қизидан “Тоҳир ва Зуҳра”, Курбон Хонтоевдан “Далли” каби достонларни ёзиб олган.

***Ас.***: “Қизжибек”нинг янги ёзиб олинган нусхаси ҳақида / ТО. – 1969, 17 сентябрь; Машҳур ўланчи / Пахтакор. – 1974, 5 февраль; “Қиз Жибек”нинг ўзбекча нусхаси / Қазақ адабияти. – 1977, 15 апрель; Қардош халқлар билан адабий ҳамкорлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977; Халқ оғзаки шеърий мактублари ва Ҳамза / Меҳнат байроғи. – 1979, 5 январь; Бўри Содиқ ўғли / Фарғона вилоят газетаси. – 1979, 8 август; Топилма / ЎТА. – 1980. – 2-сон; Рукопис, найденная в Коканде / В мире книг. – М., 1980. – №7; Ҳамнафас ижодкорлар // АДМ. – 1982. – 2-сон; Фарғона вилоят адабиёт музейи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1982; Бевосита ижрочидан ўрганиш услуби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1982; “Қизжибек”нинг ўзбек вариантлари // ЎТА. – 1984. – 1-сон. – Б.60-63; Достон, қўшиқ куйлаб // Гулистон. – 1984. – 1-сон; Халқ севган бахши / Янги Фарғона. – 1986, 16 март; Қизиқчининг серташвиш йўли // СЎС. – 1987. – 10-сон; Келинг, бир кулишайлик // Муштум. – 1988. – 1-сон; Некоторые особенности узбекского варианта “Киз-Жибек” // АДМ. – 1989. – 2-сон; Узбекско-казахские фольклорные связи. АКД. – Ташкент, 1990; М.Дарвешев – туғма қизиқчи / Пахтакор. – 1988, 11 май; Ҳамза ижодида фольклор анъаналари / Меҳнат байроғи. – 1991, 4 сентябрь; Қаҳқаҳа. Халқ қизиқчилик санъати. – Тошкент, 1994; Ўзбек фольклори фани амалий машғулотларининг услубий дастури (Университет ва педагогика институтларининг филология факультетлари талабалари учун). – Тошкент: РТМ, 1997; “Алпомиш”нинг Фарғона нусхаси ҳақида / Фарғона ҳақиқати. – 1998, 10 октябрь.

***Ад.***:Жўраев Ю. Фольклоршунос олим / Жўраев Ю. Маҳалла – меҳр-оқибат кўргони. – Наманган, 2010. – Б.58-60.

## Худойберган ЭГАМОВ

*(1944 йил 5 ноябрь, Беруний тумани – 2000 йил 4 апрель, Тошкент шаҳри)*

Ўзбек халқ эртакларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганишга катта ҳисса қўшган иқтидорли фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, профессор Худойберган Қўзиевич Эгамов Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманидаги ўрта мактабни таомлагач, 1963 йилда Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университета)га ўқишга кирган. 1963–1966 йилларда армия сафида хизмат қилиб қайтгач, ўқишни давом эттириб, 1970 йилда уни муваффақиятли битирган. Ўз меҳнат фаолиятини 1961–1962 йилларда Беруний туманидаги Қилчинақ қишлоқ клубининг мудирлигидан бошлаган Х.Эгамов 1970 йилда "Ўқитувчи" нашриётида стажёр-муҳаррир сифатида ишга кирган. 1975 йилда мазкур нашриётда катта муҳаррир бўлиб ишлаган. 1974 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ҳамда 1975 йилнинг кузидан эътиборан Тошкент давлат маданият институтига ишга ўтган. У 1975–1990 йилларда "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедрасининг ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, доценти вазифасида ишлаган. 1980–1981 йилда 2-Кутубхонашунослик факультетига деканлик қилган. 1990 йилдан эътиборан шу институт "Болалар адабиёти ва кутубхоналарда болалар билан ишлаш" кафедрасининг доценти, кейинчалик профессори сифатида ишлаган. 1998–2000 йилларда "Ўзбек тили" (кейинчалик "Ўзбек тили ва адабиёти") кафедрасининг мудири сифатида мамлакатимизга юқори малакали мутахассислар тайёрлаб беришдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган.

Х.Эгамов сеққирра илмий-ижодий фаолият соҳиби бўлиб, унинг "Мактабда шеърий асар тилини ўрганиш", "Дидактика ва услуб", "Ранг-баранг олам", "Болалар олами", "Болалар адабиёти" каби асарларида ўзбек болалар адабиётининг ўзига хос хусусиятлари теран таҳлил қилинган бўлса, "Жой номларининг қисқача изоҳли луғати" (ҳамк.) китобида топонимларнинг келиб чиқиши ва этимологик маъноларини атрофлича ёритишга ҳаракат қилинган.

Х.Эгамов ўзбек халқ эртакларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш, қардош халқлар эртакчилик анъаналарининг қадимий асослари, эртакларнинг типологик хусусиятлари ва миллий



ўзига хослиги, эпик сюжет ва образларнинг генезисига доир ғоят қизиқарли илмий асарлар муаллифидир. Унинг "Сайёр сюжетлар", "Фольклор асарлари типологияси", Қиёсий-типологик метод", "Эртакларнинг қадим илдизлари", "Туркий халқлар адабиёти ва оғзаки эпик анъаналар муносабатига доир", "Туркий халқлар эртакларининг ўзига хос хусусиятлари ва классификацияси", "К вопросу о регионально-генетических и фольклорных связей тюркоязычных народов", "Цветовая символика в тюркских сказках", О взаимодействиях тюркских сказок", "Фольклор ва этнография", "Фольклор байрам-сайллари" каби илмий асарлари ўзбек фольклоршунослиги тарихида муҳим ўрин тутади.

Худойберган Эгамов ниҳоятда камтарин, оққўнгил ва бағрикенг инсон эди. Бутун умрини илм излашдек эзгу ишга бахшида этган бу ажойиб ҳамкасбимиз ва ҳамкоримизнинг эртакларни қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш борасида бошлаб берган илмий тадқиқотлари келгусида ёш фольклоршунослар томонидан давом эттирилмоқда.

*Ас.*: Дидактика ва услуб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975. – 20 б.; Гўзаллик оламида. – Тошкент: Ёш гвардия, 1976. – 46 б.; Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 174 б. (ҳамк.); Воспитательное значение для детей узбекских народных сказок / Материалы научно-теоретической конференции профессорско-преподавательского состава ТашГУ. – Ташкент, 1978. – С.20; О типологии фольклорных произведений // Амударья. – 1979. – №3. – С.124–126; Ранг-баранг олам. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 129 б.; К вопросу функции мотивов в сказаках / Материалы научно-теоретической конференции профессорско-преподавательского состава ТашГИК. – Ташкент, 1979. – С.13; Сайёр сюжетлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – 25 б.; Қиёсий-типологик метод // СМ. – 1980. – №.9. – С.58-61; Образ злой старухи в тюркском фольклоре и топонимаке / Материалы VI научно-теоретической конференции профессорско-преподавательского состава ТашГИК. – Ташкент, 1980; Цветовая символика в тюркском фольклоре / Материалы VII научно-теоретической конференций профессорско-преподавательского составе ТашГИК. – Ташкент, 1980. – С.20; Абадият тимсоли // Гулистон. – 1981. – №10. – Б.24; Сайёр

сюжетлар // Амударья. – 1981. – №.8. – Б.110–115; Совет Шарқи халқлари сеҳрли эртаклари ва уларни қиёсий-тарихий жиҳатдан ўрганиш //АДМ. –1981. – №19. – Б.19–26; Эртакларнинг кўҳна илдизлари // ФТ. – 1981. – №10. – Б.22–25; Типология и классификации мотивов волшебных сказок / Материалы VIII научно-теоретической конференции профессорско-преподавательского состава ТашГИК. – 1982. – С.14; Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 343 б.; Родные корни / Киргызыстан маданияты. – 1982, февраль (қирғиз тилида); Туркий халқлар фольклорида оила ва никоҳ // ФТ. – 1983. – №3. – Б.23–29; Қадимги туркий ёдгорликлар ва халқ оғзаки ижоди // АДМ. – 1985. – №31. – Б.80-86 (ҳамк.); К проблеме соотношения легенды и истории / Материалы X научно-теоретической конференции профессорско-преподавательского состава ТашГИК. – 1984. – С.14; Типология и взаимодействии сказок в тюркском фольклоре // Вопросы советской тюркологии. – Ашхабад, 1985. – С..250–251; "Ўзбек халқ прозаси". – №4. – Б.68-70 (ҳамк.); Культ воды в тюркском фольклоре / Материалы XI научно-теоретической конференции профессорско-преподавательского состава ТашГИК. – Ташкент, 1986. – С.17; Туркий халқлар эртакларининг ўзига хослиги ва таснифи // АДМ. – 1986. – №14. – Б.78-86; Фольклор ва этнография: Дастур ва методик тавсиянома. – Ташкент: 1986. – 56 б. (ҳамк.); Фольклор байрам-сайлларини ташкил этиш методикаси. – Тошкент, 1987. – 70 б. (ҳамк.); К вопросу культурно-фольклорных взаимосвязей тюркоязычных народов Советского Востока // АДМ. – 1987. – №41; Цветовая символика в тюркских сказках // АДМ. – 1987. – №43; Бирлашган ўзар / В дружбе сила. Эртаклар (нашрга тайёрловчи Х.Эгамов). – Тошкент: Ўқитувчи, 1990; "Дала орфейи" / Халқ донишмандлиги сабоқлари. – Тошкент, 1993. – Б.13–16; Мотив ва сюжет / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.359-372.

***Ад.***: Шокиров А. Туйғулар тарбияси / ЎГ. –1974. – 13 март; Абдуллаева К. Бадиий асар тили – унинг калити // СМ. – 1974. – №10; Маҳмудов М. Қалб бойлиги / ЎМ. – 1975, 22 июль; Абдусаматов Ҳ. Муҳим қўлланма / СЎ. – 1977. – 14 май; Қораев Т. Ҳамкорлик



самараси // СМ. – 1977. – №5. – Б.75-76. Матчонов С. Тадқиқотчи масъулияти // СМ. – 1977. – №6; Ризаев С. Топонимика – жой номлари / ТО. – 1978. – 16 май; Умуров С. Жавоҳирлар ёлқини / СЎ. – 1980. – 17 февраль; Мурадов М., Жалолов Ғ. Эртакчилик анъаналари // ШЮ. – 1983. – №7; Мамбетназаров К., Нарбоев Б. Ценный научный труд // Амударё. – 1984. – №2; Худойберган Эгамов // ЎТА. – 2000. – 5-сон. – Б.78; Худойберган Эгамов / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.359.

## Қаюм МАМАШУКУРОВ

*(1945 йил 9 апрель, Шўрчи тумани, Оққўрғон қишлоғи – 1992 йил 1 февраль, Термиз шаҳри)*

Ўзбек халқ достончилигида туркумлик масаласини "Нурали" силсиласига мансуб достонлар мисолида тадқиқ этган Қаюм Мамашукуров 1962–1967 йилларда СамДУнинг филология факультетида ўқиган. 1961–1962 йилларда Шўрчи туманидаги 8-ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1967–1968 йиллар Термиз шаҳар жисмоний тарбия билим юртида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган. 1968 йилдан то умрининг охиригача Термиз давлат педагогика институти "Ўзбек адабиёти" кафедрасида ўқитувчи, 1988 йилдан бошлаб катта ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1986 йилда "Нурали туркуми достонларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Қ.Мамашукуров "Нурали" туркумига кирувчи достонларининг тарқалиш доираси, вариантларининг юзага келиши тарихи, бадиий хусусиятлари ва образлар тизимини тадқиқ этган. Ўзбек халқ достонларидаги туркумлилик кўринишлари ва ўзига хос эпик белгиларини ёритган. Сурхондарёлик бахшилар Юсуф Ўтаган ўғли, Хушвақт Мардонақуловлардан "Малла савдогар", "Нурали", "Санам Гавҳар", "Авазхон" достонларини ёзиб олган.

***Ас.***: "Нурали" туркуми достонларининг тарқалиши ва ўрганилиши // ЎТА. – 1974. – 4-сон; "Нурали" туркуми достонларининг

бадиий хусусиятлари ҳақида баъзи мулоҳазалар / Адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. – Тошкент, 1978. – Б.195–204; “Малла савдогар” достонининг вариантлари. – Тошкент, 1980; “Малла савдогар” достонининг вариантлари // ЎТА. – 1985. – 4-сон. – Б.45-47; “Нуралининг ёшлиги” достонининг вариантлари // АДМ. – 1986. – 4-сон; Идейно-художственные особенности дастанов цикла “Нурали”. АКД. – Ташкент, 1986; “Нурали” туркуми достонлари ҳақида / ЎФМ. 4-китоб. – Тошкент, 2011. – Б.22–28; “Нурали” туркум достонлари ҳақида / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.373-382.

***Ад.***: Қаюм Мамашукуров (1945–1991) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.373.

## Файзулла АЙМОҚ

*(1945 йил, Форёб вилояти, Андхўй шаҳри)*

Афғонистонда истиқомат қилувчи ўзбеклар оғзаки бадиий ижодини тўплаш ва оммалаштиришга катта ҳисса қўшган Файзулла Шоҳимардонқул ўғли Аймоқ 1945 йилда Форёб вилоятига қарашли Андхўй шаҳрининг Қўрғон тумани Боғистон қасабасида туғилган. У Андхўй шаҳридаги Қўрғон номли бошланғич мактабни тугатиб, Кобулдаги Ибн Сино номли ўрта мактабда ва дорилмуаллиминда таҳсил олган. 1971 йили мазкур олий ўқув юртининг журналистика факультетини тугатиб, Афғонистон радиоси қошидаги ўзбек, туркман тилларидаги дастурларини тайёрлашда хизмат қилган. 1975 йили бу дастурлар ёпилиши сабабли Афғонистон радиосининг таълим-тарбия бўйича эшиттиришлари шўъбасининг мудири вазифасида ишлай бошлаган. 1987 йилда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида “Афғонистон ўзбекларининг халқ қўшиқлари” мавзусида диссертация ишини ҳимоя қилган.

Файзулла Аймоқ Афғонистон ўзбеклари фольклорининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этган, жумладан, Андхўй, Форёб, Мозори Шариф ва бошқа ҳудудларда истиқомат қилувчи ўзбекларнинг анъанавий халқ қўшиқларини тўплаб оммалаштирган. У ёзиб олган сабзувон қўшиқлари, халқ мақолалари ва топишмоқлари, эртаклар, маросим қўшиқлари ва тарихий қўшиқлар фольклор жанрларининг тарқалиш доираси ва сақланиш ҳолатини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

***Ас.***: Халқ дурдоналари (Афғонистон ўзбеклари халқ оғзаки ижоди намуналари: дарийча таржимаси билан). – Кобул, 1980; Халқ дурдоналари (Афғонистон ўзбеклари оғзаки ижоди намуналари). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984; Народные песни узбеков Афганистана: АКД. – Ташкент, 1987. – 28 с.; Сабзувон (қўшиқлар). – Кобул, 1994; Халқ дурдоналари (Афғонистон ўзбеклари халқ оғзаки ижоди намуналари). – Мозори шариф, 2003; Афғонистон ўзбеклари халқ қўшиқлари (илмий тадқиқий асар) / turuz.com› storage / Folklore/2020/975_Efqanistan; Халқ дурдоналари (Афғонистон ўзбеклари халқ оғзаки ижоди намуналари) / www.dordanalar.info.

## Рўзиқул МУСТАФОҚУЛОВ

*(1946 йил 15 август, Жарқўрғон тумани)*

Сурхон воҳаси фольклорини тўплаш билан шуғулланиб келаётган Рўзиқул Бойназарович Мустафоқулов 1968–1973 йилларда Самарқанд давлат университетининг Ўзбек ва тожик филологияси факультетида ўқиган. 1969–1980 йилларда Термиз шаҳридаги Жисмоний тарбия педагогика билим юртида она тили ва адабиёти фанидан дарс берган. 1980–1990 йилларда Термиз давлат университетида болалар адабиёти фанини ўқитган. 1990–1991 йилларда Педагогика ва психология факультетида Тиллар ва нутқ маданияти кафедрасида ишлаган. 1990–1995 йилларда факультет деканининг ўринбосари, 1991–1992 йилларда сиртқи бўлиб декани бўлган. 1997 йилдан буён Бошланғич таълим ва лотин ёзуви кафедраси доценти вазифасида ишламоқда.

Р.Б.Мустафоқулов сурхондарёлик Чорша бахши Раҳматуллаевдан “Алпомиш”, “Қўнғирёт”, “Тошбосар”, “Хурсўна” достонларини, Абдуназар Поёновдан “Авазнинг туғилиши”, “Олтин қобоқ” достонларини, Хушбоқ бахши Мардонақул ўғлидан “Соқибулбул”, “Шоҳсамар” достонларини ёзиб олган. У “Тошбосар” (1998), “Ҳурсўна” (1999), “Соқибулбул” (2001), “Қўнғирёт” (2006) достонларини ёзиб олиб, нашр эттирган. Сурхон воҳаси аҳолисининг афсона, ривоят ва эртакларини, чўпонларнинг қўшиқларини, “ё рамазон” намуналари, наврўз байрами тўғрисидаги фольклор асарлари, шунингдек, кўплаб болалар ўйинларини тўплаган. Ўзи ёзиб олган фольклор материаллари асосида “Халқ педагогикаси сарчашмаси” (1995), “Чўпон қўшиқлари” (2008), “Ўзбек халқ миллий ўйинлари” (2019) каби тўпламларни нашр эттирган.

*Ас.*: Халқ педагогикаси сарчашмаси. – Термиз: Жайҳун, 1995; Халқ оғзаки ижоди тарбия мактаби / Халқ педагогикаси. – Термиз, 1995. – Б.95-96; Ҳаёт билан ҳамнафас халқ педагогикаси / “Зараутсой-98” халқаро симпозиуми материаллари. – Тошкент, 1998. – Б.151–153; “Тошбосар” (достон). Чорша шоир Раҳматуллаев. – Термиз: Жайҳун, 1998; “Хурсўна” (достон). Чорша шоир Раҳматуллаев. – Термиз: Жайҳун, 1999; “Алпомиш” талқинлари. – Термиз: Термиз давлат университети, 2000 (ҳамк.); “Соқибулбул” (достон). Хушбоқ шоир Мардонақул ўғли. – Термиз, 2001; Бир терма ҳақида // ТАТ. – 2003. – №6. – Б.20–22; Ўзбек халқ ўйинларига бир назар / Илм бошидаги тождир. – Тошкент, 2003. – Б.51-56; Сурхондарё фольклори олимлар талқинида // Жайҳун. – Термиз, 2007. – №4. – Б.57-65; Ўзбек халқ ўйинлари ҳақида / Ўчмагай маърифат машъали. –Тошкент, 2007. – Б.73-78; Термаларнинг фольклордаги ўрни / Ўзбекистон филологияси ва уни ўқитиш методикаси масалалари. – Термиз, 2008. – Б.13–19; Чўпон қўшиқлари. – Қарши: Насаф, 2009; Нақллар ҳаётий ҳикматлардан таълим беради / Баркамол авлод тарбиялашнинг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2010. – Б.184–187; Шеробод бахшичилик мактаби: кеча ва бугун / Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни. – Тошкент, 2019. – Б.50-54; Ўзбек халқ миллий ўйинлари (услубий қўлланма). – Термиз, 2019. – 118 б.; Влияние фольклора Байсуна на стратегию воспитания молодого поколения // TermizDU ilmiy xabarnomasi. – Термиз, 2019. – №1; Халқ мақоллари –тил одоби ва нутқ маданияти ифодаси // TermizDU ilmiy xabarnomasi. – Термиз, 2019. – №2; Влияния устного народного творчество на воспитание молодежи. – Тошкент: “Тафаккур”, 2020 (ҳамк.)



**Фармон РАЙҲОНОВ**

*(1947 йил 1 январь, Ғиждувон тумани, Чўголон қишлоғи – 1991 йил, Тошкент шаҳри)*

1968 йилда Бухоро давлат педагогика институтининг филология факультетини битирган Фармон Райҳонов Бухоро вилоятининг Навоий тумани газетасида бўлим мудири (1968), “Бухоро ҳақиқати” газетасида махсус мухбир (1970–1971) бўлиб ишлаган. У 1971–1975 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида илмий ходим вазифасида ишлаган. 1975–1976 йилларда Бухоро вилоятининг Қизилтепа тумани газетасида махсус мухбир, 1976–1977 йилларда Тошкент вилояти Тошкент тумани газетасида адабий ходим, 1977–1978 йилларда “Гулхан” журналида редакция мудири, 1978–1985 йилларда Тошкент вилояти Тошкент тумани “Шонли меҳнат” газетасида масъул котиб бўлиб ишлаган. 1985–1991 йилларда Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети Бадиий адабиётлар бўлимида ишлаган.

Ўзбек фольклорида қофия характери мавзуидаги диссертацион тадқиқот устида ишлаган Ф.Райҳонов ўзбек фольклорида қофиянинг қўлланилиши, унинг халқ мақоллари ва қўшиқлари ҳамда достонларда тутган ўрни, фольклорда қофия турлари, халқ ижодиётидаги қофия билан мумтоз ҳамда бугунги ўзбек адабиётидаги қофиянинг фарқлари масалаларини ўрганган. У ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари (1972) ҳамда Жанубий Тожикистон (1974) фольклор экспедицияларида иштирок этган.

*Ас.*: Халқ қўшиқларида қофиянинг характери // ЎТА. – 1975. – 2-сон. – Б.57-61; Шоир достонларида қофиянинг айрим хусуси-

ятларига доир / Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973. – Б.120–126; Халқ ижодида ритм ва қофия // ЎТА. – 1980. – 1-сон. – Б.72-74; Топишмоқларда қофия // ЎТА. – 1985. – 5-сон. – Б.30-31; Мақолларда қофия // ЎТА. – 1986. – 5-сон. – Б.26–27; Шеър қанотидаги юлдузлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986; Халқ мақоллари ва топишмоқларида қофия // ЎФМ. 4-китоб. – Тошкент, 2011. – Б.28-34; Халқ мақоллари ва топишмоқларида қофия / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.382-389.

*Ад.*: Фармон Райҳонов (1947–1991) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.382-389.

## Клара МАҲМУДОВА

*(1947 йил 3 февраль, Зангиота тумани)*

Фольклор ва замонавийлик муносабатлари масаласини ўрганган Клара Ҳабибуллаевна Маҳмудова 1970 йилда Тошкент давлат университеининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. 1970–1976 йилларда Тошкентдаги мактабгача таълим билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1976–1995 йилларда Тошкент давлат маданият институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи лавозимларида хизмат қилган. 1990 йилда "Фольклор ва замонавийлик (Ўзбекистондаги бадиий ҳаваскорлик санъатининг ривожланишида халқ ижоди анъаналарининг роли)" мазусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

К.Ҳ.Маҳмудова халқ оғзаки бадиий ижоди анъаналарининг ҳаваскорлик санъати тараққиётида тутган ўрни, халқ қўшиқлари, маросим фольклори ва достонларнинг фольклор-этнографик жамоалар репертуаридаги саҳнавий талқинлари масаласини ўрганган.

*Ас.*: Достон куйлайди / ЎАС. – 1987, 24 апрель; Гулхан гуруллайди, "Чавқи" қизийди // Гулистон. – Тошкент, 1987. – 6-сон; Дорбозлар // Ёш куч. – Тошкент, 1987. – 6-сон; Довюраклик санъати / СЎС. – 1987. – 8-сон; Ўзбек фольклор-этнографик ансамбллари.



– Тошкент, 1987; Шарқ кечалари / ЎАС. – 1989, 19 май; Фольклор и современность (роль традиции народного творчества в развитии художественной самодеятельности Узбекистана). АКД. – Ташкент, 1990.

## Жумабой ЮСУПОВ

*(1947 йил 26 февраль, Амударё тумани – 2009 йил 11 октябрь, Урганч шаҳри)*

Ўзбек таржимашунослиги ва фольклоршунослиги тараққиётига катта ҳисса қўшган таниқли олим, Жумабой Юсупов 1950 йилда ўз ота юрти Тошҳовуз туманига кўчиб ўтганларидан кейин, 1953–1956 йилларда Туркманистон Республикаси Тошҳовуз туманининг ҳозирги "Шодлик" деҳқон бирлашмасида жойлашган бошланғич мактабда, 1957–1963 йилларда Тошҳовуз тумани Тозабозор шаҳарчасидаги 1-сон ўрта мактабда ўқиди. Ўрта мактабда ўқиган кезлари ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасига бошчилик қилди ва юқори кўрсаткичлари учун ВДНХ аъзоси кўкрак нишони билан тақдирланди. Тил ва адабиётга ҳавас ёш Жумабойда мактабда ўқиб юрган кезлари шаклланган эди. У мактабда "Ёш адабиётшунос" тўгарагининг фаол иштирокчиси бўлди. Ўша пайтларда туман газетасида айрим шеърий машқлари босилиб чиқди.

1964 ўқув йилида ўрта мактабни аъло баҳоларга битириб Тошкент шаҳридаги Республика Рус тили ва адабиёти педагогика институтига ўқишга кирди ва уни 1969 йилда имтиёзли диплом билан тамомлади. 1969 йилдан бошлаб, Республика Рус тили ва адабиёти педагогика институтининг Умумий тилшунослик кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи лавозимларида ишлади. 1979–1991 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтида (Тошкент давлат Иқтисодиёт университети) "Рус тили", "Рус ва ўзбек тиллари" (кейинчалик бу кафедрадан ажралиб чиққан ЎТА кафедрасида) катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлади. У Республика Рус тили ва адабиёти педагогика институтида нуфузли жамоат ташкилотларида қўмита аъзоси, институт байналмилал клуби раиси, Тошкент Халқ хўжалиги институтида қишлоқ хўжа-

лиги иқтисоди факультети фирқа қўмитаси котиби, факультет ва институт касаба уюшмалари қўмитаси раиси, институт ва вилоят студент қурилиш отрядлари комиссари каби жамоат ишларида чиниқди. Деярлик 20 йил давомида талабалар қурилиш отрядларида сардорлик қилди ва Тоғли Олтойдан тортиб, республикамизнинг чекка қишлоқларигача бўлган улкан ҳудудда олиб борилган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этди.

1991–1992 йилларда Тошкент Молия институтида доцент, 1992–1995 йилларда Тошкент давлат Иқтисодиёт университетининг Урганч филиалида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, "Жаҳон тиллари ва умумтаълим фанлар" кафедраси мудири, 1995 йилдан Урганч давлат университети "Ўзбек тилшунослиги" кафедрасида доцент, 1998–2004 йилларда УрДУ қошидаги Минтақавий тил маркази директори, 2003–2005 йилларда университет қошидаги Малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим маркази директори лавозимларида ишлади.

Жумабой Юсупов 2001 йилдан то умрининг охиригача УрДУноширлик бўлими бошлиғи, шунингдек, "Илм сарчашмалари" илмий-методик журнали муҳаррири, айни пайтда, 2005 йилдан бошлаб "Ҳозирги ўзбек адабиёти" кафедраси профессори вазифаларида ишлади. Ўзи муҳаррирлик қилаётган "Илм сарчашмалари" илмий-методик журналининг республика миқёсидаги журнал даражасига кўтарилишида, ноширлик бўлимининг нашриёт ҳуқуқига эга бўлишида Жумабой Юсуповнинг муносиб ҳиссаси бор.

Жумабой Юсупов 1981 йил 26 апрелда "Яқин тилдан таржимада миллий ўзига хосликни акс эттириш муаммосига доир" (туркман прозасининг ўзбекча таржималари материаллари асосида) мавзусида 10.01.03. – ўзбек адабиёти ихтисослиги бўйича номзодлик, 2000 йил 26 январда эса "Хоразм эртаклари генезиси, асосий хусусиятлари ва поэтикаси" мавзусида 10.01.09 – Фольклоршунослик ихтисослиги бўйича докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1986 йилда унга доцент илмий унвони берилди.

Кенг қамровли тадқиқотчи сифатида танилган Ж.Юсупов рус тили, рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитиш, таржима асарларида миллий колорит масалалари, окказионализмлар тадқиқи, адабий танқид ва адабиётшунослик муаммоларига доир қатор асарлар яратди. Унинг "Туркман адабиётини ўзбек тилига таржима қилиш



тарихидан" (1975), "Яқин тиллардан таржима қилиш масаласи ҳақида" (1978), "Таржимон масъулияти ва таржима танқиди" (1985), "Национальное своеобразие оригинала и проблемы перевода" (1990) каби мақолаларида таржима асарларида миллий колорит масалалари теран тадқиқ этилди.

Олим 1995 йилдан эътиборан Хоразм воҳаси эртакчилиги анъанасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга киришди. Халқ эртакларини регионал ўрганиш, яъни муайян ҳудудда тарқалган эртакларни шу жойнинг тарихий-этнографик хусусиятлари билан узвий алоқадорликда таҳлил этиш ўзбек фольклоршунослигида ҳалигача амалда қўлланилмаган ижодий тажриба бўлиб, бу фанда катта илмий аҳамиятга эга янгилик эди. Хоразм эртакларининг асосий сюжет типларининг аниқланиши ва махсус кўрсаткич тартибида таснифланиши, асосий қаҳрамон, эпик рақиб ва мифик образларининг сюжет таркибида тутган поэтик ўрнининг белгилаб берилиши, эпик макон ва замон формулаларининг ўзига хос талқинлари ҳам янгилик сифатида эътироф этилди.

Ҳозиргача эртакнинг асосий мотивлари маълум маънода ўрганилган бўлса-да, ўзбек эртакларининг сюжет тузилишини белгиловчи етакчи мотивлар тизимининг мукаммал бадиий тизими аниқланмаганлиги боис, Хоразм эртакларининг сюжет элементларини тарихий-типологик нуқтаи назардан ўрганиш асосида қаҳрамон туғилишидан то унинг ўзга дунёга сафаригача бўлган воқеалар баёнидан иборат бирламчи мотивлар туркуми, қаҳрамоннинг ўзга дунёдаги саргузаштлари билан боғлиқ иккиламчи мотивлар туркуми ва қаҳрамоннинг ўз юртига қайтиб келиши билан боғлиқ якунловчи мотивлар туркумларининг аниқланганлиги Жумабой Юсуповнинг фольклоршунослик фанига қўшган янгиликларидан бири саналади.

Тинимсиз меҳнат ва изланишлар самараси ўлароқ, у филология фанининг, жумладан, ўзбек фольклоршунослигининг долзарб муаммолари бўйича 11 республика, 5 зонал ва 6 халқаро (Болгария, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Озарбайжон, Туркманистон) илмий конференцияларда фаол иштирок этиб, ўзбек филологиясининг энг янги ютуқларини кенг миқёсда ташфиқот қилди. Олимнинг илмий журнал ва тўпламларида 200 дан ортиқ мақола, бир неча рисола ва 4 монографияси эълон қилинган.

*Ас.*: (фольклоршунослликка оид илмий асарлари): Хоразм халқ эртакларининг ўрганилиши тарихидан. – Урганч: УрДУ, 1995; Дафн маросими ва унинг эртаклардаги бадиий кўчими // ЎТА. – 1996. – 4-сон; Маросим анъанаси ва эртак мотиви / Актуальные проблемы высшей школы в области гуманитарных и фундаментальных наук. – Тошкент, 1996; Хоразм эртагидаги бир мотив тарихи / Актуальные проблемы высшей школы в области гуманитарных и фундаментальных наук. – Тошкент, 1996; Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. – Тошкент, Фан, 1997; Арқон тутиш // ФТ. – 1997. – 3-сон; Хоразм фольклорини ўрганишда А.Н.Самойловичнинг ўрни / Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997; "Тажрибакор" эртагида арқон тортиш мотиви // ЎТА. – 1997. – 4-сон; Ертек хэм салт-дэстурлердин озара қатнасы // Қарақалпақстан муғаллими. – 1997. – 3-4-сонлар; Салт-дестурлик мотивлер – ертеклердеги реалистик сыпатлардин бир белгиси сыпатында / Қарақалпақстан муғаллими. – 1997. – 3-4-сонлар; Хоразм мифлари ҳақида баъзи қайдлар // ЎТА. – 1997. – 6-сон; Хоразм эртагида Искандар образи / ФТТ. 1-том. – Урганч, 1997; Ёз бўлса қовун пишар тўр олишиб // ФТ. – 1998. – 1-сон; Эшигингизни ким супурди // Саодат. – Тошкент, 1998. – 1-сон; Ўзбек фольклорида ҳикоят жанри // ТАТ. – 1998. – 3-сон; Некоторые соображения о жанровых особенностях хорезмских сказок // ПЯЛ. – Тошкент, 1999. – 6-сон; Хоразм эртагида вариантлилик // ЎТА. – 1999. – 6-сон; Мотив ва унинг бадиий функциялари / ХФ. 1-том. – Урганч, 1999; Эртакда қўшиқ // ШЮ. – 2000. – 1-сон; Хоразмда эртак айтиш / Тарих ва филология фанларининг долзарб муаммолари. – Хива, 2000; Ғаройиб отга эга бўлиш // ИС. – 2001. – 2-сон; Авесто ва Хоразм эртаклари / "Авесто" ворислари. – Урганч, 2001; Хоразм эртакларида эпик ҳомий // ТАТ. – 2001. – 6-сон; Эврилиш мотивига доир баъзи мулоҳазалар / Тухфа. Тўплам. – Тошкент: 2001; "Авесто" ва Хоразм мифларининг эпик талқини хусусида / ИС. – 2001. – 4-сон; Ўгай қиз типидаги туркум эртаклар генезисида анимистик қарашларнинг роли / ИС. – 2001. – 4-сон; Наврўз ҳақида баъзи мулоҳазалар // Хива. – Урганч, 2001. – 15–16-сонлар; Эврилиш мотивига доир баъзи мулоҳазалар // ШЮ. – 2002. – 1-сон; Ўзбек афсоналарида Хизр образи // ИС. – 2002. – 3-сон (Р.Саидова билан ҳамк.); Ўзбек халқ оғзаки ижоди (Академлицей ва коллежларнинг биринчи курс талабалари учун маърузалар матни). – Урганч, 2002; Хоразм эртакларида анъанавий бошлама // ЎТА. – 2002. – 5-сон; "Тюрабек – ханым": Сказка или сказание? // ИС. – 2002. – 1-сон; А.Н.Самойлович ва Хоразм фольклори / ХФ. 5-том. – Урганч, 2003; "Шажарайи турк"да фольклоризмлар / Абулғозий Баҳодирхон-машҳур давлат арбоби ва тарихнавис олим. – Урганч, 2003; Эртакларда кексалик ва ўлимга маҳкумлик мотиви / Мозийга муҳаббат. – Тошкент: 2003; А.Н.Самойлович ва "Аннамурод бува" эртаги / ФИ. 4-том. – Тошкент, 2003; Беруний ва халқ афсоналари // Беруний – буюк қомусий олим. –Урганч: 2003; Самойлович А.Н. ва "Қирқ ёлғон" эртаги // ИС. – 2003. – 3-сон; Ваҳший одатнинг эпик талқини // ШЮ. – 2003. – 3-сон; Эртак бадиияти ҳақида баъзи мулоҳазалар / ФИ. 7-том. – Урганч, 2003; Исм қўйилиши ва инициация / ХФ. 6-том. – Тошкент, 2003; Хоразм эртакларида Хизр образи / Бадиий тафаккур ва адабий жараён. – Тошкент,2004; Ғайритабиий туғилиш билан боғлиқ мотивларга доир / Жонкуяр олим, ташкилотчи ва мураббий. – Урганч, 2004; Қизнинг балоғатга етгунча ҳовлидан чиқмаслиги / ФИ. 9-том. – Ургенч, 2004; "Гўрўғли" доимо барҳаёт // Мунаввар умр. – Урганч, 2005; Олма отиб куёв танлаш / ХФ. 7-том. – Урганч, 2005; Анъанавий формулалар ҳақида баъзи қайдлар // ИС. – 2005. – 2-сон; Хоразм эртакларида анъанавий формулалар типлари хусусида // ИС. – 2005. – 3-сон; Комил Имомов // ИС. – 2005. – 3-сон; Хоразм эртаклари поэтикаси. Монография. – Урганч, 2005; Хоразм ривоят, накл ва эртаклари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2005; Адабиётшунослик ва структурал методлар. – Урганч, 2005; Шайх Нажмиддин Кубро қиссаси ёхуд қирқ ривоят / ФИ. 12-том. – Тошкент, 2006; Қайноқ қалб сурури. Сайланма. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006; Мотивлар типологияси масаласига доир // ИС. – 2006. – 3-сон; Хоразм мифлари ва эртак жанри / Хоразм Маъмун академияси ва жаҳон фани равнақи. – Урганч, 2006; Хоразмда қадимги никоҳ маросимларининг поэтик трансформациясига доир // ИС. – 2006. – 4-сон; Дафн маросими ва унинг эртаклардаги бадиий талқини / ЎФМ. 4-китоб. – Тошкент, 2011. – Б.34-39; Дафн маросими ва унинг эртаклардаги бадиий кўчими / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул

муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.390-397.

*Ад.:* Жумабой Юсупов. Биография ва библиография. Тузувчи: С.Рўзимбоев. – Урганч, 2007; Жўраев М., Баракаев Р. Жумабой Юсупов // ЎТА. – 6-сон. – Б.119–121; Жумабой Юсупов (1947–2009) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.390.

## Саодат ЙЎЛДОШЕВА

*(1947 йил 26 апрель, Фарғона – 2017 йил 22 сентябрь, Тошкент)*

Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси поэтикаси ва халқ ижоди асарларининг ўзбек фольклор-этнографик жамоалар репертуаридаги талқини масалаларини ўрганган Саодат Назировна Йўлдошева 1965–1970 йилларда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетида ўқиган. 1970–1974 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейида кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1974 йилдан бери Тошкент давлат Маданият институти "Ўзбек адабиёти" кафедрасида катта ўқитувчи, 1986 йилдан "Оммавий халқ сайилларини ташкил этиш режиссураси" кафедрасининг доценти, 2000 йилдан профессор, 2001 йилдан "Халқ ижодиёти" кафедраси мудири бўлиб ишлаган. 1984 йилда "Алпомиш" достонининг поэтикаси (сюжетини ташкил этувчи мотивлар, ўхшатиш ва эпитет)" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

С.Н.Йўлдошева Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси "Алпомиш"-нинг асосий мотивлари генезиси, образларнинг ўзига хослиги, ўхшатиш, сифатлаш, муболаға ва эпитет каби бадиий тасвир воситаларининг эстетик функцияси, мифологик тасаввурлар ва халқ эътиқодларининг достондаги изларини ўрганган. Шунингдек, ўзбек халқининг урф-одат ва маросимлари, ҳозирги тарихий-фольклорий жараён, фольклор-этнографик жамоалар репертуаридаги фольклор асарлари бадиияти, постфольклор масалаларига доир илмий тадқиқотлар яратган.



С.Йўлдошева томонидан олиб борилаётган изланишлари илмий-иқтидорини намоён этибгина қолмай, балки жонли фольклорий жараённинг ривожи учун муҳим аҳамиятга моликдир. Мустақиллик йилларида у фольклор-этнографик ансамбларини бойитиб, қадимий анъаналарни тиклаш билан бирга истиқлол даврида фольклор санъатини илмий-амалий тарзда ривожлантириш учун салмоқли ҳисса қўшган. "Бойсун" (Сурхондарё), "Нозанин", "Моҳиситора" (Бухоро), "Чодир жамол", "Сарвиноз", "Кабутар" (Фарғона), "Дилкушод наволари" (Андижон) "Қизғалдоқ", "Момогул" (Қашқадарё), "Камалак", "Чақчақ", "Тўрғай", "Заррин япроқлар", "Муножот" (Тошкент вилояти), "Чашма", "Гавҳар" (Тошкент шаҳри) каби фольклор-этнографик ансамбларни ташкил этишда фаол иштирок этиб, анъанавий халқ ижодиётининг саҳнавий талқинда сақланиб қолишига катта ҳисса қўшган. Бу жамоаларга репертуар танлаш, ўз ҳудуди фольклорининг энг яхши анъаналарини саҳнавий талқин қилиш ва ижрочилик маҳоратини ўстиришда яқиндан ёрдам берган. Шунингдек, у ўз методик маслаҳатлари билан "Достон", "Оразибон", "Бесперде", "Чавқи" фольклор жамоалари фаолиятининг такомиллашувига муҳим ҳисса қўшган. Бу жамоаларнинг серқирра фаолияти бугунги ўзбек фольклор санъатини ривожлантириш учун ниҳоятда долзарблиги билан диққатга сазовордир.

С.Йўлдошева нафақат институт, факультет, кафедра ишларида, балки Республикамиз телевидениясида бир неча йиллар давомида "Жавоҳир дурдоналари", "Уй остонадан бошланади", "Анъана ва замон", "Изҳор", "Олтин бешик" каби кўрсатувларнинг муаллифи ва илмий маслаҳатчиси сифатида фаолият кўрсатган. Ўзбекистон радиосининг "Ёшлик", "Халқ ижоди", "Машъал" эшиттиришлари орқали фольклор санъатини ривожлантириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар, урф-одат, ўзбекона маросимлар хусусида мунтазам суҳбатлар олиб борган. Булардан ташқари С..Йўлдошева Республикамиз маънавий ҳаётини юксалтиришда "Ибратли келин", "Намунали оила", "Тўй либослари", "Ибратли қайнона", "Мафтуна", "Барҳаёт анъаналар" каби бир қатор кўрик-танловларни уюштиришда, ҳакамлар ҳайъати раиси сифатида қатнашган. Шунингдек, уларнинг фаол ташкилотчиларидандир. Республика хотин-қизлар қўмитаси қошидаги "Ижодкор аёллар" уюшмаси аъзоси, Республика маҳал-

ла жамғармасида жамоатчилик асосида маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчи, Республика “Халқ ижодиёти” ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий услубиёт марказида “Урф-одат ва маросимлар” бўлимининг жамоатчилик асосидаги раҳбари сифатида ҳам фаоллик кўрсатган.

У коллежлар учун ёзилган “Ўзбек фольклор-этнографик жамоалари” (2007), “Урф-одат ва маросимлар” каби ўқув қўлланмаларининг муаллифи.

***Ас.***: Қўбизчи бахши: меросимизни ўрганамиз / ЎГ. – 1977. – 31 март; Халқ закоси кўзгуси // Саодат. – 1980. –№10. – Б.24; “Алпомиш” достонида доимий эпитетлар // АДМ. – 1982. – №2(22). – Б.41-47; “Алпомиш” достонидаги ўхшатишлар ҳақида // АДМ. – 1982. – №4 (24). – Б.91-97; “Алпомиш” образида халқ идеали / ЎГ. – 1982. –13 февраль; Поэтика узбекского народного героического эпоса “Алпамыш” (Сюжетообразующие мотивы. Сравнения и эпитеты): АКД. – Ташкент, 1984. – 19 с.; Шалола // Наврўзи олам бугун. – Тошкент: Ўзбекистон, 1989. – Б. 54-55; Мучал тўйи // Ўзбекистон маданиятининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 1994. – Б.7-8; Урф-одатим – таржимаи ҳолим / Маданият ва маънавият муаммолари. – Тошкент, 1994. – Б.167–170; Мучал тўйи. – Тошкент, 1994. – 35 б.; Фольклор-этнографик жамоалари ва миллий қадриятларимиз / Истиқлол ва маънавият. – Тошкент, 1996. – Б.78-79; Барҳаёт анъаналар (мучал тўйи мисолида). – Тошкент, 1999. – 46 б.; Фольклор-этнографик жамоалар услубиёти (услубий қўлланма). – Тошкент: Фан, 1999. –112 б.; “Алпомиш” достонида аёллар мавқеи // АДЖХЭИ. – Б.37-38; Фольклор-этнографик жамоалар-маънавият сарчашмаси / Маънавият ва маърифат-давлат сиёсатининг устувор йўналиши. – Тошкент, 2000. – Б.105–109; Маънавий камолотни ривожлантиришда халқ амалий санъатининг ўрни / Мустақиллик ва ўзбек миллий маданиятини ривожлантиришнинг истиқболлари. 5-чиқиши. – 2001. – Б.90-94; Халқ қалбининг кўзгуси // Гулистон. – 2001. – №3. – Б.24; Қўқон булбули / Маънавий баркамоллик ижтимоий тараққиёт омили. – Тошкент, 2001. – Б.129–136; Фольклор санъатини ривожлантиришда анъана ва маросимларнинг ўрни / Бойсун баҳори: замонавий бадиий маданиятда фольклор ва халқ ижодиёти. – Бойсун, 2002. – Б.67-



68; Халқ урф-одати ва анъаналари: академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун қўлланма. – Тошкент: Ijod dunyosi, 2003. – 207 б.; Ёшлар тарбиясида фольклор санъатидан фойдаланиш / Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш – ватан тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили. – Тошкент, 2004. – Б.91–100; Фольклор-этнографик жамоаларининг замонавийлашув анъаналари // Гулистон. – 2006. – №2; Қадимий ва навқирон // САУ. – 2006. – №3; Folkior kiyimlari va bezaklari. – Тошкент: “Talqin”, 2007. – 134 б. (ҳамк.); Folklor-etnografik ansambllari: kasb-hunar kollejlari uchun qo'llanma. – Toshkent: O'qituvchi, 2007. – 271 b. (ҳамк.); Келинчакдай назокатли...// Gulchehralar. – 2007. – 25 апрель; Фольклор санъати ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни / Юксак маънавият қирралари. 12-чиқиши. – Тошкент, 2007. – Б.135–139; Фольклор санъатини ривожлантиришда анъана ва маросимларнинг ўрни / Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Навоий, 2007. – Б.31-37; Роль узбекского фольклора в социально-культурной жизни Узбекистана / Россия-Узбекистан: перспективы образовательно-культурного сотрудничества. – Челябинск, 2007. – С.149–152; Узбекские национальные одежды в современном обществе / Россия-Узбекистан: перспективы оброзовательно-культурного сотрудничество. – Челябинск, 2007; Алла – она қалби кўзгуси // Оила ва жамият. – 2006. – 28 сентябрь; Узбекская национальная одежда / Узбекистан-Россия: перспективы образовательно-культурного сотрудничества. Т.2. – Ташкент, 2008. – С.278–283; Маросим ва удумларни саҳналаштириш: ўқув қўлланма. – Тошкент: Республика методика ва ахборот маркази, 2008. – 100 б.; Folklor-jamoa boshqaruv uslubiyoti. – Тошкент, 2008. – 116 б.; Folklor kiyimlari va bezaklari. – Тошкент: Talqin, 2008. – 134 b. (ҳамк.); Халк ижодиёти билимдони // Саидов М. Маърифат фидойиси. – Тошкент, 2009. – Б.151–153; Наврўз-маънавий баркамоллик элчиси / Таълим тизимида ёш авлодни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий иш ходимларини тайёрлаш тизими. – Тошкент, 2010. – Б.166–172; Халқ амалий безак санъатидан удум ва маросимларда фойдаланиш усуллари / Этнос ва маданият: анънавийлик ва замонавийлик. – Тошкент, 2010. – Б.201–206; Место декоративного искусства в фольклорных ансамблях / Пятые Лазаревские чтения “Лики традиционной культуры”. Ч.2. – Челябинск,

2011. – С.238–242; Жаҳон эътироф этган "Моҳи ситора" / Аёл – жамият кўзгуси. – Андижон, 2013. – Б.180–186; Ҳаёт қўшиғининг ёрқин навоси / Янги давр санъати: анъанавийлик ва трансформацион жараёнлар. – Тошкент, 2013. – Б.39-42; Ёш авлоди миллий истиқлол руҳида тарбиялашда фольклор санъатининг роли / Ўзбек халқининг миллий фольклор санъати ва этномаданий қадриятлари. – Тошкент, 2013. – Б.28-34; Халқ ижодида аёллар мавқеининг улуғланиши / Шарқ аёли: кеча ва бугун. – Тошкент, 2013. – Б.74-78; Ҳаёт қўшиғи // Ижодий парвоз. – 2013. – № 8; Ёш авлод тарбиясида фольклор санъатининг роли / XXI аср мусиқа таълими: муаммо ва ечимлар. – Тошкент, 2014. – Б.16–20; Мукаррама Турғунбоеванинг фольклор рақс санъатини ривожлантиришдаги роли / Мукаррама Турғунбоева ижоди ва унинг ўзбек саҳна хореографияси ривожи учун қўшган ҳиссаси. – Тошкент, 2014. – Б.115–118; Folklor-etnografik jamoalari uslubiyoti: O'quv qo'llanma. – Тошкент: Navro'z, 2014. – 162 b.; "Моҳи ситора" фольклор-этнографик ансамблининг ижодий йўналишлари ҳақида баъзи мулоҳазалар / Санъат ва маданият таълими – бадиий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи. – Тошкент, 2014. – Б.237–242; Фарзанд тарбияси билан боғлиқ анъаналар / Гармонично развитое поколение – условие стабильного развития в Республике Узбекистан. – Ташкент, 2014. – Б.123–128; Фольклор этнографик жамоаларининг тарихий тараққиёт босқичлари ҳақида баъзи мулоҳазалар / Шахс маънавиятини шаклланишида санъат ва маданиятниниг роли. – Тошкент, 2014. – Б.335-340; "Chavqi" folklor-etnografik ansambllarining xududiy o'ziga xosligi / Nomoddiy meros va etnomadaniy qadriyatlar. – Toshkent, 2014. – B. 41-47; "Алпомиш"достонида аёллар образи // ЎТА. – 2015. – № 2. – Б.52-57; Анъана ва маросимларни ёшлар турмуш тарзига сингдиришда фольклор санъатининг ўрни / Номоддий маданий меросни таълим тизимига татбиқ этиш. – Тошкент, 2015. – Б.11–15; Ижодкор маҳоратини шакллантиришда фольклор санъатининг ўрни / Театр ва кино санъати таълими: муаммо ва ечимлар. – Тошкент, 2015. – Б.88-93; Мустақиллик даври фольклор санъатининг ривожланиш тамойиллари / Санъат таълими: инновацион жараёнлар, натижалар, изланишлар. – Тошкент, 2015. – Б.118–125; Аждодлар мероси улуғланган миллий қадрият / Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари. – Тошкент, 2016. – Б.220–224; Zarafshon vohasi folklor-etnografik ansamblining o'ziga xosligi / Nomoddiy madaniy merosni ta'lim tizimiga tatbiq etish. – Toshkent, 2016. – B.100–106; Sog'lom avlod tarbiyasida "alia" ijrochiligining o'rni / Номоддий маданий мерос ва фольклор ижрочилик санъати. – Тошкент, 2016. – Б.135–148; "Алпомиш" достони улуғланган миллий кадрият / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.398-405.

*Ад.*: Ҳашамат – кимга кўз-кўз, кимга заҳмат? (М.Нормуродова суҳбатлашди) / ХС. – 2002. – 29 октябрь; Жомонов Р. Нодир қобилият соҳибаси / Қадрият. – 2007. – 28 апрель; Ҳошимов О. Саодат Йўлдошева / Бир болангман, Бешболам: хотиралар. 1-китоб. – Фарғона, 2007. – Б.47-48; Ўтмиш ва бугунни уйғунлаштириб: [Саодат Йўлдошева ҳаёти ва фаолияти ҳақида] // Аёл яратган дунё (Ўзбекистоннинг фидойи аёллари). 2-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.72-73; Саодатхон Йўлдошева (1947 йилда туғилган) / Ҳамроева Ҳ. Миллий университет филолог олималари. – Тошкент, 2008. – Б.104–105; Қосимова З., Хўжаева А. Саодат Йўлдошева ўз касбининг фидойиси /Аёл – жамият кўзгуси. – Андижон, 2013. – Б.216–217; Саодатхон Йўлдошева / Пойтахт аёллари. – Тошкент: Olmos qilich, 2014. – B.12; Фольклор санъатининг фидойиси: филология фанлари номзоди, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Саодат Йўлдошеванинг ҳаёти, илмий ва педагогик фаолияти ҳақида мақолалар тўплами. – Тошкент, 2017. – 140 б. Йўлдошева Саодат Назировна. Биобиблиография (тузувчилар Бердиева З.Ш., Матмуродова М.И.). – Тошкент, 2017; Саодатхон Йулдошева (1947–2017) // XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.398-405.

## Ғуломжон АКРАМОВ

*(1947 йил 3 октябрь – Данғара тумани,*
*Бешпака қишлоғи – 1987 йил)*

Ўзбек мифологиясининг илк тадқиқотчиси Ғуломжон Акрамов ТошДУнинг журналистика факультетини битирган (1973). У 1964–1967 йиллар Бешкапа қишлоғидаги жамоа хўжалигида сувчи, 1967–1968 йиллар Қўқон шаҳар сув хўжалиги бошқармасида назоратчи, 1972–1973 йиллар "Гулистон" журналида мусаҳҳиҳ, 1973–1974 йиллар ЎзР ФА "Фан" нашриётида кичик муҳаррир, 1974–1978 йиллар Фарғона вилояти газетасида мухбир, туман рўзномасида маданият бўлимининг мудири бўлиб ишлаган. 1978 йил 13 июндан эътиборан саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли 1-гуруҳ меҳнат ногирони сифатида нафақага чиққан.

Ғ.Акрамов ўзбек фольклоршунослигида биринчи бўлиб мифология ва унинг ўзбек фольклори эпик жанрлари билан муносабатини ўрганган. Халқимизнинг қадимий эътиқодий қарашлари ва мифологик тасаввурларининг моҳияти, уларнинг ўзбек фольклоридаги ўрнини чуқур тадқиқ этган. 1980 йилда "Ўзбек фольклорида мифология" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Ғ.Акрамов мифология, миф ва фольклор алоқалари, ҳозирги ўзбек адабиётининг поэтикасига бағишланган кўплаб илмий мақолалар муаллифидир. У қадимги турк мифологиясининг пайдо бўлиши, ривожланиши, унинг фольклор асарларига, маросим ва удумларимизга, маданият ёдгорликларига таъсири, бадиий адабиётдаги мифологизмлар масалаларини ўрганишни давом эттириб "Ўзбек адабиётида мифология" номли йирик тадқиқот устида иш олиб борган. Ғ.Акрамовнинг мифологияга доир тадқиқотлари ўзбек фольклоршунослиги тарихида муҳим ўрин тутади.

*Ас.*: Аниматик мифология // ЎТА. – 1977. – 3-сон. – Б.48-53; Афсонага қулоқ тутганда // Гулистон. – 1977. – 9-сон; Тотемистик мифлар // ЎТА. – 1978. – 3-сон. – Б.39-42; "Гўрўғли" туркумида мифологик образлар / Адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.184–194; Атлантида оролининг ҳалокати // Гулистон. – 1978. – 3-сон; Манистик мифология // ЎТА. – 1979. – 6-сон. – Б.64-69; Мифология в узбекском фольклоре. АКД. – Баку, 1980; "Авесто" талқинлари // Гулистон. – 1982. – 7-сон; Мифологиянинг эпик жанрларига муносабати / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.149–157; Хазина сирлари // ЎАС. – 1983, 5 август; Тарихий шароит ва бош қаҳрамон / ЎАС. – 1985, 7 августь; Бадиий сўз ва назарий фикр / ЎАС. – 1985, 6 сентябрь; Фарҳод – уйғониш фарзанди / ЎАС. – 1985, 13 декабрь; Воқеликка дахлдор / ЎАС. – 1986, 23 май; Танқидий руҳ ва ҳаққоният / ЎАС. – 1987, 8 май; Давр ва фаол қаҳрамон / ЎАС . – 1987, 8 май; Янгича сифат – янгича руҳ // Ёшлик. – 1986. – 12-сон; Миф ва ёзма адабиёт муносабатига доир // ЎТА. – 1996. – 2-сон. – Б.60-66; 4-сон. – Б.70-74; 5-сон. – Б.56-58; 6-сон. – Б.53-57; Манистик мифология / ЎФМ. 4-китоб. – Тошкент, 2011. – Б.16–22; Манистик мифология / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.406-413.

*Ад.*: Мирзаев Т. Ғ.Акрамовнинг "Миф ва ёзма адабиёт муносабатига доир" мақолалар туркумига сўзбоши // ЎТА. – 1996. – 2-сон. – Б.59-60; Ғулом Акрамов (1947–1987) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.406.

## Содиқжон НОСИРОВ

*(1947 йил 15 ноябрь, Фарғона тумани, Лоғон тумани)*

Ўзбек халқ ижоди ижрочиларининг маҳорати масалаларининг тадқиқотчиси Содиқжон Носиров 1969–1973 йилларда Тошкент давлат театр ва рассомчилик санъати институти (ҳозирги Тошкент давлат санъат ва маданият институти)да ўқиган. 1974 йилдан буён шу институтда Саҳна нутқи кафедрасида ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлаб келган. "Ўзбек халқ оғзаки ижодида ижрочилик маҳорати (эртакчи ва аскиябозлар мисолида)" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

С.Носиров ўзбек халқ ижоди ижрочилари ва ижодкорларининг ижрочилик маҳорати, унинг професионал театр ижрочиларини

тарбиялашдаги аҳамияти ва тарихий-фольклорий жараёндаги роли масалаларини ўрганиш билан шуғулланган. У Тошкент, Қашқадарё (1982), Фарғона (1984), Хоразм, Наманган (1985) вилоятларида фольклор экспедициясида бўлиб, халқ ижодини куйловчи ва айтувчиларнинг ижрочилик маҳоратига доир материаллар тўплаган. С.Носиров аскиячи, қизиқчи, эртакчи ва катта ашула ижрочилари Республика кўрик-танловларида (Марғилон, 1984; Қўқон, 1986), бахши-шоирларнинг Республика танловларида (Шаҳрисабз, 1982; Шовот, 1985; Тошкент,1988) иштирок этган. 1984 йилда "Дўстлик" фольклор-этнографик жамоаси таркибида Тоғли Олтойда бўлиб, маҳаллий аҳолининг анъанавий фольклори, урф-одатларини ўрганиб қайтган. 1987 йилнинг кузида фольклоршунос М.Муродов билан биргаликда Молдавиянинг гагаузлар истиқомат қиладиган ҳудудларида бўлиб, фольклор намуналарини тўплаш билан шуғулланган. Бу экспедицияларда тўпланган материаллар туркий халқлар фольклори ижрочиларининг санъатини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш учун зарур манба бўлиб хизмат қилади. С.Носиров ўзи иштирок этган барча фольклор экспедицияларини кино-фототасвирга туширган.

*Ас.*: Ўзбек халқ бахшиларининг ижрочилик маҳорати / Ўзбек театр санъати масалалари. – Тошкент, 1979. – Б.124–131; Дўмбира тилга кирганда // Гулистон. – 1983. – 1-сон; Қўшиқ-кулги ҳамиша ҳамроҳ / СЎС. – 1984. – 8-сон; Дўстлик экспедицияси / ЎАС. – 1985, 15 февраль; Ижод дурдоналарини излаб / НҲ, 1985, 29 август; Олтойга сафар // ТҲ. – 1986, 20 сентябрь; Проблема творчества и испольнительского мастерства в узбекском фольклоре / Театральное и музыкалное творчество народов Ближнего и Среднего Востока. – Ташкент, 1989.

## Рустамбек АБДУЛЛАЕВ

*(1947 йил 13 декабрь, Тошкент шаҳри)*

Мусиқашунос-фольклоршунос Рустамбек Самиғович Абдуллаев 1957–1965 йилларда Р.Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактабида ўқиди. 1965–1970 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг мусиқа назарияси ва тарихи факультетида, 1970–1975 йилларда мазкур билим даргоҳи аспирантурасида таҳсил олган. 1969 йилдан консерваториянинг "Мусиқа назарияси", 1972 йилдан "Шарқ мусиқаси" кафедрасида дарс бериб, "Халқ мусиқаси" кабинетининг мудири вазифасида ишлади. 1975–1992 йилларда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида илмий ходим, 1993–2006 йилларда "Фольклор ва замонавий мусиқа" бўлими мудири, 1985–1987 йилларда Тошкент театр ва рассомчилик институти "Мусиқа фанлари" кафедраси мудири ва илмий ишлар бўйича проректор лавозимларида ишлади. 2006 йилдан у Ҳамза номидаги Республика мусиқа коллежи профессори. 2010 йилдан Ўзбекистон давлат консерватория "Мусиқий шарқшунослик" (2017 йилдан "Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси") кафедраси профессори. 1982 йилда "Катта ашула жанри ва унинг намояндалари" мавзуида номзодлик, 1997 йилда "Марказий Осиё халқлари маросим мусиқаси" мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади.

Р.Абдуллаев ўзининг мусиқий-этнографик, илмий-тадқиқотчилик ва амалиёт-жамоатчилик фаолиятини ўзбек ва Марказий Осиё халқларининг мусиқа меросини ёзиб олиш, таҳлил ва тарғибот қилишга бағишлаган. Унинг илмий-ижодий фаолияти мусиқий фольклоршунослик ва мусиқашунослик муаммоларига бағишланган бўлиб, фольклор мусиқаси, анъанавий маданият, ижрочилик мезонлари ва таснифоти, ўзбек анъанавий мусиқаси, бастакорлик ва композиторлик ижодиёти, оммавий мусиқа маданияти, замонавий ижрочилиги ва жаҳон мусиқа адабиётига доир асарлар яратди. 1969 йилдан бошлаб ўзбек анъанавий мусиқасининг дурдоналари бўлмиш халқ қўшиқлари, чолғу куйлари, достонлар, ашула йўллари, катта ашула, мақомларни тўплаш, нотага ёзиб олиш ва кейинчалик илмий ўрганиш билан изчил шуғулланиб келади. У фольклоршунос-олим сифатида Ўзбекистоннинг барча вилоят ва туманларида илмий сафарларда бўлган. 1969–1973 йиллари катта ашула жанрини ёзиб олиш ва унинг ижрочилари ҳақида маълумотлар тўплаш мақсадида Фарғона водийси бўйлаб экспедицияларда қатнашди. 1975–1997 йилларда Санъатшунослик институти, 1980 йилдан Тошкент консерваториясида фольклор экспедициялари ташкил этиб келади. 1978–1979 йиллари ЎзР ФА Тил ва

адабиёт институтининг фольклор экспедицияларида ҳам иштирок этди. Экспедиция вақтида фақатгина ўзбек мусиқа мероси намуналари эмас, балки республикамизнинг баъзи минтақаларига хос анъанавий халқ театри, фольклор асарлари, рақс санъати ва бадиий ҳунармандчиликка оид материаллар ҳам ёзиб олинди. Экспедициялар жараёнида маросим мусиқасининг қадимги қатламлари аниқланди; ижрочилар ҳақида маълумотлар тўпланди ва шу билан биргаликда халқ ижодиётининг ривожланиши жараёнини ифодаловчи замонавий халқ қўшиқлари ҳам ёзиб олинди.

Р.Абдуллаев раҳбарлигида 1987 йилда Ўзбекистон-АҚШ ва 1989 йилда Ўзбекистон-Германия фольклор экспедициялари, 2003–2004 йиллари ЮНЕСКО ҳамкорлигидаги "Бойсун" халқаро фольклор экспедицияси, 2005–2006 йиллари "Шашмақом" ва 2012–2015 йиллари Кореянинг ICHCAP маркази ҳамкорлигида "Номоддий маданий мероси" бўйича Ўзбекистоннинг барча вилоятларига илмий экспедиция уюштирилиб, улар натижасида кўплаб халқ қўшиқ ва куйлари, ашула ва мақом йўллари магнит тасмаларга ёзилди, ноталаштирилди ва экспедиция материаллари тўпламлар ва китоблар шаклида нашр этилди.

Абдуллаев Рустамбек Самиғович Ўзбекистон мусиқа маданияти ва илм-фани ривожи ҳамда тарғиботига қўшган хизматлари учун "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби" фахрий унвони (2002) ва Ўзбекистон Бадиий академиясинин Олтин медали (2003) билан тақдирланган.

*Ac.*: К вопросу о восприятии жанра катта ашула / Проблемы музыкального мышления и восприятия. – Ташкент, 1972; О некоторых особенностях мелодики катта ашула / Проблемы музыкальной науки Узбекистана. – Ташкент, 1973; Особенности жанра "катта ашула" / II искусствоведческая конференция молодых ученых. – Ташкент, 1976; Песенный жанр катта ашула и районы его распространения / Сессия, посвященная итогам полевых этнографических и антропологических исследований. – Душанбе, 1976; В экспедицию – за песней / Ташаузская правда. – Ташовуз, 1977. – 18 август; Звучать народные песни (возвращаются экспедиции) / Вечерний Ташкент. – 1978. – 24 январь; Катта ашула / СЎС. – 1980. – 6-сон; Жанр катта ашула в условиях современности / IV Искусствоведческая конференция молодых ученых. – Ташкент, 1981: Жанр катта ашула и его носители. АКД. – Ташкент, 1982; Задачи фольклористов республик Средней Азии и Казахстана / V искусствоведческая конференция молодых ученых. – Ташкент, 1983; Исполнительские традиции жанра катта ашула. Узбекская традиционная музыка (библиографический указатель) / Традиции музыкальных культур народов Ближнего, Среднего Востока и современность. – М., 1987; Катта ашула / Музыка народов Азии и Африки. Вып.V. – М., 1987; Бытование дастанов в Узбекистане / Музыка эпоса. – Йошкар-Ола, 1989; Виктор Беляев и Виктор Успенский (из опыта творческого сотрудничества) / Традиции и перспективы изучения музыкального фольклора. – М., 1989; Музыка в свадебном обряде народов Средней Азии и Казахстана / Борбад и художественные традиции народов Передней и Центральной Азии. – Душанбе, 1990; Фольклор и профессиональная музыка устной традиции. Музыка для оркестра народных инструментов / История узбекской музыки. Т.III. – Ташкент, 1991; Ўзбек маросим мусиқаси жанрларининг таснифи / Ражабийхонлик. – Тошкент, 1994; Обрядовая музыка Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 1994; Файзулла М.Каромитли. Биобиблиографический очерк. – Ташкент, 1996; Обрядовая музыка народов Центральной Азии. АДД. – Ташкент, 1996; Марказий Осиё маросим мусиқаси / "Шарқ тароналари" фестивали йўлдоши. – Самарканд, 1997. – 1-сон; Культово-ритуальная музыка народов Центральной Азии / Марказий Осиё санъати: тарихий тараққиётининг ўзига хослиги. – Тошкент, 1997; Марказий Осиё халқлари маросими мусиқаси ҳақида / Санъатшунослик масалалари. – Тошкент, 1998; Обрядовая музыка в контексте культурной традиции Центральной Азии // Санъат. – Тошкент, 1999. – 1-сон; Музыка в свадебном обряде народов Центральной Азии / "Авеста" в истории и культуре Центральной Азии. – Душанбе, 2001; Обрядовая музыка в культурах оседлых и кочевых народов Центральной Азии / Цивилизация Центральной Азии: земледельцы и скотоводы, традиции и современность. – Самарканд, 2002; Традиция и современность в песенном репертуаре узбеков / Исполнительское творчество: история и проблемы развития на современном этапе. – Алматы, 2002; О современном состоянии узбекского музыкального фольклора / Фольклор и народное искусство в контексте со-

временной художественной культуры. – Тошкент, 2002; Песенные традиции фольклорного ансамбля "Бойсун" / Народное музыкальное творчество Байсуна. Труды Байсунской научной экспедиции. Вып.1. – Ташкент, 2003; Традиции музыкального фольклора и современность / Проблемы сохранения традиций народной культуры. – Ташкент, 2003; Место и роль музыкального фольклора в городской культуре / Урбанистическая культура Узбекистана. Ташкент, 2003; Musical-stylistic features of uzbek gastans / Epic songs in Asia. – Ceul-Busan, 2003; Календарно-песенная культура народов Центральной Азии / Transoxiana: История и культура. – М., 2004; Музыкальный фольклор Байсуна // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – 1-сон; Обрядовая практика и фольклор шаманизма Центральной Азии / Санъатшунослик масалалари. 2. – Тошкент, 2005; Файзулла М.Кароматли (справочник-буклет). – Ташкент, 2005 (ҳамк.): Boysun. Traditional musical culture. – Ташкент, 2006; Бойсун. Традиционная музыкальная культура. – Ташкент, 2006; Обряд и музыка в контексте культуры Узбекистана и Центральной Азии. – Ташкент, 2006; Музыкально-стилистические особенности узбекских дастанов // Санъат. – Тошкент, 2006. – 1-сон; Искусство дастана // Янги давр Ўзбекистон санъати ва санъатшунослиги. – Тошкент, 2007; Наврўз удумлари ва мусиқаси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2008. – 1-сон; Этномузыка и современность / Время премен. – Ташкент, 2008; Календарно-песенная культура народов Центральной Азии / Музыка тюркского мира. – Алматы, 2009; Катта ашула – песенное наследие Узбекистана / Лучший опыт по сохранению и возрождению нематериального культурного наследия в сообществах. – Токио, 2009; Календарно-песенная культура народов Центральной Азии / Музыка тюркского мира. – Алматы, 2009; Фольклор санъати Ўзбекистон маданияти негизида / Истиқлол даври фольклор санъатининг долзарб масалалари. – Тошкент, 2014; Наврўз – боқий қадрият. Музыкальный фольклор в контексте современной культуры / Актуальные проблемы современного искусствознания в Узбекистане. Ташкент, 2016; Номоддий маданий мерос ва замон / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.414-428; Бахшичилик санъати. Каталог. Халқаро бахшичилик санъати фестивали. – Термиз, 2019; Юнус Ражабийнинг этномусиқашуносликдаги ўрни ва аҳамияти // Санъат. – 2019. – №4.



*Ад.*: Абдуллаев Рустамбек Самигович / Головянц Т.А., Мейке Е.С. Композиторы и музыковеды Узбекистана. – Ташкент, 1999. – С.5–7; Рустамбек Абдуллаев / Жабборов А.Ҳ. Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари. – Тошкент, 2004. – Б.15–17; Рустамбек Абдуллаев / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.414-428; Рустамбек Абдуллаев / Жабборов А. Ўзбекистон композиторлари, бастакорлари ва мусиқашунослари. 2-нашр. – Тошкент, 2018. – Б.17–18.

## Бахтия Шамсиева

*(1948 йил 6 январь, Тошкент шаҳри)*

Ўзбек фольклорининг хорижий мамлакатларда ўрганилиши масаласини тадқиқ этган Шамсиева Бахтия Орифовна Тошкент шаҳрида ўрта мактабни битиргач, 1966 йили ТошДУнинг роман-герман филологияси факультетига ўқишга кириб, уни 1971 йилда муваффақиятли тамомлаган. 1971–1974 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Киномотография давлат қўмитасида муҳаррир бўлиб ишлаган. 1974 йилдан Тошкент давлат маданият институтида инглиз тилидан ўқитувчи, 1979 йилдан шу институтнинг катта ўқитувчиси ва 1991 йилдан "Чет тиллар" кафедрасининг мудири сифатида меҳнат қилган. 1992 йилдан бошлаб Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида катта ўқитувчи, 1993 йилдан бошлаб эса Иккинчи чет тиллар кафедрасининг мудири сифатида фаолият олиб борган. 1994 йилда проф. М.Муродов раҳбарлигида "Хорижий адабиётшуносликда ўзбек фольклори масалалари" мавзуидаги номзодлик диссертацкясини ҳимоя қилган.

У хорижий мамлакатлар, шу жумладан америкалик таниқли туркшунос олимлар, ёзувчилар, шоирлар ва журналистлар томонидан ўзбек фольклори ҳақида ёзилган мақолалар, очерклар, илмий асарлар ва бошқа манбаларни таҳлил қилган. Жумладан, Г.Вамбери, Г.Шулбрайт, Д.Кюнитц, А.Стронг, К.Ламонт, А.Шах каби туркшунослар ўзбек халқ маънавий маданиятининг ажралмас қисми бўлмиш фольклор асарлари ҳақида ва унинг муаммола-

рига бағишланган талай илмий ишлар яратганликларини аниқлаган. Шу билан бирга, ўзбек халқ ижоди намуналарининг инглиз тилига таржималарини таҳлилга тортган. Олима ўзбек халқ оғзаки ижодининг хорижий адабиётшуносликда ўрганилишини шартли равишда икки босқичга ажратган: биринчи босқич XX асрнинг 60-йилларигача бўлган даврда таржима жараёни анча суст бўлган; иккинчи босқич С.Баура, Г.Шулбрайт, В.М.Жирмунский, Н.К.Чадвик, Б.Паксой, К.Райхл каби олимларнинг ишлари билан белгиланади.

***Ас.***: Узбекский фольклор за рубежом // Советский Узбекистан. – М., 1989. – №3; Узбекские пословицы и поговорки на английском языке // АДМ. – 1990. – №3; Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари инглиз тилида / Бадиий таржима ва ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари. – Самарқанд, 1991; Зарубежная тюркология и узбекский фольклор // Ўзбек халқ донишмандлиги сабоқлари. – Тошкент, 1993; Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении: АКД. – Ташкент, 1994.

## Тожихон СОБИТОВА

*(1948 йил 8 май, Ўш шаҳри, Қирғизистон)*

Ўзбек халқ оғзаки ижодиётини ўрганишга доир тадқиқотлари билан фольклоршунослик фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Тожихон Собитова қардош Қирғизистондаги 10-мактабни аъло баҳолар билан тугаллаган. 1967–1972 йилларда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) нинг филология факультетида ўқиган. Олийгоҳни муваффақиятли тамомлагач, “Ўзбек мумтоз адабиёти” кафедрасида ишлаб, сиртдан аспирантурада ўқиди. 1984 йилда “Ўзбек халқ достонларида конфликт” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Т.Собитова 1972–1987 йилларда мазкур университет “Ўзбек адабиёти” кафедрасида катта лаборант, соатбай ўқитувчи, 1987–1992 йилларда “Ўзбек классик адабиёти” кафедраси ўқитувчиси, 1992–1994 йилларда “Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси, фольклор” кафедрасида катта ўқитувчи, 1994–2013 йилларда Ўзбекистон Миллий университети “Ўзбек мумтоз адабиёти” кафедраси доценти, 2013–2014 йилларда журналистика факультети “Услубият, таҳрир ва интернет журналистика” кафедраси доценти лавозимларида ишлаган. Ҳозирги кунда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси доценти лавозимида хизмат қилмоқда.

Унинг О.Мадаев билан ҳаммуаллифликда яратган “Халқ оғзаки поэтик ижоди” дарслиги тўрт марта (2001, 2003, 2010, 2011 йй.) нашр этилган. Ҳаммуаллифликда нашр этилган “Халқ оғзаки ижоди” (1999), “Халқ оғзаки ижодиёти” (2007), “Адабий эртаклар” (2012) каби ўқув қўлланмалари чоп этилган. Т.Собитова “Кунтуғмиш”, “Орзигул”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Гулнор пари”, “Алпомиш” каби халқ достонлари юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борган. Ёшлигидан халқ оғзаки ижоди асарларига қизиққан олиманинг шу кунгача 10 дан ортиқ китоблари, 100 дан ортиқ илмий, илмий-услубий, оммабоп мақолалари нашр этилган. Унинг ўзбек халқ достонлари, мақол, қўшиқ ва афсоналар ҳақида, шунингдек, ёшлар маънавиятини юксалтиришда халқ оғзаки ижоди асарларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида ҳам ўз мақолаларини чоп эттирган.

***Ас.***: Муҳаббат достонлари // Гулистон. – Тошкент, 1976. – №6; Пўлкан шоир / ТҲ. – 1977, №71. 12 апрель; “Гулнор пари” достонида конфликт масаласи / Ўзбек филологиясининг актуал масалалари / ТошДУ илмий асарлар тўплами. №532. – Тошкент, 1977; Тарихий достонларда конфликт масаласи / Ўзбек адабиёти масалалари. – ТошДУ илмий асарлар тўплами. №609. – Тошкент, 1979; “Кунтуғмиш” достонида севги ва садоқат // ЎТА. – Тошкент, 1979. – №4; Анъанавий достонларда мубо予лаға приёми / Ўзбек классик адабиётида Алишер Навоий анъаналари. – Тошкент, 1982; Ўзбек-озарбайжон фольклорида “Ошиқ ғариб” сюжети / Ижодий ҳамкорлик ва адабий тараққиёт. ТошДУ илмий асарлар тўплами. – Тошкент, 1984; Бахши шоирлар ижодига бағишланган тематик кеча ва кўрик-конкурслар ўтказиш тадбирлар. – Тошкент, 1984; Асқияда ижрочилик маҳоратини ошириш йўллари. – Тошкент, 1985 (ҳамк.); Ойбек ижодида фольклор

анъаналари // АДМ. – Тошкент, 1986. – №1; Ўзбек халқ эпосида конфликт муаммоси // ЎТА. – Тошкент, 1986. – №2; Завқий ижодида фольклор мотивлари // АДМ. – Тошкент, 1987. – №4; "Орзигул" достонининг сюжет қурилишига доир / Ғоявий ва маҳорат. ТошДУ илмий асарлар тўплами. – Тошкент, 1988; Нутқ товушларини тўғри талаффуз қилишда тез айтишларнинг аҳамияти / Туркий тилларнинг тараққиёт муаммолари. – Тошкент, 1995; Мактабларда халқ оғзаки ижоди материалларини ўқитиш / АндДУ илмий тўплами. – Андижон, 1995; 7-синфда "Равшан" достони матни устида ишлаш / Туркий тиллар тараққиёти. – Тошкент: Фан, 1997 (ҳамк.); Мактабларда халқ эртакларини ўқитишнинг янгича тамойиллари / ТошДУ илмий тўплами. – Тошкент, 1997; Ўзбек халқ эртаклари – маънавият булоғи / Межвузовский сборник научнкх трудов. – Ташкент, 1997; "Гўрўғли" туркуми дотонларининг яратилишида мифологиянинг ўрни // Турк культуры. – Анкара, 1997. –№410; "Алпомиш" достонида мифологик ўринлар / ЎшДУ илмий тўплами. – Ўш, 1998; Фольклор: нашр ва илмий талкин / ЎАС. – Тошкент, 1990. – №31. 3 август; Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент, 1999 (ҳамк.); Халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент: Шарқ, 2001, 2003, 2010, 2011 (ҳамк.); Ғ.Жахонгиров илмий фаолияти / Туркий дунё адабиётлар энциклопедияси. – Анкара, 2000; Б.Саримсоқов илмий фаолияти / Туркий дунё адабиётлар энциклопедияси. – Анкара, 2003; Ойбек ижодида фольклор / Ишонч. – Тошкент, 2003. – 5 февраль; Ойбек ижодида фольклор анъаналари / Тошкент вилоят давлат педагогика институти илмий тўплами. – Ангрен, 2005; Халқ оғзаки ижодиёти. – Тошкент: Университет, 2007 (ҳамк.); "Гўрўғли" туркуми достонлари ва мифология / НамДУ илмий асарлар тўплами. – Наманган, 2008; Ойбек асарларида фольклор анъаналари / НамДУ млмий асарлар тўплами. – Наманган, 2009; "Гўрўғлининг туғилиши" достонида мифологик ўринлар / ЎзМУ илмий асарлар тўплами. – Тошкент, 2010; Ёшлар маънавиятини ривожлантиришда халқ оғзаки ижоди асарларининг ўрни / Таълим-тарбия жараёнида мураббийларнинг ўрни. – Тошкент, 2010; Халқ ижоди сабоқлари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011; Адабий эртаклар. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2012. (ҳамк.); "Орзигул" достонида маънавий ва лафзий санъатлар // ЎзМУ илмий тўплами. – Тошкент, 2014. – Б.24–25; Алишер Навоийнинг "Фарход ва Ширин" асарида Ширин тимсоли талқини



/ Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2013; Ёшлар маънавиятини юксалтиришда халқ оғзаки ижодининг ўрни // ТАТ. –Тошкент, 2020. –5-сон. – Б.26; "Орзигул" достонидаги маънавий ва лафзий санъатлар // СамДУ илмий ахборотномаси. – Самарканд, 2020. – 4-сон. – Б.56-63.

*Ад.*: Устозлик умри боқий касб / Илм-зиё-заковат. – Тошкент, 2009. – Б.106–107; Қадриятларни қадрлаб яшаётган аёл / Устозлар. – Тошкент, 2019. – Б.141–144.

## Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ

*(1948 йил 19 октябрь, Данғара тумани, Шотўра қишлоғи)*

1965–1970 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетида ўқиган Муҳаммадали Қўшмоқов 1969–1975 йилларда "Шарқ юлдузи" журналида адабий ходим, катта адабий ходим, бўлим мудири, 1975–1978 йилларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир бўлиб ишлаган. 1978–1983 йилларда эса "Гулистон" журналида бўлим мудири вазифасини бажарган. Кейинчалик "Соғлом авлод учун" журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлаган. 1984 йилда "Анъана ва бадиҳагўйлик масалалари (Қўрғон достончилик мактаби вакили Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуари мисолида)" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

М.Қўшмоқов Қўрғон достончилик мактаби вакилларининг ҳаёти ва ижодий фаолияти, Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуарининг ўзига хос хусусиятлари, достончилик анъаналари, бахши бадиий маҳорати каби масалаларни ўрганган. Қўрғон достончилик мактаби вакилларининг ижодий фаолиятига доир материалларни тўплаш мақсадида Самарқанд вилояти бўйлаб фольклор экспедициясида иштирок этган.

*Ас.*: Халқ севган бахши // ШЮ. – 1972. – 9-сон. – Б.195–200; Жуманбулбул // Гулистон. – 1977. – 1, 2, 3-сонлар; Тилла кампир // Гулистон. – 1978. – 3-сон; Чечанликда сўзга сувдайин оқиб...(ада-

бий-танқидий мақолалар ва эссе) – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 168 б.; Жоссоқ шоир // Гулистон. – 1980. – 10-сон. – Б.21–25; Унутилмас сиймо // Гулистон. – 1981. – 10-сон. – Б.29; Халқ ижоди намуналари (Чори Ҳамро, Абдуқаҳҳор Мўминов ёзиб олган) // Гулистон. – 1981. – 11-сон. – Б.21; Бахшилар хазинаси (адабий-танқидий мақолалар). – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 144 б.; Гултож // Ҳаёт кўзгуси: Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент, 1984. – Б.239–248; Дарёлар уфқи – денгиз (адабий-танқидий мақолалар). – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – 168 б.; Дўмбира наволари (Ёдгор бахши Исҳоқов ҳақида) // Гулистон. – 1986. – 3-сон. – Б.27; Савр инқилоби қўшиқлари // Гулистон. – 1986. – 5-сон. – Б.25–26, 28; Асл қўшиқ (Пўлкан шоир ижоди) // Гулистон. – 1988. – 6-сон. – Б.18–21; Гўрўғлининг туғилиши // Камалак. Адабий-танқидий йиллик тўплам. – Тошкент: "Ёш гвардия", 1990. – Б.33-53; Қўқон ўт ичида (тарихий қўшиқ). Айтувчи В.Мирзаев. Ёзиб олувчи, нашрга тайёрловчи М.Қўшмоқов // МТ. – 1992. – 1-сон. – Б.45; Ганжиравон – равон эмас (тарихий қўшиқ). Айтувчи Мўмин қори. Ёзиб олувчи В.Мирзаев. Нашрга тайёрловчи М.Қўшмоқов // МТ. – 1992. – 1-сон. – Б.45; Фольклоршунос Ғ.Жаҳонгиров ҳақида сўз // МТ – 1992. – 1-сон. – Б.17; Тутал (тез айтиш). Айтувчи Қ.Шеркулов, ёзиб олувчи, нашрга тайёрловчи М.Қўшмоқов // МТ. – 1992. – 2-сон. – Б.17; Девлардан қўрқмайдиган йигитлар, қизлар бўлинг! (эртакчи Абдуғани Турдимов ҳақида) // МТ. – 1992. – 5-6-сон. – Б.40-42; "Кўккина қуш" эртаги айтувчиси Бибишой эна Қаршибой қизи ҳақида // МТ. – 1992. – 9–10-сон. – Б.41; Маънавий мулк (профессор Ғ.Жалолов билан М.Қўшмоқов суҳбати) // МТ. – 1992. – 11–12-сон. – Б.18–19; Бир тангага тўрт минг тилла.... ("Минг бир кеча" эртакларидан. Танлаб, нашрга тайёрловчи) // МТ. – 1993. – 3-4-сон. – Б.44-45; "Ошхўр акам каптар" ҳаволарида // МТ. – 1994. – 3-4-сон. – Б.14–17; Йўқтур бақо гулига сабот (Эртакчи Бибишой эна Қаршибой қизи ҳақида) // МТ. – 1994. – 10–11–12-сон. – Б.16–19; "Алпомиш" достони асосида машғулотлар (Али Шерқул имзоси билан, ҳамк.) // МТ. – 1994. – 1–2-сон. – Б.10–14; Қўбиз (эссе) // МТ. – 1995. – 1–2-сон. – Б.31; Мулла Эргаш – булбул Эргаш // Гулистон. – 1996. – 3-сон. – Б.60-61; Миллат бирлиги ва маънавий уйғониш тимсоли // САУ. – 1998. – 2-сон. – Б.2-4; Халқ бадиий



даҳосининг мумтоз намунаси // САУ. – 1998. – 2-сон. – Б.34-37, 39-41; "Алпомиш" – бугунги маънавият кўзгусида / Маънавиятимиз сарчашмалари. – Тошкент, 1999. – Б.46-60; Жоссоқ шоир термаларини Р.Юсуф ўғлидан ёзиб олувчи; сўнг сўз муаллифи). Қўрқут Ота, Овулпатта, Тилла кампир, Султон кампир, Хидир шоир, Жоссоқ шоир ижодидан сақланиб қолган намуналар; сўнг сўз // САУ. – 2002. – 1-сон. – Б.22–23; Тутал (тез айтиш). Айтувчи: Қўшмоқбой Шеркулов // Мактабгача таълим. – 2002. – 6-сон. – Б.9; Эрганаккун // САУ. – 1999. – 3-сон. – Б.14–18; В.Мирзаев тўплаган "Ўзбек халқ болалар ўйинлари"ни нашрга тайёрловчиси ва сўнг сўз муаллифи // САУ. – 2004. – 4-сон; Тафтини ҳам, заҳрини ҳам... Ривоят. Айтувчи – Ш.Турдимов. Ёзиб олувчи – М.Қўшмоқов // САУ. – 2007. – 8-сон. – Б.30; Сўз устида... кўпкари // Жаннатмакон. – 2009. – 2-сон; Бир дам қизиқ бозор... / Аскиянинг эстетик хусусиятларига доир баъзи мулоҳазалар // САУ. – 2009. – 3-сон. – Б.24–28; Уққан англарки... // САУ. – 2009. – 7-сон. – Б.29; Эртак ва ҳайкал мағзидаги некбинлик файзлари // Мактабгача таълим. – 2010. – 1-сон. – Б.15; "Бир дам қизиқ бозор..." ёки аския жанри ҳақида баъзи мулоҳазалар / ЎФМ. 2-китоб. – Тошкент: "Фан", 2010. – Б.93–100; Пўлкан шоир ибрати / Пўлкан шоир замондошлари хотирасида. – Тошкент, 2015; "Лачплесис" эпоси таржимасига кириш мақола // Жаҳон адабиёти. – 2016. – №2. – Б.7-9; Гўрўғли Чамбили тобора обод (сўнгсўз ўрнида) / Ҳамро Ислом. Гўрўғлининг ўлими: достон. – Тошкент: Yangi kitob, 2017. – Б.193–205; Меҳр ва оқибат // Фольклор санъатининг фидойиси. – Тошкент: "Наврўз", 2017. – Б.28-32; Мулла Эргаш – булбул Эргаш / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.429-434; Мулла Эргаш – булбул Эргаш / ЎФМ.VIII китоб. – Тошкент: "Фан", 2018.

***Ад.***: Муҳаммадали Қўшмоқов / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.429.

## Ғайрат СОАТОВ

*(1949 йил 4 апрель, Қамаши тумани)*

Ўзбек байрам-сайиллари таркибидаги фольклор асарлари бадииятини ўрганган Ғайрат Соатов 1970–1974 йилларда Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг Маданий-маърифий ишлар бўлимида ўқиган. 1974–1979 йилларда Абдулла Қодирий номли Тошкент давлат маданият институтида, 1979–1986 йилларда мазкур институтнинг Наманган шаҳридаги филиалида ўқитувчи, катта ўқитувчи вазифаларида ишлаган. 1987–1997 йилларда Наманган давлат университети Маданиятшунослик кафедрасида хизмат қилган. 1998 йилдан ҳозирги кунгача Қарши давлат университетининг Маънавият асослари кафедрасида фаолият кўрсатмоқда. 1994 йилда профессор М.Муродов раҳбарлигида "Ўзбек халқ анъанавий байрамлари таркибидаги фольклор асарларининг поэтик хусусиятлари" мавзусида номзодлик дессертациясини ҳимоя қилган.

Ғ.Соатов ўзбек халқ байрамларининг ўзига хос хусусиятлари, наврўз меҳржон, сада байрамларининг тарихий асослари, байрам ва халқ сайилларининг фольклорини ўрганган.

***Ас.***: Халқ байрамларини ташкил этиш методикаси. Методик тавсиянома. – Наманган, 1988; Халқ байрамларининг этнофольклор хусусиятлари. – Наманган, 1992; Халқ байрамларининг эстетикаси / Маданий-маънавий тараққиёт – инсон камолоти омили. – Наманган, 1992; Ақлий ва жисмоний тарбияда халқ ўйинларининг роли / Наманган давлат университети профессор-ўқитувчиларининг илмий мақолалари тўплами. – Наманган, 1993; Байрамни қандай нишонлаймиз? // Иқтисод ва ҳисобот. – Тошкент, 1993. – 4-сон; Халқ байрамларининг нафосатига доир муаммолар / А.Қодирий номли Тошкент давлат маданият институти профессор-ўқитувчиларининг илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 1993; Ўзбек халқ анъанавий байрамлари таркибидаги фольклор асарларининг поэтик хусусиятлари: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Маънавий тараққиёт ва маданият муаммоси. – Наманган, 1995; Халқ ўйинларида болаларни ақлий ва жисмоний ривожлантириш / "Тўмарис" ўйинлари Республика фестивалининг илмий-амалий анжумани. – Қарши: Насаф, 2001; Нафосат ва гўзаллик байрами // Мулоқот. – Тошкент, 2002. – 2-сон.



## Собир ЖУМАНИЁЗОВ

*(1949 йил, Тошовуз вилояти, Илонли тумани, Гулистон қишлоғи)*

Ҳаваскор фольклор тўпловчи сифатида Хоразм воҳаси, хусусан, Тошовуз вилояти ўзбек болалар фольклори намуналарини ёзиб олиш билан шуғулланган Собир Жуманиёзов 1974–1978 йилларда ТошДУнинг Математика факультетида ўқиган. 1978 йилдан буён ўзи туғилиб ўсган қишлоқдаги ўрта мактабда ўқитувчилик қилган. Бўш вақтларида фольклор асарларини тўплаш билан шуғулланган. Кўҳна Урганч, Тахта, Шоббоз, Питнак, Дарғонота, Чоржўйда фольклор экспедицияларида бўлиб, "алла", болалар қўшиқлари, ўйин айтимлари, "ёр-ёр", "йиғи-йўқлов", мақол, топишмоқ, терма-қўшиқларни ёзиб олган.

У ўзи ёзиб олган фольклор материаллари асосида 1996 йилда "Хоразм хазинаси" номли мажмуа чоп эттирган. Бу тўпламга киритилган фольклор асарлари ижрочи мансуб шева хусусиятларини тўла сақлаганлиги ва бошқа худудлардан ёзиб олинган матнлардан фарқланиб туриши билан характерланади. Мажмуадан ўрин олган аллалар, эркаламалар, "ўйин санағичлари" (санамалар), чорвачилик ва деҳқончилик билан боғлиқ "тузумлар" (қўшиқлар), "ё рамазон", "янглиштирувлар" (тез айтишлар), топишмоқлар, мақол ва нақлларнинг алфавит тартибида берилган намуналари, "ёр-ёр", "келин салом", "видоликлар" (йиғи-йўқловлар) ҳамда халқ лирик қўшиқлари воҳа фольклори ҳақида тўла тасаввур бера олади. Айникса, "ҳол-ҳол" ўйини, "юмоқ топдим", "чуллик" (чиллак), "тойхон" (тўп урди), "қарға-турна", "ошиқ ўйин", "кўз бойлоқчи", "сандиқча" (хуржин-хуржин), "гашир қўпорди" (сабзи қўпорди), "ой дарак" (оқ терак), "бодрак" (варрак), "соринжоқ" (ҳалинчак учиш) сингари анъанавий ўйинлар чоғда ижро этиладиган қўшиқлар чоп этилганлиги ўзбек болалар ўйин фольклорининг поэтик табиатини ўрганишда муҳим илмий қимматга эга.

С.Жуманиёзов фольклоршуносликда деярли тўпланмаган халқ ижоди асарларидан бири – кўришув айтимларининг “Кунинг хуш бўлсин – Яхшилик бўлсин”, “Йўлингиз оқ бўлсин – Жонингиз соғ бўлсин”, “Хирмонга баракат – Умрингизга баракат”, “Зиёфат воғлама бўлсин – Буртинг ёғлама бўлсин” “Худо қувват берсин – Айтганга давлат берсин” сингари кўпгина намуналарини ёзиб олганлиги ҳам муҳимдир.

***Ас.***: Хоразм хазинаси (маданий мерос). Тўпловчи: С.Жуманиёзов. – Урганч: Хоразм, 1996.

***Ад.***: Рўзимбоев С. “Хоразм хазинаси” / Хоразм хазинаси (маданий мерос).– Урганч: Хоразм, 1996. – Б.4-6; Юсупов Й., Нуржонов К. Халқ дурдоналарини излаб / Хоразм хазинаси (маданий мерос). – Урганч: Хоразм, 1996. – Б.172–176.

## Раҳматулла САРИМСОҚОВ

*(1949 йил 24 январь, Жиззах вилояти, Қўйтош қўрғони)*

Ўзбек халқ қўшиқларини тўплаш, нашр этиш ва фольклор-этнографик жамоалар ижроси орқали саҳнавий талқин қилишдек эзгу ишга умрини бағишлаган фидойи фольклор тўпловчилардан бири Раҳматулла Саримсоқов Тошкент давлат маданият техникуми ҳамда Жиззах давлат педагогика институтида таҳсил олган. 1972–1978 йилларда “Олтин бошоқ” халқ ансамблининг бадиий раҳбари, 1979–1986 йилларда Жиззах вилоят давлат филармонияси бадиий раҳбари, 1986–1992 йилларда Жиззах вилоят халқ ижодиёти маркази режиссёри, 1992–1994 йилларда вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 1994–2006 йилларда вилоят Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий маркази раҳбари лавозимларида ишлаган. 2006 йилдан Жиззах давлат педагогика институти “Мусиқа таълими назарияси ва услубиёти” кафедрасида доцент бўлиб ишламоқда.

Р.Саримсоқов Жиззах вилояти аҳолиси томонидан ижро этиб келинган анъанавий халқ қўшиқлари ва айтимларини ёзиб олиш,



асрлар давомида яратилиб, сайқалланиб келган урф-одат ва маросимлар фольклорини тўплаш, ўйин қўшиқларини ўрганиш билан изчил шуғулланиб келади. У ўзи тўплаган фольклор материаллари асосида бир нечта фольклор тўпламларини нашр эттирган.

***Ас.***: Шамолни тўхтатиш // Гулистон. – 2009, 5-сон; Кўҳна Жиззах наволари. – Жиззах, 2007; Ғаллаорол “Гаштак” қўшиқлари. – Жиззах, 2007; Жиззах вилояти фольклор қўшиқлари. – Жиззах, 2011; Удумлар қатидаги қадрият // Гулистон. – 2014. – №2; Тоғларни жаранглатган қўшиқлар. – Тошкент: Тафаккур, 2015; Ём қишлоғи қўшиқлари (услубий қўлланма). – Жиззах, 2015;

## Дилором ТОҒАЕВА

*(1950 йил 7 январь, Қўқон шаҳри)*

Ўзбек халқ демонологик ҳикояларини тўплаб, тадқиқ этган Дилоромхон Соттибоевна Соттибековна Тоғаева 1957–1967 йилларда ўз она шаҳридаги ўрта мактабда таҳсил олган. 1967 йилда Қўқон давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, уни 1971 йилда имтиёзли диплом билан тугатган. Ўша йили институтда ишда қолдирилганига қарамай, болаларга сабоқ беришга қизиққанлиги сабабли Қўқон шаҳридаги 3- ва 17-мактабларда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берган. 1989 йилдан эътиборан халқ оғзаки бадиий ижодини тўплаш ва илмий ўрганиш билан шуғуллана бошлаган. Кейинчалик Қўқон давлат педагогика институти ҳузуридаги академик лицейда дарс берган. 1994 йилда “Ўзбек демонологик ҳикояларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Д.С.Тоғаева ўзбек фольклоршунослигида биринчилардан бўлиб халқ демонологик ҳикояларининг ўзига хос жанр хусусиятлари, мавзу типлари ва бадиияти масалаларини ўрганган. Ўзи тўплаган материаллар асосида демонологик ҳикоялардан тузилган “Бисмиллоҳ денг” (1996) номли фольклор тўпламини нашрга тайёрлаб чоп эттирган.

*Ас*.: Ўзбек оғзаки насрининг бир жанри ҳақида // ЎТА. – 1990. – №4; Ўзбек халқ демонологик ҳикоялари / Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари. – Қўқон, 1990; Инс-жинслар ҳақидаги ўзбек оғзаки ҳикояларининг образлар системаси // ЎТА. – 1991. – №6; Алишер Навоий достонларида Хизр образининг берилиши / Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигининг муҳим масалалари. – Қўқон, 1991; Ўзбек демонологик ҳикояларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 22 б.; Бисмиллоҳ денг. – Самарқанд: Суғдиёна, 1996. – 24 б.

## Марзия ҚАЛАНДАРОВА

*(1950 йил 22 апрель, Конимех тумани, Чордара қишлоғи)*

Тарихий воқеликнинг халқ ижодида акс этишини ўрганган Марзия Қаландарова 1970–1974 йилларда Бухоро давлат педагогика институтининг филология факультетида, 1979–1982 йилларда эса Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети)нинг аспирантурасида ўқиган. 1982–1997 йилларда Тошкент давлат педагогика институти Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги халқлари адабиёти кафедрасида ўқитувчи, доцент бўлиб ишлаган. 1985 йилда “1916 йилги халқ қўзғолонининг ўзбек фольклорида акс этиши” мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Ўзбек адабиёти кафедраси доценти вазифасида ишламоқда.

М.Қаландарова ўзбек халқ тарихий қушиқларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, 1916 йилги миллий озодлик ҳаракатининг ўзбек фольклорида тасвирланиши, Муҳаммадқул Жонмурот ўғли Пўлкандан ёзиб олинган “Мардикор” достонининг яратилиш тарихи ва поэтикасини тадқиқ этган. Тошкент давлат педагогика институти Филология факультети талабалари Фольклор экспедициясининг раҳбари сифатида Туркистон, Хумсон, Сижжак, Байтқўрғон, Нурота, Конимех, Навоий, Хатирчида илмий сафарларда бўлиб, турли жанрларга оид фольклор материаллари тўплаган. 1988 йилда талабалар фольклор амалиёти бўйича қўлланма яратган.



*Ас*.: Халқ қўшиқлари // СМ. – 1982. – 1-сон; Ўзбек фольклорида миллий-озодлик мотивлари (“Маматкарим полвон” достони асосида). – Тошкент: Ўзбекистон, 1982; “Мардикор” достонида миллий-озодлик ҳаракатининг акс этиши // ЎТА. – 1983. – 5-сон. – Б.34-36; Машҳур бахшининг улкан достони (Фозил Йўлдош ўғлининг “Жиззах қўзғолони” достони ҳақида) // СМ. – 1983. – 7-сон. – Б.25–26; Муҳаммадкул Жонмурод ўғли Пўлканнинг “Мардикор” достониниг баъзи хусусиятлари // АДМ. – 1985. – 35-сон; Художественное отображение народного восстания 1916 года в узбекском фольклоре (вопросы историчности, традиции, новаторства). АКД. – Ташкент, 1985; Тарих яратган қўшиқлар. – Тошкент, 1987; Аския ижрочилари ҳаваскорлик уюшмаларини ташкил этиш методикаси. – Тошкент, 1988 (М.Жўраев билан ҳамк.); Фольклор практикасининг ўтказиш бўйича методик тавсиялар. – Тошкент, 1988 (Т.Шермуродов билан ҳамк.); Халқ куйлаган озодлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.

## Абийр МУСАҚУЛОВ

*(1951 йил 3 январь, Ғаллаорол тумани, Найман қишлоғи – 2011 йил 24 декабрь, Тошкент шаҳри)*

Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари бўйича йирик тадқиқот яратган фольклоршунос олим Абийр (Асқар) Мусақулов 1967–1973 йилларда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетининг кечки бўлимида таҳсил олди. 1974–1975 йилларда армия сафида хизмат қилди. 1971 йилдан буён ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида лаборант (1971–1974), катта лаборант (1974–1984), кичик илмий ходим (1984–1985), илмий ходим (1985–1988), катта илмий ходим (1989–1997) бўлиб ишлади. Бу ерда 1984 йилда “Ўзбек фольклорида терма (жанр хусусиятлари, классификацияси, поэтикаси)” мавзуида номзодлик, 1995 йилда “Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари” мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, оддий лаборантликдан етакчи илмий ходимликкача бўлган илм йўлининг ўнқир-чўнқирларини босиб ўтди.

Таниқли олим Асқар Мусақуловнинг фольклоршуносликка оид ишлари ҳақида сўзлаганда, биринчи ўринга унинг тўпловчилик фаолиятини қўйган бўлар эдик. Чунки у 1971 йилдан бери Тил ва адабиёт институтининг фольклор экспедицияларида мунтазам равишда иштирок этиб келган. Экспедициялар ва якка сафарлар давомида кўплаб халқ ижоди намуналарини ёзиб олдики, улар Фольклор архивидаги салмоқли жилдларни ташкил этади. Асқарда халқ ижоди намуналарини ҳис қилиш ва англашда ўзига хос бир сезгирлик мавжуд. Нимани ёзиб олиш зарурлигини тезда фаҳмлай олади. Биргина мисол келтирайлик. 1977 йилда Тожикистон Республикасининг жанубий ҳудудларига уюштирилган фольклор экспедициясига боришда Шаҳристон туманининг Қайирма қишлоғига қўниб ўтишга тўғри келиб қолди. Экспедиция аъзолари қишлоқ чекасидаги кўл бўйига жойлашиб улгурмасиданоқ, Асқар Мусақулов қишлоқ оралаб кетди. Бир-икки соат ўтар-ўтмас кейинчалик бир қатор тадқиқотларга асос бўлган "Бадик"нинг энг гўзал ва бадиий жиҳатдан мукаммал бир вариантини ёзиб олиб келди. Бу фольклор материалининг аҳамияти шундан иборат эдики, ўша пайтга қадар ўзбек фольклоршунослигида ҳали "Бадик" тўла ҳолида оғзаки ижрода етиб келмаган, деган қарашлар мавжуд эди. Эртасига бу вариантни магнитофонда ёзиб олиб, йўлимизда давом этдик. Жонли ижрода камдан-кам учраши мумкин бўлган, тобора унутилиб бораётган, сўз магиясига асосланган бу жанрнинг нисбатан мукаммал вариантининг ёзиб олиниши фольклор мероси хазинасини бойитиш билан бирга янги-янги тадқиқотлар олиб боришга кенг имконият яратиши табиийдир.

Ҳассос фольклоршунос Асқар Мусақуловнинг тўпловчилик фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Фольклор тўпловчи сифатида самарали фаолият кўрсатган А.Мусақулов 1971–1997 йилларда давомида ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг Самарқанд, Жиззах, Навоий, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона водийси, Тошкент вилояти, Туркманистон республикасининг Чоржўй вилояти ҳамда Жанубий Тожикистон бўйлаб ўтказилган фольклор экспедицияларида фаол иштирок этиб, ўзбек халқ маросим қўшиқлари, ирим-сирим ва инонч-эътиқодлар билан боғлиқ айтим ҳамда аломатлар, мақол, топишмоқ ва лирик қўшиқларни ёзиб олиш орқали халқ оғзаки бадиий ижоди хазинасини бойитишга муносиб ҳисса қўшди.



Биргина мақолларнинг академик нашрида бошқалар қатори уни тайёрлашда иштирок этиш билан бирга иккинчи жилднинг тематик ва поэтик кўрсаткичларини ҳамда бутун нашр учун тушунилиши қийин бўлган сўзлар луғатини тузганлигини ҳисобга олсак, Фольклор бўлимида тайёрланадиган жамоавий ишларда Асқар Мусақуловнинг ўрни ва унинг қўшган ҳиссаси ўз-ўзидан аён бўлади.

Ҳар бир олимнинг тадқиқотчиликда ўз йўли, ўзи севган мавзулари, ўзининг тадқиқот объекти, фольклорнинг у ёки бу жанри билан "ихтисослашуви" бўлади. Асқар Мусақулов ҳам бундан мустасно эмас. У фольклорнинг икки жанри – терма ва қўшиқларни ўрганишда ўз салоҳиятини ёрқин бир тарзда намоён этганлиги алоҳида диққатга сазовордир. Асқар Мусақуловнинг фольклоршунос сифатидаги илмий фаолияти ўзбек халқ ижодининг анъанавий жанрларидан бири – термаларни ўрганишга бағишланган тадқиқотлари билан бошланган. У термаларнинг жанр хусусиятлари, воқеликни бадиий акс эттириш мезонлари, фольклорнинг бошқа жанрлари билан ўзаро муносабати, туркий ва ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди жанрлар тизимида тутган ўрни, таснифи ва поэтикаси масалаларини чуқур ўрганди. Олимнинг терманинг жанр хусусиятларига доир мақолаларида бахшилар эпик репертуарида тутган ўрни, композицион қурилиши, ижро усули, халқ қўшиқларининг бошқа типларидан фарқли белгилари, термада қаҳрамон ва конфликт талқини ҳамда бадиий тасвир воситаларининг қўлланилиши каби фольклоршуносликнинг жиддий илмий муаммолари хусусида сўз юритилган. Халқ ижодида терманинг пайдо бўлиши, бошқа жанрлар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, таснифи, бадиий-эстетик хусусиятлари, бахшилар эпик репертуарини шакллантиришдаги ўрни, термада сюжет, мотив ва образ, терма ва достон муносабати масалаларига бу доир тадқиқотлар ўзбек фольклори жанрлар тизимининг шаклланиш тарихи ва тадрижий ривожи қонуниятларини ўрганишда муҳим илмий аҳамиятга эга.

Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асосларини тадқиқ этиш фольклоршунос олим Абийр Мусақулов илмий фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади. Фольклор асарларининг шаклла-

нишига асос бўлган қадимги эътиқодларнинг поэтик образлар тарзидаги талқинларини тарихий-қиёсий метод асосида кенг кўламда тадқиқ этган олим қўшиқлардаги ҳар бир кичик бадиий деталь бутун бир халқ тарихи, унинг ўзига хослигини кўрсатувчи урф-одатлари, маросимлари ва ишонч-эътиқодлари билан боғланиб кетишини асослаш орқали ўзбек халқ лирикасининг тарихий илдизларини аниқлашга эриша олди. У ўзбек халқ лирикасини "маросим лирикаси", "номаросим лирикаси" ва "болалар фольклоридаги лирик қўшиқлар"га бўлиб таснифлади.

Абийр Мусақулов халқ қўшиқларининг тарихий заминида етакчи роль ўйнаган сув, олов, ўсимлик, от, бўри культларига ишончнинг халқ лирикасидаги кўринишлари, шу культларнинг поэтик тафакукурга таъсири натижасида пайдо бўлган бадиий деталлар ва образларни атрофлича ўрганди. Соч, илон, дарахт, сув поэтик образларининг магиявий асослари, анимистик дунёқарашнинг қадимий шаклларидан бири ҳисобланган шомонликнинг халқ қўшиқларидаги поэтик образлар генезисида тутган ўрнини ўрганиш асосида халқ лирикасининг қадимий қатлами ритуал-магик аҳамият касб этганлигини асослаб берди. Олимнинг "Ўзбек халқ лирикаси: Тарихий асослари ва бадиияти" (1995), "Ўзбек халқ лирикаси" (2010) номли монографиялари халқ қўшиқларини этнофольклористик йўналишда ўрганишнинг ажойиб намунасидир.

Тадқиқотчи ўзининг ана шу тадқиқотлари асосида 1995 йилда ҳимоя қилган "Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари" мавзуидаги докторлик диссертациясида тотемизм, анимизм, магия, ҳосилдорлик культлари, урф-одат, маросим ва ирим-сиримларнинг қўшиқлардаги талқинларини илмий ўрганиш асосида қадимги инонч-эътиқодлар ва тасаввурлар халқ лирикасининг шаклланиши учун мазмуний асос бўлганлигини исботлади. Атоқли олим А.Н.Веселовскийнинг "поэтик параллелизмлар заминида анимистик тасаввурлар ётиши" ҳақидаги назарий қарашларини ривожлантирган Абийр Мусақулов ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифов ва унинг издошлари таълимотига суянган ҳолда халқ қўшиқларидаги поэтик кўчим асосида магияга ишонч ётади, деган илмий концепцияни илгари сурди.

Асқар Мусақуловнинг илгарироқ яратилган терма ҳақидаги тадқиқоти, унинг лирик қўшиқлар тўғрисида йирик монография



яратиш йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлган эди. "Ўзбек халқ лирикаси" номли монографияси халқ қўшиқларининг тарихий-ҳаётий асосларини қадимий эътиқод ва тасаввурлар, халқ этнографияси билан боғлаб тадқиқ этиш, ноэстетик ҳодисаларнинг бадиий-эстетик ҳодисаларга эврилиши жараёнини ўрганишга алоҳида эътибор берилганлиги билан ўзигача бажарилган ишлардан ажралиб туради.

Абийр Мусақулов жаҳон фольклоршунослиги, шу жумладан, рус олимлари эришган ютуқлардан яхшигина хабардор олим эди. Жаҳон фанида эришилган натижаларни ўзини қизиқтирган муаммоларга татбиқ этиб, ўзбек фольклоршунослигида номаросим фольклори, магия, ҳосилдорлик культлари, архаик динлар, достончилик этнографияси каби ўнлаб атамаларнинг муқимлашига катта ҳисса қўшди. Лирик қўшиқлар генезиси ва бадииятини уларни яратган халқ этнографияси унсурлари билан алоқадорликда ўрганишнинг илмий намунасини кўрсата олди. Бу билан Ҳоди Зариф асарларида бўй кўрсата бошлаган Ўзбекистон фанидаги этнофольклористик йўналишни янада ривожлантирди.

Абийр Мусақулов халқ ижоди намуналарини оммалаштириш, уларга тартиб бериш, нашрга тайёрлаш ишларида ҳам фаолдир. Бу ўринда унинг "Ўзбек халқ мақоллари"нинг икки жилдли академик нашрини, кейинги ўттиз йил давомида чоп этилган барча мақол тўпламларини тайёрлашдаги иштирокини алоҳида таъкидлаш зарур. Ўзбек халқ мақолларини тўплаш ва оммалаштириш борасида самарали фаолият кўрсатган Абийр Мусақуловнинг проф. Т.Мирзаев ҳамда Б.Саримсоқовлар билан ҳамкорликда нашрга тайёрлаган "Ўзбек халқ мақоллари" тўплами 1978, 1983, 1988, 1989, 2003, 2005, 2009 йилларда чоп эттирилган. У "Узбекские народные пословицы" (1983) тўплами ҳамда икки жилдлик "Ўзбек халқ мақоллари" академик нашрининг тузувчиларидан биридир. 1993 йилда М.Мирзаева билан ҳамкорликда ўзбек халқ тўй маросим қўшиқларидан тузилган "Остонаси тиллодан" мажмуасини чоп эттирган.

***Ас.:*** Шоир термалари / ИСШ. – Б.68-76; Достон ва терма муносабатига доир / Адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.176–184; Ўзбек халқ мақоллари (тузувчи). – Тошкент: Фан, 1978 (Б.Саримсоқов ва бошқ. билан ҳамк.); Узбекские

народные пословицы (составитель). – Ташкент: Фан, 1978 (в соавт. с Б.Саримсаковым); "Ўзбек адабиётида сажъ" // ЎТА. – 1979. – 4-сон. – Б.71-74 (И.Ҳаққулов, И.Тўлаков билан ҳамк.); Ўзбек фольклорида терма ва оралиқ шакллар // ЎТА. – 1981. – 4-сон. – Б.41-45; Эртакдаги ҳақиқат // Гулистон. – 1982 (М.Саидов билан ҳамк.); Таржиманинг муҳим жиҳатлари / ЎАС. – 1982, 8 июнь (Й.Нурмуродов билан ҳамк.); Ўзбек халқ мақоллари (тузувчи). – Тошкент: Фан, 1983 (Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов билан ҳамк.); Терма в узбекском фольклоре (жанровая специфика, классификация, поэтика): АКД. – Ташкент, 1984; Ўзбек халқ мақоллари. 1-том (тузувчи). – Тошкент: Фан, 1987 (Т.Мирзаев ва бошқ. билан ҳамк.); Ўзбек халқ мақоллари. 2-том (тузувчи). – Тошкент: Фан, 1987 (Т. Мирзаев ва бошқа. билан ҳамк.); Ўзбек халқ мақоллари (тузувчи). – Тошкент: Фан, 1988 (Т.Мирзаев ва бошқалар билан ҳамк.); Терма / Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.261–272; Ўзбек халқ мақоллари (тузувчи). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989 (Т.Мирзаев, Б. Саримсоқов билан ҳамк.); Элнинг Фозил шоири / ЎАС. – 1992, 5 июнь (Т.Мирзаев билан ҳамк.); Халқ лирикасида янга образига доир / ЎХДС. – Тошкент, 1993. – Б.45-47; "Лирика" ва "қўшиқ" атамалари генезиси // ЎТА. – 1993. – 3-сон. – Б.48-52; Севги магияси ва халқ лирикаси // ЎТА. – 1993. – 6-сон. – Б.18–25; Бекасам тўнлар кийиб // Саодат. – 1993. – 10–11-сонлар. – Б.17–18; Қалин // Мулоқот. – 1993. – 11–12-сонлар. – Б.24–27; Сочининг савдоси тушди / ЎАС. – 1993, 26 ноябрь; Ўзбек халқ қўшиқларининг тарихий асослари. – Бухоро, 1994; Оқ илон, оппоқ илон ёки тотемизм / СО. – 1994. – 3-сон. – Б.31-35; Лирика ва эротика // ФТ. – 1994. – 3-сон. – Б.25–26; Халқ қўшиқларида от инончининг бадиий ифодаси // ЎТА. – 1994. – 4-5-сон. – Б.66-71; Шомонизм ва янга образи // Ёш куч. – 1994. – 5-6-сонлар. – Б.31-32; Отдир йигитнинг йўлдоши // Ватан. – 1994, 2-9 февраль; Сўз ва магия // Ёш куч. – 1994. – 5-6-сонлар. – Б.32-33; Ўзбек халқ лирикаси: Тарихий асослари ва бадиияти – Тошкент: Фан, 1995; Остонаси тиллодан: Тўй қўшиқлари (тузувчи). – Тошкент: Фан, 1995 (М.Мирзаева билан ҳамк.); Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари ва бадиияти: Филол. фанлари. док. дисс. автореф. – Тошкент, 1995; Оқ гул билан қизил гул ёки келин-куёв // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 1995. – 1–2-сонлар; Қуш бўлиб қочар бўлсанг



// Мулоқот. – 1995. – 3-4-сонлар. – Б.28-30; Сувдай сулув келинчак // Ватан. – 1995, 18 март; Фозил Йўлдош ўғли // ТАТ. – 1997. – 3-сон; Наврўз элчилари / ЎАС. – 1997, 21 март; Халқ маънавияти ва тафаккури кўзгуси / Тафаккур ва тақдир. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.18–28; Ўзбек халқ қўшиқларининг қадимий асослари // АК. – 1998. – 1-сон. – Б.21-33; Айланай келиннинг қадди бўйиннан // САУ. – 1998. –10–11-сонлар; Бойчибор – илоҳий от / ЎАС. – 1998, 21 август; Бойчечак – Наврўз гули // САУ. – 2003. – 3-сон; Сумалак сири, ҳалинчак ҳадяси // Гулистон. – 2003. – 3-4-сонлар; Янгажон дедим // Саодат. – 2003. – 4-сон; Ўзбек халқ мақоллари (тузувчи). – Тошкент: Шарқ, 2003 (Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов билан ҳамк.); Абдулла Қодирий этнографиясига чизгилар / Адабиёт. Бадиият. Абадият. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б.131–148; Ўзбек ойимнинг "кашфиёти" / Адабиёт. Бадиият. Абадият. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б.148–153; Уч эчки эртаги ҳақида / МТ. – 2004. – 6-сон; Кўзингга кўз тумор бўлай // Gulchehralar. ("Saodat" журнали иловаси). – 2004, 14 апрель; "Султон суягини хўрламас" // Маърифат. – 2005, 13 август; Ўзбек халқ мақоллари (тузувчи). – Тошкент: Шарқ, 2005 (Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов билан ҳамк.); Латифаларнинг тарихий асосларига доир // ЎФМ. 1-китоб. – Тошкент, 2006. – Б.42 -45; Адабиёт – эзгулик тантанасига ишонч / М.Жўраев. М.Нарзиқулова. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – Б.3-4; Достонлар эгаси // Моҳият. – 2006, 3 март; Маросимда янганинг ўрни ҳақида / Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Навоий, 2007 – Б.27-30; Сунбулаю сунбула // Саодат. – 2007. – 7-8-сонлар. – Б.40-41; Эзгуликка йўғрилган эътиқод талқини / Жўраев М. Наврўз байрами. – Тошкент: Фан, 2009. – Б.3-9 (Т. Мирзаев билан ҳамк.); Маънавиятимизнинг теран илдизи. Халқ оғзаки поэтик ижоди: тарихи бугуни, истиқболи // САУ. – 2009. – 4-сон. – Б.18–24; O'zbek xalq maqollari (tuzuchi). – Toshkent: G'afur G'ulom, 2009 (T.Mirzayev bilan hamk.); Тамал тошини терганлардан / Саидов М. Маърифат фидойиси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б.132–135; Бир мақолнинг тарихий асосларига доир // ЎФМ. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.82-88; Халқ лирикасида кўз магиясига инончнинг бадиий ифодаси / ЎФМ. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.146–154; Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент:

Фан, 2010; Халқ лирикасида соч образининг тарихий-этнографик асослари / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.435-445.

***Ад.***: Жўраев М., Худойқулова Л., Жўраева М. Асқар Мусақулов / ЎТА. –1-сон. – Тошкент, 2011. – Б.134–136; Мирзаев Т., Жўраев М. Ўзбек халқ лирикасининг йирик тадқиқотчиси / ЎФМ. 4-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.3–8; Филология фанлари доктори Абийр Мусақулов асарлари библиографияси (тузувчи М.Жўраева) / ЎФМ. 4-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.9–15; Турдимов Ш. Асқартовлик Асқар / ЎАС. – 2012. – 13 апрель; Абийр Мусақулов (1951–2011) / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.435-445.

## Саидқул АЛИМОВ

*(1951 йил 6 март, Бекобод тумани, Хос қишлоғи)*

Ўзбек адабий эртаклари ҳамда фольклорда жанрлараро муносабат масалаларини ўрганган Саидқул Алимов 1972 йилда Тошкент давлат педогогика институтининг филология факультетини тугатган. 1974–1978 йилларда Самарқанд вилоятининг Пойариқ туманидаги 46-ўрта мактабда ўқитувчилик қилган. 1978–1984 йилларда Тошкент давлат маданият институти Болалар адабиёти ва кутубхонада болалар билан ишлаш кафедрасида ўқитувчи, 1984–1987 йилларда катта ўқитувчи, 1987–2000 йилларда доцент вазифаларида ишлаган. 2001 йилдан ЎзМУ филология факультетининг "Халқаро маданий алоқалар ва санъатшунослик" кафедраси этномаданият ва халқ оғзаки ижод анъаналари бўйича талабаларга сабоқ берган. 2016 йилдан Тошкент маданият коллежида "Халқ ижодиёти" ва "Ўзбек урф-одат ва маросимлари" фанларидан дарс берган 2020 йилдан Ўзбекистон санъат ва маданият институтининг "Фольклор ва этнография"кафедрасида педагогик ва илмий ишлар фаолиятини давом эттирмоқда. У 1984 йилда "Ўзбек адабиётида адабий эртак жанрининг шаклланиши ва ривожланиши" мавзуида номзодлик, 2000 йилда "Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

С.Алимов адабий эртак жанрининг шаклланишига халқ оғзаки ижодиётининг таъсири, болалар адабиётида адабий эртакнинг ўрни, бу жанрнинг поэтик хусусиятлари ва маънавий-эстетик аҳамиятини ўрганган. У маданий-маърифий муассасалар ишини ташкил этишда халқ оғзаки ижодиётидан фойдаланиш, фольклоршунослигимизнинг илмий-назарий хулосаларини фольклор-этнографик жамоалар, клуб ва маданият уйлари фаолиятига тадбиқ этиш масалалари билан шуғулланган. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат масаласини достон, эртак, ривоят, қўшиқ, мақол ва бошқа жанрларнинг ўзаро алоқалари мисолида таҳлил қилган.

Тошкент давлат маданият институтининг фольклор-этнографик экспедицияси таркибида Хоразм, Самарқанд, Тошкент вилоятларида, шунингдек, Тожикистон Республикасининг Панжикент ва Ўратепа туманларидаги қишлоқларда бўлиб, халқ бахшилари, эртакчи ва қўшиқчилар ижодиётини ўрганган. Ўзбек халқ эртакларни тўплаб, нашрга тайёрлаган (1993).

***Ас.***: Адабий эртак ҳақида // ЎТА. – 1982. – 3-сон. – Б.53-57; Халқ ижодидан илҳомланиб // ФТ. – 1982. – 3-сон; Халқ эртаклари билан адабий эртакларни қиёсий ўрганиш // Халқ таълими. – Тошкент, 1982. 6-сон; Фольклор ва адабий эртак. – Тошкент: Ўзбекистон, 1982; Халқ эртаклари текстологиясига доир // АДМ. – Тошкент, 1983. – 25-сон; Формирование и развитие жанра литературной сказки в узбекской литературы. АКД. – Ташкент, 1984; Ҳамиша халқ дилида ("Алломалар ибрати" китобига тақриз) // ШЮ. – 1984. – 5-сон. – Б.207 (ҳамк.); Фантастик асарлар ва болалар китобхонлиги. – Тошкент, 1987; Мусаффо чашма / Адабиёт ва санъат. – Тошкент, 1988; Болалар матбуоти ва болалар китобхонлиги. – Тошкент, 1988; Фольклор жанрлари муносабатида ижро ва бадиа. – Тошкент, 1992; Тарихий-фольклорий жараён ва жанрлараро муносабат. – Тошкент, 1993; Ўзбек адабий эртаклари. 10 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Мерос, 1993; Кутубхоналарда фольклор билан ишлаш // Бошланғич таълим. – Тошкент, 1993. – №11–12. – Б.7-8; Қардош халқлар эртаклари. – Тошкент: Мерос, 1993; Мозий қадриятлари

// Сирли олам. – Тошкент, 1994. – 5-сон. – Б.14–15; Сут билан кирган // МТ. – Тошкент, 1994. – 9–10-сонлар. – Б.12–13; Жанрларнинг типологик муносабатлари. – Тошкент, 1995; Ўзбек фольклорининг жанр хусусиятлари // Дил дергиси. – Анкара, 1995. – 2-сон. – Б.45-47 (турк тилида); Яссавий ва халқ ҳикматлари // Яссавий. – 1995. – 2-сон. – Б.45 (турк тилида); Хаёлот булоғининг заррин дурлари ("Ипак йўли афсоналари" тўплами ҳақида) / ХС. – 1995, 3 январь; "Халқ ижоди" фанидан дастур. – Тошкент, 1996 (ҳамк.); Жанрлараро муносабатда ижро ва бадиҳа / Истиқлол ва маънавият. – Тошкент, 1996. – Б.105–107; Олий таълимда халқ ижодини ўқитиш муаммолари / Таълим муаммолари: илмий-услубий ютуқлар ва илғор тажрибалар. – Тошкент, 1997. – 3-6-сонлар. – Б.37-39; Фольклор жанрлари муносабатига доир / Маънавият ва маърифат тараққиёт омили. – Тошкент, 1997. – Б.205–206; Халқ оғзаки бадиий ижодидан дастур. – Тошкент: Олий таълим вазирлиги, 1998 (ҳамк.); Жанрлараро муносабатга доир // ЎТА. – 1998. – 5-сон. – Б.30-33; Халқ мажозий ҳикояси // ТАТ. – 1998. – 6-сон. – Б.63-69; Етим қизнинг бахти // Гулистон. – Тошкент, 1999. – 2-сон. – Б.58; Нақлдан ақл уқиб // САУ. – 1999. – 6-7-сонлар. – Б.11; Болалар фольклори намуналарининг гўдак ақлий ва ҳиссий ривожланишидаги ўрни // ТАТ. – 1999. – 2-сон. – Б.48; Элимиз ориятини куйлаган достон // Мулоқот. – Тошкент, 1999. – 2-сон. – Б.25–27; Гап оҳангдами, жанрда… // Мулоқот. – Тошкент, 1999. – 6-сон. – Б.11; Жанрлараро муносабат масаласи / Маънавият ва маърифат – давлат сиёсатининг устувор йўналиши. – Тошкент, 2000. – Б.97–104; Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат: Филол. фанлари докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2000; "Ҳаёт дарахти" соҳиби / Муҳаммаднодир Саидов – маърифат фидойиси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б.140–144; Ўзбек халқ оммавий тадбирларида удум ва маросимлар / "Бойсун баҳори" Юнеско илмий ишлар тўплами. – Термиз, 2002. – №1; Замонавий саҳна асарларида халқ анъаналари // Ёшлик. – 2004. – №10; Этномаданият ва театр санъати // Театр. – 2005. –№5-6; Зумрад хаёллар сарчашмаси // Таълим ва тафаккур. – 2006. – №1; Халқ оғзаки ижодиёти (ўқув қўлланма). – Тошкент: Университет, 2007 (ҳамк.); Халқ ижодиёти (ўқув қўлланма). – Тошкент: Университет, 2007; Этномаданият ва халқ ижоди (ўқув қўлланма). – Тошкент, 2007.



## Абдиолим ЭРГАШЕВ

*(1951 йил 30 май, Ғузор тумани, Каприн қишлоғи)*

Жанубий Ўзбекистон достончилиги анъаналарини узоқ йиллар мобайнида узлуксиз ўрганиб келаётган Абдуолим Эргашев 1972 йилда Қарши давлат педагогика институтининг Ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. 1972 йилдан Деҳқонобод туманидаги 1-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, 1975 йилдан ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, 1978 йилдан шу мактаб директори, 1991–1992 йиллар "Маърифат" газетасининг махсус мухбири бўлиб ишлаган. 1992 йилдан Қарши давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, 1996–1997 йиллар Ўзбек филологияси факультети декани ўринбосари, 1998–2001 йиллар шу факультет декани, "Фольклор илмий лабораторияси" мудири вазифаларида ишлаган. 2005 йил 1 декабрдан Ўзбек тили ва адабиёти методикаси кафедраси, 2014 йил сентябрдан адабиётшунослик кафедраси доценти сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналари ва достончилик мактабларини чуқур тадқиқ этиб, 1991 йилда "Шеробод достончилик мактаби" мавзуидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган.

А.Эргашев Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари фольклорини тўплаш ва архивлаштириш ишига катта ҳисса қўшган. У Қодир бахши Раҳимов, Қора бахши Умиров, Чори бахши Умиров, Қаҳҳор бахши Раҳимов, Рўзи бахши Қултўраев, Абдуназар Поёнов, Абдумурод бахши Раҳимов, Шодмон бахши Хўжамбердиев, Шоқул бахши Мирзаев, Расул бахши Умиров, Муҳаммад бахши Эшбоев, Баҳром бахши Раҳимов, Жовли бахши Тангиров каби бахшилардан достон ва термалар ёзиб олган. Ўз тадқиқотларида ўттиздан ошиқ монографиялар, рисолалар, ўқув қўлланмалари, эсселар, юздан ошиқ мақолаларда Қашқадарё ва Сурхондарё халқ оғзаки ижоди, асосан, халқ достончилигининг шаклланиши, тараққиёти ва ҳозирги ҳолатини илмий ўрганишга алоҳида эътибор қаратган. У жанубий Ўзбекистон достончилик мактабларининг ўзига хос хусусиятлари, бахши-шоирларнинг эпик репертуари, уларнинг ижро пайтидаги поэтик маҳорати, достонларнинг ғоявий мазмуни ҳамда бадииятини ўрганиш асосида муҳим хулосалар чиқарган.

Жанубий Ўзбекистон достончилиги анъаналарини илмий ўрганиш билан бир қаторда шу ҳудудда яшаб ижод қилаётган бахшилар эпик репертуаридаги энг сара асарларни ёзиб олиб нашр этиш А.Эргашев илмий фаолиятида алоҳида ўрин тутади. У “Жорхун мастон” (Қодир Раҳимов), “Нуралининг ёшлиги” (Саъдулла Тоиров), “Соҳибқироннинг туғилиши” (Рўзи Қултўраев), “Амир Темурнинг туғилиши” (Чори бахши Умиров), “Малла савдогар” достонининг Чоршанби Раҳматуллаев ҳамда Қаххор Раҳимов вариантлари, “Ёдгор” достонининг Чори бахши Умиров ҳамда Қаххор Раҳимов вариантлари, “Қўнғирот” (Қаххор Раҳимов), “Гавҳари Хуштар ёхуд Аҳмад Яссавий” (Қаххор Раҳимов), “Саксон нор” (Жовли бахши Тангиров), “Хон Далли” (Шодмон Хўжамбердиев), “Норгулой” (Қодир Раҳимов), “Ёзи билан Зебо” (Қодир бахши ва Қаххор Раҳимов), “Тоҳир ва Зуҳра” (Қора бахши Умиров), “Нурали ва Семурғ” (Қора бахши Умиров), “Жаҳонгир” (Қора бахши Умиров), “Шерали” (Чори бахши Умиров), “Ғойибнома” (Чори бахши Умиров), “Қайсар дев” (Аҳмад бахши), “Санамгул” (Расул бахши Умиров), “Қодир бахши ҳақида достон” (Қаххор Раҳимов), “Кунпўлат” (Шоқул Мирзаев), “Махтумқули” (Қаххор Раҳимов), “Қайтмас” (Шодмон Хўжамбердиев) каби достонларни ёзиб олиб, сўзбоши ва луғат билан нашрга тайёрлаб чоп эттирган.

Унинг сайъ-ҳаракатлари туфайли терма жанрига мансуб фольклор асарлари изчил тўпланиб, натижада “Хомкон тоғ наволари” (Абдуназар Поёнов), “Ота мерос дўмбирам” (Абдимурод Раҳимов), “Юртимни куйлайман” (Шодмон Хўжамбердиев), “Ота мерос термалар” (Қаххор Раҳимов), “Анъанавий термалар”, “Сулув кўрсатар” (Қора бахши Умиров), “Сурхонданман Сурхондан” (Шодмон Хўжамбердиев), “Оҳува” (Абдимурод Раҳимов), “Оҳу ноласи” (Шоқул Мирзаев), “Тулпорим” (Шоқул Мирзаев), “Жаҳонга довруғли Ўзбекистоним” (Шоқул Мирзаев), “Устоз бахши дуоси” (Чори бахши Умиров), “Қуралай” (Қаххор Раҳимов), “Термалар” (Муҳаммад Эшбоев), “Тонг юлдузи” (Қаххор Раҳимов), “Термалар” (Қаххор Раҳимов) каби тўпламлар ҳолида чоп эттирилган.

Бундан ташқари, воҳа бахшилари ижодини республикамизнинг бошқа ҳудудларида мавжуд бўлган достончилик мактаблари билан қиёсий тадқиқ этиш асносида эпик анъананинг тараққиёт қонуниятларини ойдинлаштиришга катта ҳисса қўшган. Унинг тадқиқотларида халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари ва этнопедагогик қарашлари таҳлилига ҳам кенг ўрин берилган. Жанубий Ўзбекистон достончилигини ўрганиш борасида олиб борган самарали фаолияти учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвони билан тақдирланган.



*Ас.*: “Ойтўти” достони ҳақида / Пўлкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан. 1976. – Б. 51-56; “Гулихиромон” достони ҳақида / ИСШ. – Тошкент: Фан, 1978 (ҳамк.); Бир достоннинг қисмати / Нуралининг банди бўлиши. – Қарши: Насаф, 1999. – Б.3-8 (ҳамк.); Жанубий Ўзбекистон достончилигида урф-одатлар / ЎХДС. – Тошкент, 1993. – Б.20–26 (ҳамк.); Амир Темур ҳақида достонлар / ЎХДС. – Б.75-80 (ҳамк.); Жанубий Ўзбекистон достончилигида алп қизлар / ЎХДС. (ҳамк.); Достонлар-одобнома дарслиги / ЎХДС. – Б.120–125 (ҳамк.); Сўз боши / Соҳибқироннинг туғилиши. – Қарши: Насаф, 1993. – Б.3-4 (ҳамк.); Қашқадарё бахшилари / Ўзбекистон Республикаси 1941-1943 уруш йилларида. – Қарши: 1995. – Б. 94-98; Буюк санъат яшашга ҳақли // Жамият ва бошқарув. – 1998. – №4; Алпомишни алп билар. – Қарши: Насаф, 1998. – 128 б.; Жанубий Ўзбекистон бахшилари маҳорати. – Қарши: Насаф, 1998. 60 б.; Алпомишнома. 1-китоб. Сурхондарё талқини. – Тошкент: Меҳнат. 1999. 488 б. (ҳамк.); Қаххор Раҳимов достончи / Ёдгор. – Қарши: Насаф, 1999. – Б.83-93 (ҳамк.); Улуғ инсон ҳақида достон / Гавҳари Хуштар ёхуд Аҳмад Яссавий. – Қарши: Насаф, 1999. – Б.3 (ҳамк.); Навоий ҳақида достон / Улуғ Алишер Навоий. – Қарши: 2000. – Б. 49-51; Алпомиш достонининг Жанубий Ўзбекистон вариантлари // АДЖХЭИ. – Б. 31-32; Алпомишнома. 2-китоб. Қашқадарё талқини. – Тошкент: Меҳнат, 2000. 568 б. (ҳамк.); “Ёзи билан Зебо” ишқ достони. – Қарши: Насаф, 2000. – 64 б. (ҳамк.); Эргашев А. Достонларда айрим урф-одатлар ва миллий қадриятлар. – Қарши: Насаф, 2000. 64 б. (ҳамк.); Жанубий Ўзбекистон достонларида хотин-қизлар ўйини тасвири / Тўмарис ўйинлари Республика илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. – Қарши: Насаф, 2001. – Б.13–18; Қадриятнома. – Тошкент: Меҳнат, 2001. 544 б. (ҳамк.); Истиқлол ва фольклор // Мулоқот. – Тошкент, 2001. – №4; Термаларда теран тафаккур // Сулув кўрсатар. – Қарши: Насаф, 2002. – Б.3-5; Халқ достонларида

баркамол инсон тимсоли // Миллий истиқлол ва шахс камолоти. – Қарши: Насаф, 2002. – Б. 256–261; Халқ оғзаки ижоди. – Қарши: Насаф, 2002. – 68 б. (ҳамк.); Истиқлол ва фольклор / Ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар муаммоси. – Қарши: Насаф, 2002. – Б.132–142; Жовли бахши "Саксон нор" достони ҳақида / Саксон нор. – Қарши: Насаф, 2003. – Б. 3-5; Халқ ўйинлари ва ёшларни ахлоқий тарбиялаш. – Қарши: Насаф, 2003 (ҳамк.); Касб танлашда устоз-шогирдчилик маҳорати достонлар материали асосида / Касб таълими сифат босқичида. – Қарши: Насаф, 2003. – Б. 189–190; Достонлар одобнома дарслиги. – Қарши: Насаф, 2004. 56 б. (ҳамк.); Халқ Темурномаси. Мақолалар ва матн. – Қарши: Насаф, 2004. 255 б.; Ўзбек фольклоршунослиги ривожи // Насаф зиёси. – Қарши, 2004. – №1. – Б. 29-33 (ҳамк.); Қашқадарё бахшилари – Амир Темур куйчилари // Нахшаб – Қарши жаҳон цивилизацияси тизимида. 2-жилд. – Қарши, 2005; Улуғ шоир ҳақида достон // Насаф зиёси. – Қарши, 2005. – №1. – Б.20–22; Улуғ Соҳибқироннинг ёшлиги ҳақида икки достон // Насаф зиёси. – Қарши: 2005. – №2-3. – Б. 10–15; Ҳозирги эпик жараёнга бир назар / Ўзбек адабиётшунослигида таҳлил ва талқин муаммолари. – Қарши, 2005. – Б.105–107; Бахшининг икки умри / Н.Кенгбоев. Азим шоир. – Қарши: Насаф, 2004.– Б.35; Қўнғирот достони ҳақида // Қўнғирот. – Тошкент, 2006. – Б. 5-7; Истиқлол мафкурасининг миллий хусусиятлари ёшлар онгига сингдиришда фольклорнинг ўрни ва аҳамияти / Умумфилологик тадқиқотлар. – Жиззах, 2006. – Б.61-64 (ҳамк.); Комил инсон ғоясини ёшлар онгига сингдиришда фольклор асарларидан фойдаланиш / Юқоридаги китоб. – Б. 93-95 (ҳамк.); Халқ достонлари – тарбия қомуси сифатида / Бошланғич таълимда инновацион технологиялар: муаммолар, ечимлар. – Жиззах, 2006. – Б.216–218 (ҳамк.); Қора бахши Умиров маҳорати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. 108 б.; Халқ ижодининг хазинадори. – Қарши: Насаф, 2006. 192 б.; Истиқлол ва фольклор. – Тошкент: Миллий кутубхона нашриёти, 2006. 84 б. (ҳамк.); Халқ достонлари – тарбия қомуси. – Жиззах, 2006. 86 б. (ҳамк.); Халқ педагогикаси ва қадриятлари. – Жиззах, 2007. 108 б. (ҳамк.); Қашқадарё-Сурхондарё достончилиги. – Тошкент: Фан. 2008. – 256 б.; Халқ достонлари воситасида ҳозирги ёшларда соғлом турмуш маданиятини шакллантириш / Ўзбекистон оиласи истиқлол ва тараққиёт. – Жиззах, 2008. – Б.43-50 (ҳамк.); Достончиликда устоз-шогирдчилик анъанаси / Фан, таълим ва амалиёт мажмуасининг долзарб муаммолари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.50-55 (ҳамк.); Тадқиқотлар объектив бўлсин // ЎТА. – 2008. – №8. – Б. 84-88; Қодир бахшининг шогирди / Хон Далли. – Қарши: Насаф, 2010. – Б.3-5; Халқнинг талантли куйчиси / Ғойибнома. – Қарши: Насаф, 2010. – Б.3–16; Халқнинг талантли куйчиси // ҚарДУ хабарлари. – Қарши, 2010. – №4. – Б.84-94; Соҳибқироннинг ёшлиги ҳақида икки достон // Соҳибқирон юлдузи. – 2011. – 2-сон. – Б.84-91; Термаларда аждодлар ўгити ва даврнинг нафаси / Чори бахши Умиров. Устоз бахши дуоси. – Қарши: Насаф, 2011. – Б.3–11; Жаҳонгир достони ҳақида / Жаҳонгир ёҳуд шаҳидлар дараси. – Қарши: Насаф, 2011: – Б.3; Расул бахши / Санамгул. – Қарши: Насаф, 2012. – Б.3-5; Қодир бахши ҳақида достон / Қодир бахши абадияти. – Қарши: Насаф, 2012. – Б.125–147; "Ойчинор" достонининг яратилишига асос бўлган жой // Кўрсатилган манба. – Б.65-68; Темур ва Боязид достони ҳақида илк мулоҳазалар // Соҳибқирон юлдузи. 2012. – №2(8). – Б.55-63; Қодир бахши Раҳимов. – Қарши: Насаф, 2012; Қашқадарё-Сурхондарё достончилари шажараси. – Қарши: Насаф, 2012 (ҳамк.); Қодир бахши термалари. – Қарши: Насаф, 2013; Қодир бахши ўтди денглар. – Қарши: Насаф, 2013; Абдумурод бахши термалари ҳақида / Раҳимов А. Оҳу-ва. – Қарши: Насаф, 2013. – Б.3-8; Юрт мадҳини куйлаган бахши / Шоқул бахши Мирзаев. Жаҳонга довруғли Ўзбекистоним. – Қарши: Насаф, 2016. – Б.3-4; Аҳмад бахши ҳақида / Қайсар дев. – Қарши: Насаф, 2014. – Б.3-6; "Тоҳир ва Зуҳра" достонининг Қора бахши варианти / Тоҳир ва Зуҳра. – Қарши: Насаф, 2014; Сўз боши / Шоқул Мирзаев. Оҳу ноласи. – Қарши: Насаф, 2014. – Б.3-5; Термаларда маҳорат / Шоқул бахши Мирзаев. Тулпорим. – Қарши: Насаф, 2014; Қашқадарё-Сурхондарё достончилиги муаммолари / Номоддий маданий мерос ва фольклоршунослик муаммолари. – Қарши: Насаф, 2015. – Б.19–23; "Қўнғирот" достонида уруғ таснифи / Кўрсатилган манба. – Б.71-83; Бахши бадиияти. – Қарши: Насаф, 2015. – 348 б.; Истедод-ла куйланган достон / Нурали ва Семурғ. – Қарши: Насаф, 2016. – Б.3-4; Сеҳрли соз ва сермаъно сўз соҳиби / Қаҳҳор бахши Раҳимов. Қуралай. – Қарши: Насаф, 2018. – Б.3–11; Куйланаётган достонда бахшининг ўзи образи / Жаҳон цивилизациясида бахшичилик

санъатининг ўрни. – Тошкент: 2019. – Б.100–101; Бахшиларнинг зўри / Эл эъзози, эътибори, эҳтиромидаги бахши. – Қарши: Насаф, 2019. – Б.3-5; Дўмбира / Кўрсатилган манба. – Б.108–113; Забардаст бахши / Қодир бахши ҳақида достон. – Қарши: Насаф, 2019. – Б.3; Отага ҳайратдан туғилган достон / Қаҳҳор бахши Раҳимов. Қодир бахши ҳақида достон. – Қарши: Насаф, 2019. – Б.124–146; Халқ достонлари матни устида ишлашдаги хатоликлар / Ўзбек матншунослигининг назарий ва амалий муаммолари. – Қарши, 2019. – Б.85-87; Шерали достони ҳақида / Чори бахши. Шерали. – Термиз: Сурхон, 2019. – Б.3-8; Бахши термалари / Эшбоев М. Юртимни куйлайман. – Термиз: Сурхон, 2019. – Б.3-6; Сеҳрли соз оҳанглари // ҚарДУ хабарлари. – Қарши, 2019. – №4; Оилавий бахшилар сулоласи. – Термиз: Сурхон, 2019. 200 б.; Қодир бахши абадияти. – Тошкент: Фан, 2019. – 336 б.; Термаларда Шоқул бахши маҳорати. – Қарши: Насаф, 2019. 120 б; Абдуназар бахши Поёнов ижоди. – Қарши: Насаф, 2019; Poems about types of „Nurali" // Asian Journal of Multidimensional Research. AJMR. – India. 2020; Poems about the youth of sahibkiran Amir Temur // Asian Journal of Multidimensional Research. AJMR. – 2020; Бахшичилик санъати ва достончилик мактаблари. – Қарши: Насаф, 2020; Дўмбира бахшиларнинг доимий ҳамроҳи. – Жиззах, 2020 (ҳамк.); Бахшилар ижодида Ватан мадҳи. – Жиззах, 2020 (ҳамк.); Достонлардаги айрим сўзлар луғати. – Қарши: Фан ва ижод, 2020 (ҳамк.)

***Ад.*:** Тиллаев Т. Кўнгилдаги муножот / Эргашев А. Мангу тиловат. – Қарши: Насаф, 2000. – Б.3-5; Халилова Д. Илтижо ва илинж / Эргашев А. Дилнинг дардли дунёси. – Қарши: Насаф, 2012. – Б.3-7; Иноятов Я. Эрдонов Л. "Кексаларни эъзозлар эл-юрт" китоби ва унинг муаллифи ҳақида / Эргашев А. Кексаларни эъзозлар эл-юрт. – Қарши: Насаф, 2015. – Б.282–286; Равшанов П. Қалбни сайқаллаган нур. – Қарши: Насаф, 2015; Раҳимов Қ. Яшиндан отилган чақмоқ. – Қарши: Насаф, 2017.



## Мунаввара ЁҚУББЕКОВА

*(1952 йил 19 декабрь, Андижон тумани, Хакан қишлоғи)*

Ўзбек халқ лирикасининг лингвофольклористик хусусиятларини тадқиқ этган Мунаввара Муҳамедовна Ёқуббекова 1970–1974 йилларда Андижон давлат педагогика институтининг Тарих-филология факультети Ўзбек тили ва адабиёти бўлимида ўқиган. 1974–1975 йилларда Андижон шаҳридаги 15-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берган. 1976–2000 йилларда Андижон давлат педагогика институти (ҳозирги Андижон давлат университети)нинг Ўзбек адабиёти кафедрасида катта лаборант, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида хизмат қилган. 2000 йилдан ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида катта илмий ходим сифатида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланган. Ўриндошлик асосида Республика "Оила" илмий-амалий марказида Оила маънавияти бўлимининг бошлиғи, катта илмий ходим ҳамда матбуот котиби, Тошкент шаҳридаги Малака ошириш институтларида ҳам машғулотлар олиб борган. Ҳозирги кунда Республика "Алла уйи" маданий-маърифий марказининг раҳбари сифатида фаолият олиб бормоқда. 1990 йилда "Ўзбек халқ аллаларининг жанр табиати ва бадиий хусусиятлари" мавзусида номзодлик, 2005 йилда "Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

М.Ёқуббекова ўзбек халқ аллаларининг жанр хусусиятлари, ўзига хос поэтик табиати, фольклор жанри сифатидаги келиб чиқиш тарихи ва такомил босқичларини ўрганган. Аллаларни ёзиб олиб, нашрга тайёрлаган ва халқ орасида кенг оммалаштиришга катта ҳисса қўшган. Бу жанр намуналарининг халқимиз маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрнини кўрсатишга бағишланган тадқиқотлар яратган. Унинг илмий тадқиқотчилик фаолиятида халқ қўшиқларининг лингвофольклористик таҳлили масалаларини ўрганиш устуворлик қилади. Халқ қўшиқларининг ўрганилиш тарихи, қўшиқларнинг жанр хусусиятлари, таснифи, бадиияти, айниқса, ўхшатиш, сифатлаш ва метафораларнинг халқ лирикасидаги поэтик талқинларини тадқиқ этган.

М.М. Ёқуббекованинг "Алла уйи" маданий-маърифий маркази ташкил этиш лойиҳаси" асосида 2009 йилнинг август ойида "Алла

уйи" маданий-маърифий маркази ташкил этилди. Марказга лойиҳа муаллифи М.Ёқуббекова жамоатчилик асосида раҳбар этиб тайинланди. Марказда халқ аллаларининг маънавий, маърифий, тарбиявий таъсир кучидан баркамол авлодни тарбиялашда фойдаланиш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилди. Шунга кўра, оналар учун рисола, қўлланма, буклетлар тайёрлаб аҳоли ўртасида тарқатиш, маъруза ва суҳбатлар, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар тарзидаги тарғибот фаолияти йўлга қўйилди.

"Алла уйи" лойиҳаси муаллифи томонидан шу кунгача алла қўшиқларини тарғиб қилишга қаратилган рисола, мақола ва тўпламлар чоп этилди. "Алла уйи" маданий-маърифий маркази ўзбек фольклори асарларини, миллий аньаналаримиз, урф-одатларимизни авайлаб-асраш, оммалаштириш, ва кейинги авлодга етказиш ишига самарали ҳисса қўшди.

***Ас.***: Мўътабар онахон / Андижоннома. – 1974. – 19 июль; Оналикни шарафлаб / Андижоннома. – 1996, 7 май; Оналик қўшиғи // Саодат. 1981. – 3-сон. – Б. 25; Ахлоқий тарбиянинг ибтидоси. – Андижон, 1986. – 28 б.; Таъзим // Андижоннома. – 1987. – 18 сентябрь; Бу шундай қўшиққи // Саодат. – 1988. – №5. – Б.22–23; Буюк даҳо / Андижоннома 1988, 9 сентябрь; Онамиз куйлаган қўшиқ ҳақида // СЎС. – 1988. – 3- сон. – Б.12–13.; Фарзанд гулдир, она бир бўстон // Ёш куч. – 1990. – 11-сон. – Б.8-9; Жанровая специфика и поэтические особенности узбекских народных колыбельных песен "алла": АКД. – Т, 1990; Бойчечак / Андижоннома. – 1992, 24 март; Бешиклар олиб келайин, алла. – Андижон, 1993; Ассалом, Наврўз! – Андижон, 1993; Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвистик поэтикаси масалаларига доир / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – Андижон, 1994. – Б.12–14; Ўзбек халқ қўшиқларида ўхшатиш / Мамлекеттик тил. Изилдениши жана окутулушу. – Ош, 1994. – Б.49-50; Халқ қўшиқларида экспрессемалар / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – Андижон, 1995. – Б.31-32; Халқ қўшиқларидаги сифатлашларнинг лисоний талқинига доир / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари – Андижон, 1996. – Б.48-50; Аския санъатида сўзнинг маъно товланишларига доир / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – Андижон, 1996. – Б.97-98; Қўшиқ бадииятининг мезони / Филологик изеништер. – Ош, 1997. – Б.45-47; Алпомиш бордир бу элнинг / Андижоннома. – 1999. – 22 октябрь; Ўзбек халқи қалбидаги хазина / Ас-сақафа. Дамашқ университети илмий журнали. – 1999. – 7-сон. – Б.25–26; Халқ қўшиқларида такрорий сифатлашлар // ТАТ. – 2000. – 1-сон. – Б.56-60; Марсияларда оналар фарёди // Санам. – Тошкент, 2000. – 10–11-сонлар. – Б.9; Гул-заминдаги жаннат дараги // Ёш куч. – Тошкент, 2000. – 11-сон. – Б.12–13; Нафис санъат дурдоналари // Машҳура. – Тошкент, 2000. – 6-сон. – Б.20; Ўзбек халқ қўшиқларида ўхшатишларнинг табиатига доир // ЎТА. – 2000. – 6-сон. – Б.32-34; Қўш устунли айвон // САУ – 2001. – 2-сон. – Б.18–19; Халқ қўшиқларида отлашган сифат метафоралар // ЎТА. – 2001. – 3-сон. – Б.55-58; Куйган юрак нидолари / ЎАС. – 2001, 21 июль; Оқ илон, оппоқ илон // ФТ. – 2001. – 5-6-сонлар. – Б.5; Уйғоқ руҳга эҳтиром. (Ҳ.Раззоқов таваллудининг 85 йиллигига) / Андижон университети. – 2001. – 15 апрель; Эртакчи бобонгиз / Тонг юлдузи. – 2002. – 4 январь; Халқ қўшиқларида аёллар психологияси талқини / Аёллар психологияси: анъанавийлик ва замонавийлик. – Тошкент, 2002. – Б.21–23; Муҳаббатдан яралган қўшиқ / Алла, алла, оппоғим. – Тошкент, 2002. – Б.3-4; Қўшиқнинг баҳоси эътироф / ЎАС. – 2002, 2 август; Алла, алла, оппоғим. – Тошкент: РОИАМ, 2002; Маънавият давралари. – Тошкент: РОИАМ, 2002; Қайнонажон, қайнона. – Тошкент: РОИАМ, 2002: Момом берган ўгитлар. – Тошкент: РОИАМ, 2002; Uber die nature der Bewertungen in den usbekischen Volksliedern (Ўзбек халқ қўшиқларида баҳоловчи сифатлашлар) / Zentol Asiatische Studien. Seminar fur Sprach-und Kulturwissenschaften. – Univ.rstat Bonn, 2003. – №32; Ўзбек халқ қўшиқларида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 2003. – 96 б.; Ташбеҳнинг бешинчи рукни // ЎТА. – 2003. – 1-сон. – Б.22; Ғафур Ғулом ва болалар фольклори / Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. – Андижон, 2003. – Б.32-34; Қўшиқнинг лингвопоэтик хусусиятлари // ЎТА. – 2003. – 4-сон. – Б.58-61; Ўзбек халқ қўшиқларида гул тимсоли // ТАТ. – 2003. – 4-сон. – Б.57-61; Ёр-ёр айтсанг, бери кел! / Соғлом авлод. – 2004. – 10-сон. – Б.10–11; Оқ юзингга ойнаман // Гулистон. – 2004. – 1-сон. – Б.19; "Ғарийб қисса эрур ишкким..." / ЎАС. – 2004, 13 январь; Нафосат олами / Хумо. – 2004, 11 март; Тугуннинг сири / Хумо. – 2004, 18 март; Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2005; Оламга

татигулик руҳий мулоқот // САУ. – 2005. – 3-сон. – Б.6-7; Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фанлари докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Халқ қўшиқларида сўз сеҳри / ЎФМ. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2006. – Б.48-53; Она алласида маънавият сабоқлари / Миллий ғоя – бизнинг ғоя. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Андижон: 2006; Оиланинг суянган тоғи /Соғлом авлод, 2006, 23 май; Устоз очган чоғир сўқмоқлар (Ҳ.Раззоқовнинг 90 йиллигига) / Андижон ёшлари. – 2006, 25 май; Аллаларда оиланинг оппоқ орзуси. – Тошкент: РОИАМ, 2009; Оила маънавиятини юксалтиришнинг муҳим йўналиши / Оиланинг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2009. – Б.40-42; Хонадон оҳанрабоси / Оила ва жамият. – 2009, 16 апрель; Алла уйи / Гулчеҳралар. – 2009, 15 апрель; Алланинг ўз уйи бўлсайди / Қизбиби. – 2009, 4 май; Оиланинг олтин кўрғони / Оила ва жамият. – 2009, 14 май; Фарзандлар руҳиятини тарбиялашда аллаларнинг роли / Назарий ва амалий психологиянинг илмий масалалари. – Андижон, 2009. – Б.93; Аждодлардан мерос қадрият / Мардонова Г. Фарзандингизга ўгитлар. – Тошкент, 2009. – Б.3-5; Оналарнинг сеҳрли қўшиғи / Ҳуррият. – 2010, 20 январь; Эртак / Тарбия (энциклопедия). – Тошкент, 2010. – Б.494-496; Алла жоннинг роҳати / Колыбельная – души отрада (Халқ аллаларидан намуналар). – Toshkent: Chashma print, 2010. – 16 b.; Топишмоқ / Тарбия (энциклопедия). – Тошкент, 2010. – Б.494-496; Laylası şəkər balam; Allasi shakar bolam; Колыбельная как сахар (Озарбайжон халқ аллаларидан намуналари 3 тилда). – Тошкент: Chashma print, 2011. –16 б.; Алла қушиғи / Қизлар энциклопедияси. – Тошкент: Ipak yo'li poligraf, 2016. – Б.8; Оиланинг олтин қомуси / Водий гавҳари. – 2015. – 1-сон; Эгиз мўъжиза учун алла. – Тошкент. 2015. – 32 б.; Алла – фарзанд учун илк тинчлантирувчи муолажа / Ташхис. – 2015. – 39-сон; Эртаклар яхшиликка етаклар / Тасвир. – 2015. октябрь; Бизни эзгуликка чорлайди Наврўз / Водий гавҳари. – 2016. – №11-сон, 17 март; Наврўзингиз муборак, азиз замондош! / Тасвир. – 2016, 17 март; Ирим – исботи йўқ ишонч, эътиқод / Тасвир. – 2016, 6 апрель; Она-ю бола – гулу лола. – Тошкент: "Nihol print", 2016. – 28 б.; Халқ қўшиқларида сўз сеҳри / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.446-453; Она



алласи – оиладаги муҳим маънавий қадрият / Соғлом ва фаровон оилани ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий-демографик муаммолари. – Андижон, 2019. – Б.21–24; Озарбайжон тилидан алла қўшиқлари таржимасига доир / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2020. – Б.18–21.

*Ад.*: Мунаввара Ёқуббекова / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.446.

## Ботир МАТЁҚУБОВ

*(1953 йил 12 январь, Хива шаҳри)*

Хоразм достонларининг мусиқий табиатини тадқиқ этган Ботир Матёқубов 1968–1972 йилларда М.Харратов номидаги Урганч мусиқа билим юртида, 1972–1978 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг оркестр ижрочилиги факультетида ўқиди. 1978–1982 йилларда Урганч мусиқа билим юртида ўқитувчи, 1983–1989 йилларда Хоразм вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида мусиқа-эстетика кабинети мудири лавозимида фаолият юргизди. 1990 йилдан бошлаб Маданият ишлари вазирлигининг Республика методика хонасида услубчи ва 1993 йилнинг апрелидан методик хона Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика марказига айлантирилгандан кейин у ерда олий даражали мутахассис сифатида ишлай бошлади. 1996–1997 йиллар вазирликнинг Фан, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи вазифасида фаолият юргизди. 1997–2000 йилларда Маданият ишлари вазирлиги Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика Маркази директори, 2000–2001 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг маъсул ходими вазифасида ишлади. Айни пайтда Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юрти директори лавозимида жамоага раҳбарлик қилмоқда. 1996 йилда "Хоразм достонларининг мусиқий хусусиятлари" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Б.Матёқубов Хоразм воҳаси бахшилари репертуаридан ўрин олган "Авазхон", "Бозиргон", "Хирмондали", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достонларининг тўлиқ матнини ёзиб олди ва бу асарларнинг ижроси пайтидаги мусиқасини нота ёзувига туширди. 2009 йили "Достон наволари" номли мажмуада "Авазхон", "Бозиргон (Базирён)", "Хирмондали", "Ошиқ Маҳмуд", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" каби достонларни насрий, назмий, мусиқий-нота матнлари ва аудио диск ёзувлари билан биргаликда чоп эттирди. У Мулла Бекчон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзодаларнинг "Хоразм мусиқий тарихчаси" (Тошкент: "Ёзувчи", 1998) китобига муҳаррирлик қилди.

***Ас.***: Сувора / ХҲ. – 1980, 24 май; Комил Хоразмий / ХҲ. – 1985, 20 февраль; Руҳият озиғи / ХҲ. – 1986, 20 август; Меросни асраш ўз қўлимизда / ХҲ. – 1987, 4 август; Яна мақом хусусида / ХҲ. – 1989, 19 октябрь; Америкадан достон излаб… / ХҲ. – 1990, 8 июнь; Достон ва достончилар // Гулистон. – Тошкент, 1995. – 4-сон; Достон ва бастакорлик ижодиёти / Традиции и новаторство в искусстве Центральной Азии: история и современность. – Ташкент, 1995; "Эй дўмбирам гажакдор" / ЎАС. – 1995, 21 июль; Достонларнинг мусиқий хусусиятлари / Мусиқа ижоди масалалари. 1. – Тошкент, 1997; Бахшилар санъати / Шарқ тароналари. Халқаро фестивал йўлдоши. – Самарқанд, 1997; Достончилик муштараклиги / Ишонч. – Тошкент, 1998, 17 март; Хоразм достон ижрочилигининг зархат саҳифалари. – Тошкент, 1999; Ожиза наволари / ХФ. II-жилд. – Урганч, 2000; Эй дўмбирам гажакдор / Boysun bahori. Мақолалар тўплами. – Бойсун, 2002; Достон ва мақом / Шашмақом сабоқлари. – Тошкент: Мусиқа, 2005; Барҳаёт наволар / ЎАС. – 2006, 25 ноябрь; Бахшилар куйлаганда // Театр. – Тошкент, 2007. – 1-сон; Достон наволари. Илмий нашр. – Тошкент: Мусиқа, 2009; Ўзбек достонларининг мусиқий хусусиятлари / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.454-464.

***Ад.***: Ботир Матёқубов / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.454.



## Қўшмурод БЕКНАЗАРОВ

*(1954 йил, Қўшрабод тумани – 2020 йил, 20 июль, Тошкент шаҳри)*

Қўшмурод Бекназаров 1972 йилда Тошкент маданият билим юртини, 1982 йилда Тошкент давлат маданият институтини тамомлаган. 1982–1998 йилларда Тошкент давлат маданият институтида ўқитувчи бўлиб ишлаган. Ҳозирги пайтда Тошкент давлат молия институти Тиллар кафедрасида доцент лавозимида ишламоқда. 1994 йилда "Ўзбек халқ маиший эртаклари (ўрганилиши, таснифи ва поэтикаси)" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

У ўзбек халқ маиший эртакларининг ёзиб олиниши, нашр қилиниши ва илмий ўрганилишига доир барча манбаларни жамлаб, таҳлил қилган. Бу типдаги эртакларни таснифлаган ва уларнинг ўзига хос образлар силсиласи ҳамда сюжет қурилишига доир қизиқарли илмий қарашларни илгари сурган.

***Ас.***: Халқ қўшиқлари жовони. Методик тавсиянома. – Тошкент, 1992; Тоғдан ошган дўмбирам / ХС. – 1992, 13 май; М.Муродов илмий ижоди ва ўзбек халқ эртаклари таснифи / ЎХДС. – Тошкент, 1993; "Қирқ ёлғон" эртаги ёлғонми ёки ўзига хос ҳақиқатми? / Халқ ижодиёти масалалари. – Тошкент, 1993; Фольклоршунос Ғ.Жалолов ижодига бир назар / Келажак тонги. – Тошкент, 1993, 30 ноябрь; Ўзбек халқ маиший эртаклари (ўрганилиши, таснифи ва поэтикаси): Филол. фанлари номз. фисс. автореф. – Тошкент, 1994.

## Актам Сапаров

*(1954 йил 6 июль, Хатирчи тумани)*

Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларини рус тилига қилинган таржималарининг тадқиқотчиси Актам Жўраевич Сапаров 1971 йилда Хатирчи туманидаги 7-сон умумтаълим мактабини, 1976 йилда Тошкент давлат университети рус филологияси факультетини тамомлаган. 1977–1979 йилларда "Ўқитувчи" нашриётида корректор

бўлиб ишлаган. 1979–1980 йилларда Тошкент маданият институтида лаборант, 1980–1985 йилларда рус тили кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, 1985–1997 йилларда "Болалар адабиёти" кафедраси катта ўқитувчиси, доценти лавозимида фаолият кўрсатди. 1997–2005 йилларда Тошкент давлат аграр университети тиллар кафедрасида доцент лавозимда ишлаган. 2005 йилдан ҳозирга қадар Тошкент молия институти ўзбек ва хорижий тиллар кафедрасида доцент лавозимда фаолият олиб боряпти. 1989 йилда "Ритм узбекских народных дастанов и проблемы его воссоздания на русском языке" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

А.Ж.Сапаров Эргаш Жуманбубул ўғли ижодига мансуб достонлар маромининг ўзига хос хусусиятларини рус тилида акс эттириш муаммоларини, бармоқ ва рус метрик тизимларининг маром имкониятларини фольклор асарлар аслияти ва таржималари мисолида тадқиқ қилган. Ҳозирги кунда у "Ўзбек фольклори асарларини рус тилига таржима қилишда миллий колоритни тиклаш тамойиллари" мавзусида докторлик тадқиқотни якунлаган. Илмий ишда ўзбек фольклори асарлари бадиий таржималарининг манбалари, ривожланиш тарихи, миллий колоритни тиклаш тамойиллари, таржима жараёни билан боғлиқ метаболик тизимнинг ўзига хос хусусиятлари, полиритмия ва эквиполиритмия ҳодисаларини қиёсий-таққосий ўрганиш, шунингдек уларнинг муҳим, аммо кам ўрганилган жиҳатларини тарихий-фольклористик, поэтологик ёндашув асосида кенг тадқиқ этилган. Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти томонидан тайёрланаётган "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлик академик нашрига ёзилган резюмеларни рус тилига таржима қилишда иштирок этган. У бир қатор ўзбек халқ эртак ва бадиий асарларни рус тилига таржима қилган.

А.Сапаров ўзбек халқ достонларини рус тилига таржима қилиш мезонлари, эпоснинг миллий ўзига хослиги ва уни таржимада сақлаш, ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларини рус тилига ўгирган таржималар ижодиёти масалалари билан шуғулланади.

***Ас.***: Некоторые лексикологические вопросы русского перевода узбекских народных дастанов // АДМ. – 1987. – 3(41)-сон; Ритм дастанной прозы и проблемы перевода // АДМ. – 1988. – 3(46)-сон; Ритм узбекских народных дастанов и проблемы его воссоздания на



русском языке. АКД. – Ташкент, 1988; Бирлашган узар. В дружбе – сила. Узбекские народные сказки (перевод А.Сапарова). – Ташкент: Укитувчи, 1990. – 45 с; Лексикологические проблемы переводов узбекских народных дастанов / ЎХДС. – Тошкент, 1993; Таржима ва маром // ЎХДС. – Тошкент, 1993; Ўзбекча-русча-инглизча нутқ этикети. – Тошкент, 1999; Стилистические особенности поэтической фразеологии и проблемы перевода // ПЯЛ. – 2000. – №3. – С.25-31; Проблемы перевода и языкового обучения / Материалы республиканской межвузовской научно-практической конференции – Ташкент, 2001. – С.125–127; К вопросу об истории переводов узбекского фольклора // Материалы межвузовского семинара Ташкентского юридического института. – Ташкент, 2003. – С.57-61; Узбекские народные сказки (перевод и комментарии А.Сапарова). – Ташкент: Укитувчи, 2003. – 37 с.; Наботот ва ҳайвонот оламига оид ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2006 (ҳамк.); Звукопись народной поэзии и проблемы ее воссоздания в переводе / Материалы ежегодных Виноградовских чтений в Узбекистане. – Ташкент, 2007. – С.181–184; Ритм узбекских дастанов и проблемы его воссоздания в переводе // ПЯЛ. – 2008. – №4. – С.59-63; Проблемы передачи в переводе числительных узбекских народных сказок // ФМ. –2008. – 2-сон. – Б.64-68; Из истории перевода произведений узбекского фольклора на русский язык // ПЯЛ. – 2009. – №5. – С.67-72; О переводах произведений узбекского фольклора // Ўзбекистон матбуоти. – Тошкент, 2009. – №5. – С.88-89; Пространственно-темпоральные значения числительных в народных дастанах и проблемы их передачи в переводе // ФМ. –2009. – 1-сон. – Б.61-65; Русские переводы произведений узбекского фольклора // ИС. – 2009. – 2-сон. – С.76-79; Общетюркская поэзия и вопросы перевода / Материалы международной научно-практической конференции. – Чимкент, 2009. – С.229- 231; Вопросы перевода узбекского фольклора на русский язык / Материалы ежегодных Виноградовских чтений в Узбекистане. – Ташкент, 2009. – С.357-359; Паремия как объект перевода / Сборник научно-методических статей. – Ташкент, 2017. – С.128–131; О проблеме восссоздания ритма речи персонажей в переводе / Сборник научно-методических статей. – Ташкент, 2017. – С.131–136; К проблеме перевода произведений узбекского фольклора на русский язык // Ўзбекистонда хорижий

тиллар.– 2019. – №3. – С.131–139; К вопросу перевода фольклорных произведений / Культурология, искусствоведение и филология: современные взгляды и научные исследования. № 6 (33). – М., 2020; Особенности национального колорита и художественный перевод / Современное научное знание: теория, методология, практика. – Смоленск, 2020; Проблемы воссоздания ритма устной поэзии в переводе // Eastern European Scientific journal. – Берлин, 2020. – №1; Сапаров А.Дж. Истоки и становление перевода произведений узбекского фольклора на русский язык // Вестник науки и образования. – М., 2020. – № 9. – С.42-45.

## Аббос ТУРСУНҚУЛОВ

*(1955 йил 14 март, Бахмал тумани, Лойқа қишлоғи)*

Фольклоршунос олим Аббос Турсунқулов 1971–1975 йилларда С.Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиган. 1975–1977 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи лаборанти, 1977–1979 йилларда Қўлёзмалар институти Фольклор бўлимининг кичик илмий ходими, 1979–1987 йилларда катта илмий ходими бўлиб ишлаган. 1987–1988 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимининг катта илмий ходими бўлган. 1989 йилдан Тошкент Қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент давлат Аграр университети)нинг тайёрлов бўлими ўқитувчиси, Кутубхона директори, Ўзбек ва рус тиллари кафедраси мудири, ҳозир Жиззах педагогика институти доценти. Жиззах давлат педагогика институти Асосий кутубхонаси директори вазифасида фаолият олиб борган. 1985 йилда "Ўзбек фольклорида биографик ва автобиографик асарлар ҳамда уларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

А.Турсунқулов ўзбек бахшилари репертуаридаги "Кунларим" термасининг ўзига хос хусусиятлари, автобиографик ва биографик термаларнинг жанр хусусиятлари, поэтикаси ва образлар силсиласини ўрганган. ЎзР ФА Қўлёзмалар институти Фольклор фондида сақланган материалларни тасниф қилишда, достон ва эртаклар каталогини тузишда иштирок этган. 1976–1987 йилларда Қўлёзмалар институтининг фольклор экспедицияси аъзоси сифатида республикамизнинг барча вилоятларида сафарда бўлган. Чори Хўжамберди ўғлидан "Эрка қиз", "Гули қоқи", "Нуралининг туғилиши", "Дилором", "Маҳмудхон полвон", Алим Ҳаққуловдан "Кунтуғмиш ва Холбека", "Гулрухора", Мамай Эргашевдан "Авазнинг Машғулойга бориши", Норқул Рўзимурот ўғлидан "Мастбачча ва Ойпарча", Сирлибой Тангировдан "Аваз ўғлон ва Юлдуз пари" достонларини ва бир қанча термаларни ёзиб олган. Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш республика жамиятнинг Самарқанд (1987) ва Хоразм (1988) фольклор экспедицияларида иштирок этган.

*Ас.*: Кунларим достонида бахши-шоир образи // АДМ. – 1977. -7-сон; Ўзбек фальклорида автобиографик достонлар // АДМ. – 1977. – 9-сон; "Дўмбирам" термаси ҳақида // АДМ. – 1978. – 10-сон; Бобом ҳақида (Эргаш Жуманбулбул ҳақида) / ЎМ. – 1978, 18 июль; Соз ва сўз билимдони / ЖҲ. – 1978, 9 декабрь; Биографик термалар ҳақида // АДМ. – 1978. – 22-сон; Тадқиқотдаги илмий нафислик (М.Қўшмоқовнинг "Чечанликда сўзга сувдайин оқиб" китоби ҳақида) / ЖҲ. – 1979, август; Эргаш шоирнинг "Таржимаи ҳол" достони ҳақида // АДМ. – 1981. – 2(18)-сон; Бахшиларнинг сафар таассуротлари // АДМ. – 1982. – 2(22)-сон; Қўшиқ айтган етар муродга (Фозил Йўлдош ўғли ҳақида) / ҚҲ. – 1982, 11 сентябрь; Фольклор асарларини ёзиб олиш методикаси. Методик қўлланма. – Тошкент, 1982; Автобиографик достонларнинг жанр хусусиятлари // ЎТА. – 1983. – 3-сон; Тарихий достонларда бахши-шоир образи // АДМ. – 1984. – 4-сон; Фозил шоирнинг автобиографик термаси // АДМ. – 1984. – 1-сон; Бахшиларга бағишланади / ТҲ. – 1984, 17 февраль; Биографические и автобиографические произведения в узбекском фольклоре и их идейно-художественные особенности. АКД. – Ташкент, 1985; Ўзбек халқ достонлари каталоги. – Тошкент, 1986 (ҳамк.); "Муродхон" достонида олма рамзи / ЖДПИ тўплами. – Жиззах, 2016; Ўрта таълимда халқ оғзаки ижодини ўрганиш (ўқув қўлланма). – Тошкент, 2017; Автобиографик достонларнинг жанр хусусиятлари / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston

milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.465-470; М.Юсуфнинг “Қизил олма” шеъри ва халқ қўшиқлари / Ўзбек фольклорининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2018. – Б.23–25; “Алпомиш” достонининг тўлиқ нашри / Филологиянинг умумназарий масалалари. – Тошкент, 2020. – Б.81-85.

***Ад.***: Аббос Турсунқулов / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.465.

## Исомиддин ЁРМАТОВ

(*1956 йил 5 апрель, Оҳангарон тумани Қорасувёқа қишлоғи*)

Оҳангарон водийси халқ ижодининг йирик тадқиқотчиси Исомиддин Турғунович Ёрматов 1973–1977 йилларда Тошкент вилоят давлат педогогика институтининг филология факультетида, 1984–1986 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасида ўқиган. 1977–1979 йилларда Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги М.Уйғур номли 30-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1983–1987 йилларда Тошкент вилоят давлат педагогика институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида ўқитувчи, 1987 йилдан эса доцент сифатида дарс берган. Кўп йиллар мобайнида мазкур институти Ўзбек филологияси факультетига раҳбарлик қилган. Ҳозирги кунда Ангрен шаҳридаги ихтисослашган академик лицей раҳбари.

И.Ёрматов ўзининг дастлабки тадқиқотларида фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари, ҳозирги ўзбек шеъриятидаги фольклоризмлар типологияси ва ўзбек адабиётининг тараққиётида халқ ижодиётининг ўрни масаласини ўрганган. У Мирмуҳсин, Туроб Тўла, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон каби шоирлар қаламига мансуб асарларнинг фольклордаги замини масалалари тадқиқ этиб, 1985 йилда “Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризмлар типологияси” мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Олим ўзбек фольклоршунослигининг муҳим назарий муаммоларидан бири – қаҳрамонлик эпоси поэтикасини ўрганиш борасида ҳам жиддий натижаларга эришган. У ўзининг “Алпомиш” достони поэтикасига доир тадқиқотларида бадиий воситаларнинг эпик матндаги вазифалари ва ўзига хос маъно ташиш хусусиятларини кенг ёритган. 1994 йилда “Алпомиш” достони поэтикаси” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.



И.Ёрматов 1983–2000 йилларда Тошкент вилоят давлат педагогика институти Филология факультети талабаларининг фольклор экспедициясига раҳбарлик қилган. У Оҳангарон воҳаси аҳолисининг қадимий фольклор анъаналарига доир материалларни тўплаш жараёнида, айниқса, маросим фольклори, ирим-сиримлар, афсона ва ривоятларни ёзиб олишга алоҳида эътибор берган. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг 1983 йилда Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудлари бўйлаб ўтказган фольклор экспедициясида ҳам фаол иштирок этган.

Илоқ воҳасининг тарихи, этнографияси ва маданий анъаналари, бу ҳудуднинг табиий-жўғрофий ўзига хослиги, шу ерлик аҳолининг тили ва топонимикасига доир кенг кўламли илмий изланишлар олиб борган Исомиддин Ёрматов “Илоқ тарихи” (2005), “Юқори Оҳангароннинг табиати, тарихи ва маданияти” (2008), “Қорасув ёқалаб” (2010), “Саодат водийси” (2014) каби монографиялар муаллифидир.

**Ас.**: Фольклорларнинг типологик хусусиятлари ҳақида // ЎТА. – 1982. – 2-сон. – Б.54-59; Фольклоризмнинг бир кўриниши хусусида // ЎТА. – 1984. – 3-сон. – Б.31-35; Стилизация характеридаги фольклоризмлар // ЎТА. – 1984. – 3-сон. – Б.31-35; Ҳозирги ўзбек шеъриятидаги синтезлашган фольклоризмлар // ЎТА. – 1985. – 2-сон. – Б.35-39; Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60–е и начало 80-х годов). АКД. – Ташкент, 1985; Афсоналар ҳақида қўшиқ // Гулистон. – 1986. – 9-сон; Соҳиллар шукуҳи. – Тошкент: Ёзувчи, 1990; Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадияти. – Тошкент: фан, 1994; Илоқ тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2005; Оҳангарон водийси ўзбекларининг этник хусусиятлари ва фольклори. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010; Эпик тафаккур идроки // ЎФМ. 4-китоб. – Тошкент, 2011. – Б.93-98; Саодат водийси. – Тошкент: Наврўз, 2013; Некоторые проблемы древнейшей истории

народов Среднего правобережья Сырдарьи. – Ташкент: Навруз, 2013 (ҳамк.); Оҳангарон водийси жой номларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Наврӯз, 2016; Ўзбек халқ ирим айтимларининг жанр хусусиятлари / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.471-482; Қурама шеваси лексик бирликларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Наврўз, 2017. – 92 б.; Олмалиқ тарихи – Тошкент: Шарқ, 2012 (ҳамк.).

***Ад***: Исомиддин Ёрматов / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.471.

## Умрзоқ ЖУМАНАЗАРОВ

*(1956 йил 2 май, Бахмал тумани, Лойқа қишлоғи)*

Тарихий қўшиқ ва достонларнинг ўзига хос хусусиятлари, фольклор ва тарихий воқелик муносабати масалалари юзасидан кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борган заҳматкаш олим Умрзоқ Абдураззоқович Жуманазаров 1963–1973 йилларда Фозил Йўлдош ўғли номидаги №36-ўрта мактабда, 1973–1977 йилларда С.Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтида таҳсил олди. 1977–1979 йилларда шу институтнинг Тилшунослик кафедрасида лаборант-ассистент бўлиб ишлади. 1979–1984 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида лаборант, кичик илмий ходим вазифаларида хизмат қилди. У.А.Жуманазаров 1984 йилдан ҳозирги вақтгача Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида катта ўқитувчи, доцент, профессор, бошланғич таълим услубияти факультетининг декани ўринбосари, бошланғич таълим тил ва адабиёти кафедраси, шунингдек, бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедрасининг мудири лавозимларда фаолият кўрсатган. Ҳозирги кунда мазкур билим даргоҳида профессор сифатида ишламоқда.

Булунғур достончилик мактабининг эпик анъаналари гуллаб-яшнаган ҳудудда туғилиб, халқ ижодиётига меҳр қўйиб улғайган У.А. Жуманазаров Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, йирик фольклоршунос олим, профессор Т.Мирзаев илмий раҳбарлиги ва маслаҳатчилигида "Ўзбек халқ тарихий қўшиқлари (спецификаси, таснифи ва поэтикаси)" мавзуида номзодлик (1982), "Ўзбек тарихий фольклорининг жанрлари состави ва уларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари" мавзуидаги докторлик (1991) диссертациясини ҳимоя қилди. Ўзининг фольклоршунослик соҳасидаги изчил тадқиқотларини талаба ёшларга халқ ижоди бўйича чуқур билим беришдек шарафли иш билан қўшиб олиб борган олим 1986 йилда доцентлик, 1993 йилда профессорлик илмий унвонларини олишга муваффақ бўлди.

Истеъдодли фольклоршунос олим сифатида танилган У.А.Жуманазаров ҳозирга қадар 8 та монография, 12 та ўқув қўлланма, 18 та услубий қўлланма ва 240 дан ортиқ илмий, услубий ҳамда оммабоп мақолаларини эълон қилганлиги ҳам унинг ғоятда меҳнаткаш ва сермаҳсул ижодкор эканлигидан далолат беради. У ўзбек фольклорида тарихий қўшиқ жанрининг генезиси, структурал типлари ва таснифи, халқ бахшилари репертуарига таъсири, ғоявий-эстетик вазифа ва бадииятини ўрганишга доир фундаментал тадқиқотлари билан ҳаётий воқелик ва тарихий ҳақиқатнинг халқ ижодиётида поэтик акс этишини ёритишга катта ҳисса қўшди. Олимнинг "Жанговор йиллар халқ поэзияси" (1988), "Даъваткор халқ шеърияти" (1988), "Жасорат ва садоқат талқини" (1989), "Ўзбек халқ тарихий қўшиқлари" (рус тилида, 1989), "Қўшиқ: тарих ва ижод" (2007), "Тарих ва халқ ижодиёти бадиияти" (2007) каби илмий рисола ва монографияларида ўзбек халқ тарихий қўшиқларининг жанрий табиати, воқеликни бадиий акс эттириш тарзи ва поэтикаси масалалари атрофлича таҳлил қилинган. Олим қадимги туркий ёзма манбалардаги фольклор материалларини қиёсий тадқиқ этиш асносида тарихий қўшиқ жанрининг шаклланиши ва бадиий эволюцияси жараёнларини белгилашга ҳам муносиб ҳисса қўшган. Унинг бу йўналишда амалга оширилган илмий изланишларининг асосий назарий умумлашмалари "Ўзбек фольклори очерклари" уч жилдлигининг 1988 йилда чоп этилган 1-жилдининг "Тарихий қўшиқлар" номли фаслида ўз ифодасини топди. Олимнинг ўзбек халқ қаҳрамонлик қўшиқлари, достон ва тарихий қўшиқларининг қадимий алоқалари, анъанавий халқ тарихий қўшиқларининг бадиияти, вариантлари ҳамда тарқалишига оид мақолалари

ўзбек халқ қўшиқларининг ўрганилишида муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Маълумки, ўзбек халқ достонлари таснифотида "Ойсулув", "Тулумбий", "Шайбонийхон", "Ойчинор", "Маматкарим полвон", "Очилдов", "Тўлғаной", "Номоз", "Мардикор" каби тарихий эпос намуналари ҳам муҳим ўрин тутади. Ўтмишда бўлиб ўтган реал тарихий воқеликни тасвирлаш характери ва моҳияти жиҳатидан тарихий-қаҳрамонлик, тарихий-фантастик, тарихий-конкрет ва автобиографик достонларга бўлиб таснифланадиган ўзбек халқ тарихий эпоси бўйича йирик тадқиқотлардан бири ҳам У.А.Жуманазаров томонидан яратилган. У ўзининг "Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик" (1991), "Халқ тарихи саҳифаларини варақлаганда" (2006), "Эл суйган бахшининг эпик олами" (2007) сингари монографиялари ҳамда "Тарихий достон ва тарихий қўшиқ муносабатларига доир", "Достон ва тарихий воқелик", "Ўзбек халқ тарихий эпоси классик намуналарининг яратилишидаги манбалар", "Тарихий эпосни даврлаштириш масаласи ҳақида", "Тарихий эпоснинг турлари ва ҳозирги аҳволи", "Халқ эпосининг тарихийлиги ва тарихий эпос масаласи", "Ойсулув" – соф тарихий достон", "Тарихий достонлар" каби мақолаларида тарихий достонларнинг жанрий мансубиятини белгиловчи асосий мезонлар, тарихий эпоснинг таснифи ва тадрижий ривожи босқичлари, халқ бахшилари репертуарида тутган ўрни ва поэтикаси масалаларини кенг кўламда ўрганди.

Фольклоршунос олим У.А.Жуманазаровнинг илмий фаолиятида ўзбек халқ насрининг қадимий жанрлари афсона ва ривоятларни тўплаб, тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, афсона ва ривоят жанрларининг ўзига хос ҳамда фарқланувчи хоссаларини белгилашда олимнинг илмий концепциялари муҳим аҳамият касб этади. У қадимий мифологик тасаввурларнинг фольклорга таъсири, тарихий афсона ва ривоятларнинг юзага келиш манбалари, этнонимик ривоятларда этник жараёнларнинг акс этиши, реал тарихий сиймолар образининг халқ насридаги бадиий талқинига оид бир қатор мақолалар ёзди. Ўзининг оғзаки наср жанрларининг тарихийлиги масаласига доир илмий қарашларини "Тарих, афсона ва дин" (1989), "Халқ прозаси ва ижтимоий ҳаёт" (2006), "Топонимика ва халқ прозаси" (2005) каби китобларида



умумлаштирган У.А.Жуманазаров тарихий қўшиқ, достон, ривоят ва латифаларни тадқиқ этишни давом эттириб, ўзбек халқ тарихий фольклор жанрларининг генезиси ва бадиий ривожи қонуниятларини очишга хизмат қиладиган жиддий назарий масалаларни ўртага ташлади. Олимнинг амалга оширган илмий тадқиқот ишлари ўзбек фольклоршунослигида мавжуд материалларга янгича баҳо бериш, уларни яхлит бир тизим асосида таҳлил қилинганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уларга достон, ривоят, тарихий қўшиқ жанрлари таркибидаги ва уларнинг жанрий бир тури бўлган тарихий фольклор намуналари жалб этилган бўлиб, ўша жанрлар доирасидаги жанрий ўзига хосликларни ёритишга алоҳида эътибор берилган.

Фольклористик тадқиқотларни халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплашдек шарафли иш билан қўшиб олиб борган олим ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг Жиззах (1980), Бухоро (1981), Тошкент (1983) вилоятларига уюштирган фольклор экспедицияларида қатнашди. Жиззах давлат педагогика институти талабалари билан вилоятнинг Зомин, Фориш, Бахмал, Ғаллаорол туманларида бўлиб, халқ қўшиқларининг нодир намуналарини ёзиб олди. 1988 йилда олий ўқув юртлари филолог талабалари учун фольклор амалиётини ўтказиш юзасидан "Фольклор практикаси" номли илмий услубий қўлланма чоп этди. Шу билан бир қаторда, у халқ оғзаки ижодиёти ўрта мактабларда ўрганиш усулларига доир "Ўрта мактабда Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш" (1988) номли методик қўлланма ҳам яратди. Мамлакатимизнинг таниқли фольклоршунос олимлари билан елкама-елка туриб "Ўзбек халқ мақоллари"нинг икки жилдлик академик нашрини (1988) тайёрлашда фаол иштирок этди.

У.А.Жуманазаров илмий ишлар билан биргаликда олий ўқув юртларида ўқув-ўқитиш машғулотларини олиб бориш жараёнидаги ҳозирги замонавий педагогик технологик тамойилига асосланган илғор тажрибаларни амалиётда қўллашга ҳаракат қилган. Натижада, талабаларда янгича фикрлаш ва илмий дунёқарашини шакллантириш, билимларни эзгуликка хизмат қилиши тамойилларини сингдиришга, улар учун маъруза матнларни тайёрлашга, мустақил ишларга бевосита кўмак берадиган бир қатор ўқув ва услубий қўлланмаларни яратишга асосий эътиборини қаратиб кел-

моқда. Заҳматкаш олим фольклоршунослик соҳасида амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг энг янги ютуқлари ва натижаларини ўқув-педагогик жараёнга жорий этиш мақсадида “Ўзбек фольклорида тарихий қўшиқ жанри” (1987), “Тарихий фольклорнинг дастлабки намуналари (1987), “Ўзбек болалари ўйин фольклори” (1999, ҳамк.), “Топонимика ва халқ прозаси” (2005, ҳамк.), “Кичик ёшдаги болаларни тарбиялашда халқ қўшиқларининг ижтимоий-эстетик ва педагогик аҳамияти” (2006, ҳамк.), “Халқ прозаси ва ижтимоий тарихий ҳаёт” (2006), “Ўзбек халқ прозаси” (2006), “Болалар адабиёти ва фольклор” (2009, ҳамк.), “Халқ педагогикаси – халқ донолиги” (2010) сингари ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаб, чоп эттирди.

***Ас***.: Тарихий – қаҳрамонлик қўшиқлари // АДМ. – 1981. – 3(19)-сон. – Б.62-68; Қўшиқларда исёнкор тарих // Гулистон. – 1981. – 5-сон. – Б.28–29; Қўшиқларда қалб туғёни // Саодат. – 1981. – 10-сон. – Б.28; Достонми ёки тарихий қўшиқ? // ЎТА. – 1981. – 3-сон. – Б.30-34; Ўзбек халқ тарихий қўшиқлари // ЎТА. – 1981. – 5-сон. – Б.39-42; Дил қўшиқлари // ФТ. – 1981. – 12-сон. – 24–25; Халқ тарихий қўшиқлари // СМ. – 1981. – 10-сон. – Б.30-32; Узбекские народные исторические песни (жанровые особенности, классификация ва поэтика): АКД. – Тошкент, 1982. – 17 с.; Халқ сайли (Наврўз тарихи ва байрами ҳақида) / ЖҲ. – 1982. – 21 март; Тарихий қўшиқларнинг характери // СМ. – 1983. – 10-сон. – Б.63-64; Халқ қўшиқларида инқилоб тимсоли // СМ. – 1983. – 1-сон. – Б.7-8; Достонга нисбат берилган бир асар ҳақида // ЎТА. – 1984. – 5-сон. – Б.58-61; Ўзбек фольклорида тарихий қўшиқ жанри *(ўқув-услубий қўлланма)*. – Тошкент: ТошДУ, 1987. – 51 бет; Тарихий фольклорнинг дастлабки намуналари *(махсус курс учун ўқув қўлланма)* I-қисм. – Тошкент: ТошДПИ, 1987. – 88 бет; Ўзбек халқ мақоллари. I-жилд. – Тошкент: Фан, 1987. – 366 б.; 18,5 (ҳамк.); Урф-одат нима-ю, маросим нима? (Б.Саримсоқовнинг “Ўзбек маросим фольклори” китобига тақриз) / ЖҲ. – 1987. – 1 август. – Б.5 (Б.Соатов билан ҳамк.); Бир тақдир – икки қўшиқ // Саодат. – 1987. – 5-сон. – Б.12; Қўшиқ – халқ тарихи // Ёш куч. – 1987. – 11-сон. – Б.26–27; Ўзбек халқ мақоллари. II-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1988. – 371 б. (ҳамк.); Жанговор йиллар халқ поэзияси (*рисола*). – Тошкент: “Ёш



гвардия”, 1988. – 34 б.; Ўрта мактабда Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш *(ўқув-услубий қўлланма)*. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1988. – 40 б. (М.Саидов билан ҳамк.); Фольклор практикаси *(ўқув-услубий қўлланма)*. – Тошкент: ТошДУ, 1988. – 43 б.; Ўзбек тарихий-инқилобий фольклори (*махсус курс учун ўқув қўлланма)*. – Тошкент: ТошДПИ, 1988. – 90 б.; Даъваткор халқ шеърияти. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1988. – 82 б. Афсона ва ривоят жанрларининг ўзаро муносабатларига доир // ЎТА. – 1988. – 6-сон. – Б.29-34; Тарихий қўшиқлар // Ўзбек фольклори очерклари. Уч жилдлик. I-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1988. – Б.254–264; Тарихий достон ва тарихий қўшиқ муносабатларига доир // ЎТА. – 1988. – 3-сон. – Б.29-34; Тарихий қўшиқларнинг структурал типлари // СМ. – 1988. – №3. – Б.21–22; Дўмбира // СЎС. – 1988. – 4-сон. – Б.12–14; Ўзбек халқ тарихий қўшиқлари. – Тошкент: “Фан”, 1989. – 125 б.; Жасорат ва садоқат талқини. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 125 б.; Тарих, афсона ва дин. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1990. – 250 б.; Ўзбек тарихий ривоятларининг таснифи / ЖДПИ профессор-ўқитувчиларининг илмий анжумани материаллари. – Тошкент, 1989. – Б.24–26; Тарихий проза жанрларида воқеликнинг ифодаланиш хусусиятлари / Юқоридаги тўплам. – Б.26–27 (М.Жўраев билан ҳамк.); Халқ тарихий образларининг тарихийлиги ва уларнинг социал моҳияти масаласи / Юқоридаги тўплам. – Б.28; Ўзбек халқ афсоналарининг таснифи / ЖДПИ профессор-ўқитувчилари илмий анжумани материаллари. – Жиззах, 1989. – Б.120–122; Ўзбек тарихий қаҳрамонлик фольклорида миллийлик ва интернационаллик масаласи / Ўрта Осиё халқларининг этно-маданият масалалари. – Жиззах, 1989. – Б.21–23; Этнонимик ривоятларда халқ эпик тарихи / Юқоридаги тўплам. – Б.23–24; Сувга сиғиниш ҳақида айрим қайдлар // ЎТА. – 1990. – 4-сон. – Б.54-58; Сиёвуш ҳақидаги тарихий афсоналар. (образ эволюцияси ва манбалари) / Фан ва техника тараққиёти. – Тошкент, 1990. – Б.40-42; Ўзбек фольклорида тотемистик – мифологик персонажлар (Занги ота образи контекси ва манбалари мисолида) / Юқоридаги тўплам. – Б.47-49 (Г.Эргашева билан ҳамк.); Алишер Навоий ҳақидаги ўзбек халқ тарихий ривоятларининг манбалари ва поэтик эволюцияси / Юқоридаги тўплам. – Б.52-54 (М.Жўраев билан ҳамк.); Достон ва тарихий воқелик / Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари // Мақолалар

1983 йилда “Адабий мерос” журналининг 1-сонида чоп этилган “Қунтуғмиш” достонининг яратилишига доир” номли мақоласида Эргаш Жуманбулбул ўғли эпик репертуарида қайд этилган бу қадимий достон сюжетининг манбалари, шаклланиш тарихи ва бадиий эволюциясига доир қизиқарли илмий талқинларини илгари сурган эди. Шу боис, у ўзининг тадқиқотчилик фаолиятида ўзбек халқ эпоси, хусусан, “Гўрўғли” туркуми достонларининг образлар тизими ва анъанавий мотивлар таркибини ўрганишга алоҳида эътибор қаритиб келади.

Олимнинг “Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Ҳасан якдаста образлари ҳақида” (1995), “Гўрўғли” туркумидаги Аҳмад сардор образи хусусида” (1998), “Гўрўғли” номи хусусида” (2000), “Гўрўғли” туркумида Хизр образи” (2006), “Гўрўғли” достони ва қуёш топинчи билан боғлиқ тасаввурлар” (2011) сингари илмий мақолаларида бу туркумга мансуб халқ достонларининг композицион қурилишида муҳим ўрин тутадиган асосий персонажларнинг тарихий-генетик илдизлари ойдинлаштирилиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари атрофлича ёритилган. Ўзбек эпосшунослигида Ш.Турдимовнинг “Алплик тизими ҳақидаги тасаввурлар ва “Алпомиш” достони” (1998) ва “Гўрўғли” достонларида алплик тизими” (2007) номли мақолаларида илгари сурилган халқ достонларидаги “алплик тизими” ва унинг хусусиятларига доир илмий-назарий қарашлари алоҳида қизиқиш уйғотди. Шомонлик тизимидаги инициация (initiation) жараёнига билан қаҳрамон-алп образининг тадрижий босқичлари ўртасида ўзаро боғлиқлик ва муштараклик мавжудлигини аниқлаган олим ўзбек халқ эпосидаги “алплик тизими”нинг “бўлажак қаҳрамоннинг туғилмасданоқ “танланган”, яъни ҳомий эранлар назарида бўлиши”, “алплик дардига йўлиқиш “танланган” қаҳрамон ва “танловчилар”, яъни ҳомий эранлар ўртасида бевосита мулоқотнинг бошланганлигини билдириши”, “қаҳрамоннинг алплик куч-қудратига, билимига, сеҳрли хусусиятларига, белгиларига эга бўлиши”, “қаҳрамоннинг эранлардан алплик қурол-аслаҳаларни олиши”, “қаҳрамоннинг алп сифатида ўз куч-қудратини амалга намоён этиши ва халқ томонидан алп сифатида тан олиниши”, “қаҳрамонга ҳамкор жанговар отнинг ҳам алп босиб ўтган синов ва тоблаш жараёнларидан бир-бир ўтказилиши” каби асосий тамойилларини аниқлашга муваффақ бўлган.



Ш.Турдимов ўзининг халқ эпосида қадимий эътиқодларнинг акс этиши, “Гўрўғли” туркуми достонларининг образлар силсиласи, сюжет ва мотивлар таркибининг генетик асосларига доир тадқиқотларини “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари” (2011), “Этнос ва эпос” (2012), “Ҳикмат хазинаси” (2016) каби монографияларида умумлаштирди. 2011 йилда эса “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Фольклоршунос Ш.Турдимов ўзбек халқ достонларининг сюжетларини қиёсий таҳлил қилиш асосида собиқ Қўлёзмалар институти фольклор фондидаги материаллар асосида ўз ҳамкасблари “Ўзбек халқ достонлари каталоги”ни тузишда иштирок этган. Ўзбек халқ эртаклари, болалар фольклори намуналари ҳамда наврўз байрамини мадҳ этувчи ғазаллар, шеърлар ва халқ қўшиқларини тўплаб нашр эттирган. Наврўз байрамининг моҳияти ва унда ижро этиладиган халқ қўшиқларини ўрганди. Фольклоршунос олим Ж.Эшонқулов билан ҳамкорликда ўзбек фольклори ва ёзма адабиётидаги наврўзга бағишланган асарларни тўплаб, “Наврўз нашидаси: наврўз байрами билан боғлиқ қўшиқлар, ғазаллар, шеърлар” (2009) ва “Наврўз қўшиқлари: тадқиқот, мажмуа” (2010) каби китобларни чоп эттирди. Бундан ташқари, ўзбек мифологияси ва демонологияси, фольклор ва ёзма адабиёт, Қўрғон бахшиларининг халқ ижоди ва достончилик санъати ҳақидаги адабий-эстетик қарашлари, мақол ва чалдирмоқ жанрлари тадқиқига доир мақолалар ёзди. У ўзининг республика матбуотида мунтазам равишда чоп этилиб келаётган мақолаларида ўзбек фольклорининг маънавий-маданий тараққиётда тутган ўрни, миллий анъаналар ва урф-одатлар, халқ лирикасининг ўзига хос бадиий олами ва поэтик тимсоллари, халқ бахшиларининг бадиий маҳорати ва эпик репертуари, наврўз байрамининг миллий ва умуминсоний қадрият сифатидаги моҳиятини кенг тарғиб этиб келмоқда.

Ўз илмий фаолиятини ўқув-педагогик жараён билан чамбарчас боғлиқ равишда олиб борган Ш.Турдимов Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг “Халқ ижодиёти” факультети талабаларига “Фольклоршуносликка кириш”, “Бадиҳагўйлик санъати”, “Фольклор ва этнография”, “Халқ ижодиёти” фанларидан дарс берди. Алишер Навоий номидаги Тош-

кент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилгач, шу университетнинг "Фольклоршунослик ва диалектология" кафедрасини бошқариб, ўқув дастурлари ва режаларни шакллантириш, ўқув адабиётларини яратишдек машаққатли ишга катта ҳисса қўшди. Ҳозирда ана шу кафедра профессори сифатида талабаларга ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётидан сабоқ бериб келмоқда. У ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида тайёрланаётган "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигини тайёрлашда фаол иштирок этмоқда.

Шомирза Турдимов ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди материаллари асосида ёзган "Йўл бўлсин" бадиий фильмининг сценарийси учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига сазовор бўлган.

*Ас.*: Фольклор экспедицияси // ЎТА. – 1981. – 3-сон. – Б.77-78 (М.Туропова билан ҳамк.); Лирик қўшиқларда рамз // ЎТА. – 1981. – 2-сон; "Қунтуғмиш" достонининг яратилишига доир // АДМ. – 1983. – 1-сон. – Б.79-83: Ўзбек халқ лирик қўшиқларидаги хабарчи рамзлар ҳақида баъзи мулоҳазалар // АДМ. – 1984. – 3(31)-сон; "Рўмол" рамзининг семантикаси // АДМ. – 1985. – 3(34); "Ўрдагимиз қос ўлди" (халқ қўшиқлари ҳақида) // ЎАС. – 1985, 19 июль; Доро кўз – циклоп / ЎАС. – 1985, 6 июль; Ўзбек халқ достонлари каталоги. – Тошкент, 1986 (ҳамк.); "Рўмолимни тенг бўламан" (қўшиқларда рамз) / ЎАС. – 1987, 4 апрель; Ўзбек халқ қўшиқларида "том" рамзи // АДМ. – 1987. – 2(40). – Б.69-73; Бирнинг минг жилваси (қўшиқлар ҳақида) // Ёшлик. – Тошкент, 1987. – 5-сон; Ранго-ранг дунё (ўзбек лирик қўшиқларида оқ, қора, қизил рангларнинг поэтик табиати ҳақида) // Ёшлик. – Тошкент, 1987. – 8-сон. – Б.60-62; Ўзбек халқ лирик қўшиқларида поэтик рамз ва унинг функцияси: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1987; "Гўрўғли" достонларидаги Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон ва Ҳасан Якдаста образларининг тарихий илдизлари // ЎТА. – 1995. – 3-сон. – Б.35-41; Гўрўғли номи хусусида // ЎТА. – 2000. – 3-сон. – Б.62-65; "Якку-як" анъанавий қайтариғи ҳақида / Фольклоршунослик. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодига доир тадқиқотлар. 1-китоб. – Навоий, 2003. – Б.20–23; Кўклам билан баҳслашиб / Соғлом авлод. – Тошкент, 2004, 18–24 март; Меҳр ва барака байрами / Ҳуррият. – Тошкент, 2004, 19 март; Болалар ўйинла-



ри // САУ. – 2004. – 5-сон. – Б.17–20; Яхлит тизим излари // САУ. – 2004. – 4-сон; Фольклор ва журналистика – ижодий жўрнавозлик самаралари // Маърифат. – Тошкент, 2004, 7 сентябрь; Наманганнинг олмаси // Тил ва тафаккур. – Наманган, 2005. – 1-сон. – Б.25–26; "Гўрўғли" (мақола ва насрий баён) // Тил ва тафаккур. – Наманган, 2005. – 2-3-сонлар. – Б.23–25; "Гўрўғли" (насрий баён, давоми) // Тил ва тафаккур. – Наманган, 2005. – 4-5-сонлар. – Б.21–22; "Гўрўғли" туркумида Хизр образи / ЎФМ. 1-китоб. – Тошкент, 2006. – Б.53-59; Эпосшунос олим / Маърифат. – Тошкент, 2006, 4 март; Раҳматулла шоир куллиёти / ЎАС. – 2006, 24 ноябрь; Тимсоллар талқини / ЎАС. – 2007, 2 февраль; Бир тутам бойчечак // Жаннатмакон. – Тошкент, 2007. – 3-сон; Наврўз – қадимий байрам / Гулчеҳралар. – Тошкент, 2007, 18 март; Бола ижодкор // САУ. – 2007. – 1-сон; Элу юртнинг ризқ йўли // САУ. – 2007. – 1-сон; Фикр – бола, бола – ижодкор // САУ. – 2007. – 2-сон; Барҳаёт анъаналар // САУ. – 2007. – 6-сон; "Гўрўғли" достонларида алплик тизими / Ватанпарвар. – Тошкент, 2007, 28 сентябрь-5 октябрь; "Йўл бўлсин" (халқ қўшиқлари асосида сценарий) // САУ. – 2008. – 1,2,3-сонлар; Шоирни эслаб / ЎАС. – 2008, 23 май; Жаҳон ҳамжамиятида ўз юксак мақоми билан // САУ. – 2008. – 9-сон. – Б.2-3; Устоз – юксак маънавият тимсоли // САУ. – 2008. – 9-сон. – Б.2-3; Кулоллар сулоласининг яна бир вакили // САУ. – 2008. – 9-сон. Б.2-3; Кулоллар сулоласининг яна бир вакили // САУ. – 2008. – 9-сон. – Б.26–28; "Меҳржон" саховати // САУ. – 2008. – 9-сон. – Б.2-3; Яхши инсон унутилмайди // САУ. – 2008. – 9-сон. – Б.16; Халқ муроди куйланган достон // Миллий тикланиш. – Тошкент, 2008, 13 ноябрь; Мақол – халқ донишмандлиги // Соғлом авлод. – Тошкент, 2008, 20 ноябрь; Наврўз нашидаси. Наврўз байрами билан боғлиқ қўшиқлар, ғазаллар, шеърлар. Нашрга тайёрловчилар: Ш.Турдимов, Ж. Эшонқул. – Тошкент: Фан, 2009; "Қутадғу билиг" // Тафаккур. – Тошкент, 2009. – 3-сон; "Нафис чайқалади бир туп наъматак" // Тафаккур. – Тошкент, 2009. – 3-сон; "Қичқириқ тимсоллари" // Тафаккур. – Тошкент, 2009. – 3-сон; "Ўзбеклар" // Тафаккур. – Тошкент, 2009. – 3-сон; "Эпос и сказитель" // Тафаккур. – Тошкент, 2009. – 3-сон; Наврўз байрами // САУ. – 2009. – 3-сон; Қўлингдан келгунча чиқар яхши от // САУ. – 2009. – 5-сон; Табаррук бу айём / Ҳуррият. – Тошкент, 2009. – 12,13,14-сонлар (ҳамк.); Наврўз қўшиқлари (тадқиқот, мажмуа). – Тошкент: Ўзбекистон, 2010, 4.92 б.т. (ҳамк.); Фольклор – кино учун битмас хазина // Cinema magazine. – 2010. – декабрь – февраль;

Ҳамид Олимжон – фольклоршунос // САУ. – 2010. – №1. – Б.26–27; Шажара сабоғи // Тафаккур. – 2010. – №1. – Б.92–103; Қуёш гули / ЎАС. – 2010 – 19 март; Чалдирмоқ / ЎФМ. 2-китоб. – 2010; Тингланадиган адабиёт // Адабиёт тақвими. – 2010. – №2. – Б.53-55, 71-72; Ҳаёт абадийлиги байрами – наврўз / МТ. – 2010. – №3. – Б.5–16; Палакда фалак тимсоли // САУ. – 2010. – №5. – Б.26–28; Соқибулбул образи / ЎФМ. – Тошкент, 2010. – Б.167–174; Гўрўғли" достони ва қуёш топинчи билан боғлиқ тасаввурлар // ЎТА. – 2011. – №1. – Б.72-79; "Гўрўғли" эпосида Райҳон араб образи // ЎТА. – 2011. –№2. – Б.15–20; "Гўрўғли" достонидаги туғилиш мотивининг баъзи узвлари хусусида мулоҳазалар / ЎФМ. 4-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.98–107; Кўпкари // САУ. – 2011. – №2. – Б.16–18; "Гўрўғли" достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан, 2011. – 14. б.т.; Этнос ва эпос. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 5. б.т.; Ашула ашура эмас / ЎАС. – 2012. – №11(4150); Тотувлик, меҳр-муҳаббат байрами / Маърифат. – 2012. – 21-март; Ўзлигимиз тантанаси // Ҳуқуқ ва бурч. – 2012. – №3. – Б.36-40; Одамийлик, меҳр-оқибат ва ҳиммат байрам // САУ. – 2012. – №3. – Б.2-3; Асқартовлик Асқар / ЎАС. – 2012. – 13 апрель; Эзгуликка камарбаста (сўзбоши) / Ҳидоят Олимова. "Қизил олма" (эртаклар), Тошкент, Шарқ, 2012. – Б.3; Омонулла муаллим / ЎАС. – 2012. – 18 май (ҳамк.); Қўшиқ маъносининг калити (биринчи мақола) / Маърифат. – 2013. – 6 февраль. – №11; Лирик қўшиқларда рамз (иккинчи мақола) / Маърифат. – 2013. – 23 февраль. – №16; Хабарчи рамзлар (учинчи мақола) / Маърифат. – 2013. – 2 март. – №18; Пойгада ўзади ўзбекнинг оти / ЎАС. – 2013. – 15 март. – №15; Қизиқли бозор... (тўртинчи мақола) / Маърифат. – 2013. – 16 март. – №22; Боқий наврўз сабоғи / Оила даврасида. – 2013. – 21 март. – №12; Рўмолим бор, рўмолим... (бешинчи мақола) / Маърифат. – 2013. – 27 март. – №27; Сўзананинг сўзлари // Жаннатмакон. – 2013. – №3. – Б.37-43; Олма, олма дермусиз... (олтинчи мақола) / Маърифат. – 2013. – 4 май. – №36; Томга чиқдим толпиниб... (еттинчи мақола) / Маърифат. – 2013. – 7 июнь. – №46; Тоғдай таянч, суянчиқ... (саккизинчи мақола) / Маърифат. – 2013. – 22 июнь. – №50; Ўзбек анъанавий театри / ЎАС. – 2013. – 5 июль. – №27 (ҳамк.); Шафтоли шохи ларзон... (тўққизинчи мақола) / Маърифат. – 2013. – 6 июль. – №54; Тол барги толим-толим... (ўнинчи мақола) / Маърифат. – 2013. – 20 июль. – №58; Ранго-ранг олам... (ўн биринчи мақола) / Маърифат. – 2013. – 3 август. – №62; Қўшиқлар сабоғи (ўн иккинчи мақола) / Маърифат. – 2013. – 28 август. – №69; Бахшили эл – ботир эл / ЎАС. – 2013. – 26 июль. – №30; Чорбоғларда булбул овози / ЎАС. – 2014. – №9. – 28 февраль; Наврўз – эзгу тилак, орзулар байрами / Соғлом авлод. – 2014. – 20 март; Алпомиш ва Отабек / ЎАС. – 2014. – №15. – 11 апрель; Абдулла Қодирий ва фольклор // ЎТА. 2014. – №3. –Б 3-9; Чечаннинг оғзида қўшиқ ўйнайди // Тафаккур. – 2014. – №3. – Б.95–103; Қўрғон бахшиларининг халқ ижоди ва достончилик санъати ҳақидаги адабий-эстетик қарашлари / Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари. – Тошкент, 2014. – Б 279–282; Дониш чироғи ўчмагай // Тафаккур. – Тошкент, 2015. – 1-сон. – Б.3–12; Бахши эпос ижодкори ва ижрочиси / Сарҳад билмас дўстлик. – Тошкент, 2015. – Б.30-31; Шажара: тарих ва эпос / ЎФМ. 5-китоб. – Тошкент, 2015. – Б.18–23; Фольклор миллий тафаккур мўъжизаси / Туркистон. – 2015. – 28 апрель; Борса келмасдаги хазина // Тафаккур. – 2015. – №3. – Б.94–103; The main version of the epic "The birth of Gurugli" as a source of disclosure of epic genres / Proceedings. Folklore in Korea and Central Asia: Comparative Perspective. 2015. – С.21–23; Бир эртакдаги минг тилсим // Маънавий ҳаёт. – 2015. – №2. – Б.96–101; "Гўрўғли" достонлари сабоғи / Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари. – Тошкент, 2015. – Б.289–293; "Алпомиш"дан куч олиб / ЎАС. – 2016. – 19 февраль; Тинчлик, тотувлик, она табиатга муҳаббат айёми / Ишонч. – 2016. – 17 март; Асрлар оша янграётган оҳанглар / Соғлом авлод. – 2016. – 24 март; Наврўз – умумхалқ байрами / Педагог. – 2016. – №3(962)-сон. – Б.2-3; Тўкинлик ва тотувлик тантанаси // Фермер. – 2016. – №3. – Б.6-7.; Ҳикмат хазинаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 8. б.т.; Қаҳрамонлик эпосида алплик тизими / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.507-520; Ҳамал буржининг азиз меҳмони // Маънавий ҳаёт. – 2017. №1. – Б.16–21; Минг аскардан кучли бир аскар // Ёш куч. – 2017. №2. – Б.14–17; 207; Қалб томчилари / ЎАС. – 2018. – 8 март; Ҳар кунинг ўлсин наврўз // Ўзбекистон. – 2019. №1. – Б.28–29; Пуст каждый день будет Навруз // Ўзбекистон. – 2019. №1. Б.30-31; May your every day be Navruz // Ўзбекистон. – 2019. №1. – Б.32-33; Қадимий санъатнинг замонавий садоси // Гулистон. – 2019. №2. – Б.8-9; "Гўрўғли" туркумидаги етти тулпор / Бойсун моддий ва маънавий маданияти. – Тош-

кент, 2019. – Б.24–27; Воқеабанд қўшиқлар / Фольклор фани фидойиси. – Андижон, 2019. – Б.51-55; Гуллаётган тош // Маънавий ҳаёт. – 2019. №3. – Б.80-86; "Kalava"ning kalavasi // Yoshlik. – 2019. №8. – Б.50-53; Наврўз ўзликни англаш ва кашф этиш байрами // O'zbekiston. – 2020. 1-сон. – Б.74-79; Йилбоши – барака боши // Ҳуқуқ ва бурч. – 2020. 3-сон. – Б.2-7; Шом қизининг кўнгил парчалари // Yoshlik. – 2020. 3-4 (347)-сон. – Б.73-75.

***Ад.***: Шомирза Турдимов // ЎТА. – 2017 – 6-сон. – Б.113–117; Шомирза Турдимов / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.507.

## Шорустам ШОМУСАРОВ

*(1958 йил 17 октябрь, Тошкент шаҳри)*

Ўзбек ва араб фольклорининг қиёсий типологияси, араб халқ ижодининг жанрлар таркиби, араб эртакчилиги анъаналарининг туркий халқлар фольклорига таъсири масалаларини тадқиқ этган Шомусаров Шорустам Ғиёсович ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) Шарқ факультетининг 1982 йил битирувчиси. Шарқшунос-филолог-арабшунос, филология фанлари доктори, профессор. 1980–1982 Яманда малака оширувчи-таржимон; 1982–1983 йилларда шарқ факультетида ўқитувчи, катта ўқитувчи бўлиб ишлаган, орада 1985–1987 йиллар СССР ФА Шарқшунослик институти аспирантурасини тугатиб, "Макамы ал-Хамадани – памятник средневековой арабской прозы" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1988 йилдан яна ТошДУ Шарқ факультетида катта ўқитувчи, илмий ходим ва Тошкент давлат шарқшунослик институтида 1992–1993 йилларда доцент, Араб филологияси кафедраси мудири; 1993–1995 йилларда илмий ходим, 1995 йилдан илмий ишлар бўйича проректор лавозимларида ишлаган. 1999–2013 йилларда хорижий сафарда бўлган. 2015 йилдан Тошкент давлат шарқшунослик институти Араб филологияси кафедраси профессори, 2016 йилдан мазкур кафедранинг мудири сифатида ишламоқда.



Ш.Шомусаров қадимги араб фольклорининг жанрлар таркиби ва манбаларини аниқлаш мақсадида араб тилидаги ёзма ёдгорликларни тадқиқ этган. Араб фольклори жанрлари таснифини яратган, араб халқ эртаклари тўплами "Минг бир кеча" шаклланиш жараёни ва манбаларини ўрганган. Ислом дини ёйилиши натижасида араб халқ оғзаки ижоди сюжетлари ҳамда мотивларининг Марказий Осиё туркий халқлари фольклорига таъсирини ўрганган. Марказий Осиё ҳудудида истиқомат қилувчи арабларнинг тили, фольклори ва этнографиясига доир материалларни тўплаш мақсадида 1999–2011 йиллар мобайнида Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларининг араблар яшайдиган қишлоқлари бўйлаб бир неча марта фольклор экспедициялари ўтказган. Мазкур илмий сафарлари давомида тўпланган материаллар асосида араб фольклорининг бадиий эволюцияси ва тадрижий ривожига доир тадқиқот ишлари олиб борган.

Фольклоршунос Ш.Шомусаровнинг илмий тадқиқотлари орасида араб фольклорининг ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодига таъсири, жумладан, исломиятдан аввалги араб асотирларининг ўзбек мифологияси ривожида тутган ўрни, араб ва ўзбек мифологияси образлар силсиласининг қиёсий таҳлили, араб эртаклари жамланмаси "Минг бир кеча"нинг ўзбек эртакчилиги анъаналарига таъсири, араб ва ўзбек эртаклари сюжет тизимининг қиёсий типологиясига доир илмий ишлари алоҳида ўрин тутади. У фольклоршунос олим М.Жўраев билан ҳамкорликда ўзбек маросим фольклорининг нодир намуналаридан бири – "ё рамазон" қўшиқларини тўплаб, алоҳида мажмуа ҳолида чоп эттирган. Араб халқ эртакларини рус ва ўзбек тилларига таржима қилиб оммалаштирган. Ипак йўли минтақаси халқлари эртакларининг тўпламини тайёрлаган.

***Ас.***: Макамы ал-Хамадани – памятник средневековой арабской прозы: АКД. – М., 1988; Араб фольклори. – Тошкент, 1992. – 86 б.; Макамы ал-Хамадани – как памятник средневековой арабской прозы / Очерки средневековой арабской прозы. – Ташкент, 1993. – С.155–219; Произведения арабской народной литературы // МВ. – 1994. – № 3; Ибн Баттута саргузаштлари. Ҳиндистон ажойиботлари (ўқув қўлланма). – Тошкент, 1995; Книга 1001 ночи // МВ. – 1995. – №1–2. – С.135–138; Араб асотирлари ва Марказий

Осиё халқлари адабиёти / Халқ санъати. – Қоҳира, 1996. – №52. – Б.115–118 (араб тилида); Ўзбек адабиёти ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 1996; Арабская новеллистическая сказка (идеи образы) / Международная научная конференция. – Бишкек, 1996. – С.108–112; Происхождения вымысла (генезис жанра сказок и животных) // МВ. – 1996. – №1–2 – С.56-59; Позднесредневековый арабский книжный эпос // МВ. – 1996. – №1–2. – Б.82-85 (ҳамк.); Ўзбек мифологиясининг шаклланиш босқичлари ҳақида // ШМ. –1996. –№1–2.– Б.17–21; Ўзбек мифологиясининг юзага келиши ва унинг ўзбек фольклорига таъсири // ШМ. – 1996. – №1–2. – Б.48-52; Араб-ўзбек фольклор алоқаларининг ўзига хос хуссусиятлари // ЎТА. – 1996. – №4. – Б.38-44; Араб ва ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимининг қиёсий таҳлили // ЎТА. –1996. – №5. – Б.24–28; Араб-ўзбек фольклор алоқалари / Республика илмий коллоквиуми маърузалари тўплами. – Тошкент, 1997. – Б.125–127; “Асҳобул Каҳф” афсонаси сюжетнинг туркий версиялари // ЎТА. – 1997. – №1. – Б.37-45; Одам Ато ва Момо Ҳаво қиссаси // ФТ. –1997. – №3. – Б.26–27; Араб-ўзбек фольклор алоқалари / Республика илмий маърузалар тўплами. – Тошкент, 1997. – Б.225–227; Ўзбек ва араб фольклорининг қиёсий-тарихий таҳлили: Филол. фанлари док. дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Жанры средневековой арабской прозы. – Қоҳира: Ат-Турас, 1998 (араб тилида);; Минг бир кун қиссаси / “ал-Файсал”. – ар-Риёд (Саудия Арабистони), 1999. – №274. – Б.133–137 (араб тилида); Араб халқ ривоятлари мавзулари ва манбалари // ЎТА. – 2000. – Б.36 –38; Сравнительная типология арабских сказок со сказками среднеазиатских арабов. – Ал-Фейсал, 2001 – ар-Риёд (Саудия Арабистони (араб тилида); Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент, 2001 (ҳамк.); Улуғ ой умидлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2001. – 96 б. (ҳамк.); Ўрта Осиё араблари тили ҳақида мулоҳазалар / ЮНЕСКО журнали. – Доха, Қатар, 2001.– Б.19–23 (араб тилида); Ўрта Осиё араблари ва араб халқлари адабиётини қиёсий ўрганиш / “ал-Файсал”. – ар-Риёд (Саудия Арабистони), 2001. – Б.139–140 (араб тилида); Ўзбек ва араб фольклорининг қиёсий-тарихий таҳлили. – Тошкент, 2002; Сравнительно-типологическое изучение современных арабских сказок и сказок арабов Средней Азии // Восток. – М., 2003. – №1. –С.112–124; Ўзбек адабиёти тарихи. – ар-Риёд, Саудия Арабистони, 2004. – 434 б. (араб тилида); Об истоках тюркских народных легенд об обителях пещеры // Вестник КазГУ. – Алма-ата, 2007. – №2. – С.148–154; Темы арабских и тюркских народных мифов // Вестник АзГУ. – Баку, 2008. – №1. – С.141–150; Специфические особенности фольклорных связей тюркских народов Центральной Азии и среднеазиатских арабов // Восток. – М., 2009. – №1. – Б.124–132; Типология и взаимосвязь фольклора тюркских и арабских народов. – М.: Академкнига, 2010. – 304 с.; Араб ва туркий халқлари оғзаки ижоди: типология ва ўзаро таъсир. – ар-Риёд: Саудия Арабистони, 2012. – 398 б. (араб тилида); Слово о фольклоре: учебное пособие. 2-ое издание. – Тошкент, 2016. – 44 с.; Фольклоршуносликда қиёсий-типологик метод ва унинг ўзига хос хусусиятлари // Шарқшунослик. – 2017. – №7 (ҳамк.); Араб адабиёти тарихи (араб халқ оғзаки ижоди). – Тошкент, 2017; Араб ва туркий халқлар эртаклари сюжетининг қиёсий таҳлили // XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.521-533; Араб фольклорининг нутқий жанрлари / ЎФМ. 7-китоб. – Тошкент, 2018; Араб фольклори назмий жанрлари // Шарқшунослик. – 2018. – №1; Поэтика и типология арабской народной сказки. – Тошкент, 2019. 238 с.; Сказки народов “Великого шелкового пути” (сўзбоши муаллифи, тўпловчи ва шарҳлар: Шомусаров Ш., Абдуганиева Н.). – Тошкент, 2010. – 248 с.; Возникновение и развитие мифологии тюркских народов Центральной Азии // Востоковедение. – 2020. – №1; Поэтика арабских народных сказок. – Тошкент, 2020. – 320 с.

***Ад.:*** Шорустам Шомусаров / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.521.

**Бахтиёр ЭГАМҚУЛОВ**

*(1958 йил 9 сентябрь, Бекобод тумани )*

Эпик шеър тузилишига доир илмий ишлар муаллифи Бахтиёр Абдумавлонович Эгамқулов 1975–1976 йилларда Тошкент вилояти Бекобод тумани колхозлараро қурилиш бошқармасида қурувчи бўлиб ишлаган. 1976–1981 йилларда Тошкент вилоят давлат педагогика институти талабаси бўлган. 1981–1984 йилларда Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 25-ўрта мактабда ўқитувчилик қилган. 1984–1989 йилларда Тошкент вилоят давлат педагогика институтида "Рус тили ва ўқитиш методикаси" кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчи, 1989–2005 йилларда "Адабиёт ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси катта ўқитувчи, 2005–2009 йилларда "Бошланғич синфларда тил ва адабиёт" кафедраси мудири бўлиб ишлаган. 1994 йилда "Эпик шеър ва эпик синкретизм" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Унинг тадқиқотларида эпик шеър тузилишининг ўзига хос хусусиятлари ва эпик синкретизм масалалари ёритилган.

***Ас.***: Ўзбек халқ достонлари шеърий матнининг просодик табиати / Тилшунослик ва адабиётшуносликнинг баъзи масалалари. – Тошкент, 1994; Ибтидоий ижтимоий тараққиёт ва эпик шеър муносабати // ЎТА. – 1994. – №1; Халқ достонларидаги сочма нутқ хоссалари / Тилшунослик ва адабиётшуносликнинг баъзи масалалари. – Тошкент, 1994; Ўзбек халқ достонларининг айрим поэтик хоссаларига доир / Илмий-назарий конференция материаллари. – Ангрен, 1994; Эпик шеър ва эпик синкретизм: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Самарқанд, 1994; Ўзбек халқ достонларининг туроқланиш тизими / Институт профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий ва амалий-услубий анжумани материаллари. − Ангрен, 2005; Эпик шеър генезисида синкретик санъат унсурлари / Таълим тизимида инновацион технологиялар. − Тошкент, 2007; Болалар адабиёти ва фольклор. – Ангрен, 2007; Халқ достонларида бўғин тузилиши / Таълим – тарбияни такомиллаштириш йўллари ва воситалари. – Ангрен, 2010.



**Гавҳар ЭШЧАНОВА**

*(1959 йил 10 февраль, Гурлан тумани, Янгибозор қишлоғи)*

Хоразм достонларининг тадқиқотчиларидан бири Гавҳар Отажоновна Эшчанова 1976 йилда Гурлан туманидаги 36-сон умумтаълим мактабини, 1980 йилда Урганч педагогика билим юртини, 1986 йилда Бухоро давлат педагогика институтини тамомлаган. 1986–1989 йилларда Янгибозор туманидаги 9-сон умумтаълим мактабида ўқитувчи, ўқув ишдари бўйича директор ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган. 1993 йилда БухДУ "XX аср ўзбек адабиёти ва фольклор" кафедраси аспирантурани тугатган. 1993 йилдан УрДУ "Ўзбек адабиёти" кафедраси ассистент ўқитувчиси, 1994–1996 йилларда Филология факультети ўқув ишлари бўйича декан муовини, 1996–2000 йилларда "Ўзбек адабиёти" кафедрасида катта ўқитувчи, доцент, 2000–2005 йиллар Филология факультети ўқув ишлари бўйича декан муовини, 2005–2011 йиллар "Ўзбек адабиёти" кафедраси мудири, 2011–2014 йиллар кафедра доценти, 2018 йилдан ҳозирга қадар "Бошланғич ва мактабгача таълим методикаси" кафедраси доценти бўлиб ишламоқда. 1994 йилда "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достонининг вариантлари" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Г.О.Эшчанова "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достонининг ўзбек халқ бахшилари эпик репертуарида қайд этилган вариантларининг ўзига хос хусусиятлари, мазкур достон сюжетининг шаклланиш тарихи, асосий мотивлар таркиби ва образлар силсиласи, достон бадиияти ва бахшилар бадиий маҳорати масалаларини тадқиқ этган. Унинг илмий фаолиятида "Эдига" достонининг генезиси, сюжет тузилиши, бадиий эволюцияси ва поэтикасини тадқиқ этишга доир илмий ишлар ҳам салмоқли ўрин тутади. У тез айтиш жанрига мансуб фольклор асарлари тўплаб чоп эттирган (1995 йил). Профессор С.Рўзимбоев билан ҳамкорликда Хоразм "Гўрўғли" достонлари (2004 йил) ҳамда "Ошиқнома" туркумига мансуб достонларнинг 1-жилдини (2006 йил) нашрга тайёрлашда иштирок этган.

***Ас.***: "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достонининг Қодир бахши варианти // ЎТА. – 1993. 2-сон. –Б.53-59; Хоразмнинг халфалари

// АДМ. – 1993. №4. – Б.39- 41; Тез айтганга бир патир (Тез айтишлар). Нашрга тайёрловчи Г.Эшчанова. – Урганч, 1995; “Иброҳим Адҳам” достонининг асосий мотивлари // ЎТА. – 1996. 1-сон. – Б.35-37; Хоразм достонларида рамз / ФТТ. 1-том. – 1997. Б.8–10; “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонининг бадиий тили ҳақида / ХФ.1- том. – 1998. – Б.6–10; “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” – древнейший народный дастан / Вестник ККФ АН РУз. – 2000. №6-7. – С.98–100; ”Эдига” достонининг сўз қатлами хусусида / ФТТ.3-том. – 2000. Б.70-73; “Авесто” ва Хоразм фольклори / “Авесто” Ўрта Осиё халқлари маданияти тарихида. – Тошкент, 2001. – Б.27–28; Тюркские версии дастана “Ашык Гариб” // Вестник ККФ АН РУз. 2002. №2. – С.110–112 (ҳамк.); Турғун иборалар ва уларнинг Хоразм достонларидаги кўринишлари / ФИ. 2002. С.51-52; Рамзлар ва уларнинг “Эдига” достонида қўлланилиши / ФИ. – 2002. Б.54-56; “Тарихи мулуки ажам”да тарихий ва мифологик образлар / Алишер Навоий ва форс-тожик адабиёти. – Тошкент, 2002. Б.29-30; Ғафур Ғулом ва халқ оғзаки ижоди / Ғафур Ғулом – буюк адиб. – Урганч, 2003. Б.24–26; Халфачилик – қадимий аёллар санъати / Аёл ва жамият. – Урганч, 2003. Б.24–26; Хоразм достонлари ва аруз шеърий тизими ҳақида / ХФ. – 2003. Б.39-41; Қўркут ота китоби ва унинг “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонига муносабати / ХФ. – 2003. Б.41- 44; Хоразм достонларидаги от образининг мифологик асослари / ФИ. – 2003. С.28-31; Беруний ва фольклор. – Урганч, 2003 (ҳамк.); Хоразм достонларида эпитетларнинг қўлланилиш доираси / ФИ. – 2003. С.55-57; Хоразм достонларининг бадиияти / ФТТ. Б.86-90; К вопросу композиция Хорезмских дастанов // Вестник ККФ АН РУз. – 2003. – №5. –С.56-58; Рамзлар ва уларнинг Хоразм достонларида қўлланилиши // ИС. 2004; “Асил ва Карам” достонининг композицион хусусияти / ХФ. – 2004. Б.36-39; Хоразм достонларида Хизр образи ҳақида / ФИ. 8-том. – 2004. Б.8- 10; Антитеза ва унинг “Асил ва Карам” достонида қўлланилиши / ФИ. 8- том. – 2004. Б.8–10; “Асил ва Карам” достони хусусида / Бадиий тафаккур ва адабий жараён. – Тошкент, 2004. Б.20–22; “Гўрўғли” (Хоразм достонлари). Нашрга тайёрловчи. – Урганч, 2004 (ҳамк.); “Ўтган кунлар”романига халқ оғзаки ижодининг таъсири / ФТТ. – 2004. Б.49-51; “Гўрўғли” эпосининг нашри ҳақида сўнг сўз / Хоразм достонлари. – Урганч, 2004 Б.422



(ҳамк.); “Эдига” рус шарқшунослари талқинида // ИС. – 2004. Б.72- 73; Тарлон – Ғиркўк ва Бойчиборлар авлодининг давомчиси / ХФ. – 2005. Б.38-40; Своеобразие портретной характеристики образов дастанов // Вестник ККФ АН РУз. – 2005. №3. С.168–169; Из истории изучения дастана “Эдиге” // Вестник ККФ АН РУз. – 2006. – №4. С.105–107; Ошиқнома. 1-китоб. С.Рўзимбоев, Г. Эшчанова ва бошқалар). – Урганч, 2006; “Едиге” қорақалпоқ фольклоршунослари талқинида // ИС. – 2007. №6. Б.20–23; “Эдига” достонининг ўзбек версияси хусусида // ИС. – 2007. №3. Б.52-54; Эдига образига архаик эпоснинг таъсири / ФИ. Т.XIV. – 2007. – Б.72- 77; “Эдига” достонидаги эпик замон ва макон масаласига доир // ИС. – 2009. №1. Б.98-99; “Асав Барак достони туркий халқларнинг муштарак мероси // ИС. – 2010. №1. Б.87-93 (ҳамк.); “Эдига “ достонида синтактик ресурсларнинг ўрни хусусида // ТАТ. – 2010. 11-сон. – Б.41-46; “Эдига” ўзбек халқининг севимли достони / ТЗ. Т.XXI. – 2010. – Б.9- 10; “Едиге Батыр” қозоқ халқининг севимли достони / ТЗ. Т.XXI. – 2010. – Б.41- 42; Ногайская версия дастана “Идиге” и место произведеният в фольклоре тюркских нардов // Elм ве tehsil. – Baki, 2011. С.324- 331; “Едиге Батыр” қозоқ халқининг севимли достони / ТЗ. Т.XXII. – 2011. Б. 4-6; “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достони генезиси масаласи хусусида // ИС. – 2011. – №4. – Б.65- 68; Топишмоқ ва эртак / ТЗ. – Т.XXVI. – 2012. Б. 37-38; “Эдиге” Қабул Мақсетов талқинида // ТЗ. Т.XXVI. – 2012. – Б.5-6; Эпосда Эдига образининг талқинлари. – Тошкент: Муҳаррир, 2012; Ўзбек миллий санъатида Хоразм халқ достончилиги / Педагогик тадқиқотлар. – Урганч, 2013. Б.33-34 (ҳамк.); Хоразм достонларидаги Хизр образи ҳақида / ФТТ. – 2013. Б.49-51; “Гавҳарой” достони ҳақида / ТЗ. Т.XXVIII. – 2013. – Б.6-9; “Гўрўғли туркуми достонлари қўлёзма ва тошбосма вариантлари / Қорақалпоқ бахшилари мактабларининг бугунги муаммолари. – Нукус, 2013. – Б.56-63 (ҳамк.); Қорақалпоқ фольклоршунослигида “Едиге”достонининг ўрганилиши тарихига бир назар // Polish science journal. №9. – Warsaw, 2018. – С.81-86; “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достони тўғрисида / ТЗ. – 2019. Б.36- 39; Эпос ва воқелик / Изланиш самаралари. №5. – Тошкент, 2019. – Б.160–163; Бошланғич синфларда топишмоқ жанрини ўргатиш усуллари / Муаллим. – Нукус. 2019. №12. Б.120–124; “Идега” – машҳур татар

халқ достони // Modern scientific research journal. – London, 2020. – С.81-84; Қозоқ фольклоршунослари "Едиге" достони хусусида / Ўзбекистонда илмий – амалий тадқиқотлар. – 2020; Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқини ўстиришда тез айтишлардан фойдаланиш (услубий қўлланма). – Урганч, 2020; Бошланғич синф ўқиш дарсларида топишмоқларни ўргатишнинг интерфаол усуллари // Polish science journal. №6. Вып.1. – Warsaw, 2020. – С.118–123.

*Ад.*: С.Жуманиёзова. Илм завқи / Урганч оқшоми. – 2013. – 8 март. – №6; Оллаберганова Г., Хаитбоева К. Олимаю ижодкор, ҳар жабҳада фаол / Ҳаёт кўзгуси. – 2014. – 7 март. – №7.

**Собит АВЕЗОВ**

*(1959 йил 26 апрель, Шофиркон тумани, Искогаре қишлоғи)*

Болалар фольклорида санама жанри бўйича илмий тадқиқот олиб борган Собит Сафарович Авезов 1980 йилда Бухоро давлат педагогика институтини битирган. 1980–1994 йилларда ўрта мактабда муаллимлик қилган, 1995 йилдан Бухоро давлат университетида ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. 2004 йилда "Санама жанри табиати ва бадиияти" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

С.С.Авезов болалар ўйин фольклоридаги санама жанрининг тарихий асослари, жанрий табиати ва поэтик хусусиятларини ўрганган. 2008 йилда "Санама жанри табиати ва бадиияти" монографиясини чоп эттирган. У Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ўткир Ҳошимов асарларида фольклор намуналаридан фойдаланишнинг ўзига хос услубий хусусиятлари хусусида ҳам изланишлар олиб борган.

*Ас.*: Боғчада болалар фольклори ва унинг бадиий тилидан фойдаланиш / Бошланғич таълимнинг долзарб муаммолари. – Бухоро 1995. – Б.87-88; Санама жанрининг атамаси моҳияти хусусида / Ёш олимлар ва талабаларнинг II Республика илмий конференцияси тезислари. – Тошкент, 1996. – Б.114–115; Санамаларнинг табиати хусусида // ЎТА. – 1996. – 4-сон. – Б.54-56; Санамай саккиз дема...// ФТ. – 2000. – 5-сон. – Б.32; Санамаларнинг табиати ва бадиияти // Маҳорат кўзгуси. – 2000. – №1. – Б.15–19; Санамаларнинг тарихий илдизлари хусусида // ЎТА. – 2001. – 1-сон. – Б.54-55; Санамаларнинг тарихий илдизлари хусусида // ПМ. – 2001. – 2-сон. – Б.66-70; Санамаларнинг таснифоти хусусида // ЎТА. – 2002. – 3-сон. – Б.42-45; "Дунёнинг ишлари" қиссасида фольклор анъаналари // ЎТА. – 2008. – 3-сон. – Б.67-67; "Бойчечак"даги алвон-алвон чечаклар / Ўзбек фольклори контекстида Бухоро фольклорини регионал тўплаш ва ўрганиш муаммолари. – Бухоро, 2010. – Б.50-52; Ўзбек болалар ўйин фольклори равнақи йўлида / Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. – Бухоро, 2015; Ўзбек миллий қўшиқлари – халқимизнинг беқиёс маънавий мероси / Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда маданият ва санъатнинг ўрни. – Бухора, 2017. – Б.34-35; Ўзбек болалар фольклори тадқиқотчиси / Тарих ва тараққиёт. – Бухоро, 2017. – Б.142–143; Миллий ўзбек қўшиқларимизнинг лингвопоэтик хусусиятлари // ПМ. – 2017. – №3; Воқеабанд санамалар / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.534-543.

*Ад.*: Собид Авезов / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.534.

**Салимахон МИРЗАЕВА**

*(1959 йил 5 май, Жалолқудуқ тумани)*

Ўзбек халқ романик достонларининг таниқли тадқиқотчиси Салима Райимжоновна Мирзаева 1959 йилда Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида туғилган бўлиб, ёшлигидан халқ оғзаки бадиий ижодига меҳр қўйиб улғайган. У ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаганидан кейин 1976–1981 йилларда Андижон давлат педагогика университетининг филология факультетида таҳсил олган. Университетни битиргач, 1981–1985 йилларда

Жалолқудуқ туманидаги ўрта мактаблардан бирида ўқитувчилик қилган. 1985 йилдан эътиборан Андижон давлат университетнинг "Ўзбек адабиёти" кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири ва профессор лавозимларида ишлаб келган. Ҳозирги кунда ушбу билим даргоҳида профессор сифатида талабаларга халқ оғзаки ижоди, туркий халқлар адабиёти, адабиёт назарияси ва бошқа адабиётшуносликка оид фанлардан сабоқ бериб келмоқда.

С.Мирзаева ўзининг фольклоршунос сифатидаги илк тадқиқотларини ўзбек халқи ғоят кам ўрганилган жанрларидан бири – афсун ва аврашларни тўплаб, тадқиқ этишдан бошлаган. Унинг сайъ-ҳаракатлари натижасида халқ орасида кенг тарқалган турли-туман афсун ва авраш матнлари тўпланиб, таҳлилга тортилди. Олима афсунларнинг жанр хусусиятлари, тарихий асослари ва бадиияти масалаларини чуқур ўрганди. Фольклоршуносликда илк бор афсун ва аврашларнинг тематик таснифини яратди. Ўзининг изланишлари натижасида 1993 йилда "Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиийлиги" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олиманинг ушбу тадқиқоти моҳияти унинг бир қатор илмий мақола ва рисолаларида, шунингдек, "Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти" (2006) номли монографиясида ўз ифодасини топган.

Ўзбек халқ романик достонларининг ўзига хос хусусиятлари ва бадиияти масалаларини тадқиқ этиш С.Мирзаева илмий фаолиятининг асосини ташкил этади. Олима халқ бахшилар эпик репертуаридан мустаҳкам ўрин олган "Рустамхон", "Муродхон" ҳамда "Гўрўғли" туркуми достонларининг илмий таҳлили асосида романик эпосга хос специфик белгиларни аниқлаган. Айниқса, анъанавий формулалар ва эпик клишеларнинг халқ достонлари матнидаги поэтик вазифаларини ёритишга доир ишлари муҳим илмий қимматга эга. С.Мирзаеванинг романик достонлар таҳлилига доир илмий изланишлари натижасида "Ўзбек халқ романик достонлари поэтикаси" (2004) номли монографияси яратилган. Ўша йили ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти қошидаги ихтисослашган кенгашда ўзбек халқ романик достонлари поэтикасига доир докторлик диссертациясини ҳам муваффақиятли ҳимоя қилган.

Фольклоршунос С.Мирзаеванинг илмий қизиқишлари доираси кенг бўлиб, унинг ўзбек реалистик насрида фольклор анъана-



ларининг бадиий ўрни, айниқса, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Ойбек, Чингиз Айтматов, Икром Отамурод ва бошқа кўпгина шоир ва адибларнинг асарларидаги фольклоризмларнинг поэтик табиатини ёритишга бағишланган илмий тадқотлари ҳозир ҳам қизиқиш билан ўқилади. У ўзининг бу йўналишдаги изланишларини "Ўзбек реалистик адабиётида фольклор анъаналари" (2006) номли монографиясида умумлаштирган.

Андижон давлат университети филолог талабаларининг фольклор экспедицияси раҳбари сифатида кўп йиллардан буён тўпловчилик фаолияти билан шуғулланиб келаётган олима Фарғона водийсига хос бўлган фольклор асарларини тўплаб, нашр этиш борасида ҳам самарали иш олиб бормоқда. Бу машаққатли изланишлар натижасида унинг "Ўзбегим ёр-ёрлари" (2009), "Алпомишга алла айтган момоларим" (2012), "Фарғона водийси халқ қўшиқлари" (2017) каби китоблари чоп этилган.

***Ас.***: Ўзбек халқ афсун дуолари ҳақида / Ўқув методик қўлланма. – Андижон, 1991; Ўзбек халқ афсун дуоларининг тематик таснифи / Ўқув методик қўлланма. – Андижон, 1992; Ўзбек халқ афсун-дуоларининг тарихийлик принциплари ҳақида мулоҳазалар // АДМ. – Тошкент, 1992. – 2-сон; Ўзбек халқ афсун-дуолари фольклор жанри сифатида // ЎТА. – Тошкент, 1992. – 2-сон. – Б.31-34; Ўзбек халқ афсун дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Адабиёт (халқ оғзаки ижодида достонлар)дан махсус курс программаси / Андижон, 1996; Халқ достонлари хусусида / Услубий қўлланма. – Андижон, 1997; Романик достонлар поэтикасини ўрганишга доир // ЎТА. – Тошкент, 1998, – 6-сон. – Б.34-37; Халқ достонларида эпик вақт // Тафаккур. – Тошкент, 1999. – 1-сон; "Далли" достонидаги метафораларнинг поэтик табиати // ФарДУ хабарлари. – 1999. – 1-4-сонлар; Об одной метафоре в дастане "Алпамиш" // ПЯЛ. – Ташкент, 1999. – №2; Барқарор эпик формулалар поэтикасига доир // ЎТА. – Тошкент, 1999. – 6-сон; Бир достоннинг икки талқини // ФТ. – Тошкент, 1999. – 5-6-сонлар; Ўзбек халқ романик достонлари поэтикаси хусусида / Ўқув қўлланма. – Андижон, 2000; Адабиёт дарсларида эпик формулалар бадииятини ўрганиш // ТАТ. – Тошкент, 2000. – 1-сон; Романик достонларнинг ўзига хослиги // Халқ

таълими. – Тошкент, 2000. – 2-сон; Эпик формулаларнинг хосланиши // ЎТА. – Тошкент, 2000. – 3-сон; Адабиёт дарсларида халқ достонлари бадиийятини ўрганиш // Таълим муаммолари. – Тошкент, 2000. – 1-сон; Отим хон Даллидир, гул юзим бўстон // Саодат. – Тошкент, 2000. – 6-сон; Гўрўғли номи ҳақида баъзи мулоҳазалар // ЎТА. – Тошкент, 2001. – 3-сон; Романик достонлар // Бошланғич таълим. – Тошкент, 2000. – 4-сон; Романик достон туркий халқлар эпосида типологик ходиса // ЎТА. – Тошкент, 2002. – 6-сон; "Муродхон" достони ҳақида // Андижон университети. – Андижон, 2002. – ноябрь; Навоий ва халқ оғзаки ижоди /Андижоннома. – Андижон, 2002. – Б.3; Дуода гап кўп // Андижон давлат университети. – Андижон, 2002. – Б.5; Гўрўғли қачон ўлади // Тафаккур. – 2003. – 1-сон. – Б.124–125; Шоир ижодида фольклор анъаналари / Ғ. Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2003. – Б.43-44; Ўзбек халқ романик достонлари поэтикаси: Филол. фанлари докт.дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Ўзбек халқ романик достонлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2004; "Муродхон" достонининг ғоявий-бадиий хусусиятлари / Ўқув қўлланма. – Андижон: Ҳаёт, 2004; Эпоснинг янги босқичи // Жаҳон адабиёти. – 2004. – 5-сон; Ўзбек реалистик адабиётида фольклор анъаналари. – Тошкент: Истиқлол, 2005; Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. – Тошкент: Истиқлол, 2006; Барқарор эпик формулалар ҳақида / ЎФМ. 1-китоб. – Тошкент, 2006. – Б.45-48; Абдулла Қаҳҳор ижодида фольклор анъаналари / "Таълим тизимида Абдулла Қаҳҳор ижодини ўрганиш ва унинг маънавий – тарбиявий, эстетик аҳамияти" мавзусидаги Республика илмий-амалий семинари материаллари. – Фарғона, 2007. – Б.14–17; Сарчашма / Андижоннома. – Андижон, 2008. – февраль; Алпомиш – мангу барҳаёт қаҳрамон / Ёғду. – 2009. – 12 март; Икром Отамурод ижодида фольклор анъаналари / Ёғду. – 2009. – 26 март; Ҳамид Олимжон ижодида эртакона сюжет // ШЮ. – Тошкент, 2009. – 2-сон; Ҳамид Олимжон ижодида фольклоризм / Ҳамид Олимжон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган "Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари" илмий-амалий анжумани материаллари. – 2009; Романик достонлар генезисига доир // ЎТА. – Тошкент, 2009. – 4-сон; Ўзбегим ёр-ёрлари / Ўқув қўлланма. – Андижон, 2010; Ўзбек халқ оғза-



ки поэтик ижоди / Академик лицей талабалари учун ўқув-услубий қўлланма. – Андижон, 2010; Алпомишга алла айтган момоларим / Услубий қўлланма. – Андижон, 2012; Барқарор эпик формулаларнинг халқ достонларидаги функциясига доир / Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил масалалари. – Тошкент, 2014. – Б.34-38; Осмондаги юлдузим, алла / Ўқув-услубий қўлланма. – Андижон, 2015; Ўзбек халқ афсун-дуоларининг композицион хусусиятлари // Илмий хабарнома. – Андижон, 2015. – Б.75-77; Афсун-дуоларнинг композицион тузилиши / "Филологиянинг долзарб масалалари" мавзуидаги илмий-назарий анжуман материаллари. 1-қисм. – Фарғона, 2015. – Б.14–17; Дуолар // Мозийдан садо. – Тошкент, 2015. – 3-сон. – Б.35-36; Халқ достонлари бадиийятини ўрганишда ўқувчилар ёзма саводхонлигини ошириш / Таълим жараёнида ёзма саводхонликни оширишнинг асосий омиллари. Республика амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2015. – Б.114–116; "Ёр-ёр" ижрочилигининг анъана ва маросимларда ифодаланиши / "Номоддий маданий мерос ва фольклор ижрочилик санъати" мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Қарши, 2016. – Б.153–157; Узбекские народные заговоры и заклинания как фольклорный жанр / Актуальные вопросы общественных наук. – М., 2016. – С.58-61. Самовий сирлар / Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари" мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман материаллари. – 2016. – Б.35-39; Халқ достонларида истиора // ШЮ. – Тошкент, 2016. – 12-сон. – Б.157–160; Ҳамид Олимжон ижодида фольклоризм // ТАТ. – Тошкент, 2016. – 12-сон. – Б.41-43; "Муродхон" достонининг бадиияти / Мультимедияли электрон қўлланма. – Андижон, 2017; Чаманда гул очилибди / Фарғона водийси халқ қўшиқлари. – Андижон: Step by step, 2017; Овутмачоқларнинг наманганча вариантларининг спецификаси ва поэтикаси // Бухоро давлат университети ахбороти. – Бухоро, 2019. № 1 (73). – Б.58-61; Барқарор эпик формулалар поэтикасига доир / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.550-558; Religious philosophy and the tradition of "Forty hadiths" in the works of Sirajiddin Sayyid / Интернаука научный журнал. – М., 2020. – №26 (155). – Ч.2. – С.65-67; Чингиз Айтматов асарларида осмон жисмларининг ифодаланиши / "Олий таълим сифатини та-

комиллаштиришда инновацион ҳамкорликнинг долзарб масалалари" 2020. – 27 май. – Б.370-372.

***Ад.***: Абдукаримов Б. Меҳр нури ёғар доим / Ишонч. – Тошкент, 2001. – 15 май. – Б.3; Университет юлдузи / Андижоннома. – 2003. – 8 ноябрь; Абдуллаев А. Салимахоннинг саодати / Андижоннома. – 2005. – 16 май; Маҳмудов Ш. Устозлар изидан / ЎАС. – 2006. – 3 март; Балоғат фасли. – Андижон, 2010; Абдуллаева З. Элнинг қалб дафтари / Оила ва жамият. – Тошкент, 2010. – 14 апрель. – 14-сон; Олимлик зийнати / Андижоннома. – 2016. – 17-февраль; Исажонов М. Истиқлол насибаси бахту иқболимиз / Туркистон. – Тошкент, 2017. – 24-сон; Саидхонов М. Нурафшон тақдир // Андижон ёшлари. – 2019. – 4-сон; Фольклор фани фидойиси / Филология фанлари доктори, профессор, фольклошунос Салима Мирзаеванинг 60 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. – Андижон, 2019; Салимахон Мирзаева / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.550.

## Оқибатхон ИСМОНОВА

*(1959 йил 27 октябрь, Ўш вилояти, Аравон тумани)*

Фарғона водийси никоҳ тўйи маросими фольклорини тадқиқ этган Оқибатхон Олимжоновна Исмонова 1977 йили Фарғона давлат педагогика институтига ўқишга кириб, 1982 йил ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислиги бўйича тамомлаган. 1979–1991 йилларда Аравондаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли ўрта мактабда ўқитувчиликдан ўз иш фаолиятини бошлаган. 1990–1991 йилларда ушбу мактабда тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, 1991–1994 йилларда Аравон туман халқ таълими бўлимининг методисти вазифасида ишлаган. 1994–1999 йилларда Ўш давлат университети Ўзбек адабиёти ва журналистика кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган. 1999–2010 йилларда ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, 2010 йилдан Қирғиз филологияси ва журналистика факультети "Ўзбек



филологияси" кафедраси доценти вазифасида хизмат қилган. 2017 йилдан Ўш давлат университети Педагогика ва жисмоний тарбия факультетининг Бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти бўлиб ишламоқда. 1999 йилда "Ўзбек тўй маросим фольклорида "келин салом" жанри (генезиси, спецификаси, поэтикаси)" мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

О.Исмонова Ўш вилояти ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, ўзбек-қирғиз фольклор алоқалари, "келин салом" жанрининг келиб чиқиш тарихи, тўй маросим фольклори тизимида тутган ўрни ва поэтикаси масалаларини ўрганган. У Қирғизистон Республикасининг Ўш, Аравон, Ўзган, Новқат, Олабуқа, Жалолобод каби шаҳар ва туманларида фольклор экспедициясида бўлиб, ўзбек маросим фольклори материалларини тўплаган. 1999 йилда "келин салом" қўшиқларини тўплаб, "Қизил гулнинг ғунчаси" номли алоҳида мажмуа ҳолида нашр эттирган.

***Ас.***: Анъаналар ва болалар тарбияси / Дўстлик. – Аравон, 1990. – 12-сон. – Б.3; Манас полвон / Ўш оқшоми. – Ўш, 1995. –121-сон. – Б.4; Ўзбек халқ лирик қўшиқларида рамзий тимсоллар / Филологиялык изилдеелердун азыркы кездеги актуалдуу меселелери. – Ош, 1995. – Б.187–190 (ҳамк.); Ўзбек тили маданиятини ўрганишда халқ оғзаки ижодининг роли / Роль мотивации в обучении и изучении инстранных языков и культур. Сборник научных трудов. – Ош, 1996; Ўзбек халқ оғзаки ижодида ёмғир чақириш маросимлари / Мамлекеттик тил окутулуши жана изилдениши. II белум. – Ош, 1996. – Б.219–221; Маҳаллий материаллардан фойдаланишда қўлланиладиган ижобий ишлар / Внедрение новых технологий в учебный процесс как средство повышения качество обучения. – Ош, 1996. – С.48; "Келин салом" жанри ва унинг генезиси хусусида баъзи мулоҳазалар / Н.К.Дмиртриевдин туулган кунунун 100 жылдыгына арналган илмий-теориялык конференциянын тезистери. – Ош, 1998. – Б.147–151; Ўш вилояти ўзбек никоҳ тўйларида "Келин салом" // ЎТА. – 1998. – 3-сон. – Б.38-41; Ўзбек халқ "Келин салом"ларидан рамзий ифодалар / Мемлекеттик тил окутулушу жана изилдениши. – Ош, 1998. – Б.166; Ҳаё ва одоб остонаси // ТАТ. – 1998. – 4-сон. – Б.70-73; "Келин салом" қўшиқларининг жанр табиати // ЎТА. – 1999. – 5-сон. – Б.51-53; Қизил гулнинг ғунчаси ("келин саломлар").

Тўплаб, нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев, О.Исмонова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1999; Ўзбек тўй маросимлари / Мисбоҳ. – Покистон, 1999, март (таржимон: Башорат Аҳмад); Ўзбек тўй маросим фольклорида “келин салом” жанри (генезиси, спецификаси, поэтикаси)”: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Халқ оғзаки ижоди жанрларида шеърий санъатларининг қўлланиши / Кыргыз философиясынын актуалдуу проблемалары. – Ош, 2002. – Б.145–152; Оилавий-маиший маросим фольклорининг жанрлари хусусида баъзи мулоҳазалар / Илмий-амалий конференция материаллари. – Андижон, 2002; Фарғона водийси ўзбек тўй маросим фольклорида ёр-ёр жанрининг ижро ўрни // ЎТА. – 2006. – 4-сон. – Б.68-71; Оилавий-маиший маросим фольклори жанрларида қадимги эътиқодларни акс этиши / Илмий анжуман материалари. – Навоий, 2006. – Б.208–212; Ўзбек миллатининг урф одатлари // Туркия дунясы. – Анкара – 2009. – Б.111–119; “Келин салом” қўшиқларининг жанр хусусиятлари – XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.544-549.

***Ад.***: Оқибатхон Исмонова / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.544-549.

## Матлуба МУРОДОВА

*(1959 йил 22 сентябрь, Хатирчи тумани, Туркман қишлоғи)*

Ўрта Зарафшон воҳаси ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклорини тўплаб тадқиқ этган Матлуба Муродова 1983 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини битириб, меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳридаги ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Тошкент кооператив тижорат коллежида директор муовини, 2002–2012 йилларда Тошкент давлат маданият институтида “Маънавият ва маърифат” бўлими бошлиғи, “Халқ томоша санъати” факультетида декан муовини, Халқ ижодиёти кафедраси мудири лавозимида ишлаган. Бугунги кунда



Ўзбекистон давлат хореография академиясида Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда. 2018 йилда “Ўзбек никоҳ тўйи фольклорининг жанрлар таркиби ва бадиияти (ўрта Зарафшон воҳаси материаллари асосида)” мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертациясини ҳимоя қилди.

М.Муродова ўз илмий фаолияти давомида ўзбек маросим фольклори жанрларининг локал хусусиятлари ва ҳудудий ранг-баранглигини аниқлаб, ўзига хос жиҳатларини очиб бериш борасида илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

***Ас.***: Тўй маросим фольклорида “тўш қайтарар” удуми // ЎТА. – 2011. – 2-сон; Ритуал “Туш кайтарар” (“Возврат грудинки”) в свадебном обрядовом фольклоре узбеков // Filologiya məsələləri. – Баку, 2011. – 5-сон; “Келин ўтирсин” маросими ва унинг қўшиқлари ҳақида баъзи мулоҳазалар // ИС. – 2011. – 9-сон; Самарқанд фольклорида “ёр-ёр” // ЎТА. – 2012. – 4-сон; Жиззах вилояти никоҳ тўйи маросими фольклори ҳақида баъзи қайдлар // ИС. – 2012. – 7-сон; “Куёв ўтирсин” удуми қўшиқлари // ЎТА. – 2013. – 3-сон; “Олқиш” жанри ва унинг ўзбек тўй маросим фольклоридаги ўрни / Ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент, 2013; Никоҳ тўйи маросимидаги айрим удумлар ҳақида // ЎТА. – 2013. – 5-сон; “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” – тўй маросим қўшиқларини ўрганишнинг муҳим манбаи сифатида // ИС. – 2014. – 6-сон; Қўлёзма манбаларда маросим фольклори материалларининг талқини / Алишер Навоий маънавий меросида комил инсон тарбияси. – Навоий, 2014; Нурота ўзбекларининг никоҳ тўйи билан боғлиқ маросим ва удумлари // ЎзМУ хабарлари. – 2014. – 11-сон; Zerefşan Vadisi Özbeklerinde Düğün Gelenkleri ve Düğünlerde Icra Edilen Türküler // Türk Dünyasi Incelemeleri Dergisi. XIV/2 (Kis 2014; Xalq ijodiyoti (ўқув қўлланма). Toshkent: “O’zbekiston”, 2015. – 135 b.; Своеобразие узбекских свадебных обрядовых песен бракосочетаний Зарафшанской долины / Актуальные вопросы современности: культура, история, идеология. – Шымкент, 2015; Маҳмуд Кошғарий-фольклоршунос ва этнограф сифатида / Ўзбекистонда хореографик таълимнинг замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. – Тошкент, 2017; Ўзбек фольклорида “байт” жанри ва байтбарак айтиш // Тошкент давлат

педагогика университети илмий ахборотлари. – 2018. – №3 (ҳамк.); Fol'klor va etnografiya (ўқув қўлланма). – Toshkent: Aloqachi, 2018. – 115 б.; Ўзбек никоҳ тўйи маросим фольклорида "байт-ғазал" жанри ҳақида айрим мулоҳазалар / O'zbek folklorshunosligining dolzarb muammolari. – Тошкент, 2018; Зарафшон воҳаси ўзбек никоҳ тўйи фольклори. – Тошкент, 2018; "Бўта солди" удуми билан алоқадор қўшиқ ва айтимлар ҳақида айрим мулоҳазалар / Жаҳон цивилизацияси: Бойсун моддий ва маънавий маданияти. – Термиз, 2019; Зарафшон воҳаси ўзбек никоҳ тўйи маросимида "куёв ўтирсин" удуми фольклорининг ўзига хос хусусиятлари / Filoloji ve kültür araştirmalari". – Karabük, 2019; Никоҳ тўйи маросим фольклорининг бадиияти / Ўзбекистонда рақс санъати ривожи ва истиқболлари: ижтимоий жараёнлар. – Тошкент, 2019.

## Тоҳир ҲАЙДАРОВ

*(1960 йил 30 апрель – Тошкент шаҳри – 2020 йил, июль ойи)*

Мифологиянинг ўзбек халқ эпосидаги бадиий талқини масаласини тадқиқ этган Тоҳир Ҳайдаров 1977–1982 йилларда ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетида, 1982–1986 йилларда мазкур университетнинг аспирантурасида ўқиган. 1987–1989 йилларда Тошкент шаҳридаги 200-ўрта мактаб ўқитувчиси, 1989–1990 йилларда Абдулла Қаххор уй-музейида директор вазифаларда ишлаган. 1990–1992 йилларда ТошДУ Ўзбек филологияси факультети қошида ташкил этилган Фольклор-диалектология илмий гуруҳининг бошлиғи ва катта илмий ходим сифатида тадқиқот ишлари билан шуғулланган. У Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ходими, ЎзР ФА Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти илмий ходими, ТошДУ Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасининг ўқитувчиси вазифаларида ҳам ишлаган. 1993 йилда профессор М.Саидов раҳбарлигида "Гўрўғли ва мифология синкретизми" мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Т.Ҳайдаров мифологиянинг ўзбек халқ эпосидаги синкретизми масаласини "Гўрўғлининг туғилиши" достонининг Пўлкан шоир, Раҳматулла Юсуф ўғли ва бошқа бахшилардан ёзиб олинган вариантлари мисолида тадқиқ этган. У ўзининг илмий тадқиқотларида миф ва унинг моҳияти, мифнинг бошқа эпик жанрлар, хусусан, афсона, эртак, ривоятдан фарқли жиҳатлари, мифларнинг халқ эпоси сюжетидаги ўрни каби масалаларни ўрганган. Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида келтирилган "сав" лексемаси қадимги туркийларда "миф" маъносида қўлланилганлиги ҳақидаги илмий концепцияни илгари сурган.

1982–1993 йиллар мобайнида ТошДУ филолог талабалари билан биргаликда, шунингдек, кейинчалик "Фольклор-диалектология илмий гуруҳи" бошлиғи сифатида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида фольклор экспедицияларида бўлиб, халқ оғзаки бадиий ижоди материалларини тўплаш билан шуғулланган.

***Ас.***: Қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши билан боғлиқ баъзи қадимий тушунчалар // АДМ. – Тошкент, 1986. – 3(34)-сон. – Б.81-89; Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиги"даги туш таъбири билан боғлиқ мотивлар // АДМ. – Тошкент, 1987. – 3(41)-сон. – Б.61-64; Фольклор санъати бугунги кунда. – Тошкент, 1987; Халқ ижодиёти фестивали бахши-шоир республика кўрик-конкрусининг ахборот-кундалиги. – Тошкент, 1987; Рус гуруҳларининг ўзбек тили дарсларида фольклоризмлардан фойдаланиш / Республика олий ўқув юртлари илмий-амалий конференцияси тезислари. – Тошкент, 1992. – Б.14–15; "Гўрўғли ва мифология синкретизми: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1994.

## Баҳодир РАҲМОНОВ

*(1960 йил, 25 май, Андижон тумани, Найман қишлоғи)*

Эпик шеър тизимини тадқиқ этган Баҳодир Мамажонович Раҳмонов 1977 йилда мактабни тамомлагач, меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳар 29-қурилиш бошқармасида ғишт терувчи сифатида бошлаган. 1978–1983 йилларда ТошДУнинг Ўзбек филологияси факультетида таҳсил олди. 1983–1985 йилларда Андижон туманидаги 18-ўрта мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1985 йилда Андижон давлат педагогика институтига ишга таклиф қилинди. У дастлаб, Педагогика факультетида методист, кейинчалик "Ўзбек адабиёти" кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчиси вазифаларида ишлади. 1995 йилда Филология факультети декан ўринбосари, 2000 йилдан 2005 йилгача Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда маркетинг ишлари бўйича проректор лавозимида фаолият кўрсатди. 2005–2008 йилларда Андижон давлат университети "Ўзбек адабиёти" кафедраси докторанти, 2010–2012 йилларда "Бошланғич таълим методикаси" кафедрасининг мудири, 2012–2015 йилда Хорижий тиллар факультети декани, бугунги кунда эса, Филология факультети декани лавозимида ишлаб келмоқда. 1998 йилда "Ўзбек халқ эпик шеър тузилиши" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Б.Раҳмонов ўзбек халқ эпик шеър тузилишининг ўзига хос хусусиятлари, халқ шеърида банд қурилиши, халқ достонлари поэтикаси, барқарор стилистик формула ва эпик клишелар, ҳозирги тарихий-фольклорий жараён, ўзбек фольклори анъанавий жанрларининг ҳозирги аҳволи, фольклорда эпик дунё ва реал дунё талқини, халқ эпосининг ривожланиш хусусиятлари ва замонавийлик, эпик онг ва унинг етакчи тамойиллари, анъанавий халқ эпосининг бадиий тили, эртакчилик анъанасининг ҳозирги ҳолати каби масалаларни тадқиқ этган.

*Ас.:* Ўзбек халқ эпик шеър тузилишининг ўзига хос хусусиятлари // ЎТА. – 1989. 3-сон; Эпик халқ шеърида строфика / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – Андижон, 1996; Эпик халқ шеърининг туроқ ва цезура табиати / Тилшунослик ва адабиётшуносликнинг долзарб масалалари. – Андижон, 1996; Халқ эпик шеърининг ўзига хос хусусиятлари // ЎТА. – 1996. 2-сон; Ўзбек халқ эпик шеър тузилиши: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Халқ достонларида барқарор стилистик формулалар (эпик клишелар) / Ҳозирги ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигининг долзарб муаммолари. – Андижон, 2001; Ўзбек фольклори анъанавий жанрларининг ҳозирги аҳволи // ЎТА. – 2003. 5-сон. 55-58-б.; Фольклорга хос онг хусусиятлари ва уларнинг сўниб бориши / Фан ва амалиёт. II қисм. – Андижон, 2004; Фольклорда эпик дунё ва реал дунё талқини / Фан ва амалиёт.II қисм. – Андижон, 2004;



Халқ эпоси ва замон // ТАТ. – 2004. 4-сон. 91-96-б.; Ўзбек фольклори анъанавий жанрларининг бугунги аҳволи ҳақида баъзи мулоҳазалар // Наука. Образование. Техника. – Ўш, 2004. №2; Ўзбек фольклорида авторли достонларга муносабат масаласи / Илмий услубий тадқиқотдан амалиётга. II том. – Андижон, 2005; Классик эпосга хос эпик онг принциплари // Илмий услубий тадқиқотдан амалиётга. II том. Андижон, 2005; Эпик онг ва унинг етакчи тамойиллари // ИС. – УРДУ, 2005. 1-сон; Эпик хотира ва эпик билим // Гулистон. – 2005. 1-сон. 14–15-б.; Анъанавий халқ эпосининг бадиий тили // ЎТА. – 2005.3-сон. 21–24-б.; Адабий ва анъанавий эртаклар муносабатига доир // ЎТА. – 2005. 6-сон. 33-36-б.; Замонавий фольклор борми? // ФарДУ илмий хабарлари. – 2005. 4-сон. 31-35-б.; Эртакка хос формулавий тасвир ва жанрнинг ҳозирги аҳволи / ЎФМ. 1-китоб. – Тошкент, 2006. 73-77-б.; Эртак ва замон // ШЮ. – 2006. 3-сон. 137–139-б.; Эртакда формулавий тасвир // ЎТА. – 2006. 4-сон. 22–27-б.

## Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ

*(1960 йил 1 июль, Қўшкўпир тумани, Хосиён қишлоғи)*

Ўзбек халқ китобларининг ўзига хос хусусиятлари, таснифи ва поэтикаси масалаларига бағишланган тадқиқотлар муаллифи Раҳимбой Маткаримович Жуманиёзов 1979–1984 йилларда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетида ўқиган. 1984–1992 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида ишлаган. У 1993 йилдан Тошкент давлат санъат институтида "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси мудири, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Маърифат" студиясида "Ёғду" бўлими бошлиғи, ЎзМУ "Телевидение ва радиоэшиттиришлар" кафедраси мудири, Тошкент давлат маданият институтининг доценти, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармасининг нашри "Вақт-время" газетасида мухбир вазифаларида ишлаган. Ҳозирда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Матбуот хизмати раҳбари лавозимида ишлайди. 1991 йилда "Юсуфбек ва Аҳмадбек" достони ва унинг тарихий асослари мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Р.М.Жуманиёзов халқ китобларининг таснифи, жанр хусусиятлари, вариантлари, тарихий асослари ва поэтикаси масалалари билан шуғулланган. У ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган нусхалари асосида "Юсуфбек ва Аҳмадбек" достонининг мавжуд қўлёзма ва тошбосма нусхаларини ўрганиб, бу достон сюжетининг келиб чиқиш тарихи, унинг асосий мотивлари ва образлар силсиласини тадқиқ этган. Унинг тадқиқотлари натижасида халқ қиссаларининг шаклланиш тарихи ва қиссахонлик анъанасининг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрнига доир муҳим назарий хулосалар чиқарилган. Қадимги халқ китобларини чуқур ўрганиш ва тадқиқ қилишда давом этиб, "Бобо Равшан", "Иброҳим Адҳам", "Дили ғаройиб", "Соҳибқирон Амир Темур", "Ахтамнома" каби нодир қўлёзма китобларни кирил ва лотин алифбосига транслитерация қилган.

Р.М.Жуманиязов 2016–2018–2019 йилларда кенг оммага маънавият ва маърифатни тарғиб ва ташвиқ қилишдаги фидойилиги, улкан хизматлари учун "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси"совринини қўлга киритган.

*Ас.*: "Юсуф-Аҳмад" достони сюжетининг генезиси масаласига доир / Ёш адабиётшуносларнинг Республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1986; "Юсуф ва Аҳмад" достонининг вариантлари / Адабий меросга оид тадқиқотлар. – Тошкент, 1986; О всех дастанах Хорезма / Хоразмская правда. – 1986, 5 апрель; "Қайси чамандин эсиб келди сабо" / ЎАС. – 1987, 24 июнь; "Ўзбек фольклори немис тилида" / ХҲ. – 1987, 20 август (ҳамк.); Халқ китоблари ҳақида қайдлар / Ёш олимларнинг республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1987; Халқ даҳосининг кўзгуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988; Халқ китобларини ўрганишнинг муҳим масалалари // ЎТА. – 1988. – 5-сон. – Б.35-39; Муқаллидлик санъати / ХҲ. – 1988, 31 декабрь; Халқ даҳосининг кўзгуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988; Заметки о народных книгах (на материале письменных и устных вариантов дастана "Юсуф и Аҳмад") / Актуальные вопросы филологических и исторических наук в вузе. – Самарканд, 1988. – С.63-64; Хоразм жангнома эпоси / ХҲ. – 1989, 26 январь; "Юсуф ва Аҳмад" достонининг генезисига доир // АДМ. – 1989. – 4-сон. – Б.56-60; "Юсуф ва Аҳмад" достонида бадиий санъатлар / Ёш филолог-олимларнинг Республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1989. – Б.43-44; Донг қозонган достон // Гулистон. – 1990. – 8-сон; "Юсуф ва Аҳмад" достони ва унинг ўғуз ёдномалари билан муносабати // ЎТА. – 1990. – 3-сон. – Б.46-50; Исмларда зухур этар маъно // АДМ. – 1991. – 2(56)-сон; Народный дастан "Юсуфбек и Ахмадбек" и кго исторические основы. АКД. – Ташкент, 1991; Донг қозонган достон. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993; Халқ ижоди – ҳақ ижод. – Тошкент: Мерос, 1993.



### Соҳибжамол МУЗАФФАРОВА

*(1960 йил, Чимкент вилояти, Туркистон шаҳри)*

Ўзбек мотам маросими фольклорининг йиғи-йўқлов жанрлари юзасидан илмий тадқиқот иши олиб борган Соҳибжамол Музаффарова (Соҳиба Ғайбулла қизи) 1977 йилда ўрта мактабни тамомлаб, ТошДУнинг журналистика факультетига ўқишга кирган. 1982 йилда мазкур олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаб, йўлланма билан Сирдарё вилоятининг "Сирдарё ҳақиқати" газетаси таҳририятида "Маданият" бўлимининг мухбири вазифасида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган. У 1988–1990 йиллар Сирдарё шаҳридаги ўрта мактабда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, 1990–1992 йиллар Тошкент шаҳрида чоп этиладиган "Ойдин" газетасида мухбир-таржимон бўлиб фаолият кўрсатган. У 1992 йилдан Хўжа Аҳмад Яссавий номидаги Туркистон Халқаро университетининг Журналистика кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида ишлаб келмоқда. 2004 йилда "Ўзбек халқ йиғи-йўқловларининг поэтикаси" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

С.Музаффарова йиғи-йўқловларнинг ўзига хос жанр хусусиятлари ва бадиияти масалаларини тадқиқ этган. Чимкент вилояти ҳудудида яшовчи ўзбекларнинг оғзаки бадиий ижоди намуналарини тўплаш билан шуғулланган.

**Ас.**: Ozbek xalq adabiy tilida agitler / Yassaviy. – Istanbul, 2002. – B.26–27; Мотам маросимида йиғиларнинг вазифаларига доир // ПМ. – 2002. – 4-сон. – Б.55-57; Йиғиларнинг жанр хусусиятлари //

ЎТА. – 2003. – 1-сон; Ўзбек халқ йиғи-йўқловларининг поэтикаси. – Тошкент, 2004; Қарноқ дурдоналари (қўшиқлар. – Чимкент, 2014 (ҳамк); Қазақстанда тұратын өзбек ұлтының фольклоры / Қозоғистон ўзбекларининг халқ оғзаки ижоди (тўпловчи). – Шимкент, 2019. – 196 б. (ҳамк.)

**Тожиддин РАҲМОНОВ**

*(1960 йил 31 октябрь, Олтинкўл тумани – 2020 йил 18 сентябрь)*

Ўзбек фольклоридаги мифологик мотивларнинг тарихий илдизлари ва эпик талқинлари масаласини тадқиқ этган Тожиддин Латипович Раҳмонов 1977–1979 йилларда Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги “1-май” жамоа хўжалигида ишлаган. 1979–1981 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1981–1982 йилларда Андижон давлат тиллар педагогика институтининг тайёрлов бўлимида тингловчи сифатида таҳсил олган. 1982–1987 йилларда Андижон давлат тиллар педагогика институти талабаси бўлган. 1987–1988 йилларда Олтинкўл туманидаги 36-мактабда ўқитувчи, 1988–1992 йилларда Андижон давлат тиллар педагогика институти “Рус ва чет эл адабиёти” кафедраси ассистенти, 1996–2017 йилларда Андижон давлат университети “Ўзбек филологияси” кафедраси доценти, 2017 йилдан умрининг охиригача мазкур университетдаги “Рус тили ва адабиёти” кафедрасига мудирлик қилган. 1996 йилда “Қадимги мифлар ўзбек фольклори эпик мотивларининг ўзаги сифатида” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Т.Л.Раҳмонов сеҳрли эртаклар ва достонлар мисолида мифологик мотивларнинг бадиий асар сюжетига изчил сингиши жараёни, мифларнинг бадиий асар табиатига таъсири, диффузия масаласининг миф ва фольклор муносабатлари доирасида амал қилишининг ўзига хос кўринишларини ўрганган. Эртаклардаги айрим мотив ва образларнинг генезиси мифологияга боғлиқлигини аниқлаган.

*Ас.*: Сеҳрли эртакларда айрим мотивлар генезисига доир // ЎТА. – 1992. – №2-3. – Б.51-55; Халқ достонларида эпик от образининг мифологик хусусиятлари // ЎТА. – 1993. – №2. – Б.59-62; Мифология – бадиий тафаккур ибтидоси / Республика ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1993. – Б.65-66; Миф диффузияси ва эпик мотивлар // ЎТА. – 1994. – №3. – Б.17–21; Миф ва эртак муносабати масаласига доир / Жумҳурият ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1994. – Б.25–26; Қадимги мифлар ўзбек фольклори эпик мотивларининг ўзаги сифатида: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1996.



**Раҳматилла НОСИРОВ**

*(1960 йил, Тошкент шаҳри)*

Ўзбек халқ қўшиқларида композиция масалаларини ўрганган Раҳматилла Ҳасанович Носиров Тошкент давлат Маданият институтида фаолият кўрсатган. Юксак маънавий-ахлоқий қарашларни тараннум этган халқ қўшиқларини ёзиб олиш ва оммалаштириш борасида самарали меҳнат қилган. 2005йилда “Ўзбек халқ қўшиқларида композиция” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Р. Носиров ўзбек халқ қўшиқларининг банд тузилишидаги асосий бирлик ҳисобланган тўртлик шаклининг оғзаки лирик турда тутган ўрни, халқ қўшиқларининг композицион типлари, ҳар бир композицион типнинг қўшиқларнинг яратилиш жараёнидаги иштироки ва фаоллик даражасини тадқиқ этган. Халқ лирикасидаги занжирли композициянинг вужудга келиши ва бадиий табиати хусусида назарий қарашларни илгари сурган.

*Ас.*: Ўзбек халқ қўшиқларининг композицияси ҳақида / ЎТА. – 2001. – 6-сон. – Б.42-44; Халқ қўшиқларининг занжирли композицияси // ЎТА. – 2002. – 3-сон. – Б.33-35; Уйғунлик жозибасининг сири // Ўзбекистон матбуоти. – Тошкент, 2003. – 1-сон. – Б.30-31; Халқ лирик қўшиқлари композицияси / “Шарқ тароналари” Халқаро мусиқа фестивали доирасидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2004. – Б.25-31; “Хуршид атонгдур,

ой-ано...". Маънавий-маърифий, адабий-мусиқий композиция. 1-китоб. – Тошкент: Ислом университети нашриёти, 2003; Ўзбек халқ қўшиқлари композицияси: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2005.

## Гулжахон МАРДОНОВА

*(1961 йил 20 августь, Қамаши тумани, Бадахшон қишлоғи)*

Халқ қўшиқлари, миллий ўйинлар, никоҳ ва бешик тўйлари билан боғлиқ урф-одатлар, маросимларни 1988 йилдан буён жойидан ёзиб олиб, узлуксиз ўрганиб келаётган Гулжахон Мардонова 1985 йили ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган. 1980 йилдан Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 91-сон болалар боғчаси энагаси, 1981–1985 йилларда "Ёш гвардия" нашриёти "Ёшлик" журнали нусха кўчирувчиси, 1985–1987 йилларда Марказий болалар кутубхонаси кутубхоначиси, 1988 йилдан "Меҳнат" нашриёти мусаҳҳиҳи, 1988–1996 йилларда "Саодат" журнали нусха кўчирувчи, мусаҳҳиҳ, техник муҳаррир, муҳаррир лавозимларида, 1996–1997 йилларда Ўзбекистон радиоси муҳаррир, катта муҳаррири, 1997–2007 йилларда Ўзтелерадиокомпания "Ўзбекистон" телеканали муҳаррири, катта муҳаррири, "Ёшлар" телеканали катта муҳаррири, 2007–2018 йилларда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Sport" телерадиоканалида муҳаррир, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2019 йилдан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги "Илм-фан ва инновациялар" бўлими бошлиғи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. 2019 йилда "Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятлари" мавзуида номзодлик диссертацияси ёқлаган.

Г.Мардонова шахсий экспедия ташкил этиб Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Навоий, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси фольклор намуналарини тўплаш ва тарғиб қилиш ишига муносиб ҳисса қўшган. У икки юздан ортиқроқ аллалар (бувилар алласи, ҳасрат аллалари), эркаламалар, ёр-ёрлар, келин саломлар, меҳнат, маросим, соғим ва марсия қўшиқлари ёзиб



олган. Бундан ташқари никоҳгача, никоҳ вақти, никоҳдан кейин ва бешик тўйларида ўтказиладиган урф-одатлар, анъаналар, маросимларни ёзиб олди ва китоб ҳолида чоп эттирган. Тошкент шаҳридан ўғил болаларнинг "Белбоғ", "Икки белбоғ", "Чулоқ қарға", "Эчки, унинг боласи ва бўрилар", "Оқсоқ бўри ва қўйлар", "Тўрт тош", "Чертмак", "Жуфтпар", "Жойингни топ", "Таёқ тепди", "Ўн икки чўп", "Хўрозлар жанги", "Қозон қоровул", қиз болаларнинг "Аркон ташлаш", "Сополтош", "Чертмак", "Зина", "Қушим боши", "Латта коптоқ", "Тапир-тупур қалдирғоч", "Занжир", "Сават", "Холакам", "Она ва бола", "Келин-келин", "Нина ва ип", Қорақалпоғистон Республикасидан ўғил болаларнинг "Чағалай", "Чавандозлар", қиз болаларнинг "Бургут келди", Сурхондарё вилоятидан ўғил болаларнинг "Зар қалпоқ", "Оқсуяк", "Чучмомо", Қашқадарё вилоятидан ўғил болаларнинг "Чўпон ва оқсоқ бўри", "Ўйлаб топ", "Қалпоқ отди", "Чулоқ қарға", "Бўри, эчки ва унинг болалари", "Ганг", "Подшо-вазир", "Ташлама таёқ", "Чиллак", "Оқсуяк", "Калла кўпкари", "Чавандоз ва эгарчи", "Ер олар", "Кўк қани?", "Чим-чим", "Сир олиш", "Асир-асир", "Уруш-уруш", "Қалъани эгаллаш", "Дук урди", қиз болаларнинг "Ҳаппак", "Жамбил-жамбил", "Дурра отар", "Қиз ва қушлар", "Лайлак келди", "Ким кучли", "Ўртага тушар", "Топдим-топмадим", "Сандал-сандал", "Сўзма-сўз", "Қадамба-қадам", "Ким урди?", "Кўз бойлағич", "Бекинмачоқ", "Ажина-гужина момо", "Меҳмон келди", "Совчи кутиш", "Ҳамсоя-ҳамсоя", "Бола боқар", "Момом бозордан келди", "Ҳаммом пиш", Андижон вилоятидан ўғил болаларнинг "Мўлжал", "Чуррак", "Касал эчки", "Ўрда ошиқ", Самарқанд вилоятидан ўғил болаларнинг "Чулоқ қарға", "Тош отар", "Тўп отар", "Гулдир-гуп", "Подшо-вазир"(иккита вариантда), "Податўпи", "Қоровул", қиз болаларнинг "Пир этди", "Кўз бойланди", "Олди-солди", "Рўмолча ташлаш", Тошкент вилоятидан ўғил болаларнинг "Ёнғоқ", "Қадама таёқ", "Хамир-патир", Бухоро вилоятидан ўғил болаларнинг "Соққа ошиқ", "Қармоқча", "Қулоқ чўзма", Наманган вилоятидан ўғил болаларнинг "Ҳайкал", "Елкада кураш", "Бўрон", "Сартарош", "Сичқон-мушук", қиз болаларнинг "Чум-чум палак", "Каштачи", "Ошқовоқ узди", Жиззах вилоятидан ўғил болаларнинг "Таёқлар жанги", "Чўнка-шувоқ", "Чўпон таёқ", "Эшак минди", қиз болаларнинг "Олиб қочар", Фарғона вилоятидан қиз болаларнинг

"Кўрпа тикар" каби юздан ортиқ миллий ўйинларни ёзиб олиб, китоб ҳолида чоп эттирган. Фольклоршунослик тарихида илк бор туя соғиш пайтида айтиладиган "харров-харров" қўшиқларини ёзиб олган.

Фольклор намуналарини тўплаш, уларни тарғиб қилиш баробарида ўндан ортиқ ижтимоий-сиёсий нашр, рисолалар, методик қўлланмалар ва юзга яқин мақолалари билан халқ оғзаки ижодининг умрига умр қўшмоқда. Халқ меросини ёзиб олиб, сўзбоши ва луғат билан нашрга тайёрлаб чоп эттирган. У илмий фаолияти давомида ўзбек аллалари ҳамда жаҳон оналари куйлайдиган аллаларни қиёсий таққослаб, уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, тарбиявий имкониятлари билан боғлиқ масалаларни ойдинлаштиришга, халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари ва этнопедагогик қарашлари таҳлилига ҳам катта эътибор қаратган.

***Ас.***: Алпомишни билган борми? / ЁЛ. – 1989. – 24 август; Толеи баланд тоғликлар // Саодат. – 1989. – №5. – Б.28–29; Момолар ёди // Саодат. – 1989. – №12 – Б.38; Оқ ўтовлар сеҳри // Саодат. – 1990. – №2. – Б.22–24; Алла / ЁЛ. – 1991. – 14 июнь; Нур тўла уй. – Тошкент: Меҳнат, 1992. – 87 б.; Алла айтай, жоним болам (тўпловчи ва нашрга тайёрловчи). – Тошкент: Чўлпон, 1996. – 64 б.; Алла – тарбия воситаси / Оиланинг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2009. – Б.73-74; Ори қўшиқ бўлган юрт. – Тошкент: Nihol, 2010. – 87 б.; Аллалар – тарбиянинг ибтидоси // Халқ таълими. – 2010. – №1. – Б.135–138; Алла воситасида болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш // Халқ таълими. – 2010. – №4. – Б.107–110; Alla uyi – ma'rifat manzili // Uzluksiz ta'lim. – 2010. – №2. – Б.43-45; Аллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари / Баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, валеологик, акмеологик ва иқтисодий масалалари. – Тошкент, 2010. – Б.342-343; Воспитание детей в узбекской семье посредством колыбельных песен / Соғлом она, соғлом бола – соғлом авлод гарови. – Тошкент, 2010. – Б.167–169; Тарбияда алланинг аҳамияти // Таълим муаммолари. – 2010.– №3. – Б.19–22; Tog'day tayanchim, alla… // MT. – 2010.– №3. – Б.8–10; Allalarda marifat g'oyasi // Boshlaygich talim – 2010.–



№1. – Б.11; Yuragimning qo'riday, alla… // MT. – 2010.– №4. – Б.10–11; Нур тўла уй. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 162 б.; Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш : методик қўлланма. – Тошкент: Tafakkur, 2011. – 63 б.; Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг миллий хусусиятлари : методик қўлланма / Миллий-маънавий қадриятлар ва комил инсон тарбияси. – Тошкент, 2011. – Б.6–71.; Онам айтган аллалар. – Тошкент: Тафаккур, 2012. – 124 б.; Алла болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим воситаси // Халқ таълими. – 2012. – №5. – Б.115–118.; Алла – тарбия воситаси сифатида // Uzluksiz ta'lim. – 2012. – №5. – Б.89-93; Pedagogical essence of spiritual and moral upbringing through lullaby singing // The Advanced Science. Open access journal. –USA state California. City Torrance. November, 2012. – P.49–53; Ўзбек халқ аллаларининг педагогик мазмуни / Соғлом оила – соғлом жамият асоси. – Тошкент, 2012. – Б.248–252; Оилада болаларни алла воситасида тарбиялаш // Tarbiya. – 2012.– №5. – Б.2-5; Ona mehridan taralgan qo'shiq // Boshlaygich talim – 2012. – №8. – Б.19–20; Социально-психологические основы духовно-нравственного воспитания детей в семье средствами колыбельного пения / Вопросы гуманитарных наук. – М., 2013. – №2. – Б.72-78; Ўзбек халқ қўшиқлари (ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи). – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 134 б.; Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда амал қилинадиган тамойиллар / Замонавий узлуксиз таълим муаммолари. – Тошкент, 2018. – Б.442-443; Духовно-нравственное воспитание детей в семье средствами колыбельных песен (алла) / Современная наука как фактор преобразования современного общества. – М., 2018. – С.90-93; Болалигимиз наврўзлари / ЎАС. – 2020. – 21 март.

***Ад.***: Саримсоқов Б. Сўзбоши / Мардонова Г. Алла айтай, жоним болам. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Чўлпон, 1996. – Б.3-6; Ёқуббекова М. Аждодлардан мерос қадрият / Мардонова Г. Фарзандингизга ўйинлар. – Тошкент, 2009. – Б. 3-4; Ҳасанбоева О.У. Қадриятлар билимдони / Мардонова Г. Ори қўшиқ бўлган юрт. – Тошкент: Nihol, 2010. – Б.3-4; Қорабоев У. Миллий меросга ихлос / Мардонова Г. Ори қўшиқ бўлган юрт. – Тошкент: Nihol, 2010. – Б.5-6; Каримова М. Бир жаҳон-

дир Гулжаҳон / Аёл яратган дунё. – Тошкент: Шарқ, 2012. – Б.367-370.; Тожибоева Н. Олис тарих сарҳадларидан келажак қадар: Г.Мардонованинг миллий мерос билан боғлиқ ижодига назар / Садо. – 2015. 19 март. – Б.5.; Умарова Н. Мудрые уроки матери / Беседа о фольклоре с Г.Мардоновым / Доверия. – 2019. – 15 марта. – С.2.

## Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА

*(1961 йил 2 октябрь, Тошкент шаҳри)*

Халқ ижодида бадиий шартлилик масаласини ўрганган Сайёра Шукуровна Холмирзаева 1978–1983 йилларда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетида ўқиган. 1983–1991 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1994 йилдан буён Тошкент давлат аграр университети Ўзбек ва рус тиллари кафедраси доценти. 1990 йилда "Ўзбек халқ эпосидаги бадиий шартлиликнинг ўзига хос хусусиятлари" мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган.

С.Ш.Холмирзаева ўзбек халқ достонларида бадиий шартлилик, эпик дунё, шартлиликнинг халқ прозасидаги ўрни масалаларини ўрганмоқда. Ҳайвонлар ҳақидаги ўзбек халқ эртакларини жамлаб, "Чўлоқ бўри" номи билан нашр эттирган (1988). Ўзбек халқ мақолларининг мукаммал нашри 2-жилдини нашрга тайёрлашда қатнашган. 1984 йилда Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод ва Китоб туманларида фольклор экспедициясида бўлиб, халқ эртакларини ёзиб олган.

*Ас.*: Ўзбек халқ ижодида бадиий шартлилик масаласи // ЎТА. – 1985. – 3-сон; Қаҳрамонлик эпосига хос бадиий шартлилик // ЎТА. – 1986. – 3-сон; Эпик дунё ва бадиий шартлилик // ЎТА. – 1987. – 6-сон; Основные типы узбекского народного романического эпоса и художественная условность / Актуальные вопросы развития науки и техники в Узбекистане. – Ташкент, 1987; Основные типы исторического эпоса художественная условность / Актуальные вопросы филологических и исторических наук в вузе. –Самарқанд, 1988. – С.86-87; Чўлоқ бўри. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Юлдузча, 1988; Ўзбек халқ мақоллари. 2-том. – Тошкент: Фан, 1988 ("Ч" ҳарфининг тузувчиси); Ўзбек халқ оғзаки прозаси ва бадиий шартлилик // ЎТА. – 1989. – 3-сон.



## Иброҳим ТУРСУНОВ

*(1961 йил, Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани)*

Ўзбек халқ термаларини таҳлил қилган Иброҳим Нуралиевич Турсунов 1968–1978 йилларда Жарқўрғон туманидаги Алишер Навоий номли 7-ўрта мактабда ўқиган. 1983–1988 йилларда Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти миллий мактабларда рус тили ва адабиёти факультетида таҳсил олган. 1988–2000 йилларда Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Алишер Навоий номли 2-ўрта мактабда рус тили ва адабиёт ўқитувчиси, 2001–2004 йилларда эса Тошкент давлат аграр университети "Тиллар" кафедраси ўқитувчиси, 2004–2008 йилда Тошкент молия институти "Ўзбек ва рус тиллари" кафедраси ўқитувчиси лавозимида ишлаган. 2002 йилда ЎзР ФА А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимига тадқиқотчиликка қабул қилинган. 2008 йилдан буён Тошкент Педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи "Тиллар" кафедрасида етакчи ўқитувчи лавозимида ишлайди. 2011 йилда "Халқ термаларининг тарихий асослари ва бадиияти" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

У халқ термаларининг ўрганилиш тарихи ва достончилик этнографиясида тутган ўрнини таҳлил этган. Термаларни тематик тасниф қилган. Достон ва терма ижодкорлари-ижрочиларининг тарихий типлари ва ҳар бир типнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаган, Пэрри-Лордларнинг "формулавий услуб" назариясини ўзбек фольклорига татбиқ этиб, анъанавий термаларнинг композицион формула, сўз, сўз бирикмали, мисравий формулалар асосида яратилишини асослаб берган.

*Ас.*: Диний термалар // ТАТ. – Тошкент, 2005. – 2-сон. – Б.70-74; Бахшилар – терма ижодкорлари сифатида // ЎТА. – 2007. – 1-сон.

– Б.60-65; Халқ термалари ҳақида // ТАТ. – 2008. – 5-сон. – Б.45-48; Термаларнинг тарихий асосларига оид // ЎТА. – 2008. – 5-сон. – Б.70-73; К истории терма // ПЯЛ. – 2009. – №2. – С.69-74; Сўз салмоғи ва қадри // O'zbekiston matbuoti – 2009. – 3-4-сонлар. – Б.84-85; Дастанная этнография / Филологические науки вопросы теории и практики. – Тамбов, 2010. – №2(6). – С.169–171; Специфические функции узбекских народных терма // ПЯЛ. – Ташкент, 2010. – №1. – С.69-72; Поэтические школы народных сказителей / Филологические науки: вопросы теории и практики. – Тамбов, 2010. – №2(6). – С.143–145; Халқ термаларида анъанавий композицион формула ва формулавий сўзлар поэтикаси / Ўзбекистон ёш адабиётшунослари ва тилшуносларининг анъанавий анжумани материаллари. – Тошкент, 2008. – Б.5-6; Халқ термаларида вариантлик / Ўқитиш методикаси. – Тошкент, 2010. – Б.481.483; Халқ термаларининг тарихий асослари ва бадиияти: Филол. фанлари номз. автореф. – Тошкент, 2011.

## Сайёра ҲАМДАМОВА

*(1962 йил 18 октябрь, Бухоро тумани, Қорабобо қишлоғи)*

Ёзма адабиёт ва халқ оғзаки поэтик ижоди муносабатларини ўрганишга доир тадқиқотлари билан фольклоршунослик фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Сайёра Ҳусеновна Ҳамдамова 1980–1986 йилларда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетида ўқиган. 1988 йилга қадар Тошкент Матбуот ишлаб чиқариш бирлашмасида назоратчи, 1988–1991 йилларда ТошДУ(ҳозирги ЎзМУ)да ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1991–1992 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт илмий текшириш институтида ишлаган. 1993 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар Ўзбекистон давлат консерваторияси Ўзбек ва хорижий тиллар кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаб келмоқда. 2013–2018 йиллар давомида Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси мудири лавозимида фаолият олиб борган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваторияси "Ўзбек ва хорижий тиллар" кафедраси доценти сифатида фаолият олиб бормоқда.



2012 йилда филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун "Фольклор анъаналари ва бадиий талқин: таъсир ҳамда акс таъсир масалалари (XVIII-XIX аср шеърияти мисолида)" мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Сайёра Ҳамдамова XVIII-XIX асрлар ўзбек мумтоз адабиётидаги фольклоризмларни илмий тадқиқ этган, жумладан, ўзбек халқ ижодидаги оғзаки саёҳатномаларнинг юзага келиши ва бадиий эволюциясига доир кузатишлар олиб борган. "Халқ ижоди – илҳом чашмаси" (2009), "Фольклор анъаналари ва бадиий талқин" (2015) каби илмий рисолаларни нашрдан чиқарган.

*Ас.*: Авж Ибн Унуқ образининг тарихига доир // ЎТА. – 1995. – № 2. – Б.33-37; "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да мифология / Алишер Навоий ижоди ва маънавий тараққиёт масалалари. – Навоий, 2001; Фурқат лирикасида остона образи // ЎТА. – 2003. – № 5. – Б.51-54; Муқимий лирикасида адабий этнографизмлар / Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Навоий, 2007. – Б.129–131; Муқимий лирикасида "пари" образи / Мусиқа санъати ва замонавийлик. – Тошкент, 2008. – Б.151–157; Халқ ижоди – илҳом чашмаси. – Тошкент: Фан, 2009; Оғзаки "саёҳатнома"лар ҳақида баъзи мулоҳазалар / Ўзбек фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Наманган, 2010. – Б.78-84; Шоира Дилшод-Барно ижодида сув культининг талқини / Ўзбек фольклори контекстида Бухоро фольклорини регионал тўплаш ва ўрганиш муаммолари. – Бухоро, 2010. – Б.56-58; Мифологические образы и проблема художественности в классической литературе // ФН. – 2011. – №1. – С.144–148; "Фольклор анъаналари ва бадиий талқин: таъсир ҳамда акс таъсир масалалари (XVIII-XIX аср шеърияти мисолида)": Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2012; Вопросы народной лирики // Касбий таълим – тараққиёт йўлида. – Тошкент, 2014; Ўзбек фольклорида чилтон образининг тарихий асосларига оид / Таълим самарадорлиги. – Чирчиқ, 2014; Влияние азербайджанского и узбекского фольклора и письменной литературы на творчество Абая / Илм ва тахсил. – Баку, 2014; Этнографизмлар ва уларнинг бадиий вазифалари / Номоддий маданий мерос ва фольклор ижрочилик санъати. – Тошкент, 2016. – Б.253–257; Ўзбек фольклори ва саёҳатнома жанри // ТАТ. – 2016. – №3.

## Алишер БОЗОРОВ

*(1962 йил 21 октябрь, Ғиждувон тумани, Районобод қишлоғи)*

Халқ бахшилари ижрочилигида муаллифлик ва индивидуал бадиий маҳорат масалаларини ўрганган Алишер Бақоевич Бозоров 1985 йилда Самарқанд давлат университетини тамомлаган. 1985–1986 йилларда Булунғур туманидаги Красногвардейск шаҳрида мактаб ўқитувчиси ҳамда ёшлар етакчиси бўлиб ишлаган. 1986–1994 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида лаборант, кичик илмий ходим бўлиб хизмат қилган. 1991 йилда "Ўзбек достон ижрочилигида бахшининг муаллифлиги ва ижодий индивидуаллиги масалалари" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

А.Б.Бозоров халқ достончилигида анъана ва бадиҳагўйлик, бахшиларнинг ижрочи ва ижодкор шахс сифатидаги ижодий ўзига хослиги, импровизациянинг достончилик тараққиётида тутган ўрни, ҳаётий воқеликнинг тарихий-фольклорий жараёнга таъсири каби масалаларни ўрганган.

***Ас.***: Бадиҳагўйлик – бахши ижодий ўзига хослигини кўрсатувчи восита сифатида / Ёш филолог олимларнинг Республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1989. – Б.40-41; Бадиҳагўйлик жараёнида хотиранинг роли / Ёш адабиётшуносларнинг Республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1990. – Б.33-39; О психологии творчества узбекских народных сказителей / Материалы республиканской научной конференции молодых ученых и специалистов. – Ленинабад, 1990. – С.78-81; Достончилик санъатида хотира ва бадиҳагўйлик // ЎТА. – 1990. – №1. – Б.63-66; Фозил Йўлдош ўғли – янги достонлар ижодкори // ЎТА. – 1991. – №5. – Б.72-77; Вопросы авторства и творческой индивидуальности бахши в узбекском дастанном сказительстве": АКД. наук. – Ташкент, 1991.



## Бахтиёр СУВОНҚУЛОВ

*(1962 йил 15 декабрь, Красногвардейск шаҳри)*

Ўзбек халқ латифалари бўйича илмий иш олиб борган Сувонқулов Бахтиёр Мамарасулович 1980 йилда 22- сонли ўрта мактабни битириб, "Булунғур" совхозида ишчи бўлиб ишлаган. 1981–1983 йиллари армия сафида хизмат қилган. 1983 йили Белгород давлат педагогика институтининг Рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга қабул қилинган. 1988 йилда институтни тугатган ва 1988–1998 йилларда Жиззах давлат педагогика институтининг "Рус тили ва уни ўқитиш методикаси" кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишлаган. 1998 йилдан ҳозирги кунгача Тошкент давлат аграр университети "Ўзбек тили ва чет тиллар" кафедрасида ўқитувчи вазифасида фаолият кўрсатмоқда. 2007 йилда "Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Тадқиқотда латифанинг генетик асослари, шакллантирувчи ижтимоий-бадиий омиллар, эволюцион босқичлари кўриб чиқилган ва латифаларда ўзига хос бадиий-стилистик функциялари ёритилган.

***Ас.***: Оғзаки латифаларнинг жанр хусусиятлари // АК. – Тошкент, 2000. – №6. – Б.48–153; Латифа жанрида конфликтнинг баъзи хусусиятлари // АК. – Тошкент, 2002. – №7. – Б.147–152; "Латифа" термини ҳақида // ЎТА. – Тошкент, 2002. – №1. – Б.43-44; Латифаларда диалог // ЎТА. – Тошкент, 2006. – №5. – Б.65-68; Об узбекских народных латифах // ПЯЛ. – Ташкент, 2006. – №5. – С.83-86; Латифа – монологик ҳикоя сифатида // ТАТ. – Тошкент, 2006. – №6. – С.53-56; Логика в композиции жанра "латифа" // Касбий таълим тараққиёт йўлида. – Тошкент, 2006. – №9. – С.71-72; Латифа композицияси ва унинг тамойиллари // АК. – Тошкент, 2006. – №9. – Б.96-98; Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2007; Латифа жанрининг генезиси // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 2011. – №122. – Б.114–117; Латифаларда эпитет // СамДУ илмий ахборотномаси. – Самарқанд, 2017. – №6. – Б.68-71; Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. – Тошкент, 2017; Латифаларда ба-

дий-тасвирий воситалар // СамДУ илмий ахборотномаси. – Самарқанд, 2019. – №2. – Б.68-72; Латифаларда метафора // СамДУ илмий ахборотномаси. – Самарқанд, 2019. – №4. – Б.29-31; Детский фольклор. – Джизах, 2020.

## Маъмура СОДИҚОВА

*(1962 йил – Тошкент шаҳри – 2015 йил)*

Ўгай қиз ҳақидаги ўзбек халқ эртакларини тадқиқ этган Маъмура Абдухамидовна Содиқова Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)нинг филология факультетини битирган. Тошкент шаҳридаги ўрта мактабларда она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент давлат аграр университети "Тиллар" кафедрасида катта ўқитувчи, Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицей ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 2003 йилда "Ўгай қиз типидаги туркум эртакларнинг спецификаси, генезиси ва бадиияти" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

М.А.Содиқова ўзбек фольклоридаги ўгай қиз ҳақидаги туркум эртакларнинг асосий сюжет типларини аниқлаб, илмий жиҳатдан тавсифлаган. Бундай эртакларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб, бундай эртак сюжетларининг тарихий-генетик асосларини аниқлаган.

*Ас.*: Талабалар оғзаки нутқини ўстиришда ўзбек халқ эртакларидан фойдаланиш / Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 5. – Тошкент, 1994. – Б.29; Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида етим қиз образининг ўзига хос хусусиятлари / Жумҳурият ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1994. – Б.28; "Зумрад ва Қиммат" эртагида ўгай қиз муаммоси / Республика ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1995. – Б.12; Ўгай қиз типидаги туркум эртаклар генезисида анимистик қарашларнинг роли ИС. – Урганч, 2001. – №4 (ҳамк.); Ўгай қизнинг сеҳрли ҳомийси // ТАТ. – 2002. – №1. – Б.44-48; "Биби Сешанба" афсонаси // ИС. – Урганч, 2002. – №3. – Б.42-45; Ўгай қиз типидаги туркум эртакларда асосий персонаж талқини // ЎТА. – 2002. – №3. – Б.35-40; Ўгай қиз образининг юзага келишида космогоник мифларнинг ўрни // ИС. – Урганч, 2003. я №3. – Б.75-77; Жон ҳақидаги анимистик тасаввурлар // ЎТА. – 2003. – №5. – Б.61-64; Ўгай қиз типидаги туркум эртакларнинг спецификаси, генезиси ва бадиияти: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2003.

## Клара БОЙМУХАММЕДОВА

*(1963 йил 3 март, Тошкент шаҳри)*

"Кунтуғмиш" достони юзасидан илмий изланиш олиб борган Боймухаммедова Клара Акбаровна 1980 йилда Чилонзор туманидаги 179-сонли ўрта мактабни битирган, 1980–1985 йилларда ТошДУнинг Ўзбек филологияси факультетида ўқиган. 1985–1991 йилларда Чилонзор туманидаги 179-сонли ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1991 йилдан Тошкент давлат юридик институти Ўзбек ва рус тиллари кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. 2007 йилда "Кунтуғмиш" достонининг вариантлари ва бадиияти" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Ишда "Кунтуғмиш" достонининг вариантлари аниқланиб, тавсиф этилган. Достон вариантларининг тарқалиш ҳудудлари ва бу ҳолатнинг объектив, субъектив сабаблари кўрсатилган. Бадиий юксаклиги билан ажралиб турувчи Эргаш шоир, Бекмурод бахши, Ислом шоир вариантлари сюжетининг муштарак ва фарқли ўринлари ҳамда етакчи образлари алоҳида-алоҳида олиниб қиёсий ўрганилган. Халқ оғзаки ижодида достонлар ижросида типиклик индивидуалликка нисбатан устун турса-да, анъанавий йўлни меъёрига етказиб ижро этишда бахшининг шоирлик иқтидори муҳим роль ўйнаши Эргаш шоир ва Бекмурод бахши вариантлари бадииятини таҳлил қилиш орқали кўрсатилган.

*Ас.:* Достон куйлаган халқим / Маърифат. – 2003. – 16 авг; Достонларда бадиий услубларнинг ўрни / Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари. №7. –

Тошкент, 2004. – Б.108–112; "Кунтуғмиш" достонида ташбеҳ санъатининг қўлланилиши / Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари. №8. – Тошкент, 2005. – Б.153–156; "Кунтуғмиш" достони ва вариантлилик / Актуальные проблемы обучения языкам на современном этапе / Материалы межвузовского семинара-совещания. – Ташкент, 2006. – С.244–245; "Кунтуғмиш" достонинг ўрганилиши // ЎТА. – Тошкент, 2006. – №2. – Б.48-52; Вариантлилик муаммоси ва "Кунтуғмиш" достони // ЎТА. – Тошкент, 2006. – №4. – Б.60-64; Мақоллар – достон кўрки / Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари. №11. – Тошкент, 2006. – Б.209–211; "Кунтуғмиш" достони тадқиқот объекти сифатида / Тил ҳуқуқи – эл ҳуқуқи. – Тошкент, 2006. – Б.14–15; Ўзбек халқ достонлари – маънавиятимиз сарчашмаси. – Тошкент, 2006.

## Зебинисо УСМОНОВА

*(1963 йил 4 ноябрь, Нарпай тумани)*

Ўзбек халқ эртак-новеллалари тадқиқотчиси Усмонова Зебинисо Имомовна 1980 йил ўрта мактабни тугатиб, 1981 йил Самарқанд давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирган. 1986-94 йиллар давомида ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1994 йил декабрь ойида ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг кундузги бўлим аспирантурасига қабул қилинган. 1998–2000 йилларда шу институтнинг Фольклор бўлимида кичик илмий ходим лавозимида ишлаган. 2000 йилда "Ўзбек эртак новелларининг ўзига хос хусусияти ва поэтикаси" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Тадқиқотчи З.Усмонова маиший эртакларни уч гуруҳга ажратиб, ихчам ҳажмдаги оилавий-маиший, ахлоқий-таълимий мазмундаги ноҳажвий эртакларни новеллистик типга мансуб деб ҳисоблаган. Бу хил эртакларнинг сеҳрли ва сатирик эртаклардан фарқли жиҳатлари, хусусан, воқеа ва ҳодисаларининг кўққисдан бошланиб, кутилмаганда ечимни топиши, оилавий-маиший, ижтимоий-маиший маъноларни қамраб олиши асослаб берилган. Тадқиқотда эртак-новеллаларнинг маиший эртаклар таркибидаги алоҳида тур сифатида ажратилиб, унинг ўзига хос белгилари аниқланган, мазкур эртакларнинг сюжет тузилиши, анъанавий формулалари, образлар тизими, конфликт ва унинг ечими, ғоявий йўналиши, тили ва услуби сингари масалалар ёритилган, эртак ва новеллалар табиатига мос бадиий тасвир воситаларининг ўрни ва вазифалари белгиланган.

*Ас.*: Эртак ва новеллаларнинг айрим хусусиятларига доир // ЎТА. – 1997. – №2. – Б.47-51; Эртак ва новеллаларда конфликт // ЎТА. – 1997. – №6. – Б.32-34; Эртак ва новеллалар ҳикмати // ЎАС. – 1999. – 3 сентябрь; "Ўпкага ... узоқми?" / Миллий тикланиш. – 1999. – 14 сентябрь; Ўзбек эртак новелларининг ўзига хос хусусияти ва поэтикаси: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2000.

## Мадамин ЭШМУРАДОВ

*(1964 йил 23 май, Гурлан тумани, Вазир қишлоғи)*

"Авесто" мифологиясида табиат билан боғлиқ асотирлар, ундаги сув, олов, тупроқ, ўсимлик, жонивор ва осмон ёритқичларини тимсоллаштиришга асосланган табиат культларига сиғинишга алоқадор мифологик тасаввурларнинг энг қадимий кўринишларини ўрганиб келаётган Эшмурадов Мадамин Жумабоевич 1989 йил Тошкент давлат университетининг Шарқшунослик факультетини тамомлаган. 1990–1991 йилларда ЎзР ФА Қўлёзмалар институтида кичик илмий ходим, 1991–1992 йилларда Хоразм давлат педагогика институтида ўқитувчи, 1992–1997 йилларда Урганч давлат университетида катта ўқитувчи, 1997–1998 йилларда Хоразм Маъмун академиясида илмий ходим, 1998–2005 йилларда Урганч давлат университетида катта ўқитувчи, 2005–2015 йилларда Урганч давлат университетида доцент, 2015–2016 йилларда Урганч давлат университетида декан, 2016 йилдан шу кунга қадар Урганч давлат университетида Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти лавози-

мида ишлаб келмоқда. 2002 йилда "Авесто"да мифологик қатлам" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

М.Эшмуродов "Авесто" мифологиясининг ўзига хос образлар тизими ва уларнинг асотирий моҳиятини тадқиқ этган. Тупроқ, сув, ҳаво ва оловни улуғловчи ғояларнинг мифологик қатламдаги ифодасини таҳлилга тортган. 2002 йилда "Авесто"да табиат культлари талқини" номли монография чоп эттирган.

***Ас.***: "Авесто"нинг Европада ўрганилиши / ФТТ. – 1999. – Б.47-49; "Авесто" ва Хоразм / УрДУ илмий – амалий анжумани материаллари. – Урганч, 1999. – Б.28–29; "Авесто"да ёмғир оти образи / ФТТ. 2000. – Б.38-45; "Авесто" ва унинг мифологик қатлами / "Авесто" маънавият ва маърифат дурдонаси. – Урганч, 2000. – Б19–20; "Баҳром яшт" да мифологик тимсоллар // ЎТА. – 2000. – №5. – Б.41-44 (ҳамк.); "Авесто" ва ўзбек фольклоридаги муштарак мотивлари / ХФ. – 2000. – Т.II. – Б.68-70; Қуёш культи ва унинг "Авесто"даги талқини / Тарих ва филология фанларининг долзарб муаммолари. – Хива, 2001. – Б.101–103; "Авесто"да юлдуз культи ва унинг мифологик талқинлари // Хоразм Маъмун академияси илмий ахборотномаси. – Хива, 2001. – Т.3. – Б.44-47; "Авесто"да "Хуршед яшт" алқовининг яратилишига доир / Республика илмий – амалий анжумани материаллари. – Хива, 2001. – Б.98-99; "Авесто"да Апам Напат талқинига доир / Халқаро илмий-амалий конференция тезислари. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.40-41; "Авесто"да сув культи // ЎТА. – 2001. – №5. –Б.55-58; "Авесто"да мифологик қатлам. – Тошкент, 2002; "Авесто"да давлат чегаралари масалалари // ИС. – 2007. – 2-сон. – Б.16–18; "Авесто" жамиятида оила, никоҳ ва мерос масалалари // ИС. – 2019. – 3-сон. – Б.31-35.

## Ҳамид РЎЗМЕТОВ

*(1964 йил 10 август, Хонқа тумани)*

Хоразм воҳаси болалар поэтик фольклорининг тадқиқотчиси Рўзметов Ҳамид Қаландарович Хонқа туманида ўрта мактабни битиргач, 1983–1985 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1985–1986 йилларда Хонқа туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида ишлаган. 1986–1991 йилларда Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти талабаси бўлган. 1991–1992 йилларда Хоразм вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида услубиётчи бўлиб ишлаган. 1992–1993 йилларда Хонқа туман халқ таълими бўлими услубиётчиси бўлган. 1993–1999 йилларда Урганч давлат университети "Немис тили" кафедраси ассистенти, катта ўқитувчиси вазифасида фаолият олиб борган. 1999–2007 йилларда Урганч давлат университети Жаҳон тиллари факультети декан ўринбосари бўлиб ишлаган. 2007–2013 йилларда шу факультет декани вазифасида фаолият кўрсатган. 2013–2016 йилларда жаҳон тиллари факультетининг "Роман-герман филологияси" кафедрасини бошқарган. 2016 йилдан ҳозирги кунгача шу кафедранинг доценти сифатида фаолият юритиб келмоқда. 2006 йилда "Хоразм болалар фольклори (локал хусусиятлари, таснифи ва бадиияти)" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ҳ.Рўзметов Хоразм болалар поэтик фольклорининг жанрий таркиби, бадиияти ва типологик хусусиятларини ўрганиш борасида изчил иш олиб борган олимлардан бўлиб, у ўз тадқиқотида болалар қўшиқларининг ҳудудий-локал хусусиятларини кенг ёритиб берган. Шунингдек, уларни туркий халқлар болалар фольклори контекстида қиёсий-типологик таҳлилга тортган. Хоразм болалар қўшиқларининг жанрий таркибини аниқлаб, тасниф қилган, болаларни эркаловчи Хоразм қўшиқларининг поэтик табиатини таҳлил қилган. У бешик қўшиқлари, аллалар, айтим-олқишлар, суйиш қўшиқлари: эркаламалар, овутмачоқлар, қизиқмачоқлар, болалар тақвими поэзиясининг "ё рамазон" айтимлари, болаларнинг балоғат қўшиқлари, яъни тегишмачоқларни тўплаб тадқиқ этган. Болалар ўйин фольклорига оид материалларни тўплаб таҳлилга тортиш асносида ҳаракатли ва маънавий ўйинларнинг поэтик моҳиятини очиб берган. С.Рўзимбоев билан ҳамкорликда "Фольклор атамалари луғати"ни чоп эттирган (2007). "Француз ва туркий халқлар эпосини олий ўқув юртида қиёсий ўрганиш тажрибасидан" номли услубий қўлланмасини эълон қилган (2009).

***Ас.***: Хоразм болалар фольклорида эркаламалар / ФТТ. – 2001; Специфика и типология узбекских прибауток // Вестник ККФ АН

РУз. – Нукус, 2002; О сущности детских игровых песен // Вестник ККФ АН РУз. – Нукус 2002; Болаларнинг чуллик ўйини қўшиқлари / ФИ. – 2002; Ё рамазон қўшиқлари / ХФ. – 2002; Болалар фольклорида воқеабанд санамалар / ФИ. – 2002; Игровые песни в Хорезмском детском поэтическом фольклоре // Вестник ККФ АН РУз. – Нукус, 2002; Болаларнинг Хоразмда тарқалган "Ойдарак" ўйини ҳақида / ФИ. – 2003; Структура и художестенные особенноти духовных игр // Вестник ККФ АН РУз. – Нукус, 2003; Болаларнинг Хоразмда тарқалган "Гашир қўпорди" ўйини ҳақида // ИС. – 2003. – №3; Аллалар ва уларнинг ўзбек фольклоршунослигида ўрганилиши / ФИ. – 2004; Хоразм болалар фольклорининг жанрий таркиби // ЎТА. – 2004. – №4; Сюжет "Шахрияра" в французских сказках // Вестник ККФ АН РУз. – 2005. – №4; Уч ёлғонда қирқ ёлғон эртагининг французча варианти // ИС. –2007. – №4; Француз эртакларида дев образи / ФИ. №16. – 2007; Фольклор атамаларининг қисқача луғати. – Урганч, 2007; Француз ва туркий халқлар эпосини олий ўқув юртида қиёсий ўрганиш тажрибасидан. – Тошкент, Фан 2009; Болалар фольклори ва бахшилар ижоди / Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. – Бухоро, 2015; Европа ва Ўрта Осиё эпослари эпик сюжетларининг асослари ва улардаги ўхшаш мотивлар // ИС. –2015. – №5; Сходные мотивы в эпосе "Гороглы" и в "Песне о Роланде" / Филология меселелери. – Баку, 2015. – №4; Эпосларнинг шаклланиши ва тараққиётида маданий алоқалар ва эпик анъаналарнинг роли // ИС. – 2017. – №7; Linguistic analysis of similar motives in European and Central Asian epics / Recent issues of modern science. XV international Scientific Conference. – Ukraine, May, 2017.

## Санобар ОЛЛАБЕРГАНОВА

*(1965 йил 16 апрель, Хоразм вилояти, Хонқа тумани)*

Хоразм халфа ижрочилигининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг эпик репертуаридаги фольклор асарларини тадқиқ этган Оллаберганова Санобар Ҳамидовна 1982 йилда Хонқа туманидаги 11-сонли ўрта мактабни битириб, шу йили Хоразм давлат педагогика институти (ҳозирги Урганч давлат университети)нинг Ўзбек филологияси факультетига ўқишга қабул қилинган. У ўқишни битиргач, 1986 йилда Урганч шаҳридаги 17-сонли ўрта мактабда ўқитувчи сифатида ўз иш фаолиятини бошлаган. 2000 йилдан Урганч давлат университети Ўзбек филологияси факультетининг "Факультетлараро ўзбек тили ва адабиёти" кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишлаган. 2002–2004 йилларда шу университетнинг аспирантурасининг сиртқи бўлимида таҳсил олган. 2002–2009 йилларда Урганч давлат университетининг Педагогика факультетидаги "Бошланғич таълим назарияси ва методикаси" кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимида ишлаб келган. 2009–2014 йилларда ушбу кафедра мудири, 2014 йилдан УрДУ "Бошланғич таълим назарияси ва методикаси" кафедраси доценти, 2019 йил август ойидан ҳозирги кунгача "Бошланғич таълим методикаси" кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда. 2007 йилда "Халфа ижрочилиги ва унинг ўзбек фольклоридаги ўрни" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Унинг диссертация ишида қадимий фольклор анъаналарига эга бўлган Хоразм воҳаси профессионал халқ ижодкорлари – халфаларнинг асосий турлари, улар репертуаридаги асарлар бадиияти, тарихий асослари, шунингдек ижодий фаолиятларидаги анъана ва индивидуаллик масалалари ўзбек фольклоршунослигида илк бор тадқиқ қилиниб, муҳим назарий хулосаларга келинган.

С.Оллоберганова Хоразм халфа ижрочилигининг ўзига хос хусусиятлари, бу қадриятнинг тарихий асослари, унинг бахши ва бошқа халқ ижодкорлари репертуаридан фарқли жиҳатлари, ижрочи ва ижодкор халфаларнинг ўзига хос бадиий маҳоратини чуқур ўрганган. Унинг изланишлари натижасида халфалар репертуарининг ижодий характери ва асосий хусусиятлари ойдинлаштирилган. Шоира халфалар асарларида оғзаки ва ёзма бадиий ижод анъаналарининг уйғунлашув жараёни кўрсатиб берилган. Тадқиқот натижасида Хоразм воҳаси ҳудудида Хива, Ҳазорасп, Хонқа ва Қорақалпоғистон Республикасининг асосан ўзбеклар яшайдиган туманлари (Амударё, Элликқалъа, Беруний, Тўрткўл)да анъанавийлашган халфачилик маркази мавжудлиги аниқланган.

***Ас.***: Ижро ва ижод соҳибаси / ХФ. 4 том. – 2002. – Б.42-44; "Гулруҳ пари" достонининг Розия халфа варианти / ФТТ. – Тош-

кент, 2002. – Б.28–29; Онабиби халфа Мадраҳимова / ФИ. – Тошкент, 2002. – С.90-91; Халфалар репертуари Жуманиёз Қобулниёзов нигоҳида // ИС. – Урганч, 2002. – №2. – Б.41-42; Ҳоди Зариф эътироф этган халфа // ЎТА. – Тошкент, 2003. – №5. – Б.64-66; Қобилиятли шоира ва хушовоз халфа / ФИ. Т.5. – Урганч, 2003. – Б.56-58; Махфира халфа Собирова репертуари ҳақида // ИС. – 2003. – №4. – Б.60-62; Адабий анъана ва ижодкор аёллар / Бадиий тафаккур ва адабий жараён. №1. – Тошкент, 2003. – Б.25–27; Халфалик анъанаси ва локал хусусиятлари / Бадиий тафаккур ва адабий жараён. №2. – Тошкент, 2003. – Б.41-43; Халфалар репертуаридаги тарихий қўшиқлар ҳақида / Бадиий тафаккур ва адабий жараён. №3. – Тошкент, 2004. – Б.47-48; Халфа айтимларининг бир хусусияти ҳақида // ЎТА. – Тошкент, 2006. – №3. – Б.60-61; Халфалар ижодининг хусусиятлари. – Тошкент, 2008; Шеъриятда Онажон халфа таърифи / Бадиий тафаккур ва адабий жараён. №12. – Тошкент, 2010. – Б.13–17; Халфалар репертуаридаги халқ қўшиқларининг бадиияти // ИС. – Урганч, 2010. – 3-сон. – Б.72-73; Қўшиқ ижросидаги ўзига хослик / Бадиий тафаккур ва адабий жараён. №13. – Тошкент, 2011. – Б.9–11; Болалар нутқини шакллантиришда таълимий ўйинлардан фойдаланиш / Тафаккур зиёси. Т.XXIX. – Урганч, 2014. – Б.57-60; Мактабгача таълим жараёнида халқ оғзаки ижодиёти намуналаридан фойдаланиш / ФТТ. – Тошкент, 2014. – Б.120–123; Бошланғич синфларда дидактик ўйинлардан фойдаланиш // ИС. – Урганч, 2014. – 1-сон. – Б.82-85; Халқ қўшиқлари поетикаси // ТАТ. – Тошкент, 2014. – 9-сон. – Б.34-36; Халфалар ижодида анъана ва индивидуаллик / ЎФМ. 5-китоб. – Тошкент, 2015; Халқ оғзаки ижоди поетикаси // ТАТ. – Тошкент, 2015. – 9-сон. – Б.24–28; Болалар адабиёти ва фольклор. – Тошкент: Баёз, 2015; Boshlangich sinf o‘qish darslarida xalq og‘zaki ijodidan foydalanish // Polish science journal Issue1(22) Warsaw, 2020. – P.65-68;

## Маҳбуба ТЕМИРОВА

*(1965 йил 21 апрель, Жалақудуқ тумани, Абдуллабий қишлоғи)*

Фольклоршунос Темирова Маҳбубахон Алибековна Андижон вилояти Жалақудуқ туманига қарашли Абдуллабий қишлоғидаги 26-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатгач, 1982–1987 йилларда Бишкекдаги Қирғизистон давлат университетининг Қирғиз филологияси факультетида таҳсил олган. 1987–1989 йилларда ўзи таълим олган 26-ўрта мактабда қирғиз тили ва адабиётидан ўқувчиларга дарс берган. 1990–2004 йилларда Андижон вилоят телекўрсатув ва радиоэшиттириш кўмитасида муҳаррирлик вазифасида ишлаган. 2004 йилдан ҳозирги кунгача Андижон давлат университети филология факультетининг қирғиз тили ва адабиёти йўналиши доценти лавозимида ишлаб келмоқда. Ўзининг кўп йиллик изланишлари натижасида 2018 йилда "Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари типологияси" мавзусидаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ёқлаган.

Фольклошуносликка "Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг генетик алоқадорлиги" (2005), "Сўз кўрки – мақол" (2006), "Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари хусусида" (2006) каби мақолалари билан кириб келган ва ўз фаолиятини фольклоршуносликда ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг тарихий асослари ва бадиий эволюциясини қиёсан тадқиқ этишга бағишлаган. Талабалар билан ўтказилган фольклор амалиёти даврларида ва ўз ташаббуси билан уюштирилган фольклор экспедицияларида Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Жиззах, Қирғизистоннинг Ўш, Бишкек, Иссиқ-Кўл, Талас каби ҳудудларида халқ мақолларининг қўлланишини кузатиб, ғоят муҳим материаллар тўплаган. Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари тўпламларидан ва халқ орасидан ёзиб олинган мақолларни қиёслаб, улардан беш юзга яқин ўхшаш мақолларни жамлаган. Унинг "Ўзбек ва қирғиз фольклорида мақоллар муштараклиги" номли монографияси чоп этилган. 2017 йилда "Муродхон" достонининг бадиияти" электрон қўлланмасини яратишда ҳаммуаллиф сифатида иштирок этган.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари генезисидаги муштаракликни аниқлаган олима мақол ва маталлар дифференциацияси, урфодатлар билан боғлиқ мақолларнинг тарихий-маданий асосларини таҳлил қилган. Шу тариқа ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари типологиясини фольклоршуносликнинг янги илмий концепциялари ва назарий қарашлари асосида тадқиқ этган. Унинг саъй-ҳаракати билан ўзбек фольклоршунослигида биринчи марта ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг яратилиш тарихи ва вужудга келиш омилла-

ри, халқ фалсафий ва бадиий-эстетик қарашларининг шаклланишида ижтимоий-тарихий ва географик муҳитнинг ўрни, ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг структур-поэтик типологияси масалалари тадқиқ этилди. Фольклордаги энг кичик жанр тадқиқи орқали ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг генетик муштараклиги, ўзига хослиги ва фарқли хусусиятлари асослаб берилган. Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг ўзаро қиёси, жанрий хусусиятлари, типологик ўхшашлик ва фарқли хусусиятлари, бадииятга оид қарашлар паремиологик жанрнинг ҳамда умумфольклор масалалаларининг ривожига хизмат қилади. Ҳозирда фольклоршунос "Ўзбек ва қирғиз қаҳрамонлик эпосининг қиёсий-типологик таҳлили ("Алпомиш" ва "Манас" достонлари асосида)" мавзуси устида ишламоқда.

***Ас.***: Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари генезисидаги муштараклик // ТАТ. – Тошкент, 2009. – №3. – Б.84-89; Урф-одатлар билан боғлиқ мақоллар // ЎТА. –2009. – №4. – Б.74-75; Сравнительно-типологический анализ узбекских и киргизских пословиц // Filologiya meseleleri. – Baki, 2012. – №1. – Б.560-572; Мақол ва матал дифференциацияси // Илмий хабарнома. – Андижон, 2013. – №3. – Б.59-62; Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг аналогик хусусиятлари // ЎзМУ хабарлари. – 2016. – №1/2. – Б.288–290; Паремик жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2016. – №1/6. – Б.340-343; Қардош халқ мақолларида образлар функцияси // ШЮ. – 2017. – №3. – Б.152–155; Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг типологик хусусиятлари // ЎТА. – 2017. – №1 – Б.100–102; Сравнительная типология узбекских и киргизских пословиц / Язык и межкультурная коммуникация. – Великий Новгород, 2009. – С.285–286; Реалии социальной жизни и наименования географических объектов в узбекских и киргизских народных пословицах / Молодёжь и наука: реальность и будущее. – Невинномыск, 2013. – С.379-382; Ота ҳақидаги ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари / Ўзбек фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Наманган, 2010. – Б.95–100; Ўзбек ва қирғиз мақолларида бадиий усулларнинг қўлланиши / Нутқ маданияти ва тилшуносликнинг долзарб муаммолари. – Фарғона, 2016. – Б.56-58; Ўзбек ва қирғиз фольклорида мақоллар муштараклиги. – Тошкент: Turon Iqbol, 2016. – 128 б.; Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг генетик алоқадорлиги //



Халқ таълими. – 2005. – №2 – Б.80-83.; Ҳажман ихчам, мазмунан бой // Тафаккур. – 2010. – №3. – Б.121–122; Сўз кўрки – мақол // Садат. –2006. – №3. – Б21; Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларини қиёсий ўрганиш ҳақида // Илмий Хабарнома. – Андижон, 2007. – Б. 81-83; Национальное и интернациональное в узбекских и киргизских пословиц / Молодёжь и наука: реальность и будущее. – Невинномыск, 2010. – С.152–153; Баркамол шахс тарбиясида халқ мақолларининг ўрни / Номоддий маданий мерос ва фольклор ижрочилик санъати. – Тошкент, 2016. – Б.74-78; Мақолларнинг семантик маъноси / Филологиянинг долзарб муаммолари. – Андижон, 2009. – Б.167–169; Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари хусусида / Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари. – Наманган, 2006. – Б.105–107; Өзбек жана кыргыз элдеринин ат образы чагылдырылган макалдары жөнүндө // ОшГУ Вестник 2009. – Б.53-55; Маънавий ҳаётда халқ мақолларининг аҳамияти / Фан ва таълимни ривожлантиришда баркамол авлоднинг ўрни. – Андижон, 2010. – Б.138–140; Кыргыз элинин карама-каршы маанидеги макалдары / Актуальные проблемы филологии. – Андижан, 2012. – С.67-69.; Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларида параллелизмларнинг қўлланиши / Актуальные проблемы филологии. – Андижан, 2013. – С.65-66; Макал-ылакаптардагы аллитерация / Актуальные проблемы филологии. – Андижан, 2014. – С.53-54; Паремик жанрлар / Актуальные проблемы филологии. – Андижан, 2016. – С.196–197; Мақолнинг жанр атамаси хусусида / Актуальные проблемы филологии. – Андижан, 2016. – С.197–198.; Кыргыз жана өзбек эл макалдарынын тарихий өнүгүшүндө социалдык турмуштун чагылдырылышы // Известия ВУЗов Кыргызстана. – Бишкек, 2017. – Б.151–154; Латифа жанрида асосий бадиий образ / Насриддин Афандининг дунё кулги маданиятидаги ўрни (ҳамк.) – Бухоро, 2019. – Б.49-53; Бахшылар менен манасчылардагы жалпылыктар жана өзгөчөлүктөр / Вселенная "Манаса", Ч.Айтматова. Научный журнал манасоведения-фольклористики, айтматоведения. "Турар". – Бишкек, 2019. – Б.124–130; Ч.Айтматов асарларида фольклоризм / Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека. Вторые Айтматовские чтения. / Материалы Республиканской научно-практической конференции. (ҳаммуаллифликда) 13 декабря 2019 года. – Б.103–106; "Алпомиш" ва "Манас" достонларида фарзанд тарбияси масаласи / Фольклор

фани фидойиси. – Андижон, 2019. – Б.107–110; Кыргыз жана өзбек эл макал, лакаптарынын чыккан булактары / Филологиянинг долзарб муаммолари. – Андижон, 2019. – Б.156–157; Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларидаги муштаракликлар / Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Республика илмий-назарий анжуман материаллари 2-бўлим. – Нөкис, 2019. – Б.12–15; Специфические особенности употребления пословиц и поговорок в русском, узбекском и кыргызском языках / Философия и культура в гуманитарном дисскурсе международной научно-методическая конференции. – Воронеж, 2020. – С.231–236. "Алпамыш" дастанын жана "Манас" эпосун айтуучулары жөнүндө / Филологиянинг долзарб муаммолари. – Андижон, 2020. – Б.145–148.

## Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

*(1965 йил 5 май, Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Терсота қишлоғи)*

Ўзбек халқ достонлари ва мифологик образларини ўрганишга доир йирик тадқиқотлари билан фольклоршунослик фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган таниқли фольклоршунос Жаббор Солиевич Эшонқулов Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Терсота қишлоғида туғилган. Дастлаб Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги ўрта мактабда, сўнгра Сурхондарё вилоятининг Музрабод туманидаги 22-сонли ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатгач, 1983–1991 йилларда ТошДУнинг журналистика факультетида таҳсил олган. 1992–1994 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида аспирант, 1995–1996 йилларда шу институтда кичик илмий ходим, 1996–1999 йиллардан катта илмий ходим лавозимида ишлаган. 2000–2002 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг докторантурасида таҳсил олган. 2003–2008 йилларда катта илмий ходим лавозимида ишлаган. 2008–2009 йилларда ЎзР ФА "Фан" нашрида бош муҳаррир, директор вазифаларида ишлаган. 2010 йилда "Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини" мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 2010–2016 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, 2017 йилдан эса ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор бўлимининг етакчи илмий ходими сифатида ишлаган. 2017 йил августдан эътиборан ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори.

Жаббор Эшонқулов ўзбек фольклори мисолида туш мотивини тадқиқ этиш орқали жаҳондаги барча халқлар, миллатлар оғзаки ижодининг типологияси, айни пайтда ҳар бир миллат оғзаки поэтик ижодининг ўзига хослигини кўрсатувчи, тарихий-фольклорий жараёнда ноэстетик ҳодисаларнинг бадиий-эстетик ҳодисага ўсиб ўтишини тасдиқловчи феноменал руҳий-физиологик жараён эканлигини исботлаб бера олган.

Ж.Эшонқулов тадқиқотларида ўзбек фольклоридаги туш мотиви поэтикаси илк бора махсус ўрганилгани, тушнинг феноменал ҳодисалиги мавзунинг долзарблиги ва истиқболли эканлигини белгилаб берган. Дунё фольклоршунослигида кам ўрганилган тушнинг физиологик-руҳий ҳодисаси сифатида жаҳон халқлари фольклори, ёзма адабиётида ўз бадиий ифодасини топиши табиий тарихий-фольклорий-адабий жараён ҳосиласи эканлигини туш, туш ҳодисаси, адабий туш, туш мотиви, туш образи, туш бадиий детали орқали илмий асослаб берган.

Профессор Ж.Эшонқулов ибтидоий маданият давридан бошлаб, бугунгача тушга инсонларнинг қарашини: а) мифологик; б) анъанавий, диний; в) профессионал, таъбирчилик; г) илмий муносабатлар сифатида илк бор илмий тасниф қилган. Жаҳон фольклоршунослиги мактаблари орасида XX асрда шаклланиб, катта шов-шувларга бўлган, тиббиёт ва руҳшунослик соҳасида самарали қўлланган психоаналитик мактаб методини биринчи бўлиб ўзбек фольклорига муваффақиятли тадбиқ этган. Тадқиқотчи ўз изланишлари давомида бу методни тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, синхрон методлар билан уйғунлаштира олган.

У ўзбек фольклорининг жанрлар таркиби, қўшиқлар таснифи, фольклор ижодкорлари ва ижрочилари, бахшилар репертуарининг ўзига хос хусусиятлари, достончилик анъаналарининг ҳозирги ҳолати, фольклор ва ёзма адабиёт, бадиий адабиётда мифологизмлар каби масалалар юзасидан жиддий тадқиқотлар олиб борган.

Ўз илмий фаолиятини ўқув-педагогик жараён билан чамбарчас боғлиқ равишда олиб борган Ж.Эшонқулов Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг “Фольклор ва этнография” кафедрасида талабаларига “Фольклоршуносликка кириш”, “Ўзбекистон номоддий маданий мероси”, “Қиёсий фольклоршунослик”, “Фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш” фанларидан дарс берди. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилгач, шу университетнинг “Фольклоршунослик ва диалектология” кафедрасида катта ўқитувчи, профессори сифатида талабаларга ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётидан сабоқ бериб келмоқда. У ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида тайёрланаётган “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини тайёрлашда фаол иштирок этмоқда.

Жаббор Эшонқулов сўнгги йилларда ўзбек фольклори намуналарини ёзиб олиб, нашр этишда фаол иштирок этиб келмоқда. Олимнинг изланишлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. 2019 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Истеъдодли фольклоршунос олим Ж.Эшонқулов эпосшунослик назарияси, миф ва эпос, эпик сюжетлар генезиси ва эволюцияси, ўзбек ёзма адабиётидаги мифологизмларнинг поэтикаси, достончилик анъаналарининг тарихий тараққиёти ва бугунги сақланиш ҳолати, бахшилар эпик репертуари ва бадиий маҳорати масалалари бўйича йирик илмий тадқиқотлар яратган. У “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигининг асосий ижрочиларидан бири сифатида Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Зоҳир Қўчқор ўғли, Ислом шоир Назар ўғли каби улкан халқ бахшиларидан ёзиб олинган достонларни нашрга тайёрлаган. Мазкур 100 жилдликнинг ҳозирга қадар нашр этилган 11 ва 14-жилдларини Ж.Эшонқулов нашрга тайёрлаган. “Алпомиш” достонининг Умир шоир Сафаров, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Абдуназар Поёнов вариантлари, шунингдек, “Олтин қобоқ” достонини нашрга тайёрлаб чоп эттирган. Унинг сайъ-ҳаракатлари туфайли уч жилдлик ўзбек халқ эртаклари китоби ҳамда бир нечта алоҳида эртак мажмуалари тайёрланиб чоп этилган. Халқимизнинг қадимий байрами наврўз билан боғлиқ фольклор асарларини тўплаб нашр эттиришда иштирок этган.



Ўзбек фольклори асарларини хорижий мамлакатларда тарғиб этишдек эзгу ишга катта ҳисса қўшган Ж.Эшонқулов Туркияда тайёрланаётган “Туркий халқлар достонлари” кўпжилдлиги силсиласида “Малика айёр”, “Ойчинор”, “Хушкелди”, “Балогардон”, “Рустамхон” ва бошқа достонларни нашрга тайёрлаб чоп эттирган. Унинг ўзбек фольклори таҳлилига оид илмий мақолалари кўплаб хорижий мамлакатларнинг нуфузли илмий журналларида босилган.

*Ас.*: Асрларга тенгдош қўшиқлар (маросим қўшиқлари). – Тошкент, 1991 (ҳамк.); Руҳият манзаралари / ЎАС. – Тошкент, 1994. – 13 май. – Б.3; Дев образининг бадиий тасвири // ЎТА – Тошкент, 1995. – №2; Тимсолий талқинлар / Миллий тикланиш. – Тошкент, 1995. – №7. – Б.3; Ўзбек эпик асарларида “ўзга дунё” тушунчаси // ЎТА. – Тошкент, 1996. – №4. – Б.37-40; Мифологик тафаккур талқини // Миллий тикланиш. – Тошкент, 1996. – №31. – Б.3; Руҳий таҳлил методи // ЎТА. – Тошкент, 1997. – №5; Ўзбек фольклорида туш мотиви // Турк дунёси тил ва адабиёти. – Анқара, 1997. – №4. – Б.119 –124; Миф ва роман / ЎАС. – 1997. – №17; Шумер ва Аккад: фаразми ё ҳақиқат / Ёзувчи. – Тошкент, 1997. –№10; Шумер ва Аккад: фаразми ё ҳақиқат / Ёзувчи. – Тошкент, 1997. – №11; Ўзликка йўл / Ҳуррият. – Тошкент,1997. – №23; Аждодлар культи / Улуслар ароси Турк дунёси Эран ва авлиёлар халқаро анжуман материаллари тўплами. – Анқара, 1998. – Б.120–126; Туркистонлик тўрт авлиё ва аждодлар культи / Туркий халқлар эран ва авлиёлар тўғрисидаги халқаро анжуман материаллари. – Анқара, 1998. – Б.320-328; Эпос муққаддас хотира (ҳамк.) / Ёзувчи. – Тошкент, 1998. – №5, 10; Оммавийлик мезон эмас / ЎАС. – Тошкент, 1998.– №16; “Дада Қўрқут китоби”да мифологик мотивлар / “Дада Қўрқут китоби”нинг 1200 йиллигига бағишланган халқаро конференциядаги маъруза матни. –Туркия, 1998; Туш ва таъбир // ЎТА. – Тошкент, 1998. – №2; “Алпомиш” достонида аёллар образи // ЎТА. – Тошкент, 1999; Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. –160 б.; “Алпомиш” ва “Дада Қўрқут китоби”да тутқунлик мотивининг қиёсий таҳлили / “Алпомиш” – халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент, 1999; Фольклор ва уни тадқиқ этиш методи / Турк дунёси фольклор қурултойи материаллари. – Туркия, 2000; Эпик ижод ва

матн муаммоси / Турк дунёси IV халқаро тил қурултойида қилинган маъруза матни. – Туркия, 2000; Алла – миллатнинг муқаддас қўшиғи // Туркистон. – Тошкент, 2000. – 24 май; Эпосда ғайритабиий туғилиш мотиви // ЎТА. – Тошкент, 2000. –№4; Туш ва таъбир // Ёш куч. – Тошкент, 2000. – №7; Туш ва унинг ўрганилиши // ЎТА. – Тошкент, 2001. – № 2. – Б.54-60; Руҳият кўзгуси // САУ. – Тошкент, 2001. – №-5. – Б.28–29; "Сим-сим" хазинаси // Тафаккур. – Тошкент, 2001. – №2. – Б.46-51; Шарқ ва Ғарб туташган нуқта / Туркистон. – Тошкент, 2001. – №34-35; "Дада Қўрқут китоби"да мифологик мотивлар // Миллий фольклор. – Анқара, 2001. – №4; Очкўз бой. Ўзбек халқ эртаги. Нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Ўзинкомцентр, 2001.– 8 б.; Лайлак билан тулки. Ўзбек халқ эртаги. Нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Ўзинкомцентр, 2001.–16 б.; Ақл ва бойлик. Ўзбек халқ эртаги. Нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Ўзинкомцент, 2001. 14 б.; Оққўнгил чол ва хасис бой. Ўзбек халқ эртаги. Нашрга тайёрловчи. Тошкент: Ўзинкомцентр, 2001. 12 б.; Кенжа Ўғил. Ўзбек халқ эртаги. Нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Ўзинкомцент, 2001.– 12 б.; Отангга қилсанг болангдан қайтади. Ўзбек халқ нақли. Нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Ўзинкомцент, 2001.8 б.; Яхшиликка ёмонлик. Ўзбек халқ эртаги. Нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Ўзинкомцент, 2001. 12 б.; Сахий билан бахил. Ўзбек халқ эртаги. Нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Ўзинкомцент, 2001. 16 б.; Ўр тўқмоқ. Ўзбек халқ эртаги. Нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Ўзинкомцент, 2001. – 16 б.; Тил ва тараққиёт // Халқаро анжуман материаллари. – Туркия, 2002 . – Б.180–185; Эпос ва маросим / Бойсун баҳори халқаро фестивали материаллари тезислар тўплами. – Тошкент, 2002; Воқелик ва хаёлот уйғунлиги / ЎАС. – Тошкент, 2002. –№29; Туш ва ахлоқ // ЎАС. – Тошкент, 2002. – 16 август. – №34; Эпос ва маросим // ЎТА. – Тошкент, 2002. – №4; Ўзбек эртакларида туш талқини // ЎТА. – Тошкент, 2003. – №4; Ўзбек фольклорининг Европадаги элчиси / Моҳият. – Тошкент, 2003; Китоб нима учун ёзилади ёхуд "Алпомиш"ни жўнлаштиришдан мақсад нима? // ЎАС. – Тошкент, 2003. – №41-42. – Б.3; Ўзбек достонлари тизимида туш талқинининг ўрни // ЎТА. – Тошкент, 2004. – №6; Ўзбекистонда Наврўз анъаналари / Наврўз энциклопедияси. – Анқара, 2004. – Б.210–230; "Давлатка етиб, меҳнат элин унитма" (Бобур ҳақида Иброҳим Ҳаққул билан суҳбат) / Моҳият. – Тошкент, 2004.



– 13 февраль. – №183; Улуснинг улуғ куни – Наврўз / Моҳият. – Тошкент, 2004. – №118. – Б.1-5; Ўзбекистонда наврўз анъаналари. Наврўз энциклопедияси. Ататурк Култур Қуруми. – Анқара, 2004; Наврўз маросимлари / Наврўзга бағишланган халқаро анжуман. – Анқара, 2004; Туш мотивининг таҳлили / Туркий халқлар оғзаки ижоди: мифдан бахшигача. – Анқара, 2004; Кафка ва биз // Ёшлик. – Тошкент, 2004. – №2; Наврўз байрами билан боғлиқ қадимий инончлар / Наврўзга бағишланган халқаро анжуман материаллари. – Диярбакир, 2005; Тотувлик ва мурувват сайли // Инсон ва қонун. – Тошкент, 2005. – №10; Тушнинг семантик талқини // ЎТА. – Тошкент, 2005. – №4; Достонларда ғайритабиий туғилиш мотиви / Турк дунёси тадқиқотлари журнали. – Анқара, 2005. – Б.125–128; Ибрат мактаби / Фикрат Туркман юбилейига бағишланган китоб. – Туркия-Измир, 2005. – Б.813-814; Эпик ижодда кўмакчи қаҳрамон масаласи / ЎФМ. 1-китоб. – Тошкент, 2006; Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2006. –120 б.; Эпосшунос олим / Маърифат. – Тошкент, 2006. – 4 март; Эпик ижодкор образининг бадиий талқини / Турк дунёси халқаро қурултойида қилинган маъруза. – Измир, 2006; Epik yaratıcı tipinin bedii yorumu / I.Uluslararası türk dünyasi kültür kurultayi bildirileri. – Ankara, 2006. Bildiri kitabı – III. – S.1147–1151; Эпик ижодда кўмакчи қаҳрамон масаласи / ЎФМ. – Тошкент, 2006; Epik eserlerdaki rűya motifinin yapısal tahlili / Metten meddaha turk halk anglatilari. Uluslararası sempozyum bildirileri. – Ankara, 2006. – S.365-370; Наврўз билан боғлиқ қадимий маросим // Турк дунёси журнали. – Туркия, 2007. –№2. – Б.158–162; Халқ театрининг асоси (Тўра Мирзаев ҳамкорликда) // ЎАС. – Тошкент, 2007. – № 11(187). – Б.5; "Алпомиш" достонининг изоҳли луғати. – Тошкент: Элмус пресс-медиа, 2007. –160 б. (ҳамк.); Ойчинор. Турк ва ўзбек тилларида. – Анқара: ТДҚ, 2007. – 460 б. (ҳамк.); Малика Айёр. Турк ва Ўзбек тилларида. – Анқара: ТДҚ, 2007. – 480 б. (ҳамк.); Рустамхон. Турк ва ўзбек тилларида. –Анқара: ТДҚ, 2011; Рустамхон. Ўзбек халқ достони. – Тошкент: Чўлпон, 2007. –120 б. (ҳамк.); Туш ва қўшиқ // ЎТА. – Тошкент, 2008. №3. – Б.23-30; Epik yaratıcılıkta yardımcı kahraman tipi / Uluslararası Türk dili ve edebiyat sempozyumu. – Isparta: Fakülte kitabevi, 2008. – S. 313-316; Гул узра кўкламнинг шабнами яхши / Ҳуррият. – Тошкент, 2009. – 21–26 март. – Б.1-3; Келди олам наврўзи / Ҳуррият. – Тошкент, 2009. –

№21. – Б.3; Наврўз нашидаси. – Тошкент: Фан, 2009. – 320 б. (ҳамк.); Шарққа юзланиш // Тафаккур. – Тошкент, 2010. – №1. – Б.104–111; Туш ва топишмоқ / ЎФМ. 2-китоб. – Тошкент, 2010.– Б.123–132; Туш, маросим ва эпос / ЎФМ. 3-китоб. – Тошкент, 2010. – Б. 174–188; Толеи феруз Наврўз // Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2010. – №2. – Б.3-5; Ўзбек халқ достонлари / Миллий тикланиш. – Тошкент, 2010. – №37 (98). – Б.1-4; Ўзбек фольклори библиографияси. – Измир: Эгей университети, 2010. 160 б. (ҳамк.); Наврўз қўшиқлари. Тадқиқот ва матнлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 120 б. (ҳамк.); Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини (монография). Тошкент: Фан, 2011. – 304 б.; Özbek Halk Edebiyati bibliografiyasi. – Bornova. – Izmir: EUEFY, 2011. – 124 б.; Ўзбек халқ эртаклари. Биринчи жилд. – Тошкент: Тамаддун, 2012. – 292 б.; Ўзбек халқ эртаклари. Иккинчи жилд. – Тошкент: Тамаддун, 2012. – 292 б.; Ўзбек халқ эртаклари. Учинчи жилд. – Тошкент: Тамаддун, 2012. – 160 б.; Husgeldi ve Balagardan. – Ankara: TDK, 2012, 400 б.; Ясунари Кавабата ва ўзбек адабиёти / XX аср ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент: Фан, 2012. – Б.87–95; The gem of the Turkic upbringing / Anthology. - Almaty, 2013. -S.968-987; Mythological images in the Uzbek Folklore /Turkworld Almanax.-Almaty, 2013. -№1. –S.344-361; Эпик анъана ва "Алпомиш" достони // Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари. – Тошкент, 2014. – №1. – Б.54-57; Халқнинг ўзидай азиз ва мукаррам байрам / Соғлом авлод. – Тошкент, 2015. – №3. – Б.2-3; Улуснинг муқаддас байрами / Маҳалла. – Тошкент, 2015. – 21 март. – Б.1-4; Муродга элтувчи йўл / Маънавий олам. – Тошкент, 2015. – №4. – Б.18–21; "Алпомиш" достони ва "Дада Қўрқут" китоби"даги бошламаларнинг қиёсий талқини / Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари. – Бухоро, 2015. – Б.152–156; Халқ қўшиқларининг номоддий-маданий меросда тутган ўрни / Номоддий-маданий мерос ва фольклоршунослик муаммолари. – Қарши, 2015. – Б.10–19; Қалб кўзгуси / ЎАС. – Тошкент, 2015. – 12 июнь. – №24. – Б.4; Хоразм достончилик анъаналари / Халқ ижоди ёшлар ва хорижликлар нигоҳида. – Тошкент, 2015; Ўзбек халқ қўшиқлари бадиияти масалалари / Халқ ижоди миллий маънавиятимиз асоси. – Тошкент, 2015. – Б.130–136; Биз сув ичган булоқлар // Маънавий ҳаёт. – Тошкент, №4. 2015. – Б.100–105; Кўҳна ва боқий қадриятлар



тантанаси // Адвокат. – Тошкент, 2015. – №2. – Б2-4; Alpomish end epic Traditions // Ich courier. – Seul, 2015. – № 22. –P.9; Табиат улуғланган айём / Ekologiya xabarnomasi. – Тошкент, 2016. –№3. – Б.3-4; Халқимиз ардоғидаги айём / Халқ сўзи. – Тошкент, 2016. – № 52(6487). – Б.4; Қуёшли юрт байрами / Моҳият. – Тошкент, 2016. -№9 (809). – Б.1-5; Достон муқаддимаси ва эпик ижодкор маҳорати / Номоддий маданий мерос ва фольклор ижрочилик санъати. – Тошкент, 2016. – Б.40-47; Миллийлик ва умуминсонийлик улуғланган қадрият / Номоддий маданий мерос ва фольклор ижрочилик санъати. – Тошкент, 2016. – Б.3-5; Эпик анаъана ва унинг Ўрта Осиё халқлари маданиятида тутган ўрни / Номоддий-маданий меросни таълим тизимига тадбиқ этиш. – Тошкент, 2016. – Б.9–15; Наврўзнинг миллий маданиятимизда тутган ўрни / Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари. – Тошкент, 2016. – Б.257–260; Dostonchilik / List of intangible Cultural Heritage of Uzbekistan. ICHCAP. – Tashkent, 2016. – B.5; Baxshichilik. List of intangible Cultural Heritage of Uzbekistan. ICHCAP. – Tashkent, 2016. –B.14; Alla / List of intangible Cultural Heritage of Uzbekistan. ICHCAP. – Tashkent, 2016. –B.23; Nikoh toyi marosimi / List of intangible Cultural Heritage of Uzbekistan. ICHCAP. – Tashkent, 2016. –B.37; Navroz / List of intangible Cultural Heritage of Uzbekistan. ICHCAP. – Tashkent, 2016. – B.40; Sumalak sayli / List of intangible Cultural Heritage of Uzbekistan. ICHCAP. – Tashkent, 2016. – B.41; Boychechak marosimi / List of intangible Cultural Heritage of Uzbekistan. ICHCAP. – Tashkent, 2016. –B.42; Ramazon / List of intangible Cultural Heritage of Uzbekistan. ICHCAP. – Tashkent, 2016. –B.43; Dostonchilik sanati / List of intangible Cultural Heritage of Uzbekistan. ICHCAP. – Tashkent, 2016. –B. 58; Baxshichilik / List of intangible Cultural Heritage of Uzbekistan. ICHCAP. – Tashkent, 2016. –B.62; Alpamiş Destani va Dede Korkut Kitabi Mukaddimelerinin Karşilaştirmali Analizi / Dede Korkut ve Türk dünyasi. – Izmir: Ege unversitesi matbaasi, 2016. –769–774; Epik traditions and their role in the culture of the Cnetral Asian Nations / International academic conference on cultural exchange between Koean Central Asian regions. – Seul: Akademy of Korean studies, 2016. – P.175–182; Тафаккур қуввати // Оила ва жамият. – Тошкент, 2017. – №7. – Б.5; Наврўз – асрларни мунаввар қилган айём // Ўзбекис-

тон овози. – Тошкент, 2017. – 4 март. – №28(32.243). – Б.1–4; Наврўз, сенинг келишинг яхши / Миллий тикланиш. – Тошкент, 2017. – 15 март. – №11(443). – Б.1–8; Халқнинг ўзидай қадим ва азиз айём / Моҳият. – Тошкент, 2017. – 16 март. – №10 (862) сон. – Б.1-4; Улуснинг улуғ айёми / Моҳият. – Тошкент, 2017. – №32. – Б.1-4; Жонкуяр фольклоршунос / Оила ва жамият. – Тошкент, 2017. – №13(1320). – Б.3; Dil egetiminde folklorun yeri / II Uluslarar asi Türk dilivededebiyatlari ögretimisempozyumubildiri özetleri kitabi. – Ankara: Akademik yayincilik, 2017. – S. 23–24; Ўзбек фольклоршунослиги масалалари VI китоб. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Фан ва таълим, 2017. – 160 б.; Ўзбекистон номоддий-маданий мерос ва фольклор ижро санъати. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Наврўз, 2017. – 217 б. (ҳамк.); Ўзбекистон номоддий маданий мероси рўйхати. Ўзбек ва инглиз тилларида. – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2017. – 74 б. – 74 б. (ҳамк.); Фольклоршуносликка кириш. Дарслик – ўқув қўлланма.– Тошкент, 2018. – 176 б. (ҳамк.); Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 480 б.; Проблемы сравнительного изучения эпоса / Эпос народов мира и “Жангар”. –Улаанбаатар хот, 2018. – Б.54-55; Алишер Навоий мероси ва китобий достонлар / Алишер Навоий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни. – Тошкент, Фан, 2019. – Б. 573–580; Буюк меросга буюк эҳтиром // Гулистон. – Тошкент, 2019.–№3. – Б.4; Фольклор санъати миллий маданиятимизнинг ташриф қоғозига айланади / www.uza.uz. – Тошкент, 2019. 30 июль; Ҳамжиҳатликнинг олтин халқаси / ХС. – Тошкент, 2019. – №198. – Б.1–3; Ботир элнинг тийнати / ЎАС. – Тошкент, 2019. – №14. – Б.4; Асрга татигулик йиллар / ЎАС. – Тошкент, 2019.– №34. – Б.1–2; Достонларимиз бор экан тарихимиз, асл илдизларимиздан узоқлашиб кетолмаймиз / ХС. – Тошкент, 2019. -№168. – Б.4; Алишер Навоий мероси ва фольклор / Навоий ва Бобур асарларини хорижий тилларга таглама ва бадиий таржима қилиш масалалари. – Тошкент, 2019. – Б.32–39; Мардлик ва жасорат улуғланган достон // Алпомиш. Достон. Айтувчилар: Умир бахши Сафаров, Мардонақул Авлиёқул ўғли вариантлари. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Т.Мирзаев ва Ж.Эшонқул. – Тошкент, Академнашр, 2019. – Б.4–15; Эпик ижодда мотивларнинг қиёсий ўрганилиши масалалари / Фольклор, тил ва



маданият масалаларини илмий ўрганишда фан ва инновациялар уйғунлиги. – Тошкент. 2019. – Б.20–24; Буюк ипак йўли фольклор материалларини қиёсий ўрганиш масалалари / Буюк ипак йўлида фольклор санъатининг ривожланиш жараёнлари. – Фарғона, 2019. – Б. 11–13; Эпик ижро санъати ва унинг миллий маданиятда тутган ўрни / Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни. – Тошкент, 2019. – Б.46–48; The Mythological Basis of the “Giant” Character (Dev) in Uzbek Folklore // The Journal of Eurasian Turkic Studies. – Seoul, 2019. – Vol. 2. –P. 37–48; Ötgen günler ve özbek romonciligi / Doğumunun 125. yılında Özbek Çağdaş Romancılığının Kurucusu Abdullah Kadiri” konferansı. – Ankara, 2019. –S.4– 7; Мифологические основы и художественная трактовка образа дива / Актуальные проблемы гуманитарной науки: фольклористика, литературоведение, этнография, история, археография. – Уфа, 2019. – С.78-85; Эпос и актуалние проблемы его изучения / Сборник материалов международных научно-прктических симпозиумов. – Бишкек, 2019. – С.551-558; Тошдарахт / Китоб дунёси. – Тошкент, 2019; Талқон табиб // Ёшлик. – Тошкент, 2019. – №6. – Б. 34–41; The Mythological Basis of the “Giant” Character (Dev) in Uzbek Folklore // The Journal of Eurasian Turkic Studies. – Seul –Korea: The Institute for Eurasian Turkic Studies, 2019 . Vol. 2. – P.37–48; Бахшичилик санъатининг Ўрта Осиё халқлари маданиятида тутган ўрни / Халқаро бахшичилик санъати фестивалига бағишланган халқаро анжуман. –Термиз, 2019. – Б. 58–61; Алишер Навоий мероси ва китобий достонлар / Алишер Навоий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни. – Тошкент, 2019. – Б. 573–580; Ертак хэм дэстанларда дэўлер образи // Emudarya. – Nukus, 2019. – Б. 99–104; Золотое кольцо единения // Народное слова. – Тошкент, 2019. -№223. –С.3; Миф ва бадиий тафаккур. – Тошкент: Фан, 2019. – 320 б.; Алпомиш. Достон. Умир шоир ва Мардонақул Авлиёқул ўғли варианти. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Т.Мирзаев, Ж.Эшонқул. – Тошкент: Академнашр, 2019. – 400 б.; Олтин қобоқ. Достон. Абдуназар Поёнов варианти. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Жаббор Эшонқул. – Тошкент: Академнашр, 2019. – 464 б.; Малла савдогар. Достонлар. Чорша бахши Раҳматуллаев, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов вариантлари. Нашрга тайёрловчи, сўзбо-

ши ва изоҳлар муаллифи: Жаббор Эшонкул. – Тошкент: Академнашр, 2019. – 400 б.; Рустамхон. Муродхон. Ўзбек халқ достонлари. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Жаббор Эшонкулов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2019; Ўзбек фольклори. Дарслик. – Тошкент, 2020 (ҳамк.); Dalli. Ozbek destanileri. Nesra hazirlayan Cabbar Esenkul (Jabbor Eshonkul). –Ankara: Turk Dil Kurumu, 2020. – 542 s. "Якка Аҳмад" ва "Эрназархон" достонлари ҳақида / Якка Аҳмад. Достонлар. Ўзбек халқ ижоди ёдгорлиги. 100 жилдлик. 14-жилд. – Тошкент, 2020. – Б.5–17; Абдулла Қодирий ва ўзбек романчилиги / Янги Ўзбекистон. – Тошкент, 2020. – №106. – Б.1-4; Ўзбекистоннинг ўз сўзи / ЎАС. – Тошкент, 2020. – 25 сентябрь. – №37. – Б.1–2; Эпос ва роман / Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари. – Тошкент, 2020. – Б. 234–242; Comparative analysis of the motive of captivity in the epic "Alpomish" and the "Book of Dada Korkut" // Academicia. An International Multidisciplinary Research Journal. – India, 2020. –P.395-400; Bir edebyat alimi olarak Ibrahim Hakkul / Ilm ve marifat nurleri.Prof.Dr. Ibrahim Hakkula armugan kitabi. Karabauk: Üniversitesi Yayınları, 2020. – S.25–30; Мотив чудесного рождения в эпосе / Народная культура в современном мире: традиции, сказительство и ритуал. – Уфа, 2020; The motive of thedevine birth in the epik // International journal of advanced research. – United Kingdom: London, 2020. -№-8. –P.1010–1013; Буюк алломага буюк эҳтиром / Янги Ўзбекистон. – Тошкент, 2020. №202. – Б.2.

**Ад.**: Жаббор Эшонкулов / ХХ аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.537.

## Камол ҚОДИРОВ

*(1965 йил 1 сентябрь, Навоий вилояти, Хатирчи тумани)*

Ўзбек халқ эртакларида замон ва макон талқинини ўрганган Камол Намозович Қодиров Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги ўрта мактабни тамомлагач, 1982–1989 йилларда Россия федерациясининг Кировоград шаҳридаги педагогика институтининг Рус филологияси факультетида ўқиган. 1989 йилдан Навоий давлат педагогика институтида ўзининг ўқитувчилик фаолиятини бошлаган. Ҳозирги кунда мазкур институтнинг "Рус тили ва адабиёти" кафедрасида доцент вазифасида ишламоқда. 2004 йилда "Ўзбек сеҳрли эртакларида вақт ва макон талқини" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

У ўзбек халқ сеҳрли эртакларида ифодаланган вақт ва макон формулаларининг ўзига хос эпик талқинлари, эпик вақт тушунчасини ифодалашнинг бадиий воситалари, макон ўлчамларининг семантикаси каби масалаларни ўрганган.

*Ас.:* Ўзбек халқ сеҳрли эртаклари макон унсурларига доир / ЎХДС. – Тошкент, 1993; Сеҳрли-фантастик эртакларида эпик вақт тушунчаси // ЎТА. – 1998. №4. – Б.47-48; Эпик вақт талқини ва рақамлар поэтикаси / Адабиёт гулшани. – Тошкент, 1999; Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида эпик маъно // ЎТА. – 2001. – №5. – Б.59-60; Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида биографик замон / Фольклоршунослик. Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодига оид тадқиқотлар. 1-китоб. – Навоий, 2003; Ўзбек сеҳрли эртакларида замон ва макон талқини): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Ўзбек халқ эртакларида замон ва макон талқини. – Тошкент: Фан, 2005; Ўзбек халқ эртакларида макон ўлчовлари / Филологик тадқиқотлар. Илмий мақолалар тўплами. – Навоий, 2006.

## Салима ЖУМАЕВА

*(1966 йил 24 апрель, Тошкент вилояти, Бўка шаҳри)*

Жониворлар ҳақидаги мажозий эртакларни ўрганган Салима Чўяновна Жумаева 1987–1992 йилларда Қарши давлат педагогика институтининг Ўзбек филологияси факультетида, 1992–1995 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг кундузги бўлим аспирантурасида таҳсил олган. 1992 йилда Қарши шаҳридаги 43-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1998 йилдан Қарши давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти услубиёти кафедрасида ўқитувчи, кат-

та ўқитувчи, 2014 йилдан Филология факультетининг “Адабиётшунослик” кафедраси доценти вазифасида фаолият кўрсатмоқда. 1996 йилда “Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг генетик асослари ва спецификаси” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

С.Жумаеванинг тадқиқотларида жониворлар ҳақидаги ўзбек халқ эртакларининг ўзига хос хусусиятлари, бу типдаги эртакларнинг тарихий асослари ва тадрижий ривожи босқичлари, мажозий эртакларнинг образлар таркиби, сюжет қурилиши ва асосий мотивлари поэтикаси масалалари ёритилган.

*Ас.*: Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг спецификаси // ЎТА. – 1996. – 2-сон. – Б.30-33; Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг сюжет ва мотивлар // ЎТА. – 1996. – 5-сон. – Б.36-37; Бўри – эътиқод рамзи // ХС. – 1992, 2 февраль; Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг генетик асосларига доир / Жумҳурият ёш адабиётшуносларнинг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1993. – Б.63-64; Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг шаклланиш жараёни хусусида / Жумҳурият ёш адабиётшуносларнинг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1994. – Б.29-30; Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг персонажлари таркиби ва талқинига доир / Жумҳурият ёш адабиётшуносларнинг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1995. – Б.55-56; Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг генетик асослари ва спецификаси: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1996; Эпик асарларда адолатли шоҳ талқини / Насаф ва Кеш тарихи манбаларда. – Қарши, 2010. – Б.69-70; Ўзбек халқ эртакларига тарихий ёндашув. – Қарши: Насаф, 2010; Така тотеми ва мифология // ҚарДУ хабарлари. – 2011. – №2. – Б.73-76; Қодир бахши ижодида сажъ санъати / Педагогик таълимда узвийлик. – Қарши, 2012. – Б.211–213; Туркий фольклорда маъбуда аёллар талқини / Ўзбекистон хотин-қизларининг жамият ва оила мустақиллигини таъминлашда тутган ўрни: Тарих ва ҳозирги замон. – Қарши, 2012. – Б. 109–112; Мифология – бадиий тафаккур ибтидоси / Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, таълим ва илм-фаннинг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2012. – Б.127–129; Сеҳрли эртакларда сеҳр-жоду ва тилсим воситаларининг бадиий ифодаланиши // ҚарДУ хабарлари. – 2012. – №2. – Б.75-77; Халқ эртакларида образлар талқини. – Тошкент: Фан, 2012. – 5 б/т; Қодир бахши ижодида эртакчилик анъаналари талқини / Қодир бахши абадияти. – Қарши, 2012. – Б.75-77; Эртакларда рақиб персонаж // ЎТА. – 2012. – №3. – Б.52-56; Болалар эртакларида қўлланиладиган такрор усулининг бадиий хусусиятлари / Номоддий маданий мерос ва фольклоршунослик муаммолари. – Қарши, 2015. – Б.51-54; Болалар эртакларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари / Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. – Наманган, 2016. – Б.99–103; Эртакчилик ва достончилик анъаналарида ижодий синтез муаммолари / Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. – Наманган, 2016. – Б.97–101; Қодир бахши – халқ тили устаси / Проблемы и развития науки в начале третьего тысячелетия в странах Европы и Азии. – Переяслав-Хмельницкий, 2016. – С.76-79; Қодир бахшининг бадиий маҳорати / Ўзбек фольклоршунослигининг долзарб масалалари. – Тошкент, 2018. – Б 89-93; Қодир бахши – халқ эртакларининг моҳир билимдони / Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. – Наманган, 2018. – Б.25–27; Қурбонбой жиров – халқ ижодиётининг моҳир билимдони // ИХЖ. – 2019. – №4. – Б.108–110; “Халқ эртаклари” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш. Ўқув-услубий кўрсатма. – Қарши: Насаф. 2020.

## Манзура НАРЗИҚУЛОВА

*(1966 йил 28 ноябрь, Тошкент шаҳри)*

Фольклор ва ёзма адабиёт муносабати масаласини тадқиқ этган Манзура Тўраевна Нарзиқулова 1984–1989 йилларда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг Ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган. 1996–1999 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейининг кундузги аспирантурасида ўқиган. 1998–2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академиясида 1-тоифали мутахассис бўлиб ишлаган. 2004–2016 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимида катта

илмий ходим бўлиб ишлаган. У 2020 йилдан ҳозирга қадар ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида Фольклор архиви мудири лавозимида ишлаб келмоқда. 2006 йилда "Сабъаи сайёр" достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорида Баҳром сюжетининг талқини" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Манзура Нарзиқулова фольклор ва ёзма адабиёт муносабати, фольклоризмларнинг манбалари ва уларнинг бадиий асар сюжет-композицион қурилишидаги поэтик ўрни масалаларини тадқиқ этган. У ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архиви материалларини илмий тавсифлаш ва каталоглаштириш билан шуғулланган. Бугунги кунда мазкур институтнинг Фольклор бўлимида бажарилаётган "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари мавзусидаги фундаментал лойиҳа иштирокчиси сифатида халқ достонларининг таянч матнлар базасини шакллантириш ҳамда уларни нашрга тайёрлашда фаол қатнашиб келмоқда. У мазкур 100 жилдликнинг 2015 йилда нашр этилган 4-жилди ("Алпомиш" (достон), 2016 йилда нашр этилган 10-жилди ("Алпомиш" (достон) жилдларини нашрга тайёрлашда қатнашган.

*Ас.*: Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достони ва фольклор асарлари орасидаги муштарак жиҳатларга доир // ЎТА. – 1998. – 5 сон. – Б.46–48; "Сабъаи сайёр" ва "Баҳром ва Гуландом" // ЎТА. – 1999. – 3-сон. – Б.29–32; "Баҳром ва Гуландом" достонида бадиий тасвир воситалари // ЎТА. – 2005. – 2-сон. – Б.67–71; Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006 (М.Жўраев билан ҳамк.); "Сабъаи сайёр" достонида зоомифологик образлар / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 1-китоб. – Тошкент: 2006. – Б.82–87; "Сабъаи сайёр" достонида туш мотиви талқини / Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Навоий, 2007. – Б.124–127; "Сабъаи сайёр" достонида анимистик мифлар / ЎФМ. 2-китоб. – Тошкент, Фан, 2010. – Б.141–146; "Баҳром ва Гуландом" достонининг композицияси ҳақида / Ўзбек фольклори контекстида Бухоро фольклорини регионал тўплаш ва ўрганиш муаммолари. – Бухоро, 2010. – Б.39–42; Seba-İ Seyyare Destanındaki Semavi Metolojik Unsurlar / Üzerinde Düşünceler. Türk Dünyası Araştırmaları Enstitütü 19–25 aprel İzmir/2010; "Сабъаи сайёр" достонида эпик мотивлар / ЎФМ. 3-китоб. – Тошкент, 2010. – Б.188–196; "Сабъаи сайёр" достони ва "Баҳром ва Гуландом" қиссасининг қиёсий таҳлили / Алишер Навоий меросининг ёш авлод маънавий тарбиясидаги аҳамияти. – Навоий, 2012. – Б.33–47; Космогоник мифология ва Алишер Навоий ижоди / Алишер Навоий мероси ва унинг таълим тарбиядаги ўрни. – Навоий, 2013. – Б.35–38; "Баҳром ва Гуландом" достони композицияси ҳақида баъзи мулоҳазалар / Ўзбек адабиёти масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2013. – Б.224–228; "Сабъаи сайёр" достонинг ўрганилиши тарихига доир / Алешер Навоий маънавий меросида комил инсон тарбияси. – Навоий, 2014. – Б.65–67; Достонда от билан боғлиқ мотивлар // Nomoddiy madaniy meros va etnomadaniy qadriyatlar. – Toshkent. – 2014. – Б.70–72; Достонларда оила мотиви / Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари мавзуидаги илмий-назарий анжуман. – Тошкент, 2014. – Б.309–311; Дастан "Бахром и Гуландом" – ценнейший памятник устного нематериального культурного наследия узбеков / Сборник материалов Международной научно-практической конференции. – Казань: Ихлас, 2014. – С.141–145 (М.Жўраев билан ҳамк.); "Алпомиш" / Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 10-жилд Нашрга тайёрловчилар: Т.Мирзаев, М.Нарзиқулова. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – 503 бет.

**Дармоной ЎРАЕВА**

*(1967 йил 7 май, Туркманистон Республикаси, Чоржўй шаҳри)*

Ўзбек халқ қўшиқлари поэтикаси, мотам маросими фольклорининг жанрлар таркиби, генезиси ва бадиий хусусиятларини изчил тадқиқ этиш билан шуғулланиб келаётган Д.Ўраева халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарини тўплаш, нашр эттириш, назарий жиҳатдан тадқиқ қилиб, омма ўртасида тарғиб қилиш ишига самарали улуш қўшиб келмоқда. У ўзининг фольклористик фаолиятини 1989 йилнинг ёзида Бухоро университети Филология факультети

талабаларини фольклор экспедицияси раҳбари сифатида Олот туманининг Қассоббаёт қишлоғига ташриф буюрганидан бошлаган эди. Ўша экспедицияда тўй маросим фольклорининг "Ишимма" номи билан юритиладиган қўшиқлари, турли расм-русумлар ва ионч-эътиқодлар билан боғлиқ айтим ҳамда аломатларга доир бой материаллар тўпланган. Ўшандан буён олима талабаларнинг ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб келинган "дала амалиёти"нинг фаол иштирокчисига айланди. У Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйлаб фольклор экспедициясида бўлиб, ўзбек халқ қўшиқлари ва маросим фольклорига доир бой материаллар тўплади.

У 1984–1988 йилларда Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги Бухоро давлат университети)даги Ўзбек филологияси ва чет тиллар факультетининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимида таҳсил олди. Шундан кейин 1988–1989 йилларда Бухоро вилоятининг Олот шаҳридаги 1-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлагач, кузда Бухоро давлат университети аспирантурасига ҳужжат топшириб, 1989–1992 йилларда таниқли олим Охунжон Сафаров раҳбарлигида илмий тадқиқот ишларини олиб борди. 1992 йилдан буён Бухоро давлат университети Ўзбек адабиёти кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор вазифаларида ишлаб келмоқда

Дармоной Ўраева ўз тадқиқотчилик фаолиятини бошлаган давр ўзбек фольклоршунослигида назарий қарашларнинг бир қадар янгиланиши ҳамда жанрлар поэтикасини ўрганиш тамойили кучайиб бораётган пайтга тўғри келди. Шунинг учун бўлса керак устози унга ўзбек халқ лирик қўшиқларидаги параллелизмларнинг характери ва поэтик вазифаларини ўрганишдан иборат назарий характердаги мавзуни тавсия қилди. Д.Ўраева дарсликлар ва айрим илмий асарларда қисқагина таърифи келтирилган бир бадиий ҳодисани ўрганишга рози бўлганлиги ўша пайтда айримларни ажаблантиргани ҳам рост. Аммо сиртдан қараганда анчайин кичик кўринадиган ана шу мавзу доирасида нафақат фольклоршунослик, балки филология фани учун муҳим ҳодисалардан ҳисобланувчи поэтик восита ҳақида атрофлича, кенг кўламли тадқиқотни яратди. Бу тадқиқот натижасида параллелизм – шеърий контекст структурасини шакллантирувчи ва матндаги поэтик маънони юзага келтирувчи асосий бадиий восита эканлиги далилланди.



Д.Ўраеванинг шу мавзуга бағишлаб ёзган дастлабки мақолаларида халқ лирик қўшиқларида параллелизмларнинг бадиий-композицион вазифалари ва бу бадиий воситанинг турли хил кўринишлари аниқланди, унинг тарихий асослари ва юзага келиш жараёни ойдинлаштирилди, шеърий асарлар поэтик контекстидаги ўрни ва вазифалари чуқур таҳлил қилинди. Унинг илмий хулосалари 1993 йилда ҳимоя қилинган "Ўзбек халқ лирик қўшиқларида параллелизмларнинг характери ва бадиий-композицион вазифалари" мавзусидаги номзодлик диссертацияси ҳамда кейинчалик шу асосда чоп этилган "Ўзбек халқ қўшиқларида параллелизм" номли монографиясида умумлаштирилди. Бу тадқиқотнинг илмий янгилиги унда параллелизмлар тарихи, пайдо бўлиш манбалари, таснифи, бадиий тасвир воситалари билан муносабати илк бор монографик асосда ўзбек халқ қўшиқлари мисолида тадқиқ этилганлиги билан белгиланади. Тадқиқотчи ўзининг илмий изланишлари давомида параллелизм ҳодисасининг халқ қўшиқларидаги турли хил функционал-семантик хусусиятларини ўрганишни давом эттириб, фольклор асарлари матнидаги образлар параллелигининг юзага келиши "миф-маросим-фольклор" босқичларидан иборатлигини аниқлади.

Фольклоршунослик фанида шундай мавзулар бўладики, қандайдир табуси борлиги учунми, ёки инсон маиший ҳаётдаги нохуш ҳодисалар билан алоқадор бўлгани учунми, ҳарқалай, айрим тадқиқотчилар ундай темаларни ишлашдан ўзларини тийишга ҳаракат қиладилар. Ана шундай ғоят кам ўрганилган мавзулардан бири мотам маросими фольклори бўлиб, ўтган асрнинг 90-йилларига қадар у ҳақда жуда кам ёзилган ва ҳатто экспедициялар чоғида йиғийўқлов қўшиқлари ва айтимлари деярли тўпланмаган эди. Бу мавзу бир неча кишига тавсия қилинган бўлишига қарамай, тадқиқотчилар "номи совуқ" бу мавзудан ўзларини олиб қочишар ва ишлаш осонроқ бўлган мавзуларни танлашарди. Шундай бир пайтда халқ лирик қўшиқлари поэтикасини ўрганиш асносида бадиий матн қалбига қулоқ тутиб, мисралар замирига жо бўлган кўнгил туғёнларию дарду ҳасратларни ўзининг мурғаккина юрагига жо эта билган Дармоной ниҳоятда оғир ва лекин шарафли ишга қўл урди. У ўзигача ҳеч ким ишлашга журъат этолмаган ўзбек мотам маросими фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва поэтикасини тадқиқ этишга киришди. Бу ўзи мансуб бўлган фан соҳасини чин дилдан

севган, ўзини шу фанга бахшида этган хассос олиманинг том маънодаги жасорати, чинакам фидойилиги эди.

У ўзбек мотам маросимининг жанрлар таркибини аниқлашга имкон берадиган фактик материалларни тўплаш мақсадида Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйлаб кўплаб фольклор экспедициялари ўтказди. Фольклор архивлари ва турли манбаларда мавжуд бўлган йиғи-йўқлов қўшиқларини тўплади. Натижада мотам маросимига оид қўшиқ ва айтимлар илк бор яхлит тизим сифатида тўпланди. Шу асосда Д.Ўраеванинг ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби ва уларнинг таснифи, бу тип қўшиқларнинг тарихий асослари, ижро босқичлари ва поэтик вазифалари, дафн маросими ва унга дахлдор расм-русумларнинг мотам маросими қўшиқларидаги бадиий ифодаси, ўзбек мотам маросими қўшиқларидаги анъанавий мотивлар ва образлар тизими ҳақидаги илмий мақолалари юзага келди. Бу мақолаларда мотам маросими айтимларининг ижро босқичлари, ўзбек халқ йиғи-йўқловларининг кўп вазифадорлиги, йиғи-йўқловларда вақт талқини, мотам маросими қўшиқларида "сафар" мотиви ифодаси, халқ йиғи-йўқловларининг тил хусусиятлари ҳамда мотам қўшиқларининг бошқа типдаги оғзаки шеърий асарлардан фарқланиб турадиган характерли хусусиятлари ёритилди.

Мотам маросими фольклорини дастлаб йиғи ва йўқловларга ажратиб таснифлаган олима ўзбек фольклоршунослигида биринчи бўлиб, наврўз йўқловлари, ҳайит йўқловлари, йўқлов ёр-ёрлари, алла-йўқловлар, мотам аллалари ва ашуриларнинг жанр хусусиятларини очиб берди. Мотам аллалари ва рамзий-ритуал мақсадда топишмоқ айтиш анъанаси "хотин ётди" маросимининг асосини ташкил этиши исботланди. Унинг тадқиқотлари натижасида мотам маросимининг қадимий узвларидан бири – отга давр солиш ёки "от тўрлади" удумининг этнофольклористик моҳияти ойдинлаштирилди. Ана шундай машаққатли илмий изланишлар натижаси ўлароқ ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, ўзига хос табиати ва таснифи, йиғи-йўқлов қўшиқларининг ижро босқичлари ва вазифалари, мотам маросими фольклорининг генезиси, бадиий-композицион хусусиятлари, асосий мотивлар талқини, образлар тизими, лингвопоэтик хусусусиятлари, вазн, банд ва қофия тузилиши, шунингдек, мотам маросими фольклорининг тарихий



тақдири каби ғоят муҳим назарий масалалар фундаментал тарзда тадқиқ этилган "Ўзбек мотам маросими фольклори (жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти)" номли ажойиб монография (2004) юзага келди. Олиманинг 2005 йилда ҳимоя қилинган "Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти" мавзусидаги докторлик диссертациясида ўзбек фольклоридаги йиғи ва йўқловлар тарихий-генетик жиҳатдан миф→маросим→поэзия шаклида тадрижий такомилга эришган бўлиб, унинг замирида нафақат мифологик тасаввур-тушунчалар, анимистик ва тотемистик қарашлар, балки муайян мотам маросими бўлиб ўтаётган даврга алоқадор воқеа-ҳодисалар ҳам ўз бадиий ифодасини топиши кўрсатиб берилди.

Яна шуни қайд этиш керакки, Д.Ўраева асрлар мобайнида аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган мотам маросимига алоқадор фольклор асарларидан тузилган илк тўпламни нашрга тайёрлаган олимлардан биридир. Унинг бевосита иштироки ва сайъ-ҳаракатлари натижасида айрилиқ, жудолик, етимлик, армон, йўқотиш, ачиниш каби ҳиссий муносабатларни бадиий ифода этувчи мотам маросими айтимлари изчил тўпланиб, алоҳида мажмуа ҳолига келтирилди. Профессор О.Сафаров билан Д.Ўраева тарафидан нашрга таёрланган бу тўплам устоз-шогирд ижодий ҳамкорлигининг ажойиб маҳсули бўлиб, "Бўзлардан учган ғазалай" номи билан 2004 йилда чоп этилиши бобомерос миллий қадриятларимизни оммалаштириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Филология фанлари доктори, профессор Дармоной Ўраеванинг илмий тадқиқотчилик фаолияти ўзининг серқирралиги, мавзу жиҳатидан фольклоршуносликнинг энг долзарб, қизиқарли ва энг муҳими, янги фактик материалларни илмий муомалага олиб кириши билан ўзига хослик касб этади. У ўзбек маросим фольклорининг қадимий жанрларидан бири олқишларнинг ўзига хос хусусиятлари ва бадиияти, халқ қўшиқларида заргарлик буюмлари билан алоқадор поэтик рамзларнинг бадиий-эстетик вазифалари ҳамда шойи, атлас каби анъанавий миллий матоларнинг образлантирилиши масаласини тадқиқ этган.

Ўзининг илмий изланишларини фаол давом эттириб келаётган олима Бухоро вилояти аҳолисининг ўзига хос фольклор анъаналарини ареал фольклоршунослик нуқтаи назаридан изчил ўрганишга

алоҳида эътибор беради. Воҳа фольклорини регионал тўплаш ва ўрганиш муаммоларини тадқиқ этиш натижасида бухороликларнинг ўзига хос қўшиқ ва айтимлари тўпланди. Ана шу материаллар асосида Д.Ўраеванинг фольклоршунос олим Д.Ражабов билан ҳамкорликда нашрга тайёрлаган "Бухор элда гул сайли" номли китоби юзага келди (2010). Асосан лирик қўшиқлар, меҳнат қўшиқлари, никоҳ тўйи маросими билан боғлиқ лапарлар, ёр-ёрлар, етим келин-куёвга айтиладиган ёр-ёрлар, ўланлар, ёр-ёр ёроне, хуш келибсиз, келин саломлар, йиғи-йўқлов қўшиқлари, шунингдек, "гул базми" қўшиғи, "гул сайли" қўшиғи, "сайли гули сурх" термалари, Наврўз қўшиқлари, мучал қўшиғи, ё рамазон каби мавсумий маросим фольклори айтимлари ҳамда болалар фольклори намуналаридан тузилган ушбу тўплам Бухоро воҳасида постфольклор шаклида бўлса-да, сақланиб қолган номоддий маданий мерос намуналари асосида ҳозирги тарихий-фольклорий жараённи ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

У "Бибисешанба" маросимида "супра" рамзининг бадиий талқини, кинна айтимларининг поэтикаси, гулафшон айтимларининг ижро ўрни ва бадиий хусусиятлари, ўзбек халқ қўшиқларида даволаш магияси ҳамда олов культига алоқадор мифопоэтик тимсоллар, чорвачилик билан боғлиқ халқ қарашлари ва инонч-эътиқодларнинг айтимларда акс этиши, хусусан, чўпон таёғига алоқадор эътиқодий қарашларнинг бадиий талқинига доир тадқиқотлар яратган. Қадимий мифологик тасаввурлар, тотемистик ва анимистик инонч-эътиқодларнинг фольклор асарлари, жумладан, халқ қўшиқларидаги бадиий ифодасини ўрганишга алоҳида эътибор берган Д.Ўраеванинг ўзбек фольклорида туя, олов, бўри культининг талқинларига доир мақолалари, шунингдек, мифонимларнинг ўзига хос хусусиятлари, фольклор контекстининг поэтик синтаксиси, эпос ва маросим, фольклор ва ёзма адабиёт мунеосабатлари, фольклоризмлар семантикаси, халқ ижодини ўқитиш методикасига доир ишлари янги илмий қарашларни илгари сурганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Унинг ўзбек фольклоршунослиги тарихини ўрганиш борасида амалга оширган тадқиқот ишлари таниқли фольклоршунос Охунжон Сафаров илмий ижодига бағишлаб ёзган ижодий портрети (2010) ҳамда профессор М.Жўраевнинг илмий-ижодий изланишлари таҳлили асосида ёзилган "Семурғ қўнар давлатманднинг бошига" (2017) номли китобларида ўз ифодасини топган.



Ўзининг илмий-тадқиқотчилик фаолиятини олий таълимдаги ўқув-педагогик амалиёт билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга ошириб келаётган фидойи олима Дармоной Ўраева фольклоршунослик фанининг энг янги илмий-назарий қарашлари ва концепцияларини филологик йўналишдаги олий ўқув юртлари учун мўлжалланган дарслик, ўқув қўлланма ва мажмуаларга киритиш орқали жорийлантириш борасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда. У олий ўқув юртлари учун тайёрланган "Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди" усулий қўлланмаси (2006), "Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси" ўқув қўлланмаси (2008), "Рустамхон" достонининг табиати ва бадиияти" (2011) ва "Авазхон" достонининг коллежларда ўрганилиши" (2011) номли ўқув-усулий қўлланма, касб-ҳунар коллежларининг маданият ва санъат йўналишида таълим олувчи талабалари учун ёзилган "Ўзбекистон халқлари этнографияси ва фольклори" дарслиги (2007) ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги грифи билан университетларнинг 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавр таълим йўналишининг 4-курс талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган "Ўзбек мифологияси" дарслиги (2019)нинг муаллифларидан биридир.

*Ас.*: Ижод дурдоналарини излаб / Олға. – 1989. – 15 июль (ҳамк.); Халқ лирик қўшиқларида параллелизмларнинг бадиий-композицион вазифаси // ЎТА. – 1991. – №3. – Б.57-60; Параллелизмларнинг бадиий тасвир воситалари билан муносабати / Республика ёш филолог олимларнинг анъанавий илмий конференцияси материаллари. III. – Тошкент, 1991. – Б.52-54; Параллелизм санъатида рамзий тасвирни юзага келтирувчи қиёсий манбалар / Жумҳурият ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1992. – Б.65-66; Дилларда нурланувчи сиймо / Бахоуддин Нақшбандий ҳақидаги ривоятлардан намуналар изоҳлари билан (7 ривоят) / Бухоро университети. – 1993. – 15 сентябрь (ҳамк.); Дилларда нурланувчи сиймо / Бахоуддин Нақшбандий ҳақидаги ривоятлардан намуналар изоҳлари билан / БҲ. – 1993. – 16 сентябрь (ҳамк.); Ўзбек халқ лирик қўшиқларида параллелизимларнинг характери ва бадиий-композицион вазифалари: Филол. фан. номз...дисс. автореф. – Тошкент,1993; Ўз-

бек халқ қўшиқларида миллий ақидаларнинг ифодаланиши // ТАТ. – 1995. – №2. – Б.61-64 (ҳамк.); Образ ва образлилик тушунчалари ҳақида / Муосир Бухоро филологияси. – Бухоро, 1995. – Б.12–13; Ўлим аллалари ҳақида айрим мулоҳазалар // ЎТА. – 1997. – №5. – Б.32-36 (ҳамк.); Оналар кўксидан отилган армон // Тафаккур. – Тошкент. – 1999. – №3. – Б.115–116; Шамчироқни ёқдилар // Саодат. – Тошкент. – 2002. – №6. – Б.27–28; Ўзбек халқ йиғи-йўқловларининг тил хусусиятларига доир // ПМ. – 2002. – №4. – Б.48-50; Топишмоқларнинг мотам маросимига боғлиқ эволюцияси // ИС. – 2003. – №4. – Б.80-81; Ўзбек халқ қўшиқларида этнопедагогик ақидаларнинг ифодаланиши // БухДУ илмий ахборотлари. – 2003. – №1. – Б.14–21 (ҳамк.); Мотам маросими айтимларининг ижро босқичлари // ЎТА. – 2003. – №5. – Б.58-61; Ўзбек халқ йиғи-йўқловларининг кўп вазифадорлиги // БухДУ илмий ахборотлари. – 2003. – №3. – Б.14–19; Ўзбек халқ йиғи-йўқловларида руҳият тасвири / Ҳайрат ва талқин. – Бухоро, 2004. – Б.30-31; Йиғи-йўқловларда вақт талқини // БухДУ илмий ахборотлари. – 2004. – №2. – Б.13–18; Мотам маросимидаги бир удум хусусида // ЎТА. – 2004. – №2. – Б.48-51; Мотам айтимларида қуш образи // ПМ. – 2004. – №2. – Б.48-51; Бўзлардан учган ғазал-ай. Ўзбек халқ йиғилари ва йўқловлари. – Бухоро: "Бухоро" нашриёти , 2004. – 128 б. (ҳамк.); Инсон хотирасини эъзозловчи халқ қўшиқлари-ҳикматлари / Бўзлардан учган ғазал-ай. – Бухоро: "Бухоро" нашриёти, 2004. – Б.3–10 (ҳамк.); Мотам айтимларида исломий қарашларнинг ифодаси // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент. – 2004. – №1. – Б.44-45; Мотам қўшиқларида метафоранинг қўлланиши // ФМ. – Тошкент. – 2004. – №3. – Б.22–24; Ўзбек мотам маросими фольклори (жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти). – Тошкент: Фан, 2004. – 120 б.; Йигит армонда куймасин // Гулистон. – Тошкент. – 2004. – №5. – Б.16; Дил розилигин аломати // Ўзбекистон матбуоти. – Тошкент. – 2004. – №5. – Б.39; Ҳаёт дарахтидан бир тимсол (мотам қўшиқларида "ҳасса" образи генезиси) // САУ. – 2004. – №10. – Б.26–28; Ўзбек мотам қўшиқларида қўлланилган шеърий санъатлар // ТАТ. – 2004. – №6. – Б.43-48; Инсон хотирасини эъзозлашга алоқадор бир удум хусусида // БухДУ илмий ахборотлари. – 2005. – №1. – Б.33-36; Ашури маросими фольклори // Сино. – Тошкент. – 2004. – №16. – Б.34-41; Мотам аллаларининг жанрий белгилари // ЎТА.



– 2005. – №1. – Б.51-59; Йиғи ва йўқлов жанрларининг фарқли белгилари // ПМ. – 2005. – №3. – Б.36-39; Ўзбек мотам маросими қўшиқларида вазн, банд ва қофия масаласи // БухДУ илмий ахборотлари. – 2005. – №3. – Б.18–22; Забардаст фольклоршунос / Заковат зиёси. – Тошкент: Фан, 2005. – Б.37-41; Мақоллар мавзусининг кенг қамровлилиги / Заковат зиёси. – Тошкент, 2005. – Б.97–100; Инсон хотирасини эъзозловчи қўшиқлар // БМ. – Бухоро. – 2005. – №3. – Б.37-41; Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти: Филол. фан. док-ри дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 35 б.; Мотам қўшиқларида сафар мотиви // ЎТА. – 2005. – №6. – Б.36-41; Гўяндалик – қадимий машғулот / Ўзбекистон педагогик илмий тадқиқот институтининг Қорақалпоқистон филиали. Илмий тўплам. – Нукус, 2005. – Б.75-79; Қарғишларда ўлим ифодаси // ФарДУ илмий хабарлари. – Фарғона. – 2005. – №4. – Б.37-42; O`zbek xalq og`zaki badiiy ijodi (усулий қўлланма). I қисм. – Бухоро, 2006. – 176 б. (ҳамк.); O`zbek xalq og`zaki badiiy ijodi (усулий қўлланма). II қисм. – Бухоро, 2006. – 152 б. (ҳамк.); Ўзбек мотам маросими қўшиқларида "сафар" мотиви // ЎФМ. 1-китоб. – Тошкент, 2006. – Б.59-64; Садр қўшиқлари ҳақида / Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари. – Наманган, 2006. – Б.46-47; Маросим олқишларининг бадиияти / Адабиёт ва таржима. – Тошкент, 2006. – Б.104–106 (ҳамк.); Маросим олқишлари ҳақида / Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Навоий, 2007. – Б.15–18 (ҳамк.); Халқ қўшиқларида заргарлик буюмлари номларининг қўлланиши // ФМ. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.210–211; Халқ насри тадқиқотчиси // ЎТА. – Тошкент. – 2007. – №2. – Б.29-36 (ҳамк.); Эстетическая функция эпитетов золота и серебра в узбекских народных песнях / Геотехнология: инновационные методы недропользования в XXI веке. – Москва-Навоий, 2007. – С.447-451 (ҳамк.); O`zbekiston xalqlari etnografiyasi va folklori. Kasb-hunar kollejlarining madaniyat va san'at yo`nalishida tal'im oluvchi talabalar uchun darslik. – Тошкент: O`qituvchi, 2007. – 136 b. (ҳамк.); Чўпон таёғига алоқадор эътиқодий қарашларнинг бадиий талқини / Филология ва усулиёт масалалари. I қисм. – Тошкент, 2008. – Б.66-68 (ҳамк.); Болалар ўйинларида чорвадорлар ҳаётининг ифодаси / Ўзбек болалар ўйин фольклори: табиати, тўпланиши, нашри ва ўрганилиши муаммолари. – Бухоро, 2008. – Б.25–

27; Тўп ўйинларининг келиб чиқиш илдизлари ҳақида / Ўзбек болалар ўйин фольклори: табиати, тўпланиши, нашри ва ўрганилиши муаммолари. – Бухоро, 2008. – Б.35-41; O`zbek xalq og`zaki ijodi xrestomatiyasi. O`quv qo`llanma. – Тошкент: Aloqachi, 2008. – 560 b. (ҳамк.); Бибисешанба маросимида "супра" рамзи // ЎТА. – 2008. – №6. – Б.24–29 (ҳамк.); Ўзбек халқ қўшиқларидаги олтин ва кумуш сифатлашларининг эстетик вазифаси // БухДУ илмий ахбороти. – 2009. – №1. – Б.42-46 (ҳамк.); Бухоро фольклоршунослик мактабининг асосчиси / О.Сафаров. Фольклор – бебаҳо хазина. Сайланма. – Тошкент: Муҳаррир, 2010. – Б.3–1; Бухор элда гул сайли. Бухоро халқ қўшиқлари ва термалари. – Тошкент: Муҳаррир, 2010. – 188 б. (ҳамк.); Бухоро халқ қўшиқларининг тўпланилиши ва бадиияти ҳақида // Бухор элда гул сайли: Бухоро халқ қўшиқлари ва термалари. – Тошкент, 2010. – Б.3–15 (ҳамк.); Қадимда ранглардан фойдаланишнинг ҳаётий асослари / Филология ва усулиёт масалалари. II китоб. – Илмий-усулий мақолалар тўплами. – Бухоро, 2010. – Б.125–130 (ҳамк.); "Авазхон" достонининг лексик қатламини ўрганиш / Адабий таълим ва ёшлар тарбияси. – Тошкент, 2010. – Б.45-46; Охунжон Сафаров. Ижодий портрет. – Тошкент: Муҳаррир, 2010. – 128 б.; Болаларнинг қўрқинчли ҳикоялари ёки қўрқитмачоқлар ҳақида / Ўзбек фольклори контекстида Бухоро фольклорини регионал тўплаш ва ўрганиш муаммолари. – Бухоро, 2010. – Б.29-32 (ҳамк.); Кинна айтимларининг поэтикасига доир / ЎФМ. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.118–123; Шогирдлар ифтихорига айланган устоз. (О.Сафаровнинг 70 йиллик юбилейига) // БухДУ илмий ахборотлари. – 2010. – №1. – Б.33-38 (ҳамк.); Фидойи устоз ибрати / Бухорономa. – 2010. – 4 апрель, (28). – Б.6 (ҳамк.); Ҳам мураббий, ҳам олим / Маърифат. – 2010. – 7 апрель. – Б.3 (ҳамк.); О.Сафаров – дарсликлар муаллифи / Маърифат. – 2010. – 25 апрель (ҳамк.); "Малика айёр" достонини ўқитишда кўргазмалилик / Шахс маънавий камолотида лисоний ва адабий таълимнинг ўрни. – Бухоро, 2010. – Б.55-58 (ҳамк.); Болалар адабиётининг серқирра тадқиқотчиси // ПМ. – 2010. – №1. – Б.70-72 (ҳамк.); Шогирд дарё бўлса, устоз бахти нақд...// БМ. – 2010. – №1. – Б.25; Навоий ижодида фольклоризмлар / Алишер Навоий ижоди ва маънавий тараққиёт масалалари. – Бухоро, 2011. – Б.18–20 (ҳамк.); Алишер Навоий ғазалидаги бир олқиш ҳақида / Алишер Навоий – буюк давлат арбоби ва қомусий олим. – Навоий, 2011. – Б.41-42 (ҳамк.); Деҳқончилик қўшиқлари жанрини белгилашда касбий атамаларнинг ўрни / Тилшунослик ва методика масалалари. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.126–129 (ҳамк.); "Рустамхон" достонининг табиати ва бадиияти (ўқув-услубий қўлланма). – Бухоро: Истеъдод, 2011. – 41 б. (ҳамк.); "Авазхон" достонининг коллежларда ўрганилиши (ўқув-услубий қўлланма). – Бухоро: Истеъдод, 2011. – 32 б. (ҳамк.); Ўзбек фольклори бўйича янги дарслик // ЎТА. – 2011. – №2. – Б.104–106; Топишмоқлар поэтик синтаксисининг ўзига хослиги // БухДУ илмий ахбороти. – Бухоро. – 2011. – № 2 (42). – Б.43-46; Бухоро меъморчилиги тарихига оид муҳим қўлланма // БМ. – Бухоро. – 2011. – №4. – Б.50 (ҳамк.); Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони билан "Рустамхон" халқ достонидаги ўхшаш мотивлар / Алишер Навоий ижодида оила, таълим ва тарбия масалалари. – Бухоро, 2012. – Б.111–113; Мифопоэтика Марины Цветаевой / Сборник статей Республиканской научно-практической конференции, посвященной 120-летию со дня рождения М.И.Цветаевой. – Бухара, 2012. – С.80-83 (ҳамк.); Халқ қўшиқларида олов культига алоқадор қарашларнинг излари / Сборник статей Республиканской научно-практической конференции, посвященной 120-летию со дня рождения М.И.Цветаевой. – Бухара, 2012. – С.371-374 (ҳамк.); Халқ қўшиқларида радифга алоқадор лингвистик хусусиятлар / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Андижон, 2012. – Б.322-326; "Гули сурх" сайли термаларида Бухоронинг ўзига хос этнографияси тасвири / Кўҳна ва боқий Бухоро тарихи ҳамда маданий мероси – комил инсон тарбиясида муҳим манба. – Бухоро, 2012. – Б.40-42; Ўзбек фольклорида туя культи билан боғлиқ қарашлар // ЎТА. – Тошкент. – 2012. – № 5. – Б.44-48; "Жорхун Мастон" достонида архаик эпос ва маросим уйғунлиги / Қодир бахши абадияти. – Қарши: Қарши ДУ, 2012. – Б.47-50; Толкование народных поверий связанных с культом верблюда в узбекском фольклоре / Филология и лингвистика: проблемы и перспективы. II. – Челябинск, апрель 2013 г. – С.16–19; "Алпомиш" достони – оилавий маросимлар қомуси // ФМ. – 2013. – №3. – Б.142–144 (ҳамк.); Ўзбекларда эртак истилоҳи ҳақида / Филология масалалари. 7-китоб. – Т.: Фан, 2013. – Б.13–15; Оилада фарзанд тарбиясининг халқона асослари // Турон Фанлар академия-

си ахборотномаси. – №1. – Тошкент, 2013. – Б.217–222; Гулафшон айтимларининг ижро ўрни ва бадиий хусусиятлари // ЎТА. – 2013. – № 2. – Б. 42-45; Халқ қўшиқларида образлар параллелигининг миф-маросим-фольклор тараққиётида шаклланиши // БухДУ илмий ахборотлари. – Бухоро. – 2013. – № 3. – Б.37-42; Ўзбек болалар ўйинларида бўри образининг генезиси / Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий типологик изланишлар ва адабиётшунослик муаммолари. V жилд. – Тошкент: Муҳаррир, 2014. – Б. 366-368 (ҳамк.); Ўзбек ва инглиз тилларида фольклор жанрлари терминологияси / Чет тилларни ўрганишнинг замонавий муаммолари ва истиқболлари. – Бухоро, 2014. – Б.120–121; Йилбоши Наврўз / Бухоро университети. – 2014. – 27 март. – № 3 (1126). – Б.1–2; Folklore of Uzbek Lament Traditions // Young scientist USA. Humanities. Printed in the United States of Amerika. – Lulu, 2014. – P.116–118; Ўзбек халқ қўшиқларида ўсма образи // ФМ. 8-жузв. – Тошкент: Наврўз, 2014. – Б.257–259 (ҳамк.); Ўзбек халқ қўшиқларида кийим-кечаклар талқини / Филология в современном мире. – Бухара, 2014. – С.98–101 (ҳамк.); Грамматик билимлар – топишмоқ жумбоғи калити // ТАТ. – 2014. – №7. – Б.11–13; Ўзбек оилаларида болага исм қўйиш билан боғлиқ халқона анъаналар / XXI аср – интеллектуал авлод асри. – Тошкент-Урганч, 2014. – Б.610-614; Олий таълимда фольклор фанини ўқитишни модуллаштириш / Глобал олий таълим тизимида илмий тадқиқотларнинг замонавий услублари. – Навоий, 2015. II. – Б.302-304 (ҳамк.); Халқ қўшиқларини тадқиқ қилишда лингвистик методнинг аҳамияти / Глобал олий таълим тизимида илмий тадқиқотларнинг замонавий услублари. – Навоий, 2015. II. – Б.304-306 (ҳамк.); Охунжон Сафаров – етук олим ва меҳрибон устоз / Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. – Бухоро, 2015. – Б.9–11; Шарқ ва Ғарб адабиётида "демонлар базми" тасвиридаги муштаракликлар // Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. – Бухоро, 2015. – Б.156–158 (ҳамк.); Ўзбек ареал фольклоршунослигининг забардаст вакили / Заковат файзи. – Бухоро, 2015. – Б.53-59; Ўзбек халқ қўшиқларида радиф. – Бухоро, 2015. – 32 б. (ҳамк.); Ғарбу ва Шарқда масал жанри тараққиёти ва унда поэтик синтаксис масаласи / Номоддий маданий мерос ва фольклоршунослик муаммолари. – Қарши, 2015. – Б. 113–117; Халқ қўшиқларидаги бир образ ҳақида // ЎТА. – 2015. – № 1. – Б. 80-85;



Антропонимларнинг этнофольклористик талқини хусусида / Ономастика масалалари. 1-чиқиши. – Тошкент: Наврўз, 2015. – Б. 50-52; Мақолларни "синквейн" усулида ўргатиш. – Тошкент: Наврўз, 2015. – 64 б. (ҳамк.); "Жаҳон адабиёти" дарсида эпиталамалар ва ёр-ёрларни қиёслаб ўрганиш // ТАТ. – 2015. – №.8 – Б.45-46; Шарқ ва Ғарб адабиётида "шайтон" мифоними талқинидаги ўзига хосликлар // БухДУ ilmiy axboroti. – 2015. – № 4. – Б.76-82; Қўрқитмачоқлар ва уларнинг ёзма адабиётдаги стилизацияси // ЎТА. – 2015. – № 6. – Б.35-40; Зулфия ижодида адабий этнографизмлар / Зулфия ижодида Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари синтези. – Бухоро, 2015. – Б.23–25; Фитрат тўй маросимлари ҳақида / Истиқлол ва Фитрат ижоди. – Бухоро, 2016. – Б. 44-47; Фарҳод образининг "Осмон Рустами" таърифи асослари / Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди – намуна мактаби. – 2-китоб. – Тошкент, 2016. – Б. 129–132; Халқ қўшиқларида образлар параллеллиги // ФМ. – 2016. – № 1. – Б. 25-30; Ўзбек романчилиги шаклланишида халқ майдон кулги санъатининг ўрни / Ўзбек адабиётшунослигида таҳлил ва талқин муаммолари. – Қарши, 2016. – Б.37-40; Элни деб эл кезган олим // БухДУ ilmiy axboroti. – 2016. – № 4. – Б.95–100 (ҳамк.); Халқ қўшиқ ва мақолларида оила мустаҳкамлигида аёлнинг роли талқини / Инсон манфаатлари – энг олий қадрият. – Бухоро, 2017. – Б.34-36; Uzbek "motam yor-yor" songs / University College of Takestan. Available online at http://UCTjournals.com. Iranian Journal of Social Sciences and Humanities Research UCT . J. Soc. Scien. Human. Resear. (UJSSHR). – Volume 4, Ussue 4. – P.1-4; Семурғ қўнар давлатманднинг бошига. – Тошкент: Турон замин зиё, 2017. – 188 б.; Абдурауф Фитрат халқ лапарлари ҳақида / Истиқлол ва Фитрат. – Бухоро, 2017. – Б. 73-76 (ҳамк.); Эркин Воҳидов ва халқ оғзаки ижоди / Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг 80 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Наврўз, 2017. – Б. 70-73; Ўзбек фольклори ва фольклоршунослигида мифонимлар / Onomastika masalalari. – Тошкент: Наврўз, 2017. – Б.32-34; Бухоро фольклорини тўплаш ва ўрганишнинг долзарб муаммолари / Филология фанларининг долзарб масалалари. 2-қисм. – Бухоро: "Дурдона", 2017. – Б.55-59; Халқ мухаммасхонлиги / ЎФМ. VI китоб. – Тошкент, 2017. – Б.99–107; "Келин салом"лар ижро композициясида ҳамд ва наът / Ёшларни миллий ва умумин-

соний қадриятлар руҳида тарбиялашда маданият ва санъатнинг ўрни. – Бухоро, 2017. – Б.31-32 (ҳамк.); Ўзбек халқ қўшиқларида ипакнинг образлантирилиши // БухДУ ilmiy axboroti. – 2017. – №4. – Б.76-80 (ҳамк.); Мотам аллаларининг ўзига хос хусусиятлари / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.568-574. Тўра Мирзаев – академик // Бухоронома. – 2018. – 14 январь (№ 4-5). – Б.6 (ҳамк.); Ўзбек халқ қўшиқларида даволаш магиясига ҳамда олов культига ишонч ифодаси / Инсон маънавий камолотида китобнинг ўрни ва аҳамияти. – Тошкент: "Адабиёт учқунлари", 2018. – Б.30-31 (ҳамк.); Инъикоси намунаҳои эчодиёти шифоҳии мардуми Бухоро дар асарҳои устод Айнӣ / Устод Садриддин Айнӣ поягузори адабиёти реалист халқҳои Осиёи Марказӣ. – Душанбе, 2018. – С.170–176; Ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришда фольклордан фойдаланиш. – Бухоро: Дурдона, 2018. – 68 б. (ҳамк.); Фольклоршунослигимиз яловбардори / ЎФМ. VII китоб. – Тошкент: Фан, 2018. – Б. 69-76; Глобаллашув муаммоларининг фольклоршуносликда ўрганилиш зарурияти / Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи. 2-китоб. – Тошкенг, 9–10 август 2018 йил. – Б.312-316; Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романида халқ майдон кулгуси ифодаси / Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён.– Тошкент, 29-30 ноябрь, 2018 йил. – Б.188–193; Ўзбек фольклорида бой образининг ўзига хос талқини // Сўз санъати журнали. – Тошкент, 2018. – №4. – Б.65-69; Халқ ижодида Баҳоуддин Нақшбанд сиймосининг эпик талқини / Маданий цивилизация контекстида хожагон нақшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий-маънавий меросининг умумбашарий аҳамияти. 1-китоб. – Навоий, Бухоро, 2018. – Б.52-53; Охунжон Сафаров / Илм зиёсидан мунаввар кўнгиллар. – Бухоро: Дурдона, 2018. – Б.62-85; Иқбол Мирзо шеърларида этнофольклористик тушунчаларнинг бадиий талқини / Тилшунослик ва методика масалалари. – Тошкент: Муҳаррир, 2019. – Б.195–197; Насриддин афанди – эзгулик ва ҳақиқат ҳимоячиси / Насриддин афандининг дунё кулги маданиятидаги ўрни. – Бухоро, 2019. – Б. 57-61; Халқ эъзозлаган қаҳрамон / Бухоронома. – 2019. 31 март. – №26; Ўзбек мутафаккирлари ҳақидаги ривоятларнинг бошланғич синфларда ўргатилиши / Ааламдашуу шартындагы билим беруунун, тарбиялоонун абалы жана онугуу



тенденциялары: X эл аралык илимий-практикалык симпозиумдун материалдары. – Б.: 2019. – Б.404-407; Ўзбек халқ қўшиқларида психологик параллелизмлар / Жаҳон цивилизацияси: Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти. – Термиз, ТерДУ, 2019. – Б.121–123; "Мифонимлар тўри"га хос хусусиятлар / Ўзбек матншунослигининг назарий ва амалий муаммолари. – Қарши, 2019. – Б.29-30 (ҳамк.); Абдулла Қодирийнинг "Жинлар базми" ҳикоясида эврилиш мотиви / Абдулла Қодирий ва ўзбек адабиёти тараққиёти. – Бухоро: Дурдона, 2019. – Б.19–21 (ҳамк.); Ўзбек халқ қўшиқларининг структурал таҳлили хусусида / Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари: таҳлил ва талқин. – Термиз, 2019. – Б.164–165; Хожагонлар сиймосининг ўзбек фольклорида образлантирилиши / The universal significance of scientific-spiritual heritage of khojagon, Naqshbandi sufi teachings in the context of world cultural civilization. International scientific conferenct. – Navoi, Uzbekistan. May 27–28, 2019 (ҳамк.); Фольклордан ҳикмат топган олима / Фольклор фани фидойиси.– Андижон, 2019. – Б.21–26; Ой ҳақидаги топишмоқларда "бир" рақамининг поэтик вазифалари // ТАТ. – 2019. – № 6. – Б. 34-35 (ҳамк.); Ўзбек халқ қўшиқларида шойи ва атласнинг образлантирилиши / Буюк ипак йўлида фольклор санъатининг ривожланиш жараёнлари. – Фарғона, 2019. – Б.37-39; The stylization of prose tales in Uzbek children's literature / Religacion. Revista de Ciencias Sociales y Humanidades. – America Latina. – Vol. 4. – N. 19. – Quito. – Trimestral. – Septiembre 2019. – Pp. 691-695. – ISSN 2477-9083 (ҳамк.); O'zbek mifologiyasi. O'zbekiston Respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi grifi bilan universitetlarning 5120100 – Filologiya va tillarni o'qitish (o'zbek tili) bakalavr ta'lim yo'nalishining 4-kurs talabalari uchun darslik sifatida tavsiya etilgan. – Тошкент: Navro'z, 2019. – 508 bet. (M.Jo'rayev); Огаҳий ижодида баҳор ва Наврўз талқини / Muhammad Rizo Erniyozbek o`li Ogafih tavalludining 210 yilligiga bag`ishlangan "Ogahiy – shoir, muarrix, tarjimon" mavzusida respublika miqyosida o`tkazilgan ilmiy-nazariy anjuman materiallari. – Urganch, 16–17 dekabr, 2019 yil. – B.48-51; Алишер Навоий ғазалларида аждаҳо образи / Алишер Навоий ва XXI аср. – Т., 2020. – Б. 272–274 (ҳамк.); Топишмоқ жанрининг жаҳон фольклоридаги муштарак хусусиятлари / Таълим тизимида чет тилларни ўрганишнинг замонавий муаммолари ва истиқболлари. – Бухоро, 2020. – Б.410-412; Ўз-

бек фольклори ва адабиётида "қора хат" мотиви / Замонавий филологияда интеграцион жараёнлар. – Бухоро, 2020. – Б.222–224; O'zbek adabiyotida tarixiy inversiya va folklor xronotopidan foydalanish an'anaviyligi // Тафаккур ва талқин. – Бухоро, 2020. – Б. 334-337 (ҳамк.); Davolash magiyasiga ishonchdan shakllangan xalq aytimlari poetikasi / Тафаккур ва талқин. – Бухоро, 2020. – Б.330-334 (ҳамк.); Ўзбек халқ қўшиқларида ипакнинг образлантирилиши / Xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish: strategiyalar, innovatsiyalar va ilg'or tajribalar. Тошкент, 2020. – B. 283–286 (ҳамк.); The expression of the national traditions and beliefs in uzbek phraseological units // International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA issue 06, volume 86 published June 30, 2020. – P.469-472 (ҳамк.); Ўзбек халқ қўшиқларида параллелизм. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 166 б.; Выражение веры в огонь и золу в волшебное исцеление на нароных песнях // European scientific conference. – Пенза, 2020. – С.360-364 (ҳамк.); Expression of the realities and people of the war period through mythological image // ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal. 2020. – Vol. 10, Issue 8. – P. 461 – 465 (ҳамк.)

***Ад.***: Сафаров И. Дармонойнинг қувончи / Янги ҳаёт. – Олот, 1983. – 29 апрель. – №64 (1679). – Б.4; Қораев Т., Сафаров О., Шамсутдинова А., Қосимова Н. Кириш имтиҳонларидан кейинги ўйлар / БҲ. – 1984. – 29 август. – № 166. (16. 452). – Б.4; Фидойи фольклоршунос олима / Педагогика факультети: тарих ва тараққиёт (1957–2015). 1-китоб. – Бухоро: "Бухоро" нашриёти, 2016. – Б.103–104; Дармоной Ўраева / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.568; Раҳматов Й., Бозорова Н. Унутилмас йиллар сабоғи. Адабий эссе-хотира. – Тошкент, 2018. – Б.43-46; Қувватова Д., Тўхсанов Қ., Сулаймонов Ш. Саодатли умр ибрати / Бухоро адабиёти ва санъати. – 2017. – 23 май. – № 9–10 (39). – Б.1, 3; Ашурова Г. Халқ яратган қўшиқлар ("Бухор элда гул сайли" тўпламига тақриз) / Бухорономa. – 2010. – 21 апрель. – (32-сон). – Б.6.



## Назира МАДРАХИМОВА

*(1967 йил 10 сентябрь, Ҳазорасп тумани, Овшар қишлоғи)*

Ўзбек халқ достонларининг тадқиқотчиларидан бири Назира Якубовна Мадрахимова 1985–1990 йилларда Тошкент давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) тамомлагач, 1990–1991 йилларда Хоразм давлат педагогика институти (ҳозирги Урганч давлат университети) Ўзбек адабиёти кафедрасида лаборант сифатида ўз иш фаолиятини бошлаган. 1991–1992 йилларда шу кафедра ўқитувчиси, 1993–1996 йилларда УрДУ "Ўзбек адабиёти" кафедраси аспиранти, 1997–2003 йилларда катта ўқитувчи, 2003–2007–2009 йилларда доцент лавозимларида ишлаган. 2009–2010 йилларда Хоразм вилояти педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти "Тил ва адабиёт таълими" кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган. 2011–2012 йилларда Тошкент Ахборот технологиялари университетининг "Ижтимой-гуманитар фанлар" кафедрасида доцент лавозимида ишлаган. 2013–2015 йилларда касалланганлиги сабабли вақтинча ишламаган. 2015 йилнинг 2 сентябридан УрДУ "Бошланғич ва мактабгача таълим методикаси" кафедрасида доцент лавозимида ўз иш фаолиятини давом эттирган. Ҳозирги пайтда шу университетнинг "Мактабгача таълим методикаси" кафедрасида доцент лавозимида ишлаяпти. 1996 йилда "Ширин билан Шакар" достонининг қиёсий-типологик таҳлили (ўзбек ва қорақалпоқ версиялари асосида)" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Фольклоршунос олима Назира Мадрахимова ўзбек халқ достонларининг маиший-романик характердаги намуналаридан бири "Ширин билан Шакар"ни, унинг турли достончилик мактабларидаги вариант ва версияларини, генезисини, образлар типологиясини, бадиийятини, шунингдек, ана шу достон асосида халқ бахшиларининг импровизация соҳасидаги талант ва маҳоратини чуқур ўрганган. Достоннинг Қурбонбой жиров Тожибой ўғли репертуаридаги икки тилда куйланган вариантларини қиёсий ўрганиш жараёнида халқ достончилигида иккитиллилик ҳодисаси ўзига хос тарзда мавжудлиги ва бу бахшининг бадиҳагўйлик маҳоратини юзага чиқаришда муҳим омил бўлиши ҳақидаги илмий қарашлар-

ни илгари сурди. Бу фикрлар илмий жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди.

Назира Мадрахимова 1994 йилнинг августида Қашқадарёнинг Деҳқонобод қишлоғида жойлашган Хўжа Маҳмуд қишлоғига, 1995 йилнинг февраль ойида Нишон туманидаги Қирққулоч қишлоғига илмий сафар қилиб, "Ширин билан Шакар" достонининг Қирққулоч қишлоғида яшовчи Рўзи бахши Култўра ўғлидан ўзига хос вариантини ёзиб олишга муваффақ бўлди.

*Ас.*: Қурбонбой жировнинг ўзбекча достонлари ҳақида / Республика ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси. – Тошкент, 1993. Б.72-73; "Ширин билан Шакар" достонининг версиялари / Изланишлар, тадқиқотлар, кашфиётлар. – Тошкент, 1993. – Б.18; Икки тилда икки хил талқин / Ўзбекистон ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1995. – Б.58-60; Достонларда армон яшайди // ЎАС. – 1995, 12 май; "Ширин билан Шакар" достонида ҳомий образи // ЎТА. –1996. №6. Б.41-43; "Ширин билан Шакар" достонида садоқатли ёр тимсоли // ЎТА. – 1997. №3. – Б.37-39; Халқ достонларида садоқатли ёр тимсоли // ФИ. – 2002. – Б.60-62; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Урганч, 2000. 22 б. (ҳамк.); "Ширин билан Шакар" достонининг икки тилдаги икки хил талқини //ФИ. – 2002. – Б.62-64; Хоразм халқ қўшиқларида маънавият масаласи // ФИ. – 2002. – Б.64-65; Халқ достончилигида иккитиллилик анъаналари. – Тошкент, 2003. – 86 б.; "Ширин билан Шакар" достони Рўзи бахши репертуарида / ФТТ. 9-том. – 2004. – Б.41-44; "Ширин-Шакар" достонида эпик от талқини // ФИ. XV. – 2008. – Б.110–112;"Ширин билан Шакар" достонининг ўзбек-қорақалпоқ достончилик алоқаларидаги ўрни / Национальный фольклор народов Центральной Азии и проблемы духовного обновления общества. – Нукус, 2008. – Б.64-65; "Ширин-Шакар" достони ва бахшичиликдаги иккитиллилик ҳодисаси ҳақида / ХФ. Х том.–2008. – Б.38-41; Маиший-романик достонлардаги аёл руҳияти тасвири ҳақида / ХФ. Х том. – 2008. – Б.22–24;Xorazm xalq qo'shiqlari ma'naviy tarbiya omili sifatida / Fuqarolik jamiyatida shaxs tarbiyasi va unda oila institutining o'rni. – 2017. – B.320-322; "Shirin bilan Shakar" dostoni versiyalarida badiiy etnografiya // Modern Scientific research journal. – London, 2019. – №10.



## Олим ҚАЮМОВ

*(1968 йил 4 февраль, Хатирчи тумани, Хонақа қишлоғи)*

Ўзбек шомон фольклорини тўплаб, тадқиқ этиш билан шуғулланаётган фольклоршунос Олим Садриддинович Қаюмов 1985 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти Навоий филиали (ҳозирги Навоий давлат педагогика институти) нинг Ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирган. 1986–1988 йиллари ҳарбий хизматни ўтаган. 1992 йилда Навоий давлат педагогика институти Ўзбек филологияси факультетини тамомлаб, шу институтнинг Ўзбек адабиёти кафедрасига ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилинган. 1995–1998 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлими аспирантурасида таҳсил олган. 1998–2000 йилларда Навоий давлат педагогика институти Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи ҳамда Ўзбек адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси лавозимларида фаолият кўрсатган. 2000–2001 йилларда Навоий давлат кончилик институти Ўзбек ва чет тиллари кафедраси мудири, 2002–2005 йилларда Навоий давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси, 2005–2008 йилларда шу институт Ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири бўлиб ишлаган. 2008–2011 йилларда Ўзбек адабиёти кафедрасини бошқарган. 2011–2014 йилларда Навоий давлат педагогика институти Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бўйича проректор, 2014–2018 йилларда Навоий давлат педагогика институти Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори вазифасида ишлаган. 2018–2020 йилларда ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти докторанти. Ҳозирги кунда Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида дарс беради. 1999 йилда "Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси)" мавзуида номзодлик, 2020 йилда "Ўзбек шомон маросимлари фольклори" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

О.Қаюмов ўзбекларнинг пари билан алоқадор мифологик тасаввурлари ҳамда бу образнинг эпик асарлардаги бадиий талқини масаласини ўрганган. Шунингдек, сўз магияси билан боғлиқ фольклор жанрлари ҳамда ўзбек шомон маросимлари фольклорига доир илмий тадқиқотлар яратган. Навоий вилояти ҳудудидаги Сар-

мишсой дарасида жойлашган қоятош суратлари – петроглифларда акс этган қадимги мифологик қарашлар ва архаик маросимларнинг талқинига оид кузатишлар олиб борган.

1993–2017 йилларда институт Ўзбек филологияси факультети талабалари фольклор амалиётининг раҳбари сифатида Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятлари бўйлаб фольклор экспедицияларида иштирок этган. Мазкур экспедициялар жараёнида маросим фольклори, халқимизнинг мифологик тасаввурлари, айникса, пари, жин, алвасти, сариқиз, марту, дев, озитқи, жезтирноқ каби мифологик персонажлар билан боғлиқ халқ қарашлари, оғзаки демонологик ҳикоялар, ирим-сиримлар ва улар билан боғлиқ айтим ҳамда аломатларни тўплаган. У қуйи Зарафшон воҳасида истиқомат қилувчи парихон, кушноч ва бахшилар репертуаридаги шомон маросимлари фольклори асарларини ёзиб олган. Ўзбек шомон маросим фольклорининг спецификаси, жанрлар таркиби, поэтикаси борасида монографик тадқиқот муаллифидир.

*Ас.*: Пари ҳақидаги халқ қарашлари // ЎТА. – 1996. – 1-сон. – Б.43-45; Пари ва амозонка образлари ҳақида // ЎТА. – 1997. – 2-сон. – Б.52-55; Фольклоршунослик янгиликлари // ЎТА. – 1998. – 3-сон. – Б.84-85; Пари образининг генезисига доир мулоҳазалар // ЎТА. – 1998. – 4-сон. – Б.41-44; Сув парилари ҳақида // Адабиёт гулшани. 1-китоб. – Тошкент, 1999; Ўзбек фольклорида пари образи (тарихий асослари ва бадиияти): Филол. фанлари номз. дисс. – Тошкент, 1999; “Пайрика” ва “Авесто” мифологияси / “Авесто” ва ўзбек фольклорининг образлар тизими. – Навоий, 2001. – Б.29; Ёвуз аёл образлари генезисига доир / Адабиёт гулшани. 2-китоб. – Навоий, 2001. – Б.29; Ирим ва мифологик талқин / Адабиёт гулшани. 2-китоб. – Навоий, 2001. – Б.16; Тилло бешик аллалари / Муаллим. – 2000, 20 октябрь (ҳамк.); Алишер Навоий “Хамса”-сида дев образининг бадиий талқини / Алишер Навоий ижоди ва маънавий тараққиёт масалалари. – Навоий. 2001; “Сармишсой” пиктографларини ўқишга доир / Давлат тили ва умуминсоний қадриятлар. – Навоий, 2004; Афсун жанри ҳақида / Филологик таълим: муаммо ва ечимлар. – Тошкент, 2004; Ўзбек халқ тижорат қўшиқлари ҳақида // ТАТ. –2005. – 3-сон. – Б.68-71; Шомон чорловлари фольклор жанри сифатида // ИС. – 2005. – 2-сон. – Б.56-59;



Шомон афсоналари // ЎТА. – 2004. – 6-сон. – Б.45–48; Касалликларни даволаш билан боғлиқ шомон маросимлари фольклори // ЎТА. – 2006. – 6-сон. – Б.52-58; Шомон аврашлари // ИС. – 2006. – 2-сон; Шомон аврашлари морфологиясига доир / ФИлологик тадқиқотлар. 1-китоб. – Навоий, 2006; Ўзбек шомон маросимлари ҳақида баъзи бир мулоҳазалар / Филологик тадқиқотлар. 1-китоб. – Навоий, 2006; Афсун жанри ҳақида / НавДПИ XXI-илмий-амалий конференцияси материаллари. – Навоий, 2006; Шомон йўқловларининг ўзига хос хусусиятлари / ЎФМ. 1-китоб. – Тошкент, 2006. – Б.64-68; Шомон афсоналари бадииятида мифологик мотивлар / Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Навоий, 2007. – Б.23–27; Тиббий магик этнографизмлар / Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Навоий, 2007. – Б.185–186; Ўзбек шомон айтимлари. – Навоий, 2007; Ўзбек шомон фольклорида аждодлар культи. Анбар она / НавДПИ XXIII-илмий-амалий конференцияси материаллари. 3-қисм. – Навоий, 2008; Ўзбек фольклорида тарбия масаласи (услубий қўлланма). – Навоий, 2009; Эртак ва тарбия (услубий қўлланма). – Навоий, 2009; Шомонийлик ва ўзбек мифологияси / ЎФМ. 2-китоб. – Тошкент, Фан. 2010.– Б.132–141; Ўзбек шомон маросимлари фольклорининг спецификасига доир / Ўзбек фольклори контекстида Бухоро фольклорини регионал тўплаш ва ўрганиш муаммолари. – Бухоро, 2010. – Б.46-50; Қиссаи “Бибимушкулкушод” ва “Бибисешанба” маросими айтимлари типологиясига доир / Ўзбек фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Наманган, 2010.– Б.27-30; Ўзбек шомон маросимлари фольклори поэтикаси. – Навоий. 2013. – 112 б; Гулафшан как жанр обрядовой поэзии / Диалог поколений: проблемы преемственности культур. – Навоий, 2014. – С.92-95; Ўзбек мифологияси хусусида баъзи бир мулоҳазалар / НавДПИ илмий ахборотномаси. – 2015. – 3-сон. – Б.10–16; Пари образининг генезисига доир мулоҳазалар / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.575-579; Шомон йўқловлари фольклор жанри сифатида // Хорижий филология. – Самарқанд, 2018. – 3-сон.– Б.79-86; Мифологик тасаввурлар, ўзга олам ва руҳлар талқинига доир // ИС. – 2018. – 12-сон. – Б.51-54; Об образе мифологической покровительницы матери Анбар /

Этногенез и этническая история народов Кавказа. – Грозный, 2018. – С.560-565; Узбекская мифология и шаманство / XX Ивановские чтения. Материалы международной научной конференция. – СПб., 2018. – С.83-90; Surpa renovation" as a shamanic ritual // Вопросы науки и образования. – М., 2019. – №7 (53). – С.59-65; Image of grandfathers in the uzbek shaman folklore // Достижения науки и образования. – М., 2019. – №3 (44). – С.29-32; The Tails About Uzbek Shaman Miracles / International Virtual Conference on The Ways of Innovative Approach on the Deployment of Science and Edcation. Vol. 9. Issue 5. – 2019. – P.12–19; Ўзбек шомон фольклори матнларида умумтуркий сўзлар хусусида / Изланиш самаралари. №5. – Тошкент, 2019. – Б.164–168; Rimph in the uzbek shamanistic songs / III Asia pacific international congress on contemporary / Studies full text book-contents. – Seoul, South Korea, 2020. – P.76-81.

***Ad.***: Олим Қаюмов / XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Масъул муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б.575.

**Зебинисо Аҳмедова**

*(1968 йил 8 август, Қурғонтепа вилояти Шаартуз тумани)*

"Минг бир кеча" ва ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимининг қиёсий тадқиқини ўрганишга доир тадқиқотлари билан фольклоршунослик фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Зебинисо Жумақуловна Аҳмедова 1985–1990 йилларда Навоий давлат педагогика институтининг филология факультетида ўқиган ва имтиёзли диплом билан тугатган. 1990–2003 йилларда Навбаҳор туманидаги 9-умумтаълим мактабида ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 2003 йилдан Навоий давлат педагогика институтида илмий-педагогик фаолиятини бошлаб, "Ўзбек адабиёти" кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган. Ҳозирги кунда Навоий давлат педагогика институтининг "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедрасида катта ўқитувчи сифатида фаолият олиб бормоқда.

У "Минг бир кеча" ва ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимининг қиёсий тадқиқи мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда. Араб эртаклари мажмуасининг ўзбек эртакчилиги анъанасига таъсири, араб ва ўзбек халқ эртакларининг сюжети ва мотивлар типологияси, ўзбек халқ сеҳрли эртаклари сюжет тизимининг шаклланишига "Минг бир кеча" таржималарининг таъсири масалаларини ўрганган.

***Ас.*** "Минг бир кеча"ва ёзма адабиёт // ФМ. – 2005. – №2-3. – Б53-56; Навоийнинг "Минг бир кеча" ва унинг ўзбек халқ эртакларига таъсири / Ўзбек фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Наманган, 2010, -Б 113–117; Ўзбек халқ эртаклари ва "Минг бир кеча" сюжети типологиясига доир // ТАТ. – 2011. – №4. –Б.56-60; "Минг бир кеча"нинг яратилиш тарихи ҳақида // ЎТА. – 2012. – №6. – Б.46-50; Баҳром образининг генезиси ҳақида баъзи мулоҳазалар // ИС. – 2014. – №5. – Б.57-60; Баркамол шахсни тарбиялашда фольклор асарларининг ўрни / Илм ва фан тараққиётида олима аёлларнинг тутган ўрни ва роли. – Бухоро, 2014. – Б.291–294; Навоий ижодида "Минг бир кеча" мотивлари / Алишер Навоий ижоди ва тараққиёт масалалари. – Навоий, 2016. – Б.37-38; "Минг бир кеча"нинг ўзбек халқ мажозий эртакчилигига таъсири / Олий таълим сифатини такомиллаштиришда инновацион ҳамкорликнинг долзарб масалалари. – Навоий, 2020. – Б.275–277; "Минг бир кеча"нинг ўзбек халқ эртаклари сюжет тизимига таъсири / Таълимда устоз-шогирд тизими-сифат ва самарадорлик кафолати. – Навоий, 2020. – Б.353-355; Некоторые взгляды об истории "Тысячи и одной ночи" / Диалектология. Этнолингвистика. Этимология. Мифология – Уфа, 2020; "Минг бир кеча": юзага келиши ва манбалари / International Asian Conference on Contemporary sciences-IV. – Озарбайжон, 2020.

**Наргиза ҚУРАНБАЕВА**

*(1969 йил 25 октябрь, Янгиариқ тумани, Гулобод қишлоғи – 2020 йил 21 сентябрь, Тошкент вилояти, Ғазалкент шаҳри)*

Хоразм тўй маросим қўшиқларини тўплаб, тадқиқ этган Наргиза Ражабовна Қуранбаева 1986 йилда Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманидаги Гулобод қишлоғида ўрта мактабни тугатган.

1986 йилда ТошДУнинг Ўзбек филологияси факультетига ўқишга кириб, уни 1992 йилда муваффақиятли тугатган. Ўша йили Хоразм давлат Педагогика институти (ҳозирги Урганч давлат университети) "Ўзбек адабиёти" кафедрасида ассистент-ўқитувчи лавозимида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган. 1994–1997 йиллар мобайнида Урганч давлат университети кундузги аспирантурасида таҳсил олган. 1997 йил шу университетнинг "Ўзбек адабиёти" кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишлай бошлаган. 1998 йилдан мазкур илм даргоҳининг "Факультетлараро ўзбек тили ва адабиёти" кафедрасида ўқитувчи вазифасида ишлаган. 1998 йилда проф. С.Рўзимбоев раҳбарлигида "Хоразм тўй қўшиқлари" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Тадқиқотчи Н.Қуранбаеванинг илмий иши Хоразм воҳаси бешик, суннат, никоҳ тўйлари маросими фольклорининг ҳали фанга маълум бўлмаган бир қатор янги узвларини аниқлаганлиги, уларга хос этно-фольклорий хусусиятларни илк бор ёритиб берганлиги ҳамда тўй маросими фольклори жанрларининг воҳага хос бадиий матнларини тадқиқотга жалб қилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. У ўзининг экспедицион изланишлари натижасида Хоразм воҳаси аҳолисининг хатна тўйи "маслаҳат палови", "кўрпа ийма", "буғдой артиш", "ун артиш", "идиш тайёрлаш", "хўнайўғич йўниш", "чопон бичиш", "пўссиқ пишириш", "потия олиш", "бола гизлаш", "қўл боғлаш", "боғлов пули олиш", "кўвиш гизлади", "суюнчи пули", "уста ҳақи", "бола кўрди", "емиш", "уста йўқлов", "ҳормасин", "пул тутар", "халта тўлдирар", "пул санар", "олтин кади", "кўрпа йиғар" каби удумларни ўз ичига олишини аниқлаган. Шунингдек, хоразмликларнинг никоҳ тўйи маросимига хос "белбоғ ечар" маросими қўшиқларини ёзиб олган.

***Ас.***: Хоразм "белбоғ ечар" маросими фольклори // ЎТА. – 1997. – №5. – Б.41-44; Хоразм бешик тўйи маросими фольклори // ЎТА. – 1998. – №4. – Б.48-50; Хоразм никоҳ тўйи маросими / Республика ёш адабиётшуносларнинг илмий анжумани материаллари. – Тошкент, 1993. – Б.74-76; Хоразм тўй қўшиқлари: Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 23 б.; Хоразм тўй қўшиқлари. – Урганч, 1999. – 40 б.; Тебранади бешик Хоразмда. – Тошкент: "Чўлпон" нашриёти, 2002. – 86 б.;



**Шаҳноза ҚАҲҲОРОВА**

*(1969 йил 25 ноябрь, Қарши шаҳри)*

Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарини тадқиқ этган Шаҳноза Абдимўминовна Қаҳҳорова 1987–1992 йилларда Қарши давлат педагогика институти (ҳозирги ҚаршиДУ)нинг Ўзбек филологияси факультетида ўқиган. 1992–1993 йилларда Қарши шаҳридаги 7-сонли ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1993 йилдан буён Қарши давлат университети "Адабиётшунослик" кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда. 2008 йилда профессор Т.Мирзаев раҳбарлигида "Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарида "Оллоназар Олчинбек" достонининг тутган ўрни ва бадиий-эстетик аҳамияти" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ш.А.Қаҳҳорова ўзбек халқ бахшиларининг бадиий-эстетик принципларини акс эттирувчи "Оллоназар Олчинбек" достони тадқиқ этган. Достоннинг халқ бахшиларидан ёзиб олинган беш вариантини қиёсий таҳлил қилиш асосида вариантлар орасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни кўрсатган. Шунингдек, эпик бахши образининг тарихий асослари, достоннинг асосий образлар тизими ва етакчи мотивлар бадиийлигини таҳлил этиб, "Оллоназар Олчинбек" достони Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарида дастурий аҳамият касб этганлигини асослаган.

***Ад.***: "Оллоназар Олчинбек" достонида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима / Миллий тил, тарих, маънавият, иқтисодиёт масалалари. – Қарши, 2002. – Б.205–208; "Оллоназар Олчинбек" достонининг тили хусусида / Миллий истиқлол ғояси ва давлат тили тараққиёти. – Қарши, 2004. – Б.137 – 139; Халқ суйган бахши / Илм-фан ва тараққиёт. – Қарши, 2005. – Б.98–100; Жанубий Ўзбекистон достончилигининг ўрганилиши // ЎТА. – 2007. – 3-сон. – Б.49-52; "Оллоназар Олчинбек" достонининг вариантлари // ЎТА. – 2007. – 5-сон. – Б.43-48; "Оллоназар Олчинбек" достонида тингловчи образи / Фан, тараққиёт ва ёшлар. – Қарши, 2008. – Б.28-31; Ўзбек фольклорида бахшининг мифопоэтик талқини // ЎТА. – 2008. – 2-сон. – Б.62-65; Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарида "Оллоназар Олчинбек" достонининг тутган ўрни ва бадиий-эстетик аҳамияти: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент,

2008; "Оллоназар Олчинбек" достонининг мотивлар тизими / Ўзбек фольклори контекстида Бухоро фольклорини регионал тўплаш ва ўрганиш муаммолари. – Бухоро, 2010. – Б.80-84; Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарида "Оллоназар Олчинбек" достони. – Тошкент: Муҳаррир, 2010. – 7,25 б.т.; "Оллоназар Олчинбек" достонида диний мотивларнинг ёритилиши / Касб-ҳунар таълими тизимини модернизациялаш, инновацион таълим технологияларининг ривожланиш истиқболлари. – Қарши, 2011. – Б.67-69; Ўзбек халқ достонларида конфликт / Ўзбекистон хотин-қизларининг жамият ва оила мустаҳкамлигини таъминлашда тутган ўрни: тарих ва ҳозирги замон. – Қарши, 2012. – Б.171–173; Туркона қўшиқлар тадқиқи ҳақида / Адабий манба: ўрганишнинг замонавий тамойиллари ва нашр муаммолари. – Қарши, 2013. – Б.53-58; Ижтимоий-маиший мазмундаги латифаларда Афанди образи / Насриддин Афанди дунё кулги маданиятидаги ўрни. – Бухоро, 2019. – Б.68-72; Халқ бахшисининг поэтик иқтидори талқинлари / Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни. – Термиз, 2019. – Б.82-83.

## Йўлдош РАҲМАТОВ

*(1970 йил, 8 февраль, Шофиркон тумани, Регишойи қишлоғи)*

Ўзбек халқ топономик ривоятлари ва афсоналарини ўрганишга доир тадқиқотлари билан фольклоршуносликда ўз ўрнига эга Сатторов Улуғбек Файзуллаевич, 1987 йилда Навоий шаҳридаги 10-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатгач, халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши муассислигида "Дўстлик байроғи" газетасида корректор вазифасида ўз фаолиятини бошлайди. 1988–1995 йилларда Навоий давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетида ўқиган. 1988 –1990 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1991–1992 йилларда "Дўстлик байроғи" газетасида мухбир, Навоий шаҳар 9-умумтаълим мактабида тўгарак раҳбари лавозимларида ишлаган. 1992–2004 йилларда Навоий шаҳар ҳокимлигида мутахассис, шахар ҳокими ёрдамчиси, бўлим бошлиғи, шаҳар ҳокими ўринбосари лавозимларида ишлаган. 1998–1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва қурилиш академияси Халқаро муносабатлар ва халқаро иқтисодий муносабатлар факультетида ўқиб магистрлик даражасига эга бўлган. 2004–2008 йилларда Навоий вилоят ҳокимлиги иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масасалари котибият мудири, 2008 йилдан ҳозирги вақтгача Навоий кончилик коллежи директори, Навоий архитектура ва қурилиш коллежи директори, Навоий касб-ҳунар мактаби директори лавозимларида ишлаган. 2001 йилда "Ўзбек халқ топонимик ривоятлари" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

У. Сатторов ўз илмий фаолияти давомида ўзбек халқ топонимик афсоналарининг жанр хусусиятлари, тарихи ва тадрижий тараққиёти, жой номларининг халқ оғзаки ижодидаги ўрни ва шакллари, таснифи ва бадиияти масалаларини тадқиқ этган. У Туркиянинг Кайсери вилояти рахбарияти ва олий таълим муассасалари томонидан ўтказиладиган халқаро конференция илмий кенгашига аъзо сифатида киритилган. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда халқ оғзаки ижодига бағишланган мақолалари чоп этилган. Ҳозирги пайтда ўзбек халқ топонимик афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси, мавзу типлари, мотивлар таркибини тадқиқ этиш билан шуғулланади.



*Ас*.: Боболардан қолган нақллар. – Тошкент: Фан, 1998 (ҳамк.); Ўзбек халқ этнотопонимик афсона ва ривоятлари / Адабиёт гулшани. – Тошкент, 1999; Топонимик афсоналарда тарихий шахс талқини / Жой номлари халқ тили ва маънавиятининг нодир мероси. – Навоий, 1998; Орономик ривоятлар // ЎТА. – Тошкент, 1999. – №5; Топонимик ривоятларнинг ўзига хос хусусиятлари // ЎТА. – Тошкент, 2000. – №6; Ўзбек халқ топонимик ривоятлар. – Навоий, 2013; Алишер Навоий ижоди ва қиссахонлик анъанаси / Алишер Навоий маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти. Навоий, 2011; "Лайли ва Мажнун" достони сюжетининг тарихий асослари ва унинг халқ вариантлари / Алишер Навоий маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти. – Навоий, 2013; Қадимий Кармана ривоятлари (афсона ва ривоятлар, тўплаб нашрга тайёрловчи). – Навоий, 2013 (ҳамк.); Алишер Навоий асарларида тарихий шахслар ҳақида афсоналар / Алишер Навоий маънавий меросида комил инсон тарбияси. – Навоий, 2014; Алишер Навоий ижодида мифологик ва эпик тафаккур талқини / Алишер Навоий маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти. – Навоий, 2015; "Юсуф қиссаси" ва унинг Алишер Навоий ижодидаги талқини / Алишер Навоий маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти. – Навоий, 2015; Ўзбек халқ ривоятларида ғор билан эътиқодларнинг акс этиши / Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. – Бухоро, 2015; O`zbek-Turk efsanelerinin tarihsel ko`kleri / International develi-asik Seyrani and Turkish culture congress. – 2018; Топонимик афсоналарда эврилиш мотивининг тарихий-генетик асослари / Филологиянинг долзарб муаммолари. – Фарғона, 2020; Своеобразные интерпретации эволюционных мотивов в топономических легендах // Вестник науки и образования. – М., 2019. – №23(77). Ч.1; Этнотопонимические легенды / Этногенез и этническая история народов Кавказа. – Грозный, 2018; Terms of Sistemization of Toponomic Plots and Categories of Uzbek Folk Legends about Place Names // International Journal of Advanced Research in Science Engineering and Technology. – 2019; Theoretical challenges in Interpretation and research of toponomic legends // MerAK Academical Researches Human-science& society–1. – MerAK Publishing House.may, 2020; Terms of Sistemization of

Toponomic Plots and Categories of Uzbek Folk Legends about Place Names // MerAK Academical Researches human-science& society–2. – MerAK Publishing House, 2020; Своеобразные интерпретации эволюционных мотивов в топонимических легендах // Dede Korkud. – Анкара, 2020. – №1.

## Феруза ЭШБОЕВА

*(1971 йил 14 май, Бўка тумани)*

Ўзбек халқ қарғишларини илк бор тўплаб, махсус тадқиқ этган Феруза Халмуратовна Эшбоева 1988 йилда Бўка туманидаги ўрта мактабни тамомлаб, 1989 йилда Тошкент вилоят давлат педагогика институти Ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирган. 1994 йилда институтни тугаллаб, шу илм даргоҳининг "Адабиёт ва уни ўқитиш методикаси" кафедрасида ўқитувчи бўлиб иш бошлаган. 2008 йилда "Ўзбек халқ қарғишларининг жанр хусусиятлар ва бадиияти" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ф.Х.Эшбоева ўзбек халқ қарғишларини тўплаб, уларнинг ўзига хос жанр хусусиятлари ва тарихий илдизларини ўрганган. Қарғишларнинг паремик жанр сифатидаги асосий хоссалари ва етакчи белгиларини аниқлаган, қарғиш ва миф, қарғиш ва маросим, қарғиш ва табу, қарғиш ва олқиш муносабатлари масаласини ёритган. Қарғишларнинг поэтик табиати, хусусан, бу жанрга мансуб матнларнинг лингвофольклористик хусусиятларини тадқиқ этган.

***Ас.***: Қарғиш ва унинг достон таркибидаги бадиий талқини // ЎТА. – Тошкент, 1998. – №5. – Б.48-50; "Шум бола" қиссаси тилининг айрим хусусиятлари ҳақида // ТАТ. – Тошкент, 2003. – №2. – Б.36-38; Ойбекнинг нафрат изҳори / Ойбек – ўзбек халқининг буюк мутафаккири. – Тошкент, 2005. – Б.134–135; Айтим ва парема истилоҳлари ҳақида / Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Навоий, 2007. – Б.40-41; Қарғиш бадиий асарми? // ИС. – Урганч, 2008. – №1. – Б.68-70; Қарғиш жанри ҳақида айрим мулоҳазалар // ЎТА. – Тошкент, 2008. – №2. – Б.68-69; Инсоннинг бошига қаратилган қарғишлар // ИС. – Урганч, 2008. – №2. – Б.70-71; Ойбек кимларни қарғаган? / Ойбек – ўзбек халқининг буюк мутафаккири, – Тошкент, 2005. – Б.17–20; Жаҳон халқларида қарғиш жанрининг ўрганилиш тарихи / Узлуксиз таълим тизимида ўқув-ижодий фаолиятни фаоллаштиришнинг назарий ва амалий асослари. – Ангрен, 2007. – Б.150-153; Ўзбек халқ қарғишларининг жанр хусусиятлар ва бадиияти: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2008.

## Иқбол БОЛТАЕВА

*(1971 йил 15 июнь, Қўшкўпир тумани, Ўртаёб қишлоғи)*

Иқбол Болтаева 1990–1995 йилларда Тошкент вилоят давлат педагогика институтида ўқиган. 1995 йилдан буён шу институтнинг Ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш услубиёти кафедрасида ўқитувчи, 2009 йилдан буён доцент вазифасида ишлаб келган. 2000 йилда "Ўзбек халқ достонларида эпитет табиати" мавзусидаги номзодлик ишини ҳимоя қилган.

У ўзбек халқ достонларида қўлланилган эпитетларнинг ўзига хос хусусиятлари ва эпос бадииятини бойитишдаги ўрни масаласини тадқиқ этган.

***Ас.***: Хоразм халфалари талаффузининг ўзига хослиги / Ўзбек тили доимий анжумани. – Тошкент, 1997; "Ширин ва Шакар" достонида эпитетлар // ЎТА. – 1999. – 5-сон. – Б.49-50; Соф эпитетларнинг лирик турига хос бадиий эстетик хусусиятлар // ЎТА. – 2000. – 2-сон. – Б.44-46; "Тўқсон тўпхонали Чамбил..." // ЎАС. – 2000, 29 сентябрь; Ўзбек халқ достонларида эпитет табиати: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2000;

**Манзура ПИРМАТОВА**

*(1971 йил 17 июль, Олот тумани, Қассоббаёт қишлоғи – 2017 йил 23 август, Истамбул шаҳри)*

Ўзбек мавсумий маросим фольклорининг тадқиқотчиси Манзура Сайфуллаевна Пирматова 1978–1988 йилларда Олот туманидаги 12-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1989–1995 йилларда Тошкент давлат университетининг Ўзбек филологияси факультетида ўқиган. 1992–1996 йилларда Бухоро вилоятининг Олот туманидаги 4-сонли ўрта мактабда ўқитувчилик қилган. 1996–2012 йилгача Тошкент давлат аграр университетининг "Тиллар" кафедрасида катта лаборант, ўқитувчи, катта ўқитувчи лавозимларида ишлаган. 2008 йилда "Ўзбек тақвим фольклори" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

М.С.Пирматова ўзбек тақвим фольклорининг ўзига хос хусусиятлари ва тарихий асосларини тадқиқ этган, мавсумий маросим фольклорининг жанрлар таркибини тасниф қилган, тақвимга алоқадор миф, афсона, ривоят, нақл, қўшиқ ва мақолларнинг поэтикасини ўрганган. У тақвим фольклорининг шаклланиш жараёни, тарихи, тадрижий босқичлари ва тараққиёт тамойилларини кенг ёритиб берган. Халқ тақвими билан боғлиқ мифологик тасаввурлар ва фенологик қарашларни тўплаб таҳлил қилган. Жумладан, "қозон тўлди", "сафар қочди", "барот келди", "охир чоршанба", "ё рамазон" каби маросим қўшиқларини таҳлил қилиш орқали тақвим фольклорининг тарихий асослари қадимги астраль мифлар ва космогоник қарашлар билан боғлиқлигини илмий жиҳатдан асослаган.

ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти фольклор экспедицияси таркибида 2005–2006 йилларда Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл туманларида бўлиб, тақвим фольклорига доир қизиқарли материаллар, жумладан, сумалак пишириш асносида ижро этиладиган "сумалак бевити" қўшиқларини ёзиб олган.

*Ас.*: Ўзбек халқ тақвими ва у билан боғлиқ фольклор асарлари / Ўзбекистон ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1997. – Б.5-6; Рамазон қўшиқлари ҳақида баъзи мулоҳазалар / Ўзбекистон ёш адабиёт-



шуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1998; "Барот келди" қўшиғи ҳақида баъзи мулоҳазалар // ЎТА. – 1997. – 6-сон. – Б.51-53; "Ё рамазон" қўшиқлари ҳақида баъзи мулоҳазалар // ЎТА. – 1998. – 5-сон. – Б.33-36; Миллий қадриятларимиз – маънавиятимиз сарчашмаси. – Тошкент, 2005 (ҳамк.); Мавсум-маросим қўшиқлари ўқувчилар мустақил тафаккурини ривожлантириш омили сифатида / Касбий таълим тараққиёт йўлида. 7-сон. – Тошкент, 2005. – Б.48-50; "Девону луғотит турк"да халқ тақвимига оид маълумотлар / Академик Убайдулла Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. – Тошкент, 2005. – Б.30-32; Фасллар билан боғлиқ мақоллар ҳақида айрим мулоҳазалар // ИС. – 2005. – 2-сон. – Б.62-64; Ўзбекларнинг "чорва ҳисоби" билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари // Ўзбекистон тарихи. – 2005. – 4-сон. – Б.54-64 (ҳамк.); "Юлдуз ҳисоби" билан боғлиқ халқ қарашлари / ЎФМ. 1-китоб. – Тошкент, 2006. – Б.38-42 (ҳамк.); Ўзбек халқ тақвимида "тўғал ҳисоби" ва у билан боғлиқ мақоллар // ЎТА. – 2006. – 5-сон. – Б.62-65; Ўзбек тақвим фольклори: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Ўзбек халқ тақвимида "тошув ҳисоби" ва у билан боғлиқ атамалар / Ўзбек фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Наманган, 2010. – Б.12–15; Ўзбек халқ тақвими – номоддий маданий мерос намунаси сифатида / Номоддий маданий мерос ва фольклоршунослик муаммолари. – Қарши, 2015. – Б.27–31.

**Дилбар ХАЛИЛОВА**

*(1971 йил 1 октябрь, Қарши шаҳри)*

Ўзбек халқ достончилиги бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борган Дилбар Халилова 1989–1995 йилларда Қарши давлат педагогика институти (ҳозирги Қарши давлат университети)нинг Ўзбек филологияси факультетида ўқиган. 1990–1994 йилларда вилоят газетаси таҳририятида адабий ходим, 1995–1996 йилларда Қарши давлат университети Педагогика кафедрасида кабинет мудири, 1997–2003 йилларда университет ҳузуридаги Тил ўрганиш марказида директор ўринбосари, шунингдек, "Ўзбек адабиёти" ка-

федрасида ўқитувчи, 2002–2005 йилларда "Ўзбек тили ва адабиёти методикаси" кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида хизмат қилган. 2006 йилдан буён шу кафедра мудири лавозимида ишлаб келмоқда. 2004 йил профессор "Ёзи билан Зебо" достонининг вариантлари ва бадиияти" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Д. Халилова "Ёзи билан Зебо" достонининг ўзбек бахшилари репертуарида қайд этилган вариантларини қиёсий таҳлил қилиб, вариантларнинг ўзаро фарқли ва муштарак жиҳатларини аниқлаган. Бу достон сюжетининг келиб чиқиш тарихи ва генетик илдизларини ойдинлаштирган, асарнинг бадиий хусусиятларини ўрганган. Шунингдек, "Ёзи билан Зебо" достонининг ўзбек бахшилари репертуаридаги ўрни, достоннинг тарқалиш ареали, унинг ижросида устоз-шогирд анъаналари ва бахшилар бадиҳагўйлиги масалаларини ҳам тадқиқ этган.

***Ас.***: "Ёзи билан Зебо" ишқ достони. – Қарши: Насаф, 2000 (ҳамк.); "Ёзи билан Зебо" достони ҳақида // Гулистон. – Тошкент, 2001. – 6-сон. – Б.60-61; Халқ эпосида борлиқ, бадиият ва миллий руҳ уйғунлиги / Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Қарши, 2002. – Б.77-79; "Ёзи билан Зебо" достонида деҳқончилик меҳнати талқини // ЎТА. – 2002. 5-сон. – Б.54-56; Халқ эпосида ҳунармандчиликка оид қўшиқлар // ТАТ. – 2003. 4-сон. – Б.54-56; "Ёзи билан Зебо" достони сюжетининг генезиси // ЎТА. – 2003. 6-сон. – Б.71-74; "Ёзи билан Зебо" достонида айрим сўзлар изоҳи / Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Қарши, 2004. – Б.112–113; "Ёзи билан Зебо" достонининг вариантлари ва бадиияти): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Эпосда тарихий шахс талқини / Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Қарши, 2006. – Б.102–103; Халқ бадиий ижодиёти. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2008; Топонимик ривоятларнинг ойконимик хусусиятлари / Илм, фан ва тараққиёт. – Қарши, 2009. – Б.227–229 (ҳамк.); Эпосда меҳнатсеварлик талқини. Методик қўлланма. – Тошкент, 2010; "Yozi bilan Zebo" dostonining tarixiy asoslariga doir / Folklor, til va madaniyat masalalarini ilmiy o'rganishda fan va innovatsiyalar uyg'unligi. – Toshkent, 2019. – B.87-89; Baxshilar epik repertuarida terma ijodkorligi / Jahon sivilizatsiyasida baxshichilik san'atining o'rni. – Termiz, 2019. – B.101–103; Xalq dostonlari matni



ustida ishlash tamoyillari / O'zbek matnshunosligining nazariy va amaliy muammolari. – Qarshi, 2019. – B.83-86.

## Дилфуза ФАЙЗИЕВА

*(1971 йил 28 декабрь, Навоий шаҳри)*

Ўзбек фольклорида илон (аждар) культи масаласини тадқиқ этган Дилфуза Олимовна Файзиева 1989–1995 йилларда Навоий давлат педагогика институти Ўзбек филологияси факультетида, 1995–1998 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг кундузги аспирантурасида таҳсил олган. 1999–2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси Навоий вилоят бўлимида раис муовини ва шу жамғарма қошидаги "XXI аср аёли" маркази вилоят бўлимининг директори лавозимларида ишлаган. 2002–2005 йилларда Қизилтепа туманидаги Енгил саноат касб-ҳунар коллежида талабаларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берган. 2006 йилдан Навоий давлат педагогика институти Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишламоқда. 2004 йилда профессор К.Имомов раҳбарлигида "Ўзбек фольклорида илон-аждар образи" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

У ўзбекларнинг илон билан боғлиқ мифологик тасаввурларини тадқиқ этган бўлиб, илон культининг генезиси, илон-аждар тўғрисидаги халқ қарашларининг қадимги тасаввурлар билан боғлиқ илдизлари ҳамда илон образининг фольклордаги ўзига хос поэтик вазифаларини ўрганган. Бу тадқиқотда ўзбек фольклоридаги илон образининг генезиси, бадиий эволюцияси ва эпик асарлардаги поэтик талқинлари кенг .

***Ас.***: Ўзбек фольклорида илон инончининг излари // ЎТА. – 1996. – 4-сон. – Б.48-50; Ўзбек халқ афсоналарида аждар образи // ЎТА. – 1998. – 2-сон. – Б.53-55; Ўзбек халқ эртакларида илон-одам образи / Фольклоршунослик. – Навоий, 2003. – Б.92-94; Илон культининг тарихий асослари / ХФ. – 4-том. – Урганч, 2004. – Б.4-7

(М.Жўраев билан ҳамк.); Ўзбек фольклорида илон билан боғлиқ афсун ва аврашлар // ПМ. – 2004. – 1-сон. – Б.34-37 (М.Жўраев билан ҳамк.); Ўзбек фольклорида илон-аждар образи: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Илон культи билан боғлиқ қадимги тасаввурлар ва маросимлар / Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Навоий, 2007; Ўзбек фольклорида илон образи. – Тошкент: Фан, 2010.

**Дилшод РАЖАБОВ**

*(1972 йил 1 июль, Шофиркон тумани, Некиши қишлоғи)*

Ўзбек халқ қўшиқларининг илмий-назарий асосарини ўрганган Дилшод Зарипович Ражабов Шофиркон туманига қарашли Денов қишлоғидаги Алишер Навоий номли ўрта мактабни тугатгач, 1989–1994 йилларда Самарқанд давлат университетининг филология факультетида ўқиган. 1994–1995 йилларда Шофиркон туманидаги 46-сон ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси лавозимида фаолият олиб борган. 1995–1998 йилларда БухДУ "Фольклор ва янги ўзбек адабиёти" кафедраси аспиранти. 1998–1999 йилларда БухДУ "Фольклор ва янги ўзбек адабиёти" кафедраси ўқитувчиси. 1999–2001 йилларда ўзбек филологияси факультети декани ўқув ишлари бўйича ўринбосари, 2001–2005-йилларда "Фольклор ва янги ўзбек адабиёти" кафедраси докторанти. 2005–2009-йилларда Филология факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари. 2012–2014 йилларда БухДУ магистратура бўлимининг бошлиғи, 2005–2019 йилларда "Ўзбек адабиёти" кафедраси доценти, 2015–2019 йилларда Филология факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари лавозимларида фаолият олиб борган. 2019 йилнинг январь ойидан бошлаб, факультет декани лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. 1999 йилда "Бадиий образ ва ритмнинг ўзаро муносабати (70-80-йиллар ўзбек шеърияти мисолида)" мавзуида номзодлик, 2019 йилда "Ўзбек халқ қўшиқлари тузилиши: композиция ва образлилик" мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Д.З.Ражабов ўзбек халқ қўшиқларининг ёзиб олиниши, тўпланиши, нашр этилиши ва илмий тадқиқ этилишига доир манбаларни яхлит тизим ҳолида умумлаштирган, халқ қўшиқларининг ўзига хос жанр хусусиятлари, бадиий-композицион белгилари, поэтик тузилишини тадқиқ этган, қўшиқчилик анъаналари типологияси ва тарихий-генетик илдизларини таҳлил этган. Ўзбек халқ шеър тузилишида қофия ва унинг унсурлари, халқ шеър тузилишида ритм ва оҳанг, халқ қўшиқларининг ижро этилиш усуллари, жанрлар таркибининг сақланиш ҳолати ва ижрочилар маҳоратига доир илмий кузатишлар олиб борган. Унинг деҳқончилик қўшиқларининг жанрий таркиби, қўшиқларнинг образлар тизими, поэтик такрор хиллари ва уларнинг оҳангдорликни кучайтиришдаги эстетик вазифалари, халқ қўшиқларида поэтик синтаксис муаммосига доир тадқиқотларида ўзбек халқ қўшиқлари ўзига хос шеърий тузилиши, ижро усули, ижрочилар таркиби, ҳаётий-маиший вазифасига кўра халқ насри жанрларидан фарқланиб турувчи қўшиқларнинг композициясига алоқадор специфик жиҳатлар аниқланиб, қўшиқ ижрочилигининг шаклланиш асослари ва анъанавийлашуви далилланган. Туркий халқлар фольклоридаги қўшиқларнинг композицияси ва образлилигига алоқадор типологик муштаракликлар аниқланган. У ўзбек халқ қўшиқлари композициясини ташкил этувчи радиф ва ҳожиб, нақарот ва рефрен, аллитерация, анафора, анадиплосис, параллелизм ҳамда поэтик синтаксиснинг бадиий матндаги вазифалари ойдинлаштирган.

БухДУ филология факультети талабалари билан биргаликда Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари бўйлаб фольклор экспедицияларида иштирок этган. Халқ қўшиқларидан тузилган "Бухор элда гул сайли" (2010, ҳамк.) тўпламини чоп эттирган.

***Ас.***: Ўзбек халқ шеър тузилишида қофия ва унинг унсурлари ҳақида // ЎТА. – 2003. – №4. – Б.67-69; "Қиш билан ёз" мунозарасининг бадиий хусусиятлари ҳақида // ПМ. – 2003. – №6. – Б.69-71; Халқ шеър тузилишида ритм ва оҳанг // ПМ. – 2004. №4. – Б.40-44; Ўзбек халқ "келин салом" қўшиқларида банд тузилишининг услубий хусусиятларига доир // СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – 2004. – №2. – Б.93-94; "Девони луғатит-турк"даги адабий парчаларда қофия масаласи // ТАТ. – 2005. – №3. – Б.81-84; Ибн Синонинг "Поэтика" асарида халқ шеърларига хос хусусиятлар ифодаси / Абу Али ибн Сино ва ҳозирги замон. – Бухоро, 2005. – Б.

81-85; Ўзбек болалар фольклорининг тўпловчиси ва тадқиқотчиси / Заковат зиёси. – Тошкент, 2005. – Б. 34-37; Бир халқ қўшиғи ҳақида мулоҳазалар / Заковат зиёси. – Тошкент, 2005. – Б.105–108; Фитрат бармоқ шеърий тизими ҳақида / Аллома адабиётшунос – Тошкент, 2006. – Б.31-34; 6-синфда халқ қўшиқларини ўтиш тажрибасидан / Адабиёт ва таржима. – Тошкент, 2006. – Б.71-72; “Девони луғотит турк”даги шеърий парчаларда қофия. – Тошкент, 2006. – 88 б.; Бухоро қўшиқлари // ЎТА. – 2006. –№3. – Б.86-88; Деҳқончилик қўшиқларининг жанрий таркиби // ЎТА. – 2006. –№3. – Б.86-88; “Наводир ул-вақое”да тўй маросими ва ундаги шеърларнинг жанри ва бадиияти / Қомусий мутафаккир. – Бухоро, 2007. – Б.75-77; “Келин салом”ларнинг жанрий табиати ва таснифи / Гуманистические основы художественного мира А.П.Чехова. – Бухара, 2009. – С.214–218; Ўзбек халқ қўшиқларининг вазний кўринишлари / ЎФМ. II. – Тошкент, 2010 – Б.146–155; Халқ шеъри ва ёзма адабиётдаги синтезлашувда лирик композициянинг ўрни / Филология ва усулиёт масалалари. – Бухоро, 2010. – Б.133–139; Тўй маросим қўшиқларининг бадиий шакллари / Ўзбек фольклори контекстида Бухоро фольклорини регионал тўплаш ва ўрганиш муаммолари. – Бухоро, 2010. – Б. 32-34; Бухор элда гул сайли. Бухоро халқ қўшиқлари ва термалари. – Тошкент, 2010. – 189 б. (ҳамк.); “Келин салом” жанри композицияси ва тили / Тилшунослик ва методика масалалари. – Тошкент, 2010. – Б.89-94; Ой йилга саҳар тутди // БМ. – 2010, №1. – Б.48-49; Şiir aşula ve koşuk terminlarinib genel dilbilimsel anlami üzerine // Filologiya məsələləri. – Baki, 2011. –№12. – С.20–24; Radif in uzbek folk songs, // International Scientifik Journal. “Theoretical & Applied Science”. – USA, 2018. – P.316-318; Ўзбек халқ қўшиқларида тўртликнинг ўрни // ЎТА. – 2011. – №.6. – Б.60-64; Ўзбек халқ қўшиқларида поэтик синтаксис муаммоси // БухДУ илмий ахбороти. – 2012. –№3. – Б.62-66; Келин саломларнинг образлар тизими // ЎТА. – 2012. – №5. – Б.55-58; Наврўз ва халқ оғзаки ижоди / Изланиш самаралари. – Тошкент, 2012. – Б.254–257; Ozbek halk koshiklarinin vezin sakellari // Filologiya məsələləri. – Baki, 2013. – №1. – Б.202–207; Ўзбек халқ қўшиқларининг руҳий-маънавий қиёфаси // Психология. – 2013. – №2. – Б.63-70; “Девону луғотит турк”даги адабий парчалар ҳақида // ЎТА. – 2013. – №2. – Б.34-38; Тўй муборак қўшиқлари ҳақида баъзи мулоҳазалар / Филология.



масалалари (8-жузв). – Тошкент, 2014. – 125–127; Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг халқ қўшиқлари ҳақидаги қарашлари / Алишер Навоий маънавий меросида комил инсон тарбияси. – Навоий, 2014. – Б.70-72; Халқ қўшиқларида поэтик такрор хиллари ва уларнинг оҳангдорликни кучайтиришдаги эстетик вазифалари // БухДУ илмий ахбороти. – 2014. – №1. – Б.51-56; Ўзбек халқ қўшиқларининг ритмик-композицион тузилиши ҳақида баъзи мулоҳазалар // БухДУ илмий ахбороти. – 2015. –№2. – Б.60-66; Эпические традиции и культурные контакты народов мыра (на основе героических эпосов тюрко-язычных народов) // БухДУ илмий ахбороти. – 2015. – №3. – Б.57-60; Ўзбек халқ қўшиқларининг тўпланиши ва ўрганилиши / O’zbek filologiyasining dolzarb muammolari. – Buxoro, 2015. – Б.162–166; Ўзбек халқ қўшиқларининг лексик-семантик хусусиятлари ҳақида мулоҳазалар / Ономастика масалалари. – Тошкент, 2015. – Б.22–25; Халқ қўшиқларини тадқиқ қилишда лингвистик методнинг аҳамияти / Глобал олий таълим тизимида илмий тадқиқотларнинг замонавий услублари. – Навоий, 2015. – Б.304-306; Ўзбек халқ қўшиқларида ипакнинг образлантирилиши // БухДУ илмий ахбороти. – 2017. – №4. – Б.76-80; Навоий ғазалларида пари билан боғлиқ халқона талқинлар / Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни. – Навоий. 2018. – Б.368-371; Ўзбек халқ қўшиқларида композиция ва образлилик. – Тошкент, 2018. – 184 б.; Халқ қўшиғи ва мусиқа ижрочилиги. – Тошкент: Наврўз, 2018.– 125 б., O’zbek xalq qo’shiqlarida peyzaj / Uluslararasi sosyal bilimler kongresi. – Buxoro, 2018. – Б.199; Средства выражения рифмы в узбекских народных песнях / Образование и культура: векторы сотрудничества. – Челябинск, 2019. – С.84-87.

## Насим ОЧИЛОВ

*(1972 йил 10 октябрь, Қарши тумани)*

Жанубий Ўзбекистон достончилиги анъаналарини тадқиқ этиб келаётган Насим Камолович Очилов 1979–1989 йилларда Қарши туманидаги 30-ўрта мактабда ўқиган. 1989 йилда Қарши давлат

университети Тарих ва ўзбек филологияси факультетининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кириб, 1994 йил мазкур университетни тамомлаб, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислигини олган. Меҳнат фаолиятини 1994–1999 йилларда университетнинг "Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси" кафедрасида ўқитувчиликдан бошлаган. 2000–2002 йилларда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида аспирант бўлган. 2003 йилдан Қарши давлат университети "Ўзбек тили ва адабиёти услубиёти" кафедрасининг ўқитувчиси, 2008–2009 йилларда педагогика-психология факультети маънавий маърифий ишлари бўйича декан ўринбосари, 2010 йилдан буён университетдаги "Ўзбек тили ва адабиёти методикаси" кафедраси катта ўқитувчиси, 2011–2013 йилларда педагогика-психология факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари ва декани, 2013–2014 йиллари "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси мудири, ҳозирги кунда "Адабиётшунослик" кафедраси доценти вазифасида ишламоқда. 2004 йилда "XX асрнинг 60-80 йилларида Жанубий Ўзбекистонда эпик анъаналарнинг сақланиш ҳолати (Қодир бахши Раҳимов ижоди ва репертуари асосида)" номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

У XX асрнинг 60-80-йилларида Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарининг сақланишида бахшилар ижодкорлигининг ўрни, устоз ва шогирд анъаналари, достончилик мактаблари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, бахшининг эпик билими ва хотираси, достонларнинг янгича талқин қилиниш ҳолатларини илмий тадқиқ этган. "Оллоназар Олчинбек" достонининг Мардонақул Авлиёқул ўғли ҳамда Қаҳҳор Раҳимов вариантларини нашрга тайёрлаб, чоп эттирган.

*Ас.*: "Жорхун мастон" достони ҳақида // ЎТА. – 2000. – №1. – Б.48-49; "Кунтуғмиш" достонининг икки варианти хусусида // ЎТА. – 2000. – №2. – Б.50-53; Халқ ижодида инсоннинг руҳий-маънавий қиёфаси тасвири / Илмий мақолалар тўплами. 1-китоб. – Қарши: Насаф, 2002. – Б.300-303; "Зайдиной" достонида лирик монолог / Илмий мақолалар тўплами. 2-китоб. – Қарши: Насаф, 2002. – Б.48-51; Қодир бахши бадиияти / Қашқадарё. – 2002. – 20 июнь; Бахши дўмбира чертганда / Ишонч. – 2003. – 25 июнь; Чанқовузни чалган қиз / Ишонч. – 2003. – 31 октябрь; 60-80 йиллар Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарининг сақланиш ҳолати // ЎТА. – 2004. –№3. – Б.52-56; Жанубий Ўзбекистон достончилигининг ўрганилиш тарихидан / Ёш шарқшунослар илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2004. – Б.54-56; "Алпомиш" достонида от номлари семантикаси / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – Тошкент, 2007. –Б.82-84; Тез айтишлар нутқ ўстириш воситаси сифатида / Мактабгача таълимда янги педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этишнинг долзарб масалалари. – Қарши, 2010. – Б.172–174; Халқ эпосида замонавийлик. – Қарши: Насаф, 2010; Фольклоршунослик атамаларининг ўқув изоҳли луғати. – Қарши: Насаф, 2011; "Келиной" достонининг Қодир бахши варианти ҳақида // ҚарДУ хабарлари. – 2012. – 1-сон. – Б.49-53; Халқ достонларида эпик шеърнинг ўрни // ҚарДУ хабарлари. – 2013. – 1-сон. – Б.52-55; Бошланғич таълимда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш / Мактабгача ва бошланғич таълимда ўқитишнинг илғор технологиялари. – Қарши, 2014. – Б.53-55; Қашқадарё воҳаси номоддий маданий мерос намуналари / Номоддий маданий мерос ва фольклоршунослик муаммолари. – Қарши, 2015. – Б.42-45 (ҳамк.); XXI аср бошлари Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарининг сақланиш ҳолати / Номоддий маданий мерос ва фольклоршунослик муаммолари. – Қарши, 2015. – Б.83-86; Жанубий Ўзбекистон достончилигида "Келиной" туркумлигининг ўрни / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 5-том. – Тошкент, 2015. – Б. 65-69; Образ Гуругли в узбекских народных эпосах и его идейно художественный особенности // Молодой учёный. – Казань, 2015. – С. 58-61; Эпик маҳорат ва достончилик ижро шаклларининг ўзгара бориш усуллари / Актуальнқе научнқе иследования в современном мире. – Переяслав-Хмельницкий, 2015. – С.76-78; Халқ достонларида этнографик деталларнинг қўлланилишига доир / Жанубий Ўзбекистон тарихи, археологияси янги манбаларда. – Қарши, 2015. – Б.192–194; Шеробод достончилик мактаби: анъанавийлик ва замонавийлик / Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг янгиланиш тамойиллари. – Тошкент, 2016. – Б.211–215; Жанубий Ўзбекистон номоддий маданий мерос ёдгорликларини тўплаш ва уларни архивлаштириш / Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. – Наманган, 2016. – Б. 94-97; "Зайдиной" достонининг "Гўрўғли" туркумида тутган ўрни // ЎТА. –

2017. – 3-сон. – Б.59-65; Достончилик анъаналарининг сақланишида эпик хотиранинг ўрни / Проблемы и перспективы развития наука в начале третьего тысячелетия в странах Европи и Азии. – Переяслав-Хмельницкий, 2016. – С.79-82; Лирик монологда руҳий тасвир талқини // Ўзбек адабиётшунослигида таҳлил ва талқин муаммолари. – Қарши, 2016. – Б.115–117; Бахшилари барҳаёт макан // ШЮ. – Тошкент, 2018. – №3. – Б.156–160; "Иброҳим Адҳам қиссаси" халқ китобларининг мукаммал намунаси сифатида // ЎзМУ хабарлари. – 2018. –№2. – Б.531-534; Тарқоқ сюжетларнинг муайянлашувида бахши маҳоратининг ўрни // ИС. – 2019. – №6. – Б.71-76; Бахшилар репертуарида терма ижодкорлигининг кучайиб бориш омиллари // Қорақалпоқ давлат университети ахборотномаси. – 2019. – №3. – Б.176–178; "Лайли ва Мажнун" достонининг оғзаки варианти ҳақида / Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни. – Тошкент, 2019. – Б.604-608; Қашқадарё бахшичилик санъати ва унинг ҳозирги сақланиш ҳолати / Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни. – Тошкент, 2019. – Б.91-93; Халқ достонларида поэтик тил воситаларининг ифодаланишига доир / Фольклор, тил ва маданият масалаларини илмий ўрганишда фан ва инновациялар уйғунлиги. – Тошкент, 2019. – Б.115–118; Ўзбек халқ достончилигида Шеробод мактабининг тутган ўрни / Филология ва маданият масалалари. – Карабук, 2019. – Б.98–102; Эпик сюжетлар муштараклиги // ШЮ. – 2020. – №1. – Б.157–161; National creativity in the repertoire of bakshis and factors of its strengthening // Critical reviews. – India. Vol 7, ISSUE 13, 2020. – Б.1936–1940 (ҳамк.); "Таркибадахшон" достони ва унинг "Гўрўғли" эпоси ўзбек версиясида тутган ўрни // Ilm ham jamiyat. – Nukus, 2020. – №2. – Б.89-93 (ҳамк.); Қодир бахшининг достончилик фаолияти ва эпик анъаналарнинг жонланиши // Тафаккур зиёси. – Жиззах, 2020. – №1. – Б.61-64; Бахши ҳақида достон / Оллоназар Олчинбек. Достон. Айтувчилар Мардонақул Авлиёқул ўғли ва Қаҳҳор бахши Раҳимов. Луғат билан нашрга тайёрловчи Н.Очилов). – Қарши: Насаф, 2020. – Б.3-8; Бахшичилик санъати ва эпик репертуар. – Тошкент: Фан, 2020. – 240 б.



## Зафар ЖУМАЕВ

*(1973 йил 4 февраль, Навбахор тумани Қушқочди қишлоғи)*

Ўзбек халқ тарихий ривоятларини ўрганишга доир тадқиқотлари билан фольклоршунослик фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Зафар Ҳамдамович Жумаев 1990–1995 йилларда Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги педагогика университети) Ўзбек ва қозоқ тили ва адабиёти факультетида ўқиган ва 1995–2002 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида катта лаборант, аспирант, кичик илмий ходим вазифаларида ишлаган. 2002–2004 йилларда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти "Халқ ижодиёти" кафедраси катта ўқитувчиси, 2005 йилдан бошлаб Навоий давлат педагогика институти "Ўзбек тилшунослиги" кафедраси катта ўқитувчиси, 2005–2012 йилларда Ўзбек тили ва адабиёти факультети ўқув ишлари бўйича декани муовини, 2013–2015 йилларда "Ўзбек адабиёти" кафедраси мудири лавозимида ишлаган. Бугунги кунда Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани лавозимида ишлаб келмоқда. 2005 йилда "Ўзбек халқ тарихий ривоятлари" мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган.

З.Жумаев ўзбек халқ тарихий ривоятларининг жанр хусусиятлари, уларнинг ўрганилиши тарихи, ўзига хос поэтик табиати, таснифи ва бадиияти каби масалаларни ўрганган. НавДПИ "Ўзбек адабиёти" кафедрасининг фольклор экспедицияси таркибида Навоий, Бухоро вилоятларида бир неча бор илмий сафарларда бўлиб, ривоят, афсона, миф, тарихий қўшиқ каби фольклор жанрларига доир материаллар тўплади ва кузатишлар олиб борди.

***Ас.***: "Девону луғатит турк"даги тарихий афсона ва ривоятлар ҳақида / Ўзбек ва тожик филологиясининг баъзи масалалари. – Самарқанд, 1998. – Б.26–28; Нурота топонимик афсоналарининг таснифи ва асосий мотивлари / Жой номлари – халқ тили ва маънавиятининг нодир мероси. – Навоий, 1998. – Б.28-31; Тарихий ривоятларнинг ўзига хос хусусиятлари // ЎТА. – 1999. №2. – Б.44-46; Алишер Навоий ҳақидаги тарихий ривоятлар / Адабиёт гулшани. 1-китоб. – Навоий, 1999. – Б.35-39; Тарихий ривоятларда Алишер Навоий образининг бадиий талқини / Алишер Навоий ижоди ва

маънавий тараққиёт масалалари. – Навоий, 2001. – Б.64-65; Тарихий ривоятлар таснифига доир // ЎТА. – 2002. №2. – Б.36-39; Тарихий шахс образининг эпик талқини / Адабиёт гулшани. 2-китоб. – Навоий, 2002. – Б.24–29; Ривоятларда халқ маиший ҳаётининг акс эттирилиши / Фольклоршунослик. 1-китоб. – Навоий, 2003. – Б.95-97; Тарихий ривоятларнинг ўрганилишига доир айрим мулоҳазалар / Маданият – миллий бирлик асоси. – Тошкент, 2004. – Б.196–199; Rivoyatlarda Navoiy siymosi / Alisher Navioiy hayoti va ijodi-namuna maktabi. – Тошкент, 2016. – Б.169–172; Ўзбек халқ ривоятларида Бобур образи НДПИ XXX илмий-амалий конференцияси материаллари. I қисм. – Навоий, 2015. – Б. 8-9; Навоий ҳақидаги ривоятларнинг сюжет тузилиши / Алишер Навоий ижоди ва маънавий тараққиёт масалалари. II қисм. – Навоий, 2016. – Б.19–20; Этнонимик ривоятларнинг ўзига хос хусусиятларига доир // ИС. – 2018. – №3. –Б.74-76; Уруғ ва қабила номлари билан боғлиқ ривоятлар // ЎТА. – 2018. 4-сон. – Б.68-69; Ривоятларда Алишер Навоий образининг талқинига доир / Алишер Навоий ижтимой меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни. – Навоий, 2019. – Б.611-612.

## Динара РАҲИМБОЕВА

*(1973 йил 18 май, Урганч шаҳри)*

Мақоллар типологияси бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борган Динара Ренатовна Рахимбаева 1996 йилда Урганч давлат университетининг Жаҳон тиллари факультетини тамомлаган. 1996–1997 йилларда мазкур университет Инглиз тили кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1998–2001 йилларда шу университет аспирантурасида ўқиган. 2001 йилда “Ўзбек халқ мақолларининг қиёсий типологияси” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Д.Р.Раҳимбаева ўзбек халқ мақолаларини туркий ва туркий бўлмаган халқларнинг паремиологик материаллари билан қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиб, уларнинг ўзига хос ҳамда муштарак жиҳатларини аниқлаган.



*Ас.*: Пословицы как древнейший жанр фольклора / ХФ. Т.1. – 1999. – Б.26–28; Типологические особенности пословиц / ХФ.Т.1. – 1999. – Б.16–19; О типологии пословиц тюркоязычных народов / ФТТ. – 1999. – Б.28-30; Мақол, матал ва уларнинг ўзаро фарқлари ҳақида / Маърифат ёғдуси. – Урганч, 1999. – №3-4; Типологии пословиц тюркоязычных народов // Вестник ККФ АН РУз. – 2000. – №4. – С.96-99; Национальное своеобразие в русских и английских пословицах / ХФ. II-том. – 2000. – Б.34-38; Аллитерация в пословицах тюркских народов / ХФ. II-том. – 2000. – Б.41-43; Мақолларнинг таркибий тузилишидаги типологик хусусиятлар // ЎТА. – 2000. – 5-сон. – Б.48-49; Узбекские пословицы, отражающие национальную специфику / ХФ. III-том. – Хива, 2001. – Б.55-57; Синонимик мақоллар // ЎТА. – 2001. – 4-сон. – Б.36; Национальное своеобразие туркменских пословиц / ХФ. III-том. – 2001. – Б.52-55; Пословицы-синонимы в фольклоре тюркоязычных народов // Вестник ККФ АН РУз. – 2000. – №4. – С.91-93.

## Сайёра БЕКЧАНОВА

*(1974 йил 18 февраль, Элликқаъла тумани, Сарибий қишлоғи)*

Ўзбек ва қорақалпоқ фольклорида нақл жанрининг генезиси, типологияси ва поэтикасини ўрганишга доир тадқиқотлари билан фольклоршунослик фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Бекчанова Сайёра Базарбаевна 1991 йили Қорақалпоғистон Республикаси Элликқаъла туманидаги 8-сонли ўрта мактабда таҳсил олган ва ўрта мактабни олтин медаль билан тугатган. 1991 йилда Нукус давлат педагогика институти Филология факультетининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимига ўқишга кириб, 1996 йил мазкур олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатган. 1996 йилдан Нукус давлат педагогика институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси стажёр-ўқитувчиси, 2004 йилдан Ўзбек филологияси кафедраси ассистенти, 2014 йилдан ҳозирги вақтгача Ўзбек адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси сифатида фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси. 2019 йилда филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш

учун "Ўзбек ва қорақалпоқ фольклорида нақл жанри (генезиси, типологияси ва поэтикаси)" мавзусидаги диссертациясини ёқлаган.

Сайёра Бекчанова туркий халқлар фольклоршунослигида алоҳида ўринга эга бўлган ўзбек ва қорақалпоқ фольклоридаги нақлларни тўплаш, унинг генезиси, таснифий белгилари, таркибий тузилиши, сюжети, адабий таъсир масалалари, қиёсий типологияси, поэтик белгиларини ўрганган. Натижада, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари фольклоршунослигидаги адабий таъсир ва жанр типологияси билан боғлиқ қарашлар, нақл жанрининг ўзига хослиги, мавзу кўлами, бадиияти, сюжети ва композицияси тўғрисидаги илмий-назарий маълумотлар билан бойитилган.

Сайёра Бекчанова Нукус давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедраси қошидаги фольклор экспедициялари таркибида Қорақалпоғистон Республикасининг кўпгина туманларида ва Хоразм вилоятида бир неча бор илмий сафарларда бўлиб, асосан, нақллар шу билан бирга қўшиқ, алла, ёр-ёр, афсона каби фольклор жанрларига доир материаллар тўплади. Экспедиция жараёнлари давомида иккала қардош халқнинг азалий биродарлик муносабатлари, ўзбек ва қорақалпоқ халқ оғзаки ижодидаги нақл жанрининг поэтик хусусиятларидаги ўзаро яқинликка ижобий таъсири ҳақидаги умумлашма хулосалар ва хос вариантларига оид кузатишлар олиб борди.

Сайёра Бекчанова ҳаммуаллифликда "Адабиёт дарсларида матнни шарҳлаш" (2011), "Умумтаълим мактабларида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўргатиш" (2018), номли услубий қўлланмалар ва талабалар учун фольклор амалиётини ташкил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар нашр қилдирган.

***Ас.***: Ўзбек халқ нақлларининг ўрганилиши тарихи // Вестник ККФ АН РУз. – 2009. – №2. – Б.115–117; Таълим-тарбия жараёнида нақллардан фойдаланиш // ТАТ. – 2011. – №12. – Б.9–15; Ўзбек халқ нақлларида аллегорик образлар талқини // Вестник ККФ АН РУз. – 2016. – №2. – Б.154–156; Нақл ва масал муносабати // ИХЖ. – 2019. – №3. Б.58-61; Comparative analysis of Uzbek and Karakalpak proverbs // Internatsional Journal of Anglisticum. Literature, Linguisitcs and Intedisciplinary Studies. Vol.8. №5. – Macedonia, 2019.-p.23–27; Нақллар таснифи / Национальный фольклор народов Центральной Азии и проблемы духовного обновления общества. – Нукус, 2008. – С.32-34; Ўзбек ва қорақалпоқ фольклоршунослигида нақл жанри / Литература и художественная культура тюркиских народов в контексте Восток-Запад. – Казань, 2014. – С.119–122; Нақлларда сюжет тузилиши ҳақида / Тилшунослик ва адабиётшунослик, таржима назарияси: тадқиқ ва узлуксиз таълим технологиялари. – Нукус, 2015. – Б.142–143; Афсона ва нақл муносабати. / Филологиянинг илмий-назарий масалалари ва ўқитиш технологиялари. – Нукус, 2019. – Б.22–24;Ўзбек ва қорақалпоқ нақлларининг ўзига хос хусусиятлари / Илмий-назарий анжуман материаллари тўплами. – Нукус, 2009. – Б.93-95; Олий таълимда нақлларни ўргатиш усуллари / Илмий-назарий анжуман материаллари тўплами. – Нукус, 2010. – Б.271–272; Нақлларда образлар тизмаси / Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари. 3-китоб. – Тошкент, 2013. – Б.60-63; Қирқ туянинг юки // Саодат. – 2011. – №8. – Б.24–25; Нақлларда пайғамбарлар образи / XXI аср интелектуал авлод асри. – Нукус, 2014. – Б.18–20; Муҳаммад Юсуф ижодида фольклор анъаналари / Истиқлол туйғусини мустаҳкамлашда Муҳаммад Юсуф ижодининг ўрни. – Нукус, 2014. – Б.18–20; Ҳажвий нақлларнинг сюжет тузилиши ҳақида / Фан ва таълим тарбияда илғор тажрибалар: тадқиқ ва натижалар. – Нукус, 2015. – В.45-47; Нақлларда миллийликнинг акс этиши / Ўзбек филологиясининг илмий-назарий масалалари ва ўқитиш технологиялари. – Нукус, 2017. – Б.160–162; Нақлларда конфликт / ФТТ. – Тошкент, 2017. – Б.88-91; Нақлларда диний қарашлар ифодаси. / Филологиянинг илмий-назарий масалалари ва ўқитиш технологиялари. – Нукус, 2019. – Б.38-39; Нақл ва мақол муносабати / Филологиянинг илмий-назарий масалалари ва ўқитиш технологиялари. – Нукус, 2019. – Б.20–22.; Қорақалпоқ нақлларида вариантлилик / Филология ва маданият масалалари. – Карабук, 2020. – №2 – Б.158–160; "Әдалатлы пәрман" нақлининг ғоявий бадиий хусусиятлари / Туркий халықлар фольклоры ҳәм әдебияты тарийхы изертлеўиниң әҳмийетли мәселелери. – Нукус, 2020. – Б.51-54; Ўзбек-қорақалпоқ нақлларининг ўзига хос хусусиятлари ("Жақсылиқ қылсаң өзиңе, Жаманлық қылсаң өзиңе" ва "Ҳар ким қилса – ўзига" нақллари мисолида) // Тамаддун нури. – Беруний, 2020. – №3. – Б.42-46.

**Улуғмурод АМОНОВ**

*(1974 йил 3 июль, Вобкент тумани, Арабхона қишлоғи )*

XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиши тарихига доир тадқиқотлари билан танилиб келаётган Амонов Улуғмурод Султонович Бухоро вилоятининг Вобкент туманига қарашли Арабхона қишлоғидаги ўрта мактабда 1981–1991 йилларда ўқиб, 1991–1996 йилларда Бухоро давлат университетининг ўзбек филологияси факултетида таҳсил олган. 1996–2007 йилларда БухДУ "Фольклор ва янги ўзбек адабиёти" кафедраси ўқитувчиси, 2015–2017 йилларда БухДУ таянч докторантурасида таҳсил олган. 2007 йилдан ҳозирга қадар БухДУ "Бошланғич таълим назарияси" кафедрасида катта ўқитувчи сифатида ишлаб келмоқда. 2018 йилда "XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиши тарихи (Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек фаолияти мисолида)" мавзуидаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертациясини ёқлаган.

У.Амонов XIX аср охири – XX асрнинг бошларида нашр этилган вақтли матбуот ва бошқа бадиий-илмий тўпламларда нашр этилган фольклор материаллари ҳамда тадқиқотларни топиб, тадбил қилиб, тадқиқ қилиш ишлари билан шуғулланган. БухДУ талабалари билан фольклор экспедициясида бўлиб, афсона, ривоят, эртак, қўшиқ, аллалар (в.б.)ни тўплаган. Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбекларнинг фольклоршунослик фаолиятига ҳамда Фитрат, Элбеклар бадиий ижодидаги фольклоризм ҳодисасини тадқиқ этган. Халқимиз оғзаки ижод дурдоналарини тўплаб ўрганишга, юртимизда фольклоршунослик илмини шакллантириш ва ривожлантиришга, шу асосда баркамол авлодни тарбиялаш ишига умрини бағишлаган Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Элбек (Машриқ Юсупов) каби фидойи олимларнинг ўзбек фольклорини тадқиқ ва тарғиб этишга қаратилган мақола ҳамда асарлари асосида "Ўзбек фольклоршунослиги хрестоматияси"нинг I жилдини чоп эттирган. Ушбу хрестоматияда келтирилган маълумотлар қатағон қилинган бу фольклоршунослар ҳақидаги мавжуд маълумотларни кенгайтиради ҳамда тўлдиради. Уларнинг фольклоршунос сифатидаги фаолиятлари, соҳага доир илмий қарашлари ҳақидаги тасаввурга етаклайди. Айниқса, улар орқали XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ёзиб олиниши, нашр қилиниши ва ўрганилиши тарихи ойдинлашади.



У.Амонов Элбекнинг "Армуғон" (1921) эртаклар асосида ёзилган масаллар тўпламини ҳамда "Ёлқинлар" (1925) шеърий тўпламларини амалдаги ўзбек лотин алифбосига тадбил қилиб, "Элбек. Армуғон. Ёлқинлар" (2017) номи билан эълон қилинди. Тўпламда Машриқ Юнусовнинг ҳозирга қадар эълон қилинмаган асарлари ҳам бор.

***Ас.***: Фитрат драмаларида фольклоризмлар // ЎТА. – 2012. – №2. – Б.54-58; Стилизация мифологических образов // Filologiya meseleleri. – Baki, 2012. – №3. – S.805- 813; Элбекнинг ўзбек фольклоршунослиги тараққиётидаги хизматлари // БухДУ илмий ахбороти. – 2016. – №1. – Б.113–118; А.Фитрат и вопросы просвещения в Бухаре // ТАТ. – 2016. – №5. – Б.80; Folklore in the works of Abdurauf Fitrat // Theoretical & Applied Science. – USA. – 2016. №5. – P.12–15; Ғози Олим Юнусовнинг фольклоршунослик фаолияти // БухДУ илмий ахбороти. – 2016. – №3. – Б.138–142; Абдурауф Фитрат – фольклоршунос олим // ТАТ. – 2017. – №8. – Б.42- 44; Элбек шеърларида халқ қўшиқларидан иқтибослар // ЎТА. – 2017. – №5. – Б.90-93; Абдурауф Фитрат – один из первых исследователей "Диван лугат-ат-турк / Türk xalqlari ədəbìyyati: mənşəyì, ìnkìşaf mərhələlərì və problemlərì. – Baki, 2015. – S.149–153. Научный подход А.Фитрата к пословицам / Современные тендеции развития науки и технологий. – Белгород, 2016. – №8-3. – С.5-9; Фитрат асарларида мифологик образларнинг ўзига хослиги / Ўзбек адабиёти. Таъсир ва типология. I китоб. – Тошкент, 2013. – Б.233–241; Фитратнинг қўшиқ жанри табиати хусусидаги қарашлари / Istiqlol va Fitrat ijodi.. – Buxoro, 2016. – B.233–241; Elbek. Armug'on yolqinlar (Nashrga tayyorlovchi va so'z boshi muallifi Amonov U.). – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2017. – 56 б.; Фитратнинг "Арслон" драмасида фольклор анъаналари / Заковат зиёси. – Тошкент, 2005. – Б.108–112; Абдурауф Фитрат шеърларида фольклоризм / Филология ва усулиёт масалалари. 1-китоб. – Тошкент, 2008. – Б.81-83; Абдурауф Фитрат "эл адабиёти" таърифида / Ўзбек фольклори контекстида Бухоро фольклорини регионал тўплаш ва ўрганиш

муаммолари. – Бухоро, 2010. – Б.65-67; "Фарҳод ва Ширин" достонининг фольклордаги манбалари хусусида Фитрат қарашлари / Алишер Навоий ижодида оила, таълим ва тарбия масалалари. – Бухоро, 2012. – Б.39-41; Фитратнинг мақол жанрига муносабати / Изланиш самаралари. №2. – Тошкент, 2012. – Б.169–172; Фитратнинг халқ достонларига оид назарий қарашлари / Бадиий матн таҳлили ва талқини муаммолари. – Тошкент, 2012. – Б.231–232; Фитрат асарларида олқиш ва қарғиш аналитик фольклоризм сифатида / Бошланғич таълим асослари ва усулиёти. 1-китоб. – Тошкент, 2013. – Б.257- 259; Фитрат асарларида "тамуғ" va "учмоҳ" талқини / Жабрдийда ёзувчилар адабий мероси мустақиллик хизматида. – Тошкент, 2013. – Б.138–144; Фитратнинг "Арслон" драмасида фол мотиви // БМ. – 2013. – №3. – Б.32-33; А.Фитратнинг "Девони луғотит турк" асаридаги халқ қўшиқларига муносабати // БМ. –2014.–№2. – Б.32-33; Отношение Абдурауфа Фитрата к сказкам / Тенденции и перспективы развития науки и образования в глобализации. – Переяслав-Хмельницкий, 2015. – С.7–13; Фитрат фольклор жанрларидан бири ҳақида / Бошланғич таълим асослари ва усулиёти. III китоб. – Тошкент, 2017.– Б.257–259; Абдурауф Фитрат – ўзбек фольклоршунослигининг йирик назариётчиларидан бири / Istiqlol va Fitrat ijodi. – Buxoro, 2017. – B.92-94; Бухорода фольклоршуносликнинг шаклланиши ва тараққиёти / Филология фанларининг долзарб масалалари. I қисм. – Бухоро, 2017. – Б.36-39; Ўзбек фольклоршунослиги хрестоматияси I. Тошкент, 2018. – B.122. Абдурауф Фитрат ва ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиш омиллари // ПМ. – 2019. – Махсус сон. – Б.35-38; Новые грани творческого наследия Элбека // ТАТ. – 2020. – №4. – Б.62-63; G'ozi Olim Yunusov – ma'rifatparvar folklorshunos// TAT. – 2020. – №6. – Б.32- 34; Abdurauf Fitrat is one of the earliest researchers of uzbek folklore// Academicia" An International Multidisciplinary Research Journal. – India, 2020. №6. – P.669-673.



## Нигора САФАРОВА

*(1974 йил 7 июль Бухоро шаҳри)*

Ўзбек болалар фольклорининг тадқиқотчиси Нигора Охунжоновна Сафарова 1996 йилда Бухоро давлат университети Филология факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. 1996 йил Бухоро давлат университети Педагогика факультети Тиллар кафедрасида ўқитувчи лавозимида иш бошлаган. 2001–2005 йилларда БухДУ "Фольклор ва янги ўзбек адабиёти" кафедраси ҳузуридаги аспирантурада ўқиган. 2010–2018 йилларда Педагогика факультети Хотин-қизлар қўмитаси раиси, 2011–2017 йилларда Маънавий-маърифий ишлар бўйича декан муовини, 2015–2017 йилларда БухДУ Устоз ва мураббийлар кенгаши раиси, 2011–2015 йилларда БухДУ "Бошланғич таълим асослари" кафедраси доценти, 2017 йилда БухДУ Олима аёллар уюшмаси раҳбари лавозимларида фаолият юритиб келмоқда. 2018 йилдан буён Мактабгача ва бошланғич таълим факультетининг Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. 2005 йилда "Ўзбек болалар ўйин фольклорининг жанрий табиати, генезиси ва бадиий хусусиятлари" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 2006 йилда доцент унвонига эга бўлган.

Н.О.Сафарова ўзбек болалар ўйин фольклорининг ўзига хос хусусиятлари ва тарихий асосларини аниқлаган. Болалар ўйинларининг янги таснифини яратган. Халқимизнинг қадимий эътиқодлари, урф-одат ва маросимларининг болалар ўйин фольклорининг шаклланиши ва тараққий этишида тутган ўрнини кўрсатиб берган. Илмий изланишлари натижасида "Ўзбек болалар ўйин фольклори табиати" (2008) монографияси, "Болалар адабиёти ва фольклор" услубий қўлланмаси (ҳамк., 2015) нашр этилган.

***Ас.***: Болалар нутқида сўқма сўзлар / Истиқлол мафкураси ва филологиянинг долзарб муаммолари. – Самарқанд. 2003. – Б.114–116; "Қўрғон ҳимояси" ўйинининг ғоявий-бадиий вазифаси / Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ёшлари ва ўсмирларини ўзбек миллий курашига ўргатишнинг долзарб муаммолари. 2-қисм. – Бухоро, 2006. – Б.51-52; Ўзбек болалар ўйин фольклорини тўплаш ва ўрганишнинг айрим долзарб муаммолари / Ўзбек болалар ўйин

фольклори: табиати, тўпланиши, нашри ва ўрганилиши муаммолари. – Бухоро, 2008. – Б.27-35; Ўйинчоқларнинг келиб чиқиш асослари ва этнопедагогик моҳияти / Ўзбек болалар ўйин фольклори: табиати, тўпланиши, нашри ва ўрганилиши муаммолари. – Бухоро, 2008. – Б.56-59; Ўзбек болалар ўйин фольклори табиати. – Тошкент, "Фан", 2008; Мифологик образлар тасвирига асосланган ўйинлар / Филология ва усулиёт масалалари. – Тошкент, 2008; Болалар маиший ўйинларининг баркамол авлод тарбиясида тутган ўрни / Баркамол авлод – юрт истиқлоли. –Бухоро, 2010. – Б.20–21; Болалар маиший ўйинларининг табиати // ПМ. – 2010. №4. – Б.31-32; Профессор Охунжон Сафаров. Библиография. – Бухоро, 2010; "Оқ шоли ва кўк шоли" ўйини генезиси ҳақида / Ўзбек фольклори контекстида Бухоро фольклорини регионал тўплаш ва ўрганиш муаммолари. – Бухоро, 2010. – Б. 32-34; Халқ ўйинлари ва уларнинг бошланғич таълимдаги ўрни / Бошланғич таълимда инновацион технологияларни қўллаш истиқболлари. – Бухоро. 2012. Б.102–103; "Ҳа, кишма-кишма" ўйин-қўшиғи ҳақида / Филология масалалари 6-китоб. – Тошкент, 2013. – Б.126–129; Болалар адабиёти ва фольклор (усулий қўлланма). – Тошкент, 2015; "Биби мушкулкушод" афсонасида анъанавий эпик образлар талқини / Тенденции и перспективы развития науки и образования. – Переяслав-Хмельницкий, 2015. – С.532-535; Ўзбек болалар ўйин фольклори ҳақида / Тенденции и перспективы развития науки и образования. – Переяслав-Хмельницкий, 2015. – С.544-547; Қизлар ўйнайдиган қўғирчоқ ўйинларининг ўзига хос хусусиятлари / Илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент. 2015. 29 май. – Б. 29-30; Болаларни баркамол авлод этиб тарбиялашда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш / Узлуксиз таълим тизимида китобхонлик маданиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари. – Бухоро. 27 апрель. 2017. – Б. 269- 272; Топишмоқ ва латифа жанри хусусиятлари, уларни ўрганишнинг назарий ва методологик асослари / Тенденции и перспективы развития науки и образования. – Переяслав-Хмельницкий, 2017. – С.7–13; Топишмоқлар воситасида осмон жисмлари билан таништириш йўллари / Тенденции и перспективы развития науки и образования в условиях глобализации. – Переяслав-Хмельницкий, 2018; Ўзбек халқ болалар ўйинларида рамзий образлиликнинг тарихий генезиси // БухДУ илмий ахбороти. – 2018. – №1. – Б.100–106; Ўйинчоқларнинг болалар ёшига, жинсига ва ўйин мазмунига кўра турланиши // ПМ. – 2018. – №1. – Б.120–123; Болалар ўйин-қўшиқлар воситасида маънавий-ахлоқий шакллантириш / Мактабгача ва бошланғич таълимда мутахассис кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг долзарб масалалари. – Бухоро, 2018. – Б.47-49; Basics of Uzbek Children`s Reading // TEST Engineering &Management. – 2019. №11–12. P.3193-4120; "Латифа" терминига маънодошликда қўлланиб келаётган атамалар хусусида / Насриддин Афандининг дунё кулги маданиятидаги ўрни. – Бухоро, 2019.– Б.116–119; Замонавий латифаларда Насриддин Афанди образи / Насриддин Афандининг дунё кулги маданиятидаги ўрни. – Бухоро, 2019. –Б. 126–129.

## Меҳринисо РИЗОЕВА

*(1974 йил 19 ноябрь, Кармана тумани)*

Ўзбек халқ мифологик афсоналари тадқиқотчиси Ризоева Меҳринисо Абдуазизовна Кармана туманидаги ўрта мактабни тугатгач, 1991–1996 йилларда Навоий давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган ва имтиёзли диплом билан тугатган. Ризоева Меҳринисо 1996 йилда Навоий давлат педагогика институти "Ўзбек адабиёти" кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишга кирган. 2002 йилдан мустақил изланувчи, 2006–2007 йиллларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида стажёр тадқиқотчи, 2010 йилдан Навоий давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедрасида кафедра катта ўқитувчиси сифатида фаолият олиб бормоқда. 2020 йилда "Ўзбек халқ мифологик афсоналари" (ўзига хос хусусиятлари, таснифи ва образлар тизими) мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ёқлаган.

М.Ризоева миф ва афсона жанрининг ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари, мифологик афсоналар сюжет тизимининг тадрижий ривожи босқичлари, ўзбек халқ афсоналаридаги мифологик образларнинг эпик табиати, қадимги мифларнинг афсона жанри генезисида тутган ўрни ва диффузияланиш жараёнларини ўрганган.

Навоий давлат педагогика институти “Ўзбек адабиёти” кафедраси қошидаги фольклор экспедициялари таркибида Навоий, Бухоро вилоятларида бир неча бор илмий сафарларда бўлиб, миф, афсона, ривоят каби фольклор жанрларига доир материаллар тўплаган.

*Ас.:* Ўзбек халқ антропогоник афсоналари // ЎТА. – 2005. – 2-сон. – Б.71-75; Миф ва афсона // ЎТА. – 2006. – 2-сон. – Б.52-55; Узбекский народный календарь и связанные с ним мифологические легенды // Filologiya məsələləri. Baki, 2011. – №9. – С.372-378; Тақвим билан боғлиқ мифологик афсоналар // ИС. – 2014. – 1-сон. – Б.64-69; Ўсимликлар ҳақидаги ботаномик афсоналар // ИС. – 2016. – 1-сон. – Б.58-62; Ўзбек фольклорида зоонимик афсоналар // ТАТ. – 2014. – 6-сон. – Б.39-41; Myth and mystery// International Journal of Research ın social sciences. – 2019. – Vol.9. №6. – S.37-39; Ҳайвонлар ҳақидаги мифологик афсоналар / Глобал олий таълим тизимида илмий тадқиқотларнинг замонавий услублари. 2-китоб. – Навоий, 2015. – Б.187–189; Қадимги туркий мифология билан боғлиқ антропогоник афсоналар / Изланиш самаралари. №2. – Тошкент, 2012. – Б.232–234; Алишер Навоий ижодида мифологик образлар талқини / Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди – намуна мактаби. – Тошкент, 2016. – Б.339-341; Алишер Навоий ижоди ва ўзбек мифологияси хусусида баъзи мулоҳазалар / Алишер Навоий ижодиёти ва маънавий тараққиёт масалалари. – Навоий, 2016. – Б.31-32; Алишер Навоий ижоди ва ўзбек мифологияси хусусида баъзи мулоҳазалар / Тил ва адабиёт таълимининг долзарб масалалари. – Тошкент, 2017. – Б.143–144; Навоий ғазалларида мифологик қарашлар талқини / Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни. – Навоий, 2017. – Б.165–167; Ўзбек халқ мифологик афсоналарида илон-аждар образи / Ёшларда китобхонлик маданиятини тарғиб этишнинг оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги. – Навоий, 2018. – Б.38-39; Навоий шеърриятида мифологик қарашлар талқини / Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни. – Навоий, 2019. – Б.639-641.



## Нодира СОБИРОВА

*(1975 йил 18 апрель, Гурлан тумани)*

Хоразм “ошиқ” туркуми достонлари юзасидан илмий изланишлар олиб борган Нодира Каримбоевна Собирова Хоразм вилоятининг Гурлан туманида ўрта мактабни тамомлаб, 1992 йил Урганч давлат университетининг Жаҳон тиллари факультети инглиз тили бўлимига ўқишга кирган. 1997 йилда ўқишни тамомлаб, шу факультетнинг “Инглиз тили” кафедрасида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган. 1999 йил Урганч давлат университети Ўзбек мумтоз адабиёти кафедрасида филология фанлари доктори Сафарбой Рўзимбоев раҳбарлигида илмий тадқиқот ишини бошлаган. 2004 йилда “Хоразм ошиқ туркуми достонлари сюжети, етакчи мотивлари ва образлар тизимининг мифологик асослари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

У Хоразм “ошиқ” туркуми достонларининг ўзига хос хусусиятлари ва илмий тавсифи, мифологиянинг “ошиқ” туркуми достонларидаги бадиий вазифалари, анимизм, фетишизм, тотемизмлар билан боғлиқ мифологик тасаввурларнинг достонлардаги эпик талқини, “ошиқ”туркуми достонлари сюжетининг етакчи мотивлари генезиси, бу тип достонларнинг асосий образлар таркиби, мифологик мотив ва образларни туркий халқлар фольклори билан қиёсий-типологияси масалаларини ўрганган.

*Ас.*: Хоразм достонларида магик-шомонистик мифология / ХФ. Т.2. – Урганч, 2000. – Б.28-30; Образ эпического коня в хорезмских дастанах // Вестник ККФ АН РУз. – 2000. – №4. – С.93-94; Мотив трех дорог в хорезмских дастанах // Вестник ККФ АН РУз. – 2000. – №1–2. – С.106–107; “Авесто”даги табиат ва инсон / “Авесто” буюк қомусий асар. – Тошкент, 2001. – Б.42-43; “Авесто” мифологияси ва Хоразм фольклори. – Урганч, 2001 (ҳамк.); Хоразм достонларида эврилиш билан алоқадор мотивлар / ХФ. Т.4. – Урганч, 2002. – Б.22–24; Достонларда сеҳрли буюмлар талқини // ЎТА. – 2003. – №4. – Б.44-45; Хоразм достонларида Ҳубби образининг талқини / ФИ. – Урганч, 2003. – С.83-86; Эпик ҳомий образининг Хоразм достонларидаги талқини // ЎТА. – 2003. – №6. – Б.68-71; Хоразм “ошиқ” туркуми достонлари сюжети, етакчи мотивлари ва

образлар тизимининг мифологик асослари: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Хоразм "ошиқ" туркуми достонлари. – Тошкент, 2006.

## Ҳамза ЭШЧОНОВ

*(1975 йил 4 ноябрь, Шовот тумани)*

Хоразм достончилик мактаби вакилларининг серқирра ижодий меросини, хусусан, "Эдигэ" ("Тулумхўжа") достонининг турли версияларини қиёсий ўрганилишига муносиб ҳисса қўшган тадқиқотчи Ҳамза Худаярович Эшчонов 1992–1997 йилларда Урганч давлат университетининг "Ўзбек филологияси" факультетини "Ўзбек тили ва адабиёти" ихтисослиги бўйича тамомлаб, шу йилдан Хоразм вилоят телерадиокомпаниясида муҳаррир лавозимига ишга қабул қилинган. 1997–2017 йилларда телевидение ва радио муҳаррири, шарҳловчи, катта муҳаррир лавозимида, 2018 йилдан ушбу ҳудудий телерадиокомпанияда Радио гуруҳи бош муҳаррири лавозимига тайинланиб, ҳозирги кунгача жамоани бошқариб келмоқда.

Ҳамза Эшчонов 1999–2006 йилларда профессор М. Жўраев илмий раҳбарлигида мустақил тадқиқотчи сифатида "Тулумбий" достонининг қўлёзма нусхалари, генезиси ва бадиияти (достоннинг ўзбек ва туркий халқлар версияларининг қиёсий-типологик таҳлили)" номли номзодлик диссертацияси устида муваффақиятли иш олиб борган. Ушбу тадқиқот билан шуғулланиш давомида 2006 йилда ушбу достоннинг Шомурод Самандар ўғли томонидан араб ёзувида кўчирилиб, шовотлик Норгул халфа Шарипова қўлида сақланаётган нусхасини ўзбек кирилл алифбосига табдил қилган ҳолда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида чоп эттириб, ўзбек фольклоршунослигида биринчи марта эълон қилган.

Ҳ.Эшчановнинг тадқиқотларида "Эдиге" эпосининг Хоразм воҳасида тарқалган учта ёзма нусхаси бошқа туркий халқлар фольклорида, жумладан, туркман, қорақалпоқ халқлари орасида тарқалган муқобиллари билан қиёсланган.



*Ас.*: Тулумхўжа (достон). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: М.Жўраев, Ҳ.Эшчонов. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 7,5 б.т.; Бебаҳо бадиий қадрият / Тулумхўжа (достон). – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б.3-7 (ҳамк.); "Эдига" – "Тулумхўжа" достонининг ўрганилишига доир баъзи қайдлар / Ўзбек маросим фольклори ўрганилишининг янгича тамойиллари. – Навоий. 2007. – Б.86-87; "Тулумхўжа" достонининг тарихий илдизлари: афсона ва ҳақиқат // ИС. – 2010. – №1. – Б.72-75; "Edige" – "Tulum Hoja" destaninin o`zellikleri // Gungel sanat. – Antalya, 2011. – №5. – P.65-67.

## Феруза МАМАТҚУЛОВА

*(1975 йил 22 ноябрь, Ўзбекистон тумани, Сулаймон қишлоғи)*

Китобий достонлар туркумига кирувчи "Тоҳир ва Зуҳра" достони туркий версияларини қиёсий ўрганиш билан шуғулланган Феруза Маматқулова Тоҳировна 1992–1997 йилларда Қўқон давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиган ва магистр даражасига эга бўлган. 1997 йилда Қўқон давлат педагогика институти "Ўзбек адабиёти" кафедрасида катта лаборант, сўнг 2000 йилдан ўқитувчи сифатида ишлаган. Ҳозирги кунда "Ўзбек адабиёти" кафедраси доценти сифатида фаолият олиб бормоқда. 2020 йилда филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун "Тоҳир ва Зуҳра достони туркий версияларининг қиёсий таҳлили" мавзусидаги диссертациясини ёқлаган.

"Тоҳир ва Зуҳра" достонининг ўзбекча оғзаки вариантлари ҳамда қўлёзма нусхаларини туркий версиялар билан қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш асосида достон сюжетининг тарихий асослари ва бадиий эволюциясини аниқлашдан иборат вазифани амалга оширган.

Феруза Маматқулова Қўқон давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедраси қошидаги фольклор тўгарагига раҳбарлик қилиб Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидаги талабалар билан қўшиқ, алла, ёр-ёр, дуо, афсона каби фольклор жанрларига

доир материаллар тўплади. Манбаларни тўплаш давомида халқ қўшиқлари, алла, ёр-ёр жанрлари, уларнинг Фарғона водийсига хос вариантлари ва ижро этиш усулларига оид кузатишлар олиб бормоқда. У филология фанлари доктори, профессор Маматқул Жўраев билан биргаликда Зоҳир шоир Қўчқор ўғли ижро этган "Тоҳир ва Зуҳра" достонини сўзбоши ва изоҳли луғатлари билан нашрдан чиқарган (2011, 2018).

***Ас.***: "Тоҳир ва Зуҳра" достонида сандиқ тимсоли // ЎТА. – 2005. – 4-сон. – Б.74-76; "Тоҳир ва Зуҳра" достонида ғайритабиий туғилиш мотиви // ЎТА. – 2011. – 6-сон. –Б.54-57; "Тоҳир ва Зуҳра" достонининг уйғур версияси // ИС. – 2011. – 9-сон. – Б.40-44; Сайёдий ва унинг "Тоҳир ва Зуҳра" достони ҳақида // ИС. – 2011. – 10-сон. – Б.43-50; Тоҳир ва Зуҳра (ўзбек халқ достони). Айтувчи: Зоҳир шоир Қўчқор ўғли. Сўзбоши, изоҳлар ва луғат билан нашрга тайёрловчилар М.Жўраев, Ф.Маматқулова. – Тошкент: Муҳаррир, 2011. – 208 б.; Сравнительный анализ узбекской и татарской версий поэмы "Тахир и Зухра" // Filologiya masalaleri. –Baki, 2015. – 1-сон. – Б.60-68; Kazakh version of dastan "Tohir and Zuhra" // Theoretical & Applied Scince. – Philadelphia, 2019. – №1(69). – С.245–248; "Тоҳир ва Зуҳра" достонининг ўзбек вариантлари // Тамаддун нури. – Беруний, 2017. – 3-сон. – Б.52-55; "Тоҳир ва Зуҳра" достонининг ўзбек бахшилари ижросидаги эпик талқинлари / Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни. – Тошкент, 2019. Б.145–148; "Тоҳир ва Зуҳра" достонининг Раҳматулла Юсуф ўғли варианти / Ўзбек фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Наманган, 2010. – Б.134–138; Муштарак талқинлар // Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2005. – Б.130–135; Халқ қалбидан жой олган достон // Тоҳир ва Зуҳра (ўзбек халқ достони). Айтувчи: Зоҳир шоир Қўчқор ўғли. Сўзбоши, изоҳлар ва луғат билан нашрга тайёрловчилар М.Жўраев, Ф.Маматқулова. – Тошкент: Муҳаррир, 2011. – Б.3–25 (ҳамк.); "Тоҳир ва Зуҳра" достонининг тўлиқ бўлмаган вариантлари ҳақида / Таълим ва тарбия масалалари. – Навоий, 2014. – Б.120–124; Қаҳрамон тасвиридаги муштараклик ва ўзига хослик / Буюк шоир ва мутафаккир. – Тошкент, 2014. – Б.64-68; Қадимий мавзулар, янгича талқинлар / Таълим технология: илмий-услубий тўплам. – Тошкент, 2015. – Б.123–127; "Тоҳир ва Зуҳра" достони: вариант ва таъсир / Адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари. – Фарғона, 2015. – Б.127–131; Ўзбек халқ оғзаки ижодида сандиқ тимсолининг бадиий талқини / Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. – Тошкент, 2015; Қаҳрамонларининг ота-боболар руҳи ёки авлиёлар кўмагида туғилиши / Бадиий асар таҳлили ва талқинининг илмий-педагогик масалалари. – Кўқон, 2015; "Тоҳир ва Зуҳра "достонининг тўлиқ бўлмаган вариантлари / Филологиянинг долзарб масалалари. – Тошкент, 2017. – Б.105–110; "Сайёдийнинг "Тоҳир ва Зуҳра"достонида келтирилган мақол ва маталларни замонавий технологиялар асосида ўргатиш / Ўзбекистон олий таълими юксалиш йўлида. – Кўқон, 2017. – Б.354-356; "Тоҳир ва Зуҳра"достонининг татар версияси / Ўзбекистон филологиясида: таҳлил ва талқин муаммолари. – Наманган, 2017. – Б.179–183; Сайёдийнинг "Тоҳир ва Зуҳра" достонида келтирилган мақол ва маталларни замонавий педагогик технологиялар асосида ўргатиш / Ўзбекистон олий таълими юксалиш йўлида. – Тошкент, 2017. – Б.354-358; "Тоҳир ва Зуҳра" достонининг Қашқар варианти / Илмий конференция материаллари. – Фарғона, 2018. – Б.56-59; "Тоҳир ва Зуҳра" достонининг ўзбек вариантлари / Филология: муаммо муҳокама мулоҳаза. – Кўқон, 2018. – Б.78-82.

## Зоҳид ЖУМАНИЁЗОВ

*(1976 йил 3 январь, Урганч шаҳри)*

Ўзбек фольклорининг немис тилига қилинган таржималарини "Равшан" достони мисолида ўрганган Зоҳид Жуманиёзов 1992–1997 йилларда Урганч давлат университетининг Жаҳон тиллари факультетида ўқиган. 1997–1999 йилларда мазкур университетнинг Немис тили кафедрасида ассистент-ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1999–2002 йилларда Урганч давлат университетининг Ўзбек филологияси факультетида фольклоршунослик ихтисослиги бўйича аспирантурада таҳсил олган. 2002 йил ноябрь ойидан бошлаб шу университет Жаҳон тиллари факультетининг Немис тили кафед-

расида ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатмоқда. 2008 йилда профессор С.Рўзимбоев раҳбарлигида "Равшан" достони немисча таржимасида миллийликни қайта яратиш" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

З.Жуманиёзов "Равшан" достонининг Карл Райхл томонидан қилинган илмий-бадиий таржимасини тадқиқ этиш орқали эпик матнни ўзга тилга ўгиришда миллийликни қайта яратишнинг ўзига хос усуллари масаласини ёритиб берган.

*Ас.*: "Равшан" достонидаги антропоним ва топонимларнинг немисча таржимаси / ХФ. 2-том. – 2000. – Б.61-67; "Равшан" достонининг таржималарига доир // АК. – 2000. – 6-сон. – Б.120–124; "Равшан" достонидаги мақолларнинг немисча таржимаси хусусида / ХФ. 3-том. – 2001. – Б.7–11; "Равшан" достонининг немисча бадиий таржимасида айрим фразеологик бирикмаларининг берилиши ҳақида / Ўзбекистон мустақиллиги – унинг фани ва технологиларини ривожлантириш кафолати. – Урганч, 2001. – Б.211–214; "Равшан" достони ва унинг немисча таржимаси // ЎТА. – 2001. – 6-сон. – Б.63-65; Об особенности перевода национальных слов-реалий в дастане "Равшан" // Вестник ККФ АН РУз. – 2002. – №3. – С.108–110; Сажь ва унинг немисча таржимаси хусусида // ИС. – 2003. – 3-сон. – Б.89-92; Портрет таржимаси // ИС. – 2003. – 4-сон. – Б.68-70; Адабий алоқалар ва таржима маданияти / ФИ. Т.3. – 2003. – Б.31-33; Ўзбек немис адабий таржималари юзасидан қисқа шарҳлар / ФИ. Т.4. – 2003. – Б.45-48; Жуфт ва такрорий сўзлар таржимасида айрим хусусиятларнинг акс этиши / ФИ. Т.5. – Урганч, 2003. – Б.45-48; Ўхшатишлар таржимасида миллийликнинг қайта тикланиши / ХФ. Т.5. – 2003. – Б.8–11; Жуфт ва такрорий сўзли иборалар таржимаси / ФТТ. Т.7. – 2004; Ҳайвонлар номлари таржималари ҳақида // ИС. – 2004. – 2-сон. – Б.103–104; Лақаблар таржимаси // ИС. – 2004. – 3-сон. – Б.88-90; Кўчимни ифодалашда мутаржим маъсулияти // Хорижий филология. – Самарқанд, 2005. – 2-сон; Internationale Ubersetzungskultur in der Volksdichtung // CMC Limited. – Деҳли, 2006.- Б.43-44; Таржимада синекдоха // ИС. – 2006. – 4-сон. – Б.89-91; Таржима нуқсонлари / Тил гулшани. 2-жилд. – Урганч, 2006. – Б.21–24; Назмий эпик формулалар таржималарида шакл ва мазмун мутаносиблиги / Чет тили ўқитишнинг замонавий технологияси масалалари. – Тошкент, 2007. – Б.74-76; "Равшан" достони немисча таржимасида миллийликни қайта яратиш: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2008.



## Гўзал ЭГАМБЕРДИЕВА

*(1976 йил 13 январь, Урганч шаҳри)*

Эртак тип сюжетли достонларни тадқиқ этган Эгамбердиева Гўзал Мадиёровна 1992 йилда Урганч давлат университетининг Рус тили ва адабиёти факультетини, 2003 йилда мазкур олий ўқув юртининг "Фольклоршунослик" ихтисослиги бўйича аспирантурасини тугатган. 2003–2006 йилларда Тошкент тиббиёт Академияси Урганч филиали ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 2007 йилдан буён Урганч давлат университети Рус тили ва адабиёти кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишламоқда. 2006 йилда профессор С.Рўзимбоев раҳбарлигида "Эртак тип сюжетли Хоразм достонлари поэтикаси" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Г.М.Эгамбердиева Хоразм бахшилари репертуарида мавжуд бўлган эртак тип сюжетли достонларнинг ўзига хос хусусиятлари, сюжет қурилиши ва образлар силсиласини ўрганган.

*Ас.*: Об особенностях русского перевода дастана "Рустамхан" / ХФ. Т.II. – Ургенч, 2000. – Б.38; О переводе пословиц и поговорок в дастане "Рустамхан" / ХФ.Т.III. – Ургенч, 2001. – Б.17; Таржима – бу маъсулият // ШЮ. – 2002. – 1-сон. – Б.138; "Рустамхон" достонининг русча таржимаси ҳақида баъзи мулоҳазалар / Филологические исследования. – Ташкент, 2003. – С.118–120; Эртак тасвирининг достон талқини / ХФ. Т.V. – Урганч, 2003. – Б.64-66; Уч йўл мотивига асосланган достон / ХФ. Т.V. – Урганч, 2003. – Б.66-68; Эртак ва достонларда муболаға санъати // ТАТ. – 2004. – 1-сон. – Б.45-49; "Ҳурлиқо ва Ҳамро" достони тўғрисида // ЎТА. – 2004. – 1-сон. – Б.70-72; Изучение в узбекской фольклористике вопроса межжанровых взаимоотношений в устном народном творчестве / Филологические исследования. Т.7. – Ташкент, 2004. – С.71-74; Взаимоотношения пословиц и загадок / ХФ. Т.VI. – Б.71-74; Сказки и

другие жанры фольклора / ХФ. Т.VI. – Б.69-71; Краеведческий материал на занятиях по русскому языку в медицинских вузах / Актуальные вопросы профориентированного обучения русскому языку на современном этапе. – Ургенч, 2004. – С.157–158; Эртак тип сюжетли достонлар ҳақида / Филологические исследования. Т12. – Урганч, 2006. – Б.50-52; Эртак тип сюжетли Хоразм достонлари поэтикаси: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2006; Об особенностях русского перевода дастана "Рустамхан" // Тошкент тиббиёт Академияси Урганч филиали илмий ишлар тўплами. – Урганч, 2007. – Б.202–205; Фольклор амалиёти бўйича тавсияномалар. Талабалар учун махсус қўлланма. – Урганч, 2007; Взаимоотношения малых жанров фольклора / Филологические исследования. Т.15. – Урганч, 2007. – С.149–152; Взаимосвязь эпических жанров и их взаимоотношения с другими жанрами // ИС. – 2007. – 2-сон. – Б.82-87; Песни и частушки. Пособие к семинарским занятиям. – Ургенч, 2007; Хоразм достончилиги ва эртак тип сюжетли достонлар // ИС. – 2007. – 4-сон. – Б.26–28; Принципы использования стилистических формул в сказках и дастанах // Вестник ККФ АН РУз. – Нукус, 2007. – №4. – С.26–28; Образ сестры в сказках и дастанах / Филологические иследования. Вып.17. – Урганч, 2007. – С.88-90; Паремические жанры русского фольклора. – Ургенч, 2008; Антитеза в дастане "Ҳурлиқо и Ҳамро" // Тафаккур зиёси. – Урганч, 2008. – Б.103–105; Использование антитезы в сказках и дастанах / ХФ. Т.IX. – Урганч, 2008. – Б.53-55.

**Зебинисо РАСУЛОВА**

*(1976 йил 20 апрель, Ғиждувон тумани)*

Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида анъанавий тарзда қўлланиладиган "ғаройиб буюм"ларнинг турлари, ўзига хос хусусиятлари, бадиий-эстетик вазифалари, тарихий-мифологик илдизларини монографик жиҳатдан тадқиқ этган Расулова Зебинисо Жалолиддиновна 1997 йилда Бухоро давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини филолог, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислиги бўйича тамомлаган. 1997–2000 йилларда Бухоро



шаҳридаги 14-ўрта мактабда ўқитувчи лавозимида иш фаолиятини бошлаган. 2000–2001 йилларда Бухоро давлат университети ўзбек филологияси факультети оператори, 2001–2004 йилларда шу университетнинг ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 2004–2005 йилларда университетнинг Фольклор ва янги ўзбек адабиёти кафедраси стажёр-тадқиқотчиси бўлган. 2005–2006 йилларда Бухоро педагогика коллежи ўқитувчиси лавозимида ишлаган. 2006–2009 йилларда Бухоро давлат университети аспирантурасида таҳсил олган. 2012 йилдан ҳозирга қадар ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаб келмоқда. 2012 йилда "Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида "ғаройиб буюмлар (специфкаси, генезиси ва бадиияти)" мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

З.Ж.Расулова ўзбек халқ сеҳрли эртаклари бадиий қурилишида муҳим композицион аҳамият касб этувчи сюжет элементи сифатида қўлланилган "ғаройиб буюм"ларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб берган. Ўзбек халқ сеҳрли эртакларидаги "ғаройиб буюм"ларнинг асосий турлари тасниф қилган, ўзбек халқ сеҳрли эртакларидаги "ғаройиб буюм"ларнинг бадиий-эстетик вазифаларини кўрсатиб берган. "Ғаройиб буюм"ларнинг тарихий-мифологик асослари ҳамда уларнинг келиб чиқишида табу ва маросим фольклорининг ўрнини аниқлаган. У "ғаройиб буюм"ларнинг бадиий талқинига хос хусусиятларини ўрганиш асосида "ғаройиб буюм"ли сеҳрли эртакларнинг мотивлар таркибини аниқлаб, уларнинг таснифини амалга оширган.

У бугунги кунда ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор бўлимида бажарилаётган "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари мавзусидаги фундаментал лойиҳа иштирокчиси сифатида халқ достонлари ва эртакларининг таянч матнлар базасини шакллантириш ҳамда уларни нашрга тайёрлашда фаол қатнашиб келмоқда. У мазкур 100 жилдликнинг 2020 йилда нашр этилган 17-жилди ("Сув қизи" (эртаклар), 18-жилди ("Тирноғи тилла қиз" (эртаклар) жилдларини нашрга тайёрлашда қатнашган. Шунингдек, халқ достонларидан иборат "Ҳасанхон", "Жонодил" каби жилдларни ҳам нашрга тайёрлашга катта ҳисса қўшган. 2017 йилда "Мактаб кутубхонаси" сериясида "Гўрўғли" туркумига мансуб "Шоҳдорхон" достонини нашрга тайёрлаб чоп эттирган.

***Ас.:*** Сеҳрли эртакларда тиғли предметларнинг бадиий талқини ва генезиси / Заковат зиёси. – Тошкент, 2005. – Б.127–133; "Сеҳрли узук" ва унинг ўзбек халқ эртакларидаги бадиий талқини / ЎФМ. 1-китоб. – Тошкент, 2006. – Б.101–106; Сеҳрли эртакларда табуларга алоқадор мотивларнинг ифодаланиши // ЎТА. – 2006. – №2. – Б.64-66; Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида мерос масаласининг талқини // САУ. – 2006. – №11. – Б.10–11; Ўзбек халқ эртакларида "сеҳрли ойна" образи // БухДУ илмий ахбороти. – 2007. – №3. – Б.46-49; "Ғаройиб предмет"ларни тасвирлашдаги лингвопоэтик воситалар // ИС. – 2007. – №3. – Б.60-63; Сеҳрли эртакларда "тароқ" образининг бадиий талқини ва вазифалари / Филология масалалари. – Бухоро, 2007. – Б.187–189; Эртакларда "ғаройиб предмет"лар талқини ва лингвопоэтик воситалар / Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Навоий, 2007. – Б.224–227; Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида соч мотиви // ЎТА. – 2009. – №3. – Б.51-57; Сеҳрли эртакларда табу ва у билан боғлиқ халқ қарашлари / Ўзбек фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Наманган, 2010. – Б.125–128; Ўзбекларнинг "ойна" билан боғлиқ инончлари ва унинг фольклордаги талқини // ИС. –2011. – №8. – Б.11–19 (ҳамк.); Чудесные предметы в узбекских волшебных сказках // Filologiya masalalari. – Baki, 2011. – №8. – S.334-342; "Ғаройиб предметлар" ва сеҳрли эртакларда тилсим // САУ. – 2011. – №8. – Б.13–15; Ўзбек халқ эртакларида тилсим билан боғлиқ "сеҳрли олма" тимсоли // ИС. – 2011. – №9. – Б.35-40 (ҳамк.); "Ғаройиб предметлар" ва сеҳрли эртак сюжетининг мотивлар тизими / "Жаҳон адабиёти" фанини ўқитишнинг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2011. – Б.168–173; Ойнага оид удумлар / ФТ. – 2012. – №3. – Б.3, 18–19; Тарихий ҳақиқат ва эртак жанрининг генезиси / Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2013. – Б.133–136; Магик ҳимоя воситалари билан боғлиқ халқ қарашлари ҳақида / Ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент. 2013. – Б.235–240; Маросим ва эртак / Ўзбек халқининг миллий фольклор санъати ва этномаданий қадриятлари. – Тошкент, 2013. – Б.76-79; Saçın büyü yapma Özelliği ve Özbek halk masallarindaele alınması / Türk Dünyası İncelemeleri Dergisi (Yaz 2013). s 223–230 (ҳамк.); Сеҳрли эртак поэтикасига доир баъзи мулоҳазалар / Алишер Навоий маънавий меросида комил инсон тарбияси. – Навоий, 2014. – Б.61–65; Соч магияси ва унинг эртаклардаги бадиий талқини / Таълим ва тарбия масалалари. 2-китоб. – Навоий, 2014. – Б.47-49; "Ғаройиб буюм"ли эртакларнинг мотивлар таркиби // Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. – Бухоро, 2015. – Б.171–173; "Гўрўғли" достонлари. "Шоҳдорхон"/ "Мактаб кутубхонаси" сериясидан. – Тошкент: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017; Ўзбек халқ эртакларида совчилик удумининг бадиий талқини / БухДУ илмий ахбороти.– Бухоро, 2018. № 3. – Б.143–148; Сўзнинг сеҳрли кучи / Туркология. –Туркистон, 2018. №6. – Б. 42-47; Совчилик удуми / САУ – 2017. – 12-сон. – Б.14–15; Эртакларнинг тарбиявий аҳамияти / Фемида. – Қарши, 2018. №12. – Б. 8; Özbek halk masallarında "sihirli halı"siimgesinin poetik görevi // Filoloji ve kültür araştırmaları. – Karabuk. 2020. – №2. – S.387-390; Mirror and its mythopoytic interpretation / The International journal of analytical and experimental modal analysis. Vol.XII. №VIII. – India, 2020.

## Юлдуз ҚУРБОНОВА

*(1976 йил, 4 июнь, Урганч шаҳри)*

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида достон куйлаган Қурбонбой жиров ижодини ўрганган Юлдуз Қурбонова 1997 йилда Урганч давлат университети Ўзбек филологияси факультетини битирган. 1997–2000 йилларда Урганч давлат университети аспирантурасида ўқиган. 2002 йилдан буён Тошкент ирригация ва сув хўжалиги инженерлари институтининг Тиллар кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишламоқда. 2001 йилда "Ўзбек фольклори ва Қурбонбой жиров ижоди" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Ю.Қурбонова эпос ижрочилигидаги иккитиллилик ҳодисасининг Қурбонбой жиров ижодидаги кўринишини таҳлил қилиш асосида эпик сюжетларнинг бадиий ривожи ва кардош халқлар фольклоридаги талқинларини ўрганган.

***Ас.:*** Қурбонбой жировнинг хоразмлик шогирди // Қорақалпоғистон муғаллимы. – Нукус, 1998. – 3-4-сонлар. – Б.34-35; Бир

сюжетнинг эртак ва достон вариантлари / ФТТ. – Урганч, 1999. – Б.40-44; Аёллар жасорати – комиллик намунаси / Маънавият, мафкура миллий қадриятларнинг кишилар онги ва дунёқарашини шакллантиришдаги роли. – Самарқанд, 1998. – Б.75-76; Ривоятдан достонга // АК. – Тошкент, 2000. – 5-сон. – Б.149–155; Дев образининг "Авесто" ва эпосдаги талқини / "Авесто"нинг 2700 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция тезислари. – Урганч, 2000. – Б.37-38; "Алпомиш" жиров ва бахши талқинида / Маърифат ёғдуси. – Хива, 2000. – Б.32-35; Баркамоллик талқинлари // ТАТ. – 2000. – 5-сон. – Б.37-38; Ўзбек фольклори ва Қурбонбой жиров ижоди: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2001.

## Зухра ЮЛДАШЕВА

*(1976 йил 24 июль, Фарғона вилояти, Бувайда тумани)*

Ўзбек халқ достонларидан "Холдорхон" достонининг лисоний таҳлилини тадқиқ этиб келаётган Зухра Низомиддиновна Юлдашева 1993 йил Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига ўқишга кириб, 1998 йили ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислиги бўйича тамомлаган. 2012 йилдан ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида кичик илмий ходим сифатида иш фаолиятини бошлаган. Ҳозирги кунда ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор бўлимида кичик илмий ходими сифатида фаолият олиб келмоқда.

Зухра Юлдашева "Холдорхон" достонининг лисоний таҳлили" мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун илмий иш устида ишламоқда. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилаётган "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари" номли фундаментал илмий лойиҳасида иштирок этиб келяпти. У "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигининг 2015 йилда нашр этилган бешинчи ("Ширин билан Шакар") нашрини тайёрлашда қатнашган.



*Ас.*: "Haldarxan" Destanındaki Tahmini Miktar Birimlerinin Lengüapoetik Özellikleri. Ataturk Universiteti Sosyal Bilimler Dergisi. Özbekistan özelsayısı, 2016.y.; "Haldarhan" Destanında Düzenlive Düzensiz Tekrarlarin Poetik Özellikleri. Güncel Sanat Dergisi. 2016. 40-son Б.20-21.; "Haldarxan" Destanındaki Tahmini Miktar Birimlerinin Lengüapoetik Özellikleri. Ataturk Universiteti Sosyal Bilimler Dergisi. Özbekistan özelsayısı, 2016.; O'zbek adabiyoti va madaniyatining oltin beshigi: Qo'qon. (Hokand: Özbek Edebiyatı ve Medeniyetinin Altın Beşigi.) Turkiya, 1.Xalqaro turkey xalqlar madaniyat markazlari simpoziumi. Nevshehir Universiteti. 2017 y 5-7 Noyabr.; Haldarhan Destanı Dilinin Morfolojik Özellikleri. Turkiya, Halk Biliminin Güncel Sorunları sempozyumu. Ege Universiteti. 2017 y 10-11 Noyabr.; XI-XIII асрлар ёзма ёдгорликларида фольклоризм. "Ҳиббат-ул ҳақойиқ" ва илк уйғониш даври туркий тилда яратилган исломий асарлар мавзусидаги халқаро анжуман. Анқара. 2018, 27-28 июнь; Ўзбек халқ достонларида такрорий бирликлар. Туркология журнали. – Қозоғистон, Туркистон, 2018. №6. – Б. 76-83.; IX-XII asr yozma yodgorliklaridagi folklorizmlar. / IX-XII Yüzyıl Yazma Abidelerindeki Folklör Unsurları. Filoloji ve Kültür Araştırmaları - II. Karabük Üniversitesi Yayınları. Eylül / 2020.Türkiye. Karabük 2020-yil, Sentabr. B.369-372.; Такрорий бирликлар поэтикаси. Эътиқод ва софлик овози. Академик Тўра Мирзаевнинг 85 йиллигига бағишланади. – Тошкент: "Тафаккур томчилари", 2021. – Б. 358-364.; Эркин Воҳидов шеъриятида яширин такрор ва унинг лингвопоэтик хусусиятлари //."Эркин Воҳидов ижодида инсон ва ҳаёт фалсафаси". – Тошкент: ЎзМУ, 2020. – Б. 123-125.; Муҳаммад Юсуфнинг дардли достонлари. / Эй дил... – Тошкент: Фан зиёси нашриёти, 2021. –Б. 26-30.

## Маҳбуба РАҲМОНОВА

*(1976 йил 26 ноябрь, Бухоро шаҳри)*

Ўзбек халқ афсоналарининг тадқиқотчиси Маҳбуба Равшановна Раҳмонова 1993–1998 йилларда Навоий давлат педагогика институтининг Ўзбек филологияси факультетида ўқиган. 1998–1999 йилларда Бухоро вилоятининг Пешкў туманидаги 31-ўрта мак-

табда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб иш бошлаган. 1999–2000 йилларда Бухоро вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўқитувчи, 2000–2005 йилларда ўқув бўлими методисти, 2005 йилдан буён катта ўқитувчи вазифаларида ишламоқда. 2004 йилда профессор М.Жўраев раҳбарлигида "Ўзбек халқ тарихий афсоналари (ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва таснифи)" мавзуида номзодлик, 2018 йилда "Ўзбек халқ афсоналари бадиияти" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

М.Раҳмонова ўзбек халқ афсоналарининг ўзига хос хусусиятларини ўрганган ва бу тип афсоналарни хронологик, географик, структуруал, биографик ва тематик тасниф усуллари асосида классификация қилиш илмий мезонларини ишлаб чиққан. Тарихий афсоналарнинг манбалари, шаклланиш жараёни, эпик сюжетларнинг тадрижий тараққиёти, уларда мифологик тасаввурларнинг тутган ўрни, афсоналарда сюжет, мотив ва образ масалаларини тадқиқ этган. У ўзининг докторлик диссертациясида "ўзбек халқ афсоналарининг жанрий белгилари, халқ насри тизимида тутган ўрни, бошқа эпик жанрлар билан муштарак ҳамда фарқли жиҳатлари, генезиси, поэтик тараққиёт қонуниятлари, воқелик баёнида бадиий тўқимага асосланиш тамойили, мавзу типлари, мотивлар структураси, образлар таркиби, лингвопоэтик ва композицион хусусиятларини" ўрганган.

*Ас.*: Тарихий афсоналар ва уларнинг Алишер Навоий ижодида тутган ўрни / Алишер Навоий ижоди ва маънавий тараққиёт масалалари. – Навоий. – 2001. – Б.62-64; Лақай уруғи ҳақидаги генеологик афсоналар / Адабиёт гулшани. Ўзбек адабиётшунослигига оид тадқиқотлар. 2-китоб. – Навоий, 2001. – Б.3–11 (ҳамк.); Тарихий афсоналарнинг ёзиб олиниши ва ўрганилиши // ИС. – 2001. – 4-сон. – Б.20–24 (ҳамк.); Тарихий афсоналар таснифига доир мулоҳазалар / Адабиёт гулшани. Ўзбек адабиётшунослигига оид тадқиқотлар. 2-китоб. – Навоий, 2001. – Б.21–24; Ўзбек халқ тарихий афсоналари. – Тошкент: Фан, 2001; "Бухоро тарихи"да тарихий афсоналар талқини // Халқ таълими. – 2001. – 5-сон. – Б.49-53; Лақай уруғи ҳақидаги этногенетик афсона сюжетининг мотивлар таркиби // ЎТА. – 2002. – 6-сон. – Б.36-39; Тарихий афсоналарда



хаёлий-мифологик образлар / Фольклоршунослик. Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодига доир тадқиқотлар. 1-китоб. – Навоий, 2003. – Б.94-99; Ўзбек халқ тарихий афсоналари (ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва таснифи): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Тарихий афсоналарда ҳаёт ҳақиқати ва бадиий тўқима / Миллий мафкура – буюк келажак пойдевори. – Навоий, 2004. – Б.17–18; Афсоналарда миллий ғояларнинг ўзига хос талқин топиши / Ижтимоий – гуманитар фанларни ўқитишда янги педагогик технологияларни жорий этишнинг услуб ва воситалари. – Навоий, 2004. – Б.90-91; Афсоналарда диний ғояларнинг таҳлил этишда / "Тренинг" усулидан фойдаланиш. – Навоий, 2004. – Б.31-32; Тарихий афсоналардаги мифологик персонажлар ва уларнинг бадиий вазифаларини ўрганишда / Ижтимоий – гуманитар фанларни ўқитишда янги педагогик технологияларни жорий этишнинг услуб ва воситалари. – Навоий, 2004. – Б.209 –211; Ўзбек халқ тарихий афсоналарда Хизр образи // БухДУ илмий ахбороти. – Бухоро, 2004. – 4-сон. – Б.29-32; Тарихий афсоналарда афсона ва ривоятнинг ўзаро фарқи // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2005. – 2-сон. – Б.46-48; Алишер Навоийнинг ижодида халқ афсоналарининг роли / Алишер Навоий – буюк донишманд ва мутафаккир. – Навоий, 2007. – Б.59-62; Афсоналарда маросимлар тарихининг бадиий ифодаси / Ўзбек маросим фальклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Навоий, 2007. – Б.84-86; Афсоналарда эврилиш мотиви / Филология ва услубиёт масалалари. – Тошкент, 2008. – Б.69-71; Афсоналарнинг жанрий табиатини белгилашда тил воситаларининг ўрни / Филология масалалари. – Бухоро, 2007. – Б.181–182; Ўзбек халқ афсоналарининг бадиияти. – Тошкент: Фан, 2009; Афсоналарнинг бадиий-композицион хусусиятлари // БухДУ илмий ахбороти. – Бухоро, 2009. – 3-сон. – Б.40-44; Халқ оғзаки ижодида Пири Дастгир шахсининг афсонавийлаштирилиши // БМ. – Бухоро, 2009. – 4-сон. – Б.30-39; Ўзбек халқ афсоналарида Амир Темур образининг талқини // ПМ. – Бухоро, 2009. – 4-сон. – Б.39-41; Афсоналарнинг анъанавий мотивлари // ЎТА. – 2009. – 6-сон. – Б.58-61; Ўзбек халқ афсоналарида Луқмони Ҳаким образи // БухДУ илмий ахбороти. – 2010. – №1. – Б.38-40; Халқ насрида Баҳоуддин Нақшбанд сиймосининг афсонавийлаштирилиши билан боғлиқ бадиий хусусиятлар // СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси. –2010. –

№2. (60) – Б.56-58; Features performance of uzbek national legends // Journal of Language and literature. – Baku, 2010. – №4. – Б.37-40; The personage of shepherd in uzbek nationallegends// Journal of Language and literature. – Baku, 2010. – №4. – Б.41-42; Афсоналарда тарихий воқелик талқинига хос хусусиятлар / Филология ва усилиёт масалалари. – Бухоро, 2010. – Б.130–133; Афсона ва нақл // Ёшлик. – Тошкент, 2010. – №7. – Б.20–21. 75 43; Афсоналарда тимсоллар // Бошланғич таълим. – Тошкент, 2010. – №11. – Б.24–25; Ўзбек халқ афсоналарида Нажмиддин Кубро образининг бадиий талқини // БухДУ илмий ахбороти. – 2011. – №4 (44). – Б.46-49; The expression of saints` personage in legendes // Filologiya məsələləri. – №10.– Baki, 2011. – Б.400-405; Толкование фетишистских и тотемистических образов в узбекских народных легендах // Filologiya məsələləri. – № 6. – Baki, 2012. – Б.581-586; Образы рыбака и рыбы в узбекских народных легендах / Перспективы развития современной филологии. – СПб., 2012. – С.90-93; The motive structure in legends and their connectinc ractor // International conference on European Science and Technology. – Munich (Germany), 2012. – P.178–181; Özbek halk efsanelerinde mifolojik simgeler // Güncel sanat. Kültür, sanat, edebiyat dergisi, 2011. – №5. – Б.57-58; The artistic structure of the Uzbek legends. – Korea Institute for Foreign language studies. – 2013. – №2. – P.109–118; Афсоналарда сехрли предметлар образи // БухДУ илмий ахбороти. – 2014. – №4. – Б.62-66; Афсоналарда самовий образларнинг қўлланилиши / ЎИФ. – Тошкент. – 2014. – № 3. – Б.55-57; Миф, афсона ва талқин. – Навоий, 2015; Афсоналарда шоҳлар образи // Андижон давлат университети илмий хабарномаси. – 2015. – №1. – Б.80-83; Ўзбек халқ афсоналарида шоир ва бахшилар образи // БухДУ илмий ахбороти. – 2015. – №4. – Б.66-69.

**Санъатжон САРИЕВ**

*(1977 йил 15 январь, Қўшкўпир тумани, Ўртаёп қишлоғи)*

"Гўрўғли" достонлари ўзбек ва бошқа туркий халқлар версияларининг қўлёзма нусхаларини ўрганиб келаётган Санъатжон Матчонбоевич Сариев 1999 йили Урганч давлат университетининг



Ўзбек филологияси факультетини "Филология, ўзбек тили ва адабиёти" таълим йўналиши бўйича тамомлаган. У ўз иш фаолиятини Қўшкўпир туманидаги 24-сон ўрта умумтаълим мактабида ўқитувчиликдан бошлаган. 1999–2002 йилларда Урганч давлат университети аспиранти, 2002 йилдан УрДУ "Ўзбек адабиёти" кафедрасида ассистент-ўқитувчи, ўқитувчи, 2008 йилдан университет Ахборот-ресурс маркази директори, 2011 йилдан "Ўзбек адабиёти" кафедраси мудири, 2015 йилдан ҳозирги кунгача "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси доценти лавозимларида ишлаб келмоқда. 2007 йилда "Хоразм "Гўрўғли" достонларининг қўлёзма вариантлари" мавзусида номзодлик, 2019 йилда "Гўрўғли" достонлари оғзаки ва қўлёзма нусхаларини қиёсий ўрганиш" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 2015 йилда доцент унвонига тасдиқланган.

С.Сариев "Гўрўғли" достонларининг ўзбек ва бошқа туркий версияларининг қўлёзма ва тошбосма нусхаларини излаб топиш ва тўплаш, Хоразм минтақаси фольклор намуналарини тўплаш ва тарғиб қилиш ишига муносиб ҳисса қўшган. Достоннинг ЎзР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди ҳамда Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейида, шунингдек, шахсий архивларда сақланаётган қўлёзма ва тошбосма нусхалари, "Гўрўғли" эпоси туркий версияларининг Озарбайжон, Туркманистон ФА қўлёзмалар институтлари ҳамда Россия ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондларида сақланаётган қўлёзма ва тошбосмалар, шунингдек, "Ҳикояти Гўрўғли султон", "Гўрўғли султон ботасвир", "Қиссаи Гўрўғли султон" каби тошбосмаларни аниқлаб тадқиқ этган.

У фольклор намуналарини тўплаш, уларни тарғиб қилиш баробарида "Ошиқ" туркумидаги достонлардан таркиб топган "Ошиқнома" китобининг V ва VI-жилдларини нашрга тайёрлашда иштирок этган. 2013 йилда "Фольклор атамалари қисқача луғати" (ҳамк.), 2014 йилда "Фольклор амалиёти бўйича тавсиялар" (ҳамк.), академик лицейлар учун "Халқ оғзаки ижоди" ўқув-услубий қўлланмаси (ҳамк.) нашр қилинган.

***Ас.***: "Ҳикояти Гўрўғли султон" достонининг тил хусусиятлари / ХФ. Т.I. – 2000. 30-39-б.; "Ҳикояти Гўрўғли султон" досто-

нининг туркий халқлар версиялари билан алоқаси / ХФ. II-том. – 2001. 71-74-б.; "Қирқ минглар" достонининг қўлёзма нусхаси / ФИ. I-том. – 2002. с.80-82; "Гўрўғли"эпосининг қўлёзмалари тарихи / ФТТ. I-том. – 2002. 52-53 б.; "Гўрўғлининг туғилиши" достонининг қўлёзма нусхаси / ФИ. III-том. – 2002. с.103–104; "Гўрўғли" эпосининг мукаммал қўлёзма нусхаси / ХФ. IV-том. – 2003. 18–20 б.; Қўлёзма достонларда жонлантиришнинг ўзига хослиги / ХФ.V-том. – 2003. 33-35-б.; Қўлёзма достонлар бадииятида синонимларнинг роли / ФИ. IV-том. – 2002. с.81-82; "Гўрўғли" эпосининг тошбосма нусхалари / ФИ. IV-том. – 2002. 50-51б.; "Гўрўғли" эпосининг қўлёзма ва тошбосма варинтларида сажъ / ФИ. V-том. – 2003. Б. 78-82; "Гўрўғли" эпосининг қўлёзма вариантлари тилидаги параллелизмлар / ФИ. VI-том. – 2003. Б. 68-70; "Гўрўғли" эпосининг қўлёзма нусхалари таркибидаги аруз вазнига алоқадор жанрлар // Мозийга муҳаббат. – Урганч, 2003. 22–24 б.; "Гўрўғли" достонларида инверсия // Жонкуяр олим, ташкилотчи ва мураббий. – Урганч, 2004. 47-48 б.; "Гўрўғли" достонларида антитеза / ХФ. VI-том. – 2004. 15–17 б.; "Гўрўғли" достонларида риторик сўроқлар / ФИ. VII-том. – 2004. с. 25–26; "Гўрўғли" эпоси қўлёзма нусхаларининг лексик хусусиятлари / ФИ. VIII-том. – 2004. – Б. 65-66; "Гўрўғли" эпосининг қўлёзма нусхаларидаги фонетик воситалар / ФИ. IX-том. – 2004. – Б. 37-39; "Гўрўғли" эпосининг қўлёзма нусхаларига доир айрим қайдлар / ФИ. XI-том. – 2006. – с. 30-32; "Гўрўғли" эпоси қўлёзма нусхаларининг қадимий илдизлари. ФИ. XIII-том. – 2006. – Б. 32-34; Халқ китоблари ва "Гўрўғли" эпосининг қўлёзма нусхалари / ХФ. VIII-том. – 2006. – Б.39-45. Рукописные и литографические экземпляры дастана "Хирмандали"; // Вестник ККФ АН РУз. – 2002. № 5-6. – Б.128–129; "Гўрўғли" эпосининг қўлёзма вариантларида рамзлар // ТАТ. – 2003. №4. – Б.51-53; "Гўрўғли" эпосининг қўлёзма ва тошбосма вариантларида муболағанинг ўзига хослиги // ТАТ. – 2004. №3. – Б.60-62; "Гўрўғли" эпосининг қўлёзма нусхасидаги "Аваз моҳитобон", "Гўрўғлибек ва Мустафобек" достонлари ҳақида // ИС. – 2006. №2. – Б.52-56; "Гўрўғли" достонларининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари // ЎТА. – 2006. №1. – Б.66-69 ; "Бозиргон"достонининг қўлёзма нусхалари ҳақида // АДМ. – 2007. №9. Б.86-89; "Ошиқ Маҳмуд" достони / ХФ. XI-том. – 2009. – Б.49-51; Топишмоқли шеърлар



ҳақида / ХФ XII-том. – 2012. – Б.49-50; Мусиқа ва санъат мактабларида Хоразм достонларининг матнлари ва мусиқаларини ўргатиш // ИС. – 2012. №5. – Б.80-85; История формирования письменных вариантов поэмы "Гуругли" / Материалы XXVIII Международной научно-практической конференции. Ч.II. – Горловка, 2012. – С.94-96; Қаҳрамонлик эposларининг дунё халқлари тафаккурининг тараққиётида ва фольклор алоқаларидаги ўрни // ИС. – 2013. – №1. – Б.50-58. (ҳамк.); "Гўрўғли" достонларининг қўлёзма нусхаларида аруз // ИС. – 2013. №2. – 43-46; Лингвопоэтические особенности рукописные экземпляров эпоса "Туруглы". Филология масалалари. – 2013. №3. – Б.296-306; Manuscript and oral variants of epos' "Gurugli" // Institute for Foreign Language Studies. Busan, 2013. №2. – s.47–56; Musiqa va san'at kollejlarida Xorazm dostonlarini o`rgatish // Xalq ta'limi. – 2013, – 62-65; "Маликаи Зарнигор" достонининг қўлёзмаси ҳақида / ТЗ.XXVIII-том. 9–11б.; "Рукописные экземпляры дастана "Гороглы" и эпический репертуар бахши / Қорақалпоқ бахшилари мактабларининг бугунги муаммолари. – Нукус, 2013. – Б.36-38; Шимолий Хоразм – Манғит достончилик мактаби ва Ғарибниёз бахшининг ижоди / Қорақалпоқ бахшилари мактабларининг бугунги муаммолари. – Нукус, 2013. – Б.99–102; Роль и значение героического эпоса в развитии мышления народов мира (на основе Якутского эпоса Олонхо и узбекского народного эпоса "Гороглы") / Якутский героический эпос Олонхо – шедевр устного и нематериального наследия человечества в контексте эпосов народов мира. – Якутск, 2013; Хоразм "Гўрўғли" достонларининг кулёзма нусхалари. – Тошкент: Муҳаррир, 2013; Махтумқули шеърияти ва "Гўрўғли" достонларининг қўлёзма нусхалари / Бадиий тафаккур ва адабий жараён. №14. – Тошкент, 2014. – 10–15; "Гўрўғли" эпоси қўлёзма нусхаларини ўрганишнинг соғлом авлодни тарбиялашдаги тарбиявий-маърифий аҳамияти / Хоразм Маъмун академияси ва Ибн Сино издошлари. – Хива, 2014. 70-72 (ҳамк.); Хоразм достончилик анъанасининг тарихи ва бугуни // Номоддий маданий мерос ва этномаданий қадриятлар. – Тошкент, 2014. – Б.164–169 б.; Ўлкашунос А.Самойлович Туркистон қўғирчоқ театри ҳақида / Театр санъатида драматургия муаммолари. – Нукус, 2014. – 43-46; А.Самойловичнинг Хива хонлигига сафари пайтида тўплаган мероси / Театр санъатида драматургия муаммолари. – Нукус, 2014.

– 46-49; Хоразм халқ ўйинларининг шаклланиши ва ривожланиши / Театр санъатида драматургия муаммолари. – Нукус, 2014. – 56-61; "Гўрўғли" достонларининг қўлёзма нусхалари ва драматургия / Театр санъатида драматургия муаммолари. – Нукус, 2014. – 61-65; Творчество Махтумкули и рукописные экземпляры дастанов "Гёроглы" / Махтумкули Фраги и общечеловеческие культурные ценности. – Ашгабат, 2014. 152 б.; Халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт / ТЗ. – 2014. – Б.17–21 (ҳамк.); Ёшнома (таржимаи ҳол) жанрининг қадимий илдизлари / ТЗ. XXX-том. – 2014. – 30-36 (ҳамк.); Lurics makhtumkuli and greativity of uzbek folk bahshi (bards) // ИС. – 2014. №8. Б.51-57 (ҳамк.); Жаҳон халқлари эпосларидаги типологик муштараклик ва мотивлараро ўхшашликлар // ИС. – 2014. №7. – 47-57 (ҳамк.); Handwritten and litographic versions of "Gerogly cycle" // Popular scientific journal. the founder – national institute of manuscripts of the sciences of Turkmenistan. – Ashgabat, 2014. №2. – 77-89; Лирика Махтимкули и репертуар узбекский народный бахши // "Sci-article" даврий электрон журнали. – 2014. октябрь. Б.45-57; Гўрўғли достонлари турк версиясининг 1885 йилдаги литографик нашри баёни // Қорақалпоқ давлат университети ахборотномаси. – 2017. – №2-сон. – Б.168–171; Халқ достонларидаги бирламчи вариант масаласи // Ilm ham jamiyet. – 2017. №1-сон. – Б.27–28; Халқ достонларининг китобат вариантлари хусусида // Вестник ККФ АН РУз. – 2017. – Б.112–116; Ҳамза ва халк ижодиёти / ТЗ. – 2017. 39-том. – Б.66-68; "Гўрўғли" достонлари қорақалпоқ версиясининг қўлёзма нусхалари / ТЗ. 49-том. – 2018. – Б.76-78; "Xoldorxon" dostonining qo`lyozma nusxasi // СамДУ илмий axborotnoma. – 2018. №6. – Б.83-88; "Нурали" достонининг қўлёзма нусхаси // ЎТА. – 2018, – Б.45-56; "Гўрўғли" эпосининг туркман қўлёзма нусхалари // ТАТ. – 2018. – 11-сон. – Б.30-34; Хоразм достончилик анъаналари тарихидан / Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни. – Термиз, Б.78-81 (ҳамк.); Go`ro`g`li dostonlarining uyg`ur versiyasi // ТАТ. – 4-son. Toshkent–2019. – Б.25–28; "Гўрўғли" достонлари оғзаки вариантлари ва қўлёзма нусхаларининг ўрганилиш тарихи // ИС. – 2020. 1-сон. – Б.51-58; "Қиссахонлик анъанаси, "Гўрўғли" достонларининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари // Вестник ККФ АН РУз. – 2020. 1-сон. Б.152–157.



## Ойгул АХМЕДОВА

*(1977 йил 25 декабрь, Тошкент шаҳри)*

Ўзбек фольклорининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини тадқиқ этган Ойгул Махаматалиевна Ахмедова 1991 йилда Тошкент шаҳридаги 236-сон умутаълим мактабини, 1994 йилда Тошкент шаҳар хотин қизлар коллежини, 1999 йилда ЎзМУ журналистика факультетининг бакалавриати, 2001 йилда шу университет магистратурасини, 2004 йилда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасини тамомлаган. 2002–2011 йилгача Тошкент давлат маданият институти "Халқ ижодиёти" кафедраси ўқитувчиси, 2012 йилдан буён Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида фаолият юритган. У 2012–2015 йилларда магистратура бўлими бошлиғи, 2015 йилда "Халқ ижодиёти ва анъанавий қўшиқчилик" кафедраси доцент в.б. ҳамда 2016–2020 йилларда янги ташкил этилган "Фольклор ва этнография" кафедраси мудири, 2020 йилдан "Халқ ижодиёти" факультети декани лавозимида ишлаган. 2011 йилда "Ўзбек фольклорининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ва талқини тамойиллари" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

О.Ахмедова ўзбек фольклорининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масаласини ўрганиб, халқ донолигининг ҳаётий ва эстетик эҳтиёжлари муҳитида шаклланиш ва даврлар оша яшариб, янгиланиб бориш қонуниятларини тадқиқ этган. У номоддий маданий меросни илмий тадқиқ қилиш, жумладан, олий таълимнинг ижтимоий-гуманитар фанлари негзига номоддий маданий мероснинг табиат ва коинотга оид билим-кўникмаларини сингдириш билан шуғулланади. "Ўзбек фольклори" номли мултемедиали электрон дарслик яратиш устида изланиш олиб бормоқда. "Ўзбекистон номоддий маданий мероси", "Фольклор асарларини саҳналаштириш", "Ўзбек маросим-удумларининг этноҳудудий хусусиятлари" фанларидан ўқув қўлланмалар тайёрлаган.

***Ас:*** Фольклор телеталқинлари – таълим ва тарбия хизматида // МТ. – 2001. – №2-3-4. – Б.42-46; Телевидение ва ижодкор // САУ. – 2001. – №5. – Б.30-36; Болалар ижодкорлигини қўллаб ва йўллаб... // САУ. – 2004. – №9. – Б.14–21; Халқ донолиги – матбуот кўзгусида

// БТ. – 2006. – №6. – Б.29; Уйғун фикрлар тимсоли: фольклор ва журналистика жанрларининг қиёсий таҳлили ҳақида // Ўзбекистон матбуоти. – 2010. – №3. – Б.74-75; Освещение фольклорных религиозных мотивов в средствах массовой информации (на примере печати и радиовещания Узбекистана) // ФН. – 2010. – №3 (7). – С.35-38; Фольклордаги диний мотивларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши // ТАТ. – 2010. – №9. – Б.3-9; Икки сандиқ рўбарў... Фольклор ва ахборот воситаларининг синкретлиги масаласига доир // САУ. – 2010. – №11. – Б.28-31; Фольклор асарларини нашр этиш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш тамойиллари // ЎТА. – 2010. – №6. – Б.77-80; Телевидение фольклорни ёритиш ва талқин қилишнинг энг замонавий синкретик воситаси сифатида // Ёш олимлар ахборотномаси. – 2011. – №1–2. – Б.76-77; Фольклор ва оммавий ахборот воситаларининг тарихан синкретлиги / Глобаллашув жараёни ва оммавий ахборот воситалари фаолияти. – Нукус, 2014; Соғлом авлод маънавиятининг шаклланишида "китобий" ва "аудиовизуал" маданиятларнинг таъсири масаласига бир назар / Халқаро илмий-амалий конференция. – Тошкент, 2014. – Б.17; Номоддий маданий меросни таълим тизимига тадбиқ этиш. – Тошкент: "Наврўз", 2015. – 4 б.т.; Номоддий маданий мероснинг табиат ва коинотга оид билим ва кўникмаларини ижтимоий-гуманитар фанлар негзига сингдириш. Услубий қўлланма. – Тошкент, 2015 (ҳамк.); Улуғ ой қўшиқларининг ижро усуллари ва айтимлари / Номоддий маданий мерос ва фольклор ижрочилик санъати. – Тошкент, 2016. – Б.168–173; Освещение фольклорных религиозных мотивов в средствах массовой информации / Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари. – Тошкент, 2016. – Б.206–207; Табиат-коинотга оид билим ва кўникмалар. – Тошкент: Тафаккур, 2017 (ҳамк.); Знания, обычаи и обряды о природе и вселенной немеркнущие ценности нематериального культурного наследия. / Ўзбек санъати ва маданияти таълимининг долзарб муаммолари. 4 қисм. – Тошкент, 2017. – Б.96–103; Табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар – номоддий маданий мерос замиридаги безавол ва бардовом қадриятлар сифатида // ФМ. – 2017. – 4-сон. – Б.156–162; Табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар // Нақшбандия. – 2017. – №2. – Б.24–27; Фольклор асарларини саҳналаштириш.



Услубий қўлланма. – Тошкент, 2018; Ёшларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантиришда халқ оғзаки ижодининг ўрни // Туркология. – 2018. – №6. – Б.69-75; Фольклорнинг оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб этилиши ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни / Фольклор тил, ва маданият масалаларини илмий ўрганишда фан ва инновациялар уйғунлиги. – Тошкент: Наврўз, 2019. – Б.75-78; Фольклор намуналаридаги бадиий деталлар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни / Буюк ипак йўлида фольклор санъатининг ривожланиш жараёнлари. – Фарғона, 2019. – Б.190–193; Фольклор санъатини илмий ўрганишда фан ва инновация уйғунлиги // ЎзДСМИ хабарлари. – 2019. – №1 (9). – Б.95; Ўзбекистон номоддий маданий мероси. Ўқув қўлланма. – Тошкент, Nodirabegim, 2020; Ўзбек фольклори ахборот воситаларида. – Тошкент, Nodirabegim. 2020; Ўзбек маросим-удумларининг этноҳудудий хусусиятлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2020.

**Шоира РАХИМОВА**

*(1977 йил 27 декабрь, Урганч шаҳри)*

Рахимова Шоира Атабековна 1984–1994 йилларда Сурхондарё вилояти Термиз шахридаги 15-сон ўрта мактабда таҳсил олган. 1994 йилда Термиз давлат университетининг Чет тиллар факультети Инглиз тили йўналишига ўқишга кириб, 1999 йил Урганч давлат университетининг Жаҳон тиллари факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. 1999–2001 йилларда Урганч шаҳар 2-сонли ўрта мактаб ўқитувчиси, 2001–2013 йилларда Урганч шаҳар 24-сонли ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 2013 йилдан ҳозирги кунга қадар Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали "Инглиз тили" кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ўз фаолиятини давом эттирмоқда. 2020 йилда "Давлатёрбек" достонининг тарихий асослари, типологияси ва поэтикаси" мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилган.

У Оролбўйи минтақасида истиқомат қилувчи туркий халқлар орасида кенг оммалашган "Давлатёрбек" достонининг шаклланиш тарихи, сюжет тузилиши ва етакчи мотивлар тизимининг генезиси,

унинг қиссахонлар репертуаридан жой олиш тамойиллари, ўзбек, қорақалпоқ ва туркман версияларининг ўзига хос хусусиятлари, достон бадиияти ва лингвопоэтик табиатини тадқиқ этган.

*Ас.*: "Давлатёрбек" достонида эпик от образи / ТЗ. T.XLII. – Тошкент, 2017. – Б.28-30; "Давлатёрбек" достонида ўхшатиш ва сифатлашлар / ТЗ. T.XLII. – Урганч, 2017. – Б.36-39; Давлатёрбек достони хакида // ИС. – Урганч, 2017. – №7. – Б.79-83; "Давлатёрбек" достонининг тарихий асослари // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. – Хива, 2017. – 3 сон. – Б.81-84; "Давлатёрбек" достонида муболаға ва сажъ санъати // ИС. – Урганч, 2020. – №5. – Б.70-72; "Давлатёрбек" достонида маънодош ва шаклдош сўзлар / ТЗ. T.XLVII. – Урганч, 2018. – Б.66-68; Роль народных дастанов в развитии фольклора // Вопросы науки и образования. – М., 2019. – №5(50). – Б.150–153; "Давлатёрбек" достони (нашрга тайёрловчи) / "Ошиқнома". Хоразм достонлари. 7-китоб. – Урганч, 2019. – Б.12–128 (ҳамк.); "Давлатёрбек" достонининг қорақалпоқ версиясидаги "Ёшнома" хусусида / "Қарақалпақ фольклори" илмий-амалий конференцияси материаллари. – Нукус, 2019. – Б.43-45; "Давлатёрбек" достонида "Ёшнома"жанри / "Изланиш самаралари". №5. – Тошкент, 2019. – Б.228–232; Ўзбек фольклорида "Ёшнома" жанри / Таълим тизимида чет тилларни ўрганишнинг замонавий муаммолари ва истиқболлари. – Бухоро, 2020. – Б.430-433; "Давлатёрбек"достонида афоризм ва мақолларнинг тутган ўрни / Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар. 8-қисм. – Тошкент, 2020. – Б.252–254; Linguo-poetic analyses of the epic "Davlatyarbek" / Journal INX-A Multidisciplinary peer reviewed journal, Novateur publications, Pune, Maharashtra, India ISSN:2581-4230 August 8, 2020 Б.65-67; Локальные свойства в художественности дастана "Давлатёрбек" / Интернаука. – М., 2020. – №34(163). – С. 34-36. "Давлатёрбек" достони туркман версияси бадииятининг типологик хусусиятлари // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. – Хива, 2020. – №1/2. – Б.117–121; "Давлатёрбек" достонининг ўзбек версияси // ТАТ. – Тошкент, 2020. – №4. – Б.35-36; Contrast and gradation method in the epos "Davlatyorbek" // International Journal of Anglisticum. Literature, Linguistics And Interdisciplinary Studies. Vol.9. Issue: 4. – Macedonia, 2020. – P.45-52.



## Шерали ТУРҒУНОВ

*(1979 йил 23 январь, Янгиқўрғон тумани, Ёрилган қишлоғи)*

Фарғона водийси болалар фольклори тадқиқотчиси Шерали Долихонович Турғунов Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманига қарашли Ёрилган қишлоғидаги 6-ўрта мактабни тугатгач, 1997–2001 йилларда Қўқон давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиган. 2001–2003 йилларда Янгиқўрғон туманидаги 5- ва 6-ўрта мактабларда ёш авлодга она тили ва адабиёт фанларидан дарс берган. 2003–2005 йилларда Наманган давлат университетида адабиётшунослик йўналиши бўйича магистратура бўлимида таҳсил олган. 2005–2011 йилларда НамДУ қошидаги 2-академик лицейда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 2011–2013 йилларда Андижон давлат университетида стажёр-тадқиқотчи-изланувчи, 2013–2018 йилларда НамДУ қошидаги 2-академик лицейда "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси мудири, 2018 йилдан Наманган давлат университети академик лицейида ўқитувчи сифатида фаолият юритиб келмоқда. 2019 йилда "Наманган болалар фольклорининг жанрлар таркиби ва локал хусусиятлари" мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилган.

Ш.Турғунов педагогик ва илмий фаолиятни параллел равишда олиб борган амалиётчи мутахассис ҳисобланади. Академик лицейда ўқувчиларга "Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди" фанидан сабоқ берар экан, фанга бўлган муҳаббати боис Наманган вилояти, қолаверса, бутун Фарғона водийси бўйлаб бир неча марта фольклор экспедициясини уюштирди. Бунинг натижаси ўлароқ водий халқи туганмас, бой оғзаки ижодининг гўзал намуналарини ёзиб олишга муваффақ бўлди. Айниқса, ўзбек фольклоршунослиги хазинасида ўзининг беғубор қиёфаси, ширин тили, бетакрор поэтик жозибаси билан алоҳида ажралиб турувчи болалар фольклорига қизиқиши ўзгача бўлди. Шу сабабли илмий сафарларда болалар фольклори намуналари: ўйин, санама, қўшиқ, топишмоқ, тез айтиш, чандиш, тегишмачоқ, алла, эркалама, овутмачоқ, гулдур-гуп, ҳавзак, болалар эртаклари, болалар латифалари сингари жанрларига доир материалларни тўплашда алоҳида ғайрат қилди.

Ўзининг ўзбек болалар фольклори жанрларининг табиати, поэтик хусусиятларини таҳлил этишга оид ўзига хос илмий қарашларга бой бўлган мақолаларида Фарғона водийси болалар мавсумий ўйинлари ва улар билан боғлиқ айтимларнинг жанр хоссаларини ёритди. Шунингдек, болалар фольклори жанрларининг ҳозирги ҳолати ва жонли ижро шаклини ўрганиш асносида замонга мослаб янгидан ижод қилинган болалар фольклорининг бир қатор жанрларини аниқлаб, болалар фольклори соҳасида илк марта постфольклор ҳодисаси ҳақида илмий қарашларни баён этган.

Наманган болалар фольклорини ўрганишга астойдил бел боғлаган Ш.Турғунов ушбу ҳудуд болалар фольклори жанрларининг ижро ўрни, усули, вақти, жанрлар таркиби ва унинг бугунги аҳволи, бадиияти каби жиҳатларига доир кузатишларни олиб бориш билан бирга Наманган болалар фольклорининг локал хусусиятларини ҳам ўрганди. Унинг Наманган болалар фольклорига доир мақолаларида турли асосдаги локал хусусиятларни ўзида мужассам этган болалар фольклори намуналарининг катталар ва болалар томонидан яратилиш жараёни, маънавий-руҳий эҳтиёжи, жанрлар таркибининг ўзига хос жиҳатлари, тарихий-генетик асослари, мавсумий-маросим қўшиқлари ва уларнинг структурал-семантик хусусиятлари, поэтик жиҳатлари каби фольклоршунослик учун долзарб бўлган масалалар таҳлил ва тадқиқ қилинган. Бу тадқиқотларда ўзбек болалар фольклорини регионал тадқиқ этиш, ареал фольклоршунослик нуқтаи назаридан баҳолаш ҳамда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос локал хусусиятларини аниқлаштиришдек ўз ечимини кутаётган илмий муаммоларга бир қадар чуқурроқ ёндашилган.

*Ас.*: Болалар фольклорида аллитерация / Изланиш (тўплам). – Тошкент, 2008. – №2. – Б.112–113; Болалар фольклори жанрларининг ҳозирги ҳолати ва жонли ижро шакли / Ўзбек фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Наманган, 2010. – Б.128–131; Санамаларнинг айрим хусусиятларига доир // ЎТА. – 2011. – №6. – Б.85-88; О Ферганском варианте игры “Падишах и визирь” / Актуальные научные исследования. Ч.1. – Горловка, 2013. – С.82-85; “Оғиш” ўйнанг, оғишмай // Эртакчи-репетитор. – 2012. – №2



(114). – Б.7; Фарғона водийси болаларининг мавсумий ўйинлари // ЎТА. – 2016. – №1. – Б.112–116; Фарғона водийси болаларининг мавсумий ўйинлари // ЎТА. – 2016. – №1. – Б.112–116; Наманган болалар ўйинларининг иштирокчилар жинсига кўра таснифи ва локал хусусиятлари / Тенденции и перспективы развития науки и образования в условиях глобализации. – Переяслав-Хмельницкий, 2018. – Вып.38. – С.196–198; Genre changes (undergarments) and its poetic features in the Namangan children’s folklore // International Scientifik Journal Theoretikal & Applied Science. – Philadelphiya, – №7 (63). 2018. – P.52-57; Наманган аллаларининг локал хусусиятлари ва бадиияти / Бадиий матннинг адабий-лисоний тадқиқи. – Наманган, 2019. – Б. 85-90; About areal properties Namangan folk song’s // International Scientifik Journal Theoretikal & Applied Science – Philadelphiya, 2019. – №5 (73). – P.24–29; “Қувлашмачоқ” ва “Бекинмачоқ” ўйинлари санамаларининг ўзига хослиги / Фольклор фани фидойиси. – Андижон, 2019. – Б.112–119; Ўзбек болалар фольклорининг ўрганилиши тарихи // Таълим ва тарбия. – Наманган, 2019. – №1. – Б.41-44; Наманган болалар фольклорида “апанди” // Насриддин афандининг дунё кулги маданиятидаги ўрни. Бухоро, 2019. – Б. 77-80; Эркаламаларнинг Наманган вариантларига доир // ЎТА. – 2019. – №2. – Б.60-64; Овутмачоқларнинг наманганча локал вариантларининг спецификаси ва поэтикаси // BuxДУ ilmiy axboroti. – Buxoro, 2019. – №1 (73). – Б.58-61 (ҳамк.); Наманган болалар фольклорида доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлари // FarDU. Ilmiy xabarlar. – Farg‘ona, 2019. – №2. – Б. 92–95; Болаларга айтиладиган айтим-олқишларнинг Наманган вариантлари / Фан ва таълим-тарбиянинг долзарб масалалари. – Нукус, 2019. 2-бўлим. – Б.39-41; Наманган болалар фольклорининг жанрлар таркиби ва локал хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. автореф. – Тошкент, 2019.

**Венера АТАХАНОВА**

*(1979 йил 29 май, Хоразм вилояти, Урганч тумани)*

Венера Раджаповна Атаханова 1985–1995 йилларда Урганч туманидаги 19-ўрта мактабда таҳсил олган. 1996 йил Урганч давлат университетининг Филология факультети Ўзбек тили ва адабиёти йўналишига ўқишга кириб, 2000 йилда мазкур олийгоҳни тугатган. 2000–2003 йилларда Урганч туманидаги 19-сонли ўрта мактабда ўқитувчи, 2003–2005 йилларда саноат касб-ҳунар коллежида ўқитувчи бўлиб ишлаган ҳамда 2005–2007 йилларда Урганч давлат университетининг Адабиётшунослик йўналиши бўйича магистратурани тугатган. 2008–2011 йилларда Урганч давлат университети аспирантурасида таҳсил олган. 2011–2018 йилларда Урганч тиббиёт коллежи ўқитувчиси ва "Тиллар" кафедрасида кафедра мудири лавозимида ишлаган. 2019 йилдан ҳозирги кунга қадар Урганч давлат университети "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедрасида ўқитувчи бўлиб ўз фаолиятини давом эттирмоқда. 2020 йилда филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун "Китоби Дадам Қўрқут"даги айрим мотив ва сюжетларнинг Хоразм достонларида қайта ишланиш тамойиллари" мавзусидаги диссертация ишини ҳимоя қилган.

У туркий ўғуз ёдномаси бўлган "Китоби дадам Қўрқут" асаридаги айрим мотив ва сюжетларнинг Хоразм достонларига бўлган муносабати, уларнинг қайта ишланиш тамойиллари ҳамда эволюцияси, образлардаги умумийлик ва алоҳидаликлар, достонлардаги бахши услуби, оғзаки ва ёзма нутқдаги анъаналарни қиёсий ўрганган. Ўғуз эпосининг ёзувга олиниши анъаналари тарихига мурожаат қилган ҳолда мазкур анъананинг Хоразм эпик асарларидаги ривожланиш тамойилларини ёритган.

***Ас.***: Достонларда наср ва назм муносабати / ФИ. Т.XIII. – Урганч, 2006. – Б.66-67; Хоразм достонларида назмнинг финал шаклида берилиши / ФИ. Т.XIV. – Урганч, 2007. – Б.88-90; Назмдаги бадиий бўёқдорликни таъминлашда турли ресурсларга мурожаат қилиш / ФИ. Т.XV. – Урганч, 2007. – Б.64-67; "Китоби дадам Қўрқут" ва Хоразм достонларидаги айрим мотивлар / ХФ. Т.IX. – Урганч, 2008. – Б.19–21; "Китоби дадам Қўрқут" асарининг ўзбек фольклоршунослигида ўрганилиши / ХФ. Т.Х. – Урганч, 2008. – Б.30-33; "Китоби дадам Қўрқут" ва Хоразм достонларидаги образлар // ИС. – Урганч, 2008. – 3-сон. – Б.50-52; Эпик қаҳрамонни ўзга элдаги гўзал томонидан қутқарилиши мотиви // ИС. – Урганч, 2008. – 4-сон. – Б.71-72; "Китоби дадам Қўрқут" ва Хоразм достонларидаги айрим мотивлар // ИС. – Урганч, 2008. – 4-сон. – Б.74-76; "Китоби дадам Қўрқут" асарида тасодифий учрашув мотиви / ТЗ. Т.XX. – Урганч, 2009. – Б.42-43; Архаические мотивы в "Книге моего деда Коркуда" // Вестник ККОАНРУ. – Нукус, 2009. – №1 (214). – С.79-81; "Китоби дадам Қўрқут"да сархуш бўлиб асир тушиш мотивининг ишланиши / ТЗ. Т.XXII. – Урганч, 2010. – Б.8–10; "Китоби дадам Қўрқут"даги мақол ва ҳикматли сўзлар / ХФ. Т.XI. – Урганч, 2010. – Б.25–29; "Книга моего деда Коркуда" и хорезмский эпос // Filologiya məsələləri. – Бакы, 2011. – №4. – Б.353-358; "Китоби дадам Қўрқут"нинг ўрганилиш тарихидан // ЎТА. – Тошкент, 2012. – 3-сон. – Б.50-54; Хоразм достонлари бадиятининг "Китоби дадам Қўрқут" эпосдаги анъаналари билан алоқаси / ТЗ. Т.XXVII. – Урганч, 2012. – Б.19–21; "Китоби дадам Қўрқут"да ишлатилган ҳошиявий формулалар ҳақида / ХФ. Т.XII. – Урганч, 2012. – Б.34-36; "Китоби дадам Қўрқут" нинг янги таржимаси ҳақида / ТЗ. Т.XXIX. – Урганч, 2014. – Б.3-5; "Книга моего деда Коркута" и хорезмский эпос / "Türk xalqlari ədəbiyyati: mənşəyi, inkişaf mərhələləri və problemləri". Beynəlxalq elmi konfransin materiallari. 1–2 dekabr 2015-ciil. – Баку, 2015. – С.98–104; "Китоби дадам Қўрқут"да эпитет / ЎФМ. V китоб. – Тошкент, 2015. – Б.135–140; О новом переводе "Книги моего деда Коркуда" / Traditional and modern culture: History, actual ituation, prospects Materials of the IX international scientific conference. – Prague, 2019. – P.19–22; Абулғозий Баҳодирхон Қўрқут ота ҳақида / "Китоби дадам Қўрқут" (С.Р.Рўзимбоев таржимаси. Нашрга тайёрловчилар: М.Пирназарова, Н.Собирова). – Урганч: УрДУ нашриёти, 2019. – Б.123–127 (ҳамк.); Xalq ijodidan bahra olib... / "Ogahiy – shoir, muarrix, tarjimon" mavzusida resublika miqyosida o`tkazilgan ilmiy-nazariy anjuman materiallari. Urganch, 16–17-dekabr, 2019-yil. – Урганч, 2019. – Б.163–165; "Китоби дадам Қўрқут" асаридаги умумтуркий мотивлар / "Изланиш самаралари". №5. Республика ёш тилшунослар, адабиётшунослар ва фольклоршуносларнинг илмий-назарий анжумани. – Тошкент,

2019; Исследование эпоса “Книга моего деда Коркута” русскими учеными-востоковедами / X Международная тюркологическая конференция “Тюркский мир: язык, литература, история и религия” 17–18 апреля 2020 г. kpfu.ru/elabuga.

## Зилола ЭШАНОВА

*(1979 йил 11 декабрь, Қўрғонтепа тумани, Деҳқончек қишлоғи)*

Ўзбек халқ достонлари ва ундаги мифологик образлар талқинини ўрганишга доир тадқиқотлари билан фольклоршунослик фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Зилола Қўчқаровна Эшанова 1996–2000 йилларда Андижон давлат университетининг филология факультетида ўқиган ва имтиёзли диплом билан бакалавр даражасига эга бўлган. 2000–2001 йилларда Қўрғонтепа туманидаги 17-умумтаълим мактабида ҳамда Қорасув шаҳридаги 19-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 2001–2003 йилларда ЎзМУ Ўзбек филологияси факультетининг “Адабий матншунослик ва манбашунослик” магистратураси йўналишида ўқиган ва “Алишер Навоий муножотларининг матний тадқиқи” мавзусидаги магистрлик диссертациясини ёқлаб, магистр илмий даражасига эга бўлган. 2004–2007 йилларда ЎзМУ “Ўзбек мумтоз адабиёти” кафедрасида аспирант сифатида фаолият олиб борган. 2007 йилдан Андижон давлат университетида илмий-педагогик фаолиятини бошлаб, “Ўзбек адабиёти” кафедрасида лаборант, сўнг профессор-ўқитувчи сифатида ишлаган. Ҳозирги кунда “Ўзбек адабиётшунослиги” кафедраси доценти сифатида фаолият олиб бормоқда. 2018 йилда филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун “Ўзбек халқ достонларида тоғ образи: генезиси ва бадиий талқинлари” мавзусидаги диссертациясини ёқлаган.

З.Эшонова ўзбек халқ достонларидаги мифологик образларнинг бадиий талқинлари ва поэтик вазифалари, тоғ образининг мифологик талқини, эпик формулаларда тоғ образи ва унинг семантик кўлами, халқ достонларидаги тоғ образининг тарихий-генетик асослари ва достон композициясидаги поэтик вазифаларини ўрганган.



Зилола Эшанова Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси қошидаги фольклор экспедициялари таркибида Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида бир неча бор илмий сафарларда бўлиб, қўшиқ, алла, ёр-ёр, афсона каби фольклор жанрларига доир материаллар тўплади. Экспедиция жараёнларида халқ қўшиқлари, алла, ёр-ёр жанрлари, уларнинг Фарғона водийсига хос вариантлари ва ижро этилиш усулларига оид кузатишлар олиб борди. У профессор С.Мирзаева билан биргаликда “Осмондаги юлдузим, алла” (2014), “Чаманда гул очилибди” (2017) тўпламларини нашрдан чиқарган.

*Ас.*: Асқартоғ образининг мифологик талқинига доир // Илмий хабарнома. – Андижон, 2014. – №2. – Б.67-70; Асқар тоғ образининг бадиий талқини / Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил масалалари. – Тошкент, 2014. – Б.315-319; Барқарор эпик формулаларда тоғ образи / Ўзбек ва Шарқ халқлари адабиётида эпик анъана: миллий талқин масалалари. – Тошкент, 2014. – Б.235–241.; Осмондаги юлдузим, алла. Нашрга тайёрловчилар: С.Мирзаева, З.Эшанова. – Андижон: Step by step, 2015 – 6,75 б.т.; Тоғ образининг қиёсий-типологик тадқиқи / Шарқ халқлари адабиёти жанрлар типологияси. – Тошкент, 2015. – Б.230–236.; Ўзбек фольклорида тоғ ва дарахт образларининг семантик алоқаси / Филологиянинг долзарб масалалари. – Фарғона, 2015. – Б.43-46.; Тоғ культининг структур-семантик моделлари / Зулфия ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. – Андижон, 2015. – Б.102–104.; Ўзбек фольклорида тоғ образининг мифологик макон сифатидаги семантик типлари / Адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари. – Фарғона, 2015. – Б.124–127.; Ўзбек халқ достонларида Бало тоғи образининг бадиий талқини // Илмий хабарнома. – Андижон. 2016, – № 4. – Б.73-76; Ўзбек халқ достонларида тоғ образи ва унинг бадиий талқинлари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2016. – №1/6. – Б.350-353; Барқарор эпик формулаларда тоғ образи ва унинг семантик кўлами. // Халқ таълими. – Тошкент. 2016. – №6. – Б.83-88; Художественные трактовки образа горы Аскар // Chronos . – М., 2016 . – С.54-58; Ўзбек халқ достонларидаги тоғ ва ғор образларининг мифологик талқинлари / Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. – Наманган, 2016. – Б.199–202.;

Анъана ва маросимлар ижросида халқ достонларининг ўрни / Номоддий маданий мерос ва фольклор ижрочилик санъати. – Тошкент, 2016. – Б.181–185.; Синов-инициация мотиви ва тоғ образи / Актуальные проблемы филологии. – Андижан, 2016. – С.218–221; Ўзбек халқ достонларида тоғ образи / Замонавий тилшунослик ва адабиётшуносликнинг долзарб масалалари. – Фарғона, 2016. – Б.89-91; Ўзбек халқ достонларида тоғ образи: бадиий талқинлари ва поэтик вазифалари // ЎТА. – 2017. – №1. – Б.87-93; The image of Asqartog' and the motif of initiation // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. – Philadelphiya, 2017. – №10 (54). – P.32-37; Чаманда гул очилибди. Фарғона водийси халқ қўшиқлари. Нашрга тайёрловчилар: С.Мирзаева, З.Эшанова, Г.Расулова. – Андижон, 2017. – 5,65 б.т.; "Murodxon" dostonining badiiyati. Тайёрловчилар: С.Мирзаева, З.Эшанова, М.Темирова, М.Алиева. Мультимедияли электрон қўлланма. – Андижон, 2017; Болқасрат тоғининг бадиий талқинлари / Тенденции и перспективы развития науки и образования в условиях глобализации. – Переяслав-Хмельницский, 2017. – С.645-649; Хронотоп горы в узбекских народных дастанах / Тенденции и перспективы развития науки и образования в условиях глобализации. – Украина, 2019. – С.476-481; Халқ достонларида эпик қаҳрамон тарбияси / Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари. – Андижон, 2019. – Б.177–1794; Барқарор шеърий такрорлар – бахши импровизацияси маҳсули / Бадиий матннинг адабий-лисоний тадқиқи. 2-китоб. – Наманган, 2019. – Б.61-66; Ўрхун-энасой ёдномаларида мифологик мотивлар ва образлар талқини / Фольклор фани фидойиси.– Андижон, 2019. – Б.99–104; Interpretation of images related to epic space in Uzbek people`s romanic epics // Translation and Literture. – England, 2020. – №4. (ҳамк.); Культ горы в узбекском фольклоре: генезис и историко-эволюционное развитие / Диалектология. Этнолингвистика. Этимология. Мифология – Уфа, 2020; Ўзбек фольклорида тоғ культи: генезиси ва тарихий-тадрижий такомили / Uluslararasi Akdeniz Sempozyumu. – Туркия, 2020.



## Нодира АЛЛАМБЕРГЕНОВА

*(1980 йил 7 декабрь, Амударё тумани Қипчоқ қишлоғи)*

Ўзбек қорақалпоқ халқ қаҳрамонлик достонларини қиёсий ўрганишга доир тадқиқотлари билан ўзбек ва қорақалпоқ фольклоршунослик фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Алламбергенова Нодира Гулмурзаевна 1998–2002 йилларда Нукус давлат педагогика институтининг филология факультетида ўқиган ва уни имтиёзли диплом билан тугатган. 2002–2004 йилларда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-сонли академик лицейда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси сифатида фаолият олиб борган. 2004–2006 йилларда Тошкент давлат педагогика университети магистратурасида таҳсил олган. 2006 йилдан буён Нукус давлат педагогика институти "Ўзбек адабиёти" кафедрасида дастлаб ассистент, кейинчалик катта ўқитувчи лавозимларида фаолият юритиб келмоқда. 2019 йилда филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун "Алпомиш" достонининг ўзбек ва қорақалпоқ версиялари қиёсий типологияси" мавзусидаги диссертациясини ҳимоя қилган.

Н.Алламбергенова "Алпомиш" достонининг ўзбек ва қорақалпоқ версияларини қиёсий аспектда ўрганган. Нукус давлат педагогика институти фольклор экспедициялари таркибида бир неча бор Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятларида илмий сафарда бўлиб фольклор материалларини тўплашда иштирок этган ва талабалар учун фольклор амалиётини ташкил қилиш учун ҳаммуаллифликда услубий кўрсатмалар тайёрлаган.

***Ас.***: "Алпомиш" – маънавиятимиз кўзгуси / Ҳозирги даврда филология назарияси ва методикасининг долзарб масалалари. – Нукус, 2012. – Б.95; Алпамыс – қорақалпоқ халқининг миллий қаҳрамони / Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари. – Тошкент, 2013. – Б.70-73; Алпомиш – туркий халқларнинг миллий қаҳрамони / Литература и художественная культура тюркских нородов в контексте Восток – Запад. – Казан, 2014. – С.54-57; "Алпомиш" ва "Алпамис"нинг қиёсий таҳлили / Бадиий асарларни шарҳлаб ўрганиш: тарих, тажриба ва технология. – Тошкент, 2014. – Б.364-366; "Алпомиш"нинг қорақалпоқ вариантлари бошланмалари / Тилшунослик, адабиётшунослик ва таржима назарияси: тадқиқ

ва узлуксиз таълим технологиялари. – Нукус, 2015 – Б.147–148; “Алпомиш”нинг қорақалпоқ вариантлари: ўхшашликлар, ўзига хосликлар, бадиий талқин ва маҳорат / Жанубий Оролбўйи археологияси, этнографияси, тарихи ва тарихшунослигининг долзарб масалалари. – Нукус, 2016. – Б.164–166; “Алпомиш”да образлар тавсифи // ИҲЖ. – 2016. – №3. – Б.41-43; “Байшубар образының мифо-поэтикалық анализи” // Амударё. – 2016. – №6. – Б.108–110; “Алпомиш”нинг қорақалпоқ версиялари / Ёш тилшунос ва адабиётшуносларнинг илмий анжумани материаллари. – Тошкент, 2016. – Б.273–276; Шахс камолотида “Алпомиш” достонининг ўрни / Ўзбек филологиясининг илмий-назарий масалалари ва ўқитиш технологиялари. – Нукус, 2017. – Б.166–167; “Алпомиш” достони ва Бердақнинг “Шажара” асари / Мумтоз адабиёт ва жамиятни маънавий янгилаш масалалари. – Нукус, 2017. – Б.12; “Алпамыс” достонида ифода-тасвир воситаларининг қўлланилиши / Фан ва таълим-тарбиянинг долзарб масалалари. – Нукус, 2018. – Б.128–129; “Алпомиш” достонида дўстлик муносабатлари / ҚА. – 2018. – №6. – Б.17; “Алпомиш” достонида “дўст” ва “дўстлик” тушунчалари / Актуальные вызовы современной науки. Вып.1 (21). Ч.2. – Переяслав-Хмельницкий, 2018. – С.124–126; “Karakalpak folklore: The epos “Alpamysh” and its role in the Spiritual Life of People” // ANGLISTICUM. – 2018. – Vol.7. №6; “Алпомиш” достони ўзбек-қорақалпоқ версияларида сажъ // ЎТА. –2019. – №3. – Б.52-55; “Алпомиш” достони ўзбек-қорақалпоқ версияларида бош қаҳрамон шажараси ва “қўнғирот” этноними талқини // Илм ва жамият. – 2019. – №1. Б.54-56; Туркий халқлар фольклорида “Алпомиш” достони версия ва вариантлари // Тамаддун нури. – Беруний, 2019. – №1. – Б.52-56; “Алпомиш” достонининг қорақалпоқ вариантларида шеърий матнлар бадиияти // Республика илмий-назарий ва амалий анжуман материаллари тўплами. – Нукус, 2019. – Б.24–26.



**Нилуфар РАИМОВА**

*(1981 йил 17 февраль, Урганч шаҳри)*

Ўзига хос ижро услуби ва анъаналари билан ажралиб турувчи Хоразм достонлари шеър тузилиши масалалари бўйича изланишлар олиб борган тадқиқотчилардан бири Нилуфар Раимова Урганч давлат университетини тамомлаган, 2005–2006 йилларда УрДУ қошидаги 3-сонли академик лицей она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси сифатида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган. 2006–2007 йилларда Урганч Туризм коллежи она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 2014–2018 йилларда Урганч давлат университети 1-сон Ахборот-ресурс маркази Каталог ва комплектация қабул бўлими етакчи кутубхоначиси, 2018–2020 йилларда УрДУ маънавият-маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими услубчиси бўлиб ишлаган. Ҳозирги кунда мазкур университетнинг “Бошланғич таълим методикаси” кафедраси ўқитувчиси бўлиб ишлайди. 2020 йилда “Хоразм достонларининг поэтик тизими (банд, вазн ва қофия мисолида)” мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилган.

Нилуфар Раимова ўзига хос қадимий эпик анъаналари билан ўзбек фольклорида алоҳида йўналишни ташкил этадиган Хоразм достонларининг шеър тузилиши масаласини чуқур ўрганган. Хоразм достонларининг поэтик структурасини банд, вазн, қофия таҳлили мисолида оғзаки ва ёзма вариантлар асосида тадқиқ этиб, воҳа эпик ижодиётига хос бўлган шеърий парчаларнинг халқ достонлари композицион қурилишидаги бадиий ўрнини ёритиб берган. Натижада Ўзбек фольклоршунослигида илк бор Хоразм достонларининг поэтик структурасини яхлит бадиий тизим сифатида тадқиқ этиш натижасида воҳа анъанавий достонларининг банд тузилиши икки, тўрт, беш, олти, ўн ва ўн икки мисрадан ташкил топишига кўра Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари достончилик ижодиётидан кескин фарқ қилиши исботланган.

***Ас.***: Хоразм достонлари строфикаси / ФИ. Т.15. – 2007. – Б.117–119; Достонлар назмида радифнинг қўлланилиши / ФИ. Т.16. – 2007. – Б.62-64; Достонлар таркибидаги туюқ жанри ҳақида / ХФ. Т.IX. – 2008. – Б.12–14; Хоразм достонлари строфикасидаги бир хусуси-

ят ҳақида // ИС. – 2008. – 3-сон. – Б.48-49; Достонлар шеърияти ва мумтоз қофия // ИС. – 2009. – 2-сон. – Б.42-44; Мумтоз қофия ва шеърий санъатлар / ТЗ. Т.19. – 2009. – Б.54-56; Хоразм достонлари эпик шеърияти ҳақида / ТЗ. Т.20. – 2009. – Б.40-42; Хоразм достонларида аруз вазнининг қўлланилиши // ИС. – 2011. – 1-сон. – Б.51-54; Хоразм достонларидаги воқеабанд шеърий парчалар ҳақида // ИС. – 2011. – 7-сон. – Б.66-68; Туркий халқлар фольклоршунослигида эпик шеърият масаласининг тадқиқ қилиниши / ХФ. Т.XII. – 2012. – Б.30-32; Мумтоз адабий жанрларнинг халқ достонлари назмига таъсири / ТЗ. Т.27. – 2012. – Б.9–13; Эпик шеър тузилиши ва унинг ўрганилиши // ЎФМ. 5-китоб. – Тошкент, 2015. – Б.126–131; Достонлардаги шеърий нутқда сайёр формулаларга мурожаат қилиш // ИС. – 2015. – 9-сон. – Б.56-60; Хоразм достонларининг шеър тузилиши // ЎТА. – 2011. – 2-сон. – Б.55-59; Эпическая поэзия Хорезмских дастанов // Filologiya məsələləri // Baki, 2011. – №2. – С. 292–296; Туркий халқлар шеърияти В.М.Жирмунский талқинида / Classical and contemporary literature: continuity and prospects of updating. – Prague, 2019. – S.36-38; Изучение в узбекском литературоведении эпической поэзии / Traditional and modern culture: history, actual situation, prospects. – Prague, 2019. – S.11–13; Ўзбек фольклоршунослигида эпик шеъриятнинг ўрганилиши / Қарақалпақ фольклоры доретиўшилик тийкары. – Нокис, 2019. – Б 42-43; Хоразм достонларида ғазал ва туюқ жанри / Изланиш самаралари. №5. – Тошкент, 2019. – Б.224–228.

## Моҳичеҳра РЎЗИЕВА

*(1981 йил 26 апрель, Шофиркон тумани, Арабхона қишлоғи)*

Ўзбек халқ оғзаки ижодида ранг тимсолларини тадқиқ этиб келаётган Моҳичеҳра Ёқубовна Рўзиева Бухоро вилояти Шофиркон туманида Арабхона қишлоғидаги 15- ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатгач, 1999 йил Бухоро давлат университети ўзбек филологияси факультетига ўқишга кириб, 2003 йилда битирган. 2003–2005 йилларда БухДУ "Фольклор ва янги ўзбек адабиёти" кафедраси магистратурада, 2005–2008 йилларда БухДУ аспирантурасида таҳсил олган. 2008–2017 йилларда БухДУ "Бошланғич ва мактабгача таълим услубиёти" кафедраси ўқитувчиси, 2017–2019 йилларда доцент, 2019 йилдан ҳозиргача "Бошланғич таълим назарияси" кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда. 2017 йилда филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун "Ўзбек халқ қўшиқларида ранг символикаси" номли диссертациясини ҳимоя қилган.

Моҳичеҳра Рўзиева талабалик йилларидаёноқ Бухоро вилояти қишлоқларида бўлиб, қўшиқ, эртак, афсона, каби фольклор жанрларига доир материаллар тўплаган. Ўзбек халқ қўшиқларида рангларнинг рамзий-тимсолий моҳияти масаласини кенг кўламда тадқиқ этган. "Ўзбек фольклорида ранг символикаси" (2016) номли монографияси чоп эттирилган. У халқ ижодида рангларга эстетик муносабатнинг шаклланиш асослари ва тарихий-мифологик илдизларини очиб бериб, рангларни мифопоэтик, этнофольклористик, этнолингвистик тамойиллар асосида ўрганган. Ранг билан боғлиқ рамзийликларнинг келиб чиқиш асослари миф-маросим-фольклор тадрижий босқичларида ўрганилиб, қадимги мифологик тасаввур-тушунчалар, диний-эътиқодий қарашлар, маросим, урф-одат ва табулар билан алоқадорлигини аниқлаган. Унинг тадқиқотларида ранглар билан боғлиқ рамзлар ўзига хос бадиий-эстетик моҳият касб этиши, лирик қонуниятлари, муайян ҳаётий ва бадиий-эстетик омиллар воситасида образлантирилиши исботланган.

***Ас.***: Ўзбек халқ қўшиқларида оқ рангнинг рамзий тимсолий моҳияти / Ҳайрат ва талқин. – Тошкент, 2003. – Б.96-97; Ўзбек халқ қўшиқларида қора ранг поэтик образ сифатида / Заковат зиёси. – Тошкент, 2005.– Б.134–137;. Халқ қўшиқларида қизил рангнинг тимсолий моҳияти // ФМ. – Тошкент, 2007. – Б.189–191; Ўзбек халқ қўшиқларида сариқ ранг сифатловчисининг ижтимоий-эстетик моҳияти // БухДУ илмий ахбороти. – 2008. – №3.– Б.58-61; Ранглар ҳақидаги халқ қарашлари // ЎТА.– 2008. – №5. – Б.79-81; Халқ қўшиқларида яшил рангнинг рамзий-бадиий моҳияти / Филология ва усулиёт масалалари. 1-китоб.– Тошкент, 2008. – Б.86-88; Ўзбек болалар ўйинларида оқ ва қора рангларнинг рамзий-бадиий моҳияти / Ўзбек болалар ўйин фольклори: табиати, тўплани-

ши, нашри ва ўрганилиши муаммолари. – Бухоро, 2008. – Б.79-83; Қадимда ранглардан фойдаланишнинг ҳаётий асослари (“Девону луғотит-турк” асосида) / Филология ва усулиёт масалалари. 2-китоб. Тошкент, 2009. – Б.65-68; Ранг рамзийликлари ҳақида / Ўзбек фольклори контекстида Бухоро фольклорини регионал тўплаш ва ўрганиш муаммолари. – Бухоро, 2010. – Б.58-60; Ранг рамзийликларининг мавзуий типлари // БухДУ илмий ахбороти. – 2010. – №4. – Б.58-62; Тематические типы цвета в народных песнях // Filologiya meseleleri.- Baki, 2011. – №8. – С.316-323; Значение мифологических мнений связанных с цветом // Filologiya meseleleri.- Baki, 2012.– №7. – Б.443-448; Фольклорда ранг рамзийликлари ва уларнинг маъно моҳияти / Бошланғич таълим асослари ва усулиёти.1-китоб. – Тошкент, 2013. – Б.259- 263; Фольклорда ранглар воситасида яратилган образлар моҳияти / Ўзбек адабиёти, таъсир ва типология. I китоб. – Тошкент, 2013. – Б.347-351; Рамз, ранг ва мазмун муштараклиги / Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари. – Бухоро, 2015. – Б.221–223; Some peculiarities of white colour in uzbek folklore / The 8th International Academic Conference on Applied and Fundamental Studies. – Missouri, 2015. – C.277–286; Фольклорда ранг символикасининг етакчи хоссалари / I Международной научно-практической интернет-конференции. – Киев, 2015. №1. – С.494-498; Interpretation of white colour in epic genres of folklor / II Международной научно-практической интернет-конференции. – Киев, 2015. №2 – С.510-514; Халқ қўшиқларида ранг ва руҳият муштараклиги // ТАТ. – 2015. – №4. – Б.43-45; Халқ оғзаки ижодининг эпик жанрларида ранглар талқини // ЎТА. – 2015. №3. – Б.65; Халқ достонларида ранг ва бадиий тасвир // БухДУ илмий ахбороти. – 2015.. №2. – Б.73-76; Interpretation of white colour in epic genres of folklore // East West” Association for Advanced Studies and Higher Education. – Vienna, 2015. №4. – Б.89-92; Expression of attitude to colors in Turkic national ritual songs // Социосфера. – 2016. – №4. – Б.50-56; Фольклор асарларда ранг ва психоаналитик таҳлил // Изланиш самаралари. – Тошкент, 2016. №3. – Б.185–189; Colour and its psychoanalytical interpretation in folklore // Язык и культура. Я Новосибирск, 2016. – С.127–130; Кўк рангнинг эпик қаҳрамон, макон ва жой номлари сифатида келиши / Ёш тилшунослар ва адабиётшуносларининг анъанавий республика илмий-амалий анжумани. – Тошкент, 2016. – Б.282–286; Ўзбек фольклорида ранг символикаси. – Тошкент: Фан, 2016. – 208 б.; Миф ва ранг символикаси // ТАТ. – 2017. – №4.– Б.41-42; Interpretation of white colour in epic genres of folklore // Anglisticum-International journal of literature, linguistics. Vol.1. – Kosovo, 2018. – P.176–179; Халқ достонларида оқ, қора, қизил ранглар рамзийлиги ҳақида // БухДУ илмий ахбороти. – 2018. – №2.– Б.58-61; Ғарбу шарқ адабиётида оқ, қора ва қизил ранглар учлиги: ўхшашлик ва фарқлар / Филологиянинг долзарб муаммолари ва контрастив тилшунослик. – Фарғона, 2018. Б.191–195; Тематические типы цвета в народных песнях / Сборник статьей по материалам. №6(18). – М., 2018; Ўзбек халқ қўшиқларида рангларнинг образли талқини // X Эл аралиқ илмий-практиклик симпозиум. – Ўш, 2019. – Б.99–102; Халқ оғзаки ижодида қисса жанри // БухДУ илмий ахбороти. – 2019. 3-сон; Ўзбек халқ оғзаки ижодида қисса жанрининг ўзига хос хусусиятлари / Адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари. – Бухоро, 2019. – Б.16–19; About color symbols in folklore // Journal of critical reviews. – 2020. №2. – P.467-473; Color symbolism in uzbek folklore // Journal of critical reviews. – 2020. №7.– P.860-868; Туркий халқлар фольклорида ранг билан боғлиқ рамзийликларнинг қиёсий типологик таҳлили // БухДУ илмий ахбороти. – 2020. – №4.

## Мунис ЖЎРАЕВА

*(1981 йил 17 июль, Шофиркон тумани, Қайрағоч қишлоғи)*

Халқ оғзаки ижодининг нодир жанрларидан бири – топишмоқ жанрининг тарихий асослари, генезисини тадқиқ этиб, ўзбек фольклоршунослиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Жўраева Мунис Юнусовна 1998–2002 йилларда Навоий давлат педагогика институтининг Ўзбек филологияси факультетида ўқиб, институтни имтиёзли диплом билан тамомлаган. 2001–2002 ўқув йилларида Алишер Навоий номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлган. 2002–2004 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Магистратура бўлимининг Ўзбек адабиёти йўналиши бўйича таҳсил олган. 2002–2003 ўқув

йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясини олган. У 2004 йилда "Ўзбек халқ оғзаки ижодида эврилиш мотивини ўрганиш" мавзусидаги магистрлик диссертациясини ёқлаб, магистр илмий даражасига эга бўлган. 2005–2009 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олган. 2010 йилдан ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида кичик илмий ходим сифатида фаолиятини бошлаган. Ҳозирги кунда ҳам мазкур институт (ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти)нинг Фольклор бўлими катта илмий ходими сифатида фаолият олиб бормоқда. 2017 йилда филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун "Ўзбек халқ топишмоқлари генезиси" мавзусидаги диссертациясини ёқлаган.

М.Жўраева ўзбек фольклорида эврилиш мотивининг ўзига хос эпик талқини ва халқ насри жанрларидаги бадиий вазифаларини тадқиқ этган. У ўзбек халқ топишмоқларининг тарихий асослари ва унинг тарихий тараққиёти, миф, табу, маросим билан боғлиқлик жиҳатлари, топишмоқ жавоби билан боғлиқ одатлар, анъаналарни ўрганган. Топишмоқ ва унинг мифологик асослари, ўзбек тилида табуистик лексика ва унинг топишмоқ жанри генезисида тутган ўрни, топишмоқ қўйиш ва унинг "очуви" билан боғлиқ халқ анъаналари, ўрта аср қипчоқ ёзма ёдгорликларидаги топишмоқларнинг бадиий эволюцияси масалаларини изчил тадқиқ этган. "Мактаб кутубхонаси" сериясида топишмоқ матнлари чоп эттирган (2015). "Ўзбек фольклорида топишмоқ" (2011) номли монографияси нашр қилинган.

Мунис Жўраева ўзбек фольклоршунослиги тарихи, халқ насри эпик жанрларида тарихий шахслар образи талқини, халқ достонларининг сюжет қурилиши ва бадиияти масалаларига доир изланишлар ҳам олиб боради. У таниқли фольклоршунос олимлар О.Сафаров, А.Мусақулов ва М.Жўраевлар асарларининг библиографик кўрсаткичини тузган. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилаётган "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари" номли фундаментал илмий лойиҳасида иштирок этиб келяпти. У "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигининг 2015 йилда нашр этилган бешинчи ("Ширин билан Шакар"), 2016 йилда чоп этилган саккизинчи ("Соҳибқирон"), 2018 йилда чоп



этилган ўн иккинчи ("Орзигул") жилдларини нашрга тайёрлашда қатнашган. Шунингдек, ушбу 100 жилдликка киритилиши режалаштирилган "Таркибадахшон", "Гулнор пари", "Зарнигор" жилдлари, топишмоқларнинг икки жилдлиги ҳамда ўзбек халқ мақолларининг алифбо тартибига асосланган уч жилдлигини нашрга тайёрлаган. Бугунги кунда "Зевархон" достони туркий версияларининг генезиси, қиёсий-тарихий таҳлили ва поэтик хусусиятларини ўрганмоқда.

***Ас.***: Навоий шеъриятидаги Исо тимсоли талқинига доир айрим мулоҳазалар / Алишер Навоий ижоди ва маънавий тараққиёт масалалари. – Навоий, 2001. – Б.46-47; Эврилиш мотивининг тарихий асослари / Фольклоршунослик. Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётига доир тадқиқотлар. 1-китоб. – Навоий, 2003. – Б.78-82; Хоразм халқ ижодидаги эпик жанрларнинг ўзаро алоқаси / ХФ. 5-том. – 2003. – Б.22–24; Эврилиш мотивининг таснифи // Гулистон давлат университети ахборотномаси. – Гулистон, 2003. – Б.34-37; Бакалавр босқичида эврилиш мотивини ўрганиш. Методик қўлланма. – Тошкент, 2003. 1 б.т; Топишмоқлар генезисига доир айрим мулоҳазалар / ЎФМ. 1-китоб. – Тошкент, 2006. – Б.97–101; Сув культи ва унинг топишмоқлар генезисида тутган ўрнига доир мулоҳазалар / ХФ. VIII том. – 2006. – Б.68–72; Ўзбек халқ топишмоқларининг тарбиявий аҳамияти / Касбий таълим – тараққиёт йўлида. №8. – Тошкент, 2006. – Б.64-66; Ўзбек халқ топишмоқларининг ўрганилиши тарихидан / Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Навоий, 2007. – Б.82–84; "Султон ул-орифин" ҳақида рисола / ЎО. – Тошкент, 2007. 24-апрель; Ўйинлар ва ўйин предметлари ҳақидаги топишмоқларнинг бадиияти / Ўзбек болалар фольклори: табиати, тўпланиши, нашри ва ўрганилиши муаммолари. – Бухоро, 2008. – Б.85–86; Ўзбек халқ топишмоқларининг педагогик моҳияти ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти // Таълим технологиялари. – Тошкент, 2009. – №1. – Б.28–27; Топишмоқ ва маросим // ЎТА. – 2009. – №2. – Б.19–24; Бир топишмоқнинг тарихий асоси ҳақида // ЎТА. – 2009. – №5. – Б.58–62; "Кодекс куманикус"даги топишмоқлар ва уларнинг ўзбек фольклоридаги намуналари / ЎФМ. 2-китоб. – Тошкент, 2010. – Б.164–170; Ой билан алоқадор космогоник тасаввурлар ва улар-

нинг топишмоқлардаги талқини / Ўзбек фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. – Наманган, 2010. – Б. 91–95; Маросимлардаги жумбоқли айтимлар ва уларнинг топишмоқ жанри генезисида тутган ўрни / Филология ва усулиёт масалалари. 2-қисм. – Бухоро, 2010. – Б.150–153; Сўз табуси ва унинг топишмоқ жанри генезисида тутган ўрни / Ўзбекистон ёш тилшунослари ва адабиётшуносларининг анъанавий илмий анжумани материалари. – Тошкент, 2010. – Б.95–97; Топишмоқ айтиш жараёнидаги "шаҳар бериш" одатининг тарихий асосларига доир / ЎФМ. 3-китоб. – Тошкент, 2010. – Б.201–211.; "Шаҳар бериш" одати ва унинг топишмоқ айтиш анъанасида тутган ўрни / ХФ. XI-том. – Урганч, 2010.– Б.15–18; Следы мифологических представлений и табу в узбекских народных загадках // ФН. – 2010. – №3 (7). – С.132–137; Ўзбек фольклорида топишмоқ. – Тошкент: Фан, 2011. – 5 б.т; "Kodeks Kumanikus"ta bilmeceler ve özbek folklorundeki şekilleri // Türk Dünyasi Incelemeleri Dergisi / Journal of Turkish World Studies. – Bornova-Izmir, 2011. – XI/1 (Yaz 2011). – S.25–32; Жониворлар ҳақидаги топишмоқларнинг тарихий асослари // ИС. – 2011. – №5. – Б.39–44; Следы мифологических представлений и табу в узбекских народных загадках // Вестник тюркского мира. – Махачкала, 2011. – №3. – С.3–11; Табу ва топишмоқ // ЎТА. – 2011. – №3. – Б.50–54; Ўзбек фольклорида рақамли топишмоқлар ва уларнинг типологик хусусиятлари / Бадиий таржима тилшунослик, адабиётшунослик ва маданиятлараро алоқалар контекстида. – Жиззах, 2011. – Б.56-58 (ҳамк.); Топишмоқ жанрининг қадимий ижро шакли хусусида баъзи мулоҳазалар / Бадиий таржима тилшунослик, адабиётшунослик ва маданиятлараро алоқалар контекстида. – Жиззах, 2011. – Б.61-63; Филология фанлари доктори Абийр Мусақулов асарлари библиографияси (тузувчи) // ЎФМ. 4-китоб. – Тошкент, 2011. – Б.9–15; Афғонистон ўзбекларининг топишмоқларига доир баъзи қайдлар / Изланиш самаралари. №1.– Тошкент, 2011. – Б.105–109; Асқар Мусақулов // ЎТА. – 2011. – 1-сон (ҳамк.); Табу ва эвфемизмларнинг топишмоқ жанри генезисида тутган ўрни / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. №5. – Тошкент, 2011. – Б.170–173; Жумбоғим бор бир жуфтгина // МТ. – 2012. – №7. – Б.4; Сусамбил: Жумбоғим бор бир жуфтгина // МТ. – 2012. – 8-сон. – Б.13–14; Луғз ва топишмоқ жанрлари хусусида баъзи



мулоҳазалар / Алишер Навоий меросининг ёш авлод маънавий тарбиясидаги аҳамияти. – Навоий, 2012. – Б.54–56; Ой билан алоқадор космогоник тасаввурларнинг топишмоқлардаги талқини // Замонавий астрономия ва авиакосмик терминологиялар. – Тошкент, 2012. – 5-сон; Топишмоқ жавоби билан боғлиқ айтимлар // ЎТА. – 2013. – №6. – Б.52–56; Соч магияси ва унинг топишмоқлардаги талқини / Ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент, 2013. – Б.218–224; Топишмоқ айтиш анъанаси ва унинг фольклор-этнографик жамоалар репертуаридаги талқини / Ўзбек халқининг миллий фольклор санъати ва этномаданий қадриятлари. – Тошкент: Наврўз, 2013. – Б.103–107; Nowruz baýramçylygy bilen baglanuşykly özbek milli oýunlary we däp-dessurlary / Nowruz – parahatçylygyň we ynsanperverligiň baýramy. – Aşgabat: Ylym, 2013. – B.161–162; The uzbek national games and rituals, connected with the holiday Novruz / Novruz – holiday of peace and humanity. – Aşgabat: Ylym, 2013. – P.347-349; Узбекские национальные игры и магические ритуалы, связанные с праздником Навруз / Навруз – праздник мира и добра. – Ашгабад, 2013. – С.542-543; Древнекипчаская рукопись XIII века "Кодекс куманикус" и проблемы изучения генезиса фольклорных жанров // Культурное взаимодействие и единство цивилизации. – Туркестан, 2013. – С.454-458; Алишер Навоийнинг фольклоршуносликка оид қарашлари / Алишер Навоий мероси ва унинг таълим тарбиядаги ўрни. – Навоий, 2013.– Б.49-51; Олтин сочдим тождор. (Топишмоқли эртакларнинг тарбиявий аҳамияти) // МТ. – 2013. – 6-сон. – Б.16; Топишмоқларда ой билан алоқадор космогоник тасаввурлар / Современние средства коммуникаций и психолингвистические проблемы преподавания научно-технической и астроавиакосмической терминологии в вузах Узбекистана. – Ташкент, 2013. – Б.266–269; Mit ve Bilmece // Dil ve Edebiyat Araştirmalar. – Istanbul, 2014. Kiş.09. – S.87–102; Никоҳ тўйи маросимида топишмоқнинг қадимги кўринишлари / Номоддий маданий мерос ва этномаданий қадриятлар. – Тошкент: Наврўз, 2013. – Б.141–145; Ўрта аср ёзма ёдгорликлари ва ўзбек халқ топишмоқлари / Алишер Навоий маънавий меросида комил инсон тарбияси. – Навоий, 2014. – Б.51–54; Маросим, магик қарашларнинг топишмоқлардаги поэтик кўринишлари / Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари. – Тошкент, 2014. – Б.322–324; Историко-сравнитель-

ҳақидаги эпик сюжет талқини / Номоддий маданий мерос ва фольклоршунослик муаммолари. – Қарши, 2015. – Б.121–123; "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлиги тақтимоти // ЎТА. – 2015. – 6-сон. – Б.124–126; Сак-массагет эпоси ва ўзбек фольклори. – Тошкент, 2016; Қипчоқлар ҳақидаги этнонимик ривоятларнинг ўрта аср ёзма манбаларидаги эпик талқинига доир // ИС. – 2016. – №.3. – Б.41-46; Самарқанд шаҳри номининг келиб чиқиши ҳақидаги топонимик ривоятлар / Тафаккур ва талқин. – Жиззах 2016. – Б.30-33; Бойсун атамасининг бўри культи билан боғлиқлиги / Умумфилологик тадқиқотлар: муаммо ва ечимлар. – Жиззах, 2016. – Б.128–130; Мифологические сюжеты о грифонах и их эпические интерпретация в узбекском фольклоре / Актуальные проблемы филологии Краснодарь 2016. – С.35-39; Сак-массагет эпоси ва унинг ўзбек фольклоридаги талқинлари // ЎзМУ хабарлари. – 2016. 5-сон. – Б.326-329; Сак-массагет эпоси ва унинг поэтик трансформацияси // ИС. – 2016. 9-сон. – Б.50-55; Легенды и сказания о городах и селах в произведении Наршахи "История Бухары" / Филология и лингвистика в современном обществе. – М., 2016. – Б.25–26; Сюжеты сако-массагетского эпоса на примере произведия Геродото "История" // Genc alimlerin I beynelxalq elmi konfransi. – Баку, 2016. – Б.208–210; Умрзоқ Жуманазаров // ЎТА. – 2016. – 5-сон. – Б.115–118 (ҳамк.); Палеофольклор ва унинг ўзига хос хусусиятлари // ЎТА. – 2016. – 6-сон. – Б.59-64; Отголоски античных мифологических сюжетов о грифонах в фольклоре тюркоязычных народов Средней Азии // Молодий вчений. – Киев, 2016. №12.1 (ҳамк.); Сак-массагет эпоси ва Тўрабек хоним ҳақидаги Хоразм ривоятлари / ТЗ. – 2019. 2-сон. – Б.33-37; Қадимги хитой ёзма манбаларда тотемистик мифлар / ТЗ. – 2019. – 4-сон. – Б.33-37; Сак-массагет эпоси ва унинг ўзбек фольклоридаги эпик талқинлари / Китобхонлик маданиятини юксалтириш, муаммо ва вазифалари. – Навоий, 2020. – Б.23–26 (ҳамк.); Totimistik myths and legegends obout the wolfin uzbek folklore // Academicia. – Hindiston, 2020.



**Жамила АСҚАРОВА**

*(1985 йил 20 апрель, Фарғона вилояти Риштон тумани)*

Ўзбек халқ эртакчилик анъаналарини ўрганган Жамила Асқарова 2003 йили Риштон туманидаги 2-иқтидорли болалар лицейини аъло баҳоларга битирган. 2003–2007 йилларда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетини имтиёзли диплом билан тамомлаб, 2014–2016 йилларда Ўзбекистон Миллий университетини магистратура бўлимида ўқиган. Бир неча йил "Жаҳон адабиёти" журналида масъул муҳаррир лавозимида фаолият кўрсатган. 2018–2020 йилларда ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторантура бўлимида ўқиган.

2020 йил "Ўзбек халқ эртакчилиги ва эртак нашрларининг қиёсий тадқиқи" мавзусида диссертация ёқлаб, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олди. 2019 йил Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва Республика ёш олимлар кенгашининг "Республика ёш олимларининг инновацион лойиҳалари" грант танловида иштирок этиб, "Ижтимоий гуманитар фанлар" йўналишида ғолибликни қўлган киритган ҳамда грант асосида "Профессионал эртакчилар репертуари" номли илмий рисоласи чоп этилган.

*Ас.*: "Менинг эртагимсан..." / Оммавий ахборот воситаларида тил, услуб ва таҳрир масалалари. – Тошкент, 2015. – Б. 52–155; Бола психологиясининг шаклланишида эртактерапиянинг роли / Баркамол шахсни шакллантириш масалалари. – Тошкент, 2015. – Б.167–169; Аждодларнинг мангу қўшиғи / Ўзбекистонда мустақиллик даври маънавияти ривожида "Жаҳон адабиёти" журналининг ўрни ва аҳамияти. – Тошкент, 2017. – Б.397-400; Эртаклардаги турфа вариантлилик "Ур, тўқмоқ" эртаги мисолида // ТАТ. – Тошкент, 2017. – №8. – Б.47-49; Эртакчилик анъаналари // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2018. – №8. – Б.187–193; Эртакларни номлашнинг ўзига хослиги // ТАТ. – Тошкент, 2018. – №6. – Б.43-44; Эртакчилар ижоди ва репертуари // ЎТА. – Тошкент, 2019. – №6. – Б.73-75; Эртакчилик анъаналари ва ўзбек халқ эртакчилари репертуари. – Тошкент: Машҳур-пресс, 2019. – 78 б; Эртак ижроси ва маросимлари // Тамаддун нури. – Нукус, 2019. – №3. – Б.59-61; The creative work and artistic repertoire of professional

uzbek narrators // Anglisticum Journal (IJLLIS), Volume 8 / Issue 1 / 2019, February.– P.23-32; Проблемы национального колорита в азарбайджанских народных сказках / Роль художественной литературы в межкультурном диалоге. – Сумгаит, 2018. – С.415-416; Жаҳон фольклоршунослигида эртакчилик анъаналарининг ўрганилиши / Фольклор, тил ва маданият масалаларини илмий ўрганишда фан ва инновациялар уйғунлиги. – Тошкент, 2019. – Б.97–100; Ўзбек халқ эртакчилари ижоди ва бадиий маҳорати / XX1 аср – интеллектуал ёшлар асри. – Тошкент, 2018. – Б.36-37; Эртаклар матнидаги анъанавийлик / Изланиш самаралари. №5. – Тошкент, 2019. – Б.193–196.

## Илҳом САЙИТҚУЛОВ

*(1986 йил 18 ноябрь, Ғаллаорол тумани, Чувуллоқ қишлоғи)*

Халқ китобларида буюк саркарда Амир Темур шахсининг Соҳибқирон сифатида эпик талқин қилиниши тамойилларини тадқиқ қилиб келаётган Сайитқулов Илҳом Абдусаламович 2009 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультетининг бакалавр, 2011 йилда эса мазкур факультетнинг "Адабиётшунослик" мутахассислиги бўйича магистратура босқичини тамомлаган. 2012–2013 йилларда ЎзМУ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси, 2013–2014 йилларда катта илмий ходим-изланувчи сифатида тадқиқот олиб борган. 2015–2016 йилларда ЎзМУ Ўзбек филология факультети ўқитувчиси, 2016–2018 йилларда Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети "Фольклоршунослик ва диалектология" кафедрасида ўқитувчи сифатида фаолият олиб борган. 2018 йилдан ҳозирги кунга қадар эса мазкур университетнинг Ўзбек филологияси факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Амир Темур ҳақида яратилган "Темурнома"ларнинг бадиий концепцияси ўзагида турувчи "соҳибқиронлик" тасаввурлари тизими хоссаларини чуқур тадқиқ этиб, 2020 йилда "Ўзбек халқ тарихий насрида эпик сюжет ва образ эволюцияси ("Темурнома" мисолида)" мавзусидаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилган.



И.А.Сайитқулов халқ китоблари ва уларнинг жанр хусусиятлари, "Темурнома" сюжети ва образлар тизими, асар сюжетида соҳибқиронлик тасаввурининг асосий белгилари ва эволюцион ривожи муаммоларига бағишланган 20 дан ортиқ мақола ва тезислари чет эл ва республика журналларда эълон қилинган.

***Ас.***: Тарихий ҳақиқатнинг бадиий талқини / Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Жиззах, 2011. – Б. 243–244; Соҳибқирон сиймосига бир назар / XXI аср – инновацион-интеллектуал ғоялар асри. – Тошкент, 2012. – Б.214–217; "Амир Темур сиймоси" Пиримқул Қодиров талқинида // ЎзМУ хабарлари. – 2012. №4. – Б.168–172; Тарихий насрда характер талқини // ЎзМУ хабарлари. – 2013. №3. – Б.198–204; Ўтмиш ва бугун // Ижтимоий-гуманитар фанлар тизими. – 2013. №5. – Б.116–121; Адиблик машаққати // ТАТ. – 2015. №5. – Б.94-98; Халқ китоблари таснифи ва "Темурнома" қиссасининг жанр хусусиятлари / Ўзбек фольклоршунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2018. – Б.37-42; "Темурнома"да халқ эпоси анъаналарнинг қўлланилиши // БухДУ илмий ахбороти. – 2019. № 4 (76). – Б.225–230; "Темурнома"даги услубий ўзига хослик ва бадиий-тасвирий воситалар // Ўзбекистонда хорижий тиллар. – 2019. №4 (27). – Б.171–179; Алплик тизими ва соҳибқиронлик тасаввурларининг қиёсий таҳлили // ФМ. – 2019. №2. – Б.43-56; Usage of term "Folklore books" in folklore studies and development of "Temurnoma" ("Life of Timur") // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. – Philadelphia, 08(76) 2019. – P.7–10; The compositional structure of "Temurnoma" / International conference. Science, research, development. – Baku, 2019. – P.51-54; The issue of historical truth and artistic interpretation in "Temurnoma" / Materiály XV mezinárodní vědecko – praktická konference. – Praha, 2019. – P.9–12; "Темурнома" достонининг композицион қурилиши / Филология ҳәм оны оқытыў тараўларындағы фундаменталь ҳәм инновациялық изертлеўлер. – Нөкис, 2019. – Б.12–14; Халқ китобларининг жанр хусусияти ва таснифи / Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари. – Андижон, 2019. – Б.179–182.

## ХОТИМА

Биз юқорида ўзининг тўпловчилик ва тадқиқотчилик соҳасидаги илмий фаолияти билан ўзбек фольклоршунослиги мактабининг шаклланиши, ривожланиши ва тараққий этиши жараёнига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган фольклоршунос олимларнинг илмий биографияси хусусида сўз юритдик. Бинобарин, глобаллашув жараёнлари кескин кучайиб бораётган ҳозирги даврда фольклоршуносликнинг тадқиқот усуллари, методологияси ва назарий концепцияларида ҳам ўзгаришглар юз берди. Замонавий фольклоршунослик ижтимоий-гуманитар йўналишдаги интегратив фан соҳасидир. Унинг асосий ўрганиш объекти жонли ижро шароитларида ёзиб олинган ва ўзининг оғзаки оммалашиш ҳолатини сақлаб келаётган вербал анъаналар ташкил этади. Халқ ижоди вербал компонентларининг ўзига хос хусусиятлари, постфольклорнинг ижро ҳолати, ҳаётий-маиший функцияси ва бадиий-эстетик табиати ҳозирги замон фольклоршунослигининг предмети ҳисобланади.

Шундай экан, ҳозирги ўзбек фольклоршунослигида янги илмий йўналишлар ва концепцияларнинг юзага келишига халқ оғзаки бадиий ижодининг бугунги ҳолати, айниқса, информацион жараёнлар кучайган ва ҳаётимизнинг барча соҳаларига рақамли технологиялар чуқур кириб борган бир вазиятда оғзаки ижродаги бадиий анъаналарнинг ўрни ва моҳияти жиддий ўзгаришга учраганлиги билан бевосита боғлиқдир. Фольклористик тадқиқотларда у ёки бу йўналишнинг кириб келиши ёки кучайиб кетиши жамиятнинг халқ ижодига бўлган муносабатига ҳам боғлиқдир. Бугун бахшичилик санъати ва достон ижрочилиги, достон ва терма ижодкорлиги, аскиячилик ва қизиқчилик санъати, маросим ва болалар фольклори, халқ лирикаси ва оғзаки насрнинг кўплаб жанрлари, шунингдек, мақол, матал, топишмоқ каби паремиологик жанрлар фаол ижро жараёнида сақланиб келмоқда. Лекин замонавий информацион технологияларнинг ривожланиши туфайли



фольклорнинг анъанавий ижро шакли ва оммалашиш усулларида ўзгаришлар рўй берди. Бахши, аскиячи, ўланчи ва лапарчиларнинг телевидение ва радиоканаллардаги чиқишлари натижасида анъанавий фольклорнинг аудиовизуал ижро шакллари юзага келди.

Бу эса фольклор экспедицияси методологияси ва усулларини қайта кўриб чиқиш асосида халқ ижоди асарларини ёзиб олиш ишига рақамли технологияларни жорий этиш лозим. Бундан ташқари, фольклор материалларини системалаштириш бўйича компьютер дастурлари яратиш ва фольклор архивининг тезаурусларини ишлаб чиқиш ҳамда фольклор архиви материаллари СДга ўтказиш орқали ўзбек фольклорининг электрон фондини яратиш долзарб вазифаларимиздан биридир. Фольклор асарларининг энг сара намуналарини чоп этиб, кенг кўламда тарғиб этиш борасидаги ишларни янада жадаллаштирган ҳолда ўзбек халқи поэтик тафаккурининг тарихий-тадрижий тараққиёти қонуниятлари ва поэтик маданиятимизнинг умумжаҳон бадиий-эстетик маданияти контекстида тутган муносиб ўрнини кўрсатишга асос бўладиган муҳташам мажмуа – “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини тайёрлаш борасидаги тадқиқотларни 2030 йилга қадар якунлашга эришишимиз керак.

Жаҳон фольклоршунослигининг етакчи илмий мактаблари (мифологик мактаб, “фин” мактаби, “сайёр сюжетлар” назарияси, тарихий мактаб, антропологик мактаб, ритуал-мифологик мактаб ва ҳ.к.) ва уларнинг назарияларини қиёсий тадқиқ этиш орқали ўзбек халқ ижодини ўрганиш ишига тавсифий, картографик, структур-семиотик, руҳий-таҳлил ва бошқа замонавий методларни татбиқ этиш вақти келди. Муайян жанр, сюжет, мотив ва образларнинг архаик кўринишларини реконструкциялашга имкон берадиган “палеонтологик метод” ёки “ретроспектив метод”ни янада такомиллаштиришимиз керак. Фольклористиканинг унга ёндош фанлар (этнология, археология, тарих, тилшунослик, адабиётшунослик, санъатшунослик, социология, фалсафа, маданиятшунослик) билан интеграциясини чуқурлаштириш яхши самара беради. Шунингдек, ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш; ўзбек фольклоршуносларининг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш; мустақиллик даври ўзбек фольклоршунослигининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;

фольклоршуносликка оид манбалар ва илмий адабиётларнинг библиографик кўрсаткичларини тузишга алоҳида эътибор беришимиз керак деб ўйлайман.

Шу ўринда, ҳозирги замон дунё фольклоршунослигининг ўзига хос йўналишларидан бири – рунетфольклористика ва унинг ўзбек халқ ижодини ўрганиш ишига дахлдорлиги масаласига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, XXI аср жаҳон фольклоршунослигида анъанавий халқ ижодиётининг матний ва аудиовизуал элементларини ўз ичига қамраб олган “медиалор”, “ньюслор”, “техлор”, “фолькнет”, “нетлор” (“netlore”), “интернет фольклор”, “интерлор” (internetlore), “е-фольклор”, “киберфольклор”, “киберлор”, ”компьютерлор”, “digital folklore” (рақамли-цифровой фольклор) каби атамалар тез-тез тилга олинадиган бўлди.[2] Интерлорнинг жаҳон глобал интернет тизимидаги мультимедиялашган халқ ижодиёти намунаси бўлиб, бадиий хусусиятларга эгалиги, анонимлиги (кўпчилик томонидан ифода этилиши), вариантлигиги (ўзгарувчанлиги), оммавий характерга эгалиги ҳамда мультимедия шаклида тарқалиши билан ўзига хослик касб этади.

2007 йилнинг ёзида Next Media Group холдинг таркибига кирувчи Promo Interactive агентлиги “Netlore. Антология сетевого фольклора” (http://www. netlore.ru) лойиҳасини ишга туширди. Лойиҳа муаллифлари ўзларининг асосий мақсадиини “интернет-фольклор, тармоқ мемлари ва вирусларни излаш, йиғиш,

[2] *Бу ҳақда қаранг*: Digital Folklore: to Computer Users, with Love and Respect / ed. by O. Lialina,D. Espenschied. – Stuttgart, 2009. – P.9; Загидуллина М.В. Мифотворческая функция слухов в рамках фолькнета: к вопросу о расширении классической теории фольклора // Вестник Челябинского государственного университета. – Челябинск, 2009. – № 34. – С.37-42; Шу муаллиф. Теория интернет-фольклора: коммуникация фольклорного типа и самоидентификация участников крупных форумов // Ученые записки Казанского университета. Сер. Гуманитарные науки. – Казань, 2015. – №4. – С.86-96; Интернет и фольклор: сб. статей. – М.: Государственный республиканский центр русского фольклора, 2009. – 320 с; Колистратова А.В. От архаики до сетевого фольклора: некоторые итоги лингвосемиотического анализа фольклорных явлений как знаков культуры // Вестник Иркутского государственного лингвистического университета. – Иркутск, 2011. – №3 (15). – С.36-41; Радченко Д.А. Сетевой фольклор: перспективы исследования // Славянская традиционная культура и современный мир Сборник научных статей. Составители В.Е.Добровольская, А.Б.Ипполитова. – М., 2011. – С. 417-427; Граматчикова Н.Б., Хоруженко Т.И. Постфольклор и интернетлор. – Екатеринбург:Изд-во Урал. ун-та, 2017. – 62 с.



систамалаштириш ва деталлаштириш, сақлаш ва оммалаштириш”-дан иборат деб белгилашган. Ўша йили Республика рус халқ ижодиёти маркази ташаббуси билан “Folk-art-net: янги уфқлар” номли илмий конференция ўтказилди.[3] 2015 йилда Москвада медиалорнинг ўзига хос табиати ва уни ўрганиш масалаларига бағишланган илмий анжуман ўтказилди.[4] 2016 йилда интернет саҳифаларидаги рус фольклори материалларининг илк антологияси тайёрланиб, “Netlor” номи билан глобал тизимга жойлаштирилди.[5]

Баъзи олимлар, масалан, М. Д. Алексеевский глобал тизимга жойлаштирилган фольклор жанрлари ўзининг жонли ижро ҳолатидаги каби тараққиётини давом эттиради, яъни интернет технологиялар воситасида оммалашишда давом этади,[6] деб ҳисоблайдилар. Бизнинг фикримизча, интернет тизимидаги фольклор бу анъанавий халқ ижодининг оммалашиш шаклларидан бири бўлиши мумкин, лекин уни фольклорнинг жонли ижро ҳолати билан тенглаштириб бўлмайди. Фольклор асарининг табиий яшаш тарзи ижрочи ва тингловчининг бевосита муносабатига асосланади. Интерлорда эса бундай ўзаро боғланиш виртуал кўринишда бўлиб, фольклор ижрочилигининг табиий шаклидан кескин фарқ қилади.

Бугунги кунда ҳар бир кишининг кундалик ҳаётини интернет тизимисиз тасаввур қилиш жуда қийин. Ахборот алмашувнинг энг оммавий ва нисбатан қулай воситаларидан бирига айланиб бораётган ижтимоий тармоқларда, шунингдек, кўплаб интернет сайтларида у ёки бу фольклор асарининг турли босма кўринишдаги, аудиоёзув ҳамда видеотасвирга олинган шаклдаги намуналарини учратамиз. Интернетда ўзбек фольклори асарларининг ўтган асрнинг 40-йилларида алоҳида китоблар ҳолида чоп эттирилган “Ши-

[3] *Бу ҳақда қаранг*: Folk-art-net: новые горизонты творчества. От традиции – к виртуальности: Сб. статей. – М.: Государственный республиканский центр русского фольклора, 2007.

[4] Архипова А.С., Неклюдов С.Ю., Радченко Д.А. О фольклоризации действительности через newslore // Newslore и medialore в современном мире: фольклоризация действительности Тезисы докладов Международной научной конференции. – 2015. – С. 5-8;

[5] Net-lor: антология сетевого фольклора: [сайт]. URL: http://www. netlore.ru/category/community-theme/rating/desc/11.

[6] Алексеевский М.Д. Интернет в фолькоре или фольклор в Интернете? (Современная фольклористика и виртуальная реальность) // От конгресса к конгрессу. Навстречу второму Всероссийскому конгрессу фольклористов. – М., 2010. – С.151–163.

рин билан Шакар", "Рустамхон", "Гўрўғли" каби халқ достонларидан тортиб 60-80-йилларда китобхонлар томонидан севиб ўқилган "Ўзбек халқ ижоди" кўпжилдлигининг анчагина жилдлари, мақол, топишмоқ, эртак, афсона, ривоят, болалар фольклорининг турли йиллардаги нашрлари асосидаги матнларнинг электрон версиясини ўқиш мумкин. Албатта, бу материаллар халқ оғзаки бадиий ижодининг турли нашрлари ҳамда фольклор архивида сақланаётган намуналари, яъни бевосита ижрочилар оғзидан ёзиб олинган материалларнинг глобал тизимга жойлаштирилган кўринишлари бўлиб, жонли оғзаки ижро ҳолатини акс эттирмайди. Яъни бу анъанавий фольклорнинг жонли ижро ҳолатидаги яшаш тарзи эмас, балки унинг ифодаларидан бири, деб баҳоласа тўғрироқ бўлади.

Ҳозирги замон фольклори анъанавий маданиятнинг турли хил шакл ва воситалари (урф-одат ва маросимлар, мусиқа ва рақс санъати, тасвирий санъат, халқ маиший турмуш тарзи) билан бевосита боғланган вербал компоненти сифатидаги ўзининг етакчи хусусиятини сақлаб қолмоқда. Шу билан бирга фольклорнинг яратилиши, ижро этилиши ва оммалашиши анъаналарига хос бўлмаган янги усуллар – электрон коммуникация воситалари кириб келди. Шу жиҳатдан қараганда ҳозирги давр фольклори бу глобал информацион тизимга бирлашган жамият этномаданиятининг вербаль ва аудиовизуал шаклда ифода этилган оғзаки ижодиётидир. Муайян ахборотларни оммалаштириш қамрови ва маълумот тарқатиш тезлигининг чексиз даражада кенглиги билан характерланувчи интернет бугунги фольклорни тадқиқ ва тарғиб этишда алоҳида ўрин тутади.

Ҳозир интернет тизимида мамлакатимизнинг турли вилоятларида, шунингдек, қўшни республикаларнинг ўзбеклар яшайдиган ҳудудларида ўтказиладиган наврўз байрами тантаналари, сумалак сайли маросими, никоҳ тўйининг "келин тушди", "юз очди", "келин салом" узвлари, анъанавий халқ қўшиқлари ва маросимий қадриятларнинг фольклор-этнографик жамоалар репертуаридаги талқинлари, шунингдек, алла, ўлан, лапар ижрочилари, бахши-шоирлар, аскиячи ва қизиқчиларнинг кўрик-танловлари, "Бойсун баҳори", "Нурли наволар" сингари фольклор фестивалларига оид турли форматдаги видеолавҳалар жойлаштирилмоқда. Кўплаб бахшилар "youtube" каналида, шунингдек, "Телеграмм" ва бошқа



ижтимоий тармоқларда ўзларининг саҳифаларини очишган бўлиб, уларда ўзбек халқ достонларидан парчалар, бахшиларнинг ўзлари яратган термалар қўйиб борилади. Булар орасида бадиий жиҳатдан пишиқ асарлар жуда кўп. Хусусан, деновлик ёш истеъдодли бахши Равшан Маматмуродов ўзининг шахсий архивидаги нодир фольклор ёзувларидан бири – отаси, Ўзбекистон халқ бахшиси Бобораҳим Маматмуродовдан ёзиб олинган "Малика айёр" достонининг видеоёзувини оммалаштирди. Бу достон илгари фольклоршунослар томонидан ёзиб олинмаган бўлиб, мазкур эпик сюжетнинг Жанубий Ўзбекистон достончилиги анъаналаридаги ўзига хос талқини сифатида муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

Аммо глобал тизимга жойлаштирилаётган бу материалларни фольклор анъаналари ва ижрочининг маҳорати нуқтаи назардан баҳолаганда уларнинг барчасини ҳам тингловчи ёки ўқувчи маънавий оламини бойитишга хизмат қила оладиган юксак бадиий савиядаги асарлар, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳар қандай ижро актини эмас, балки устоз-шогирдлик анъаналарига амал қилган ҳолда устозлар назаридан ўтган ҳамда тингловчилар аудиторияси тарафидан яхши қабул қилинган асарларни фольклор намунаси сифатида тизимга жойлаштириш лозим. Шу жиҳатдан олганда бахшичилик санъати ва халқ достонларининг тарғиботчиси Ў.Ҳакимовнинг "Alpomish-media" расмий тегеграмм каналининг иш фаолиятини намуна қилиб олса бўлади. Бу каналда халқимиз эътирофига сазовор бўлган устоз бахшилар ҳамда уларнинг иқтидорли шогирдларидан бевосита ижро жараёнида ёзиб олинган видео ва аудиоёзувлар мухлислар эътиборига ҳавола қилинади.

Шуни ҳам қайд қилиш жоизки, "netlore", яъни "интернет фольклор" халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарини тўплашнинг ҳам усуллари кенгайишига асос бўлди. Чунки интернет саҳифаларида эълон қилинаётган материаллар орасида илгари ёзиб олинмаган халқ қўшиқлари, маросим фольклори намуналари, мақол-маталлар, топишмоқлар, айниқса, латифаларнинг кўплаб намуналарини учратиш мумкин. Бу эса фольклор тўпловчилик ишининг қамровини кенгайтириб, муайян фольклор материалини бевосита жонли ижро ҳолатида эмас, билвосита, яъни ижро актини ўзида ифода этган аудиовидуал манба асосида ҳам тўплаш мумкинлигини кўрсатади. Ҳатто фольклор асарларининг кибертўпловчилиги

зага келди. Бугунги фольклоршунослик интернет саҳифаларида ималаштирилаётган халқ ижоди манбаларини кузатиб бориши імий тадқиқотлар учун муайян даражада янги материаллар бери-и мумкин экан.

Ҳозиргача тўпланган ва турли шаклларда (босма, аудио, видео) ималаштирилган фольклор асарлари ҳамда ҳозир ҳам ўзининг жон-и ижро ҳолатини сақлаб келаётган халқ оғзаки ижоди – постфольк-орнинг интернет тизимидаги субмаданиятнинг таркибий қисмига йланганлиги анъанавий фольклоршунослик фанининг ҳам моҳия-и, вазифалари, таҳлил методлари ва ёндошувларни ҳам ўзгартириб юборди. Натижада халқ ижодини ўрганишнинг янги тармоғи – рунет-юльклористика шаклланди.

Биз истаймизми, йўқми киберфольклор ёки интернет фольклор ундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Шундай экан, келгусида ушбу феноменнинг моҳиятини антропо-югик, филологик ва этномаданий нуқтаи назардан жиддий тадқиқ тишимиз лозим.

XXI аср жаҳон фольклоршунослигининг энг янги илмий йўна-лишларидан яна бири бу интегратив фольклористикадир.[7] Маъ-лумки, бугунги кунда халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини турли ракурсларда, кўпқиррали илмий ёндашув мезонлари асосида ўр-ганиш тамойили шаклланди.[8] Халқ эпоси сюжетларининг генетик асосларини аниқлашда ёзма манбалар билан бир қаторда археоло-гик қазилмалар чоғида топилган осори-атиқаларда акс этган қади-мий мифопоэтик мазмундаги образ, лавҳа ва чизгилардан қиёсий манба сифатида фойдаланиш яхши самара беришини ўтган аср-нинг 50-йилларидаёқ атоқли фольклоршунос олим Ҳ.Зарифов ўзи-нинг "Малика айёр" достони сюжетининг тарихий асослари таҳ-лилига доир изланишлари мисолида асослаб берган эди.[9] Эндилик-да ана шу йўналиш, яъни археофольклористика ёки палеофольк-лористика йўналиши жаҳонннинг кўплаб мамлакатларида устувор аҳамият касб этмоқда.

[7] *Қаранг*: Ковалёва Р.М. Концепция интегративной фольклористики // Актуаль-ныя праблемы літаратуразнаўства і фальклары стыкі. – Мінск: БДУ, 2018. – С.207–214.

[8] Топорков А.Л. Фольклористика в междисциплинарном диалоге / Труды отделе-ния историко-филологических наук РАН. 2015. – М., 2016. – С.23-41.

[9] Зарифов Ҳ. Фольклор ва археология материалларини қиёсий ўрганиш масала-ларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1958. – 1-сон. – Б.25-30.



"Интегратив фольклористика филологик фольклоршунослик-нинг фольклор ижрочилигининг ўзига хос ички интегратив алоқа-лари ҳамда халқ оғзаки бадиий ижодининг бошқа санъат турлари, жумладан, ёзма адабиёт билан муносабатини ўрганадиган фанла-раро тармоғи бўлиб, палеофольклористика, мифофольклористика, лингвофольклористика, этнофольклористика, эстофольклористи-ка, психофольклористика, социофольклористика каби йўнали-шларга бўлинади".[10]

Бу атамалардан кўпчилиги мутахассисларга тушунарли бўл-са-да, улар орасида янги шаклланган тушунчалар ҳам мавжуд. Ма-салан, халқ оғзаки бадиий ижоди сюжетлари, мотив ва образлари-нинг санъатнинг турли шакллари, жумладан, ёзма адабиёт, кино, театр ва саҳна санъати, тасвирий санъатдаги иккиламчи поэтик талқинларини ўрганувчи йўналиш "эстофольклористика" номини олди.

Интегратив фольклоршуносликнинг алоҳида бир тармоғи со-циофольклористика бўлиб, у халқ оғзаки бадиий ижодиётини жа-миятнинг ижтимоий ҳодисаларидан бири сифатида ўрганади. Бу типдаги тадқиқотлардан кўзланган асосий мақсад кишилик жа-миятини ва ижтимоий муҳитдаги ўзгаришларнинг фольклор та-раққиёти ва унинг бадиий-эстетик тизимига кўрсатган таъсири-ни аниқлашдан иборатдир. Интегратив фольклоршуносликнинг тадқиқот предмети биринчи галда халқ оғзаки бадиий ижодида рўй бераётган интегратив жараёнлар, яъни оғзаки сўз санъатига информацион технологияларнинг таъсири, глобал ахборот алма-шув усуллари ғоят тезлашган даврда анъанавий фольклорнинг ўзига хос табиатида рўй бераётган ўзгаришлар таҳлилини ўз ичига олади. Филологик фольклоршуносликдаги интегратив жараёнлар эса турли фанлараро тадқиқотлар контекстига хос хусусиятларни акс эттиради.

Ҳозирги даврда халқ ижодиётини турли ёндош фанларнинг назариялари асосида комплекс тадқиқ этиш анъанаси кучайган-лиги боис фольклоршуносликнинг "этнофольклористика" (халқ ижодини этнографик ҳамда фольклористик аспектда текшириш), "этнолингвистика" (ўзбек тилидаги урф-одат, маросим, турли

[10] Ковалёва Р.М., Приемко О. В. Интегративная фольклористика: учеб.-метод. пособие.– Минск: БГУ, 2017. – С.227.

юнч-эътиқодлар билан боғлиқ бўлган диалектизмларни этнофольклористик жиҳатдан талқин қилиш), "археофольклористика" рхеологик топилмаларда ўз аксини топган фольклор сюжетлари, браз ва мотивларни ўрганиш ҳамда халқ оғзаки ижодининг муайн жанрига оид у ёки бу сюжет, мотив, образ ва бадиий деталнинг енезисини археологик ёдгорликлардаги суратлар, чизги ва ифодаарга қиёслаб тадқиқ этиш) йўналишлари юзага келди.

Фольклоршунослик фани тилшунослик билан, айниқса, унинг шева ва лаҳжаларни ўрганувчи диалектология йўналиши билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки фольклоршунос олим транскрипцини пухта билмаса оғзаки ижродаги фольклор асарини мукаммал зиб ололмайди. Бугунги кунга келиб, ономастикада "мифоним" қадимги мифологик тасаввурлар ва мифик образлар билан боғлиқ тушунча ва атамалар), "мифотопоним" (мифга алоқадор сўз асосида келиб чиққан жой номлари), "эпоним" (эпик асарларда қўлланилган атоқли отлар) сингари терминлар юзага келди. Халқ оғзаки бадиий ижоди асарларининг тил хусусиятларини ўрганувчи "лингвофольклористика" шаклланди. Келгусида бу йўналишда бажариладиган энг муҳим тадқиқот "Фольклор луғати"ни яратишдан иборат бўлмоғи керак.

Лингвофольклористик тадқиқотларда фольклор асарининг матни ўзликни ифода қилишнинг оғзаки шакли ҳисобланган халқ тилининг энг гўзал жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган анъанавий маданиятнинг таркибий қисми сифатида қаралади. Бу типдаги тадқиқотлар когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, матн поэтик табиати, герменевтика ва нутқий мулоқот назарияси билан чамбарчас боғланган бўлиши табиийдир. Шу тариқа бир неча фанларнинг тадқиқот методлари ҳамда илмий концепциялари яхлит тизим сифатида бирлашсагина фольклор асари матнининг кўпаспектли лингвопоэтик таҳлилини яратиш мумкин бўлади.

Фольклор асарларининг яратилиши ва оммалашиши жараёни халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий менталитетини акс эттирувчи дунёқараши, анъаналари билан бевосита боғлиқ бўлганлиги боис, фольклорни ўрганишда уни этнографик контекстдан ажратиб таҳлил қилиб бўлмайди. Бир томондан, фольклор асарларида халқимизнинг этник табиати билан алоқадор кўплаб "этнографизмлар", қадимий маросим ва ритуаллар билан боғлиқ анъанавий



мотивлар мавжуд бўлса, бошқа жиҳатдан фольклор асарлари этнологик тадқиқотлар учун ҳам бой материал берувчи муҳим манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам "этнофольклористика" ҳозирги замон фольклоршунослигининг энг фаол йўналишларидан бирига айланди.

Ўзбек фольклоршунослиги фанининг асосчиси, атоқли олим Ҳ.Зарифов "Ўзбек тили ва адабиёти" журналининг 1958 йилги илк сонида босилган "Фольклор ва археология материалларини қиёсий ўрганиш масалаларига доир" (25-30-бетлар) номли программ характердаги мақоласи билан ўзбек фольклоршунослигида "археофольклористика" йўналишини бошлаб берган эди. Зеро, фольклор асаридаги муайян образ, мотив ёки эпик сюжетнинг тарихий асосларини ойдинлаштиришда археологик қазилмалар чоғида топилган турли осори-атиқалар, қоятошларга чизилган петроглифлар, Варахша, Афросиёб, Болаликтепа ва Тупроққалъадан топилган қадимги деворий суратлар, хуллас, аждодларимиз томонидан яратилган моддий маданият намуналари муҳим қиёсий манба ролини ўтайди.

Фольклоршуносларнинг бошқа ёндош фанлар мутахассислари билан ҳамкорликда амалга ошириши лозим бўлган жиддий тадқиқотларидан яна бири фольклор энциклопедияларини яратишдир. Жаҳоннинг ўз қаҳрамонлик эпосига эга бўлган айрим халқларида миллий ўзлик тимсолига айланган достонларнинг алоҳида қомусларини тайёрлаш ишлари йўлга қўйилган. Хусусан, қирғиз тилида икки жилддан иборат "Манас" энциклопедияси чоп этилган. Ўзбек фольклоршунослиги, хусусан, эпосшунослигининг бугунги ҳолати кўп жилдлик "Ўзбек халқ ижоди" қомуси, икки жилдли "Алпомиш" қомуси, шунингдек, халқимизнинг йилбоши байрами ва баҳорий маросимлар фольклорига оид материаллари асосида "Наврўз" энциклопедияларини яратиш имконини беради. Бунда албатта, тарихчи, этнограф, файласуф, тилшунос, санъатшунос ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб бориш тақозо этилади.

Ҳозирги ўзбек фольклоршунослиги жаҳон филологиясининг энг янги илмий-назарий концепциялари асосида ривожланиб бораётган ижтимоий-гуманитар фан соҳаси сифатида изчил тараққий этишда давом этмоқда. Асосан тарихий-қиёсий ҳамда этнофольк-

лористик таҳлил усули асосида ривожланиш келган ўзбек фольклоршунослигининг бугунги авлоди тадқиқотларида халқ оғзаки бадиий ижоди материалларини палеофольклористик, лингвофольклористик, руҳий-таҳлил методи, картографик тадқиқот усули, контекстиуал-матний таҳлил, структурал-семантик метод ва бошқа усулларнинг кенг кўламда татбиқ этишилиши кузатилади. Бу эса ўзбек фольклоршунослиги мактабида асрлар давомида яратилиб, бадиий жиҳатдан сайқал бериб келинган ва ҳозирга қадар ўзининг жонли ижро ҳолатини сақлаб келаётган ўзбек фольклорини ўрганиш борасида фундаментал характердаги янги тадқиқотлар юзага келишига умид уйғотади.



## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Ад. – адабиётлар
АДД – Автореферат докторской диссертации
АДЖХЭИ – “Алпомиш” достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти” тўплами
АДМ – “Адабий мерос” журнали
АК – “Адабиёт кўзгуси” тўплами.
АКД – Автореферат кандидатской диссертации
АН – Академия наук
Ас. – асарлари
Автореф. – автореферат
Б. – бет
БМ – “Бухоро мавжлари” журнали
БТ – “Бошланғич таълим” журнали
БухДУ илмий ахбороти – “Бухоро давлат университети илмий ахбороти” журнали
БҲ – “Бухоро ҳақиқати” газетаси
Вестник ККФ АН РУз – “Вестник Каракалпакского филиала академии наук Республики Узбекистан
Vol. – volume
ВУЗ – высшее учебное заведение
Вып. – выпуск
Дисс. – диссертация
Докт. – докторы
ЖДПИ – Жиззах давлат педагогика институти
ЖС – “Живая старина” журнали
ЖҲ – “Жиззах ҳақиқати” газетаси
ЗВ – “Звезда Востока” журнали
ЗВОРАО – “Записки Восточного отделения Русского императорского археологического общества”
ЁЛ – “Ёш ленинчи” газетаси

ИОАИЭ – “Известия общества археологии, истории и этнографии”. Қозон университети томонидан чоп эттирилган.
ИС – “Илм сарчашмалари” журнали (Урганч давлат университети)
ИСШ – Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 1976.
ИФУ – “Илғор фан учун” газетаси (Бухоро давлат университети)
ИҲЖ – “Илм хам жамият” журнали
КГПИ – Каршинский государственный педагогический институт
КП – “Кашкадарьинская правда” газетаси
ЛБ – “Ленин байроғи” газетаси
М. – Москва
МВ – “Маяк Востока” журнали.
МВТ – “Меҳнат ва турмуш” журнали
МИ – “Маданий инқилоб”
МТ – “Мактабгача таълим” журнали
МЎ – “Маориф ва ўқитғувчи” журнали
НавДПИ – Навоий давлат педагогика институти
НамДУ – Наманган давлат университети
НМИУ – нашриёт-матбаа ижодий уйи
НП – “Наука и просвещение” журнали (Тошкентда чоп эттирилган)
НС – “Народное слово” газетаси
НҲ – “Наманган ҳақиқати” газетаси
общ. – общественных
ОНУ – Общественные науки в Узбекистане” журнали.
отд. – отделения
ПВ – “Правда востока” газетаси
ПМ – “Педагогик маҳорат” журнали
ПУ – Писатели Узбекистана. – Тошкент, 1984.
ПШ – Пўлкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1976
ПЯЛ – “Преподавание языка и литературы” журнали
РОИАМ – Республика “Оила” илмий-амалий маркази
РНМЦ – Республиканский научно-методический центр
С. – страница
Сб. – сборник
САГУ – Среднеазиатский государственный университет
САУ – “Соғлом авлод учун” журнали



СМ – “Совет мактаби” журнали
СО – “Сирли олам” журнали
СТ – “Советская тюркология” журнали
СЎ – “Совет Ўзбекистони” газетаси
СЎзМ – “Совет Ўзбекистони маданияти” журнали
СЎС – “Совет Ўзбекистони санъати” журнали
Т. – том
ТАТ – “Тил ва адабиёт таълими” журнали
ТашГИК – Ташкентский государственный институт культуры
ТВ – “Туркестанские ведомости” газетаси
ТДМИ – Тошкент давлат маданият институти
ТДПИ – Тошкент давлат педагогика институти
ТермизДу – Термиз давлат университети
ТИИМСХ – Ташкентский институт иррегации и механизации сельского хозяйства
ТЗ – “Тафаккур зиёси”, Урганч.
ТО – “Тошкент оқшоми” газетаси
ТошДУ – Тошкент давлат университети
ТП – “Ташкентская правда” газетаси
ТҲ – “Тошкент ҳақиқати” газетаси
УрДУ – Ургенч давлат университети
ФА – Фанлар академияси
ФарДУ – Фарғона давлат университети
ФИ – “Филологические исследоваания”
Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Филология фанлари номзоди диссертацияси автореферати
Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Филология фанлари номзоди диссертацияси автореферати
ФМ – “Филология масалалари” журнали (Тошкент)
ФН – “Филологические науки (вопросы теории и практики)” журнали
ФТ – “Фан ва турмуш” журнали
ФТТ. – “Филологик тадқиқотлар” илмий мақолалар тўплами
ХМАА – “Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” илмий журнали
ХС – “ Халқ сўзи” газетаси
ХФ – “Хоразм фольклори” илмий мақолалар тўплами
ХҲ – “Хоразм ҳақиқати” газетаси
Ч. – часть.

ШМ – "Шарқ машъали" журнали
ШЮ – "Шарқ юлдузи" журнали
ЭО – "Этнографическое обозрение" журнали
ЭШУДЎ – Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни. – Тошкент: Фан, 1971.
ЎАС – "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси
ЎГ – "Ўқитувчилар газетаси"
ЎзМУ – Ўзбекистон миллий университети
ЎзМЭ – "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"
ЎИФ – "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар" журнали
ЎМ – "Ўзбекистон маданияти" газетаси
ЎМТ – "Ўзбек мусиқаси тарихи" (Тошкент, 1981)
ЎО – "Ўзбекистон овози" газетаси
ЎСФМ – Ўзбек совет фольклори масалалари. – Тошкент: Фан, 1970.
ЎСЭ – "Ўзбек совет энциклопедияси"
ЎТА – "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали
ЎФМ – "Ўзбек фольклоршунослиги масалалари"
ЎХДС – Ўзбек халқ донишмандлиги сабоқлари. – Тошкент, 1993.
ЎХИ – Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967.
ЎшДУ – Ўш давлат университети
ҚА – "Қорақалпоқ адабиёти" журнали
ҚДПИ – Қарши давлат педагогика институти
ҚЎ – "Қизил Ўзбекистон" газетаси
ҚҚҲ – "Қашқадарё ҳақиқати"
ҚҲ – "Қишлоқ ҳақиқати" газетаси
ҳамк. – ҳамкорликда



## МУНДАРИЖА


МУҚАДДИМА ........ 3
Ўзбек фольклоршунослиги ва унинг тараққиёт тамойиллари ........ 8
Ўзбек фольклоршунослиги биобиблиографияси ........ 32
Бекжон РАҲМОН ........ 32
Муҳаммадиса ЭРНАЗАР ўғли ........ 33
Миёнбузрук СОЛИҲОВ ........ 36
Ғози Олим ЮНУСОВ ........ 37
Юнус РАЖАБИЙ ........ 39
ЭЛБЕК ........ 41
Ғулом ЗАФАРИЙ ........ 43
Абдулла АЛАВИЙ ........ 44
Ҳоди ЗАРИФОВ ........ 45
Отажон ҲОШИМ ........ 54
Буюк КАРИМИЙ ........ 54
Музайяна АЛАВИЯ ........ 57
Шариф РИЗО ........ 65
Мансур АФЗАЛОВ ........ 66
Расул МУҲАММАДИЕВ ........ 71
Шарифа АБДУЛЛАЕВА ........ 73
Жуманиёз ҚОБУЛНИЁЗОВ ........ 74
Чори ҲАМРО ........ 76
Файзулла КАРОМАТОВ ........ 78
Ҳошимжон РАЗЗОҚОВ ........ 82
Зубайда ҲУСАИНОВА ........ 84
Охунжон СОБИРОВ ........ 88
Зайтуна КАРИМОВА ........ 91
Ғолима МУСИНА ........ 91
Сиддиқ АСҚАРОВ ........ 92
Тожибой ҒОЗИБОЕВ ........ 95
Ғани ЖАҲОНГИРОВ ........ 100
Карима ОЛИМБОЕВА-АҲМЕДОВА ........ 102
Робиддин ИСҲОҚОВ ........ 103
Марҳабо МИРКАМОЛОВА ........ 104
Темир ОЧИЛОВ ........ 106
Субҳонқул УМАРОВ ........ 109
Ёқубжон ЖЎРАЕВ ........ 110
Абдимўмин ҚАҲҲОРОВ ........ 112
Муҳаммаднодир САИДОВ ........ 116
Комил ИМОМОВ ........ 120
Муҳсин ҚОДИРОВ ........ 132
Насрулло САБУРОВ ........ 137
Анора МЎМИНОВА ........ 139
Ғайрат ЖАЛОЛОВ ........ 140
Малик МУРОДОВ ........ 142
Муаззам МИРЗАЕВА ........ 147

Маҳмуда ОБИДОВА .................... 149
Отамурод ПИРМАТОВ................ 150
Максуд АБДУРАҲИМОВ............ 151
Сиддиқа ШОДИЕВА .................. 153
Тўра МИРЗАЕВ .......................... 154
Амин АЪЛОЕВ .......................... 178
Тўхтамурод ЗУФАРОВ ................ 178
Шамил ГАЛИЕВ ......................... 180
Камол ОЧИЛОВ .......................... 181
Тиловқул АШУРОВ..................... 183
Райимқул РАЖАБОВ .................. 186
Шаҳзода ХЎЖАЕВА.................... 187
Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ ............... 187
Асрор АБДУСАМЕДОВ............. 190
Жўрабой ХОЛИҚУЛОВ ............. 191
Оташ ХОЛМИРЗАЕВ ................. 192
Охунжон САФАРОВ .................. 194
Маманазар БОБОЕВ ................. 208
Солиҳ Муҳаммад ҲАССОС ........ 209
Тоштемир ТУРДИЕВ .................. 210
Сафарбой РЎЗИМБОЕВ............. 213
Омонулла МАДАЕВ ................... 223
Ҳайдар ОҚБЎТАЕВ .................. 226
Фарида ЙЎЛДОШЕВА .............. 227
Деҳқонбой ҚОЗОҚОВ ............... 229
Йўлдош НУРМУРОДОВ ............ 230
Баҳодир САРИМСОҚОВ ............ 231
Иброҳим БЕКМУРОДОВ ........... 238
Худойберган ЭГАМОВ ............... 240
Қаюм МАМАШУКУРОВ ........... 243
Файзулла АЙМОҚ ...................... 244
Рўзиқул МУСТАФОҚУЛОВ ...... 245
Фармон РАЙҲОНОВ .................. 247
Клара МАҲМУДОВА .................. 248
Жумабой ЮСУПОВ.................... 249
Саодат ЙЎЛДОШЕВА ................ 254
Ғуломжон АКРАМОВ................. 260
Содикжон НОСИРОВ ................. 261
Рустамбек АБДУЛЛАЕВ ........... 262
Бахтия Шамсиева ...................... 267
Тожихон СОБИТОВА .................. 268
Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ ..... 271
Ғайрат СОАТОВ ........................ 274
Собир ЖУМАНИЁЗОВ .............. 275
Раҳматулла САРИМСОҚОВ ....... 276
Дилором ТОҒАЕВА .................... 277
Марзия ҚАЛАНДАРОВА ........... 278
Абийр МУСАҚУЛОВ ................. 279
Саидкул АЛИМОВ ..................... 286
Абдиолим ЭРГАШЕВ ................ 289
Мунаввара ЁҚУББЕКОВА ......... 295
Ботир МАТЁҚУБОВ .................. 299
Қўшмурод БЕКНАЗАРОВ .......... 301
Актам Сапаров .......................... 301
Аббос ТУРСУНҚУЛОВ............... 304
Исомиддин ЁРМАТОВ .............. 306
Умрзоқ ЖУМАНАЗАРОВ ......... 308
Иқболой ДИВОНОВА ................ 317



Маматкул ЖЎРАЕВ .................. 319
Нодира ДЎСТХЎЖАЕВА ........... 355
Шомирза ТУРДИМОВ................ 356
Шорустам ШОМУСАРОВ ......... 364
Бахтиёр ЭГАМҚУЛОВ ............. 368
Гавҳар ЭШЧАНОВА................... 369
Собит АВЕЗОВ .......................... 372
Салимахон МИРЗАЕВА ............ 373
Окибатхон ИСМОНОВА ........... 378
Матлуба МУРОДОВА................ 380
Тоҳир ҲАЙДАРОВ ..................... 382
Баҳодир РАҲМОНОВ ................ 383
Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ ......... 385
Соҳибжамол МУЗАФФАРОВА . 387
Тожиддин РАҲМОНОВ ............ 388
Раҳматилла НОСИРОВ ............. 389
Гулжахон МАРДОНОВА ........... 390
Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА ........... 394
Иброҳим ТУРСУНОВ................. 395
Сайёра ҲАМДАМОВА................ 396
Алишер БОЗОРОВ...................... 398
Бахтиёр СУВОНҚУЛОВ............. 399
Маъмура СОДИҚОВА ................ 400
Клара БОЙМУХАММЕДОВА.... 401
Зебинисо УСМОНОВА............... 402
Мадамин ЭШМУРАДОВ............ 403
Ҳамид РЎЗМЕТОВ ..................... 404
Санобар ОЛЛАБЕРГАНОВА ...... 406
Маҳбуба ТЕМИРОВА................. 408
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ ............ 412
Камол ҚОДИРОВ ...................... 422
Салима ЖУМАЕВА ................... 423
Манзура НАРЗИҚУЛОВА.......... 425
Дармоной ЎРАЕВА ................... 427
Назира МАДРАХИМОВА .......... 443
Олим ҚАЮМОВ ......................... 445
Зебинисо АҲМЕДОВА .............. 448
Наргиза ҚУРАНБАЕВА ............. 449
Шаҳноза ҚАҲҲОРОВА.............. 451
Йўлдош РАҲМАТОВ ................ 452
Латифа ХУДАЙҚУЛОВА ........... 454
Фуркат НУРМАНОВ .................. 459
Барно МИРЗАЕВА ..................... 460
Муҳаббат ЖУМАНИЁЗОВА ...... 463
Хуррам РЎЗИМБОЕВ................ 465
Насиба ТУРСУНОВА ................. 468
Нозим ҚОСИМОВ ..................... 470
Абдумурод ТИЛАВОВ .............. 474
Улуғбек САТТОРОВ ................. 476
Феруза ЭШБОЕВА..................... 478
Икбол БОЛТАЕВА ..................... 479
Манзура ПИРМАТОВА ............. 480
Дилбар ХАЛИЛОВА.................. 481
Дилфуза ФАЙЗИЕВА................. 483
Дилшод РАЖАБОВ ................... 484
Насим ОЧИЛОВ......................... 487
Зафар ЖУМАЕВ ........................ 491
Динара РАҲИМБОЕВА ............. 492

Сайёра БЕКЧАНОВА .................. 493
Улуғмурод АМОНОВ .................. 496
Нигора САФАРОВА .................... 499
Меҳринисо РИЗОЕВА ................. 501
Нодира СОБИРОВА...................... 503
Ҳамза ЭШЧОНОВ ....................... 504
Феруза МАМАТҚУЛОВА ........... 505
Зоҳид ЖУМАНИЁЗОВ................. 507
Гўзал ЭГАМБЕРДИЕВА.............. 509
Зебинисо РАСУЛОВА ................. 510
Юлдуз ҚУРБОНОВА................... 513
Зуҳра ЮЛДАШЕВА..................... 514
Маҳбуба РАҲМОНОВА............... 515
Санъатжон САРИЕВ ................... 518
Ойгул АХМЕДОВА ..................... 523
Шоира РАХИМОВА .................... 525
Шерали ТУРҒУНОВ.................... 527
Венера АТАХАНОВА ................. 530
Зилола ЭШАНОВА ...................... 532
Нодира АЛЛАМБЕРГЕНОВА .... 535
Нилуфар РАИМОВА .................... 537
Моҳичеҳра РЎЗИЕВА ................. 538
Мунис ЖЎРАЕВА ........................ 541
Насиба САБИРОВА ..................... 549
Шаҳодатбону ИМОМНАЗАРОВА....................... 552
Нигора АДИЗОВА ....................... 558
Марғуба МАТҚУЛИЕВА............. 559
Нилуфар МАТЯЗОВА ................. 561
Ҳамза АЛЛАМБЕРГЕНОВ ......... 564
Тўхтамурод ҚЎЧҚОРОВ............. 566
Жамила АСҚАРОВА .................. 569
Илҳом САЙИТҚУЛОВ ............... 570

ХОТИМА ...................................... 572
ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР..... 583



**Маматқул ЖЎРАЕВ**

# ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ

**(биобиблиографик тадқиқот)**

Муҳаррир *Даврон Улуғмуродов*
Мусаҳҳиҳ *Муҳаммадрасул Бекиев*
Саҳифаловчи *Илмира Адилова*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
3996-сонли ТАСДИҚНОМА берилган.

Босишга 2021 йил 26 майда рухсат этилди.
Бичими 60x94 $^{1}/_{16}$ . Офсет қоғози.
Офсет босма усулида босилди. Times New Roman гарнитураси.
Шартли босма табоқ 37,0. Адади 200 нусха.

Оригинал макет “FIRDAVS-SHOH” нашриётида тайёрланди.
Тошкент ш., Навои, 30.

“IMPRESS MEDIA” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., массив Қушбеги, 6-уй.



## Маматқул ЖЎРАЕВ

Фольклоршунос олим Маматкул Жўраев – филология фанлари доктори, профессор, халқ оғзаки бадиий ижодининг йирик тадқиқотчиларидан бири, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими", "Шухрат" медали соҳиби.

У 1956 йилда Бухоро вилоятида туғилган. 1978 йилдан эътиборан ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида ишлаб келмоқда, ҳозир Фольклор бўлими мудири.

М.Жўраев халқ ижодиёти масалаларига оид 750 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар, 58 та китоб, шу жумладан, 16 монография, 3 та дарслик, 6 ўқув қўлланмаси ва хорижий мамлакатларда босилган 4 та китоб муаллифидир. Унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида "XX аср ўзбек фольклоршунослиги" (2017) антологияси яратилган. 2017 йилда Германияда чоп этилган ўзбек халқ сеҳрли эртакларининг 2 жилдлик каталогининг ("Typenkatalog Usbekiscer Zaubermärchen (Klassifizierung mit Kommentaren). Band I–II. – Vorabdruck, 2017. – 800 p) муаллифларидан бири. Ўзбек фольклори дурдоналарининг муҳташам жамланмаси – "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш лойиҳасининг раҳбари. Унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида мазкур юз жилдликнинг 60 дан ортиқ жилдлари тайёрланиб, 20 жилди босиб чиқарилган.

М.Жўраевнинг илмий раҳбарлигида 4 нафар фан доктори (DSc), 9 нафар фан номзоди, 9 нафар филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) тайёрланган.

«FIRDAVS–SHOH» nashriyoti

ISBN 978-9943-6697-3-4

9 789943 669734